

Кабиров А

**ҚАДИМГИ ШАРҚ
ТАРИХИ**

ТОШКЕНТ 2018

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	4
-----------------	---

І БЎЛИМ. ҚАДИМГИ МИСР ТАРИХИ

1-§ Қадимги Мисрда илк давлатларнинг ташкил топиши	14
2-§ Қадимги Миср тарихининг асосий манбалари ва тарихнавислиги.....	16
3-§ Илк подшолик даврида Миср (м. ав. XXXIII – XXIX асрлар)	41
4-§ Қадимги подшолик даврида Миср (м. ав. XXVIII-XXIII асрлар)	45
5-§ Ўрта подшолик даврида Қадимги Миср (м. ав. XXI-XVIII асрлар).....	49
6-§ Миср гиксослар ҳукмронлиги остида (м. ав. XVIII – XVI асрлар)	53
7-§ Янги подшолик даврида Миср (М. ав. XVI-XII асрлар)	56
8-§ 19-20- сулолалар даврида Миср подшолиги	60
9-§ Сўнгги подшолик даврида Миср (м. ав. XI – IV асрлар)	63
10-§ Қадимги Миср маданияти	69
11-§ Қадимги Миср фани ва диний эътиқоди	75

II БЎЛИМ. ҚАДИМГИ МЕСОПОТАМИЯ ТАРИХИ

1-§ Мамлакатнинг табиий шароитлари, аҳолиси, манбалари ва тарихнавислиги	87
2-§ Михсимон хатлар ва уларни ўқиб чиқилиши	100
3-§ Энг қадимги Месопотамия. Илк табақавий жамият шаклланишининг шарт-шароитлари	109
4-§ Месопотамия марказлашган давлатнинг ташкил топиши. Аккад подшолиги ва Урнинг III сулоласи давлати	114
5-§ Қадимги Бобил подшолиги (м.ав. XIX-XVI асрлар)	126
6-§ Оссурияда илк шаҳар-давлатларнинг ташкил топиши ва энг Қадимги Оссурия	141
7-§ Улуғ Оссур ҳарбий салтанати (м.ав. X-VII асрлар)	147
8-§ Янги оссур подшолиги даври (м.ав. X-VII асрлар)	151
9-§ Қадимги Митанни давлати	157
10-§ М.ав. II минг йиллик охири I минг йилликнинг бошларида янги Бобил	

подшолиги	164
11-§ Қадимги Месопотамия халқлари маданияти	151
12-§ Қадимги Месопотамия санъати, адабиёти ва диний эътиқоди	174

III БЎЛИМ. ЎРТАЕР ДЕНГИЗИНИНГ ШАРҚИЙ ВА ҒАРБИЙ СОҲИЛИДАГИ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР

1-§ Ўртаер денгизининг шарқий ва ғарбий соҳилининг қадимги аҳолиси тарихи ва давлатлари тарихнавислиги	180
2-§ Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги Қадимги давлатлар Қадимги Паластин	187
3-§ Қадимги Сурия ва Финикия	191
3-§ Қадимги Карфаген давлати	196
4-§ Арабистон ярим оролидаги қадимги давлатлар. Мамлакат ва унинг аҳолиси. Қадимги Арабистон манбалари ва ўрганилиш тарихи	205

IV БЎЛИМ. КИЧИК ОСИЁ ВА КАВКАЗОРТИ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИ

1-§ Қадимги Хетт подшолигининг манбалари ва тарихнавислиги	220
Кичик Осиёдаги қадимги деҳқончилик ва ибтидоий жамоа тузумининг 2-§ емирилиши. Илк давлатларнинг ташкил топиши. (м. ав. VIII – VII минг йиллик)	223
3-§ Қадимги Хетт подшолиги	226
4-§ Қадимги Троя ва Фригия подшоликлари	233
5-§ Қадимги Лидия подшолиги	237
6-§ Қадимги Ван-Урарту подшолиги	243

V БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ЭРОН ПОДШОЛИГИ ВА ЎРТА ОСИЁ

1-§ Қадимги Эронда дастлабки давлатларнинг ташкил топиши	251
2-§ Аҳамонийлар давлати	263
3-§ Қадимги Эроннинг хўжалиги ва маданияти	268
4-§ Қадимги Парфия подшолиги	273
5-§ Юнон-Бақтрия подшолиги	279
6-§ Кушон подшолиги	282

VI БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТАРИХИ

Қадимги Жанубий Осиёнинг географик ўрни, табиий шароитлари, аҳолиси,

1-§	даврлаштирилиши, асосий манбалари ва тарихнавислиги	287
2-§	Илк Ҳинд цивилизацияси (м. ав. XXIII – XVIII асрлар)	296
3-§	М. ав. XV-IV асрларда Қадимги Ҳиндистон	302
4-§	Македониялик Александр давлатининг парчаланиши	306
5-§	М. авлаги IV – I ва милодий I – IV асрларда Қадимги Ҳиндистон	310
6-§	Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми ва маданият	315

VII БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ВА ХУННЛАР ДАВЛАТИ

1-§	Энг Қадимги Хитой	322
2-§	Қадимги Шан – Инь давлати	333
3-§	Чжоу подшолиги	335
4-§	Цинь подшолиги	339
5-§	Хань подшолиги	342
6-§	Хань салтанатининг заифлашуви ва оммавий ҳаракатлар	348
7-§	Қадимги Хитой маданияти	352
8-§	Хуннлар давлати	357

VIII БЎЛИМ. ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР

1-§	Корея ярим оролидаги қадимги давлатларининг ташкил топиши	363
2-§	Жануби-Шарқий Осиёнинг қадимги давлатлари	368
	Хулоса	379
	Қадимги Шарқ тарихига оид муҳим саналар	387
	Иловалар.....	388
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	401
	Глоссарий.....	402

Муқаддима

Маълумки, Қадимги Шарқ тарихи Қадимги дунё тарихининг таркибий қисмини ташкил этиб, у Шимолий, Шимоли-Шарқий Африка, Олд, Жануби-Ғарбий, Жанубий, Марказий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг улкан ҳудудини ишғол қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, Қадимги Шарқ тарихининг даврий санаси м. ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярмидан то милодий IV аср оралиғидаги даврни ўз ичига олади. Бу улкан ҳудуд ўзининг хилма-хил табиий шароити: ер усти тузилиши, иқлими, сув манбалари, осмонўпар Ҳимолай, Помир, Ҳиндиқуш, Кунлун, Тянь-шань тоғлари, ўсимликларга ва ҳайвонот дунёсига бой бўлишлиги билан ўта қадимдан бошлаб ҳамма давр одамларнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келган.

Шарқий, Марказий, Жануби-Шарқий, Жанубий ва Ўрта Осиё илк одамзод яшаган ўлкалар қаторига кириб, олимлар бу ҳудудни антропогенез жараёни содир бўлган минтақага киради, деб ҳисоблайдилар. Бу катта ҳудудда ибтидоий жамоа тузумининг ҳамма босқичларида одамлар яшаб келганлар.

Бу улкан ҳудудда яшаган ибтидоий кишилар ўзлари учун қулай, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига бой бўлган жойларда истиқомат қилиб, дастлаб ёввойи ҳайвонларни овлаб, илдизмевали ва мевали дарахтларнинг меваларини, шунингдек, қушларнинг тухумини ва катта-кичик ҳашоратларни териб еб тирикчилик ўтказганлар.

Кейинчалик эса Шарқ дунёсининг одамлари дарё бўйларда, жилға, булок, кичик-кичик сойларнинг этакларида термачилиқдан аста – секин лойқа лиман ва қайр деҳқончилигига, сўнг эса катта – кичик дарё бўйларида илк суғорма деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Қадимги одамлар овчиликдан эса ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиб, чорвачиликка асос солганлар. Ибтидоий жамоа тузумининг неолит-янги тош даврига келиб эса ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривожлана борган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Қадимги Шарқда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши муносабати билан бу ҳудудда биринчи, иккинчи ва учинчи меҳнат тақсимоти содир бўлган.

Шу муносабат билан, яъни хўжаликнинг ривожлана бориши натижасида жамиятдаги кишилар орасида хусусий мулк, мулкий тенгсизлик ва табақаланишнинг вужудга келиши учун зарур шарт-шароит яратилади. Шу тариқа уруғчилик тузумининг емирилиши муносабати билан жамиятни бошқариш тизими шакллана бориб жойларда илк давлатларнинг ташкил топиши муносабати билан Нил, Дажла (Тигр), Фрот (Фрот), Қадимги Сайхун, Жайхун, катта-кичик дарёларнинг унумдор водийларидаги қулай табиий шароитлар м.ав. IV минг йилликдаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг вужудга келишига ёрдам берган.

Шарқшунос олим В.И.Авдиев ёзганидек Қадимги Шарқ халқлари тузумининг бошқалардан фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти – унда уруғчилик тузumi қолдиқларининг узок вақт сақланиб қолганлиги, шунингдек, қадимги жамоа, аввало оила жамоаси, кейин эса қишлоқ жамоаси қолдиқларининг мустаҳкам сақланиб қолганлигидир. Аммо ҳудудда ишлаб чиқариш кучларнинг ривожланиши ижтимоий тузумни ўзгартириб юборади. Қадимги Шарқ дунёсида металлургиянинг вужудга келиши ва ривожланиши техникани бир қадар тараққий қилдириб, қишлоқ хўжалигининг ва асосан хунармандчиликнинг ривожланишига туртки берди.

Таъкидламоқ жоизки, чорвачиликнинг деҳқончиликдан, кейинроқ хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши ҳамда хунармандчилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасида турли тармоқларнинг пайдо бўлиши кўшимча ёрдамчи ишчи кучини талаб қилган. Эндиликда хўжаликнинг ҳамма тармоғида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлинган. Бунинг учун ишлаб чиқаришга янги ишчи кучи талаб қилинганки, бунга урушларда асир тушган кишилар ва

қарздорлар қул сифатида ишлатила бошланган. Шу тариқа дастлабки қулчилик вужудга келган.

Ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорга олиб чиқиб бошқа буюмларга алмаштириш бошланган. Шунингдек, турли металлдан тангалар зарб қилинган. Аҳоли орасида айирбошлаш ишини амалга оширадиган савдогарлар пайдо бўлган. Савдогарликнинг пайдо бўлиши муносабати билан меҳнатнинг учинчи йирик ижтимоий бўлиниши содир бўлган.

Қадимги Шарқ дунёсидаги давлатларда ҳам бу жараён аста-секинлик билан амалга оширилган.

Хўжаликнинг ҳамма тармоқларида кишиларнинг эҳтиёжидан ташқари ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилган. Кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш эса қўшимча ишчи кучидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарган. Қўшимча иш кучи қабилалар ва давлатлараро бўлиб ўтган урушларда ғолиблар томонидан қўлга олинган асирлар қулга айлантирилган. Иккинчидан қашшоқ аҳоли орасида қарзга ботган кишилар ҳам қул қилиниб, хўжаликнинг ҳамма тармоқларида шафқат қилмай ишлатилган.

Хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожланиши маҳсулотларни бир ҳовуч кишилар қўлида тўплана бориши натижасида жамиятда хусусий мулк, мулкый тенгсизлик, табақаланиш янада кучайиб борган. Қарздорлик, урушларда асир тушган кишилар қул ва қулчиликнинг энг муҳим манбаи бўлган.

Шарқ дунёсининг Хитойдан Ўртаер денгизигача бўлган жойларида бирин-кетин жамиятни қуллар ва қулдорлар табақасига бўлиниши жараёни содир бўлган. Аммо қадимги Шарқда қулчилик Қадимги Юнонистон ва Римга нисбатан жуда ҳам секин ривожланган. Тарихчилар Шарқдаги бу қулчиликни “ибтидоий қулчилик” деб атаганлар. Бойлар, аслзодалар ва бадавлат савдогарлар, катта ер-мулкка эга бўлганлар, шунингдек қулдорлар билан камбағаллар ва қуллар ўртасида кучли табақавий келишмовчиликлар пайдо бўлади. Бу ҳол жамиятда давлат

ташкiлотларининг пайдо бўлишига олиб келган. Демак, давлат ва унинг ташкiлотлари мажмуаси кулдорларга куллар ва аҳолининг қашшоқ қатламининг қаршилигини ва кўзғолонларини бостириш учун зарур бўлган. Иккинчидан Қадимги Шарқда ташкил топган давлатлар ва уларнинг қўшини мамлакат мудофааси ва ўзгалар ер – мулкни босиб олиш учун ҳам хизмат қилган. Қадимги Шарқдаги бу давлатлар “шарқ деспотияси” – яъни, “мутлақ ҳокимияти”, - деб аталган. Шарқ деспотиясида бутун олий ҳокимият бутунлай подшо кўлида бўлган. Деспотизм – подшоларнинг чексиз ҳуқуққа эга бўлишлари Шарқ кулдорлик давлатларига хос хусусият бўлиб, айниқса Миср фиръавнлари ва Хитой императорлари мутлақ ҳокимликда ҳаммасидан юксак турар эдилар. Мисрдан Хитойгача, Ўрта Осиёдан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларда барча ер-сув давлат мулки ҳисобланган. Ер – мулкда оддий зироатчиларнинг ҳам хиссалари бўлган, албатта.

Қадимги Шарқда подшо, император ва фиръавнлар дин ва диний ташкiлотлар томонидан худони ердаги тимсоли, мужассаами деб эълон қилинган. Шарқда дин, унинг руҳонийлари деспотик давлатларнинг ҳимоячилари бўлишган. Шарқдаги барча деспотик давлатлар мустахкам иқтисодий ва сиёсий алоқалар негизида эмас, балки истилолар асосида итоат эттирилган айрим-айрим қабила ва халқлардан ташкил топган эдилар.

Қадимги Шарқдаги давлатларнинг халқлари турли тилларда гапирганлар. Уларнинг баъзилари ўз ёзувларини яратганлар. Қадимги Шарқ халқларининг тарихи, хўжалик фаолиятлари, уларнинг тиллари, ёзувлари, ёзма манбалари ҳамда археологик ашёларни чуқур таҳлил қилиш орқали ўрганилган ва ўрганила боради.

Шарқ тарихи мутахассисларининг фикрларига кўра бу ҳудуд аҳолиси дунёда биринчилардан бўлиб, Хуанхэ, Янцзи, Ганг, Жамна, Ҳинд, Амударё Панжоб, Фрот, Дажла, Мурғоб, Тажан, Нил ва бошқа дарё ва сойларнинг унумдор воҳаларида илк суғорма деҳқончиликка асос солганлар. Шарқда

илм-фан, халқ оғзаки ижодиёти, адабиёт, тасвирий санъат ва меъморчилик ер юзининг бошқа жойларига нисбатан анча эртароқ шаклланиб, ривож топган.

Қадимги Шарқ халқлари маданияти жаҳон халқлари маданиятининг ривожига ўзининг буюк хиссасини кўшган. Қадимги Шарқ халқлари тарихини ўрганишда Гомер, Гесиод, Геродот, Диодор, Арриан, Страбон, Берос Ҳинд, Хитой муаллифларининг асарлари жуда катта аҳамиятга эга.

Қадимги Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишда Г.Маспера, Э.Мейер, У. Жанс, Ф.Питри, Б.А.Тураев, В.В. Струве, Ф.Шампальон, Н.М.Никольский, А.Б.Ранович, Н.Д.Флиттнер, И.Г.Франк, Г.Винклер – Каменецкий, Л.Вулли, Б.Б.Пиотровский, Г.В.Церетели, Г.Капаниан, Ю.П.Францев, В.И.Авдиев, М.Э. Матье ва бошқа тарихчи олимларнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Шунингдек Қадимги Шарқ тарихи ўрганиш ишида А.А.Вига Цин, М.А.Дандамаев, Д.В.Деопарк, Г.Ф.Ильин, М.В.Крюков, В.И.Кузищин, В.М.Массон ва бошқа тарихчи олим ва шарқшуносларнинг хизматлари ҳам каттадир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Қадимги Шарқ дунёси Шимолий, Шимоли-Шарқий Африка, Олд Осиё, Эрон ясситоғлиги, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея ва Жанубий – Шарқий Осиё ҳамда булар орасидаги турли табиий муҳитга эга бўлган ҳудудларни ўз ичига олган улкан майдондан иборат бўлган. Юқорида таъкидлаганимизда таъкидлаганидек қадимги Шарқ дунёсининг табиий шароити ҳар жиҳатдан хилма-хил бўлиб, унга хос бўлган табиий шароитнинг асосий манзараси қуйидагилардан иборат бўлган.

1. Кенг дашту – чўллари ва текисликлари бўлган сувсиз, қурғоқчил ясси тоғликлар;

2. Нил, Фрот, Дажла, Ҳинд, Ганг, Жамна, Брахмапутра, Хуанхэ, Тажан, Мурғоб каби катта кичик дарёлар оқиб ўтадиган ва шу дарёларнинг суви билан суғориладиган, аллювиал ётқизикли, серҳосил, унумдор паст текисликлар;

3. Океан ва денгизларга бевосита туташган соҳил бўйи мамлакатлари;

4. Худуднинг Загрос, Кавказorti, Туркман – Хуросон, Помир, Ҳиндикуш, Ҳимолай, Шарқий Тяньшан, Тибет, Куньлун каби тоғлик вилоятлари;

5. Шарқ дунёсининг ҳар қаерида учрайдиган ва ястаниб ётган шўрхоқ чўл минтақалари.

Мазкур географик муҳитнинг биринчи кўринишига Сурияни Месопотамия билан боғлаб турувчи Сурия – Месопотамия даштлари, худуднинг катта – кичик тоғлари, Каспий бўйи даштлари, Марказий Осиё ясси тоғликлари, Ҳиндистондаги Декан, шунингдек Хитойнинг кенг тоғлик вилоятлари ва даштликларини киритиш мумкин. Географик муҳитнинг иккинчи кўринишига Буюк дарёларнинг оқизикларидан ҳосил бўлган қадимги аллювиал – ётизликли унумдор даштлар ва паст текисликлар, хусусан Мисрдаги Нил, Месопотамиядаги Фрот ва Дажла, Шимолий Ҳиндистондаги Ҳинд ва Ганг, Ўрта Осиёдаги Мурғоб ва Тажан, Амударёнинг ўрта оқими. Зарафшон дарёси водийлари, шунингдек Хитойдаги Янцзи ва Хуанхэ ва бошқа дарёларнинг водийлари киради.

Географик шароитнинг учинчи тури Нил, Фрот ва Дажла дельталари, Сурия ва Финикиянинг Ўрта денгиз қирғоқ бўйлари, Ҳиндистоннинг жанубий – ғарбий қисмидаги унумдор Малабар қирғоқлари киради.

Жойларнинг табиий шароити Қадимги Шарқда хўжаликнинг султ ёки тезроқ ривожланишига таъсир этган. Камсувли ясси тоғликларда суғорма деҳқончилик унча яхши ривожланмаган. Аксинча бу жойларда чорвачиликнинг турли тармоқлари интенсив равишда ривожлана борган.

Таъкидлаш жоизки, Қадимги Шарқнинг аллювиал водийларида тупроқнинг унумдорлиги ўтиш, табиий ўғитларнинг сероб бўлиши ва катта дарёларнинг вақти-вақти билан тошиши худудда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг эртароқ пайдо бўлишига ва ирригация иншоотлари техниканинг юксак даражада тараққий этишига имконият

берган. Бундай жараённи Ўрта Осиёнинг катта – кичик водийларида ҳам кузатиш мумкин. Денгиз бўйларидаги Сурия, Финикия ва Фаластинда ҳам шундай жараён содир бўлган ҳудудларга киради.

Қадимги Шарқнинг ўрмон ва фойдали қазилмалари бой бўлган тоғлик мамлакатларда ҳунармандчилик, айниқса металлургия ривож топган эди.

Қадимги Шарқнинг океан ва денгизга яқин Финикия, Сурия, Миср ва бошқа мамлакатларида денгиз савдоси айниқса ривож топган эди.

Қадимги Шарқ халқлари ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқларга эришиб, жаҳон маданияти хазинасига ўзининг улкан хиссаларини қўшганлар. Бир – биридан узок масофада бўлган Шарқ халқлари 12-13 минг км узунликка чўзилган “Буюк Ипак йўли” туфайли ҳар бир соҳада, хусусан маданият соҳасида ҳам бир – бирлари билан узвий алоқада бўлиб келганлар.

Мамлакатимизда, мустақиллик ва истиқлол шарофати билан тарихимиз ва жаҳон тарихига бўлган муносабат, кишилиқ маданиятига бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ўрта Осиё халқлари тарихи жаҳон ва Шарқ халқлари тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Уларни бир – биридан ажратиб ўрганиш мумкин эмас.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов айтганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”. Зеро, тарихни ўрганишга холислиқ билан ёндашув унинг ҳаққонийлиги ва илмий аҳамиятини оширади. Қадимги Шарқ тарихини ўрганишда ҳам – бу муҳим аҳамият касб этади.

Цезарь даврининг машҳур сиёсий арбоби, сенатор, машҳур нотик Марк Туллий Цицерон (м.ав. 106-43) айтганидек, “Тарихни билмаган киши умр бўйи гўдаклигича қолади”.

“Қадимги Шарқ тарихи”ни Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи билан боғлаб ўрганиш ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир.

Тарихий даврлар, унинг босқичлари, саналар ва уларнинг қадимги Шарқ тарихини ўрганишдаги ўрни.

Маълумки кишилиқ жамияти тарихи бири иккинчиси билан алмашинувчи тарихий даврларга бўлинади. Улар ибтидоий жамоа, қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги тарихий даврлардир. Бу даврларнинг ҳаммаси алоҳида – алоҳида давр, босқич ва тарихий саналарга бўлинадилар. Булар миллион йилликлар, юз минг йилликлар, ўн минг йилликлар билан, шунингдек ўн йилликлар билан белгиланади.

Олимлар тарихий саналарни м.ав. ва янги милодий йилларга бўлишни тавсия қилганлар. М. ав. саналар у ёки бу тарихий воқеани янги милодий йилнинг дастлабки санасидан ёки ҳозирги кунимиздан қанча вақт илгари содир бўлганини ҳисоблаб, ер юзида энг қадимги одамлар бундан ёки милодий йилдан 2,5 – 3 миллион йилдан бошлаб яшаётганликларини фараз қиладилар.

Милодий сана яъни биз яшаб, нафас олиб турган XXI аср, 2012 йилнинг биринчи йилидан бошланган. Бу сана Исо Масиҳ пайғамбар туғилган йилдан бошланган бўлиб, у янги милодий йил деб номланади. Бу тарихий сана бўйича биринчи асрнинг биринчи йилига тўғри келади.

М. ав. саналар катта тарихий саналар билан бошланиб 3 миллион, 2,5 миллион, 2 миллион, 1,5 миллион, 1 миллион, 900, 800, 700, 600, 500, 400, 300, 200, 100 минг йил, 90, 80, 70, 60, 50, 40, 30, 20, 10 минг йилликлар билан белгиланади.

Милодий Исо Масиҳ йили эса биринчи асрдан бошланиб, II-III, IV-V, VI-VII, VIII-IX, X-XI, XII-XIII, XIV-XV, XVI-XVII, XVIII-XIX ва ниҳоят XX-XXI асрлар билан ҳисобланади.

Қадимги дунё, хусусан Қадимги Шарқ тарихининг хусусан, Қадимги Миср тарихининг санаси м.ав. тўртинчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошланади. Қадимги Шарқ давлатлари тарихининг бошланиш санаси бир – бирларидан фарқ қилиб, ўша жойнинг географик, иқтисодий ва сиёсий шароитидан келиб чиқиб турли даврда бошланган ва якун

топган. Қадимги Шарқ халқлари тарихининг саналарини аниқлаш тарихшунос мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

Тарихий манбаларнинг аниқ саналари ёзиб қўйилган тақдирдагина улар муайян аҳамиятга эга бўладилар. Тарихчиларнинг тарих фанида бўлган воқеа ва ходисаларни замонини, даврини ва санасини аниқлаш учун икки хил хронология: мутлақ ва нисбий хронологиялар қўлланилади. Унинг биринчиси абсолют яъни мутлақ хронология бўлиб унда воқеаларнинг минг йиллиги, м.ав. учинчи, иккинчи ва биринчи минг йилликлар, яъни м. ав. XXV-XIV асрлар билан белгиланади. Александрнинг Шарққа юриши ва урушлари (м.ав. 334-325), Исроил-Яҳудий подшоси Довуднинг подшолик қилган йиллари (м. ав. 1000-965), унинг ўғли Сулаймоннинг подшолик йиллари (м.ав. 965-935) ва бошқалар. Бу тарихдаги абсолют – аниқ саналардир.

Иккинчиси нисбий хронология бўлиб, унда вақт birlikлари қўлланилмайди, балки бир воқеа иккинчи воқеадан олдин ёки кейин содир бўлгани кўрсатилиб, воқеаларнинг изчиллиги белгиланади. Нисбий хронология кўпроқ археология, геология, палеоантология, палеоклематология маълумотларига асосланади. ҳамда воқеа ҳодисанинг нисбий санасини аниқлашда қўлланилади.

Шундай қилиб Қадимги Шарқ тарихининг санасини аниқлашда кўпроқ, асосан абсолют – мутлақ хронологиядан фойдаланилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки Қадимги Шарқдаги ҳар бир давлат муайян тарихий даврларга бўлинади. Жумладан Қадимги Миср бешта, Қадимги Оссурия учта, Хетт давлати иккита, Хитой тўртта тарихий даврларга бўлиб ўрганилади. Шунингдек, ҳар бир тарихий даврда содир бўлган воқеа ходисаларнинг абсолют санаси белгиланади.

Булардан ташқари Қадимги Шарқда сулолавий даврлаштириш ҳам мавжуд бўлиб, бунда муайян оила вакилларининг давлатни мерос тариқасида бошқаруви тушунилади.

Демак, инсоният жамияти тарихида хронология ва даврлаштириш ҳамда уларнинг босқичлари орасидаги воқеа, ходисаларни ўрганиш тарихчилар учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб шарқдан ғарбга чўзилган, улкан ҳудудда жойлашган катта – кичик давлатлар ва уларда яшаган халқлар дунёнинг бошқа жойларида яшаган халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий маданиятига ўзларининг ижобий таъсирини ўтказиб келдилар.

I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ МИСР

1-§. Қадимги Мисрда илк давлатларнинг ташкил топиши

Қадимги Мисрнинг географик ўрни, табиати ва аҳолиси. Миср Шарқдаги энг қадимги деспотик давлатлардан бири бўлиб, у Африка қитъасининг шимоли-шарқий чеккасида жойлашган мамлакатдир. Нил дунёдаги энг катта дарё, узунлиги 6500 километрдан ортиқдир. У Марказий Африканинг катта кўлларида оқиб чиқадиган Оқ ва Кўк Нил дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарё тўрт шаршара-остоналардан ўтгач 700 километр масофада воҳадан оқиб ўтади ва бир неча тармоқларга бўлиниб Ўртаер денгизига қуйилади. Тошқин пайтида Нил кўпдан-кўп ўсимликлари ва турли тоғ жинсларини оқизиб келади. Оқиб келган тоғ жинсларидан дарё қип-қизил тусга киради.

Тошқин тугагач, ўсимлик чириндилари, тупроқ ва тоғ жинсларидан ҳосил бўлган зарралар сув босган жойларда чўкиб, қорамтир қуйқумлар қолдиради. Қуйқумлар қуриб серҳосил қора тупроқли ер ҳосил қилади.

Шунинг учун мисрликлар Нил воҳасини “Қора ер”, юнонлар эса “Египет” дейишган.

Мисрнинг ғарб томонида Ливия ясситоғлиги, шарқ томонида эса Араб қирлари жойлашган. Мамлакат жануби Нубия тоғлари билан ўралган. Мисрнинг шимолий чегаралари Ўртаер денгизига бориб туташади.

Миср иссиқ мамлакат, у ерда ёғингарчилик кам бўлади. Нил соҳилларида хилма-хил ўсимлик ва ёввойи мевалар, хусусан лотос, папирус ва қамишлар ўсиб ётади. Миср қадимдан ҳайвонот дунёси бой бўлиб, Нил соҳилларида шер, қоплон, буйвол, ёввойи буқа, жирафа, антилопа, тимсоҳ ва гиппопатам каби катта-кичик ҳайвонлар яшаган. Дарёда балиқ, сув ҳайвонлари, тўқайзорларда эса ҳар турли қушлар кўп бўлган. Ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар қадим замондан бошлаб ибтидоий кишиларнинг озуқа ва ов манбаи бўлган. Мисрда мис, олтин каби маъданлар ва ҳар хил тошлар кўп бўлган. Қадимги Мисрликлар ҳаётида

Нил дарёсининг аҳамияти жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Машҳур юнон тарихчиси Геродот “Миср – Нил инъоми, тухфаси” деб ёзган экан.

Қадимги Миср аҳолиси. Мисрнинг қулай географик ўрни ва бой табиий шароити қадим замондан бошлаб кишиларни ўзига жалб қилиб келган. Ибтидоий одамлар Нил воҳасига жуда қадим замонлардаёқ кириб келишган. Машҳур археолог Д.Д.Кларкнинг маълумотларига кўра Мисрда ибтидоий одамлар 80-90 минг йилдан бери яшаб келар эканлар. Аммо дарё тошқини одамларни бу ерда доимо яшашларига халақит берган. Археолог олимлар Фаюм воҳасидан бундан 25-30 минг йиллар илгари яшаган одамларнинг манзилгоҳларини топганлар. Бу ердан топилган археологик ашёлар шу давр одамлари ёғоч, қамиш, лотос ва папируслардан чайлалар қуриб яшаганлиги, тош, ёғоч ва суяклардан қуроллар ясаб овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

М.ав. VI-V минг йилликларда Мисрда аҳоли анча кўпайиб, дастлабки қишлоқлар пайдо бўлган. Антропологик маълумотларга кўра, Қадимги Мисрликлар қорачадан келган, хушқомат бўлиб, камсоқол бўлишган. Мисрга жанубдан нубияликлар, Марказий Африкадан эса паст бўйли одамлар — пигмейлар ёки лилипутлар, ғарбдан ливияликлар, шимоли-шарқдан эса гиксос каби қабилалар келиб ўрнашганлар. Кейинчалик эса Нил воҳасига ҳабашлар, оссурлар, форслар, юнонлар, македонлар ва римликлар ҳам кириб келганлар. Уларнинг кўпчилиги мисрликлар билан аралашиб, уларнинг маданияти, тили ва урф-одатларини қабул қилганлар.

Қадимги мисрликларнинг машғулоти. Қадимги мисрликлар Нил воҳасини янги тош даврдан бошлаб ўзлаштириб, ўтроқ деҳқончиликка асос солганлар. Улар оддий кетмонча – мотиға билан қайр ерга ишлов бериб буғдой, арпа, кунжут, полиз экинлари экиб, улардан мўл-ҳосил олганлар. Мисрликлар боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. Шу тариқа Мисрда деҳқончилик анча эрта ривож топган. Нил келтирган лойқа табиий ўғит туфайли Миср ерлари унумдор бўлиб ҳосилга барака берган.

Мисрликлар ит, чўчка, кўй, эчки ва қорамоллар парвариш қилганлар. Чорвачилик ва хунармандчилик ҳам анча эрта ривож топган. Шу даврларда ички ва ташқи савдо ҳам жонлана бошлаган. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида Мисрда хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланиш пайдо бўлган.

2-§. Қадимги Миср тарихининг асосий манбалари ва тарихнавислиги

Қадимги Миср тарихининг манбалари ва тарихнавислиги. Маълумки, Қадимги Миср тарихи Қадимги Шарқ тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Қадимги Миср тарихини унинг манбалари ва тарихнавислиги қўлга киритган маълумотларисиз ўрганиб бўлмайди. Қадимги Миср тарихини ўрганиш учун бу кўҳна диёрнинг замонамизгача сақланиб қолган кўпдан-кўп битиклари, ёдгорликлари биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Қадимги Миср ёзуви манбаларидаги маълумотлар, моддий маданият ёдгорликларини кўп жиҳатдан тўлдиради.

Қадимги Миср тарихининг манбалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарихнавислик билими Қадимги Шарқ тарихи, хусусан Қадимги Миср тарихини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Тарихнавислик яъни, историография – тарихий билимларни, тарих фанининг тараққиётини, тарих манбаларини ва тарихий библиографиясини ўрганадиган илмдир. Тарихий манбаларсиз ва тарихнависликсиз бирор бир мамлакат тарихини, жумладан Қадимги Миср тарихини ҳам ўрганиш мумкин эмас.

Қадимги Миср тарихига доир манбалар Қадимги Месопотамия тарихига доир манбалар сингари уч асосий қисмга бўлинади:

1. Антик – муаллифларнинг Миср ҳақида айтганлари ва ёзиб қолдирганлари.

2. Моддий маданият ёдгорликлари, шу жумладан археологик ёдгорликлар.
3. Қадимги Миср ёзуви ёдгорликлари.

Қадимги замон муаллифларининг Қадимги Миср ҳақидаги ёзганлари. Маълумки антик муаллифларнинг Қадимги Миср ҳақида ёзган асар ва эсдаликларидан озми-кўпми маълумот олиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, м. ав. VII асрдаёқ юнон савдогарлари, ёлланган аскарлар ва бошқа тоифадаги кишилар Мисрга кириб келганлар. Юнон файласуфлари ва сиёсий арбоблари Фалес, Анаксимандр, Демокрит ва Салонлар Мисрга саёҳат қилиб, Миср халқининг минг йиллар давомида тўплаган билимларини ўрганганлар. Шу боис юнон ёзувчилари – тарихчи ва географларининг асарларидан Қадимги Мисрга оид жуда кўп маълумотларни топиш мумкин.

М. ав. 485-425 йилларда яшаб ижод этган галикарниаслик Геродот ўз асарларида Қадимги Миср тарихи ва маданияти ҳақида анчагина маълумот қолдирган. У тарихда “тарих отаси” номи билан машхур бўлиб, 9 жилдлик “Тарих” асарининг иккинчи китобини бутунлай Қадимги Миср тарихига бағишлаган.

Геродот Қадимги Миср тарихи ва маданиятини мумкин қадар тўлароқ тавсифлашга ҳаракат қилган. “Тарихнинг отаси” – Геродот Нил бўйлаб мамлакатнинг шимолий чегараларидан жанубий чегараларигача саёҳат қилган. Геродот Нил водийси ва дельтасининг табиий шароитларини, Қадимги мисрликларнинг урф – одатлари, диний эътиқодларини мамлакатнинг хўжалиги ва ижтимоий тузуми тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар беради. У Қадимги Мисрнинг табиати ҳақида гапириб, Нил дарёси тошқинларининг Қадимги Мисрда дехқончилик хўжалигининг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини баён этади.

Геродотнинг ҳикоя қилишича “дарё тошиб, далаларни суғоради, суғориб бўлгач, сув қирғоқларга – ўзанга қайтади; сўнгра ҳар бир дехқон

ўз ерига уруғ сепеди ва бу ерга чўчқаларни кўйиб юбореди, чўчқалар тупрокни босиб юриб, уруғликни тупроқ билан аралаштириб юборадилар”.

Геродот мисрликлар дини ҳақида кўпгина маълумотлар бериб, мисрликлар динининг маросим хусусиятларини баён қилган. У мисрликлар муқаддас деб ҳисоблаган хўкиз, лочин, ит, мушук ва тимсоҳ каби жонворларга эътиқод қилишларини ҳам баён қилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Геродот Мисрнинг сиёсий тарихига ҳам катта эътибор бериб, у ўз асарига Миср давлатининг энг қадимги асосчиси Мина ҳақидаги ривоятни киритган.

Геродотнинг IV сулолага мансуб фиръавнларнинг халқни жуда қаттиқ жабр-зулумга дучор қилиб, пирамидалар қуришда ниҳоятда кўп одамларни ишлатганликлари тўғрисидаги ҳикояси зўр маҳорат билан баён этилган. Геродот Миср тарихининг Саис ва Форс даври (м.ав. XI-IV асрлар)га оид воқеаларни баён қилган ҳикояси анча тўғри ва муфассалдир.

Геродот Миср маданиятига юксак баҳо бериб, биринчи марта мисрликлар алоҳида тақвим тузганликларини, астрономик кузатишларга асосланиб йилни 12 ойга ажратганликларини айтади.

М. ав. 332 йилда Миср Македониялик Александр томонидан жангсиз босиб олинган. Македониялик Александр кўшинлари билан бу ерга жуда кўп македонияликлар, юнонлар кўчиб келишган. Македониялик Александр замондоши Манефон деган руҳоний ўзининг юнон тилидаги “Миср тарихи” асарини ёзган. Манефон м. ав. IV-III асрларда яшаб ижод этган тарихчилардан бири бўлиб, Миср ҳақида ёзган қадимги муаллифлар орасида алоҳида ўрин тутади. Манефон Миср коҳини – бош руҳонийси бўлганлиги туфайли, Миср ибодатхона архивларига ва кутубхоналарига бемалол кира олган. Шу боис у Қадимги Миср манбаларини яхши ўрганган. У юнон тилини яхши билган ва юнон илм-фанидан баҳраманд бўлган. Афсуски Манефоннинг Миср тарихига бағишланган асари тўлиқ ҳолда замонамизгача сақланиб қолмаган. Кейинги асрларда яшаган муаллифлар Иосиф Флавий (милоднинг I асри) ва Евсефий (милоднинг IV

асри) кабиларнинг асарларида Манефоннинг асарларидан олинган қисқа-қисқа кўчирмалар замонамизгача сақланиб қолган. Анча кейинги замонлардаги тарихчилар томонидан Манефон асари асосида тузилган ва 30 сулолага мансуб бўлган ҳамма фиръавнларнинг номлари ҳақида қисқача маълумотлар ва хронологик саналар ёзилган матн сақланиб қолган. Манефон тарихий асарининг шу кичик-кичик парчалари ҳам Қадимги Мисрнинг сиёсий тарихини ва хронологиясини тиклашда катта илмий аҳамиятга эга бўлган. Манефондан келтирилган парчада гиксосларнинг Миср устига бостириб киришлари ҳақидаги маълумот ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Манефондан кейин яшаган муаллифлар унинг асарига юксак эътибор билан қараганлар. Чунончи Синкелл Манефоннинг ўз асарларида мисрликлар тарихини ўрганишда Миср ёзувларидан манба сифатида фойдаланганлигини айтади. Жумладан Евсефий “мисрлик Манефон фақат бутун Миср тарихини эмас, балки унинг бутун теология – диний ақидалар мажмуасини ҳам юнонча шаклга солган”, – деб ёзади. Машхур шарқшунос тарихчи В.И.Авдиевнинг фикрича замонамиз тарихчилари Манефон асарларидан олинган парчаларга танқидий кўз билан қарамоқлари керак.

М. ав. I асрда яшаган, ўзининг умумий тарих тўғрисидаги асарини ёзганда юнон тарихчилари Гекатей Абдерский ва Агатархиднинг кўп асарларидан фойдаланган. М. ав. I асрда яшаган Диодор ўзигача ўтган тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб Мисрнинг табиий шароитини атрофлича баён этган. У Нехо деган Миср фиръавни Нил дарёсининг шарқий тармоқларидан канал чиқариб, уни Қизил денгиз билан туташтирмоқчи бўлганини ҳикоя қилган. Диодор ўз асарида Қадимги Миср қонунлари ва маъмурий идора тартибининг хусусиятларини баён қилар экан, Қадимги Мисрнинг деспотик – зўрликка асосланган давлат тузумини идеаллаштиради. У Миср суди, форслар давригача ўтган бешта подшонинг янги қонунлари ҳақида гапириб, мазкур қонунларни мақтаган. У Қадимги Миср маданиятига юксак баҳо бериб, Қадимги Миср

маданиятининг қадимги дунё маданиятига кўрсатган таъсирини таъкидлаб ўтади.

Диодорнинг Миср тарихининг форслар ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврларга оид воқеаларни баён қилган қисми диққатга сазовордир. Шунингдек, Диодор ўз асарида Нубиядаги олтин конлардан мисрликлар қандай фойдаланганликларини ҳам батафсил баён этган.

Диодорнинг айтишича ана шу конларда маҳкум этилган жинойтчилар “кишан солинган ҳолда, кеча-ю-кундуз тинмай ишлайдилар, улар ҳатто қочишга умид қилиш имкониятидан ҳам маҳрумдирлар, чунки улар чет эллик аскарлар назорати остидадирлар”. Бу маълумотлар Диодор Сицилийскийнинг “Тарихий кутубхона” асарида ҳам баён этилган.

М. ав. I ва милодий I асрларда яшаган юнон муаллифларидан бири Страбон ўзининг “География” асарида Қадимги Миср ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Страбон ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг асарларидан кенг фойдаланиб, Нил дарёси, унинг тошқинларини, табиий ва сунъий суғориш тизимини, Миср ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини атрофлича баён этган. У Қадимги Мисрликларнинг хўжалик ҳаёти, каналлар ва юлдузлар тизими, Фаюм воҳасининг сув таъминоти масалалари ҳақида қимматли маълумот беради. Страбон Мисрдаги зайтунчиликни, ундан ўсимлик мойи тайёрлаш йўллари ва мусалласчиликни баён этиб хўжалик жиҳатдан жуда бой бўлган Арсиной деган жойни кўрсатиб ўтади.

Страбон ўз асарида Мисрда кўшни бўлган қабилалар, хусусан Эфиопия ҳақида қимматли маълумот беради, Миср маданиятининг Юнонистонга қилган таъсирини кўрсатиб ўтади. Страбон Евдокс ва Платон каби машҳур юнон олим ва файласуфларининг узоқ йиллар Мисрда яшаганлари ва мисрлик коҳинлардан кўп нарса ўрганганликларини баён қилган. Қадимги Миср ҳақидаги маълумотлар милодий I II асрларда яшаган римлик ёзувчи Тацит ва милодий IV асрда яшаган Аммиан Марцеллин асарларида ҳам сақланиб қолган.

Мисрликларнинг диний эътиқодини ўрганишда м. 46-120 йилларда яшаб ижод этган Плутарх Херонейскийнинг “Изида ва Озирис тўғрисида” деган асари муҳим аҳамиятга эгадир. Плутарх бу асарини жуда кўп манбалар асосида ёзган.

Шундай қилиб, қадимги Юнон муаллифларининг асарлари Қадимги Миср тарихи, унинг табиати, Нил тошқинлари, хўжалиги, суғориш иншоатлари тарихи, маданияти ва диний эътиқодини ўрганишда қимматбаҳо манба бўлиб, улардан кейинги авлод тарихчилари кенг миқёсда фойдаланганлар.

Мисрда археологик текширишлар тарихидан. Қадимги дунё маданиятининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган кўхна Миср маданияти Европа ва жаҳон сайёҳлари ва олимларининг диққат эътиборини ўзига тортиб келган. Маълумки, Қадимги Шарқ маданияти билан яқиндан боғланиб ўсган қадимги Юнонистон ва Рим тарихи ҳамда маданиятини Европада Уйғониш давридан бошлаб ўрганишга киришилган. XVI асрнинг буюк файласуфи Жордано Бруно ўз асарларида Қадимги Миср маданиятига юксак баҳо берган. Ж. Бруно фикрича, қадимги яхудийлар, юнонлар ва римликлар Қадимги Миср маданиятидан баҳраманд бўлганлар.

XVIII аср ўрталарида Мисрга келиб кетган Покок, Норден ва Брюс кабилар у ердаги қадимги пирамидалар – эҳромлар ва Фива яқинидаги мархумлар водийсида беркитилган подшо мақбараларини таъриф ва тасвир этган муҳим асарлар қолдирганлар. Фарбий Европанинг ўқимишли зиёлилари Наполеон Бонапартнинг 1798 йилдаги Мисрга ҳарбий юришлари туфайли Қадимги Миср маданияти билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлганлар. Бонапарт экспедицияси таркибида турли олимлар, шу жумладан археологлар ҳам бор эди. Мазкур экспедициянинг илмий текширишлари натижасида “Миср тасвирлари”га бағишланган жуда қимматли асар нашр этилган. Мазкур асар 24 жилдлик матн, ҳамда Қадимги Миср ибодатхоналари харобаларининг расмлари, ёзувларининг

нухалари ва экспедиция катнашчилари тўплаган жуда кўп қадимги ёдгорликларни кўрсатувчи жадваллардан иборат. Ушбу асар Европага келтирилган Қадимги Миср ёдгорликларининг коллекциялари олимлар ва кенг жамоатчилик ўртасида Қадимги Миср тарихи ва маданиятига зўр қизиқиш уйғотган. Баъзи олимлар коллекциялар ичидаги Миср ёзувига қизиқиб, уни ўқиб чиқишга қизғинлик билан киришганлар. Булар орасида машхур француз филологи Франсуа Шампальон (1790-1832) фаолияти алоҳида ўринни эгаллайди. У Миср иероглифларининг ўқиш усулини топган. Ж.Ф.Шампальон ана шу кашфиёти ва бир қанча илмий асарлари билан мисршуносликка асос солган олимдир.

Напалеон Бонапартнинг Мисрга қилган юришлари вақтида топилган Розетт тошидаги икки тилда – юнон-миср тилида ёзилган ёзув Миср ёзувларини ўқиб чиқиш учун биргина асос бўлган. Мисршунослик тарихидаги ана шу биринчи давр моддий маданият ёдгорликлари, ёзувлар, расмлар ва нухалардан иборат ҳақиқий маълумотларни зўр бериб тўплаш бўлган. Шампальон ўзидан олдин ўтган олимларнинг ишини давом эттириб, Қадимги Миср тарихи ва маданиятини ўрганиш юзасидан катта режа белгилайди. У ўзининг “Мисрга абадий саёҳат лойиҳаси ҳақидаги мактуби”да Миср маданиятидан қолган моддий ёдгорликларнинг ҳаммасини шу жойнинг ўзида ўрганиш зарур деган фикрни илгари суради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ж.Ф.Шампальон Қадимги мисрликларнинг санъати, дини ва мифологияси билангина эмас, балки Нил водийсида хунар ва фаннинг тараққийси ҳамда “Фиръавнлар мамлақати”нинг сиёсий тарихи билан ҳам қизиққан. У Фива мақбараларида тасвирланган ва аҳолининг турли табақаларининг турмуши ва маишатида оид суратлардан синчиклаб нухалар олишни зарур деб билган. Бунда хусусан “этнографик бўртма тасвирлар”га, астрономик суратларга ва асосий иероглиф ёзувларига этибор бериш зарурлигини айтган. У 1828 йилда Мисрга археологик экспедиция ташкил этиб, ўзининг тузган лойиҳасини амалга оширишга муваффақ бўлган. Шампальон бу

экспедицияси билан Мисрда бир ярим йилча туриб қазиш ишларини ўтказган. Бу даврда у қадимги ёдгорликларни қазиб ўрганиб, кўп маълумот тўплаган, расмлар чизган ва ёзувлардан нусхалар олган. Ж.Ф.Шампальоннинг зўр ғайрат билан қилган ишларининг жуда қимматли самаралари, унинг ўлиmidан кейин босилган “Миср ва Нубия ёдгорликлари” деган альбомлар сериясида нашр этилган. XIX аср ўрталарида немис мисршунослари Ленсиус ва Г.Бругш катта археологик қидирув экспедициялари тузиб Мисрга борганлар. Улар биргина Мисрни эмас, балки Сурия, Фаластин, Синай ярим ороли, Нубия ва Суданни, шунингдек Мисрга ёндош вилоятларни ҳам археологик нуқтаи назардан текширганлар. Бу экспедициялар натижасида жуда кўп ёдгорликлар ўрганилиб, уларнинг маданий қатламларидан юқорида номлари зикр қилинган мамлакатлар тарихига оид жуда кўп маълумотлар тўпланган.

Бу экспедициянинг иш натижалари “Миср ва Эфиопия ёдгорликлари” деган катта ва гўзал альбомларда нашр этилган.

Ўзи ўқиб етишган ва жони-дили билан фанга берилган истеъдодли олим Мариэтт Мисрда режали равишда ва кенг кўламдаги археологик қазиш ишлари олиб борган. У Мемфис яқинидаги муқаддас ҳўкизлар – Апислар мақбараси, Саккарадаги Қадимги подшолик мақбаралари, Абидосдаги XIX сулола ибодатхоналарида қазиш ишларини олиб борган. У жуда кўп йирик ҳаробалар сақланиб қолган Қадимги Миср подшолари пойтахти Фива атрофида ҳам қазиш ишларини ўтказган.

Мариэтт Мисрда қазишмалар ва қадимги ёдгорликларни ўрганиш учун махсус бошқармани уюштиришга Коҳирада мисршунослик музейини барпо этишга ёрдам берган. Ф.Шампальон ва О.Мариэттнинг археологик ишларини машҳур француз мисршуноси Гастон Масперо (1846-1916) муносиб давом эттирган. Г.Масперо серғайрат ва тиниб-тинчимас археолог бўлиши билан бирга, чуқур билимли филолог ва ғоят зўр тарихчи ҳам эди. У V-VI сулолаларнинг Саккарадаги пирамидаларини синчиклаб текшириб, уларнинг ичига киришга ҳам муяссар бўлган. Маспера пирамидаларнинг

ички дафн хоналаридан жуда муҳим диний матн топган. Масперо бу ёзувларни “Саккара пирамидаларининг ёзувлари” номи билан нашр этган.

У Фивага яқин Дайрилбаҳрда Янги подшолик давридаги энг машҳур бир неча фиръавнларнинг мумиёсини яширин бир жойдан топишга муяссар бўлган. Масперо Мисрда қадимги ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва нашр эттириш ишларини уюштирган ва бу ишларини юксак даражага кўтарган.

XIX аср охирида махсус “Мисрни текшириш фонди” ташкил этилган. Бу фонднинг ташкил этилиши Мисрда археологик қазиш ишларининг кенг кўламда ривожланишига ёрдам берган.

XIX асрнинг охирида биринчи марта архаик давр ёдгорликларини очган Ж. Де Морган, сўнгра малика Хатшепсутнинг мағора ибодатхонасини синчиклаб текширган. Ниҳоят ўзининг бутун узоқ умрини (1856-1942) Миср ёдгорликларининг археологик жиҳатдан текширишга бағишланган инглиз археологи Флиндерс Петри Мисрда энг катта қазишлар ўтказган. У Абидосда сулолалардан илгариги даврга оид подшоларнинг мақбараларини, Фаюм воҳаси ёнида Ўрта подшолик шаҳрининг ҳаробаларини, Дафнеда ва Навкратисдаги юнон манзилларининг қолдиқларини топган ва уларни синчиклаб ўрганган.

Петри ўтказган қазишмалар натижасида фанга Қадимги Мисрнинг моддий маданияти тарихи ҳақида жуда кўп қимматли ёдгорликлари ва нодир ёзувлар кўшилган.

XX асрда Мисрда археологик қазиш ишлари тартибга солиниб, кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди.

XX асрда Миср археологиясини ўрганиш ишига Рейснер, инглиз ва француз археологларидан Перт, Генн, Лауэр, Жекье ва бошқалар ўзларининг улкан хиссаларини кўшганлар.

Маълумки, м. ав. II минг йиллик ўрталарида Миср фиръавнларининг жасадларини ҳаммага кўриниб турадиган ва талон – тарож қилиш осон бўлган пирамидаларга – эҳромларга кўммасдан, балки ҳеч ким

билмайдиган қилиб қояларга ўйиб ишланган ер ости мақбараларга кўмган эканлар. Улардан биттаси таланмай сақланган. У ҳам бўлса Фива шаҳрининг ғарб томонида, подшолар водийсидан топилган машҳур Тутанхамон (м. ав. XIV аср) XVIII сулола подшосининг мўмиёланган жасади эди. Уни 1922 йилда инглиз олимлари Т. Картер билан Карнарвонлар топишган. Бу дахманинг хужрасидан 19 ёшли касалманд йигит – Тутанхамон жасади ажойиб нафис қилиб ишланган ғоят гўзал олтин тобутга солинган экан. Бу олтин тобут яна олтин, тош ва ёғочдан ишланган еттита тобутга солинган. Тобут ичида унинг қиёфасини аниқлаш имконини берувчи олтин ниқоб ҳам бўлган.

Саккиз қават тобут ёнига бениҳоя қиммат буюмлар – нафис нақш солиб ганчдан ишланган ваза, кумуш трубалар, тиллақош, жуда кўп қимматбаҳо зийнат буюмлар, туморлар, сира қўл тегилмаган подшонинг мўмиёланган жасади ҳам сақланган.

А.Роу, Фейрмен ва бошқалар ҳам Мисрнинг турли жойларидан XVIII-XIX сулола фиръавнлари даврига мансуб кўплаб археологик ёдгорликларни топиб ўрганганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, юз йилдан ортиқ вақт ичида Мисрда ўтказилган археологик қазишлар натижасида жуда ҳам кўп моддий маданият ёдгорликлари, хилма-хил ёзувлар, санъат асарлари, меъморчилик обидалари ва диний эътиқод билан боғлиқ буюмлари ҳам топиб ўрганилди.

Археологик қазишмалар вақтида топиб ўрганилган буюмлар Қадимги Миср тарихини ойдинлаштириб, илмий мисршуносликнинг янада ривожланишига жиддий асос бўлди. Бу даврнинг яна бир улкан ютуғи Франсуа Ж.Ф.Шампальон томонидан Миср иероглиф ёзувини ўқиб чиқилиши бўлди.

Қадимги Миср ёзуви ёдгорликлари – тарихий манба сифатида. Маълумки, кейинги 200 йил давомида Мисрда олиб борилган археологик қазиш ишлари натижасида кўпгина археологик ёдгорликлар қазиб ўрганилди. Мисрдаги хилма-хил ёдгорликлар орасида худуд халқлари

тарихини ўрганиш учун энг муҳим манбалардан бири қадимий ёзув ва ёзма ёдгорликлар ҳисобланади. Бу қадимги ёзувлар шифер – яъни силлиқланган тош лавҳаларда, фил суягидан ясалган пластинкаларда, қора ёғочдан ясалган тахтачаларда ва цилиндр шаклидаги мухрларда сақланиб қолган. Бу ёзувлар орасида Нармер деган фиръавннинг ғалаба ёзуви айниқса диққатга сазовордир. Бу ёзувда подшонинг душман устидан қилган ғалабаси, аскарларнинг қалъага ҳужуми ва ҳукмдорнинг жанг майдонини томоша қилаётганини тасвирлаган. Расм ёнидаги катта шифер лавҳада сақланган. “Палермо тоши” деб аталган тошда матни сақланиб қолган қадимги йилномаларнинг бир қисми Қадимги подшолик даврига мансубдир. Мазкур йилномада Мисрнинг V сулолагача бўлган подшоларининг номлари қайд этилган ва Неусерра номи билан тугаган. Бу матни ўша даврдаги энг муҳим воқеалар ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Унда у ёки бу подшонинг ҳукмронлик йилларининг санаси ҳам айтиб ўтилган.

Миср тарихининг даврларини белгилаш учун “Турин подшолик папируси” деб аталган папирус ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу папирусда XVIII сулолага қадар ўтган Миср фиръавнларининг рўйхати, уларнинг подшолик қилган йил, ой ва хатто кунлари ҳам кўрсатилган.

Мисрда Янги подшолик даврига оид йилномалар ва тарихий матн яхши сақланиб қолган. Буларнинг кўпчилиги ибодатхона деворларига туширилган ёзувлардир. Бу жиҳатдан Карнакда худо Амонга аталган Фива шаҳри ибодатхонасининг деворларида сақланиб қолган “Тутмос III йилномаси” диққатга сазовордир. Бу йилномада Тутмос III ҳарбий юришлари, подшолик қилган ва бож олган йиллари, Миср қўшинларининг ҳаракатини, жангларини, душман лагерининг тор – мор қилинишини, Сурия шаҳарларининг қамал қилиниши ва олиниши баён қилинган.

Абу-Сумбул, Луксор ва Рамеесейдаги ибодатхоналарининг деворларидаги сақланиб қолган матнда Рамзес II подшолигининг 5 йилида

унинг Сурияга қўшин тортиб боргани, шунингдек Кадеш ёнидаги машҳур жанг ҳақида анча муфассал баён этилган. Бу матнларда подшо Рамзес II ни улуғлаш учун воқеа – ҳодисаларни бўрттириб кўрсатиш ҳолларини ҳам сезиш мумкин. Миср ҳукуматининг ташқи сиёсатини фиръавн Эхнатон бино қилдирган пойтахт Ахетатондаги давлат архиви – (Амарна архивидан) дан топилган миҳхат ҳужжатлар ҳам ёрқин тасвирлаб беради. Бу ҳужжатлар Миср фиръавнларининг Олд Осиё подшолари билан Сурия ва Фаластиндаги айрим вилоят ва шаҳарларнинг ҳокими ва ноиблари билан ёзишиб турган дипломатик хатларининг матнларидан иборатдир.

Мисрнинг Хетт давлати билан узоқ йиллар давом этган урушларидан кейин Рамзес II нинг Хетт подшоси Хаттусили III билан тузган сулҳ шартномасининг жуда яхши сақланиб қолган матни XIX сулола давридаги Миср дипломатия тарихи учун жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Мисрнинг жанубий чегараларида, Нубияда, шунингдек, Вадихамаат дарасида ва Синай ярим оролидаги қояларда ҳам қисқа – қисқа ёзувлар сақланиб қолгандирки, уларда мисрлик қўшинларнинг Нубияга, Синайга кириб борганликлари ҳақида, бу мамлакатларни истило қилганликлари, у ерлардан қимматбаҳо тош олтин, мис ва бошқа буюмлар олиб қайтганликлари баён қилинган.

Қадимги подшолик замонидан V-VI сулола ва Янги подшолик замонидан қолган, шунингдек Рамзес IV замонидаги тузилган “Гаррис папируси”нинг тарихий матнларида подшо фармонлари, унда ибодатхоналарнинг ва ибодатхона даҳаларининг ҳуқуқлари ва имтиёзлари баён этилган. Уларда ибодатхона қурилиши, подшоларнинг бу ибодатхоналарга қилган катта-катта совға-тортиқлари, шунингдек Амон ибодатхонасини қайта тикланиши қайд этилган.

Айни пайтда подшо ва шахзодаларнинг уйланиши муносабати билан ўтказилган никоҳ тантанаси, янги бир шаҳарнинг бино қилиниши ҳам ўз аксини топган.

Қадимги Мисрдан қолган юридик ҳужжатлардан Қадимги подшолик давридаги суднинг мерос тўғрисидаги иши юзасидан ёзган баённомаларини, Ўрта подшолик замонидаги Фива саройининг кириш – чиқим дафтари, Рамзес III га қарши қилинган фитна ва подшолар макбараларининг таланиши юзасидан бўлган суд жараёнларининг актларини, васиятномалар, дарҳон ерларининг восиқалари ва битимларининг матнларини, статистика рўйхатларининг парчаларини кўрсатиб ўтиш лозим. Сопол идишларга ва тош парчаларига ёзилган расмий ҳужжатларнинг матнларидан анча кўпроқ ёдгорликлар сақланиб қолган. Хусусий хатлар, ўликларга бағишлаб ёзилган мактублар, катта мансабдорларнинг таржимаи ҳоллари ёзилган матн ва ҳужжатлар мисрликларнинг кундалик ҳаётини ёритиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Макбараларнинг деворларида сақланиб қолган матнларда давлатни идора қилишнинг маъмурий тизими, ҳарбий ишлар ва суд ишларининг қандай уюштирилганлиги, Синайга, Нубияга уюштирилган ҳарбий юришлар баён этилган. Унда айрим зодагонларга подшонинг ер тортиқ қилинганлиги ёзилган.

Бани-Хасан ва Сихт номархларининг таржимаи ҳоллари ёзилган матнда Ўрта подшолик билан Янги подшолик ўртасида ўтган даврда мулкдор зодагонларнинг кучайиш жараёни, Гераклеополь подшоларининг Фива ҳокимлари билан олиб борган курашлари тасвир этилган. Айрим амалдорларнинг таржимаи ҳоли ёзилган матнларда Мисрнинг хўжалик ҳаёти ва маъмурий бошқариш тизими ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Подшолар ва шаҳзодаларнинг “насихатнома” ларида ўша даврдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва давлатни бошқариш билан боғлиқ масалалар, шунингдек камбағаллар, ҳунармандлар ва деҳқонларнинг машаққатли ҳаёти ҳам тасвирланган.

Бу жиҳатдан “Ипусер насихатномаси” билан “Нефертити насихатномаси” диққатга сазовордир. Мазкур насихатномаларда Мисрда

бўлиб ўтган катта ижтимоий тўнтариш баён этилган. Мисрдаги камбағал ва куллар кўзғолони Ўрта подшолик даврининг охирларида, мамлакатга осийлик гиксос қабилалари бостириб келган вақтга тўғри келади.

Мисрликларнинг кўшни мамлакатларга қилган саёхатлари баён қилинган папируслар машҳур “Сенухет қиссаси”, Уну-Амоннинг “Сурияга саёхати” да бадий тарзда баён этилган.

Ниҳоят тарихчи учун диний – сеҳр-афсунгарлик ёзувлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қадимги подшолик даврида қурилган пирамидалардаги матнлар подшолар ва подшолик ҳокимиятини илоҳийлаштиради ва пухта ишлаб чиқилган мафкурани тасвирлайди. Ягона қуёш худосига эътиқод қилиш жорий этилган даврда қуёш гардишининг худоси Атонга бағишлаб тузилган ажойиб мадҳия ўша замонларда катта аҳамиятга эга бўлган мазкур диний ислохотни тасвирлаш учун зарур манба бўлиб хизмат қилади. “Мархумлар китоби” бўлмиш диний тўпламда худолар ва подшоларга бағишланган мадҳиялар, маросим ва мифлар, ўлганларга ўқиладиган саҳифалар ва дуо-афсунлар, Қадимги Мисрликлар дини ва сеҳргарлигини ҳамда буларнинг асрлар бўйи қандай ривожланиб борганлигини батафсил ўрганишга имкон беради.

Шундай қилиб, Миср ибодатхоналари, саройлари, пирамидалари ва папирусларга ёзилган матнлар, шунингдек “Насихатнома” ва “Саёхатнома”лар мисрликлар тарихи, хўжалиги, ижтимоий тузуми, диний эътиқоди ва маданиятини ўрганишнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда мисршуносликнинг ривожланиши. Маълумки, XIX аср бошларигача бўлган даврда хорижий олимлар ихтиёрида Қадимги Миср тарихи тўғрисида баъзи маълумотларгина бор эди, халос.

Мисршунослик фанининг бошланиши машҳур француз олими Жак Франсуа Шампальоннинг 1822 йилда Қадимги Миср ёзуви асосидаги матнларни ўқиб чиқишидан бошланган. Ж.Ф.Шампальон Мисрда эканида

жуда кўп моддий маданият ёдгорликлари, расмлар ва ёзув матнлари тўплаган. Ж.Ф.Шампальоннинг кўпгина илмий асарлари, жумладан, “Қадимги Миср тили грамматикаси ва луғати” асари ҳам унинг вафотидан ўлгандан сўнг нашр этилган. Ж.Ф.Шампальоннинг Қадимги Миср ва Нубия тарихига оид кўп жилдли “Қадимги Миср ва Нубия ёдгорликлари” асари бу мамлакатлар тарихини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.

XIX аср ўрталарида Ж.Ф.Шампальон издошларидан бири германиялик мисршунос Р.Лепсиус Мисрга жуда катта эспедиция уюштиради. У Миср, Нил воҳаси ва унга туташ бўлган жойларда кенг кўламдаги қидирув-қазув ишларини йўлга қўяди. Бу экспедиция ишларида германиялик Г.Бругш ва бошқалар ҳам фаол иштирок этадилар. Қадимги Миср археологияси ва тарихини ўрганиш ишида франциялик Девериа, де Руже ва Шаба, италиялик Розеллини ва инглиз олимлари Берглар ҳам фаолият кўрсатадилар. Р.Лепсиус ўзининг Мисрдаги археологик қазув ишларининг натижаларини “Миср ва Эфиопия ёдгорликлари” деган асарида баён этган. Р.Лепсиуснинг буюк хизматларидан бири Миср хронологиясини ўрганиб, шу асосда Миср тарихини биринчи бўлиб даврларга бўлди. Г.Бругш эса Миср тили луғати ҳақида жуда кўп асар ёзиб нашр эттирган. Бругш Миср тарихининг биринчи умумий очеркини ёзди ва мисршунослик тўғрисида ўша замон учун фойдали бўлган маълумотномалар ва қўлланмалар тузди.

Француз археологи О.Мариэтт Мисрдаги жуда кўп археологик ёдгорликларда кенг кўламли археологик қазиш ишларини амалга оширди. У Қоҳирада ташкил этилган “Мисршунослик музейи”ни ташкил этишда фаол иштирок этди.

Археолог, филолог ва тарихчининг ишларини биргаликда қўшиб олиб бора билган Г.Масперо мисршуносликка ва Қадимги Шарқ тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. У ўзининг “Классик Шарқ халқларининг қадимги тарихи” деган катта асарида биринчи марта Қадимги Миср тарихи

ва маданиятини классик Шарқ, яъни Шимоли-Шарқий Африка ва Олд Осиёдаги бир қанча халқларнинг жуда кенг тарихий ривожланиш доирасига киритди. Г.Масперонинг улуғ хизматларидан яна бири шуки, у Қадимги Миср маданияти, тили, санъати ва динини муфассал ўрганиб, Миср дини ва санъатининг ривожланишидаги асосий даврларни белгилаб чиқди.

XIX аср охири - XX аср бошларида А.Эрман ва К.Зети мисрликлар тилини ўрганиш масалаларига бағишлаб бир қатор йирик асарлар ёзди. А.Эрман ва Граповлар эса Қадимги Миср тилининг энг катта луғатини туздилар. Мазкур луғат ҳозирги замоннинг улкан ютуқларидан бири ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, Миср тилини келиб чиқишида турли қарашлар бўлиб, баъзи олимлар уни шумерликлар тили билан, баъзилар Олд Осиё халқлари тили билан боғлайдилар. Хусусан америкалик мутахассис Г.Франкфорт мисрликлар шумерликлар ёзуви таъсири остида вужудга келган деган фикрни билдиради.

Инглиз олими А.Гардинер ва америкалик олимлар, хусусан, Д.Г.Брестед ўзларининг умумлашган асарлари билан мисршуносликка катта ҳисса қўшганлар.

Француз археологи Жак Вандье ҳам ўзининг йирик, қимматбаҳо асарлари билан мисршуносликка катта ҳисса қўшган олимдир. Мисршуносликка улкан ҳисса қўшган чех олимлари қаторига Франтишек Лекса ва Ярослав Черный каби тадқиқотчиларни қўшиш мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Мисрда маҳаллий мисршунослик мактаби шакллана бошлади. Улар машҳур мисршунос олим Г.Бругшни шогирди ва ҳамкасби, биринчи мисрлик археолог Аҳмед Камол бўлиб у устози Бругш ишини давом эттиради.

Маҳаллий мисршунослар орасида Салим Хассан ва Закариё Хоноем тадқиқотлари ҳам Қадимги Миср тарихини ўрганишда алоҳида ўрин эгаллайди. Улар Қадимги подшолик даврига мансуб мақбара ва пирамидаларни тадқиқ қилиб, ном чиқардилар.

Маҳаллий мисршунослардан А. Бакир ҳам Қадимги Миср қулчилиги масаласига бағишланган чуқур тадқиқотлари билан шуҳрат қозонди.

Миср тарихини ўрганиш бутун XX аср давомида кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу ҳаракат XXI асрда ҳам кенг кўламда давом этмоқда.

Россия олимларининг Миср тарихини ўрганишдаги ўрни. Маълумки рус ва собиқ совет олимлари ҳам Қадимги Шарқ шунингдек, мисршунослик ва Қадимги Миср тарихини ўрганишга ўзларининг улкан хиссаларини қўшдилар. Маълумотларга кўра Россияда Шарқ мамлакатлари, Шарқ халқлари, хусусан Қадимги Миср тарихи ва маданиятига қизиқиш анча эрта бошланган. Россиялик сайёҳлар, савдогарлар, элчилар ва зиёратчилар Фаластинда, Сурияда, Арабистонда, Эронда, Ҳиндистонда, Туркияда, узоқ Хитой мамлакатларида бўлганлар. Уларнинг баъзилари Мисрда ҳам бўлиб, у ерда кўрган билганлари ҳақида хотиралар ёзиб қолдирганлар. Ўз замонасининг ўқимишли кишиси М.Григорьев 1493 йилда Мисрда бўлган ва Қоҳирадаги султон саройининг тавсиф ва таърифини ёзган.

Ф.Ф.Дорохов эса XVII асрнинг 70-80-йилларда Туркияда бўлиб, “Туркия империясининг таърифи” асарини ёзган. Айти пайтда у бир қанча вақт Мисрда бўлиб, кузатишлари ва тўплаган маълумотлари асосида Қоҳира ва Искандрия шаҳарларини таъриф-тавсиф этган. В.Г.Барский деган рус сайёҳи 1727 ва 1730 йилларда Шарқнинг бир қанча мамлакатларида, шунингдек Мисрда ҳам бўлган. У ўзининг “Сайёҳат” деган асарида Қоҳира, Розетт ва Искандариядаги ҳайкалларни тасвирлаб, уларга расмлар илова қилган, уларда иероглиф ёзуви жуда аниқ акс эттирилган.

Миср иероглиф ёзувларини ўқиб чиқилиши соҳасидаги илк тажрибалар рус шарқшунослари ва бошқа соҳадаги олимларни мисршуносликка бўлган қизиқишларни кучайтирган. Миср иероглиф ёзувларининг аҳамиятига бағишланган бир қанча асарлар ёзган И.А.Гульянов Ж.Ф.Шампальон билан мунозара қилиб турган.

И.А.Гулянов ўз замонасининг билимдон олими бўлган. Ўша даврнинг истеъдотли тарихчиси Т.Н.Грановский И.А.Гуляновнинг фаолиятига юқори баҳо бериб, “унинг текширишлари жуда ҳам қизиқ ва муҳимдир” – деб ёзган.

Рус академиги А.Н.Оленин Ж.Ф.Шампальон кашфиётининг аҳамиятига юксак баҳо берган, улар бир-бирлари билан тез-тез хат ёзишиб туришган. А.Н.Оленин Миср ёзуви масалаларидан бирига бағишлаб махсус асар ҳам ёзган.

Ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бири бўлган А.С.Норов 1834-1835 йилларда Миср ва Нубияга борган.

У бу саёхатлари ҳақида жуда қизиқарли асар ёзиб уни 1840 йилда нашр эттирган. Бу асарида А.С.Норов Миср маданияти ёдгорликларини тасвир этиб, унда бир қанча тарихий масалалар, чунончи Миср маданиятининг юнон маданиятига кўрсатган таъсири ёки ўша даврдаги Миср аҳолиси урф-одатлари, қадимги маданият анъаналари каби масалаларни баён этган. А.С.Норов Т.Н.Грановский билан учрашиб уни умумий тарихдан дарслик ёзишга ундаган. Т.Н.Грановский “Умумий тарих дастурига қисқача баёни” асарида қадимги Шарқ тарихини ўрганишнинг режасини чизиб берган. Унда Хитой, Ҳиндистон ва Финикия тарихига алоҳида эътибор қаратилган. Т. Н. Грановский ўз вафотидан бир неча ой олдин, 1855 йилда дарсликнинг қадимги Шарқ халқлари тарихига бағишланган бўлимини ёзган.

Рус тарихчиларидан Адриан Прахов Мисрга саёхат қилиб, Мисрнинг қадимги ёдгорликларидан коллекция тўпланган. У 1880 йилда “Қадимги Миср меъморчилиги” асарини ёзган. Унда Қадимги мисрликларда меъморчилик усуллари шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари ёритилган.

Машҳур рус шарқшунос-мисршуносларидан яна бири академик Б.А.Тураев бўлиб, у 1868-1920 йилларда яшаб ижод этган. Унинг капитал асарларидан бири “Қадимги Шарқ тарихи” бўлиб, бу тарихий асар ғоят

кенг маълумотларни ўз ичига олган ва ҳужжатлар билан жуда яхши асосланган. Бу асарда бутун Қадимги Шарқ дунёси яхлит маданий-тарихий ҳолда акс эттирилган деб ёзади унинг шогирдларидан бири В.И.Авдиев. Б.А.Тураев ҳам мисршуносликда ўчмас из қолдирган.

Б.А.Тураевнинг мисршуносликка қўшган ҳиссаси Қадимги Миср маданий меросини Миср ва Эфиопия маданияти билан боғлаб ўрганишдан иборат бўлди. Унинг яна бир муҳим хизмати шундаки, у Москва Нафис Санъати музейидаги Шарқ ёдгорликлари бўлимини ташкил қилган ва рус музейларида йиғилган ёдгорликларни синчиклаб ўрганган. Б.А.Тураевнинг “Миср адабиёти” асари ғоят катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу асар ҳам маълумотларининг бойлиги жиҳатдан бутун дунё мисршунослик адабиётлари ичида тенги йўқ асарлар бири ҳисобланади.

Жуда қимматли маълумот эгаси бўлганлиги ва фанга чуқур муҳаббати туфайли Б.А.Тураев мисршуносликнинг И.М.Волков, А.Л.Коцейовекий, В.В.Струве, Н.Д.Флиттнер, И.Г.Франк-Каменецкий, Гессарлардан иборат бутун бир мактабини яратишга муяссар бўлди.

Яна бир машҳур рус мисршуносларидан бири 1856-1947 йилларда яшаб ижод этган В.С.Голенишев ҳисобланади. У Мисрга тез-тез саёҳат қилиб, саёҳат даврида у ерда бир қанча қазилма ишлари ўтказиб, Қадимги Миср ёдгорликларидан кўп ва қимматли коллекциялар тўплади. Бу коллекция кейинчалик Москва Нафис Санъати музейида қадимги шарқ ёдгорликлари бўлимининг негизини ташкил қилади. У Мисрда “Ҳаммамат” ёзувларини ўз жойида синчиклаб текширди.

В.С.Голенишев Стабилал-Антарда ибодатхоналарни қайта тиклаш ҳақида малика Хатшепсутнинг ва Сувайш канали ёнида Телал-Масхутдаги форс подшоси Доро I нинг ёзувларини ҳам топиб ўрганган.

У Қадимги Миср ёзувларининг турли ёдгорликларини ўрганиш, ёзиш, нашр этиш, таржима қилиш ва шарҳлаш соҳаси бўйича кўплаб асарлар ёзди. Чунончи диний сеҳр-жоду дуолари ёзилган “Меттерних лавҳаси”,

“Ҳалокатга учраган кема” тўғрисидаги ҳикоялар, “Уну-Амоннинг Сурияга саёҳати” кабилар шулар жумласидандир.

Б.А.Тураевнинг истеъдодли шогирдларидан бири В.В.Струве бўлиб, у рус шарқшунослари ва мисршунослик мактабини яратган истеъдодли тарихчиларидан бири ҳисобланади. У Қадимги Миср ва Шарқ тарихига бағишлаб жуда кўп асарлар ёзган олимдир. Бу жихатдан академик В. В. Струвенинг “История древнего Востока” (“Қадимги Шарқ тарихи”) китоби алоҳида ўринни эгаллайди. Бу ажойиб китоб муқаддимадан ташқари 34 бобдан иборат бўлиб, у бутун қадимги Шарқ халқлари тарихини ўз ичига қамраб олган китобдир. Китоб хилма-хил манба, қадимги ёзув ва археологик ёдгорликларга суяниб ёзилган. Бу нодир китоб 45 босма табоқ ҳажмда чоп этилган.

Академик В.И.Авдиев ҳам таниқли шарқшунос ва мисршунослардан бири ҳисобланади.

В.И.Авдиевнинг энг машҳур асарларидан бири “История древнего Востока” илк бор 1948 йилда, иккинчи қайта ишланган тўлдирилган нусхаси эса 1953 йилда нашр этилган бўлиб, 47 табоқдан зиёддир. Китобга жуда кўп расмлар, чизмалар ва хариталар илова қилинган. Бу китоб “Қадимги Шарқ тарихи” номи билан 1964 йилда ўзбек тилига таржима қилинган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки В.И.Авдиевнинг ушбу дарслиги ўз вақтида олий даражадаги давлат мукофотига сазовор бўлган. Таржиманинг махсус муҳаррири тарих фанлари доктори, академик Я.Ғ.Ғуломов бўлган.

Кейинги 50-60 йил ичида Қадимги Шарқ тарихи ва мисршунослик соҳасида М.А.Коростовцева, Ю.Я.Перепёлкина, М.Э.Матъе, Н.С.Петровский каби машҳур олимлар етишиб чиқдилар

Маълумки, 1974 йилда Д.Г.Редер ва Е.А.Черкасоваларнинг Ю.С.Крушкол таҳрири остидаги “Қадимги дунё тарихи” китобининг биринчи жилди таржимаси қўлланма сифатида нашр этилди. Шу

муаллифлар ёзган “История древнего мира” I жилди рус тилида 1979 йилда нашр этилди.

Шунингдек Қадимги Шарқ тарихи (История Древнего Востока) дарслиги 1979, 1988, 1999, 2002, 2009 йиллари В.И.Кузицин тахрири остида босилиб чиқди. Бу дарсликлар В.И.Авдиев, А.А.Вичагин, М.А.Дандамаев, Д.В.Дсотек, Г.Ф.Ильин, М.В.Крюков, В.И.Кузицин, В.И.Массон, Д.Г.Редер, С.С.Соловьев, И.А.Ладынин, А.А.Немировскийлардан иборат муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган.

Маълумки, 1983 йилда “История Древнего Мира” (“Қадимги дунё тарихи”)га бағишланган уч жилдлик китоб нашр этилган. Бу китоб И.М.Дьяконов, В.К.Афанасьев, И.В.Виноградов, Н.В.Казырева, Т.В.Степугина, Г.Ф.Ильин, В.А.Якобсон, Г.Г.Георгадзе, И.А.Лепис, Ю.В.Андреев, Ю.Б.Циркин, ва бошқа муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган.

Мазкур китобнинг муҳаррирлари И.М.Дьяконов, В.Д.Неронова ва И.С.Свенцицковалардан иборат бўлган. Бу дарслик асосан маърузалар тўпламидан иборатдир.

Шундай қилиб, машҳур рус ва ҳорижлик шарқшунос, мисршунос олимлар ўзларининг ноёб дарсликлари ва тадқиқотлари билан Шарқ халқлари тарихи, қолаверса Қадимги Миср тарихини ўрганишга ўзларининг улкан хиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар.

Қадимги Миср тарихининг хронологияси ва даврларга бўлиниши масаласи. Хронология – бу юнонча “chronos” (вақт), “logos” (билим, тушунча) деган маънони билдиради.

1. Хронология – бу муайян бир вақтдан бошлаб тарихни, тарихий воқеаларни ҳисоблаб бориш ҳақидаги фандир.

2. Воқеаларнинг тарихи, вақт кетма-кетлиги кўрсатиб ёзилган рўйхати рус тарихининг хронологияси саналади.

3. Воқеа-ходисаларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, яъни воқеалар хронологияси, воқеаларнинг юз беришидир.

Умуман қадимги Шарқ давлатлари тарихининг хронологиясини белгилаш қийин бўлгани сингари, Қадимги Миср тарихининг хронологиясини белгилаш ҳам анча мураккабдир. Бу қийинчилик қадимги Шарқда аниқ йил ҳисоби тизимининг бўлмаганидан келиб чиқади. Қадимги Мисрда йил ҳисоби ҳар қайси фиръавннинг подшолик қилган йилларига қараб олиб борилган ва янгиланиб турилган.

Маълум бир фиръавннинг подшолик қилган даври фалон йилида деб кўрсатилган ёзувлар, шунингдек, Миср фиръавнларининг қанча йил подшолик қилганлиги тўғрисида Манефон асарларида ва Миср йилномаларида сақланиб қолган маълумотлардир. Бу Миср подшоларининг, улар подшолик қилган йилларни тахминан аниқлаб, рўйхатларини белгилаб чиқишга имкон беради. Ниҳоят, астрономик кузатишларга асосланган Миср календарь – тақвим тизимини ўрганиш натижасида Миср хронологиясининг озми кўпми аниқ бўлган асосий нуқталарини белгилаш мумкин бўлди.

Мисрнинг расмана тақвими – календарь йили 365 кундан иборат бўлган, шунинг учун ҳар тўрт йил ичида тропик йилдан бир сутка кейинга қолиб юрган. Бу хато 1460 йилдан кейин бир йилга баравар бўлган. Демак, расмана календарь йили билан тропик йил ўртасидаги бир йиллик фарқ фақат ҳар 1460 йилда бир марта тўғирланиб борилган, яъни ҳар иккала йил ҳисоби янгидан бир кундан бошланган. Ана шу 1460 йиллик давр эллинизм замонида ҳам маълум бўлган. Бу 1460 йиллик давр астрономик кузатишлар билан, хусусан Сириуснинг эрта чиқишини кузатиб бориш билан боғланган бўлса керак. Сириус 1460 йилда бир марта Мамфес кенглигида қуёш айланиши билан ва Нилда сувнинг кўтарила бориши билан бир вақтга тўғри келган. Кейинги даврлардаги манбаларда кўрсатилишича милоднинг 139 йили шундай “Сириус даври”нинг бошланиш йили бўлган. Шундай қилиб бундан илгариги Сириус даврларининг бошланиш йиллари м. ав. 1321, 1781 ва 1441 йилларга тўғри келиши керак.

Миср ёзувларида айна бир фиръавн подшолик қилган йилнинг қайси кунда Сириуснинг чиқиши муносабати билан байрам қилинганини кўрсатувчи маълумотлар сақланиб қолганлиги туфайли ана шу куннинг аниқ санасини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлган.

Шу тариқа XII сулолага мансуб Миср фиръавни Сенусерт III нинг м. ав. 1883 йилдан то 1845 йилгача подшолик қилганлиги аниқланган. Янги подшолик замонининг баъзи саналарини ҳам шундай астрономик ҳисоблар ёрдами билан белгилаш мумкин бўлган.

Амарна дипломатик архивидан олинган ҳужжатлар Янги подшолик давридаги Миср фиръавнлари билан Бобил, Оссурия ва Хетт давлатидаги баъзи подшоларнинг подшолик қилишлари ўртасидаги баъзи синхронизмларни (замоннинг тўғри келишини) белгилашга имкон берди. Бу ҳам Миср тарихининг хронологиясини тиклашга имкон беради. Ўтмиш замонлардаёқ мисрлик тарихчи Македониялик Александр ва Доро III ларнинг замондоши Манефон Қадимги Мисрнинг бутун тарихини 30 сулолага, агарда шу рўйхатга охирги 3 нафар эронлик Миср ҳукмдори Ох, Арсес ва Доро III Кодомон қўшилса 31 сулолага бўлган эди. Бирин-кетин подшолик қилган фиръавнларнинг бирон-бир гуруҳини бир сулолага бирлаштиришар экан, бу иш шу фиръавнлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларига қараб қилинмайди, балки асосан ўша фиръавнларнинг бир жойдан келиб чиққанлиги ёки айна бир шаҳарнинг ўзида подшолик қилинганлигига қараб гуруҳланади. Манефон ўз тарихий асарларини уч қисмга бўлиб, шу билан подшолик сулолаларининг бутун рўйхатини тахминан учта ўнликка бўлади. У биринчи қисмга 1-11 сулолаларни, иккинчисига 12-19- сулолаларни, учинчисига эса 20-31- сулолаларни киритади.

Миср тарихининг биринчи марта Манефон томонидан киритилган ана шу хилда даврларга бўлиниши баъзи ўзгаришлар билан то замонамизгача сақланиб келган. Сулолаларнинг шу хилда учта ўнликка бўлиниши

Лепсиусда бутун Миср тарихини учта катта даврга, яъни Қадимги, Ўрта ва Янги подшолик даврларига бўлиб чиқиш фикрини туғдирган.

Олимлар Қадимги подшолик даврига одатда 3-6- сулолаларни, Ўрта подшолик даврига 11-12- сулолаларни, Янги Подшолик даврига эса 18-20- сулолаларни киритадилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Қадимги, Ўрта ва Янги подшолик оралиғидаги даврлар Мисрнинг иқтисодий ва сиёсий тушкунлик даври ҳисобланади.

Маълумки, 3- сулоладан олдинги даврда жуда оз ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган. Қадимги Мисрда энг қадимги кулдорлик жамияти ва мустабид давлатнинг келиб чиқиш замони бўлган. Бу даврни “архаик давр” деб аташ мумкин. Қадимги подшолик даври кучли марказлашган мустабид давлат ташкил топган замон эди. Ўрта подшолик даври Мисрнинг янгидан кучайиши билан нишонланади. Бу даврда 11-12- сулола фиръавнлари Нубия билан Сурияга ёриб ўтишга ҳаракат қилганлар. Миср маданиятининг равнақ топган ана шу замон табақавий курашининг кескинлашуви билан ҳам белгилаш мумкин.

Янги подшолик даври эса Мисрнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалишининг охири давридир. Бу даврда Миср Қадимги Шарқ дунёсидаги бошқа давлатлар ўртасида энг устун, биринчи ўринни эгаллашга интилиб, кенг истилочилик сиёсатини олиб боради ва халқаро кураш майдонига чиқади.

21-31- сулолалар даврини мамлакатнинг секин-аста тушкунликка юз тутиб борган замони деб аташ мумкин. Бу даврда Миср охир-оқибат чет эллик истилочиларга қарам бўлиб қолган.

Қадимги Миср тарихининг замонавий тарихчилар томонидан даврлаштирилиши. Маълумки дунёнинг илк маданият марказларидан бири бўлган Қадимги Мисрда табақавий жамият, илк давлат ва маданиятнинг вужудга келиши м. ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярмига бориб тақалади.

Шарқшунос олимлар илк давлатлар ва маданиятнинг Икки дарё оралиғида ёки Нил воҳасида вужудга келганлиги хусусида аниқ тўхтама келишмаган.

Миср халқи ва давлати ўз бошидан узок тарихий ривожланиш жараёнини босиб ўтган экан, уни бутунлигича ўрганиб бўлмайди. Шу боис замонавий олимлар Қадимги Миср тарихини қуйидаги тарихий даврларга бўладилар:

1. Миср тарихининг сулолагача бўлган биринчи даври. Бу м. ав. IV минг йилликнинг бошларига тўғри келиб, бу давр Мисрда уруғ жамоалари муносабатларининг бузула бошланган даврига тўғри келади.

2. Сулола ёки герзей даври бўлиб, м. ав. IV минг йилликнинг ўрталаригача бўлган даврдир. Бу даврда мамлакатда ижтимоий ўзгаришлар, суғорма деҳқончилик, суғориш иншоатлари ва илк давлатчалар – “ном”лар вужудга келади. Шу даврнинг охирида мамлакатда Юқори Миср ва Қуйи Миср подшоликлари ташкил топади.

3. Илк подшолик даври I-II сулолалар бошқаруви даври. Шунингдек, ягона Умуммиср давлатининг барпо этилиши (м. ав. XXXIII-XXIX асрлар).

4. Қадимги подшолик даврида Мисрни марказлаштирилиши. III-IV сулола подшоларининг бошқаруви. (м. ав. XXVIII – XXIII асрлар)

5. Мисрда биринчи ўтиш босқичи. (7-10- сулола, м. ав. XXIII-XXI асрлар). Марказлашган ягона Миср давлатининг алоҳида номларга – майда ҳокимликларга бўлиниб кетиши.

6. Ўрта подшолик даврида марказлашган давлатнинг қайта тикланиши. XI-XIII сулола подшоларининг фаолияти (м. ав. XXI-XVIII асрлар).

7. Иккинчи ўтиш босқичи (14-17- сулола подшолари, м. ав. XVIII-XVI аср ўрталаридаги давр). Мисрни кучсизланиши, халқ ғалаёнлари, Мисрни гиксослар томонидан истило этилиши даври.

8. Янги подшолик даврида подшоликни ва Миср маданиятининг гуллаши. (18-20- сулола подшоларининг бошқаруви. М. ав. XVI-XI асрлар). Миср салтанатининг қайта барпо бўлиши.

9. Учинчи ўтиш даври. (21- сулола, м.ав XI-X асрлар). Миср давлатининг тушкунликка учраши.

10.Сўнгги подшолик даври (м. ав. 1075-332 йиллар) Миср чет эллик сулолалар ҳукми остида. (22-25- сулола, м. ав XI-VIII асрлар). Саис сулоласи даврида Мисрни қайта тикланиши. (м. ав.VII-VI асрлар).

11.Мисрни Эрон шоҳлари томонидан босиб олинishi ва Эрон салтанатига қўшиб олинishi. (XXVIII-XXX сулола, м. ав VI аср охири – IV аср).

12.Мисрнинг Юнон-Македон салтанати ҳукмронлиги остидаги даври.

Шундай қилиб Қадимги Миср тарихи илк, қадимги, ўрта, янги ва сўнгги подшоликлар даврига бўлиниб, у ўз ичига биринчи ўтиш босқичини қамраб олади. Ўрта подшолик давридан сўнг Мисрда иккинчи ўтиш босқичи бошланади. Янги подшоликдан сўнг ҳам Мисрда учинчи ўтиш даври ҳукм сурган.

3-§. Илк подшолик даврида Миср (XXXIII – XXIX асрлар)

Мисрда дастлабки давлатларнинг ташкил топиши. М. ав. 6-5 минг йилликларда хўжаликнинг аста-секин ривожланиши натижасида Мисрда илк давлатларнинг ташкил топиши учун зарурий шарт-шароит вужудга келган. Уруғ жамоасининг сўнгги даврида уруғ жамоаларини шаклланаётган оқсоқоллар, сардорлар ва ҳарбий бошлиқлар идора этишган эди. Мисрда уруғ жамоаси емирилгач, уруғ жамоалари ўрнида дастлаб қўшни жамоалари вужудга келиб, хўжаликнинг ривожланиши натижасида илк давлатчалар пайдо бўлади. Янги вужудга келган давлатни собиқ уруғ жамоаси оқсоқоллари, ҳарбий бошлиқлар, бадавлат ва нуфузли зодагон кишилар идора қила бошлайдилар.

Дастлаб Мисрда бир неча ўн давлатчалар ташкил топган. Мисрликлар бу давлатчаларни “сепат”, юнон тарихчилари эса “ном” деб атаганлар.

Номлар атрофида қишлоқлари, далалари, маҳаллий худоси бор шаҳардан иборат бўлган. Ҳар бир номнинг ўз ҳоқими бўлиб, у юнон тилида “номарх” дейилган. Маълумотларга қараганда м. ав. IV минг йиллик бошларида ва ўрталарида Мисрда 42 та давлат бўлган. Бу даврда Юқори Мисрда 22 та, Қуйи Мисрда эса 20 та майда давлат мавжуд бўлган эди. Мемфис шаҳри Юқори ва Қуйи Миср номларининг чегарасида жойлашган эди. Ҳар бир номнинг номархи ўзининг худудидаги деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва суғориш иншоотлари қурилишига катта эътибор билан қараган. Номархлар оқсоқол, сардор ва ҳарбий бошлиқларга таяниб, жамоат, диний ва ҳарбий ишларни бошқариб турганлар. Бу давлатларда қулчиликнинг дастлабки куртаклари ҳам пайдо бўлган. Урушларда асир олинган кишилар қулга айлантирилган. Шундай қилиб жамиятни бошқарув ташкилоти сифатида илк давлатчалар вужудга келган ва ривожлана борган.

М. ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярмидаги вазият Мисрдаги майда давлатчаларни бирлаштиришни талаб этган. Кўп жангу-жадаллардан кейин Нил дарёсининг тор водийсида Юқори Миср давлати ташкил топади. Дарё тармоғининг шимолида жойлашган шаҳарчалар бирлаштирилиб Қуйи Миср давлати барпо этилган. Бу давлатлар ўз подшоларига эга бўлиб, улар мустақил иш юритганлар. Кейинчалик эса Мисрда ягона подшолик барпо этиш учун икки подшолик ўртасида кураш авж олган. Йилномачиларнинг маълумотларига кўра, Юқори Миср подшоси Нармер Қуйи Миср ерларига бостириб кирган. Нармер қўшинлари Шимолий Миср подшоси қўшинлари устидан ғалаба қозонган. Ғалабадан сўнг у 6000 кишини асирга олиб, жуда кўп бойлик, ўлжалар билан қайтган. Шундан бошлаб Мисрда ягона давлат тузиш учун кураш кучайган.

Мисрда ягона давлат тузиш учун кураш. Мисрни ягона давлат байроғи остида бирлаштириш Юқори Миср подшоси Мина (Менес) даврида амалга оширилган. М. ав. 3000 йилда Мина Юқори ва Қуйи Мисрни бирлаштириб ягона давлатга асос солган. У ягона Миср

давлатининг дастлабки подшоси сифатида биринчи сулолага асос солган подшоҳдир. Мина Қуйи Миср чегарасида Мемфис шаҳрини бино қилдириб, уни мамлакат пойтахтига айлантирган. Мина даврида Қуйи мисрликлар ўз мустақилликлари учун бир неча бор қўзғолон кўтарганлар. Аммо бу қўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилган. Мина ва унинг авлодларидан сўнг Мисрда иккинчи сулола намоёндалари подшолик қилганлар. Шу даврдан бошлаб Миср подшолари фиръавн деб атала бошланган. Бу икки сулола вакиллари идора қилган давр Мисрда “Илк подшолик даври” деб номланиб, м. ав. 3000-2800 йилларни ўз ичига олади. Ягона Миср давлатининг ташкил топиши ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган. Бу Мисрдаги дастлабки марказлашган мустабид давлат ҳисобланади.

Миср фиръавнларининг истилочилик урушлари. Илк подшолик даврида, хусусан фиръавн Жер даврида Миср қўшинлари жанубда Нубия, шимоли-шарқда Синай ярим оролига бир неча марта бостириб кирганлар. Улар бу мамлакатлардан кўплаб асир ва беҳисоб бойликлар олиб қайтганлар.

Миср қўшини қўмондонларидан бири бундай ҳикоя қилади: “қўшин қўшни мамлакатларни талаб, унинг боғлари ва узумзорларини яқсон қилиб, қишлоқларига ўт кўйиб, ўн минглаб кишиларни ўлдириб, кўплаб одамларни асир олиб, эсон-омон қайтиб келди. Бунинг учун подшо мени бениҳоя мақтади”.

Илк подшолик даврида хўжалик. Илк подшолик даврида фиръавнлар мамлакат хўжалигининг ҳамма тармоқларига катта эътибор берганлар. Ер ўзлаштириш ва суғориш иншоотларининг қурилиши кучайтирилиши туфайли деҳқончилик ривож топган. Миср деҳқонлари хўкиз қўшилган омоч билан ер ҳайдаб арпа, буғдой, зиғир ва бошқа бошоқли экинларни экиб, бу экинлардан юқори ҳосил олганлар. Мисрликларнинг асосий сув манбаи Нил дарёси бўлиб, зироатчиликнинг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этган. Экинзорлар Нил дарёси ва

Фаюм сув омборидан сув оладиган каналлар орқали суғорилган. Уларда боғдорчилик ривож топиб, шимолда узумчиликка, жанубда эса хурмочиликка катта эътибор берилган. Мамлакатда узумзорлар ва токзорлар кўпайтирилган.

Қадимги мисрликлар бу даврда чорвачиликка ҳам катта эътибор берганлар. Мисрда йирик шоҳли қорамол, қўй-эчки ва туялар боқиб парвариш қилинган.

Илк подшолик даврида ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳам ривож топган. Мисрликлар Нубия, Ливия ва Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар билан қизғин савдо-сотик ишларини олиб борганлар. Савдо-сотик ишлари қуруқлик ва сув йўллари орқали олиб борилган. Нил дарёси ва Ўртаер денгизида савдо кемалари мунтазам равишда қатнаб турган.

Мисрда табақаланиш ва қулчиликнинг кучайиши. Мисрда хўжалик аста-секинлик билан ривожланиб борган. Аҳолининг юқори табақаси фиръавн, амалдор, аскарбоши, руҳоний ва нуфузли оқсоқоллар ҳамда бойлар ҳисобланган. Аҳолининг ўртаҳол табақасини деҳқонлар, ҳунармандлар ва майда савдогарлар ташкил этарди. Мамлакат аҳолисининг анчагина қисми камбағал деҳқонлар ва қашшоқлардан иборат эди. Миср фиръавнлари урушда асир тушганларни қулга айлантирар эдилар. Дастлабки вақтларда асирлар душман сифатида ўлдириб юборилган. Шунинг учун мисрликлар уларни “мурдалар” деб аташарди. Кейинчалик эса асирга тушган кишиларни ўлдирмасдан ишлатадиган бўлдилар. Уларни деҳқончиликда, чорвачиликда, ибодатхоналарда ва қурилишларида ишлатганлар. Улар бой хонадонларнинг уйларида ҳам ишлаганлар. Улар қул қилиб сотилар, ҳарбийлар ва зодагонларга бўлиб берилар эди. Омон қолган асирларни “тирик мурдалар” дейишарди. Бу “тирик мурдалар” қуллар табақасини ташкил этиб, улар ҳеч қандай мол-мулкка ва ҳуқуққа эга эмасдилар. Қулдор қул устидан чексиз ҳуқуққа эга бўлиб, уни сотиш, жазолаш, калтаклаш ва ҳатто ўлдиришга ҳам ҳаққи бор

эди. Кулларнинг барчаси, кон қазув ишларида, канал, тўғон, иморат, йўл қуриш ишларида ишлатилар ва қишлоқ хўжалигидаги оғир ишларни бажарар эдилар. Чўри аёллар кўпроқ уй-хўжалик юмушларида ишлар эдилар. Кул эгаси кулдор дейилган. Шундай қилиб Миср дунёдаги дастлабки кулдорлик давлатларидан бири бўлган.

4-§. Қадимги подшолик даврида Миср

(м. ав. XXVIII-XXIII асрлар)

Мисрда қадимги подшоликнинг вужудга келиши ва равнақи (М. ав. XXVIII-XXIII асрлар). Юқорида таъкидлаганимиздек 1-2- сулола фиръавнлари Мисрни бирлаштиришга асос солганлар. Қадимги подшолик даври м. ав. 2800 - йилдан 2250 - йилгача давом этиб, унда 3-6- сулола фиръавнлари ҳукмронлик қилганлар. Миср фиръавнлари подшолик ерларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва марказлаштириш учун қаттиқ кураш олиб борганлар. Қадимги подшолик даврида Миср фиръавнлари бойлик орттириш мақсадида қўшни мамлакатлар устига такрор-такрор қўшин тортиб борганлар. 4- сулола подшоси Снофру жанубда Нубия, шимоли-шарқда Синай ярим ороли, Фаластинга ғарбий йўналишда эса Ливия қабилалари устига ҳарбий юришлар қилганлар. У мисга бой Синай ярим оролини Мисрга қўшиб олган. Нубиядан 7 минг асир, 200 минг чорва ва жуда кўп қимматбаҳо буюмлар олиб қайтилган. 4- сулоланинг сўнгги вакиллари давридан бошлаб мамлакатда ички қарама-қаршилик кучайган ва кўзғолонлар бошланган. 6- сулола намояндалари даврида яъни м. ав. XXIV-XXIII асрларда Қадимги Миср давлати кучсизланиб, парчалана бошлаган. Подшоликка итоат этган давлатлар мустақил бўлиш учун қаттиқ кураш олиб борганлар.

Қадимги Миср подшолари ва уларнинг амалдорлари мамлакат хўжалигини ривожлантириш учун янги ерлар ўзлаштириш, тўғон, канал ва бошқа суғориш шоҳобчаларини қуриш ишига алоҳида эътибор берганлар. Чунки Мисрдек иссиқ мамлакатларда суғорма деҳқончилик хўжаликнинг асосини ташкил этган. Миср деҳқонлари дон, дуккакли экинлар экканлар,

полиз ва сабзавотчилик маҳсулотлари етиштирганлар ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. Мисрда зироат ишларининг барча оғирликлари деҳқонлар ва куллар елкасига тушган эди.

Қадимги подшолик даврида фиръавнлар чорвачиликка катта эътибор берганлар. Улар қорамол, эчки, чўчқа, эшак ва парранда боққанлар. Деҳқончилик ва чорвачилик мисрликларнинг асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланган. Чунки чорва маҳсулотлари мисрликларни аввал гўшт, ёғ, сут-қатиқ, тери, жун ва ишчи ҳайвон кучи билан таъминлаган.

Бу даврда мисрликлар ҳунармандчилик соҳасида жиддий ютуқларга эришганлар. Мисрда мискарлик, қуролсозлик, меъморчилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари анча ривож топган эди. Шу даврда кулолчилик чархи кашф этилиб, кулолчилик янада ривожланган.

Мисрда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши натижасида ортиқча маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар ўз ихтиёрларидаги ортиқча нарсаларни ўзаро алмашганлар. Ўзаро алмашув ички ва ташқи бозорни вужудга келтирган. Мисрнинг шаҳар ва қишлоқлари орасидаги алмашув сув ва қуруқлик йўллари орқали олиб борилган. Миср шаҳарлари ва қишлоқларидан ҳар томонга савдо йўллари тарқалган эди. Нил дарёси бўйлаб шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга ҳар хил маҳсулот ортилган кемалар ва қайиқлар тинимсиз қатнаб турган. Миср савдогарлари Жанубда Нубия, Эфиопия, ғарбда ливияликлар ва шимолий-шарқда фаластинликлар, финикияликлар, Ўртаер денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар ва Мессопотамиянинг шаҳар-давлатлари билан қизгин савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, мисрлик савдогарлар ғарбда Араб қирлари орасидаги қулай сой сўқмоқларидан Қизил денгиз соҳилларигача чиқиб борганлар.

Мисрда мулкӣ тенгсизлик ва табақаланиш. Мисрда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва буюмлар алмашуви ривожланиб, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилиши натижасида буюм алмашинуви ривож топган.

Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, хунармандчилик ва савдодан келадиган даромадларнинг катта қисми фиръавнлар, руҳонийлар, саркардалар, катта ер эгаси ва йирик савдогарлар қўлида тўпланган. Шу боис улар тобора бойиб борганлар. Миср фиръавнлари қўшни мамлакатларга тез-тез урушлар уюштириб турганлар. Аксарият ҳолларда Миср қўшинлари қўшни мамлакатлардан кўплаб асир, ўлжа ва бойликлар олиб қайтганлар. Бу бойлик ва ўлжалар фиръавн ва унинг амалдорлари орасида тақсимланган. Мазкур даврда Мисрда хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланиш янада кучайган. Ўша даврда Миср аҳолиси бир неча тоифа-табақаларга бўлинган эди. Фиръавн, аъён ва руҳонийлар аҳолининг энг нуфузли кишилари ҳисобланган. Кичик амалдорлар ва жангчилар аҳолининг маълум табақасини ташкил этганлар. Деҳқонлар ва хунармандлар аҳолининг меҳнаткаш табақасини ташкил этганлар. Мисрда ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, ҳуқуқсиз кишилар ҳам бўлган. Булар аҳолининг энг қуйи табақаси – чўрилар ва қуллар эди. Миср фиръавнлари мамлакатни вазирлари, қозикалонлари, катта-кичик амалдор-аъёнлари, руҳонийлари, саркарда ва кўп сонли қўшинига таяниб бошқарганлар. Лашкарбошилар ва қўшин подшоликнинг асосий таянчи эди. Миср фиръавнлари мамлакатни марказий, вилоят ва маҳаллий ташкилотлар орқали идора қилганлар. Қадимги Миср фиръавнлари ҳукмронлик қилган қулдорлик мустабид давлати эди. Демак, фиръавнлар мамлакат бошқарувида чексиз ҳуқуққа эга эдилар. Хатто улар ўзларини илоҳийлаштириб худо даражасига ҳам кўтарганлар.

Миср эҳромлари. Қадимги Миср эҳромлари, яъни пирамидалари жаҳон меъморчилигининг энг ноёб обидаларидан бири ҳисобланади. Эҳромлар асоси уч, тўрт ва кўп бурчакли геометрик шаклда бўлиб, асоси кенг, юқори томони торайиб борган ва учбурчак шаклга эга бўлган.

Қадимги подшолик даврида Миср фиръавнлари ва аъёнлари ўзлари учун тошдан улкан сағана – эҳромлар курдирганлар.

Бу эҳромларни биздаги ва бошқа жойлардаги мақбараларга қиёс қилиш мумкин. Бундай мақбараларга вафот этган мисрлик фиръавнлар, уларнинг оила аъзолари ва амалдор-аъёнлари дафн этилган. Эҳром-мақбаралар ўзининг катталиги ва салобати билан кишини хайратга солади. Айни пайтда эҳромлар мисрлик фиръавн ва амалдорлар куч-қудратининг рамзи ҳам бўлган. Мисрда қурилган энг катта ва ҳашаматли эҳром Жосер ва Хуфу мақбарасидир. Мемфис шаҳри яқинида м. ав. 2600 йилда тўртинчи сулола фиръавни Хуфу қурдирган мақбара ўзининг улканлиги ва ҳашамати билан кишини лол қолдиради. Эҳромнинг томонлари 250 метр бўлиб, унинг атрофини айланиб чиқиш учун сайёҳ бир километр йўл босиши керак. Ўз даврида унинг баландлиги 150 метрдан зиёд бўлиб, ҳозирги ҳолати 146 метрдир. Уни қуриш учун икки миллион уч юз минг дона тарашланган тош ишлатилган. Эҳромларнинг хом ашёси **бўлган** тошлар Нил дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб чўзилган араб қирларидаги тош конларидан қазиб олинган ҳамда силлиқланиб, солларга ортилган ҳолда сув йўли билан олиб келинган. Олиб келинган тошлар пастда тарашланиб, силлиқланган. Мақбара қурилишига тарашлаб тайёрланган тошларнинг энг кичиги икки ярим тонна, каттаси эса ўн беш тоннадан иборат бўлган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича бу эҳром мақбара 25-30 йил мобайнида қурилган экан. Унинг қурилишида 100 мингдан ортиқ киши доимий равишда ишлаган. Мақбара тошлари силлиқланиб бир-бирига шундай зич қилиб терилганки, тошлар оралиғига Мисрга ташриф буюрган француз императори Наполеон Бонапарт қиличининг тиғи ҳам сиғмаган экан. Эҳромлар Қадимги Миср меъморчилигининг энг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Олимлар Хуфу мақбарасини дунёдаги етти мўжизанинг бири ҳисоблайдилар. Эҳромларни қуришда силлиқланган катта-кичик баҳайбат тош плиталарини юқорига судраш усули билан олиб чиқилган бўлса керак. Шубҳасиз, бу ишда меъморлар қўл кучи ва ишчи ҳайвонлар – хўкизлардан фойдаланган бўлсалар керак. Эҳромларга ишлатилган улкан тошларни юқорига чиқариш масаласи олимлар орасида

турли баҳсларни келтириб чиқишига олиб келган. Фикримизча тошларни юқорига олиб чиқиш учун пастдан юқорига йўғон-йўғон тўсинлардан махсус кўтарма қуриган. Тўсинларни йўниб, силлиқлаб, унга ёғ-мой сурилган ҳамда тошларни сирғантириш усули билан юқорига чиқарилиб жойлаштирилган бўлиши мумкин.

5-§. Ўрта подшолик даврида Қадимги Миср (м. ав. XXI-XVIII асрлар)

Қадимги подшоликнинг емирилиши. Миср фиръавнлари, руҳоний ва аъёнлари улкан эҳромлар, саройлар ва ибодатхоналар қурилишига кўплаб маблағлар сарф этганлар. Уларнинг кундалик турмуши ва дабдабали ҳаёти учун ҳам беҳисоб бойликлар сарф қилинарди. Ташқи мамлакатларга уюштирилган босқинчилик урушлари оддий халқ бошига оғир мусибатлар олиб келар эди. Қадимги подшоликнинг охирларига келиб мамлакатдаги ҳокимликлар — номлар (кичик давлатлар) фиръавнларга итоат этмай, мустақил бўлишга интилганлар. Солиқлар миқдорининг ортиши ва қўшимча мажбурий хизматлар оддий халқнинг сабр косасини тўлдириб, мамлакатда кўзғолонлар бошланишига сабаб бўлган.

Қадимги подшоликнинг охирларига келиб марказий ҳокимият заифлашган. М. ав. XXIII асрда мамлакат яна майда номларга бўлиниб кетган. Майда номлар эса бир-бирлари билан қонли урушлар олиб борганлар. Шу тариқа Мисрда Қадимги подшолик инқирозга учраб, мамлакатда тарқоқлик даври бошланган.

Ўтиш даврида Мисрдаги аҳвол ва Ўрта подшоликнинг ташкил топиши (м.ав. XXI – XVIII асрлар). Мисрда тарқоқлик даври м. ав. XXIII аср ўрталаригача давом этган. Бу даврда мамлакат хўжалиги ишдан чиққан. Каналлар, сув омборларини ўт, лойқа босиб, суғориш тармоқлари яроқсиз бўлиб қолган. Нил соҳилидаги унумдор ерлар ботқоқликка ва

тўқайзорларга айланган. Хунармандчилик, савдо-сотиқ ва чорвачилик ҳам издан чиққан.

Марказлашган Миср давлатининг емирилиши ва парчаланишидан кўшни қабилалар фойдаланганлар. Улар Мисрга бостириб кириб, мамлакатни вайрон қилиб, бойликларини талаб қайтганлар. Қадимги подшоликнинг маркази Мемфис ҳам инкирозга учраган ва хувиллаб қолган. Унда ҳукмронлик қилаётган 8- сулола вакиллари мамлакатни бирлаштиришнинг уддасидан чиқолмаганлар.

М. ав. XXI аср охирларига келиб Мисрни қайтадан бирлаштириш учун кураш бошланган. Мисрни янгидан бирлаштириш шимол билан жанубда бир вақтда бошланди. Шимолий Мисрдаги давлатларни бирлаштириш ишига Гераклеополь шаҳрининг ҳукмдорлари бошчилик қилганлар. Гераклеополь подшолари шимолдаги давлатларни бирлаштириб осиелик ва ливиялик кўчманчиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарганлар. Улар икки подшоликни бирлаштириб ўзларини Юқори ва Қуйи Миср подшоси деб эълон қилганлар. Аммо 9-10- сулола подшолари мамлакатни ўз қўлларида узоқ вақт сақлаб қола олмаганлар. Шундан сўнг Миср жанубида мамлакатни бирлаштириш ишига Фива ҳукмдорлари бошчилик қилганлар. 11- сулола ҳукмдори Ментухатеп Гераклеополь подшоларига қарши курашиб, Юқори ва Қуйи Мисрни бирлаштириб марказлашган Миср давлатини қайта тиклаган. Фива ягона Миср давлатининг пойтахти бўлиб қолган. Бу даврда 11-13- сулола вакиллари Мисрда подшолик қилганлар. Бу Миср тарихида Ўрта подшолик номи билан машҳур бўлган.

Ўрта подшолик даври Мисрда м. ав. 2250-1750 йилларда давом этган. Бу даврда Миср кўшинлари пиёдалардан иборат бўлган. Ўрта подшолик даврида фиръавнлар кўшни мамлакатларга талончилик ва босқинчилик юришлари қилганлар. Миср кўшини Нубия, Синай, Финикия, Фаластин ва ҳатто Фрот дарёси соҳилларигача кириб борганлар. Фиръавнлар

буйсундирилган ўлкалардан мис, олтин, кумуш, қора ёғоч, қимматбаҳо буюмлар, кўп минглаб асир ва чорва молларини ҳайдаб олиб кетганлар.

Ўрта подшолик даврида хўжалик. Мисрда марказлашган кучли давлатнинг ташкил топиши натижасида хўжалик анча ривож топган. Миср фиръавнлари янги ерлар очишга ва суғориш иншоотларини қуриш ишига катта эътибор берганлар. Фаюм воҳасидаги кўл чуқурлаштирилиб сунъий сув омборига айлантирилган. Нил дарёсидан сув омбори томон канал қазилиб унга сув келтирилган. Баланд жойларга сув чиқариш учун шодуф кашф этилиб, улардан фойдаланилган. Маълумки Қадимги Шарқ дунёсидаги Ҳиндистон, Арабистон, Эрон, Ўрта Осиё ҳавоси иссиқ мамлакатлар қаторига киради. Бу мамлакатларда зироатчилик асосан сунъий суғоришга асослангандир. Хусусан, Қадимги Миср икки сахро – Сахрои Кабир ва Сурия – Месопотамия, шунингдек, Араб сахролари орасида жойлашган мамлакатдир.

Гарчи Миср ерларидан дунёдаги энг буюк дарё – Нил (6500 км) оқиб ўтишига қарамай деҳқончилик қилинадиган далаларни сув билан суғориш муаммо бўлиб келган. Чунки Нил дарёсининг ўзани анча чуқур бўлиб, экин майдонларига сув чиқариш анча мушкул бўлган. Каналлардаги сув сатҳи кўпинча далалар сатҳидан анча пастда бўлган. Шу сабабли Шарқда, хусусан Қадимги Мисрда сувни пастдан юқорига узатиш чораси кўрилган. Сувни юқорига узатишнинг энг қадимги кўл усули Миср типи –шодуфлар бўлиб, улар қадимий Мисрда, Месопотамияда ва Ҳиндистондашодуф кенг тарқалган эди. Шодуф бир устун, устунга боғланган ёғоч дастак қовға (меш, пақир)дан иборат. Шодуф дарё, канал бўйига ёки қудуққа қурилади. Дастакнинг қовға – меш томони сувга ботирилиб, дастакнинг тош осилган орқа томони босилади ва қовғали сув юқорига кўтарилиб, тарновли ҳовузга қуйилади. Ҳовузга қуйилган сув тарнов орқали экинзорларга қуйилади. Шунини таъкидлаш керакки, сув сатҳи паст бўлиб, экин майдонлари баланд бўлса, шодуфлар баландликка қараб бир нечта ерга ўрнатилган. Чунончи биринчи шодуф ўз сувини 2 шодуфга, иккинчиси эса

учинчининг ховузига куйган. Шодуфни харакатга келтириш учун унда икки киши ишлаган. Баъзан шодуфда навбат билан бир неча киши ишлаган бўлиши мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шодуф ёрдами билан бир соатда икки метр баландликка 3400 литр, уч метр баландликка 2700 литр, тўрт метр баландликка эса 1800 литр сув чиқариш мумкин экан. Меҳнатни енгиллаштириш ва шодуфлар ишини тезлаштириш учун уларни бир неча қаватли қилар эдилар. Шодуф дастаги 1,5 метрдан ортиқ бўлмаган, шодуфлар чуқурликдаги кудукдан, ариқ, канал, дарёдан сув олиб, бир поғона юқорида бўлган ховузга куяр, ундан юқоридагилари ҳам худди шундай куйилиб бориб, ниҳоят сув бироз баландликка чиқарилгач, деҳқонлар катта – катта экинзорларни ва боғларни суғорганлар. Шодуф Миср ирригаторлари томонидан Ўрта подшолик даврида, м.ав. 1750 – 1600 йиллар орасида кашф қилинган. М.ав. 285-212 йилларда яшаган машҳур юнон физиги ва олими Архимед Миср чиғирини такомиллаштирган экан. Шу тариқа Мисрда деҳқончилик анча ривожланган. Воҳа атрофида чорвачилик ҳам ривож топган. Миср шаҳарлари ва қишлоқларида ҳунармандчилик, хусусан шишасозлик ҳам шу даврда ривож топиб ички ва ташқи савдо тараққий этган. Миср савдогарлари Финикия, Фаластин, Нубия, Кичик Осиё ва Икки дарё оралиғидаги мамлакатлар билан қизғин савдо – сотиқ ишларини олиб борганлар. Савдо ишлари асосан куруқлик ва сув йўллари орқали амалга оширилган. Ўрта подшолик даврида Фаюм воҳасида Иттаун шаҳри курилиб, у айнаи вақтда фиръавнларнинг қароргоҳига айланган. 12- сулола даврида Миср Шарқдаги энг қудратли давлатга айланган.

Ўрта подшоликнинг тушкунликка учраши, камбағаллар ва қуллар қўзғолони. М. ав. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта подшолик тушкунликка юз тутди. 13- сулола давридан бошлаб Мисрда ўзаро урушлар бошланиб тушкунлик яна кучаяди. Мамлакатдаги ички низолар, солиқлар ва фиръавнларнинг босқинчилик урушлари меҳнаткаш халқ ва қулларнинг аҳволини янада ёмонлаштириб юборади. Тож-тахт

учун кураш кизгин тус олиб, фиръавнлар тез-тез алмашилиб турганлар. Мисрдаги тушкунликдан кўшни мамлакатлар фойдаланиб, бирин-кетин Мисрга бостириб кирадилар. 13- сулола подшолари эса кўшни қабилаларнинг хужумини қайтара олмайдилар. Ички уруш-жанжаллар ва кўшни қабилаларнинг хужумлари мамлакат хўжалигига ҳам катта зарар келтиради. Мамлакатдаги қийинчиликларнинг барча оғирлиги оддий меҳнаткаш халқ ва қуллар елкасига тушар эди.

Оғир жабр-зулм ва қийинчиликлардан сабр косалари тўлган меҳнаткаш халқ м. ав. 1750 йилда кўзғолон кўтаради. Кўзғолонда жабрдийда қуллар ҳам фаол иштирок этадилар. Бу кўзғолон бутун подшоликни камраб олиб мамлакатни ларзага келтирган.

Мисрдаги бу воқеалар ўша вақтда яратилган “Ипусер сўзлари” деган ёзма битикда ўз ифодасини топган. Бу битик муаллифи йирик мансабдор шахс бўлган. У халқ оммаси ва қуллар кўзғолонига нафрат билан қараган. “Ипусер сўзлари”даги маълумотларга қараганда деҳқонлар, камбағаллар ва қуллар, зодагон ва аъёнларга қарши бош кўтарганлар. Кўзғолончилар зодагон ва аъёнларнинг уйларига бостириб кириш мол-мулкларини талон-тарож қилганлар.

“Ипусер сўзлари”да кўзғолоннинг оқибати нима билан туггани баён этилмаган. Кейинчалик кўзғолон бостирилган бўлса керакки, Мисрда фиръавнлар ҳокимияти қайта тикланган. Кўзғолон бостирилгани билан, оддий халқ ва қуллар золимларга қарши кўп марта бош кўтарганлар.

6-§. Миср гиксослар ҳукмронлиги остида

(м. ав. XVIII – XVI асрлар)

Гиксослар ҳақида умумий маълумот. Қадим замонларда Арабистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги даштларда семит-хамит ва хуррит наслидан бўлган кўчманчи гиксос қабилалари яшар эдилар. Улар турли уруғ ва қабилалар бирлашмасидан ташкил топган бўлиб, асосан даштларда яшаб, қўй, эчки, қорамол ва йилқичилик билан шуғулланганлар. “Гиксос” сўзи аслида мисрча бўлиб, “хека хасут” деган сўздан келиб

чиққан. Бу сўз “чўпонларнинг ҳокимлари”, “чўл мамлакатининг ҳукмронлари” деган маънони билдирар экан. Гиксослар кўчманчи чорвадор қабилалар бўлиб, хўжалик ва маданият даражаси жиҳатидан мисрлик ёки Месопотамияликларга қараганда анча қолақ, паст бўлишган. М. ав. XIX асрда Арабистоннинг шимоли-ғарбида гиксосларнинг харбий иттифоқи ташкил топади. Улар Синай ярим ороли, Фаластин ва Сурия даштининг катта қисмини босиб оладилар. Мегиддо ва Кадеш шаҳарларини ҳам ўзларига итоат эттирадилар.

Гиксосларнинг Мисрға бостириб кириши. М.ав. XVIII аср ўрталарига келиб Миср подшолиги заифлашиб, бир нечта майда номларга бўлиниб кетади. Мисрнинг заифлашиб кетганлигидан фойдаланиб гиксослар ҳам Қуйи Миср ерларига кириб келадилар. Улар дастлаб Мисрдаги майда подшоларга хизматга кириб, хизматлари эвазига ер-мулклар оладилар ва катта-катта вилоятларни бошқара бошлайдилар. Дастлаб гиксослар мамлакатга тинчлик билан кириб келиб жойлашганлар. Кейинчалик эса Қуйи Мисрни бутунлай босиб олганлар. Улар Қуйи Мисрда ўрнашиб олганларидан кейин, Нил дарёси тармоғининг шарқий қисмида Аварис шаҳрини барпо этиб, уни пойтахтга айлантирганлар. Улар шу шаҳардан туриб мамлакатни бошқарганлар. Гиксослар Мисрға кириб келар эканлар мисрликлар маданияти ва хўжалигида эришган ютуқларидан фойдаланганлар.

Гиксослар мисрликлардан кўп нарсаларни ўрганганлар. Айни пайтда улар Мисрға отлик қўшин ва от қўшилган икки ғилдиракли жанг араваларини ҳам олиб келганлар. Гиксослар келгунича мисрликлар отни ҳам, от қўшилган жанг араваларини ҳам билмас эдилар. Гиксосларнинг кириб келиши муносабати билан Мисрда йилқичиликка катта эътибор берилган. Миср яйловларида уюр-уюр йилқилар, қулунлар боқилиб, парвариш қилинган. Кейинчалик эса мисрликлар гиксосларнинг от қўшилган жанг араваларини ҳам ўзлаштирганлар. Гиксослар Мисрда м. ав. 1710 йилдан то 1560 йилгача қарийб 130 йил ҳукмронлик қилганлар. Шу

йиллар давомида 15-16- сулолага мансуб подшолар гиксослардан эди. Гиксос подшолари Аварисдан туриб мамлакатни бошқарганлар. Аммо Миср жанубидаги Фива номи ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Гиксос подшоси Хиан даврида подшолик кучаяди. Шу даврда Фаластиннинг катта қисми, Крит ороли ва бошқа жойлар гиксосларга итоат этиб бож тўлар эди.

Хиан даврида Мисрда деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик сезиларли даражада ривожланади. Бу даврда савдо-сотик анча раванк топади. Миср савдогарлари Крит ороли, Сурия, Фаластин, Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги шаҳар-давлатлар билан қизгин савдо ишларини олиб бордилар. Хиан вафотидан сўнг гиксослар давлати заифлаша бошлайди ва тушкунликка юз тута бошлайди.

Мисрдан гиксосларнинг кувиб чиқарилиши. М. ав. XVI аср бошларидан Мисрда озодлик, мустақиллик учун кураш бошланади. Мустақиллик учун курашга 17-сулолага мансуб Фива подшолари бошчилик қиладилар. Босқинчиларга қарши озодлик кураши Фива подшоси Камесу даврида кучаяди. Камесу мамлакатдаги амалдорларни саройига чақириб, уларга гиксосларни Мисрдан ҳайдаш вақти етганлигини тушунтиради.

У амалдорлар олдида нутқ сўзини сўзлаб, охирида “Менинг мақсадим Мисрни босқинчилардан қутқариш ва осиеликларни ер билан яксон қилишдир”, - деб хитоб қилади.

Камесу бошлаган кураш озодлик урушига айланади. Оғир жанглардан сўнг Миср қўшинлари гиксослар устидан ғалаба қозонадилар. Озодлик учун бўлган жанглар вақтида Камесу жуда кўп тан жароҳати олади. Ўша вақтдаги солномаларда Камесу Мисрни гиксослар зулмидан озод қилиш учун кураш олиб борган қаҳрамон сифатида мадҳ этилади.

Камесудан сўнг унинг укаси Яхмос I қўшинлари гиксосларни мамлакатдан бутунлай улоқтириб ташлайди. Яхмос I қўшинлари Фаластин жанубидаги Шарухен қалъасига келиб жойлашган гиксосларни уч йиллик

камалдан сўнг бўйсундиради. Жанглар давом этиб, Миср кўшинлари Фаластин, Финикия ва Суриянинг кўп жойларини истило қилганлар.

Миср кўшинларининг ғолибона жанглари натижасида Миср гиксослардан озод қилинган. Шу билан Мисрдаги Гиксослар давлати емирилиб барҳам топган, Миср яна маҳаллий сулола намоёндалари бошқарадиган мустақил давлатга айланади.

7- §. Янги подшолик даврида Миср (М. ав. XVI-XII асрлар)

Мисрда Янги подшоликнинг ташкил топиши ва кучайиши. Гиксослар мамлакатдан қувилгач, Мисрда Янги подшолик даври бошланган. Бу подшолик м. ав. 1554 йилдан 1075 йилгача давом этиб, унда 18-20- сулоладан чиққан фиръавнлар Миср подшолигини бошқарганлар.

Бу даврда подшоликнинг чегараси анча кенгайган. У жанубда Нубияга, шимол ва шимоли-шарқда Ўртаер денгизининг шарқий соҳилларигача бўлган ерларни эгаллаган эди. Янги подшоликнинг кучайиши муносабати билан хўжалик янгидан ривож топган. Янги ерлар очилиб, сув омборлари, каналлар таъмирланиб, янгилари қурилган. Дехқончиликда ишлатиладиган меҳнат қуроллари такомиллаштирилган. Қишлоқ хўжалигида қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мисрда суғорма деҳқончилик қилинадиган ерларнинг катта қисми фиръавн, саркардалар, руҳонийлар ва зодагонларга тегишли бўлган. Озод Миср деҳқонлари – “фаллоҳлар” ҳам озми-кўпми ўз ерларига эга бўлганлар. Дехқончиликда буғдой, арпа, кунжут, шоли экилган. Бу даврда Мисрда хурмо, зайтун, узум, шунингдек полиз экинлари ҳам экилган ва улардан мўл ҳосил олганлар.

Хунармандчилик ва савдо-сотик. Янги подшолик даврида хунармандчилик ҳам анча ривож топган. Темирчилик, ёғочсозлик, кўнчилик, бинокорлик, кулолчилик, тўқимачилик, заргарлик, қуролсозлик, кемасозлик ва бошқа касб-корлар ривожланган. Янги подшолик даврида мамлакатнинг ички ва ташқи савдоси равақ топган. Ички ва ташқи савдода мол айирбошлаш Нил дарёси, Ўртаер, Қизил денгиз ва

куруқликдаги йўллар орқали амалга оширилган. Мисрдан ўзга мамлакатларга, олтин, фил суяги, кумуш, ёғочдан ишланиб, ложувард тошлари билан безатилган буюмлар чиқарилган. Бундан ташқари мисрликлар қўшни мамлакатларга шиша буюмлар, қимматбаҳо мато, қурол-аслаҳа ва бошқа буюмлар ҳам чиқарган.

Суриядан Мисрга дон, шароб, қуруқ мева, ёғоч, асал, чорва моллари, чарм ва бошқа буюмлар келтирилган. Кипр ороли, Синай ярим ороли ва Мессопотамиядан эса мис, жез, Бадахшон ложуварди, газмол, кийим-кечак, жанг аравалари от ва бошқа нарсалар олиб келинган. Ложувард, лаъл каби қимматбаҳо тошлар Мисрга қўшни мамлакатларнинг савдогарлари орқали Ўрта Осиёдан келтирилган бўлса керак.

Шундай қилиб, Янги подшолик даврида Мисрда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо янада ривожланади. Бу даврда Миср Шарқдаги энг қудратли, энг бой мамлакатга айланган.

Миср қўшини ва унинг тузилиши. Миср фиръавнларига мамлакатни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш ва ўзга ўлкаларни босиб олиш, мамлакатдаги ички қўзғолонларни бостириш учун кучли қўшин зарур эди. Шунинг учун Миср фиръавнлари ўз қўшинларини қайта тузишга киришганлар. Аввалги подшоликлар даврида Миср қўшинлари фақат пиёда аскарлардан иборат эди.

Янги подшоликдан бошлаб эса Миср қўшинида от қўшилган жанг араваларидан иборат янги қисмлар тузилган. Мисрликлар отлик қўшин ва жанг араваларидан тузилган ҳарбий қисмлардан фойдаланишни гиксослардан ўрганганлар.

Шу даврдан бошлаб Мисрда йилқичиликка катта эътибор берилиб, от қулунларни парвариш қилинадиган алоҳида давлат хўжалиги ташкил этилган. Пиёда, отлик ва жанг араваларидан тузилган ҳарбий қисмларнинг аскарлари ўқ-ёй, найза, ойболта, қилич ва бошқа аслаҳалар билан қуролланган эдилар. Миср жангчилари қалқон тутиб, душманларнинг ўтқир қуролларидан ҳимояланадиган зирҳли кийимлар кийиб жангга

кирганлар. Оғир қуролли қисмлар камончи ва найзачи гуруҳлар билан тўлдирилган.

Миср қўшинларида от қўшилган икки ғилдиракли енгил жанг аравалар алоҳида ўринни эгаллар эди. Аравада икки аскар бўлиб, жанг вақтида уларнинг бири отларни бошқарар, иккинчиси эса камондан душманларга ўқ узиб, найза санчиб, қилич чопар эди. Жанг вақтида улар душман устига шиддат билан хужум қилар, чекинаётган душманларни тезкорлик билан таъқиб қилиб борар эдилар. Миср фиръавнлари денгиз жангини олиб бориш учун ҳарбий-денгиз флоти кемаларини ҳам қурганлар.

Шундай қилиб янги подшолик даврида мисрликлар бутун Шарқ дунёсида энг кучли қўшинга эга бўлган **мустабид** давлатга айланган.

Миср фиръавнларининг истилочилик юришлари. Янги подшолик даврида Миср фиръавнлари қўшни мамлакатлар устига тез-тез талончилик ва босқинчилик урушларини уюштириб турганлар. Фиръавн Тутмос I Сурия ва Фаластинга бостириб кириб, Фрот дарёси соҳилларигача етиб борган. Тутмос III эса Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларга 15 марта ҳарбий юриш қилган. Миср қўшинлари Сурия ва Паластинни қайта ишғол қилиб, Фрот дарёси бўйидаги Кархемиш шаҳрини ҳам босиб олганлар. Миср қўшинининг куч-қудратидан чўчиган Оссурия, Хетт, Бобил ва Митанни подшолари ўзларини фиръавннинг “биродарларимиз”, - деб эълон қилганлар ва ўз мустақилликларини сақлаб қолганлар. Тутмос III қўшинлари жанубдаги Куш, Нубия ва Пунт каби мамлакатларга ҳам бир неча бор бостириб кирганлар. Аскарлар бу мамлакатлардан сон – саноксиз асирлар, олтин, кумуш, қимматбаҳо буюмлар, фил суяклари олиб қайтганлар. Фиръавн Аменхотеп даврида ҳам Миср қўшинлари Сурия, Фаластин, Митанни ва Нубияга ҳарбий юришлар уюштириб, Мисрга жуда кўп ўлжа ва ҳарбий асирлар билан қайтганлар. Тутмос III ва Аменхотеп II даврида Миср Яқин Шарқдаги энг қудратли давлат бўлиб қолаверган.

Фиръавн Аменхотеп III даврида беҳуда урушлар бўлмаган. У тинчлик сиёсатини қўллаб, қўшни мамлакатлар билан дўстона, савдо ва маданий алоқаларини кучайтирган. Аменхотеп III подшолигининг охирларида Мисрнинг босиб олинган мамлакатлар устидан ўрнатилган таъсири сусая бошлаган. Финикия ва Фаластин Мисрга итоат этмай қўйган. Аменхотеп III дан сўнг Миср тахтини Аменхотеп IV эгаллаган. У Мисрни м.ав. 1365 йилдан 1348 йилгача бошқарган. Аменхотеп IV даврида Миср давлати кучсизланиб, қарам мамлакатлар унинг таъсиридан чиқиб кета бошлаганлар. Мисрнинг кучсизланишидан фойдаланган қўчманчи жангари қабилалар мамлакатга бостириб кирганлар.

Эхнатоннинг диний ислоҳотлари. Аменхотеп IV даврида Мисрда ҳар хил низо ва фитналар кучайган. Фиръавн диний ислоҳот ўтказиб, кўп худоликни чеклаб якка худоликни жорий қилишга уринган. У Амон худосига сиғинишни бекор қилиб, уларнинг хоқимларини қувғин қилган. Аменхотеп IV мамлакатда Атон – Қуёшга сиғинишни жорий қилган. Шу муносабат билан Мисрда янги пойтахт – Ахетатон шаҳрини бунёд этган. Бу шаҳар “Эхнатон” деб аталган. Унинг маъноси “Қуёш шуъласи” демакдир. Аменхотеп IV ҳам ўзини “Эхнатон” номи билан аташни буюрган. У янги дин – Қуёш руҳонийси бўлиб олган. Аммо янги дин эски дин руҳонийлари ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган. Миср зодагонлари ҳам Эхнатоннинг диний ислоҳотига қарши турганлар. Эхнатон вафотидан сўнг унинг яқин қариндошлари ва амалдорлари илгариги диннинг руҳонийлари билан муроса қилишга мажбур бўлганлар. Зодагон ва руҳонийлар Эхнатоннинг куёви Тутанхамонни тахтга ўтқизганлар. Мамлакатда эски дин тартиби ўрнатилиб, унинг қоҳинлари – руҳонийларига катта имтиёзлар берилган. Уларнинг бахтига қарши Тутанхамон 19 ёшда ўлган. Руҳонийлар уни ғоят катта дабдаба билан ер ости даҳмасига дафн этганлар. Тутанхамоннинг бева қолган хотини Хетт шахзодасига турмушга чиққан. Мисрнинг олий амалдорлари Миср тахтига бегонанинг келиб ўтиришига йўл қўймаганлар. Хетт шахзодаси

фитначилар томонидан ўлдирилган. 18- сулола даврида Мисрда яна парокандалик бошланиб мамлакат заифлашиб кетган, хўжалик ҳам тушкунликка учраган.

8-§. 19-20- сулолалар даврида Миср подшолиги

19- сулола даврида Миср (М.ав. XIV-XII асрлар). М. ав. XIV аср ўрталарига келиб Мисрда аҳвол оғирлашган. Мамлакатда хўжалик ишдан чиққан. Сурия, Фаластин ва Нубия мамлакатлари Мисрга итоат этмай қўйганлар. Ана шундай оғир шароитда номархларнинг зодагон уруғидан бўлган Хоремхеб тўнтариш ясаб Миср тахтига ўтиради. У 19- сулоланинг асосчиси бўлиб, м. ав. 1334 йилда ҳокимият тепасига келгач, Атон эътиқодини бекор қилади, эски Амон эътиқодини тиклаб, унинг руҳонийларига катта имтиёзлар беради. Хоремхеб бир неча маъмурий ислохотлар ўтказиб кўшинни қайта тузади, солиқ тизимини тартибга келтиради, ўғирлик, аскарларнинг талончилиги ва амалдорларнинг порахўрлигига қарши чоралар кўради. Оғир жиноятчиларга қарши ўлим жазосини жорий этади. У ташқи сиёсат масаласига катта эътибор билан қарайди. У Сурия, Паластин ва Нубияга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштиради. Хоремхеб мамлакат хўжалигини яхшилаш учун чоралар кўради. У М. ав. 1306 йилда вафот этади. Унинг ворислари Рамзес I, Сети I лар даврида Миср ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайиб юксалади. Сети I даврида Миср кўшинлари Сурия, Фаластин ва Финикия устига бостириб бориб, Тир, Магиддо, Кадеш каби шаҳарларни босиб оладилар. Сети I даврида Фаластиндаги ҳокимлар кўзғолони бостирилади. Ҳарбий юришлар натижасида Мисрнинг Ўртаер денгизи шарқий соҳилидаги мамлакатлар устидан бўлган таъсири кучаяди. Натижада у мамлакатлар билан Мисрнинг алоқаси изга туширилади. Мисрда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланади.

Рамзес II ва ворислари даврида Миср подшолиги. Сети I вафот этганидан сўнг Миср тахтига унинг ўғли Рамзес II (м. ав. 1290-1224) ўтиради. У Миср тарихида Мериамона – “Амоннинг севикли фиръавни” номи билан машхур бўлган. У мамлакатда 66 йил подшолик қилиб, мамлакат ободончилигига катта эътибор беради. Рамзес II даврида янги ерлар ўзлаштирилади, янги-янги каналлар қазилиб, тўғон ва сув омборлари барпо этилади, суғориш тармоқлари кенгайтирилиб, деҳқончилик ривож топади. Нил дарёси каналларидан сув олиб юқорига чиқариладиган шодуф ва чархпалаклар такомиллаштирилган.

Рамзес II Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларни босиб олиш учун Кичик Осиёдаги хеттлар билан қаттиқ ва узлуксиз кураш олиб боради. У м. ав. 1286 йилда бўлиб ўтган жангда хеттлардан енгилиб асир тушишига оз қолади. М. ав. 1290-1280 йиллар орасида Миср билан Хетт давлати ўртасида қонли жанглар бўлиб ўтади. Урушда гоҳ Хетт, гоҳ Миср қўшинлари ғолиб чиққанлар. Ниҳоят м. ав. 1270 йилда Рамзес II билан Хетт подшоси Хеттусили III ўртасида тинчлик ва дўстлик битими тузилади. Сулҳга кўра икки мамлакат подшолари бир-бирларига ҳар томонлама ёрдам беришга келишиб олинади. Ана шу битимнинг Миср ва аккад тилларида ёзилган нусхалари бизгача етиб келган. Битимда мингта Хетт ва мингта Миср худолари гаров қилиб қўйилганлиги баён этилган ва қонунлаштирилган.

Битимга мувофиқ Суриянинг шимоли Хетт давлатига, Жанубий Сурия, Фаластин ва Финикия соҳилларининг катта қисми эса Миср тасарруфига ўтган. Рамзес II даврида Миср қўшинлари Нубияга ҳам бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирганлар. Миср қўшинлари у ердан жуда кўп бойлик ва ўлжалар билан қайтганлар. Нубиядан Мисрга жуда кўп қуллар олиб келинган.

Рамзес II даврида Мисрда деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик юксалган. Миср ҳарбий жиҳатдан шарқнинг энг қудратли давлатига айланган. Рамзес II м. ав. 1224 йилда вафот этади. Тахтга унинг ўғли

Мернептаҳ ўтиради. Мернептаҳ даврида (м. ав. 1224-1214) Мисрнинг куч-қудрати сусаяди.

Бундан фойдаланган ғарбий чўл қабилалари Мисрга бостириб кириб, Мемфес шаҳрини қамал қиладилар. Шимолдан “денгиз халқлари” Мисрга бостириб кирадилар. Миср қўшинлари қўшни қабила ва халқлар ҳужумини қайтаради. Шу даврда Сурияда Мисрга қарши қўзғолон кўтарилади. Миср қўшинлари Сурия шаҳарларидаги қўзғолонларни қийинчилик билан бостирадилар. Мисрнинг ўзида суриялик Ироу деган киши қуллар ва осийлик ёлланган жангчиларга таяниб қўзғолон кўтаради. Қўзғолончилар бойлар ва ибодатхоналарнинг мулкларини талайдилар. Миср қўшинлари қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирадилар. Қўзғолончилар қаттиқ жазоланадилар.

20- сулола даврида Миср подшолиги (м.ав. 1147-1075 йиллар). Мернептаҳ вафотидан кейин Миср тахтига Сетнахт ўтиради (м.ав. 1200 йилда). У анча тадбиркор киши бўлиб, Мисрдаги мушкул аҳволни анча яхшилашга эришади. Мамлакатдаги қўзғолонлар бостирилиб, тартиб ўрнатилади. Сетнахтнинг ўғли Рамзес III (м.ав. 1190-1159) даврида мамлакат хўжалигини тиклашга катта эътибор берилган. Миср қўшини кучайтирилиб, интизом яхшиланган. У мамлакат ичидаги низоларга қарши кураш олиб борган. Ливияликлар ва “денгиз халқлари”нинг Мисрга қилган ҳужумлари қайтарилган. У Сурия ва Фаластинда ғолибона урушлар олиб бориб, у ерда Мисрнинг аввалги таъсирини тиклаган. Аммо Рамзес III подшолигининг охирларида у билан руҳонийлар, ном ҳокимлари ва айрим амалдорлар ўртасида низо чиққан. Фитначилар Рамзесга суиқасд уюштириб м.ав. 1166 йили уни ўлдирганлар. Рамзес III ўлимидан сўнг жуда кўп подшолар алмашган. Лекин уларнинг ҳеч бири Мисрнинг аввалги куч-қудратини тиклай олмаган. Ниҳоят, м. ав. 1075 йили Рамзес XI вафотидан сўнг Миср фиръавнларининг 20- сулоласи тугатилган. Ягона Миср давлати иккига бўлиниб кетган. Жанубий Миср Фива ҳокимлари,

Шимолий Миср эса 21- сулола асосчиси Танис ҳукмдори Смендес қўлига ўтган. Шу билан Миср тарихидаги Янги подшолик даври ҳам тугаган.

9-§. Сўнги подшолик даврида Миср (м. ав. XI – IV асрлар)

Миср ливияликлар ҳукмронлиги остида. М.ав. XI аср бошларида Мисрда Янги подшолик даври барҳам топиб, Сўнги подшолик даври бошланган. Бу даврни “Ливия-Саис даври” ҳам дейилади.

Янги подшолик даврида Миср қўшинида ёлланган ажнабий ливиялик аскарлар хизмат қилишар эди. Янги подшолик охиридаги тарқоқликдан ажнабий ливияликлар усталик билан фойдаланганлар. Улар мисрликларни ҳарбий хизматдан четлаштириб, давлат ташкилотларининг юқори лавозимларини эгаллаб олганлар.

М. ав. 945 йили ливиялик Шешонк I шимолда ҳокимиятни эгаллаб олган. У XXII – сулолага асос солиб, Ливия сулоласи Мисрда м. ав. 945 йилдан 722 йилгача ҳукмронлик қилган. Улар дельтадаги Бубастис шаҳрини ўз давлатларининг пойтахти қилиб танлаганлар. Шунинг учун ливияликлар асос солган сулола “бубастислар сулоласи” деб ҳам аталади.

Шешонк I ва унинг ворислари даврида хўжалик ва қурилиш ишлари бир оз жонланган. У Фаластин ва Нубия устига қўшин тортиб борган. У ерлардан кўплаб ҳарбий асир, катта ўлжалар билан Мисрга қайтган. Бубастислар даврининг охирига келиб Миср яна кучсизланади. Шарқдан Оссур қўшинларининг истилоси бошланади. Оссурлар билан Сурия Фаластин-Мисрнинг бирлашган қўшинлари м. ав. 853 йили Қарқара шаҳри яқинида тўқнашадилар. Жангда Оссур қўшинлари ғалаба қозонадилар. Бу мағлубиятдан сўнг Мисрнинг обрўси тушиб кетади. Шу даврда келиб чиқиши ливиялик Танис ҳукмдори Петубастис м.ав. 808 йилда ўзини Миср фиръавини деб эълон қилиб, 23- сулолага асос солади. Бу сулола даврида Мисрдаги аҳвол янада ёмонлашади.

М. ав. VIII асрда ҳукмронлик қилган 24- сулола вакиллари, хусусан Бакхорис даврида (м.ав. 721-715) мамлакатни инқироз ботқоғидан

куткариш учун айрим ислохотлар ўтказилган. Бу ислохотлар ҳам Мисрдаги аҳволни яхшилаш олмаган. Мамлакатда вазият яна ёмонлашиб, Миср қайтадан майда ҳокимликларга – номларга бўлиниб кетган.

Мисрда Эфиопия ҳукмронлиги. М. ав. VIII-VII асрларда юқори Миср жанубида Эфиопия (Куш) давлати равнақ топади. Мисрнинг кучсизланганидан фойдаланиб Эфиопия подшолари Миср устига бостириб кирадилар. Эфиопия подшоси Пианхи ва унинг вориси Шабакалар даврида (м.ав. 740-720) Миср Эфиоп қўшинлари томонидан босиб олинади. М. ав. 715 йилда бўлиб ўтган жангда Миср қўшинлари тор-мор қилиниб фиръавн Бакхорис асир олинади ва тириклайин ўтга ташлаб куйдирилади. Миср босиб олингач, Эфиопия ва Миср битта давлат қилиб бирлаштирилади. Шу тариқа Мисрда Эфиопия сулоласи ҳукмронлик қилади. Бу Миср тарихидаги 25- сулола эди. Эфиопия сулоласи Мисрни м. ав. 715 йилдан 664 йилгача бошқаради. Шабака даврида мамлакатда тинчлик ўрнатилиб, хўжалик ва маданият анча ривож топади.

Мисрда Оссурия подшолигининг ҳукмронлиги. М. ав. VII асрнинг биринчи ярмида Оссурия давлати қайтадан кучаяди. Асархадон ва Ашшурбанипал подшолик қилган даврда Оссурия қўшинлари Мисрга уч марта бостириб кирганлар. Улар аҳолини қирғин қилиб, Миср бойликларини талаб, аҳолининг бир қисмини қул қилиб ҳайдаб кетганлар. Асархадон м.ав. 674-671 йиллардаги жангда Эфиопия-Миср подшоси Тахаркани енгиб, ўзини Эфиопия-Миср подшоси деб эълон қилган. Оссур подшоларининг Мисрдаги ҳукмронлиги м.ав. 671 йилдан 655 йилгача давом этган. Шу давр ичида Мисрда Оссурларга қарши Тахарка раҳбарлигида икки марта қўзғолон кўтарилган, 663 йилда эса оссур қўшинлари билан Тахарканинг вориси Танутамон қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, жангда оссурлар ғалаба қозонадилар. Шу жангдан сўнг 25- эфиопия сулоласи тугатилади, мамлакат 20 та номга бўлиниб кетади. Нилнинг қуйилишидаги Саис ном давлати оссурлардан бир оз имтиёз

олиб, ўзларини мустақил сезардилар. Саис ҳукмдорлари Миср тахтини эгаллаш учун ҳаракат бошлайдилар.

Мисрни қайта бирлаштириш учун кураш. Саис қуйи Нил тармоғининг ғарбий қисмида жойлашган шаҳар бўлиб, атрофи ботқоқликлар билан қуршалган эди. Асли Кичик Осиёлик Саис ҳукмдорларидан Псамметих I Лидия, Юнонистон ва Бобил билан иттифоқ тузиб мамлакатдан эфиопияликларни ва оссурияликларни суриб чиқарган. Шундан сўнг жанубий Мисрда ҳам ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, м.ав. 655 йилда мамлакатни бирлаштириш ниҳоясига етказилган. У 26- сулолага асос солиб, бу сулола м. ав. 664 йилдан 525 йилгача Мисрда ҳукмронлик қилганлар. Псамметих I мамлакат ободончилиги ва хўжалигини ривожлантириш ишига ҳомийлик қилган.

Псамметих I нинг ўғли ва тахт вориси Нехо II (м.ав. 610-595) Мисрни кучли давлатга айлантириш учун ҳаракат қилган. У Фаластин ва Сурия жанубида Миср таъсирини қайта тикламоқчи бўлиб, Фрот дарёсигача сиқиб борган. Аммо Фрот дарёси соҳилига чиқан. Нехо II қўшинлари бобилликларнинг қаршилигига дуч келган. Кархемиш ёнидаги жангда унинг қўшинлари бобилликлардан енгилган. Нехо II даврида Мисрда ободончилик ва хўжаликни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Худди шу даврда Қизил денгиз билан Ўртаер денгизини бирлаштирадиган 84 км узунликдаги канал қазилган. Канал қурилишида асирлар, куллар ва оддий аҳоли ишлаган. Қурилиш вақтида 120 мингдан ортиқ одам оғир меҳнат натижасида ўлиб кетган. Нехо II буйруғи билан Финикия денгизчилари м.ав. 600-597 йилларда Африка атрофини айланиб чиққанлар. М. ав. 569 йили мамлакатда ғалаёнлар бошлангач Миср тахтини саркардаларидан бўлган Яхмос II эгаллаган. У м. ав. 570-525-йилларда Мисрда подшолик қилган. У Миср давлатини мустаҳкамлаш учун кўп ҳаракат қилган. Лекин, Яхмос II Эронийлар Мисрга бостириб кирмасларидан бир оз олдинроқ вафот этган.

М. ав. 525 йили Эрон қўшинлари Пелусия ёнидаги бўлган жангда Миср қўшинларини тор-мор этганлар. Эрон шоҳи Мисрни истило қилган ва ўзига тобе қилиб олган. Шу вақтдан бошлаб Камибиз 27- сулолага асос солиб ўзини ҳам Эрон подшоси, ҳам Миср фиръавни деб эълон қилади. Аммо 28, 29 ва 30- сулола вакиллари мисрликлардан бўлган.

М. ав. 332 йили Миср Македониялик Александр давлати таркибига кириб, унинг вафотидан кейин бу ерда Птолемейлар давлати қарор топган. Кейинчалик эса Миср Рим салтанати таркибига қўшиб олинган. 395 йилдан Миср Византия таъсирига тушиб қолган. Шу билан Қадимги Миср тарихи бархам топиб, тарих саҳнасидан бутунлай кетган.

Миср аҳмонийлар ва юнон-македонлар ҳукми остида. Маълумки, Ўрта Осиё массагетлари билан олиб борилган жангда Эрон қўшинлари тор-мор этилиб, шоҳ Кайхусрав II жангларнинг бирида фожиали тарзда ҳалок бўлган. Геродот келтирган афсонага кўра массагетлар маликаси Тўмарис Кайхусравни енгиб, уруш майдонидан унинг жасадини топиб келишини буюрган ва унинг калласини киши қони тўлдирилган мешга тикаётиб “сен қон талаб эдинг, сени қонга тўйғизмоқчи эдим”, - деган экан. Кайхусрав вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тожу-тахт учун кураш бошланади. Кўмбиз Эрон давлатининг тўла ҳуқуқли подшоси бўлиб олади.

Бу курашда у ўз укасини қатл эттиради. Кўмбиз тахтда мустаҳкам ўрнашиб олгач, жойлардаги кўзғолонларни шафқатсизлик билан бостиради. У отаси Кайхусравнинг истилочилик сиёсатини давом эттириш мақсадида Миср устига қўшин тортиб боришга тайёргарлик кўради. Мазкур даврда Миср Эрон шоҳлари учун ҳавфли рақиб ҳисобланар эди. Сўнгги подшоликка мансуб Амазис-Яхмос II юнонлар билан алоқа боғлаб, ўз қўшинига юнонлардан ёлланма аскарларни жалб этади. У Мисрнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамламоқчи бўлган. Ўзининг улкан қўшини ва иттифоқчилари – финикияликлар, кипрликлар самосликларнинг кучли ҳарбий денгиз флотига суяниб, Кўмбиз II м.ав. 526 йилда Мисрга қарши ҳарбий юриш бошлаган. Мисрга қарши юришда

лидияликлар ҳам иштирок этганлар. Кўмбиз шимолий араб қабилалари сардорлари билан иттифоқ тузиб, м.ав. 526 йили Эрон қўшинлари Миср чегараларига яқинлашиб келаётган пайтда замонасининг машҳур арбоби Амасис-Яхмос II иттифоқчиси ҳисобланган юнонларнинг ёлланган қўшинларидан усталик билан фойдаланди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Псамметих тахтга ўтирди.

Псамметих ўз мамлакатини душманлар хужумидан ва ўз давлатининг мустақиллигини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқа олмаган. Камбиз қўшинлари м.ав. 525 йилда чегарага яқин бўлган Пелусия яқинида Миср қўшинлари билан тўқнашиб, миср ва юнон ёлланма қўшинларини тор-мор этганлар. Шунингдек Мемфис шаҳри учун бўлган жангда ҳам эронийларнинг қўли баланд келиб, улар Мисрни ўзларига бўйсундирганлар. Миср қўшинларининг енгилишига асосий сабаб Фанес бошлиқ юнон ёлланган қўшинлари ва ном қўшинлари саркардаларининг хоинлиги бўлган.

Шунингдек, Мисрда қўшни бўлган ливияликлар эронликларга ўз ихтиёрлари билан таслим бўлишганлар. Шимолий Африкадаги кирениалик ва барқаликлар ҳам эронийларга сўзсиз таслим бўлиб, Кўмбизга хирож тўлаган ҳамда совға-саломлар юбориб турган.

Шу даврда Мисрда ғалаёнлар бошланиб, унга қарши эронликлар қаттиқ жазо чораларини қўллайдилар. Жумладан 26- сулолага мансуб сўнгги Миср фиръавни Псамметих, Геродот таъбири билан айтганда “мисрликларни қўзғолонга чақиришда” айбланиб ўлдирилган.

Кўмбиз II қўшинлари Мисрни истило қилиш билан чекланиб қолмай, Мисрда чегарадош мамлакатларга кириб борганлар. У Карфагенни, воҳаларни ва узоқ Эфиопияни ҳам истило қилишга уриниб кўрган. Кўмбиз Нубия ва Эфиопия истилосига яхши тийёргарлик кўрмаган эди. Қўшинда очарчилик бошланиб, аскарлар орасида одамхўрлик келиб чиққан. Аммо Кўмбиз қўшинлари Эфиопия ва Карфагенни босиб олишга муваффақ бўлаолмаганлар. Кўмбизнинг воҳаларга юборган қўшинлари воҳанинг

жазирама қум-чўлларида халок бўлганлар. Финикия флоти карфагенлик ўз қабиладоларига қарши чиқишдан бош тортганлар.

Кўмбиз ўзини эронийлардан бўлган XXVII сулоланинг асосчиси деб ҳисоблаб, Миср фиръавни ва Эрон шоҳи деб эълон қилган. Аммо Кўмбиз м.ав. 522 йили Эронга қайтаётган вақтда сирли тарзда ўлдирилган. Унинг ўрнига тахтга ахамонийлардан бўлган Доро I ўтирган (м.ав. 522-486). Доро I даврида Миср Эрон давлати таркибида бўлган. Аммо эронийларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги аста – секин заифлашиб борган. Эрон шоҳлари ва амалдорлари Мисрда кўп зўравонликларни кучайтириб, солиқларни оширганлар. Бунга қарши Мисрда марта қўзғолонлар бўлиб, улар эроний аскарлар томонидан шафқатсизлик билан бостирилган. Бунга жавобан м. ав. 460 йилда Фарбий дельтада Инар бошчилигида эронийларга қарши қўзғолон бошланган. Қўзғолонга юнон денгиз флоти қўшинлари ҳам қатнашганлар. Аммо бу қўзғолон м. ав. 454 йилда шафқатсизларча бостирилган. М.ав. V аср охирларида Эронда тожу-тахт учун ички кураш қизғин тус олади. Бу вазиятда Саис ҳукмдорлари Амиртей қўзғолонга раҳбарлик қилади. Амиртей қўшинлари Эрон қўшинларини енгиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. У Мисрда маҳаллий ҳукмдорларнинг 28-сулоласини бошлаб беради ҳамда мамлакатни м.ав. 404-398 йилларда идора қилади.

Амиртейдан сўнг марказий Дельтадаги Мендес шаҳридан чиққан кишилар ҳокимиятни эгаллайдилар. Улар Мисрда 29- сулолани бошлаб бериб, м.ав. 398-380 йилларда мамлакатни бошқарганлар. Бу сулолага мансуб ҳукмдорлар тез-тез алмашиб турадилар. Бу сулоланинг сўнги вакили Акарис мамлакатни 13 йил (м.ав. 393-380 йилларда) бошқаради. Акарис вафотидан сўнг ички тўнтариш натижасида 30- сулолага асос солган ҳукмдорлар ҳокимият тепасига келадилар. Улар Мендес шаҳрига қўшни бўлган Севеннитадан чиққан эдилар. Мазкур сулола вакили серғайрат Нектаниб I 40 йил мабойнида (м.ав. 380-363 йиллар) мамлакатни бошқаради. Унинг даврида мисрликлар эронийларга қарши кураш олиб

борадилар. Нектаниб I дан сўнг Мисрда Тахос (м.ав.363-361 йилларда) ҳукмронлик қилади. Тахосдан сўнг тахтга Тахоснинг жияни Нектанеб II (м.ав.361-343) ўтириб мамлкатни бошқаради. Тахос ва Нектаниб II даврида (м.ав.361-343 йилларда) мисрликларнинг эронликларга қарши қурши давом этади.

М.ав. 337-335 йилларда Мемфис ҳукмдори Хаббаш икки йил давомида эронийлар билан курашни давом эттиради. Аммо Эрон подшоси Доро III қўшинлар Хаббаш қўшинларини енгиб, Мисрни қайтадан ахмонийлар салтанатига қўшиб олади. Бироқ Доро III ҳам Мисрни узок вақт Ахмонийлар таркибида сақлай олмади.

М.ав. 332 йилда Македониялик Александар қўшинлари Мисрга бостириб кириб, уни жангсиз эгаллайди. Мисрликлар Македониялик Александрни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади ва унга фиръавн унвонини берадилар. Уни Амоннинг ўғли деб эълон қилади.

Шу билан мисрда маҳаллий сулолалар даври тугаб, Миср Македониялик Александр салтанати таркибига қўшиб олинади. Унинг вафотидан сўнг Мисрда Птолемейлар даври бошланади. Бу давр Мисрда “эллинизм даври” деб ҳам аталади. Птолемейлардан сўнг эса Миср Рим салтанати таркибига тушиб қолади. Шу билан Миср халқлари тарихининг қадимги даври ўз ниҳоясига етди.

10-§. Қадимги Миср маданияти

Қадимги Миср маданияти ҳақида умумий маълумот. Азим Нил дарёсининг қуйи қисмига жойлашган Қадимги Миср кишилиқ маданиятининг энг кўҳна, энг қадимги марказларидан бири ҳисобланади. Миср маданияти м. 4000-5000 йил муқаддам вужудга келган ва бир неча тарихий даврларни бошидан кечириб, тараққий этиб борган. Маданият кўпқиррали тушунча бўлиб, у бир-бири билан боғланган икки таркибий қисмдан иборатдир. Уларнинг бири моддий маданият бўлса, иккинчиси маънавий маданиятдир. Моддий маданият деганда аждодларимизнинг ақли-заковати, қўл меҳнати билан яратилган турар жойлари, меъморий

бинолари, уст-бош, кийим-кечаклари, истеъмол қиладига таомлари, уй-рўзгор анжомлари, хуллас одамларнинг кундалик эҳтиёжи учун керак бўладиган буюмлар мажмуаси тушунилади.

Кишилиқнинг маънавий маданияти эса моддий маданият билан узвий, чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳам кўп қирралидир. Маънавий маданият таркибига ахлоқ, одоб, юриш-туриш, кишилар билан муомала, тил, тафаккур, халқ оғзаки ижодиётининг ҳамма турлари, ёзув, ёзма адабиёт, рақс, кўшиқ, мусика, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, ер билими, амалий санъат буюмлари, илм-фан, ҳуқуқ, дин, диний тушунчалар ва бошқа нарсалар киради.

Қадимги мисрликлар маданиятнинг ҳар икки тармоғи бўйича ҳам каттадан-катта ютуқларга эришганлар. Қадимги Миср маданиятининг илдизлари 4-5 минг йиллик эмас, балки, бир неча ўн минг йилликларга бориб тақалади.

Мисрнинг қулай географик муҳити ҳудуд аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти ҳамда техниканинг жуда эрта барвақт тараққий этишига асос бўлиб хизмат қилган. Мисрнинг жазирама иссиқ об-ҳавоси, Нил воҳасида сунъий суғориш иншоотларига бўлган бениҳоя зўр эҳтиёж жуда қадим замонлардаёқ каналлар, тўғонлар, дамбалар ва дастлабки вақтларда оддий питанг билан кўтариладиган босмалар, кейинчалик эса чархпалаклар, шодуф, нова ва бошқа суғориш техникасининг мураккаб системасини кашф этишига мажбур қилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қадимдан бошлаб Мисрда тоштарашлик ғоят раванқ топиб, тошдан ажойиб ибодатхоналар, саройлар, пирамида-эхромлар ва турли меъморий обидалар ясаганлар. Қадим замонларданок мисрлик ҳунармандлар фил суяги, олтин, мис, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан ажойиб, нафис зийнат буюмлари ясашда катта ютуқларга эришганлар.

Мисрда ер юзининг бошқа жойларига қараганда ёзув ва ёзма адабиёт анча илгари пайтда бўлган ва ривожлана борган. Ёзув пайдо бўлиши

муносабати билан мактаб ва маъориф ҳам аста-секин шакллана бориб, ривож топган. Мамлакатда астрономия, математика, табобат, география, ветеринария ва бошқа илмий билимларнинг куртаклари шаклланиб раванк топган.

Кўпгина мисршунос олимлар, хусусан В.И.Авдиевнинг ёзишича “Миср маданияти қадимги Шарқдаги турғун маданиятнинг тимсоли сифатида жуда секинлик билан ривожлана борган. Миср маданиятининг турғунлиги, тўғриси, жуда секин тараққий қилишига Нил водийсининг географик жихатдан бошқа оламдан ажралиб қолганлиги, ҳамда у ерда ибтидоий жамоа тузуми қолдиқларининг узоқ сақланиб қолганлигидир”. Бироқ кейинчалик биринчи, иккинчи меҳнат тақсимотининг бўлиши ҳамда савдо-сотиқнинг ривожлана бориши оқибатида хусусий мулк ва мулкый тенгсизлик қадимги уруғдошлик жамиятини емириб, табақавий қулдорлик жамияти ва энг қадимги мустабид давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Урушлар ва ташқи савдо мисрликларни қўшни мамлакатлар билан танишиш ва алоқа боғлаш имкониятини яратган. Шу муносабат билан мисрликлар Ўртаер денгизининг шарқий вилоятлари ва Месопотамия аҳолиси маданиятидан жуда кўп нарсалар ўрганиб ўз ўрнида бу халқлар маданиятининг ривожига ижобий таъсир кўрсатганлар. Бунга Мисрнинг географик ўрни яъни 3 қитъа – Африка, Осиё ва Европа чегаралари туташган ерда жойлашганлиги ҳам биринчи ёрдам берган. Шунингдек фиръавнлар, аркони давлат, қўшин, руҳонийлар ва кўп сонли Миср аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланган ер билими ва у билан боғланган зироатчилик мисрликлар маданияти ривожининг энг муҳим омилларидан бири бўлган.

Қадимги Миср ёзувлари. Миср инсоният маданиятининг энг қадимги марказларидан бири ҳисобланади. Ёзув маънавий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Қадимги Мисрликлар бундан 6-7 минг йиллар

муқаддам белги-расмлар шаклидаги иероглиф ёзувини кашф этганлар. Бу ёзувлар 750 белги-расмлардан иборат бўлган.

Миср ёзувида нарса ва ҳодисалар ҳар турли расм ва белгилар ёрдамида ифода этилган. Масалан, сув сўзи уч қатор тўлқинсимон чизиқ, тоғ сўзи ост томони текис, юқори томони қабарик, ўртаси ботиқ шакл билан ифода этилган. Қўлида ўқ-ёй ушлаб турган одам расми жангчи, ўроқ ушлаб турган киши тасвири эса ўрмоқ деган маънони билдирган. Кейинчалик белги-расм шаклидаги ёзув такомиллашиб соддалаштирилган. Замонлар ўтиши билан белги-расм шаклидаги ёзувлар алифбо белгиларига айланган. Қадимги подшолик даврида мисрликлар ёзувида 24 та асосий товушни билдирадиган алифбо тизими пайдо бўлган. Мисрликлар дастлаб алифбо ва хатларни тош, ёғоч, пўстлоқ, тахта, тери каби буюмларга ёзганлар. Нил соҳилларида ўсадиган папирус ўсимлигининг барглари эса ёзув қоғози ўрнида фойдаланилган. Мисрликлар папирус баргларидан варақлар тайёрлаб, варақларни бир-бирига улаб узунлиги 45 метргача папирус ўрамлари тайёрлаганлар. Зарурий маълумот, ҳодиса ва бошқа нарсалар папирусга ёзиб берилган. Папирусга қамишдан тайёрланган ёзув асбоби билан ёзилган. Бу мисрликларнинг ўзига хос китоби эди. Мисрнинг турли жойларидан археолог олимлар қадимги “папирус китоб”ларини топишган. Қадимги Миср иероглифларини қадимги муаллифлари, тилшунос олимлар ўрганишга уриниб кўрганлар. Лекин улар бу соҳада айтарли натижаларга эриша олмаганлар.

Машҳур франсуз олими Ж.Ф.Шампальон Миср иероглифларини ўқиб чиқиб, шуҳрат қозонган. Миср тарихини ўрганишда “Розет” битиктоши ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Мисрда маориф ва мактаб. Қадимги Миср мураккаб давлат тизимига ва кенг миқёсли хўжаликка эга бўлган мамлакат бўлган. Миср давлати ва хўжалигини бошқариш учун хат-саводли, билимдон кишилар зарур бўлган. Шу туфайли Миср фиръавнлари ва аъёнлари хат-саводли ва билимдон ходимлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берганлар.

Мисрда талабаларни ўқитиш ва таълим-тарбия бериш маскани мактаблар эди. Мамлакатнинг ҳамма шаҳарлари ва йирик қишлоқларида мактаблар бор эди. Мактабларда фиръавнлар, аёнлар, амалдорлар, руҳонийларнинг болалари ва ўқишга ҳаваслари бўлган кишиларнинг фарзандлари ҳам ўқиганлар.

Мисрда бошланғич, ўрта ва олий мактаблар бўлган. Бошланғич мактабларга болалар 5-6 ёшдан жалб этилиб, ҳарфлар ўргатилиб, саводи чиқарилган. Болалар мактабда ҳуснихат билан ҳам шуғулланиб, улар ҳар кун 3 саҳифа ёзишлари керак бўлган. Мисрдаги ўрта ва олий мактабларнинг кўпчилиги мирзолар тайёрлаб чиқарганлар. Уни “мирзолар мактаби” ҳам дейишган.

Миср фиръавнларининг марказий маҳкамаси қошида подшо хазинаси учун махсус амалдор мирзолар тайёрлайдиган мактаблар ҳам бўлган. Бу мактаблар катта тажрибага эга бўлган билимли устоз – ўқитувчилар билан таъминланган. Мактабларда математика, геометрия, астрономия, тарих, тиббиёт, адабиёт каби дунёвий ва диний билимлар ўқитилган.

Миср мактабларида интизом жуда қаттиқ бўлиб, у тан жазоси билан мустаҳкамланган. Ўша вақтда ёзилган “Насихатлар”да: - “эй мирза, дангасалик қилма, йўқса жазога дучор бўласан. Қўлингда китоб бўлсин, овоз чиқариб ўқигин ва ўзингдан кўп биладиганлар билан маслаҳат қилиб иш тут. Бир кун ҳам ялқовлик қилма, йўқса калтак ейсан. Ахир боланинг қулоғи елкасида бўлади-да, қачон урсанг, шунда унинг қулоғига гап киради”, - деб ёзилган.

Мисрда ёзув, илмий, амалий ва диний билимларнинг вужудга келиши ва ривожланиши мамлакат хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Мисрда вужудга келган илмий-амалий билимлар хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожига жуда катта таъсир кўрсатган.

Қадимги Миср фольклори ва адабиёти. Қадимги Миср адабиёти бундан VI-VII минг йил муқаддам вужудга келган. Ўрта подшолик давридаёқ адабиёт жуда юксак даражага кўтарилган. Қадимги мисрликлар

жуда кўп халқ мақоллари, маталлари, эртак, афсона, дoston ва кўшиқлар яратганлар. Халқ яратган оғзаки ижодиётида деҳқон, чўпон, савдогар, ҳаммол, амалдор, руҳоний ва хатто Миср фиръавнларининг турмуш тарзлари содда тилда баён этилган.

Қадимги мисрликларнинг “Икки оға-ини”, “Тўғри ва эгри”, “Исида ва Осирис ҳақида”, “Гор билан Сет жанжали”, “Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя”, “Синухет ҳикояси” каби ривоят, афсона, эртак ва ҳикоялари диққатга сазовордир.

Қадимги Миср адиблари саёҳатнома, панд-насихат, диний поэзия ва гимнларга катта эътибор берганлар. Улар шу йўналишда кўплаб асарлар яратишган.

“Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя” ривоятида подшо конларига қилинган машаққатли саёҳат ҳақида сўз юритилади. Ҳикоя қилинишича сайёҳлар денгизда даҳшатли довулга дуч келдилар. Довул уларни “руҳ ороли”га улоқтириб ташлайди. Оролда улкан илон қиёфасидаги олийжаноб подшо яшар экан. Илоншоҳ сайёҳларни яхши қабул қилибди. Уларга кўп олтин, кумуш, фил тишлари, хушбўй нарсалар, ит ва маймунлар совға қилиб, Мисрга кузатиб юборибди.

“Синухет ҳикояси”да мисрлик амалдор Синухетнинг Сурияга сафари, унинг ўзга мамлакатда кўрган-билганлари, бошидан ўтказган оғир машаққатлари ғоят гўзал иборалар билан баён этилган.

Шундай қилиб, Қадимги Миср халқининг бадиий ижоди мазмун жиҳатидан хилма-хил ва бой бўлиб, жаҳон адабиётининг дурдоналари қаторидан муносиб ўрин олган.

Қадимги Мисрнинг санъати ва меъморчилиги. Меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, мусиқа, кўшиқ ва халқ ўйинлари Қадимги Миср санъатининг ажойиб намуналари ҳисобланади. Санъатнинг бу турлари Мисрда жуда қадим замондан бошлаб шаклланган ва ривож топган эди.

Миср фиръавнлари ва юқори табақага мансуб аъёнлар меъморчиликка катта эътибор берганлар. Юқори Нилнинг икки соҳилидаги тоғларда меъморчиликда ишлатиладиган ҳар турли тошлар кўп бўлган. Фиръавнлар, аъёнлар, номахлар ва руҳонийларга қарашли саройлар, ибодатхоналар, макбаралар, эҳромлар ва бошқа маъмурий бинолар ана шу тошлардан қурилган эди. Тош конларида юз минглаб қуллар ва асирлар ишлатилган. Мисрга хос меъморий обидалардан бири пирамидалар – Миср эҳромларидир. Бу жиҳатдан Саккарадаги Жосер, Гизадаги фиръавн Хеопс эҳромлари, боши одам, танаси шер сурат қилиб ишланган сфинкс ва бошқалар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан ҳозиргача кишиларни ҳайратга солиб келади.

Мисрда ҳайкалтарошликка ҳам катта эътибор берганлар. Миср ҳайкалтарошлари тош бўлақларидан фиръавн, амалдор, руҳоний, оддий кишилар ва ҳайвонларнинг ҳайкалларини жуда нозик дид билан ишлаганлар. Бу жиҳатдан Рамзес II, Аменемхет III, Тутанхамон, Эхнатон, унинг хотини Нефертити, амалдор Рахотеп ва мирзо ҳайкаллари диққатга сазовордир.

Ўша вақтларда Мисрда рассомлик ҳам анча ривож топган эди. Сарой, ибодатхона ва маъмурий биноларнинг деворларига фиръавнлар, амалдорлар ва руҳонийлар, ҳамда афсонавий воқеалардан олинган расмлар ишланган.

Мисрликлар санъатининг яна бир тури куй-қўшиқ ва рақсдир. Мисрда пуфлаб, уриб ва чертиб чалинадиган нот, систра, қайроқ, арфа, уд ва бошқа асбоблар кенг тарқалган эди. Мисрда рақс санъати ҳам юксак даражада ривож топган эди.

11- § Қадимги Миср фани ва диний эътиқоди

Мисрда илмий билимларнинг ривожланиши. Деҳқончилик, савдо-сотик, хунармандчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун мисрликларга илмий-амалий билимлар жуда ҳам зарур бўлган.

Шунинг учун ҳам Мисрда математика, геометрия, география, астрономия, тарих, тиббиёт, ер билими, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги билимлари анча эрта ривож топган.

Қадимги ва Ўрта подшолик даврида мисрликлар математика соҳасида жиддий ютуқларни қўлга киритганлар. Улар 1, 10, 100, 1000 лик ва ҳоказолардан иборат сон-санок тизимини кашф этганлар. Бу сонлар учун алоҳида белгилар бўлган. Ярим доира ўнни, ўрилган арқон юзни, нилуфар гули белгиси эса минг рақамини билдирган.

Мисрликлар геометрия – “ерни ўлчаш” соҳасида ҳам катта ютуқларга эришганлар. Чунки, каналлар қазиш, далаларни пайкалларга ажратиш, бинолар қуриш, сатҳ ва ҳажмларни ўлчашда геометрия фани уларга зарур бўлган. Мисрликларда кафт, бармоқ, қарич ва тирсак узунлик ўлчовлари сифатида хизмат қилган.

Осмон жисмлари ва уларнинг ҳаракатини ўрганувчи фан астрономия дейилади. Бу соҳанинг олимлари эса “астрономлар” дейилган. Қадимги Миср астрономлари осмон жисмларини, юлдузлар ва сайёралар ҳаракатини ўрганиб, ўз даврида катта ютуқларга эришганлар.

Маълумки, Мисрда қишлоқ хўжалиги ишлари бошланишидан аввал Нил дарёси тошган. Бу воқеа равшан юлдуз Сириус эрталабки шафақда кўрингандан икки-уч кун ўтиб содир бўлар эди.

Астрономлар Сириусни кўришлари билан Миср аҳолисини Нилнинг тошиши ва экиш мавсуми бошланиши ҳақида хабардор қилар эди. Демак, Нил дарёсининг тошиш мавсумини ҳисоблаш эҳтиёжи Миср астрономиясини яратди.

Миср астрономлари дунёда биринчи бўлиб, юлдуз ва сайёралар харитасини тузганлар. Юлдуз ва сайёраларнинг жойлашувини кўрсатадиган қадимги хариталар Мисрдаги Сенмут мақбараси, Эдфу ва Дендер ибодатхоналарининг шипларида сақланиб қолган. Астрономик билимлар мамлакатнинг ички ва ташқи савдосида катта аҳамиятга эга бўлган.

Миср астрономлари дунёда биринчи бўлиб, ўзларининг алоҳида қуёш календарь – тақвимларини тузганлар.

Тақвимга кўра бир йил 365 кун бўлиб, у 12 ойга бўлинган. Ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлиб, қолган 5 куни байрам ҳисобланган. Мисрликлар тунги вақтни юлдузларга, кундузги вақтни қуёшга қараб белгилаганлар. Вақтни белгилайдиган қум ва сув соатлари ҳам илк бор Мисрда кашф этилган. Демак, Қадимги мисрликлар Нил тошқини вақтини билиш, канал, тўғон қуриш, далаларни экишга ҳозирлашда астрономия маълумотларига таянганлар. Улар дарё ва денгизларда сузганларида, сафарга чиққанларида астрономия билимларига суянганлар. Астрономия фани қишлоқ хўжалик ишларида, савдо-сотиқ алоқалари ва ҳарбий ҳаракатларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Миср табобати ва табиблари. Қадимги Миср иссиқ мамлакат бўлганлиги учун турли касалликлар кўп бўлган. Миср тарихидаги кўпдан-кўп жанглар, истилолар ва ички урушлар натижасида кўплаб аҳоли, жангчилар жароҳатланганлар. Уларни даволаш эҳтиёжи Мисрда табобатнинг жуда эрта шаклланишига туртки бўлган.

Қадимги солномалар Мисрда м. ав. IV минг йиллардаёқ дастлабки шифохоналар бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади. М. ав. 3600 йилда Мемфис шаҳрида афсонавий табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона қурилган. Бу ерда беморларга тиббий ёрдам бериш учун алоҳида хоналар ажратилган. Шифохонада табобатни яхши биладиган табиб – коҳинлар ишлаганлар ва беморга ташхис қўйиб уларни даволаганлар.

Мисрнинг Саис, Гелиополис каби шаҳарларида табиблар тайёрлайдиган махсус тиббий мактаблар бўлган. Айни пайтда мисрлик табиблар табобатга бағишланган китоблар ҳам яратганлар.

Миср табиблари мумиёлаш учун одамнинг ички аъзоларини жарроҳлик йўли билан очганлар. Шу сабабли ҳам улар одамнинг ҳамма аъзоларини пухта билганлар. Табиб-ҳакимлар касалликни аниқлашда кишининг ташқи ҳолати ва томир урушига алоҳида эътибор қаратганлар.

Табиблар кўз, бош, тиш, ички, рухий касалликлар, синган-чиққан ва бошқалар бўйича ихтисослашганлар. Улар жароҳатли беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда махсус мис ва жез асбоблардан фойдаланганлар.

Қадимги Мисрда Эразистрат, Херофил, Имхотеб ва Кослик Филипп каби машҳур табиблар фаолият кўрсатганлар. Табиблар беморларни даволашда шифобахш ўсимлик, мева ва турли ҳайвонот маҳсулотидан тайёрланган дори-дармонлардан фойдаланганлар. Миср табобати жаҳон табобатида алоҳида ўринни эгаллаган. Мисрликлар ветеринария соҳасида ҳам муайян билимга эга бўлганлар.

Қадимги Мисрда тарихий ва географик билимлар. Қадимги Мисрликлар тарихий ва географик билимларга қизиқиб қараганлар. Миср тарихига оид дастлабки тарихий маълумотлар шифер лавҳаларига, фил суяги бўлақларига, қора ёғоч тахтачаларига, Палемос тоши, ибодатхона деворларига битилган ёзув ва йилномаларда сақланиб қолган. Бу жиҳатдан “Тутмос III йилномаси” қимматлидир. Қадимги Миср ҳақида папирусларга ёзилган ҳар турли маълумотлар ҳам муҳимдир. Қадимги Юнон тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида Қадимги Миср ҳақида жуда кўп маълумот беради. У ўз китобида “Миср – Нил тухфасидир” деб ёзган эди.

Қадимги Мисрликлар география фани соҳасида ҳам маълум билимларга эга бўлишган. Улар ернинг четлари тоғлар билан ўралиб, атрофи оқиб турадиган океан сувидан иборат деб тасаввур қилганлар. Мисрликлар ернинг Нил оқиб келадиган томони жануб, Ўрта ер денгизи томони шимол, дарёнинг сўл томони ғарб, ўнг томони шарқ деб ҳисоблаганлар. Қадимги Миср географлари ўз ўлкалари ва Арабистон яримороли харитасини ҳам чизганлар. Арабистон чўлларидаги олтин конлари белгиланган харита замонамизгача сақланиб қолган.

Қадимги Мисрликлар кончилик, об-ҳаво, иқлимшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам анча билимларга эга бўлганлар.

Мисрликларнинг динлари ва эътиқодлари. Маълумки дин, хусусан қадимги Шарқ халқлари дини кишилар турмуш тарзидаги ижтимоий ходиса бўлиб, маънавий маданиятнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Мисрликлар энг қадимги даврдан бошлаб милодий III-IV асрларгача узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Улар турли фанлар соҳасида кўплаб билимларга эга бўлсалар ҳам ҳали табиат ходисалари олдида ожиз эдилар. Улар Нил тошқини, zilzilалар, Саҳрои Кабир томондан эсадиган қум бўронлари, момақалдирик, сайёралар ва юлдузларнинг ҳаракатида қандайдир ғайритабиий куч бор деб тасаввур қилганлар. Бу ходисалар мисрликларнинг дини ва эътиқодида ўз ифодасини топган.

Қадимги Миср халқлари ҳам дин ва диний эътиқодлари хилма-хил кўринишларини ўз турмуш тарзларида намоён этганлар. Мисрликлар эътиқод қиладиган худоларнинг кўплиги билан бутун Шарқ дунёсида дастлабки ўринларда туради. Манбаларда келтирилишича “Миср – минг худолар мамлакати” деб тилга олинади.

Қадимги Мисрда ибтидоий дин шаклларида фетишизм, тотемизм, анимизм, қуёшпарастлик, подшони илоҳийлаштириш, ҳар хил табиат ходисаларига ва Миср подшолари – фиръавнларга сиғиниш мавжуд бўлган кенг тарқалган эди.

Хрситианлик дини тарқалгунгача бўлган даврда Мисрда яратилган диний матнлар ва ёдгорликлар унинг тараққиётини уруғчилик жамоаси емирилган вақтдан бошлаб кузатишга имкон беради. Мисрликлар ижтимоий тузумининг ва умуман бутун маданиятнинг секин ривожланганлиги диннинг ибтидоий шакллари сарқитларининг жуда узоқ давр мобайнида сақланиб қолиши учун замин бўлиб хизмат қилган. Бунга Миср тарихининг ҳамма даврларида буюмларга ва ҳайвонларга эътиқод қилишнинг кенг тарқалганлиги ҳам сабаб бўлган.

Фетишизм эътиқоди. Фетишизм энг қадимги ва қадимги даврга хос эътиқодлардан биридир. Фетишизм – ибтидоий дин шаклларида бири бўлиб, у бутун дунё, қадимги Шарқ халқларининг диний эътиқодида

муҳим ўрин тутиб келган. Бу дин аслида ибтидоий қабилалар худо деб билган нарсалар, одамлар сўзсиз ва кўр-кўрона топинадиган, худо даражасига кўтарилган нарса, буюм, масалан, пул фетишига сиғинишдир. Мисрликлар эътиқодича фетиш буюмлар сеҳрли ва муқаддас ҳисобланган. Мисрда жуда қадим замондан бошлаб маъбуда Нейтнинг муқаддас рамзи бўлган ўқ-ёйга топинганлар. Шунингдек, худо Сопдунинг ўткир тишларига, худо Ухнинг пай ва тасмалар билан безатилган ҳассасига, худо Минанинг ёғочдан ишланган буюмига сиғинганлар.

Шундай қилиб, Қадимги Мисрликларда худоларнинг айрим буюмларини сеҳрли деб ҳисоблаб, уларга топиниш фетишизм еътиқоди дейилади.

Табиатга сиғиниш. Табиатдаги буюмлар ва ҳодисаларга сиғиниш мисрликларнинг қадимги эътиқодларидан бири ҳисобланади. Мисрдан ғарб томонда улкан Саҳройи Кабир чўли ястаниб ётади. Вақти-вақти билан чўл томондан Нил водийсига қум аралаш даҳшатли довул эсиб турган. У томонларда ҳар турли йиртқичлар изғиб юрган, ҳайвонлар одамларга, экин майдонларига кўплаб зарар келтирган. Чўлда яшаган кўчманчи қабилалар эса водийга бостириб кириб, талончилик, одамларни ўлдириб ваҳшийликлар қилганлар. Қадим замондан бошлаб мисрликлар тоғларга, муқаддас тошларга сиғинганлар. Миср деҳқонлари ва аҳолиси Муқаддас Ер худоси Жеб, сув худоси Нунни илоҳийлаштирганлар. Сув уларга бутун табиатнинг асоси бўлиб кўринган. Чунки Нил суви атрофи жазирама саҳро билан ўралган мисрликлар учун муқаддас ҳисобланган.

Мисрликлар Нил дарёсини илоҳийлаштириб уни Хапи деб атаганлар. Сувни муқаддас билиб ва илоҳийлаштириб, унга топиниш ҳамма учун муқаддас бурч бўлган. Сув худоси боши аждаҳо, танаси одам қиёфасида ифода этилган.

Мисрликлар қуёш ва унинг ердаги рамзи бўлган олов-ўтни ҳам илоҳийлаштирганлар. Ривоятга кўра танаси одам, қарчиғай бошли Қуёш худоси Ра худолар подшоси ҳисобланган. У ҳар куни олтин қайиқчасида

осмонни кезиб чиқади ва ғарбга тушади. Мисрликлар Рага атаб ибодатхоналар қурганлар.

Тотем эътиқоди. Қадимги диний эътиқодлардан бири бу тотемизмдир. Тотемизм яъни ҳайвонларга эътиқод қилиш Мисрда ибтидоий даврдан бошланиб архаик давргача кенг тарқалган эди. Мисрликлар жуда қадим замондан бошлаб шер, тимсоҳ, илон, буқа, қўчқор, лочин, асалари, мушук ва бошқа ҳайвонларни илоҳийлаштириб уларга эътиқод қилганлар. Уларга бағишлаб ибодатхоналар қуриб, ҳайкаллар ясаганлар.

Қадимги Мисрнинг жуда кўп вилоятларида муқаддас шер арслонларга топинганлар. Бубастисдаги Минзисга эътиқод қилиш ҳамда Тенис, Мемфис ва Эснадаги урғочи арслон маъбудаларга эътиқод қилишлар ана шулар жумласидандир. Булар орасида арслон бошли маъбуда Сохмет эътиқоди айниқса кенг тарқалган.

Ўрта, Янги ва Сўнгги подшолик даврида захарли илонларга, хусусан, кобра – кўзойнакли илонга эътиқод этиш мавжуд бўлган. Хусусан Рамзес II нинг жасади солинган тош тобут қопқоғида фиръавннинг бош кийим пешонасида кўзойнакли илоннинг, унинг Абу-Сумбулдаги ғор ичига солинган ибодатхона кираверишида Рамзес II нинг ғоят катта ҳайкали сақланиб қолган бўлиб, унинг бош кийимининг пешона қисмида ҳам захарли илоннинг тасвири бор.

Шунингдек, фиръавн Эхнатон ҳайкали портретнинг боши бизгача сақланиб қолган. Эхнатон бош кийимининг олд томонида кўзойнакли илоннинг тасвири бор. Буто шаҳрида захарли илонга маъбуда Уажит деб ном бериб унга сажда қилганлар.

Қадимги Мисрда уй ҳайвонларига эътиқод қилиш, уларни илоҳийлаштириш кенг тарқалган эди. Масалан Мисрнинг қадимги пойтахтлари бўлган Мемфис ва Гелиополда Апис ва Мневис деган муқаддас буқаларга топинганлар. Муқаддас буқа кейинчалик илоҳийлаштирилган. У табиатдан ҳам устун турувчи кучга эга бўлган

подшо образи билан кўшилиб кетган. Қўчқор шаклида ташкил этилган худо Хнум ижодий куч худоси ҳисобланган. Муқаддас қўчқорни илоҳийлаштириш Фива худоси Амон эътиқотида Македониялик Александр замониғача ҳам сақланиб қолганки, коҳинлар Александрни “Худо Амон ўғли” деб таърифлаганлар.

Мендес, Гермопол ва Ликополда муқаддас эчкига топинганлар. Муқаддас сигир – маъбуда Хатхор эътиқоти бутун Мисрда жуда кенг ёйилган эътиқод бўлиб, унинг маркази Дендера шаҳри бўлган. Муқаддас ҳайвонларга эътиқод қилиш подшонинг эътиқотида ҳам акс этган. Муқаддас лочин, асалари, калхат ва илонлар азалдан подшо ҳокимиятининг ҳомийлари ҳисобланган. Подшонинг ўзи эса кўпинча одам бошли арслон (сфинкс) сифатида тасвир этилган.

Муқаддас ҳайвонлар рассомчилик, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатнинг бошқа турларида ўз ифодасини топган. Мисрликлар ўз худоларига бағишлаб мадҳиялар ёзиб, турли маърака ва жонлик сўйиб қурбонликлар ўтказганлар. Мисрда ёвузлик худоси Сет бўлиб, у одам танали, эшак бошли қилиб тасвирланган. Ўсимликлар ва деҳқончилик худоси Осирис бўлиб, у Сет томонидан ўлдирилади.

Мисрда фиръавнларни илоҳийлаштириш илк подшолик даврига бориб тақалади. Янги подшолик даврида бу янада кучаяди. Фиръавнни худо даражасига кўтариб Амон фарзанди деб атайдилар.

Миср-Хетт сулҳи тузилганда ҳужжатга ҳар икки томондан мингтадан худонинг номи ёзиб кўйилган экан. Миср маданияти ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтиб, жаҳон маданиятига ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Мисрликлар бошқа халқлар маданиятидан ҳам баҳраманд бўлганлар. Шундай қилиб Миср маданияти жаҳон халқлари цивилизацияси ривожига жуда катта ҳисса қўшган.

Миср худолари

1. Геб – “муқаддас ер”, “табиатнинг онаси маъбуда ва ернинг азалий худоси” ҳисобланган.

2. Нун – дастлабки сув худоси.
3. Хапи – Нилнинг илохийлаштирилган номи.
4. Озирис – “табиат кучларига хаёт бахт этувчи худо” ҳисобланган, ўсимлик ва сув худоси
5. Гор – Қуёш худоси.
6. Цзида – ёмғир маъбудаси.
7. Собк – сув гирдоби худоси.
8. Гўзал – Тум – Норфертум – ўсимликлар маъбудаси.
9. Уажит – захарли илон қиёфасидаги маъбуд.
10. Апис – муқаддас буқа маъбуди.
11. Мневис – муқаддас буқа маъбудаси.
12. Хнум – ижодий куч худоси, маъбуди.
13. Амок – худо, Фиваликлар худоси, қайирмашоҳлик кўчқор қиёфасида тасвир этилган.
14. Хатхор – муқаддас сигир маъбуди.
15. Ра – қадимги подшолик даври олий Қуёш худоси.
16. Амон – Ра – янги қуёш худоси.
17. Миср фиръавнлари – “эзгу худо”, “улуғ худо” қуёш қонидан яратилган, унинг фарзанди деб уни илохийлаштирганлар.
18. Уннафар – Онуфрий – деҳқончилик худоси ҳисобланган. У кўкариб турган бошоқлар шаклида тасвирланган ва уни эзгу “соҳибжамол” (Уннафар, Онуфрий) обирахмат худоси деб улуғланган.
19. Сэт – ёвуз худо – ўлим ва чўл мамлакатлари худоси ҳисобланган.
20. Атон – янги подшолик давридаги ягона қуёш худоси, Эхнатон даври худоси.

Миср фиръавнларини илохийлаштириш. Маълумки, 3-4- сулола намоёндалари подшолик қилган даврда улар чексиз ҳокимиятга асосланган Қадимги Миср деспотияси ташкил топган. Мазкур деспотия подшонинг илохийлиги ҳақидаги таълимот негизига қурилган диний эътиқодлар мажмуаси ёрдами билан мустаҳкамлаб берилган. Манбаларга кўра “Миср

минг худолар” мамлакати ҳисобланган. Миср аҳолиси фиръавн ҳаёти вақтидаёқ худоларга сиғингандек унга сиғинганлар. Фиръавн ўлгандан кейин эса уни ер худоси сифатида, осмон худоларининг меросхўри сифатида тошдан қурилган ғоят катта мақбараларга дафн этганлар.

М.авв VI-V асрлар фиръавнлари пирамидаларининг дафнхона деворларида ёзилган ёзувлар подшони илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган диний эътиқодларни ёрқин тасвирлаб беради. “Пирамидалар матни” деб аталган бу ёзувлар ўша замондаги диний эътиқодларнинг бутун тизимини батафсил тасвирлаб беради. Подшо бу ёзувларда тангри сифатида тасвирланган. Бир ёзувда бундай дейилган. “Эй Пепи, сен Осирис образидаги худо каби унинг тахтида ўтирибсан”. Ўлган подшонинг осмонда худолар орасида пайдо бўлиши матнларда янги худонинг пайдо бўлиши деб тасвирланган.

Подшо ҳокимиятини илоҳийлаштириш ғояси бир қатор тантанали маросимлар, урф-одатлар ва байрамлар воситаси билан режали, ташкилий равишда амалга оширилган. Саккарада Жосернинг зинапоясимон пирамидаси атрофида ўтказилган қазилмалар натижасида бир қанча катта ва кичик ибодатхона ва бутхоналардан иборат катта меъморий мажмуаси топилган. Мазкур ибодатхона ва бутхоналарда илоҳийлаштирилган марҳум подшо руҳини йўқлаш маросимлари ўтказилган.

Подшо ҳаёт вақтида ҳам худо тимсолида тасвирланган. Ибодатхоналарда энг муҳим диний маросимларни ўтказишга, худога ҳар хил тортиқлар бериш расмининг адо этишга фақат подшонинг ўзи ҳақли бўлган экан. Бу даврдаги афсоналарда подшоларнинг Қуёш худоси билан оддий, дунёвий хотин ўртасида бўлган ғайри табиий никоҳ натижасида мўъжизавий туғилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Матнларда баён қилинишича подшо худонинг меросхўри ва ўғли сифатида тасвирланган. Подшога “Улуғ худо” ва “Хушбахт худо” деган дабдабали унвонлар берилган.

Подшо доимо бошқа ҳамма одамлардан кўра улуғ ва баланд қилиб тасвирланган. Баъзан подшо ғайри табиий мавжудот сифатида одам бошли мавжудот сифатида, масалан, одам бошли арслон – сфинкс сифатида тасвирланган. Мисрлик адиблар Миср худолари ҳақида кўпгина адабий асарлар, мифлар ва ривоятлар ёзиб қолдирганлар.

Шундай қилиб Миср ва мисрликлар дини улар маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Миср ва мисрликлар динида қадимдан бошлаб уларнинг хўжалик ҳаёт тарзи, ижтимоий-иқтисоди ва маданияти у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Шу боис Миср халқлари тарихи, хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий тузуми тарихини ўрганишда мисрликлар дини муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, Қадимги Миср ва мисрликлар жаҳон маданияти тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Қадимги Мисрнинг географик ўрни, табиати ва аҳолиси ҳамда уларнинг машғулотлари ҳақида нималар биласиз?
2. Қадимги Миср тарихига оид манбалар ва тарихнавислиги.
3. Миср тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни.
4. Қадимги Миср ёзуви ёдгорликлари – тарихий манба сифатида
5. Хорижий мамлакатлар мисршуносликка қўшган ҳиссаси ва Қадимги Миср тарихининг хронологияси ва даврлари ҳақида сўзлаб беринг?
6. Илк подшолик даврида Миср (XXXIII – XXIX асрлар)
7. Мисрда қадимги подшоликнинг вужудга келиши ва равнақи (М. ав. XXVIII-XXIII асрлар).
8. Ўрта подшолик даврида Қадимги Миср (м. ав. XXI-XVIII асрлар).
9. Миср гиксослар ҳукмронлиги остида (м. ав. XVIII – XVI асрлар).
10. Янги подшолик даврида Миср (М. ав. XVI-XII асрлар).
11. 19-20- сулолалар даврида Миср подшолиги.
12. Рамзес II ва ворислари даврида Миср подшолиги.
13. Сўнгги подшолик даврида Миср (м. ав. XI – IV асрлар).

14. Қадимги Миср маданияти, фан ва диний эътиқоди.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Француз мисршуноси Гастон Масперо: “Саккара пирамидаларининг ёзувлари”
2. Қадимги подшолик даврига мансуб мақбара ва пирамидалар тадқиқи: Салим Хассан ва Закариё Хоносем тадқиқотлари?
3. Рус олими Б.А.Тураевнинг мисршуносликка қўшган ҳиссаси.
4. Миср календарь – тақвим тизими
5. Қадимги Миср эҳромларига тавсиф беринг?
6. Миср подшоликлари даврида хўжалик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ.
7. Эхнатоннинг диний ислохотларига таъриф беринг?
8. Қадимги Миср фольклори ва адабиёти.
9. Қадимги Мисрнинг санъати ва меъморчилиги.

II БЎЛИМ. ҚАДИМГИ МЕСОПОТАМИЯ ТАРИХИ

1-§. Мамлакатнинг табиий шароитлари, аҳолиси, манбалари ва тарихнавислиги

Қадимги Месопотамиянинг географик ўрни ва табиий шароитлари. Маълумки, Олд ёки Жануби-Ғарбий Осиёдаги мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш хўжалиги, яъни деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик кенг ривожлантириш, шунингдек, савдо-сотиқни йўлга қўйиш ва юксалтириш қулай бўлган Дажла ва Фрот дарёлари ўртасида жойлашган мамлакатни қадимги юнонлар “Месопотамия” – Икки дарё оралиғи деб атаганлар. Бу ўлка шимолда Арманистон тоғларидан бошланиб, жанубда Форс қўлтиғига чўзилган. Бу мамлакатни ғарбда Сурия-Месопотамия дашти, шарқда Загрос, Ғарбий Эрон тоғ тизмалари ўраб туради.

Месопотамиянинг ўрта ва жанубий қисми текислик бўлиб, у вақти-вақти билан тошиб ерларни суғорувчи ва ўғитловчи Дажла ва Фрот дарёлари келтирган ётқизиқ-аллюваллардан иборат бўлган. Дажла дарёси Ван кўлининг жануби, Арманистон тоғлари, Фрот эса Арзирумнинг шарқида денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликдан бошланади. Фрот дарёсининг узунлиги 2600 км, Дажланинг узунлиги эса 1850 км. дажла жуда тез оқар бўлиб, воҳага Фротга нисбатан икки баробар ортиқ сув келтиради. Дажла ва Фрот дарёлари, айниқса Фрот сел-совур пайтларида ўз ўзанидан чиқиб текисликларга ёйилган. Бу тошқинлар мартнинг ўрталаридан бошланиб, сенябргача давом этган. Дажла ва Фрот дарёлари мамлакатнинг асосий сув манбаси бўлиб, қадимда улардан жуда кўп каналларга сув боғлаганлар. Бу дарёлар суғориш манбаи бўлиши билан бирга дарё кемасозлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Бу иккала дарё орқали Месопотамияликлар қўшни мамлакатлар Урарту, Эрон, Кичик Осиё, Сурия, шунингдек, Икки дарё оралиғидаги шаҳар-давлатлар билан доимо алоқада бўлганлар.

Тоғлардаги қорлар эриши ҳамда сел-совур даврида бу икки дарёларда вақти-вақти билан бўлиб турадиган тошқинлар воҳа бўйлаб тошиб, аллювиал ётқизик, лойқалар ҳосил қилган. Бу эса мамлакатда суғоришга асосланган дехқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ерда илк бор қайр дехқончилиги шаклланиб, кейинчалик сунъий суғоришга асосланган дехқончилик вужудга келган. Икки дарё оралиғининг жанубидаги Шумер ва воҳанинг ўрта қисмини эгаллаган Аккад иқлим жиҳатдан бир-бирларидан бирмунча фарқ қилган. Шумерда қиш юмшоқроқ бўлгани учун хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўсган. Аккадда эса қишда қор ёғадиган ва хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўсмайдиган Оссурияга яқиндир.

Гарчи Арман Загрос тоғларида ер ости қазилма бойликларининг бир неча тури бўлса ҳам Жанубий ва Ўрта Месопотамиянинг табиий бойликлари у қадар кўп эмас. Тошқинлар ётқизиб келган лойқа ётқизикдан ҳосил бўлган аллювал тупроқдан бўлган ёпишқоқ лой ибтидоий кулолчилик учун ажойиб хом ашё бўлган. Қадимги Месопотамия аҳолиси лойни асфальт билан аралаштириб, жуда қаттиқ мустаҳкам қоришма ясаган. Бу материал мамлакат жанубида камдан-кам учрайдиган тош ўрнида ишлатилган.

Икки дарё оралиғи ўсимликлар оламига ҳам унча бой эмас. Мамлакатда арпа, буғдой, ёввойи хурмо, шакарқамиш, кунжут, юлғум ўсган. Ёзма манбалар ва суратларда мамлакатдаги айрим ҳайвонлар ҳақида маълумот бор. Загрос ва Арман тоғларида муфлон, архар, ёввойи эчкилар, жанубнинг ботқоқли чангалзорларида ёввойи чўчка, дарёларда балиқлар, қуш ва бошқа ҳайвонлар яшаган. Ўлканинг тоғ олди, текислик ва чўл минтақаларида захарли ва захарсиз илонлар бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Месопотамия – Икки дарё оралиғининг табиий-географик муҳити, айниқса сув манбаларининг мавжудлиги бу ерда ибтидоий жамоанинг тош асрига мансуб кишиларни кириб жойлашувига ва атрофга тарқалишига имкон берган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миср юнон тарихчиси Геродот айтганидек “Нил тухфаси” бўлса, Месопотамия “Фрот ва Дажла дарёларининг инъоми” дир.

Қадимги Месопотамиянинг аҳолиси ва илк машғулоти. Қадим замонлардан Фрот ва Дажла дарёларининг ўрта ва қуйи оқимида тез-тез тошқин бўлиб турган. Тошқин туфайли дастлаб Месопотамияда одамларнинг доимий яшаши учун қулайлик бўлмаган. Бу ерда катта-кичик кўллар, ботқоқликлар ва қамишзорлар кўп бўлган. Шу туфайли қадимги аҳоли асосан Загрос тоғлари орасида яшаган. Олимлар Дажла дарёсининг Заб irmoқлари бўйларидан бундан 70-80 минг йил илгари яшаган одамларнинг манзилгоҳларини топганлар. Ибтидоий одамлар озуқа излаб аста-секин Месопотамия текислигига тушиб келганлар. Лекин улар бу ерда доимий турмаганлар.

Бу воҳага ибтидоий одамларнинг келиб жойлашуви м.ав. IX-VIII минг йилликлардан бошланган ва VI-V минг йилликларгача давом этган. Бу даврда Месопотамия воҳасидаги ерлар аста-секин ўзлаштирилиб, кўп жойларда ибтидоий деҳқонларнинг қишлоқлари пайдо бўлган. Шу вақтдан бошлаб дастлабки суғориш иншоотлари, тўғонлар ва каналлар қурила бошланган. Одамлар ўтроқлашиб, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Улар аста-секинлик билан шимолдан жанубга силжиб борганлар. Кейинчалик Месопотамияга Арабистон ярим ороли, Шимолий Африкадан семит қабилалари, жанубий-шарқ томондан эса бошқа қабилалар кириб келиб жойлашганлар. Загрос тоғлари орқасидан воҳага гутей, кассит, оссур, лулубей, жанубдан эса холдай ва бошқа жанговар қабилалар бостириб кирганлар. М. ав. IV-III минг йилликларда тоғли жойларда яшаган элам қабилалари жанубий-шарқ томондан бостириб кириб, Месопотамия жанубидаги Шумерда ўрнашиб қолганлар. Кейинчалик бу ерга арамейлар, эронликлар, парфияликлар, юнонлар, римликлар ва бошқа қабилалар ҳам кириб келишган.

Шундай қлиб, Месопотамия халқлари атрофдан келган жуда кўп қабилаларнинг маҳаллий аҳоли билан қўшилиши ва аралашуви натижасида вужудга келган. Қадимги мамлакат жанубини – Шумер, аҳолисини шумерлар, шимолдаги ерларни Аккад, аҳолисини эса аккадлар деб аташган. Шумер ва Аккад аҳолиси ташқи қиёфалари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилганлар. Шумерлар паст бўйли, калтабақай, жуссадор, кулча юзли, танқайган бурунли, соқол ва мўйловининг сийраклиги билан аккадлардан ажралиб турганлар. Семит қабилаларига мансуб аккадлар эса, келишган жуссали, норғил, қирра бурун, юзлари чўзиқ, кўзлари катта-катта, серсоқол ва сермўйлов бўлишган.

М.ав. VIII-V минг йилликларда яшаган Месопотамия аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва илк савдо-сотиқ билан шуғулланиб тирикчилик ўтказганлар. Бу даврнинг бошларида аёлларнинг уруғ жамоасидаги ўрни баландроқ бўлиб, улар катта иззат-хурматга сазовор бўлганлар. Аммо деҳқончиликнинг ривожланиши, чорвачиликнинг, шунингдек, хунармандчиликнинг равнақ топиши билан эркакларнинг маъсулияти ортиб борган. Мулкчиликнинг ривожлана бориши натижасида аҳоли орасида табақаланиш пайдо бўлган. Бутун жамиятни бошқариш учун, давлат ташкил топиши учун шарт-шароит вужудга келган.

Қадимги Месопотамия тарихининг асосий илмий манбалари. Маълумки, Шарқ мамлакатлари шунингдек қадимги Месопотамия тарихини ҳам турли манбаларга асосланиб ўрганилади. Қадимги Месопотамия ўзининг хилма-хил тарихий манбаларига эга. Улар мамлакат трихига оид моддий маданият ёдгорликлари, ёзув, ёзма ҳужжатлар, халқ оғзаки ижодиёти, ёзма адабиёти ва бошқалардир.

Месопотамиянинг моддий ёдгорликларига қадимги турар жойлардан археологик қазилар даврида топилган меҳнат қуролири, турар жойларнинг қолдиқлари, қабрлар, мақбаралар, одам ва ҳайвонларнинг ҳайкал ва ҳайкалчалари, шаҳар ҳаробалари, ҳар турли ҳайвонларнинг суяк

қолдиқлари, дон ва бошқа ўсимликларнинг қолдиқлари, зеб-зийнат буюмлари, идиш-товоқлар ва бошқа буюмлар Месопотамия халқларининг қадимги тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. М.ав. **IV-I минг** йилликларга мансуб моддий маданият ёдгорликлари Месопотамиянинг Эреду, Ур, Урук, Лагаш, Ниппур, Ниневия, Мари, Бобил ва бошқа қадимги шаҳарларидан археологик қазиш ишлари натижасида топилган. Археологик қазиш даврида топилган цилиндрлик муҳирлар ҳам тарих учун муҳим аҳамият касб этади. Месопотамия шаҳар харобаларидан топилган бу муҳир нусхалари Миср, Бахрайн ороллари, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам топилган.

Бундай буюмларнинг Месопотамиядан ташқарида топилиши Месопотамияликларнинг узоқ-яқин ўлкалар билан маданий, иқтисодий ва савдо-сотиқ қилиб, яқин муносабатда бўлганликларини билдиради. Муҳрларда баъзан мифологик манзаралар акс эттирилган. Бу бизга мисрликларнинг диний эътиқоди ҳақида ҳам кўп маълумот бериши мумкин.

Месопотамияда ёзув ва ёзма манбалар м. ав. 4 минг йиллик охирида пайдо бўлган. Месопотамиянинг қадимги ёзувлари ўз мазмунига кўра хўжалик, юридик, дипломатик ҳужжатлар ва йилнома кабиларга бўлинади.

Хўжалик ҳужжатлари. Месопотамия шаҳарларидан археологик қазишлар вақтида топилган хўжаликка оид ҳужжатлар мамлакатнинг қадимги иқтисодиёти, ижтимоий муносабатларни ёритишда жуда катта аҳамиятга эга манбалардан бири ҳисобланиди.

Месопотамиянинг Урук ва Жемдет-Наср шаҳарларидан м.ав. 2 минг йилликнинг охирига мансуб бўлган мингга яқин ёзувли сопол лавҳалар топилган. Улар Месопотамия ёзувларининг энг қадимгиси – пиктографик яъни, белги расмлар шаклидаги ёзувлари эди. Унда савдо-сотиқ, мол алмашуви ва қул савдоси билан боғлиқ масалалар ёритилган. М. ав. 3 минг йилликка оид хўжалик ҳужжатлари архиви Шумернинг Ур, Лагаш ва

бошқа шаҳарларидан ҳам топилган. Уларнинг аксарияти ибодатхоналарда бўлиб, улар ибодатхона ва давлат хўжаликлари ҳақида маълумот беради.

М. ав. II минг йилликка мансуб хўжалик ҳужжатлари орасида хусусий кишиларга қарашли архивлар ҳам бўлган.

М. ав. 2 минг йилликка мансуб бўлган оссуриялик ва аморий савдогрларига тегишли 10000 дан ортиқ ёзувли лавҳалар Кичик Осиёнинг Кариш шаҳри яқинидаги Култепани қазиш вақтида топилган. Бу шаҳар ўша даврдаги халқаро савдонинг марказларидан бири бўлган экан.

Мил. ав. XV-XIV асрларда Қадимги Аррапхидаги археологик қазув ишлари вақтида 4000 га яқин ёзувли сопол лавҳалар топилган. Бу лавҳалар хурритларнинг сиёсий ва иқтисодий тузумини ўрганиш учун муҳим ҳужжат ҳисобланади. М. ав. II минг йиллик охири (М. ав. XII-XI асрлар)га мансуб хўжалик ҳужжатлари, Ашшурдаги подшо архивлари ҳам катта аҳамиятга эга. М. ав. I минг йилликка оид 10000 дан ортиқ хўжалик ҳужжатлари Нипур, Бобил, Борсипп, Сиппара, Ур, Уру, Суря, Финикия ва Эрондан ҳам топилган.

Ибодатхона архивлари ва тўпламлари ўша давр ижтимоий, иқтисоди ва савдо-сотиқ муносабатларини ўрганишда айниқса, муҳимдир. Ниппурдаги “Мирашу уй архиви”дан 800 дан ортиқ хўжалик **ҳужжатлари топилган бўлиб**, улар м.ав.V асрга оиддир.

Ҳуқуқий ҳужжатлар. Қадимги Месопотамия тарихини ўрганишнинг жуда муҳим манбаларидан бири ҳуқуқий ёдгорликлар, аввало қонунлар тўпламидир. Қадимги Шарқнинг бошқа бирор мамлакатада Месопотамиядек қонунлар тўплами сақланмаган.

Шулардан энг қадимгиси Шульги қонунлар тўпламидир. Бу қонунлар мажмуаси м. ав. II минг йилликнинг охирларига мансубдир. Мазкур қонунлар тўпламидан Шумер – Аккад подшолигининг III Ур сулоласи фойдаланган. Бу қонунлар тўплами яхши сақланмаган. мл. авв. XX асрга мансуб ҳуқуқий қонунлар тўплами Эшнунна яқинидан, Дияла

дарёси водийсидан топилган. қонунлар мажмуасидан унинг кириш ва 59 мақоласи сақланиб қолган.

М. ав. II минг йилликнинг бошларига мансуб подшо Липит-Иштар даврида тузилган қонунлар тўпламининг парчаси сақланиб қолган. Липит-Иштар подшолиги даврида тузилган қонун тўпамидан фақатгина муқаддима бутун ҳолда, хулосанинг бир қисми ва **40 та мақола сақланиб** қолган. Бобил подшоси Хаммурапи подшолиги даврида тузилган қонунлар тўпламининг кириш қисми, асосий қисм, **282 мақола** ва унинг хулосаси замонамизгача тўлиқ сақланиб қолган.

Бу қонунлар тўплами м.ав. XVIII асрга мансубдир. Бу ҳуқуқий қонунлар тўплами илк бор сопол лавҳаларга ёзилиб, Хаммурапи подшолигининг охирларида қора базальт тошига ўйиб-чўкичлаб кўчирилган. Тошнинг юқори қисмига эса Хаммурапининг Қуёш худоси Шамашга ибодат қилаётган тасвири ҳам туширилган. Хаммурапи қонунлари ёзилган тош лавҳа 1901 йилда француз археологлари томонидан эламликлар пойтахти Суза шаҳридан топилган. Чунки м.ав. XII асрда эламликлар Бобилга бостириб кирган вақтларида базальт устунига қадимги миҳхат билан ёзилган бу ёдгорликни Эламга ўлжа сифатида олиб кетган эдилар.

М.ав. II минг йилликнинг ўрталарида Ашшурда ёзилган қонунлар тўплами ҳам бўлган. Бу дипломатик ҳужжатда Лагаш ва Умма шаҳар-давлатлари ўртасидаги, хусусан, чегара масаласидаги келишмовчиликлар ҳақида маълумот берилган. Бу дипломатик ҳужжат м.ав. XXIV асрга мансуб экан. Янги бобил подшолиги даврида тузилган ва амал қилинган, **20 мақоладан** иборат қонунлар тўпламининг парчалари сақланиб қолган. Баъзи маълумотларга қараганда бу қонунлар тўплами Бобилда м.ав. 605-562 йилларда ҳукмронлик қилган Новоходонсор томонидан тузилганлиги маълум.

Шунингдек, Месопотамиянинг турли жойларида, турли тарихий даврларда хилма-хил ҳуқуқий ҳужжатлар, суд баённомаларининг

матнлари, жиноятчилар устидан текширув жараёнлари билан боғлиқ ҳужжат сақланиб қолган архивлар ҳам топилган.

Дипломатик ҳужжатлар. Археологик ва ёзма манбаларга кўра Месопотамияда энг қадимги дипломатияга оид ёзувлар иккита сопол муҳрда сақланиб қолган. Дипломатик ҳужжатларнинг бирида эса м.ав. XXIII асрда Аккад подшоси Нарам-Суен ва Элам подшоларининг бир-бирлари ўртасида узоқ давом этган келишмовчиликдан сўнг тузилган иттифоқ ҳақида сўз юритилади. М.ав. II минг йилликка мансуб дипломатик архивларнинг бири, Мари шаҳри саройини қазिश вақтида топилган. Унда Мари подшоси Зимрилимнинг Бобил давлати ҳукмдорлари ва амалдорлари билан ўзаро ёзишмалари баён этилган. Шунингдек, Мари ҳукмдорининг сурияликлар, финикияликлар ва бошқа князликлари билан олиб борилган муносабатлари ўз аксини топган.

Ўз ўрнида Месопотамияликлар, мисрликлар, хеттлар ва бошқа халқлар билан ҳам дипломатик муносабат олиб борганлар. Буни Месопотамияда ишланган моддий буюмларнинг Мисрда ва Хеттлар ҳудудида топилиши, шунингдек Хетт подшолари архивидан топилган буюмлар далил бўлиши мумкин. М.ав. I минг йилликка мансуб халқаро шартномалар орасида Оссурия подшолари билан қўшни мустақил мамлакатлар ўртасида тузилган дипломатик шартнома муҳим аҳамиятга эгадир.

1955 йили Кальха (Намруд)даги қазишмаларда оссур подшоси Асархаддон билан Мидия князликлари ўртасида (м.ав.VII аср) тузилган дипломатик шартнома катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб Месопотамия ва унга қўшни бўлган мамлакатлардан топилган археологик ёдгорликлар, ҳуқуқий, хўжалик ва қонунлар тўпламлари Месопотамия тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Тарихий мазмундаги ёзувлар. Маълумки қадимда қоя тош, қабр тош, саройларнинг деворлари ва бошқа буюмларга битилган ёзувлар ҳам

Месопотамия халқлари тарихини ўрганишда муҳим бир манбалардан ҳисобланади.

Бир ҳужжатда Шумар, Аккад, Бобил, Оссурия ва Месопотамияда бошқа давлатларнинг тарихий мазмундаги хатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ёзувлар мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларда у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва диний жиҳатлари, шунингдек, ҳарбий масалалар ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, Лагаш ҳукмдори Уруинимгин, Гудеа, Аккад подшоси Римуш, Маништуси ёдгорлиги устига ёзилган ер ҳақидаги битик, Саргонийлар (м.ав.VIII-VII асрлар) Саргон II нинг худо Ашшурга ёзган хатида унинг Урартуга қилган зафарли юришлари, Ашшурбанипалнинг сиёсий мазмундаги битиклари диққатга сазовордир.

Шуни айтиш керакки Янги Бобил подшоларининг 140 дан ортиқ ёзувлари, битиклари сақланиб қолганки, уларнинг катта қисми Янги Бобил шоҳлари Новуходоносор II ва Набонид (м.ав.VI аср)ларга қарашлидир. Қадимги Месопотамияда диний руҳдаги битиклар, ёзувлар сақланиб қолган. Айни пайтда Месопотамиядаги давлатлар ҳукмдорларининг бир-бирларига йўллаган мактуб хатлари Месопотамия тарихини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.

Баъзи тарихий битикларда Шумер, Бобил, Оссурия подшоларининг рўйхати келтирилган. Бу жиҳатдан “Шумер подшолари рўйхати” ёдгорлик ёзуви диққатга сазовордир. Бу ва бунга ўхшаш ёзув ёдгорликлар Месопотамияда кўпчиликни ташкил этади.

Қадимги Месопотамия халқ оғзаки ижодиёти намуналарига халқ мақоллари, маталлари, ҳикоялари, дostonлари, диний руҳдаги афсоналари, **асотирлари** ва эртаклар киради.

Гильгамеш ва Ага, Аккад ҳукмдори – шоҳи Саргон ҳақидаги афсона ва ривоятлар шулар жумласидандир.

Оддий халқ ўзи ҳақида ҳам ажойиб мақоллар тўқиганлар. Жумладан бир мақолда шундай дейилади: “Камбағални ўлгани яхши яшашдан кўра,

унинг нони бўлсаю тузи бўлмаса, тузи бўлсаю нони бўлмаса, гўшти бўлсаю кўзичоғи бўлмаса, кўзичоғи бўлсаю гўшти бўлмаса!”.

Қадимги дунё муаллифларининг Месопотамия ҳақида ёзганлари. Маълумки, қадимги дунё муаллифлари Қадимги Шарқ халқлари, хусусан Қадимги Месопотамия ҳақида озми-кўпми маълумот ёзиб қолдирганлар. Улар Месопотамиянинг табиий шароити, иқлимнинг ўзига хос хусусиятларини, аҳолининг урф-одат, расм-русумлари, диний эътиқодлари, маданият соҳасида эришган ютуқлари, унинг тарихи ҳақидаги хотираларни тасвирлаганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, қадимги муаллифлар қадимги Шарқ тарихи ва маданиятининг сўнгги даврларида м.ав.V-I ва милодий I асрлар орасида яшаб ижод этганлар.

Қадимги Шарқ, хусусан Қадимги Месопотамия ҳақида ёзган юнон-рим тарихчилари орасида Геродот алоҳида ўринни эгаллайди. Геродот м.ав. 480-425 йиллар орасида яшаб ижод этган машҳур тарихчи. У IX жилддан иборат “Тарих” китобини ёзган. Машҳур римлик сенатор Цицерон Геродотни “тарих отаси” деб номлаган. У Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган вақтларда Месопотамияда ҳам бўлган. Геродот ҳаммавақт мамлакатларнинг табиий шароити, тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ёритишга ғаракат қилган. Геродот Шарқ тилларини билмаса ҳам, ўзи фойдаланган манбаларга танқидий кўз билан қараган. Геродот ўз асарини ёзишда аоссан ўша замон руҳонийлари – қоҳинлари ва йўл бошловчиларнинг, таржимонларнинг ҳикояларидан, шунингдек, Месопотамияда ўз кўзи билан кўрган воқеаларидан кенг фойдаланган. У Месопотамиянинг табиий шароитлари тўғрисида гапирганда, мамлакатдаги сунъий суғоришга, фойдали ўсимликлардан фойдаланиш ва уларни ўстириш, шунингдек тупроқнинг унумдорлигига алоҳида аҳамият берган. У Месопотамия халқларининг турмуши ва урф-одатлари ҳақида гапириб, кемасозлик, сув транспорти ва савдо ҳақида ҳам ҳикоя қилган. У ўз

асарида одамларнинг кийим-кечаги, озиқ-овқати, даволаш усуллари, уйланишдаги расм-русумлари ва дафн маросимларини тасвирланган.

Месопотамиянинг асосий шаҳри бўлмиш Бобилни айниқса, батфсил тасвирлаган ҳамда бу шаҳарни “мамлактнинг энг машхур ва жуда ҳам мустаҳкам шаҳри” деб ҳисоблаган. Геродотнинг “Тарих” китобида Месопотамиянинг сиёсий тарихи ҳақида маълумотлар қисқа ва кам. Унда тасодифий ва қисман афсонавий ходисалар тасвирланган. Шунингдек, Нин, Сарданапал ва Оссур подшоси Цинаххереб ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Геродот ўз ҳикояларида қадимги миф (афсона) ва халқ эртакларидан фойдаланиб кўпинча уларни тарихда бўлган воқеалар деб тушинтирган. Чунончи Гераклидлар авлодидан чиққан Белнинг ўғли Нинни Геродот оссур подшолигининг асосчиси деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, машхур юнон тарихчиси қадимги Месопотамия халқлари ҳақида кўпгина қимматли маълумотларни қолдирган. Айни пайтда Геродот Шарқ халқлари маданиятига юқори баҳо бериб, қуёш соатлари ва йилнинг 12 қисмга бўлиниши ҳақида гапирар экан, эллинлар – юнонлар “буларнинг ҳаммасини бобилликлардан олганлар” дейди.

Қадимги даврнинг муаллиф-тарихчиларидан бири м. ав. V асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ктесий Книдскийдир. У Геродотнинг замондоши бўлиб, Эронда узоқ вақт яшаган. У 22 китобдан иборат “Эрон тарихи” деган асар ёзиб қолдирган. Бу китобда Месопотамия ҳақида жуда оз маълумот ёзилган. Ктесий қолдирган маълумотлар илмий жиҳатдан унчалик илмий асосга эга эмас. У Оссурия тарихига бағишланган лавҳасига кўпинча халқ афсоналарини киритган. Ктесий бу лавҳага Цинаххериб ва Асархадоннинг вазири доно Ахикар ҳақидаги, Оссурия подшолигига асос солган Нин билан Семирамид ҳақидаги афсоналарни киритган. Ктесий ўз асарини ёзишда ишончли манбалардан, шу жумладан шоҳ архивидан фергаментлардан ҳам кенг фойдаланган бўлиши мумкин. Чунки, Ктесий Эрон шоҳи Артаксерскнинг сарой табибларидан бўлиб, Сузадаги шоҳ архивларига кириб, бу ердаги пергаментлардан фойдаланиш

имкониятига эга бўлган. Ктесийнинг асари замонамизгача етиб келмаган. Унинг асарларидан олинган айрим парчалар Диодор асарларида сақланиб қолган.

Қадимги юнон тарихчиларидан яна бири Ксенафонт бўлиб, у м.ав. V-IV асрларда яшаб ижод этган. У Эрон қўшинида ёлланма жангчи сифатида хизматда бўлган вақтда Месопотамияда бўлган. Унинг “Киропедия” ва “Анабасис” деган асарларида Дажла ва Фрот дарёлари водийси баёни, мамлакат аҳолисининг урф-одатлари ва тарихи ҳақида жуда қисқа маълумот сақланиб қолган. Унинг асарларидан олинган айрим парчалар Афиня, Диодор ва бошқа Юнон муаллифларининг асарларида сақланиб қолган.

Олд Осиё, жумладан Месопотамиянинг қадимги халқлари тўғрисида ёзган қадимги тарихчилар орасида м.ав. IV-III асрларда яшаган бобиллик тарихчи Берос ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. У Бобилдаги Мардук ибодатхонасининг қоҳини-рухонийси бўлгани сабабли ибодатхона архивларидан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлган. У Бобил тарихи ва маданиятини ўша замоннинг билимдон тарихчиси нуқтаи назаридан таърифлаб бера олган. Бероснинг асари уч китобдан иборат. “Донишмандлик” деб аталган биринчи китобида Бобил мифлари баён қилинган. Иккинчи китобида эса афсоналардаги дунё тўғриси давридан тортиб то шоҳ Пулнинг (яъни оссур подшоҳи Тиглатпаласар II) подшолик давригача бўлган Месопотамия тарихи баён қилинган. Учинчи китобда эса Месопотамия тарихининг Макадониялик Александар ўлимигача бўлган даврни тасвирлаган. Аммо Бероснинг бу асари ҳам тўлалигича замонамизгача сақланиб қолмаган. Берос асарининг Иосиф Флавий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларида келтирилган парчалари ва иқтибосларигина бизнинг замонамизгача етиб келган холос. Бу парча ва иқтибослар ибтидоий замонлар, тўғриси даври, патриархлар, Цинахериб ва Навуходоносор ҳақидаги қиссаларидан иборатдир.

Яна бир Юнон тарихчиси борки, у м.ав. I асрда яшаб ижод этган Диодор бўлиб, у ўзидан олдин яшаб ўтган Геродот ва Ктесий асарларидан кенг фойдаланиб “Тарих кутубхонаси” асарини ёзган.

Диодор Оссур подшолигининг асосчилари Нин, Семирамиднинг афсонавий ҳаёт ва фаолиятини муфассал тасвирлаган. Диодор асаридаги Бобил тасвири, жумладан, у ерни казиш вақтида топилган саройларининг деворларидаги нафис суратларнинг тасвири айниқса қизиқарли ва таҳсинга сазовордир.

Ниҳоят Халдея астрологияси ва астрономиясининг Диодор асарларида сақланиб қолган тасвирлари ҳам диққатга сазовордир.

М.ав. I ва милоднинг I асрларида яшаб ижод этган Страбоннинг “Геогафия” асарида Қадимги Месопотамия тарихи ҳақида жуда бой маълумотлар сақланиб қолган. Страбон ўз асарида асарида Месопотамиянинг табиий шароитини ажойиб тарзда тасвирлаган. Шунингдек, у Дажла ва Фрот дарёларининг вақти-вақти билан бўлиб турадиган тошқинларига ва сунъий суғориш тармоқлари ташкил қилишнинг зарурлигига алоҳида эътибор берган. Страбоннинг кўпгина кузатишлари қизиқарли бўлиши билан бирга, жуда кўп муболағалар ҳам бор. У Месопотамия ерларининг унумдорлигини ва хурмо дарахтининг хўжаликда кенг ишлатилишини ҳаддан ташқари бўрттириб юборган. Страбон бобилликларнинг урф-одат, кийим-кечакларини, уйланишдаги расм-русмлар ва кўмиш маросимларини батафсил тасвирлаган. Бу соҳада у Герододга эргашган.

Страбон асарида Бобил ва ундаги Халдея астрономлари обсерваториясининг ажойиб таърифи берилган. Шунингдек мазкур асарда ҳам Нин ва Семирамида ҳақида қадимги давр тарихшунослигида кенг ўрин олган афсоналар каби тарихий афсоналар сақланиб қолган.

Месопотамия тарихига оид маълумотлар милодий I асрда яшаган римлик тарихчи Помпей Трог асарларида ҳам сақланиб қолган. Помпей Трог асарларида бобиллик ва оссурияликлар тарихи ҳақида кўпгина

маълумотар бор. Асарда Оссурия, унинг кучайиши, босиб олинган ўлкаларда бошқарув усуллари ва Оссурия давлатининг емирилиши каби масалалар баён этилган.

Қадимги Месопотамия тарихи ҳақида Херила, Кратет, Фокулид, шоир Марк Анней Лукан, Ямвлих, Филострат ва Лукиан каби ёзувчиларнинг асарларида ҳам қисқа-қисқа маълумотлар учрайди.

Милодий I асрда яшаган Иосиф Флавий ўзининг “Қадимий Иудия” асарида Оссурия ва бобилликларнинг Фаластин давлати билан ўзаро алоқалари, Бобил ва Мидия ўрасидаги қарама-қаршилик, улар билан Миср ўрасидаги муносабатлар ёритилган. Асар диний руҳда ёзилган.

2-§. Михсимон хатлар ва уларни ўқиб чиқилиши

Маълумки, понасимон ёзувларни қидириб топиш, улардан нусха кўчириш XVII асрда бошланган. Аммо олимлар бу ёзувларни кўп вақтгача ўқий олмаганлар. XVIII-XIX асрларда Олд Осиё, хусусан Месопотамиядан топилган понасимон ёзувларни қидириб топиш, ўқиб чиқиш бўйича жиддий ютуқларга эришилган.

XX асрда эса Олд Осиё ва Месопотамияда бу қадимий ёзувларни қидириб топиш, ўқиб чиқариш борасида янгидан-янги муваффақиятлар қўлга киритилган.

Қадимги моддий маданият ёдгорликлари, ўша давр муаллифлар ёзиб қолдирган тарихий маълумотларга қараганда иероглиф, миххат билан ёзилган хужжатлар, тошларга, папирусларга битилган ёзувлар катта илмий аҳамиятга эгадир. Иероглиф ва миххатлар қадимги замонларда Шарқ дунёсининг, қолаверса бутун Олд Осиёнинг асосий ёзув усули бўлган. Шоҳ амалдорларнинг саройлари, руҳонийлар ибодатхоналарининг деворларидан жуда кўплаб ёзувлар топилган. Сопол лавҳалар сиртига ёзилган иероглиф ва миххатларда Олд Осиё, хусусан Месопотамия халқларининг хўжалик, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид турли маълумотлар қайд этилган. Шу боис мазкур хат ва битиклар Месопотамия

халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

XVII асрда италиялик савдогар ва сайёҳ Пьетро делла Валье михсимон хатларнинг нусхаларини биринчи марта Европага олиб келган. Пьетро бу ёзувларни Эрон шоҳи Доронинг Персополь саройи деворларидан кўчириб олган. Лекин Европа олимлари бу ёзувларни кўп вақтгача ўқий олмаганлар. XVIII аср охирида даниялик Карстен Нибур михсимон (понасимон) хатларни ўқиб чиқишга ҳаракат қилган. Нибур понасимон хатларнинг маълум даражада аниқроқ чизиб берилган бир неча нусхасини босиб чиқарган ва уларни ўқиб чиқаришга киришган. Бироқ Нибур ҳам понасимон хатларни ўқиб чиқишни охирига етказа олмаган. У понасимон хатлар уч хил ёзув системасида ёзилганини ва шу уч хил системадан энг соддаси уч алфавит белгисидан иборат эканлигини аниқлай олган, холос.

Германиянинг Геттинген гимназияси ўқитувчиси Гротофенд (1775-1853) миххатларни ўқиб чиқаришда катта ютуқларга эришган. У ўзидан олдинги ўтган олимларнинг эгри мих (пона) белги-ажратувчи белгини билдиради ва алфавитли Персополь хатидаги бир гуруҳ белгилар эса подшонинг унвонини билдиради деган фаразларга асосланиб, бу ёзувнинг ҳаммаси умуман икки Эрон шоҳининг унвонини билдиради деб тахмин қилган. Гротофенд бу ёзувда Аҳмонийлар сулоласидан бўлган икки Эрон шоҳининг: Доро ва Ксеркснинг номларини, шунингдек, Доронинг отаси Каштасиб (Гистасп)нинг номини ўқиб чиқишга муваффақ бўлган. Шарқшунос олим В.И.Авдиев Гротофенднинг қадимги форс миххатининг тўққизта алфавит белгисини тўғри тушуна олганлиги ва бу билан миххатларни ўқиб чиқариш ишига асос солганлигини таъкидлайди. Бу Гротофенднинг мисршуносликдаги катта кашфиёти эди. Аммо Гротофенднинг бу кашфиётини баъзи олимлар тезда тан олмадилар. Унинг ишини Лассен ва Бюрнуф каби олимлар давом эттириб, қадимги форс алфавитининг қолган белгиларини ҳам аниқлашга муваффақ бўлганлар.

Бюрнуфнинг 1836 йилда босилиб чиққан асарида қадимги форс ёзувидаги 34 алфавит белгисининг тўғри ўқилиши берилган.

Инглиз сайёҳи Г.Роулинсон асарлари форс понасимон хатларини ўқиб чиқаришнинг тўғрилигини текшириш ва кейинчалик оссурология (оссуршунослик) деб ном олган янги фанни янада ривожлантириш учун жуда қимматли маълумот берган. Г.Роулинсон Эронда 1835 йили понасимон хатлардан бир нечтасининг нусхасини кўчириб олган. Булар орасида қояга ўйиб ёзилган машҳур Беҳистун ёзуви ҳам бўлган. Гротофенднинг ўқиб чиқарган ёзувдан беҳабар бўлган Г.Роулинсон бу ёзувларни синчиклаб текшириб, форс понасимон хатининг 18 алфавит белгисини тўғри аниқлаган. Г.Роулинсон тўплаган бой маълумотлар понасимон хатларнинг қолган тизимини ҳам аниқлашга киришишга имконият яратган. Г.Роулинсон ва норрис Янги Элам ёзувлари учун ҳам хизмат қилган иккинчи тизимнинг 200 га яқин белгисини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Бу иккинчи тизим силлаб ёзуви (бўғинли ёзув) тизими бўлиб чиққан. Понасимон хатнинг учинчи тизимини Г.Роулинсон, Хинкс ва Оппертлар ўқиб чиқарганлар.

Улар учинчи тизимда 200 дан ортиқ силлаб (бўғинли) белги борлигини ва бу билан бир қаторда ишлатиладиган бир қанча идеограммаларнинг борлигини аниқлаганлар. Бу ёзувларни ўрганиш натижасида улар сепитик тиллар гуруҳига мансуб бўлган тилда ёзилганлиги маълум бўлган.

Кейинчалик Бобил понасимонхатига яқин бўлган оссур бўғинли понасимон системаси ва ниҳоят Жанубий Месопотамиянинг шумерийлар деб аталган, энг қадимги аҳолисида пайдо бўлган понасимон хатнинг энг қадимги шакли ҳам ўқиб чиқарилган. Понасимон хат аввало шумерийларда пайдо бўлиб, кейин эса улардан бу хатни бобилликлар олиб, уни ўз навбатида оссурийларга берганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки XIX асрнинг 90 йилларида немис олимларидан Ф.Делиг томонидан аккад тилининг грамматикаси тузилган.

Шумер ёзувларининг топилиши ҳамда ўқиб чиқилиши муносабати билан оссуриалогия фанига асос солинган. Ўз ўрнида шумер ёзувларидан урартлар, эламликлар, хеттлар ва Олд Осиёдаги бошқа халқлар ҳам фойдаланганлар. Натижада кейинчалик оссуриалогия фанидан келиб чиққан шумерология, эламитология, урартология ва хеттология фанлари ажралиб чиққан.

Шумер ёзувларини ўқиш осонликча бўлмаган. Бунинг учун олимлар кўп меҳнат қилганлар.

XX асрнинг биринчи ярмида шумер ёзувларини топиш, ўқиб чиқиш устида Ф.Тюро-Данжен, А.Пебел, А.Даймель, А.Фалькенштейн ва бошқа олимларнинг хизматлари тахсинга сазовор.

Улар ўзларининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шумер тили грамматикаси ва луғатини яратувчилари ҳисобланишади.

Ҳозирги кунда Пенсильван университети олимлари шумер тили грамматикаси ва луғатини яратувчилари ҳисобланади. Ҳозирги кунда Пенсильван университети олимлари шумер тили грамматикаси ва тилига оид кўп томлик асар ёзиш устида иш олиб борилмоқда. 1992 йил пиктографияга бағишланган икки томлик асар нашрдан чиқди. Ҳозирда эса илк шумер ёзувларини ўқиб чиқиш учун фаолият олиб борилмоқда.

Шундай қилиб шумерликларнинг бу понасимон хатлари дунёдаги энг қадимги алифболардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур понасимон хат орқали ёзилган ҳужжатлар, битиклар ва ҳар турли ёзишмалар, воқеаномалар Олд Осиё халқлари тарихи, хўжалиги, ижтимоий-сиёсий тузуми, моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда нодир манбалардан бири ҳисобланади.

Қадимги Месопотамияни археологик ўрганилиши тарихидан. Жаҳон халқларининг қадимги тарихини археология фани ва тадқиқотларисиз ўрганиб бўлмайди. Шунингдек Месопотамия тарихини ўрганишда у ердан топилган археологик ёдгорликлар ва уларнинг маданий

қатламларидан археологлар топган ашёвий буюмлар энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Месопотамияда археологик қазув ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланди. 1842 йил француз дипломат Э.П.Ботта Куёнжук тепалигида қазиш ишларини бошлади. Ривоятларга кўра бу жой Оссуриянинг пойтахти Ниневия экан. 1843 йилда А.П.Ботта подшо Саргон III нинг пойтахт шаҳри Дур – Шаррукин бўлган қадимги Хорсободада қазиш ишларини олиб борди.

1844-1845 йилларда инглиз дипломати Г.А. Лэйярд Нимруд тепалигида қазиш ишларини бошлайди. Нимрудни қазиш натижасида бу тепалик Оссуриянинг Кальха шаҳри эканлиги аниқланган. КальХаньинг маданий қатламларидан топилган ашёвий буюмлар унинг оссур подшолари саройи бўлганлигидан дарак беради. Маданий қатламлардан одам-буқа ва одам – арслоннинг катта ҳайкали топилган.

1847 йил Г.А.Лейярд Куёнжикда қазиш ишлари олиб Ниневия шаҳри харобаларини, шоҳ Цинахреб саройини (м.ав.VII аср) унинг набираси Ашшурбанипал тўлиқ сақлаган “сопол китоб” кутубхонасини топишга муяссар бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Месопотамияда археологик тадқиқот ишларининг янги даври бошланади.

Лэйярднинг сафдоши Х.Рассам Куёнжикда қазиш ишларини давом эттириб оссирия шоҳи Ашшурбанипалнинг ажойиб ов ва уруш манзараси ифода этилган тасвир туширилган саройини ва шоҳ кутубхонасини топган. Нимруд тепалиги яқинидаги Балавот деган жойдан м. ав. IX асрга мансуб оссурия ёдгорлигини, бронза плита, сиртига ҳарбий юриш манзараси ифода этилган Блават дарвозасини топган.

Рассом томонидан Сиппар шоҳи ҳаробаси топилган. У ерда қуёш худоси Шамашга аталган ибодатхона, иш хужатлари архиви ва “ўқув қўланмалари” бўлган мактаб биноси ҳам очилган. Ёдгорликнинг маданий

қатламларидан Ашшурбанипалнинг цилиндр лой лавҳаси топилган бўлиб у фанда “Рассом лавҳаси” деб ном олган.

Месопотамиядаги қадимги шаҳарларни қазиб очиш ва илмий ўрганиш ишига инглиз геологи В.Лофтуснинг ҳам хизматлари катта бўлган. У Урук ва Ларсада катта кашфиётлар қилган. Англия экспедицияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Урук, Ур, Ларса ва Эреду каби қадимги Шумер шаҳарларини қазиб очдилар. XIX асрнинг охирида Э де Сарзек бошлиқ француз археологик экспедицияси Шумердаги лагаш шаҳрида қазишлар олиб бориб катта ютуқларга эришди. У ерда Лагаш ҳокимларининг, хусусан Гудеанинг кумушдан ясалган ҳайкаллари ва ганждан ясалган вазалар топилган. Шунингдек у ердан Лагаш ҳукмдорининг Ямма шаҳри ҳокими Урунимгин устидан эришган ғалабаларини эслатувчи ёзув, “Стена коршунов” – “Калхатлар ёдгорлик тоши”, Лагаш ҳукмдорининг ислохатлари ҳақида, шунингдек ибодатхоналарнинг хўжалик ҳужжатларига оид катта архив ҳам топилган. Америкалик археологлар эса ниппур шаҳри ҳаробаларидан 3000 йил илгари фаолият кўрсатган худо Энлил ибодатхонасини очганлар. Ибодатхонанинг маданий қатламларидан 60000 дан ошиқ сопол табличкаси бўлган кутубхона, ибодатхонанинг хўжалик бинолари, сарой, мактаб, бозор, пештахта, уй – жой ва бошқа нарсалар топилган.

XX асрдан бошлаб Месопотамияда археологик қазув ишлари янада қизгин тус олди. Р.Кальдевой бошлиқ немисларнинг археологик экспедицияси Бағдод шаҳридан 90 км жанубдаги тепаликларни қовлашга киришадилар. Қазиш натижасида қадимги Месопотамиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий – диний маркази бўлган. қадимги Бобил шаҳри кашф этилди. Бу ердаги қазиш ишлари 1899 йилдан 1917 йилгача давом этган. Қазишмалар натижасида м.ав.VII – VI асрда яшаган шоҳ Навуходонсор II нинг саройи, худо Мардук ибодатхонаси, зинапоясимон – зиккуратнинг улкан биноси очилган. 1903-1914 йилларда В.Андре бошлиқ археологлар Оссуриянинг энг қадимги пойтахти Ашшур шаҳри ҳаробаларини

кавлаганлар. Қазилар натижасида подшоҳ саройининг қолдиқлари, ибодатхона, жумладан осурларнинг олий худоси Ашшур ибодатхонаси, шоҳларнинг ер остидаги дахма – сағанаси, шаҳар кўчалари ва уйларнинг ўрни топилган. А.Нельдека, Р.Кольдевой ва В.Андрелар Фара қишлоқчасида қазилар ишлари олиб боришган. Бу жой Шумер шаҳарларидан бири бўлиб, маданий қатламлардан қадимги хўжаликка оид матнлар битилган кутубхона кутубхона; Бобил яқинидаги Борсиппдан баландлиги 49 метрлик зиккурат, шунингдек Умма шаҳри ҳаробалари топилган.

1933-1939 йилларда А.Перро бошлиқ Франсуз археология экспедицияси қадимги Мари шаҳрида археология қазилар ишларини олиб бориб, у ердан м.ав.II минг йиллик бошларида Мари подшоси томонидан қурилган улкан сарой қолдиғи, 20000 яқин хўжалик ва дипломатик табица қазиб олинган. 70 йилларда эма м.ав.IV – III минг йилликка оид саройлар, хосилдорлик худоси Иштар ибодатхонаси, қадимги қабрлар ва сопол лавҳалар топилган.

1922-1934 йилларда Л.Вулли бошлиқ инглиз археологик экспедицияси қадимги Урда қазилар ишлари олиб борганлар. Урнинг маданий қатламларида м.ав.IV минг йилликдан м.ав.IV асргача бўлган шаҳар ҳаётини тикловчи ашёлар, ой худоси Наннари ва унинг рафиқаси Нингаль ибодатхонаси шоҳ Ур – Намму томонидан м.ав.III минг йиллик охирида қурилган зиккурат иншооти, илк сулола даврига мансуб шоҳ мақбаралари, мактаб, устахона, бозор, дарё кемалари тўхтайдиган гаван – бекат, меҳмонхона турар жой, ибодатхона, давлат ва хусусий архивлар топилган.

1925-1930 йилларда америкалик археологлар Аррапхадаги учта тепаликни қазиб, у ердан қалъа, ибодатхона саройи, хўжалик, турар жой ва м.ав.II минг йилликка мансуб катта архив қазиб очилган. 1930-1936 йилларда эса америкалик археологлар қадимги Эшнунани қазиганлар.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг америкалик тадқиқотчи ва археологлар ишига ироқлик олимлардан Фауд Сафар ва Таха Бакирлар ҳам жалб қилинган. Улар Эшнунна яқинидаги Шадуппамада қазииш ишлари олиб бориб, қадимги суд – адлия қонунлари ёзилган лавҳа (Эшнунна қонунлари), математик ва бошқа фанларга оид маълумотлар топилган.

Ироқ олимлари Эреду шаҳри ҳаробаларида ҳам қазииш ишлари олиб борганлар. Усрдан тарихий давргача бўлган 14 маданий қатлам очилган. Бу нарсалар жанубий Шумер шаҳарларининг қадимлигини кўрсатувчи далиллардан бири ҳисобланади. 50-60 йилларда ироқлик археологлар Неби – Юнус тепалигида қазииш ишларини олиб борганлар. Бу жой Ниневия шаҳри ҳаробалари бўлиб, у ердан оссур шоҳи Асархадони саройи, қурол яроғ омбори, хўжалик қурилиш бинолари ва кўпгина ёзма ҳужжатлар топилган.

50-80 йилларда немис археологлари Урук шаҳрида қазииш ишлари олиб бориб у ердан м.ав.III минг йилликка мансуб муқаддас ибодатхона, ҳосилдорлик худоси Инанна ибодатхонаси, хом ғиштдан қурилган қадимги шаҳар девори, Урукнинг афсонавий шоҳи “Гилгамеш” даври ҳунармандлар устахонаси, бой қабр – мозорлар, оссур ва бобил шоҳларининг ёзувлари матни кашф этилган.

М.Мэллоуэн бошлиқ инглиз археологлари Нимруд тепалигида қазииш ишлари олиб борганлар. У ердан “Саламансар форти” бўлиб, у ердан м.ав.IX – VII асрга мансуб кучли минорали қалъа девори, ҳарбийлар турадиган қароргоҳ, хўжалик бинолари, оссур подшолари саройлари топилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Месопотамиянинг қадимги тарихини ўрганишда М.В.Никольский, Н.П.Лихагев, М.В.Никольскийнинг ўғли Н.М.Никольскийларнинг хизматлари ҳам каттадир. Улар Иккидарё оралиғи тарихи, бобилликлар маданиятига доир кўплаб мақолалар ёзиб нашр этишган. Месопотамия халқлари ва маданияти тарихини ўрганишда Б.А.Тураев, В.К.Шилейко, В.В.Сийруве, А.И.Тюменов, И.М.Дьяконов,

В.И.Авдиев, М.А.Дандамаев, В.М.Массон, Р.М.Мунгаев, Н.Я.Мерперт ва бошқа рус археолог тарихчилари, шарқшуносларининг хиссалари каттадир.

Қадимги Месопотамия тарихининг даврлаштириш масаласи. Маълумки, м.ав.VII-IV минг йилликларда ибтидоий жамоа тузумининг бузили ва ҳудудда табақавий жамиятнинг вужудга келиш учун шарт-шароит қарор топади. М.ав.III минг йиллик бошида мамлакатнинг жанубий ҳудудидаги Шумер вилоятида дастлабки кичикроқ шаҳар-давлатлари ташкил топади. М.ав. XXVIII-XXIV минг йилликлар Месопотамия тарихида Илк сулолалар тарихи даври деб номланади.

Месопотамия тарихининг навбатдаги тарихий даври (м.ав..III минг йилликнинг охири) яқка ҳокимликка асосланган деспотик давр эди. Бу давр м.ав.XXIV-XXIII асрларга тўғри келиб, Месопотамиянинг марказий қисмида Аккад давлати ташкил топиб, Шумерни ҳам шимолдан бир қанча майда давлатларни ўз таркибига қўшиб олади. Кутейларнинг хужуми остида Аккад подшолиги кучсизлангач, Месопотамия Шумер-Аккад подшолиги қўл остига ўтади. М.ав.II минг йиллик бошларида Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидаги ҳудудларда бир неча шаҳар-давлатлари ташкил топади. Улар орасида Бобил подшолиги кучайиб, мамлакатдаги кўп жойларни подшолик таркибига қўшиб олади. Қадимги Бобил подшолиги ҳам бир неча тарихий даврларга бўлинади қадимги бобил ёки аморийлар (м.ав.XIX-XVI минг йилликлар) ўртабобил ёки касситлар (м.ав.XII-VII асрлар), Бобил подшолигининг кучсизланиши ва мустақиллик учун кураш ва ниҳоят Янибобил подшолиги қисқа кучайиш даври (м.ав.VII-VI асрлар).

М.ав.XVI-XIII асрларда Шимолий Месопотамиянинг ғарбий қисмида Митанни давлатининг мавқеи ошади.

Мамлакатнинг шарқий қисмида эса м.ав.III минг йилликда маркази Ашшур бўлган Оссурия давлати қарор топади. Оссур давлати шаклланган даврдан бошлаб учта тарихий даврга бўлинади.

1. Қадимги Оссур подшолиги-тарихий санаси м.ав. XX-XVI асрлар.
2. Ўрта Оссур подшолиги, тарихий санаси м.ав. XV-XI асрлар.
3. Янги Оссур подшолиги тарихий санаси м.ав. X-VII асрлар.

Мазкур даврда Оссурия Олд Осиёдаги энг қудратли давлатга айланди. Янги Оссур подшолиги Янгибобил подшолиги билан Мидия подшолигининг бирлашган қўшинлари томонидан м.ав.605 йилда тор-мор этилиб, барҳам топди.

3-§. Энг қадимги Месопотамия.

Илк табақавий жамият шаклланишининг шарт-шароитлари

Месопотамия цивилизация тонгида. Мезолит даврининг XI-VIII минг йилликларда Фрот ва Дажла дарёлари водийсининг тоғларга туташган ерларида аҳоли термачилик ва овчилик билангина шуғулланиб қолмай, ёввойи ўсимликларни маданийлаштириш ва ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишга ҳам уриниб кўрганлар. Улар қўйни қўлга ўргатганлар. Ибтидоий кишилар тошдан бошоқларни ўрадиган ўроқ ва донни майдалайдиган қўл тегирмонидан фойдаланганлар. Мезолит даври кишилари қиш мавусмида ғорларда, ёзда эса дарё соҳилларида поя ва қамишдан чайлалар қуриб уларда истиқомат қилганлар. Улар кейинчалик пахсадан уйлар қуришга киришганлар. Месопотамиядаги Зеви-Чеми-Шанидар, Млефаат ва бошқа ёдгорликлари ана шу даврга мансубдир.

М.ав. VII минг йилликларда илк неолит даврида Загрос тоғлари водийлари Месопотамия текислиги чегараларида Жармо маданиятига мансуб қишлоқлар вужудга келади. Бу маданиятга мансуб кишилар буғдой ва арпани маданийлаштириб, эчки, чўчқа ва итларни қўлга ўргатганлар. Лойга қамиш сомонини қўшиб кулолчилик буюмлари ясаганлар. Мазкур ёдгорликдан металдан ясалган бумлар ҳам топилган. М.ав. VIII-VII минг йилликларда чорвадор ва илк деҳқон қабилалари

тоғдан водийга тушиб, Телль-Сотто каби ўтроқ қишлоқларни барпо қилганлар.

М.ав. VI минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Шимолий Месопотамия неолит қабилалари томонидан ўзлаштирилган ва бу жойларда Хассуна маданияти номи билан машҳур бўлган маданият кенг тарқалган. Хассун қабилалари ҳозирги Бағдод чегарасигача бўлган жойларгача келиб ўрнашганлар. Бу даврда деҳқон-чорвачилик хўжалиги шаклланиб, улар йирик ва майда шоҳлик чорва боққанлар, арпанинг тўрт, буғдойнинг уч навини, шунингдек тут экиб парвариш қилганлар. Улар кичик-кичик тўғонлар ва каналлар қуриб, сунъий суғоришга асосланган илк суғорма деҳқончилиқни кашф этганлар.

1. Месопотамияда энг қадимги давлатларнинг вужудга келиши. М. ав. V – IV минг йилликлар орасида Месопотамияликлар янги-янги ерларни ўзлаштириб, катта-кичик канал, ариқ ва сув иншоотлари қурганлар. Шунинг натижасида деҳқончилик тобора ривожланиб, улар ердан мўл ҳосил ола бошлаганлар. Шу вақтга келиб Месопотамияда Эреду, Ур, Урук, Ларса, Лагаш, Умма, Иссин ва Шуруппак каби обод қишлоқлар бунёд этилган эди. Уларнинг атрофи эса анча мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Бу қишлоқларда ва Месопотамиянинг бошқа жойларида деҳқончилик билан бир қаторда кулолчилик, асбобсозлик, тўқимачилик, заргарлик, дурадгорлик, меъморчилик каби касб – корлик ривож топа бошлаган. Айни пайтда воҳа яйловларида чорвачилик ҳам ривожланиб. аҳоли узун, жингалак жунли кўй-кўзилар, қорамол ва эшак боққан. Бу даврда Месопотамияликлар от билан таниш эмас эдилар.

Қадимдан бошлаб Месопотамия аҳолиси ўзаро ва кўшни ўлкалар билан қизгин савдо ишлари олиб борган. Хўжалик ривожлана бориб, аҳоли кўпайиб, ибтидоий қишлоқлар аста-секин шаҳарлар тусини ола бошлаган. Шу жиҳатдан қишлоқларни шаҳарлар онаси дейиш мумкин. Уларда ҳайбатли ибодатхоналар, ҳукмдорларнинг қароргоҳлари, хўжалик,

маъмурий идоралар ва ҳунармандчилик устахоналари қурилган. Шаҳарларнинг атрофи мустаҳкам, минорали қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Девор сиртида эса мудофаа учун чуқур хандаклар бўлиб, уларга доим сув тўлатиб қўйилган.

Ибтидоий қишлоқлар аҳолиси бир уруғ ёки уруғдошлардан иборат бўлиб, уни уруғ оқсоқоллари бошқарар эди. Шаҳарларнинг вужудга келиши муносабати билан унга узоқ-яқин жойлардан, бир-бирига бегона бўлган одамлар ҳам келиб ўрнаша бошлаганлар. М. аввалги IV минг йилликларда Жанубий Месопотамияга жануби-шарқ томондан шумерлар келиб жойлашганлар. Улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб истиқомат қилганлар. Шу вақтдан бошлаб бу жой Шумер вилояти номини олган. Жанубий Месопотамияда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривжланиши натижасида бадавлат кишилар, эркин жамоатчи деҳқонлар, ҳунармандлар ва қуллар кўпая бошлаган. Бу Месопотамия дунёсидаги табақалар эди. Эндиликда жамиятни бошқариш учун қандайдир ташкилот зарур бўлиб қолди. Бу ташкилот Шумердаги шаҳар-давлатлар эди. Ҳар бир шаҳар давлатнинг ўз подшоси, амалдорлари, вазиру-вузаролари, кўшчилари, қўриқчилари, руҳонийлари, жинойтчилаларини жазоловчилари ва қамоқхоналари бўлган. Бутун шаҳар унга қарашли қишлоқ аҳли подшонинг фуқароси ҳисобланади. Қадимги Месопотамия шаҳар-давлатларини фақат жазоловчи ташкилот деб қараш керак эмас. Бу шаҳар-давлатлар зиммасида суғориш иншоотларини тартибга келтириш, деҳқончиликни, чорвачиликни, ҳунармандчиликни, савдо-сотикни ривожлантириш ва мамлакатни мудофаа қилишдек жуда муҳим ишлар турган.

Бу жараёнлар Месопотамияда м. аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярми ва III минг йилликнинг бошларида содир бўлган.

3. Жанубий Месопотамиянинг шаҳар – давлатлари ва уларнинг хўжалиги. М. аввалги III минг йилликнинг бошларида Жанубий Месопотамияда ҳар тилларда гаплашувчи қабилалар яшар эди. Жанубда

маҳаллий аҳоли билан аралашган шумерлар, Дажла ва Фрот воҳасининг ўрта қисмида эса маҳаллий аҳоли билан бирга аккадлар ҳам яшар эдилар. Улардан шимолда эса хуррит қабилалари истиқомат қилган. III минг йилликнинг биринчи ярмида Шумерда Эреду, Ур, Ларса, Урук, Лагаш, Умма, Шуруппак, Иссин, Ниппур, Киш улардан шимолда эса Ашшур, Мари, Ниневия ва бошқа йирик шаҳар-давлатлар бор эди. Уларнинг ҳаммасида ҳам асосан суғорма деҳқончиликка асосланган хўжалик ривожланган эди. Улар арпа, буғдой, кунжут экар, сабзавотчилик, боғдорчилик, хусусан хурмо экиб кўпайтиришга катта эътибор берганлар. Деҳқонлар ерга мотиға билан ишлов берар эдилар. Месопотамияда маъдан ҳунармандчилиги ривож топган бўлиб, усталар мис билан кўрғошин ёки қалайни қўшиб эритиб жез мадани ҳосил қилганлар. Ундан жанг, меҳнат, уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Улар ёғочдан омов, уй жиҳозлари, арава ғилдираклари, қайиқ, мусиқа асбоблари, ва бошқа буюмлар тайёрлаганлар. Шумер ҳунармандлари тўқимачилик ва кулолчиликда ҳам катта ютуқларга эришганлар.

Тамқарлар деб аталган кишилар савдо иши билан шуғулланганлар. Чорва, ғалла, мис ва кумуш парчаси пул вазифадини ўтаган. Ички ва ташқи савдода буюмлар бошқа буюмларга алмаштирилган. Шумерлар Аккад, Сурия, Эрон, кавказорти ва Эрон қўлтиғи соҳилидаги ўлкалар билан қизғин савдо-сотик ишларини олиб борганлар.

Жанубий Месопотамияда кулчилик эндигина шаклланаётган эди. Урушда асир тушган одамлар ва қарздор кишиларни кулга айлантириш бошланган. Улардан ибодатхона, уй ва хўжаликнинг ҳамма соҳаларида фойдаланилган. Куллар, кул эгалари томонидан тамғаланиб сотилган ва сотиб олинган. Уларда ҳеч қандай ҳуқуқ бўлмаган. Шумер жамиятидаги аслзодалар, кул эгалари, руҳонийлар ва бошқалар олий табақа вакиллари ҳисобланган. Аҳолининг кўпчилиги майда ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, майда савдогарлар, аскарлар ташкил этган. Ер эгалигининг бир неча шакли мавжуд бўлган. Уларнинг бири хусусий ерлар

бўлиб, улар сотилган ва сотиб олинган. Иккинчиси эса давлат ва ибодатхонага қарашли ерлардир. Месопотамияда ҳамма фойдаланиладиган жамоа ерлари ҳам бўлган. Йирик қулдорлар жамиятининг олий табақа аслзодалари ҳисобланган. Ўша вақтдаги шаҳар-давлатлар “эн” деб аталган, уни олий руҳоний бошқарган. Шаҳар-давлат бошлиғини лугаль деб ҳам аташган. Улар аҳолининг юқори табақаси орасидан сайланган. У қўшин қўмондони ҳам бўлган. Шумер шаҳар-давлатларининг ўз қўшини бўлиб, улар икки қисмдан иборат эди. Бир гуруҳи найза ва санчкилар билан қуролланиб, эшак қўшилган жанговар аравали аскарлар эдилар. Иккинчи гуруҳи болта, Ханжар, найза билан қуролланган оғир аслаҳали пиёда жангчилардан иборат эди. Улар бошларида дубулға кийиб, бутун танани беркитиб турувчи зирҳли қалқонлар билан таъминланган.

4. Шумер шаҳар-давлатлари ўртасидаги кураш. Илк шумер шаҳар-давлатлари унча катта бўлмаган. Энг қадимги шаҳар-давлатлар қаторига Эреду, Сиппар, Шуруппак ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳар бир шаҳар-давлат ўзига мустақил бўлиб, уларнинг ўз подшоси бўлган. Шумердаги шаҳар-давлатлар ўртасидаги сиёсий ҳукмронлик қилиш учун аёвсиз жанглар бўлиб турар эди. М. аввалги XXVIII-XXVII асрларда Киш шаҳар-давлати кучаяди. Дастлаб Шумерда I Киш сулоласи подшолари ҳукмронлик қилишган. М. аввалги XXVII аср охиридан бошлаб Урук шаҳар-давлатининг қудрати ошган. Гильгамиш даврида Урук кучайиб, Киш ҳукмронлигидан озод бўлган. М. аввалги XXVII-XXVI асрларда Гильгамиш ва унинг авлодлари даврида Урукда кучли қўшин тузилиб, Лагаш, Киппур каби шаҳарлар Урукқа итоат этган.

Қаттиқ урушлардан сўнг м. аввалги XXV-XXIV асрларда Ур шаҳар-давлати кучайиб, I Ур сулоласи вакиллари Шумерда ҳукмронлик қиладилар. Урдан кейин бу ўлкада Лагаш кучаяди. Подшо Эаннатум замонида бутун Шумер Лагаш ҳукмронлигига ўтади. Эаннатум Элам устдан ҳам ғалаба қилади. Мамлакатнинг Лагаш қўл остида бирлаштирилиши хўжаликнинг ривожланишига ёрдам берган бўлса ҳам, м.

аввалги XXIV аср охирига келиб мамлакатдаги тинимсиз уруш, оғир солиқлардан аҳолининг норозилиги кучайган. Натижада Лагашда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимият тепасига Уруинимгин келади (2318-2312). У Лагашда 6 йил подшолик қилиб, баъзи ислохотлар ўтказиб, аҳолига анча енгилликлар берган ва ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган. М. аввалги XXIV аср охирида Умма шаҳар-давлати кучайган ва бутун Шумер устидан ҳукмронлик қилган. Уруинимгин подшолигининг сўнгги йилида Умма шаҳар-давлати ҳокими Лугль-заггиси Лагашга бостириб кириб, уни вайрон қилган, бойликларини талаган. У Ур, Урук, Ларса, Адаб, Ниппур шаҳар-давлатларни ўзига итоат эттириб, Шумер подшолигини ташкил этган. Лугаль-заггиси даврида Шумер бирмунча равақ топган. Аммо Шумер подшолигининг мустақиллиги узоқ давом этмаган. Аккадларнинг ҳужуми уни барбод қилган.

4-§. Месопотамия марказлашган давлатнинг ташкил топиши.

Аккад подшолиги ва Урнинг III сулоласи давлати

Аккад подшолигининг ташкил топиши. Саргон I истилолари м.ав.XXIV асрнинг иккинчи ярмида Месопотамиядаги шаҳар – давлатлари ўртасида мамлакатда ҳокимлик қилиш учун кескин кураш давом этмоқда эди. Шумерийлар жануби билан семмитлар шимоли ўртасида жанглар семмитлар ғалабаси билан якун топади. Семмитларнинг Аккад давлатига Саргон I Шаррумкен асос солади. Дастлабки курашлар натижасида Саргон I Шумерни ўзига бўйсундиради ва Месопотамиянинг каттагина қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштиради. Баъзи маълумотларга қараганда Саргон I ўз даврининг катта сиёсий арбоби бўлган.

Саргон I ҳақида кўп афсоналар ҳам тўқилган. Унинг онаси камбағал бир аёл бўлиб, у ўз ўғлини қамишдан тўқилган саватга солиб Фрот дарёси бўйидаги қамишзорга ташлаб кетди. Акки деган мешкоп сув ташувчи топиб олиб, уни тарбиялайди ва зироатчи – боғбон қилиб етиштиради. Шунингдек ривоятлардан бирида Саргон I ташландиқ бола бўлганлиги

учун ҳам ҳикоя қилинади. Месопотамия маъбудалари – худоларидан бири Иштар Саргонни яхши кўриб қолиб, уни Аккад подшоси қилиб қўяди. Яна бир ривоятда эса Саргон Киш ҳокимининг хизматкори экани айтилади. Саргон I Киш ҳокими Лугал – загесси қўшинларини жангда енгиб, сарой тўнтариши орқали давлат ҳокимиятини қўлга киритида ва янги саргонийлар сулоласига асос солади. Подшолик тахтига ўтиришга ўз ҳуқуқини қонуний йўл билан асослашга имкониятига эга бўлмаганлигидан, Саргон ўзини бош маъбада иштарнинг яқин одами деб эълон қилади. Ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олган киши ўзига Саргон деб ном берганлиги ҳам ўз ҳокимиятини қонунлаштиришга урунганлигини кўрсатади. Саргоннинг асл исми Шаррум – кен бўлиб луғовий маъноси “ҳақиқий подшо” демакдир.

Саргон I дастлаб Аккадга ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини қўйган. Саргон Аккаднинг энг кучли, қудратли шахри бўлган Кишни забт этган, аммо унинг мустақиллигини сақлаб қолган. У Киш, Ур-Акшак ва Шимолий Месопотамиядаги бошқа шаҳарларни ўзига итоат эттириб, янги подшо ўзини “Киш подшоси”, “Аккад подшоси” ва “Мамлакат подшоси” мақомини олган. Саргон Фрот ва Дажла дарёси оралиғидаги ерга янги шаҳар бино қилиб унга Аккад деган ном берган ва мамлакат пойтахтига айлантирган. Мамлакат Аккад подшолиги номи билан аталган. Саргон I шимолда мустаҳкамланиб олгач, ўзининг диққат эътиборини жанубга қаратган. Саргон жанубга қўшин тортиб, Лугаль – заггиси ва Лугаль – заггисини қўллаб қувватлаган 50 ҳукмдорнинг бирлашган қўшинлари устидан порлоқ ғалаба қозонган. Саргон Киш ҳокими Лугаль – заггисини асир қилиб Ниппурга келтирган ва уни худо Энлилга қурбон қилган. У Шумернинг энг муҳим шаҳарлари бўлган Урук, Ур, Лагаш, Уммани босиб олиб, вайрон қилиб бутун шумерни эгаллаган. У “денгизгача” – Форс қўлтиғигача етиб борган ва ғолиб чиққанлигини нишонлаб, “қиличини денгиз сувиغا ювган” Саргон Шумерни бўйсундириб “Энлил душманни раво кўрмаган мамлакат подшоси” деган ном олган. Саргон қўшинлари

мамлакат жануби – шарқидаги Эламга бостириб бориб, эламликларни енгиб, уни босиб олган.

Шундан сўнг Саргон I шимолий, шимолий – шарқий ва шимоли-ғарбий мамлакатларни босиб олишга ҳаракат қилган. Саргон кўшинлари Мари ва Элбани қўлга киритгач, Дажла дарёсининг юқори оқимида жойлашган Субартуни босиб оладилар. Шу тариқа Саргон I деярли бутун Месопотамияни ўзига бўйсундирган ва бирлаштирган.

Саргон I Иккидарё оралиғидаги ерларни босиб олиш билангина чегараланиб қолмай, у Ўртаденгз қирғоқларига чиқишга ва Суриянинг соҳилидаги бой шаҳарларни, шунингдек Амурру вилоятлари устига ҳам юриш қилган. Бу юришлар натижасида Саргон I кўшинлари “Кедр ўрмонлари”, кумуш тоғлари Субарту мамлакати Дажла ва Фрот дарёсининг шарқий чегараларигача бўлган жойларга бостириб борганлар. Баъзи манбаларда Саргоннинг Сурия ва Паластин соҳилларигача бўлган ерларни эгаллаб, у ерларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринганлиги айтилади.

Ниҳоят, Саргон I ўзининг ғолибона, зафарли юришлари билан Кичик Осиёга ҳам йўл очишга уриниб кўрган. Баъзи манбаларда Саргон I ўз ҳарбий кўшинларини Кичик Осиёга ҳам юборгани айтилган. Шундай қилиб Саргон I (1316 – 1261) ўзининг 55 йиллик подшолиги даврида Месопотамияга унга чегарадош бўлган жойларни бирлаштириб қудратли бир давлат тузган.

Саргон I ўзини “тўрт иқлим подшоси” деган унвонда ўзининг кенг ҳарбий – савдо сиёсати олиб боришга интиланлигини кўрсатади. Тинимсиз урушлар, жойлардаги мустақиллик учун олиб борилган курашлар ва мамлакат ичкарасидаги норозиликлар, кўзғолонлар Аккад давлатини аста – секинлик билан кучсизланишига олиб келади.

Римуш подшолиги даврида Аккад подшолиги (м.ав.2261 – 2236). Саргонийлар сулоласининг асосчиси Саргон I ўзининг 55 йиллик фаолиятдан сўнг ниҳоят м.ав.2261 йили тахтга унинг ўғли Римуш ўтиради.

Саргон I тириклиги вақтида Элам ва Шумерда Аккадга қарши мустақиллик учун қўзғолонлар бошланган эди. Римуш тахтга ўтиргач, Шумер ва Эламдаги қўзғолонларни бостиришни асосий бош вазифа қилиб қўяди. Римуш қўзғолон кўтарган мамлакатларга қарши ҳарбий юриш ташкил этади. Римушнинг Умма, Адаб, Лагашга уюштирган учинчи юриши муҳим бўлиб, бу жангда мазкур иттифоқчиларнинг қўшини тор – мор этилиб ҳокимлари асир олиниб қатл қилинган. Дер яқинидаги жангда уммаликларнинг ўзидан 13000 киши кириб ташланган. Шумер шаҳарларидаги қўзғолонлар бостирилгач, Римуш қўшинлари Эламга бостириб кирадилар. Суза билан Аван ўртасидаги бўлиб ўтган жангда Римуш қўшинлари ғалаба қозониб Элам қўшинлари кириб ташланади. Римуш Форс қўлтиғи соҳилларидаги Шумер ва Элам ҳудудларини қайтадан Аккадга бўйсундирган. Бу ғолибона юришлардан сўнг Римуш ўзига “Киш подшоси” ва “Элам хожаши – эгаси” деган дабдабали унвонларни олади. Римуш ўзининг подшолик даврида отаси Саргон I юргизган сиёсатни давом эттиради. У ўз давлатини руҳонийлар ва баъзи амалдорларга ҳамда қўшинга таяниб бошқарган. Ниппур, Ур, Лагаш ва бошқа ибодатхона ходимлари катта – катта инъомлар совға қилади. У Аккад подшолигининг куч – қудрати ва раънақига ўз хиссақисмини қўшади. Лекин Римуш мамлакатда бутунлай тинчлик ўрнатишга муяссар бўла олмаган. Ташқарида ҳам сарой ичкарасида ҳам унинг душманлари бор эди. Саройдаги ички душманлар – “ўз уйидаги амалдорлар, хизматкорлар” қўзғолон кўтариб, шохнинг тош муҳри билан уни уриб ўлдирганлар. Бу ўша даврга хос сарой тўнтариши эди. Манбаларда Римушнинг ўлдирилган йили маълум эмас.

Маништушу даврида Аккад подшолиги. Римуш ўлдирилгач тахтга унинг укаси Маништушу ўтиради. Маништушу даврида мамлакатни турли бурчакларида қўзғолонлар тўхтамайди. Маништушу дастлаб Эламдаги қўзғолонни бостириш учун катта қўшин билан у ерга боради. У Эламнинг Аншан ва Ширихум вилоятларини ўзига итоат эттиради. Маништису бу

ғалаба билан қоникмасдан ўз қўшинларини Форс қўлтиғи орқали Эроннинг жануби – ғарбий вилоятларига олиб борган ва у ерд 32 шаҳар ҳокимлари қўшинларини тор – мор келтириб кумуш ва тошга бой конларни босиб олади. Маништушу Аккад подшолигини ички аҳволини мустаҳкамлаш учун Шумернинг эътиборни коҳинларига, зодагонларига катта – катта ҳадьялар улашиб, уларни ўзига қаратиб олишга ҳаракат қилган. У Шумер коҳинларининг қўллаб – қувватлашишига эришиш мақсадида махсус кўрсатма билан худо Шамаш ибодатхонасининг мулк ва даромадлари миқдорини аниқлаб берган. Бундан ташқари бу ибодатхонага назир қилиб 30 талант миқдорида олтин ва кумуш ҳадя қилади. Ҳозирги вақт ҳисобига қараб ҳисоблаганда бир талант 150 грам олтин-кумуш оғирликка тенг келади. Маништушу Эламда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Элам коҳинларини ўз томонига қаратиб олиш учун ўз ҳайкалини Элам худоси Нарутига бағишлаган.

Маништушунинг ер масаласидаги сиёсати диққатга сазовордир. У Киш ва бошқа шаҳарлар атрофидаги одамлардан катта – катта ер – мулклар сотиб олган. Бу сиёсат подшо ер захирасининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига ёрдам берган. Иккинчидан подшо бу ерларнинг бир қисмини маълум шартлар билан қўшинда кўп ишлар қилган ходимларга, зодагонларга бўлиб берган. Бу билан подшо мулкдорларни ва зодагонларни ўзига қаратиб олишдан, уларни саройга яқинлаштиришдан иборат бўлган.

Аммо у м.ав. 2236 йилда ўз саройининг суиқасдчилари томонидан ўлдирилди. Саргонийларнинг учинчи вакили Маништушу вафотидан сўнг Аккад подшолиги тахтига машҳур Нарам – Суэн ўтиради. У подшоликни 2236 йилдан 2200 йилгача бошқаради. Нарам – Суэн тахтга ўтиргач жойларда бошланган кўзғолонларни шафқатсизлик билан бостиради. У Аккад подшосига қарши чиққан 9 аскарый қисми ва Урук, Умма, Ниппур ҳокимларини жангда енганлигини ўз битикларида фахр билан гапирган. Нарам – Суэн Аккадда бўлган кўзғолонларни бостириб улардан аёвсиз ўч олган. Нарам – Суэн истилочилик урушларини бошлаб, Сурияга, Ўртаер

денгизи соҳилидаги ерларга ва Эламга бостириб кирган. У Эламдаги Аван хоқимини ўзи билан шартнома тузишга мажбур этган. Элам тилида тузилган шартнома матни замонамизгача сақланиб қолган.

Нарам – Суэн Аккад подшолигининг чегараларини кенгайтириш учун шимол томонга ҳам жануб томонга ҳам ҳарбий қўшинларни бошлаб борган. Аккад қўшинлари Юқори Дажланинг ичкараси Маган (Арабистон) мамлакатигача кириб борганлар.

Нарам – Суэннинг истилочилик юришлари натижасида Аккад подшолигининг ерлари кенгайиб, бу мамлакатнинг обрў – эътибори ортиб, Аккад подшолиги ўз равақининг энг юксак чўққисига кўтарилган. Нарам – Суэннинг ўзига “Илохий Нарам – Суэн, Аккаднинг қодир худоси” деб дабдабали унвон берилган.

Сузадан топилган бир ёзувли ёдгорликда Нарам – Суэн ўз қўшинига бош бўлиб тоғли мамлакатларга – луллубейлар устига йўл олганлиги ва мағлубиятга учраган душманни тиз чўктирган илохий қавхрамон сифатида турганлиги тасвирланган. Шунингдек Нарам – Суэн хайкалининг бир синиқ парчасида “Тўрт иқлим мамлакатларининг ҳаммаси унинг олдида бош эгади” деган муҳим ёзув сақланиб қолган.

Нарам – Суэннинг истилочилик юришлари унинг ички ва ташқи душманларининг ташкилий зарбасига учраши муқаррар эди. Бунинг устига мамлакат рухонийлари билан унинг орасидаги зиддият тобора кучайиб бормоқда эди. Аккад подшолигининг сўнгги йилларида эса унинг атрофидаги бўйсундирилган ўнлаб катта – кичик подшоликларнинг Аккад истибдодидан қутилиш учун ўта дахшатли ҳарбий иттифоқи тузилмоқда эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Аккад шаҳар аҳолисининг исёнчи ўрта табақалари, ўз мустақиллигини тиклашга уринган баъзи шаҳарлар ҳам бу ҳарбий иттифоққа қўшилганлар.

Лекин Нарам-Суэн ўзининг ички ва ташқи рақибларини тор – мор келтиришга ва улар билан бўлган шиддатли жанглардан сўнг ўзининг илгариги босиб олган бепоён ерларининг бир қисмини хатто сақлаб

қолишга муваффақ бўлган. Саргон сулоласидан чиққан подшо Шаркалишарри ўзидан олдин ўтган подшолар истило қилган ерларни сақлаб қолиш мақсадида Аккад душманлари билан шиддатли кураш олиб боришга мажбур бўлган. Мазкур даврга мансуб бўлган ёзувларда Шумердаги қўзғолонларнинг бостирилганлиги шимол – ғарбда аморийлар ва жануби – шарқдан Месопотамияга бостириб кирган эламликлар устидан ғалаба қозонганлиги ҳикоя қилинади.

Маъзкур даврга келиб бир замонлар қудратли бўлган Аккад подшолигининг инқироз, ҳалокат даври бошланган эди. Загрос тоғлари орасида яшаган кўчманчи тоғли гутейлар қабиласи Шарқ томондан Месопотамияга бостириб кириб, бутун мамлакатни вайрон қилган ва уни ўз ҳокимиятига бўйсундирган. Аккад эса гутейларнинг дахшатли ҳужумларини қайтаришга ожиз қолганлар.

Гутейлар истилоси. Гутейлар Месопотамияликларга нисбатан маданий жиҳатдан қолақ эдилар. Улар Загрос тоғлари ва унинг орқа томонидаги яйловларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиб яшаб келганлар. Улар урушқоқ, жангари қабилалар бўлиб, вақти – вақти билан Месопотамия устига ҳужумлар қилиб, қишлоқларни талаб қайтар эдилар. Аммо у вақтда саргонийлар қўшини кучли бўлиб, гутей қабилаларининг ҳужумини осонлик билан қайтариб, уларни мамлакат ичкарасига киритмаганлар.

М. ав. XXII асрнинг охири XXI асрнинг бошларига келиб саргонийлар подшолиги сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлашгач, улар мамлакат устига ҳужум қилиб уни босиб оладилар. Улар мамлакат ичкарасига кириб ибодатхона ва Месопотамия шаҳарларини талаб вайрон қиладилар. Шунингдек м. ав. XXIII аср охири XXII аср бошларида гуллаб яшнаб турган Саргонийлар подшолигининг пойтахти Аккаднинг бойликларини талаб, уни вайрон қиладилар. Вайрон қилинган Аккад шаҳри ҳаробалари ҳохиргча ҳам топилган эмас. Гутейлар кўплаб одамларни асир олиб,

хайдаб кетганлар ва аҳолига оғир солиқлар солганлар. Улар мамлакатни “чигирткадек қоплаб олганлар”.

Босқинчи гутейлар қабилалар иттифоқидан ташкил топган бўлиб, уни маълум муддатга сайлаб қўйилган сардор – йўлбошчилари бошқарганлар. Гутейлар асосан илгари ўзлари истиқомат қилган мамлакатда ва Арапха вилоятида яшаб Месопотамияни шумерлик ва аккадлик ҳарбий бошлиқлар в ноиблар орқали бошқарганлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки Месопотамиянинг ҳамма ўлкалари ва шаҳарлари гутейларнинг қаттиқ жабр – зулмига бир хилда дучор бўлмаганлар Шумернинг жанубидаги вилоят ва шаҳарларда осойишталик ҳукм сурган. Жанубий Шумердаги шаҳарларнинг ҳокимлари турли тўлов ва ҳадялар бериб гутейлар асоратидан қутилганлар. Қадимги Шумер шаҳарлари Аккад подшолигининг кучсизланганлигидан фойдаланиб ўзларининг ташқи савдо – сотиқ ишларини тиклаш ва кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. Оқибатда Шумернинг қадимги маданий марказлари айниқса Лагаш янада равнақ топган. Ўша вақтда Лагашда Гудеа ҳокимлик қилган. У гутейлар подшосига қарам бўлса ҳам, унга оғир хирож тўлаб ундан қутилиб олган ва унга қимматбаҳо ҳадялар, олтин ёмбилар, қимматбаҳо буюмларда ясалган анжомлар, тахт курсилар. куруллар бериб ўз шаҳрини келгинди гутейлар истилоси ҳавфидан сақлаб қолган.

М.ав. XXII асрнинг иккинчи ярмида Лагаш ҳокими Гудеа 20 йил мобайнида гутейлар номидан бутун Шумерни идора қилган. Гудеа даврида узоқ яқиндан қурилиш ашёлари келтирилиб ҳашаматли бинолар, ибодатхоналар, саройлар, мухташам боғлар, ҳовузлар ва бошқа иншоотлар қурилишига катта эътибор берилган. Шаҳардаги қурилиш ишларига Гудеанинг ўзи раҳбарлик қилиб, иншоотнинг биринчи ғиштини, тошини унинг ўзи қўйган. Ибодатхоналар атрофида каптарлар боғи, балиқлар ҳовузи, ёввойи паррандалар боғи қурилган. Ибодатхона хазинасига катта бойликлар тўпланган. Гудеанинг қурилиш ишидаги ғайрати содда услубдаги бир ёзувда: “Ўз бузоқчасига тикилган сигир каби, Гудеа ҳам

ибодатхона қурилишига ўзининг бутун меҳрини берди”, деган сўзлар билан таърифланган. Ибодатхоналар қурилиб тамомланган тантанали кунда у ерга худоларнинг хайкаллари олиб келиб қўйилган. Ибодатхоналар олдиндан тузилган аниқ режа ва тархлар асосида қурилган. Гудеанинг сақланиб қолган кўпгина хайкалларида у мағрурона ҳолатда турган ҳоким ёки саркарда сифатида эмас, балки тиззаларига ёзиб қўйилган қурилиш режаси ва тархига диққат билан кўз тикиб турган камтарин бир одам қиёфасида тасвирланган. Гудеа даврида барча қурилишлар қатори анҳор, сув иншоотлари, тўғонлар қурилишига ҳам катта эътибор берилган. Шумердаги қурилишларнинг ҳамма тармоқларида хорижий қуллар ҳам ишлатилган.

Бу даврда Шумерда ва Месопотамияда зироатчилик, боғдорчилик ва чорвачилик анча тараққий этан. Гудеа мамлакатда ички ва ташқи савдони ривожлантира бориб, Шимолий Месопотамия, Сурия, Форс қўлтиғи қирғоқлари, Эрон, Элам, хатто узоқ Ҳиндистон билан ҳам мол айирбошлашни йўлга қўйган. Гутейлар Месопотамияда 125 йил ҳукмронлик қилиб, меопотомияликлар маданиятидан баҳраманд бўлганлар. Улар Аккад ва Шумер қабилалари билан маълум даражада аралашиб кетганлар. Шунини таъкидлаш керакки Иккидарё оралиғидаги аҳоли келгинди гутейларни ёмон кўрганлар.

Мамлакатда гутейлар истибдодига қарши кўзғолонлар бошланган. Шумер аста – секин қаддини ростлаб, куч йиғиб гутейларга очиқ ойдин қарши чиққан. Оддий балиқчидан чиққан Урук подшоси Утухенгаль гутейлар подшоси Тириканга қарши қўшин тортиб бориб, ўша замон ёзувларида “Тоғлар аждаҳоси, худолар душмани, Шумер подшолигини тоғларга олиб кетувчи” деб аталган Тирикан аскарларини енгиб Урукка ғалаба билан қайтган. Бу воқеа м.ав.2109 йилда бўлиб ўтган. Шу билан гутейларнинг Месопотамиядаги 125 йиллик ҳукмронлигига нуқта қўйилган. Аммо тез орада Утухенгаль вафот этган.

Урнинг III сулоласи даврида Шумер ва Аккад подшолиги. Маълумки Утухенгаль вафотдан сўнг Месопотамиядаги Шумер – Аккад подшолиги Урнинг III сулоласига мансуб бўлган кудратли подшолар қўлига ўтади. Урнинг III сулоласининг биринчи подшоси ва сулола асосчиси Ур шаҳридан чиққан Ур – Намму бўлган. Ур Шумер вилоятидаги шаҳар-давлатларидан бири бўлиб, Фрот дарёсининг Форс қўлтиғига қуйилиш жойидан юқорироқда дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган эди. Мазкур сулола подшолари гутейлар ҳайдалганидан сўнг мамлакатда марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилганлар. Чунки мамлакатда марказлашган подшолик тузмай туриб зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо – сотикни кенг кўламда ривожлантириб бўлмас эди.

Шумер – Аккад подшолиги ирригация тармоқларини яхши сақлаш ва янада кенгайтиришда кўп жонбозлик кўрсатган. Фрот, Дажла ва унинг ирмоқлари бўйлаб катта – кичик каналлар қазилган. Мазкур даврда йирик давлат хўжаликлари кенг ривож топган. Давлатга қарашли ғоят катта ер – мулкларидан асосан қуллар, чўрилар ва қисман эркин қишлоқ аҳолиси ишлаган. Ишлаб чиқаришнинг ривожлана бориши натижасида хусусий мулк, мулкнинг тенгсизлик ва табақаланиш янада кучайган. Урнинг III сулоласи подшолари даврида ернинг катта қисми подшоларга қарар эди. Ерларнинг бир қисми маҳаллий ҳукмдорлар ва ибодатхонага қарашли эди. Подшо ерлари бир – неча турга бўлинган бўлиб, уларнинг бир қисми подшога қарашли эди. Уларда қуллар ишлар, иш ҳақиға чиққан ҳосилдан улуш олар эдилар. Подшо ерларида қуллар, эркин деҳқонлар ҳам ишлаганлар. Подшо ерларидан муайян қисми ибодатхоналарга фойдаланиш учун ажратилган эди. Ерларнинг яна бир қисми давлат хизматчиларига, руҳонийларга ва хизмат кўрсатган ҳарбийлар – жангчиларга берилган. Мамлакатда подшога қарашли ер билан бирга жамоа ва айрим шахсларнинг ерлари ҳам бор эди. Бу ерлар шох ерига нисбатан жуда – жуда кам эди. Ўша даврдан қолган бир ҳужжатда Лагашда

яшаган ҳар хил кишиларга қарашли ер – мулкларни катта – кичиги баён этилган. Масалан бош руҳонийларнинг 36 гектар ери бўлган. Унинг ёрдамчисининг 18 гектар, хўжалик мудирининг ҳар қайсисида 15 гектардан ерлари бўлган. Майда ер эгаларида эса 5/6 гектардан 1/2 гектаргача ер бўлган. Ур сулоласининг подшолари қашшоқликни тўхтатиш ва жамоа ерлари олди – сотдисини тўхтатишга ҳаракат қилганлар. Ер – мулкни ҳады қилишга ижозат берган. Уй – жой ва боғ – роғларни сотиш ва сотиб олиш таъқиқланган. Урнинг III сулоалси даврида давлат жуда мураккаблаштирилиб подшо худо даражасига кўтарилган. Давлат бошқарув ишлари танҳо подшо ҳокимияти остида бўлган. Бу даврда илгарилари деярли мустақил ҳолда яшаб келган кичик – кичик давлатларнинг мустақил ҳукмдolari бўлган патэсийлар подшо томонидан тайинланадиган ҳокимларга олий ҳукмдорнинг иродаси билан иш қилган. Оддий амалдорларга айлантирилган. Урнинг III сулоласи давридаги Шумер – Аккад подшолигида қулчилик анча ривож топади. Ўша даврдаги ёзувларда патэсиларнинг ўз шаҳарлари билан кам боғланганликлари, подшо бу патэсиларни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тез – тез кўчириб тургани кўрсатилган.

Маъмурий вазифалар, суд ва молия, солиқ вазифалари патэсий қўлида бўлган. У ибодатхоналар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг хўжалик бойликларидан фойдаланган. Ўша даврда суд кодексларининг пайдо бўлиши марказий ҳокимиятнинг кучайганлигини кўрсатади.

Мазкур кодекс оила ҳуқуқи, мерос ва бировнинг боласини ўзига бола қилиб олиш белгиларини белгилайди. Бунда қонун чиқарувчи мева боғларини ижарага олиш, қўриқлаш, чўпонга ишониб топширилган пода учун унинг жавобгарлиги, шунингдек қочқин қулларни бекитганларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари билан кўпроқ қизиққан. Бундан ташқари терс қулларни ўжарликлари учун қаттиқ жазолаш тўғрисидаги моддалар ҳам сақланиб қолган.

Ҳозирги Тел – Асма деган жойда подшо Эшнуннанинг саройи қазиб очилганда бу ердан Эшнуннанинг Билалама қонунлар тўплами топилган. У қонунда Урнинг III сулоласи қулагандан кейинги Аккаднинг хўжалик ва ижтимоий тузумига оид жуда ҳам кўп қимматли маълумотлар ўша қонунлар тўпламида сақланган. Бу қонунлар тўплами м. ав. XX асрга оид бўлиб, унда ўша даврнинг ижтимоий, иқтисодий қишлоқ жамоалари, табақалар, қуллар, чўрилар, олди – сотди масалалар, қулчилик ва бошқа масалалар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Ур – Намму (м.ав. 2111-2094) ва унинг ўғли Шулги (м.ав. 2093 – 2046) даврида Шумер – Аккад подшолиги кенг кўламда истилочилик урушлари олиб борганлар. Подшо Шулги Шарқий тоғликларга, сумуру ва лулубей қабилаларига қарши тўққиз марат қўшин тортиб борган. Эламга бостириб бориб, Аншанни вайрон қилган ва бу ерда Шумер патесисини ҳоким қилиб қолдирган. У шимол ва шимолий – ғарбга юриш қилиб Субарту, Дажланинг юқори қисми ва Сурияни ҳам босиб олган. Аммо унинг Месопотамиядаги ҳукмронлиги узоққа чўзилмаган. Даштда яшовчи кўчманчи аморий қабилалари Иккидарё оралиғининг серҳосил вилоятлари ва бой шаҳарларига тез – тез ҳужум қилиб турганлар. Гимильсин бу қабилаларга қарши кураш олиб борган ва хатто уларнинг ҳужумларидан мамлакатни мудофаа қилиш учун “Аморийлар девори”ни қурдирган. Аммо подшо аморийларнинг шиддатли ҳужумини даф қила олмаган. Шарқ ва жануби – шарқдан эламликларнинг ҳужуми бошланган. Ниҳоят Урнинг сўнгги подшоси Ибби – Суэннинг қўшинлари Урга қарши бирлашган Мари ва Элам қўшинлари томонидан тор – мор этилган. Ибби – Суэннинг ўзини асир тушириб Марига олиб кетилган. Шу тариқа Ур III сулоласининг қудратли давлати қўшини давлат ва қабилаларнинг ҳужумлари натижасида барҳам топган ва қулаган.

5-§. Қадимги Бобил подшолиги (м.ав. XIX-XVI асрлар)

Иккидарё оралиғи шаҳарларининг кураши ва Бобил подшолигининг юксалиши. Сиёсий ва иқтисодий жараёнлар натижасида

Иккидарё оралиғида Урнинг III сулоласи қулаганидан сўнг икки юз йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатда сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар юз бериб турган. Бунинг устига м.ав.XXI асрнинг энг охирларида Икки дарё оралиғига ғарб ва шимолий-ғарбдан аморий-семит қабилалари ва шарқ, жанубий-шарқдан бостириб кирган эламликларнинг сиқуви натижасида Урнинг III сулоласи бошқарган давлат парчаланиб кетган ва инқирозга юз тутган.

Бу даврда мамлакат жанубида пойтахти Ларса бўлган подшолик, жанубда эса маракзи Исин шаҳри бўлган давлатлар бор эди. Шимолий Месопотамияда эса Фрот соҳилидаги Мари, Дажла дарёси бўйидаги Ашшур, Диала дарёси ҳавзасида эса Эшнунна давлатлари ҳукмронлик қилар эдилар. Бу шаҳар-давлатларини аморийларга мансуб сулола кишилари бошқарардилар.

М.ав.XX-XIX асрларда мазкур шаҳар-давлатлар ўртасида Иккидарё оралиғида ҳукмронликни қўлга киритиш учун тўхтовсиз жангу-жадаллар олиб бориларди. Узоқ йиллик курашлардан сўнг Фрот дарёсининг чап соҳилидаги Бобил-”Худо дарвозаси” қад кўтариб, юксала бошлайди. Бу шаҳар-давлат I Бобил ёки Аморий сулоласи намоёндалари томонидан бошқарилиб, у Қадимги Бобил даври (м.ав.1854-1595) номи билан машҳур бўлган. Бу шаҳар –давлатнинг асосчиси ва ҳукмдори аморий Сумуабум бўлган. Урушлар натижасида Иккидарё оралиғидаги давлатлар бир-бирларини кучсизлантира бошлаганлар. Бундан фойдаланган Элам подшоси Ри-Син Жанубий Месопотамияни босиб олиб, Ларса шаҳрини ўзининг таянч истехкомига айлантиради. Элам ҳукмдори Рим-Син (м.ав.1822-1763) Жанубий Месопотамияда катта-кичик сув иншоотлари-каналлар қаздириб, Ларса, Ур ва бошқа шаҳарларда ҳашаматли ибодатхоналар қурдиради. Ибодатхоналарга Шумер ва Элам худоларининг мис ва олтиндан қуйдирилган ҳайкалларини қўйдиради. Мазкур даврда Жанубий Месопотамиядаги Урук, Ниппур, Исен ва бошқа

шаҳарлар Рим-Син қўл остига ўтиб қоладилар. Ларса эса Жанубий Месопотамиянинг йирик марказларидан бирига айланади.

М.ав. XIX-XVIII асрларда Месопотамияда суғорма деҳқончилик, савдо-сотик ривож топиб шаҳарларда юксалиш юз беради. Аммо Месопотамияда хўжаликни юксакроқ даражада ривожланишига мамлакатдаги нотинчлик тўсқинлик қилмоқда эди. Месопотамиядаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият бу ерда кучли марказлашган давлат барпо бўлишлигини тақозо этмоқда эди.

Шундай шароитда Месопотамия марказидаги Бобил шаҳар-давлати аста-секин кучая бошлайди. Бу шаҳар ҳар жиҳатдан қулай географик муҳитга эга бўлиб, бу шаҳардан ҳар томонга ҳам қуруқлик ва ҳам сув савдо йўллари кесиб ўтган эди. Бобил ўз даврининг йирик иқтисодий, маданий ва ҳунармандчилик маркази ҳам эди.

Бобил эса энг яқин қўшнилари Киш ва Аккаднинг тушкунлиги ва вайронлигидан фойдаланиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучая боради. Юқорида таъкидланганидек, дарё ва қарвон йўллари туташган ерда қулай жойлашганлиги унинг йирик савдо-сотик марказига айланишига имкон берган. Шаҳар ва унинг атрофларида Сурия чўлидан кўплаб ҳар хил буюмлар келтирилган.

Қадимги Бобил подшолигининг ташкил топиши. М.ав. 1894-1595 йиллар орасидаги даврда бу ерда аморийларнинг мустақил сулоласи вакиллари ҳукмронлик қиладилар. Қадимги Бобил подшолигининг гуллаб-яшнаган даври I Бобил сулоласининг йирик намоёндаси Хаммурапи (м.ав. 1792-1750) подшолик қилган даврга тўғри келади.

Манбаларда ёзилишича, Хаммурапи ўз даврининг йирик, машҳур давлат арбоби, узоқни кўрувчи айёр дипломат, йирик стратег, доно қонуншунос, уддабурон ва ақлли ташкилотчи шахс бўлган экан. У ўз иттифоқчилари билан ҳарбий иттифоқ тузиб, хўжалик масалаларида нозик сиёсат олиб бориб, иши битгач улардан юз ўгирган ҳам. У дастлаб Ларса билан ўзаро иттифоқ тузиб, жанубдаги Урук, сўнгра Иссинни ўзига

қаратиб олган. Хаммурапи ўзининг навбатдаги дипломатик амалиётини шимолига, эндигина Оссурия асоратидан қутилган Мари давлатига қаратиб, унинг подшоси зимрилим билан дўстона муносабат ўрнатган. Хаммурапи Мари иттифоқига таяниб, Бобил шаҳридан шимолда жойлашган кучли Эшнунна устига қўшин тортиб, бу давлат қўшинларини тор-мор этган. Хаммурапи навбатдаги зарбани ўзининг собиқ иттифоқчиси Ларсага берган. Жангда Элам шоҳи Римсин қўшинлари мағлубиятга учраб, Эламга қочиб кетган. Хаммурапи қўшинлари Шумерни босиб олиб, уни ҳам ўз подшолигига қўшиб олган.

Шу воқеалардан кейин Месопотамияда кучли давлат вужудга келади. Шунини айтиш жоизки, “Шимол” ва “Жануб” мамлакатларининг подшоларини, яъни Зимрилим ва Хаммурапи бутун Месопотамияда мутлақ ҳукмдор бўлиш учун шиддатли кураш бошлайдилар. Мари Бобил учун кучли ва даҳшатли рақиб бўлиб, Шимолий Месопотамиядаги кўпгина шаҳарларни ва Сурия-Месопотамия даштидаги кўчманчиларни ўз назоратига олган эди.

Мари Ўртаер денгизи соҳилидаги Библ, Угарит, Кархемиш, Ямхад давлатлари денгиздаги Крит ва Кипр ороллари билан қизғин савдо ва дипломатик алоқалар олиб борарди. Зимрилим даврида Марида 2,5 гектар майдонни эгаллаган 300 хонали мухташам сарой ва хўжалик бинолари қурилган эди. Сарой деворлари бир-биридан гўзал, чиройли расм-тасвирлар билан безатилган бўлиб, унда ажойиб подшо тахти қад кўтариб турарди. Бу сарой ўз даврининг “меъморий мўжизаси” ҳисобланган. Бу ажойиб саройни кўриш учун Угарит, Бобил ва Ямхаддан вакиллар келиб, унинг мўжизакор кўринишидан лол қолганлар. Зимрилим ҳам Хаммурапи каби доно сиёсатчи ва узоқни кўрувчи давлат арбоби эди. Шунини таъкидлаш лозим эдики, Бобилда Зимрилимнинг дипломат ва кўплаб хуфялари фаолият кўрсатиб, у ердаги сиёсий ва ҳарбий воқеаларни синчиклаб кузатиб борганлар ва бу ҳақида ўз ҳукмдорларига маълумот юбориб турганлар. Бу воқеалар ҳақидаги тафсилотлар Зимрилим сарой

архивларида сақланган эканлигини археологлар топишган. Хаммурапининг Марига нисбатан сиёсати салбий томонга ўзгарганлигини сезган Зимрилим иттифоқчисига юборган қўшинларини Ларсадан чиқариб олган. Хаммурапи ҳам Зимрилимнинг бу сиёсатини пайқаб м.ав.1759 йилда ўзининг катта қўшини билан Мари деворлари ортида пайдо бўлиб, шаҳарни қамал қилади ва уни босиб олади, Шимолий Месопотамиядаги бу кучли давлатни ўзига итоат эттиради. Аммо Зимрилим Хаммурапига итоат этишни хоҳламай, унга қарши қўзғолон кўтаради. Хаммурапи қўшинлари иккинчи марта Марини қамал қилиб уни вайрон этганлар, жангларда шаҳар аҳолисининг аксарияти қириб ташланган.

Маридаги “мўжизакор” шоҳ саройи ёқиб юборилган. Бу мағлубиятдан сўнг Мари давлати барҳам топган. Зимрилимнинг иттифоқдоши ҳисобланган Ниневия, Ашшур ва бошқа шаҳарлар ҳам бирин-кетин Бобил давлатининг вассалига айланганлар. Хаммурапи ўзининг 52 йиллик подшолиги даврида бутун Месопотамияни ўз ичига олган кучли, йирик, мустабид давлат тузишга муваффақ бўлган.

Мазкур даврда Бобил Месопотамиядаги давлатлардан кичик бир шаҳар, янги мустабид давлатнинг пойтахти бўлибгина қолмай, балки Олд Осиёдаги қудратли давлатга айланиб, энг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ бўлиб қолади. Аммо кўплаб ғалабаларига қарамай туфайли қудратли бўлиб кўринган Бобил подшолиги майда давлатларни куч билан ушлаб, уюштириб турган салтанат эди. Бу эса подшоликнинг негизи ҳам у қадар мустаҳкам эмаслигини кўрсатар эди.

Хаммурапи ворислари даврида Бобил подшолиги. Манбаларда таъкидланиши ча, м.ав.1750 йилда Хаммурапи вафотидан сўнг Бобил подшолиги аста-секин тушкунликка юз тута бошлаган. Хаммурапи вафотидан сўнг унинг ворислари, чунончи унинг ўғли Самсуилуна (м.ав. 1749-1712) унинг ишларини давом эттиришга ҳаракат қилиб кўрганлар. Самсуилуна 26 подшолик устидан ғалаба қозонганлигини ёзиб қолдирган. У зиккуратлар қуриб, ибодатхоналарни безаттириб, уларда худоларга

бағишлаб олтиндан тахт барпо эттирган. Шунингдек у мамлакатда суғорма деҳқончилиқни юксалтириш мақсадида иккита янги канални казишни буюриб, ибодатхоналарга катта-ката хадялар инъом қилиб турган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бобил атрофидаги катта-кичик давлатлар подшоликда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни синчковлик билан кузатиб турардилар. Элам подшоси Рим-Син Бобилни заифлашиб қолаётганидан фойдаланиб, Жанубий Месопотамияга бостириб, Шумернинг бир қисмини бобилликлардан тортиб олган. Аммо Бобил қўшинлари Рим-Син қўшинларини жангда тор-мор этганлар, Рим-Син эса Эламга чекиниб, ўз саройидаги ёнғин вақтида ҳалок бўлган. Самсуилуна Рим-Син қўшинларини мағлуб этгач, Ур ва Урук шаҳарларининг деворларини буздириб, Шумерни яна қайтадан ўз ҳокимиятига итаот эттирган. Аммо бу вақтларда Бобилга қарши янги душманлар бош кўтариб чиқа бошлаганлар. Бу даврда Иссин подшоси Илуманлу Шумернинг жанубида мустақил подшолик тузган. У Бобилга қарши қаттиқ кураш олиб бориб, Шумер подшолигининг янги денгизбўйи сулоласига асос солган. Бу етмаганидек шарқ томондан Бобилга Загрос тоғ ораларида яшовчи жанговар кўчманчи кассит қабилалари бостириб кела бошлаганлар. М. ав. 1750 йиллардан бошлаб Гандаш бошлиқ кассит қўшинлари Месопотамия тупроғига тез-тез хужумлар уюштириб, шаҳар ва қишлоқларни талаб, катта-катта ўлжалар билан тоғ ораларига қайтганлар. Хаммурапи ворислари, I Бобил сулоласи подшолари 155 йил давомида касситларга қарши кураш олиб борганлар. Биринчи Бобил сулоласининг сўнги подшоси Самсуилуна подшолиги даврида (м.ав.1625-1595) Бобилга шимолий-ғарбдан Хетт қўшинлари ҳам бостириб кирадилар.

Хаммурапи қонунлари ҳақидаги умумий маълумот. Маълумки, қадимги Бобил подшолигининг хўжалиги, ижтимоий ва сиёсий тузуми ҳақида подшо Хаммурапининг базальт тоши устунига энг қадимги миҳхат билан ёзилган машҳур қонунлар тўплами муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Базалът устунининг юкори қисмига тахтада ўтирган қуёш худоси Шамаш, унинг олдида эса тантанали суръатда турган подшо Хаммурапи тасвирлари ишланган. Устуннинг ҳамма жойи 247 моддадан иборат қонунлар тўпламининг миҳхатда ёзилган матни билан банд. Негадир 42 модда ёзилган бешта устунчадаги матнлар қириб ташланган. Олимларнинг тахминларига кўра буни устунни ўлжа сифатида олиб кетган Элам истилочилари қилган бўлсалар керак.

Аммо ўша вақтлардаёқ бу кодекс – қонуннинг бошқа нусхалари ҳам топилган. Шу боис унинг қириб ташланган матни тикланган. Ўша давр мирзо ва судьялар бошқаларни ўқитиш мақсадида шунингдек адлия ишларида подшо қонуннинг ана шу нусхаларидан фойдаланганларю

Хаммурапи қонунлар тўплами уч қисмдан иборат бўлган.

1. Хаммурапи қонунининг кириш қисми.
2. Қонунлар тўплами матни.
3. Қонуннинг якуний хулосаси.

Мазкур қонуннинг кириш қисмида қонунлар мажмуасини чиқаришдан асосий мақсад, мамлакатда адолат ўрнатиб фаравон ҳаёт яратишдир дейилади. Шунингдек қонуннинг кириш қисмида подшо Хаммурапи ўз унвонларини бирма – бир кўрсатиб ўтар экан, ўзининг улуғворлигини кўкларга кўтариб мақтаб, мамлакат ободонлиги учун қилган яхшиликларини баён этиб ўтган.

Қонунлар тўпламининг асосий қисмида эса мамлакатдаги жиноий ишларга оид – ҳуқуққа, суд ишларини юритишга, хусусий мулк ҳуқуқининг бузилишига, яъни ўғирлик ва талаш, жангчилар ҳуқуқига оид бандлар барма – бир кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг айрим моддаларида кўчирилмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари тўғрисида, савдо – сотиқ ишлари, гаровга қўйиш ва олиш ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқ тўрисидаўз-ўзини қастдан майип қилиш, меъморчилик, меъморлар ва кемасоз қайиқсозлар иши тўғрисида, иш кучини ёллаш ва қулчилик тўғрисида атрофлича маълумот келтирилади.

Хаммурапи қонунининг асосий қисмида эса қишлоқ хўжалиги, сув иншоотлари, экин майдонлари, зироатчилик, боғдорчилик ва чорвачилик ишларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Хаммурапи қонунлар тўпламининг хулоса қисмида эса подшо халқ учун халқ олдида қилган хизматларини бирма – бир санаб ўтган. Шунингдек у қонуннинг хулоса қисмида ўзидан кейин унинг қонунларини ўрганиб, уни ҳаётга тадбиқ этиб адо этувчи подшоларга оқ фотиҳа берган. Аксинча подшо қонунларига риоя қилмайдиган ёки уни бекор қилишга журъат этган ва этадиганларни қаҳр – ғазаб билан лаънатлаган.

Иккинчи қонунлар тўпламида хўжалик ва сиёсий – ижтимоий муносабатларининг акс этиши.

Хаммурапи қонунлари ва м.ав. 2 минг йилликларга оид ҳужжатлар мажмуаси, Месопотамия халқлари хўжалик ҳаётининг умумий манзарасини бир қадар тиклашга имкон беради.

Маълумки Олд Осиёнинг кўп халқлари ҳаётида зироатчилик хўжаликнинг асосини ташкил этади. Месопотамиянинг Дажла ва Фрот дарёларининг тошқинлари натижасида яхши ўғитланадиган ва суғориладиган аллювиал тупроқ деҳқончиликнинг ривожланишига айниқса катта ёрдам берган. Деҳқончилик илгари ҳам Қадимги Бобил подшолиги даврида ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб қолган. Ўша замонга оид ҳужжатларнинг бирида: “Экинзорлар – мамлакатнинг ҳаёти эканлигини билмисанми?” деб ёзилган сўзлар Бобилда деҳқончиликнинг аҳамиятини жуда яққол кўрсатиб берган.

Дархақиқат Миср учун Нил, Ўрта Осиё учун Амударё ва Сирдарё, Ҳиндистон учун Ҳинд, Ганг, Жамна, Хитой учун Хуанхэ ва Янцзи қанчалик катта аҳамиятга эга бўлган бўлса Месопотамияда суғорма деҳқончиликни раванқ топтириш учун Дажла ва Фрот ҳам шундай аҳамиятга эга эди.

Табиий шароит ер, сув, оби ҳаво, юқори даражадаги қуёш ҳароратига кўра бутун Шарқ дунёсида, шунингдек қадимги Месопотамияда ҳам

деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши асосан сунъий суғориш билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шу боис Хаммурапи ҳам ўз салтанати доирасида ирригация – суғориш ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган. Хаммурапи ўз қонунида “Мамлакатни ғалла тўла қонга айлантириб, ерларни ишлашни осонлаштиргани.... тарқалиб кетган аҳолини Шумер ва Аккад ерларига тўплаганлиги, уни фаравонликка ва бахт – саодатга эриштирганлиги билан фахрланган”.

Хаммурапи буйруғи билан “Нар – Хаммурапи” деган канал қазилган. Бу канал “Шумер ва Аккадга мўл – қўл сув берувчи ўз соҳилларини экин майдонларига айлантирувчи, тоғ – тоғ ғалла етиштириб берувчи ҳамда Шумер ва Аккад аҳолисини доимо сув билан таъминловчи халқ бойлигидир”, дейилган.

Шарқнинг ҳамма қадимги мустабид подшолари шу жумладан подшо Хаммурапи давлат ҳокимияти суғориш тармоқларини кенгайтириш билан бирга бу тармоқларни тартибли ҳолда сақлаш учун ҳам ғамхўрлик қилганлар. Бу ишга подшо маҳаллий амалдорлари ва улар қўл остидаги жамоалар жавобгар бўлишган. Жумладан Хаммурапи қонунларининг 53-56 моддасида ирригациянинг тегишли тармоғини тартибли сақлаш маҳаллий амалдор ва жамоаларнинг бош вазифаси эканлиги таъкидланган. Шу билан бирга агар бирон кишнинг айби билан тўғон бузилиб, қўшни томорқаларни сув босиб кетса, айбдор нобуд бўлган ғалла, ҳосилни ҳақини эгасига тўлаши шарт бўлган. Қонуннинг 54-моддасида ғаллани тўлашга айбдорнинг қурби етмаса, айбдорнинг ўзи ва унинг мол – мулки сотилиб, етказилган зарар тўланган. Ўша даврдаги бошқа бир ҳужжатда суғориш тармоқларини тартибли сақлаш ишлари устидан марказий ҳокимият қаттиқ назорат қилганлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, зироатчилик ва суғориш тармоқларини тартибга солиш ва назорат қилиш м. ав. XVIII асрда ва ундан кейинги даврларда ҳам подшо ҳокимияти, амалдорлари ва жамоанинг бош вазифаси бўлган эди.

Маълумки, Месопотамия халқлари ҳаётида, шунингдек Бобил подшолиги хўжалигида чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Месопотамиянинг шаркидаги Загрос тоғлари, даштлар ва дарё бўйидаги тўқайлар чорва моллари учун қулай яйлов ҳисобланган. Мазкур дашт, тўқай ва тоғ яйловларида кўплаб йирик ва майда шоҳлик қорамоллар подаси ва эшаклар ўтлатилган, боқилган. Хаммурапи қонунида ва бошқа ҳужжатларда чорва молларига эгалик ҳуқуқини масаласига ҳам эътибор берилиб, йирик чорвадорлар манфаати қаттиқ ҳимоя қилинган. Кўпинча ишлар ижарага борилган. Қонунга кўра иш ҳайвонини ижарага олган киши ижарага олинган иш ҳайвони учун тўла жавобгар бўлган. Ижарага олинган ҳайвон ўлиб қолса ёки зарарланса ижарага олган одам бу зарарни ҳайвон эгасига тўлаши лозим бўлган. Қонунга кўра чорвадор бойлар молларини боқишни камбағалларга ёллаб берганлар. Қонун моддаларида чўпон ўзига топширилган йирик ёки майда шоҳлик қора моллар учун мутлақо жавобгар бўлган. Молларнинг тамғаси ўзгариб қолса, мол ўғирлаб кетилса, чўпон қаттиқ жазоланган. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатда боғдорчилик хўжалиги ҳам анча ривож топган эди. Афсоналарда Қадимги Месопотамия гуллаб-яшнаган жаннат боғига ўхшатилади. Дарҳақиқат Қадимги Бобилда хилма-хил мевали дарахтлар ўстирилиб, миришкор боғбонлар ажойиб боғлар барпо қилганлар. Катта-катта ер эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат боғ эгаларининг манфатини ҳимоя қилувчи фармонлар чиқарган. Чунинчи, Хаммурапи қонунининг бир моддасида бировнинг боғидан ижозатсиз кесилган дарахт учун айбдор 252,5 граммга яқин кумуш оғирлигида боғ эгасига жарима тўлагани ёзилган.

Шунини айтиб ўтиш жоизки, мамлакатда қурилиш ашёлари ёғочларга эҳтиёж катта бўлган. Шу боис подшо ўрмонларни қўриқлаш юзасидан бир қанча тадбирлар кўрган. Ўрмонлар алоҳида-алоҳида ўрмон ҳудудларига бўлинган ва ўрмонли ҳудудлар хўжалиги бош мудирига бўйсунувчи махсус “ҳудуд ўрмонлари” қарамоғида бўлган. Ҳар бир ўрмон ҳудудлари

мудирлари дарахтларнинг сақланиши учун жавобгар бўлганлар. Қадимги Бобилнинг шаҳар ва қишлоқларида хунармандчилик анча ривож топган эди. Хусусан, дурадгорлар, тошкесарлар, меъморлар, курулсозлар, темирчилар, кунчилар, тикувчилар, кулолчилик ва бошқа хунармандчиликнинг бошқа тармоқлари анча ривож топган эди.

Хаммурапи қонунларида хунармандчилик билан боғлиқ қатор моддалар бўлган. Ўша даврда хунармандлар касбига табиблар, ветеранлар, овқатланиш тармоқлари эгалари, сартарош кабилар ҳам киритилган.

Хаммурапи қонунларида хунармандларга бериладиган иш ҳақи қатъий белгиланган. Уй қурувчи, меъмор, дурадгор қурган уйнинг мустаҳкамлиги учун жавобгар бўлган. Агар уй қулаб кетиб уй эгасини босиб ўлдирса, уйни қурган уста – меъмор ўлдирилиши лозим бўлган. Агар уй қулаб уй эгасини ўғлини босиб ўлдирса, устанинг ўғли ўлдирилган. Бу иш қонуннинг 229 моддасида баён этилган. Қонунда беморларни даволаган табибларга тўланадиган ҳақ бир хил бўлмаган. Беморнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб иш ҳақи баланд ёки паст бўлган. Қонуннинг 218 бандига кўра табиб озод беморни нотўғри даволаса, жаррохлик иши муваффақиятсиз чиқса, табиб жаррохнинг бармоқлари кесилган.

Хаммурапи даврида савдо-сотиққа ҳам катта эътибор берилган. Бобил подшолигида савдогарлар тамкарлар деб атаганлар. Улар мамлакатдаги ички ва ташқи савдода муҳим ўринни эгаллаганлар.

Бобил подшолиги даврида Ур, Ларса, Ниппур, Сиппор ва Бобил шаҳарлари жуда йирик савдо марказлари ҳисобланган.

Бобил ва унинг Ниппур, Сиппар, Лагаш, Ларса ҳамда Шумер – Аккаддаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга ўтадиган карвон савдоси йўлида жойлашган эди.

Қадимги Бобил подшолигида ҳам ички ҳам ташқи савдо ривожланган, бўлиб савдогарлар ҳам қуруқлик ва ҳам сув йўли орқали савдо ишларини

олиб борар эдилар. Фрот, Эрон кўрфаси, Қизил денгиз, шунингдек Дажла дарёларида савдогарларнинг савдо кемалари катнаб турар эди. Ички савдо мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқлари орасида амалга оширилар эди. Бобил савдогарлари Миср, Ўртаер денгизи соҳилидаги мамлакатлар, Кичик Осиё, Кавказорти, Шарқий Африка ҳатто Ҳиндистон билан ҳам савдо алоқалари олиб борилади. Бобилдан ғарбдан – шарққа, шимолдан жанубга йўналган қуриқлик йўллари кесиб ўтган эди. Савдо ва савдо – сотиқ подшолик хўжалигининг катта қисмини ташкил этар эди.

Мамлакатда йирик савдо асосан давлат қўлида, қисман эса “тамкарлар” деб аталган айрим бой савдогарлар қўлида бўлган. Бобил подшолигидан чет мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ғалла, жун, мой ва хурмо чиқарилган. Шунингдек мамлакатдан жундан тўқилган газламалар ҳам чиқарилган.

Бобил подшолигидаги Сиппар шаҳри жун газлама ишлаб чиқаришнинг йирик маркази бўлган. Бобилга Эламдан, Оссуриядан мис, кумуш, қўрғошин, битум ва ўзга мамлакатлардан эса куллар ва бошқа турли буюмлар олиб келинган. Мамлакатнинг ички савдосида Бобил ва Сиппар билан бир қаторда Шумернинг Ларса, Ниппур, Урук ва бошқа шаҳарлар ҳам фаол иштирок этганлар. Бу шаҳарлар ҳам савдо-сотиқнинг йирик марказлари эди.

Бобилда савдо – сотиқнинг йирик кўтара ва чакана, майда шакли бўлган. Савдо – сотиқ ишлари Ҳаммурапининг қонунлар тўпламида ҳам ўз аксини топган. Шундай қилиб, Қадимги Бобил подшолиги, хусусан Ҳаммурапи даврида мамлакат Олд Осиёдаги энг катта савдо марказига айланиб борган.

Қадимги Бобил жамияти зўрликка асосланган – деспотик давлат бўлиб, аҳоли бир неча табақаларга бўлинган эди. Аввало аҳоли бир – биридан фарқ қилувчи озод кишилар ва кулларга ажратилган. Мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари “авилном”- “одам” деб номланган. Озод фуқаролар таркибига катта ер эгалари, тамкарлар, руҳонийлар,

дехқон жамоалари аъзолари, хунармандлар кирган бўлиб, улар ўз ўрнида яна айрим табақаларга бўлинишган. Булар қулдорлар ва майда ишлаб чиқарувчилар табақаларидан иборат эди.

Аммо аҳолининг асосий қисмини майда ишлаб чиқарувчилар ташкил этарди. Қонунда одамларни олий ва қуйи табақаларга бўлинганлиги таъкидланган.

Қадимги Бобил жамиятида озод кишилардан ташқари “мушкенумлар” тоифасига мансуб кишилар ҳам бўлганки, улар доимо подшо хўжаликларида ишлаганлар. Уларда ер ҳам, хусусий мулк ҳам бўлмаган, улар жамоадан ажралган ҳолда яшаганлар. Уларни Ўрта Осиёдаги кадиварларга қиёс қилиш мумкин.

Бобил жамиятидаги энг қуйи табақа – бу қуллар бўлиб, улар баъзи имтиёзларга эга бўлганлар. Улар озми – кўпми мулкка эга бўлиб, озод аёлларга уйланиш ҳуқуқига эга бўлишган. Улар никоҳидан туғилган бола ҳам эркин бўлиб отаси меросига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Хаммурапи қонунларида оила, қулчилик муносабатлари, қарз ва қарздорлик, ер эгаллиги, ҳуқуқ ва суд ишлари, давлат ҳокимияти ва бошқа масалаларга ҳам катта эътибор берилган.

Қонуннинг сўнггида шундай дейилади: “Мен Хаммурапи адолатли подшодирман, менга қонунларни Қуёш худосининг ўзи юборган. Менинг сўзларим бебаҳо сўзлар, ишларим тенги йўқ ишлардир”.

Шундай қилиб, Хаммурапи қонунлари тўплами Қадимги Бобил подшолиги даврининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузумини ўрганишда жуда муҳим тарихий манба – ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Аммо Хаммурапи ўз замонасининг мустабид ҳукмдори сифатида юқори табақа давлат арбоблари, қулдорлар ва катта ер эгалари манфатларини химоя қилувчи шахс сифатида фаолият кўрсатган. Унинг қонунлар тўплами ҳам юқори табақа кишиларини химоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Хаммурапининг мазкур қонунлар тўплами ундан кейинги даврда Олд Осиёда тузилган қонунлар мажмуасига ижобий таъсир этган.

Касситлар сулоласи даврида Бобил подшолиги. Маълумки Хаммурапи вафотидан сўнг Қадимги Бобил подшолиги аста – секин кучсизланади. Бобил атрофидаги катта – кичик давлатлар подшоликда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни синчковлик билан кузатиб турардилар. Мамлакат жануби – шарқидаги Элам подшоси Рим-Син Бобилни заифлашиб бораётганлигидан фойдаланиб жанубий Месопотамияга бостириб кириб Шумернинг бир қисмини бобилликлардан тортиб олади. Аммо Самсуилуна (м.ав. 1749 – 1712) бошлиқ Бобил қўшинлари Рим-Син қўшинларини жангда тор – мор этган ва эламликларни жанубий Месопотамиядан ҳайдаб чиқарган. Жангда мағлубиятга учраган Рим-Син Эламга чекиниб ўз саройидаги ёнғин вақтида халок бўлган.

Самсуилуна эламликларни мағлуб этиб бўлгач, Ур ва Урук шаҳарларнинг мудофаа деворларини буздириб Шумерни Бобил подшолигига қайтадан қўшиб олган. Аммо бу вақтларда Бобилга қарши Иссин шоҳи Илуманлу ва ўаҳар ҳокимлари бош кўтарардилар. Илуманлу жанубда мустақил подшолик тузиб, Бобилга қарши қаттиқ кураш олиб бориб, Шумер подшолигининг денгиз бўйи янги сулоласига асос солган.

Бу ҳам етмаганидек шарқ томондан Бобилга Загрос тоғлари орасида яшовчи кўчманчи кассит қабилалари кўпдан бери бобилликларга кўз олайтириб келар эдилар. Хаммурапи ва унинг ворислари 155 йил давомида касситларга қарши кураш олиб борганлар.

Самсуилуна даврида Бобилга шимоли – ғарбдан хетт қўшинлари бостириб кирганлар. Самсуилуна хеттларнинг қаршилигини қайтаришга муваффақ бўлган.

М.ав.1742 йилда касситлар сардори Гандаш Бобилга бостириб кириб “Ўзини тўрт иқлим подшоси” деб эълон қилган. У Шумер, Аккад ва Бобил хукмдори сифатида касситлар сулоласига асос солган. М.ав.XVI аср бошларидан бошлаб мамлакатда касситлар сулоласининг ҳукмронлиги

бошланиб, у Бобил подшолигининг ўрта даври деб аталган. Кассит сулоласи подшолари м.ав.1155 йилгача Бобилда ҳукмронлик қилганлар. Касситлар даврида от ва хўкизлар кучидан ҳарбий ва ҳар турли хўжалик мақсадларида фойдаланганлар. Касситлар маданият жиҳатдан Месопотамияликларга нисбатан жуда тубан бўлганлар. Улар Бобилни босиб олгач, бобилликларнинг маданиятини қабул қилганлар. Касситлар Бобилда мутаҳкам ўрнашиб олганларидан сўнг, шимолий – ғарбда хеттлар қаршилигини синдириб, жанубдаги денгиз бўйи сулоласи кўшинларини мағлубиятга учратиб, у ерларни ҳам ўзларига итоат эттирганлар. Кассит подшоларидан Агум II XVI асрда подшолик қилган. У ҳам ўзини “Тўрт иқлим подшоси” деб эълон қилган. Агум II даврида Ўрта Бобил подшолиги кучаяди. Агум II ва унинг ворислари Қадимги Бобил подшолигининг истилочилиқ сиёсатини давом эттириб, бутун Шумерни ўзларига итоат эттириб, сўнг денгиз бўйи сулоласининг ҳукмронлигига барҳам берганлар. Агум II даврида Бобил кучайиб, унинг кўшинлари Юқори Фрот мамлакатларини истило қилганлар. Шимолий – ғарбда эса Сурия Месопотамия даштининг бир қисмини ҳам Ўрта Бобил подшолигига бўйсундирганлар.

Агум II ўз ёзувларида Ханья мамлакатидан худо Мардук ва унинг хотини Сарпанитнинг ҳайкаллари келтирилганини, бу ҳайкаллари зарбоб кийимлар, қимматбаҳо нарсалар ва дабдабали тошлар беаганлигини ҳамда бу худо ҳайкаллари Бобилдаги Эсагил ибодатхонасига қайтадан ўрнатилганини фахр билан гапирган. Агум II ўзини “Кашшу ва Аккад подшоси, кенг Бобил мамлакатининг подшоси, Гути мамлакатининг подшоси” деб атаган. Бу касситлар подшосининг ҳокимияти Дажла дарёсининг шарқ томонидаги вилоятларга ҳам ёйилганлигини кўрсатади.

Гандаш ва Агум II даврида Ўрта Бобил подшолиги кучайган бўлса ҳам, м.ав.XIV – XIII асрларда ҳукмронлик қилган уларнинг ворислари даврида бу давлат аста секин кучсизлана борган. М. ав. XIV асрнинг охири

XIII асрнинг бошларидан бошлаб Юқори Месопотамиядаги Оссурия давлати кучайиб кассит қўшинларига бир неча бор зарба берганлар. Шимолий – ғарбдан хеттлар, шарқ ва жанубий – шарқдан элам қабилалари Ўрта Бобил подшолиги ерларига ҳужм бошлаганлар. Айни пайтда касситларга қарам бўлган мамлакатларда мустақиллик, озодлик учун кураш ва қўзғалонлар бошланган.

Шундай қилиб XII асрнинг ўрталарига жойлардаги қўзғалонлар, тожу – тахт учун олиб борилган ўзаро курашлар, низолар Хетт, Оссурия ва Элам подшоларининг бирин кетин олиб борган урушлари натижасида касситларнинг Месопотамиядаги ҳукмронлиги заифлашиб, м. ав. 1155 йилда касситлар сулоласига асосланган Ўрта Бобил подшолиги барҳам топди. Улар ўз ўринларини Набапаласар бошлиқ Янги Бобил подшолигига бўшатиб бердилар.

Месопотамияга келган касситлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетадилар. Касситлар ҳукмронлик қилган Ўрта Бобил подшолиги даврида Месопотамияда деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо – сотиқ меъёрида ривож топган. Касситлар Месопотамия халқлари маданиятидан унумли фойдаланганлар.

6-§. Оссурияда илк шаҳар-давлатларнинг ташкил топиши ва энг Қадимги Оссурия

Қадимги Оссурия подшолиги. Маълумки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек Месопотамиянинг илк қулдорлик давлатларидан бири бу Қадимги Оссурия эди. Қадимги Оссурия давлати дастлаб Шимолий Месопотамиянинг шарқидаги унча катта бўлмаган майдонни эгаллаган эди. Қадимги Оссурия тарихи учта асосий даврга бўлинади.

Булардан дастлабкиси Қадимги Оссур даври бўлиб, у М. ав. XX-XVI асрлар орасидаги даврни ўз ичига олади ва у энг Қадимги Оссур даври дейилади. Оссурия тарихининг иккинчи даври Ўрта Оссур подшолиги деб номланиб, М. ав. XVI-XI асрлар оралиғидаги даврни ўз ичига олади.

Оссирия тарихининг сўнгги даври М. ав. X-VII асрларни ўз ичига олиб, янги подшолик айна пайтда Буюк Оссур салтанати деб юритилган.

Энг Қадимги Оссирия Шимолий Месопотамиянинг шарқий қисмидаги унча катта майдонга эга бўлмаган ерларни эгаллаган эди. Мазкур ҳудудда Ниневия, Арбели ва Ашшур каби шаҳар-давлатлари вужудга келади. Бу шаҳар-давлатлари таркибига уларнинг атрофидаги қишлоқ хўжалик ҳудудлари ҳам кирар эди. Бу шаҳар-давлатларнинг м.ав..III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларидаёқ ўзларига хос сиёсий ташкилотлари бўлган. Энг Қадимги Оссириядаги давлатлар Миср ва Жанубий Месопотамиядаги номлар ва шаҳар-давлатларига ўхшар эди. Бу шаҳар давлатлари орасида йирик ва кучлироғи Ашшур шаҳар-давлати бўлган. М. ав. III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларида Ашшур шаҳри шу ном билан аталувчи қабилаларнинг худоси ҳисобланиб, мазкур қабилалар унга сиғинганлар. Айна пайтда Ашшур худоси овчилик ва чорвачиликнинг ҳомий-маъбудди ҳисобланган.

М. ав. 2000 йилда Ашшур подшолари Ашшур худосига атаб ибодатхона қурилиб, шаҳар мудофаа девори билан ўраб олинган. Шу муносабат билан бу қадимги давлатнинг номи Ашшур худоси номи билан Оссирия бўлиб кетган. Маълумотларга қараганда энг қадимги Ашшур сулоласининг асосчиси м.ав.1979-1961 йилларда подшолик қилган Пузур-Ашшур I бўлган экан.

Ашшур аҳолиси энг қадимда овчилик ва термачилик билан шуғулланиб келган бўлса, кейинги даврларда зироатчилик билан шуғулланганлар. Улар буғдой, арпа, эммер экиб, узумчилик билан ҳам шуғулланганлар. Улар экинларни суғоришда табиий қор-ёмғир, булоқ ва чашма сувларидан ҳам унумли фойдаланганлар. Кейинчалик эса зироаткор-деҳқонлар Дажла ва унинг ирмоқлари Дияла Юқори ва Қуйи Заб дарёларининг унумдор тупроқли воҳаларида дастлабки суғориш шаҳобчалари-каналлар ва сув омборларини барпо қилиб, суғорма деҳқончилиқни йўлга қўйганлар. Мамлакатнинг шарқий ҳудудлари

хусусан, Юқори ва Қуйи Заб, шунингдек Загрос тоғлари ёнбағирлари серўт яйловларга бой бўлиб, бу жойларда яйлов чорвачилиги ривож топган. У ерларда қўй-эчки сурувлари, йирик шоҳли қорамол подалари, йилқичилик ва туячиликни ҳам ривожлантириш учун имконият мавжуд эди.

Аммо илк оссур жамияти ҳаётида савдо-сотик муҳим аҳамият касб этган эди. Оссурия давлатининг дастлабки давридаёқ Ўртаер денгизининг Шарқий соҳилидан, Кичик Осиё ва Кавказ ортидан Дажла дарёси водийси бўйлаб Ўрта ва Жанубий Месопотамияга ва ундан Эламга борадиган жуда муҳим савдо-карвон йўли кесиб ўтган эди.

Ашшур эса бу савдо йўлида мустаҳкамланиб олиш учун ўзининг савдо манзилгоҳларини барпо қилиб, уларда маҳкам ўрнашиб қолишга интиланган. У ерда Месопотамия учун зарур бўлган хомашё маҳсулотлари: мис, қўрғошин, қалай, кумуш, чорва, жун, чарм, мато, ёғоч ва бошқа нарсалар олиб кетилган. У ерга эса дон, тайёр кийимлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари келтирилган эди. М.ав.ХХ-ХVIII асрларда Ашшур савдогарлари Кайсеридан 20 км чамаси шимолдаги Култепа деган жойда мустаҳкам ўрнашиб олиб, атрофдаги мамлакатлар билан қизғин савдо ишларини олиб борганлар.

Кайсери Аккадда Каниш, Хеттда эса Кане деб аталган. Каниш аҳолиси савдода воситачи бўлиш билан бирга жуда кўп пул ва буюмларга эга бўлишган, шунингдек улар судхўрлик билан ҳам шуғулланганлар. Мазкур жойда табақаланиш жараёни ҳам ривожлана борган.

Қадимги Оссур жамияти кулчиликка асосланган бўлсада, унда уруғ-аймоқчилик жамоасининг таъсири ҳали кучли бўлган. Оссур ҳукмдорлари м.ав.III-II минг йилликлардаёқ Дажладан шарқда жойлашган шумер-аккадларнинг Гасурдаги собиқ манзилгоҳларини ўзига қаратиб олган эдилар.

Шунингдек, Оссурлар Кичик Осиёнинг шарқий қисмида ўз манзилгоҳларини барпо қилганлар. У ерда Оссурия учун ҳам Месопотамия учун ҳам зарур бўлган мис, қўрғошин, кумуш, чорва, тери, жун ва

кўрғошин сероб бўлган. М. ав. XX-XVIII асрларда Ашшур савдогарлари Кул-тепада жойлашган (Кейсаридан 20 км шимолда) қадимги Канишда мустаҳкам ўрнашиб қоладилар ва у ерда ҳам ўз манзилгоҳларини барпо этадилар. Каниш ўша даврдаги йирик савдо марказларидан бирига айланади. Мазкур даврда Оссурия савдогарлари Ўрта ва Жанубий Месопотамия, Элам, Урарту каби Олд Осиёдаги кўпгина мамлакатлар билан қизғин савдо ишларини олиб борган.

Қадимги Оссур жамияти кулдорлик жамияти бўлиб, унда ибтидоий жамоанинг айрим анъаналари сақланиб қолган эди. Оссурияда подшо ёки сарой ва ибодатхонага қарашли ерлар бўлиб, унда асосан куллар ва эркин жамоа кишилари ишлаганлар. Ернинг асосий қисми хусусий кишиларга қарашли бўлган. Шу билан бирга эркин жамоага тегишли ерлар ҳам бўлган.

Куллар сони қарздорлар ва урушда асир тушган кишилар ҳисобига кўпайган. Ҳужжатлар шуни кўрсатадики, уруғ жамоаси аъзолари 1-2 тадан кулга эга бўлганлар.

М. ав. XVI асргача бўлган даврда Оссурия давлати “алум Ашшур”, яъни Ашшур шаҳри ёки Ашшур жамоаси деб аталган. Илк Оссур давлати м.ав. III минг йиллик охирларида Аккад ва Урнинг 3-сулоласи подшоларига итоат этган.

Маълумотларга қараганда илк Оссурия давлати тепасида подшо турган бўлиб, подшолик отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. Подшо саройи қошида нуфузли кишилар оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатган. Давлат ишлари оқсоқоллар кенгаши билан маслаҳатлашиб амалга оширилган.

М. ав. XX-XVIII асрлардан бошлаб анча мустаҳкамланиб олгач, Оссур кўшинлари кўшни вилоятларга истилочилик юришларини бошлаганлар. Оссур кўшинлари Жанубда элам, Форс кўлтиғи мамлакатлари, ғарбда эса Кичик Осиёнинг шарқий вилоятлари ва Ўртаер денгизининг Шарқий соҳилидаги бой шаҳар-давлатлари устига кўшин тортиб бориб, аҳолисини қириб, кўплаб ҳарбий ўлжалар ва асир

тушганларни қулга айлантириб Оссурияга қайтганлар. Аини пайтда Кичик Осиёнинг шарқидаги тоғ-кон ва савдо манзилгоҳларини кенгайтирганлар. Олиб борилган урушлар бора-бора Қадимги Оссуриянинг заифлашувиға сабаб бўлган. Бу даврда Хаммурапи бошлиқ Бобил подшолиги кучайиб, Оссурияга ўз таъсирини ўтказган. Оссурия маълум муддат Бобил подшолигиға қарам бўлиб қолган.

М. ав. XVI-XV асрларда Қадимги Оссурия кўшни Митанни давлатининг асоратига тушиб қолган. Мазкур даврда Митанни давлати кучайиб, Митанни подшоси Шауштатар кўшинлари Оссурияга бостириб кириб, Оссур кўшинларини тор-мор этган Ашшурни вайрон қилиб, подшо саройининг олтин-кумуш қоришмасидан ясалган дарвозасини Митанниға олиб кетган. Фақат 100 йилдан сўнг бу дарвоза Ашшурга олиб келинган.

Шундай қилиб XV аср ўрталарида Оссурия кўшни Митанни давлатига қарам бўлиб қолади. Оссуриянинг савдо-сотик ишлари инқирозга юз тутиб, у илгариги савдо карвон йўлларида маҳрум бўлади. Шунингдек Хетт подшолиги Оссур савдо ғорларини Кичик Осиёдан чиқариб, уларнинг у жойдаги манзилгоҳлари йўқ қилиниб хеттларга ўтиб кетади. Миср эса Оссурияни Суриядан суриб чиқаради. Митанни эса уларнинг ғарбга томон борадиган йўлини бутунлай беркитиб қўяди.

Шундай қилиб XIX-XVIII асрларда Олд Осиёдаги кучли давлатлардан бири бўлиб ҳисобланган Оссурия XV аср ўрталариға келиб инқирозга юз туттади ва ўз мустақиллигини йўқотади.

Ўрта Оссур подшолиги (м.ав.XV-XI асрлар). М. ав. XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб оссурлар дипломатик йўл билан ўзларининг илгариги мавқеларини қайта тиклашға ҳаракат қилганлар. Оссур подшолари Бобил, Митанни ва Хетт каби ўз рақиблари қарши курашмоқ учун Миср фиръавлари билан иттифоқ тузганлар. Оссурия подшолари билан Миср фиръавлари ўртасида илиқлик бошланиб, оссурлар миср фиръавни Тутмос III га қимматбаҳо совғалар юборган. икки давлат ўртасидаги дўстлик Миср фиръавлари Аменхотепе III ва Эхнотон ва

Оссурия подшолари Ашшур-надин-эххе II ва Ашшур-убаллит I даврида анча мустаҳкамланган.

М.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Мисрнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Оссурия ташқи сиёсати соҳасида жиддий ютуқларга эришган. Бу даврда Ашшур-убаллит I Бобил подшолари уйи билан қариндошлик муносабатларини боғлаб бобилликлар тахтида оссурлар тайин қилган киши ўтирмоғи керак бўлган.

Адад-нерари I, Саламансар I ва Тукульти Нинурти I подшолик қилгани кейинги юз йил ичида Митанни давлат оссурларга қарам бўлиб қолди. Тукульти-Нинурта I Сурияга зафарли юришлар қилиб, у ердан беҳисоб бойликлар ва 30 мингга яқин асирни қўлга киритиб қайтади.

Оссуриянинг ғарбдаги ғалабалари Миср билан Бобилни унга қарши иттифоқ тузишга олиб келди. М.ав. XIII асрда Оссурия ҳукмдори Тикульти-Нинурти I даврида Оссур қўшинлари Бобилга бостириб кириб, катта ғалабани қўлга киритадилар. Оссур қўшинлари ватанларига жуда кўп ўлжалар, асирлар ва худо Мардукнинг ҳайкалини олиб қайтадилар.

Оссур подшолари Кавказорти қабилалари устига ҳам зафарли ҳарбий юришлар уюштирганлар. Саламансар I Наири ёки Уруатрида зафарли юришлар олиб бориб, ўнлаб қабилаларни ўзига итоат эттирган бўлса Тикульти-Нинурта I 43 та ҳокимлик иттифоқи қўшинларини тор-мор келтирган.

М.ав. XII асрда Оссурия подшолиг тушкунликка юз тутди. Аммо XII-XI асрларда подшолик қилган Тиглатпаласар I (м.ав. 1115-1077) даврида Оссурия қайта тикланиб, Яқин шарқдаги қудратли давлатга айланади. Бу даврда Оссурия подшолари ғарб томон 30 марта ҳарбий юриш уюштириб, унинг қўшини Шимолий Сурия ва Шимолий Финикияни босиб олиб, Кичик Осиёнинг Жануби-Шарқий чегараларига бостириб кирадилар. Тиглатпаласар I бу ғалабалардан сўнг финикияликларнинг кемаларига тушиб, денгизда делфин ови қилган экан.

М.ав.ХІ асрга келиб Оссурия давлати яна тушкунликка юз тутган. Бу даврда Арабистон ичкарасидан Сурия чўли орқали кўчманчи семит қабилалари-арамейларнинг хужуми бошланган. Бу даврда Арамейлар шимолий Сурия ва Киликиядаги кичик-кичик Хетт подшоҳлари кўшинларини, Юқори Месопотамиядаги майда Митанни подшоликларини енгиб, маҳаллий аҳолини семитлаштирганлар. Арамейлар Оссурияга ҳам бостириб кириб, уларнинг кўшинларини тор-мор этганлар. Шу тариқа арамейларнинг зарбалари туфайли Оссурия тушкунликка юз тутган ва бу тушкунлик салкам икки юз йил давом этган. Мазкур тушкунлик даврида Оссурия хўжалигининг ҳамма тармоқлари издан чиққан ва инқирозга юз тутган.

7-§. Улуғ Оссур ҳарбий салтанати (м.ав.Х-VII асрлар)

М. ав. I минг йиллик бошларига келиб ишлаб чиқаришда янги янги маъдан-темирдан фойдаланиш, қуруқлик йўли ва денгиз савдоЦининг мунтазам ривожланиши ва ниҳоят Яқин Шарқдаги одамлар яшашига қулай бўлган жойларда аҳоли сонининг ортиши қадимги шарқ давлатларининг иқтисодий жиҳатдан юксалишига олиб келди. Мазкур даврда Яқин Шарқдаги катта-кичик мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва маданий-сиёсий алоқалар тикланади ва ривож топади. М. ав. I минг йилликда Яқин Шарқдаги қудратли давлатлар иккинчи ўринга тушиб қоладилар.

М.ав. X аср охирларида Оссурия яна қайтадан кучая бошлаган. Мазкур даврда Яқин Шарқда Оссурияга бас келиб баҳслаша оладиган кучли давлатлар бўлмаганлиги унга катта қулайлик туғдирган. Бу даврда Кичик Осиёдаги Хаттлар давлати парчаланиб, Митанни ҳам инқирозга юз тутган эди. Бир вақтлар Оссурияга дахшат солган арамейлар бирлашган кучли давлат барпо қила олмаганлар.

М.ав.ІХ аср бошларига келиб Оссурия Шимолий Месопотамияда мустақамланиб олгач, ташуқи мамлакатларга истилочилик сиёсатини бошлаб юборади. Оссуриянинг истилочилик ҳарбий юришлари унинг

подшолари Ашшурнаципал II (м.ав. 883-859) даврларида ва Саламансар III даврларида айниқса фаоллашган.

Дастлаб Ашшурнаципал II бошлиқ оссур қўшинлари шимолга наири қабилалари устига юриш уюштиришган. Шу даврда Кавказ ортида Урарту давлатининг шаклланиш жараёни бошланган эди. Оссур жангчилари Дажла дарёсининг шарқий ҳудудларида яшаган тоғлик Мидия қабилалари билан аёвсиз жанглар олиб бордилар. Оссур қўшинлари жанубда Бобил қўшинлари билан тўқнашиб, бобилликларнинг шимолий чегарасидаги бир қанча жойларни ҳам босиб оладилар.

Аммо Оссурия подшолари ташқи сиёсат соҳасида бутун эътиборларини Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларга қаратадилар. Чунки бу мамлакатлар жуда бой, у ерда хўжалиги ниҳоятда ривожланган бўлиб, географик жиҳатдан қулай ерга жойлашган эди. Бу мамлакатларда металл, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо маъданлар, қурилиш учун зарур бўлган бебаҳо ёғоч-ўрмонлар кўп эдики, улар Яқин Шарқда машҳур эди. Шарқий Ўртаер денгизи соҳилларидан халқаро аҳамиятга эга бўлган қуруқлик савдо йўллари келиб ўтган эди. Савдо-карвон йўллари бўйлаб Тир, Сидон, Дамашқ, Библ, Арвад ва Каркемиш каби савдо-хунармандчилик марказлари жойлашган эди. Бу ҳудуд шу ердан туриб Кичик Осиёнинг ичкарасига, Ўртаер денгизидаги оролларга Юнонистон ва Миср томон истилолар уюштириш учун қулай стратегик жой ҳисобланган. Худди шу йўналишдан туриб Ашшурнаципал II асосий ҳарбий ҳаракатларни режалаштирган. Шу йўналиш бўйича Оссур шоҳи Ашшурнацирпал Шимолий Сурияда яшаган арамейларни тор-мор этишга муваффақ бўлади. Оссур қўшинлари Шимолий Суриядаги Бит-Адини князлигини босиб оладилар. Бу ғалабалар натижасида Оссур подшолари Шарқий Ўртаер денгизи соҳили бўйлаб ўтган карвон-савдо йўлларини ўз қўлларига киритадилар. Соҳил бўйидаги кўпгина Сурия князликлари ва Финикия шаҳарлари ҳам Оссур подшосига бож-ҳирож тўлаб туришга мажбур этилади.

Ашшурнацирпал II вафотидан сўнг унинг ўғли Саламансар III отасининг босқинчилик сиёсатини давом эттиради. Саламансар III 35 йиллик подшолиги даврида кўшни мамлакатларга 32 марта ҳарбий юриш уюштирган. Саламансар III ғарб томонда Фрот дарёсининг бутун водийсидан тортиб то Бобилгача бўлган ерларни батамомо ўзига қаратиб олиш мақсадида Бит-Адинини ўзига бўйсундирган. М.ав.856 Саламансар III арамей давлатининг пойтахти Тил-Барсибни эгаллаган. Тил-Барсиб Кархемишдан 20 км жанубда бўлиб, бу шаҳар орқали жуда муҳим ҳарбий ва савдо йўли ўтган эди. Мазкур савдо йўли Месопотамиядан бошланиб, Гузана (Тил-Халаф), Харран, Хадату, (Арслон Тош) Аляппо орқали ўтиб Сурияга ва ундан кейин Критга ҳамда Оронт водийсигача борган. Шундан сўнг Саласмансар III Сурия томонга юриб йўл-йўлакай энг муҳим шаҳарларни кўлга киритишни ва Ўртаер денгизи соҳилига чиқадиган муҳим савдо йўллари эгаллашни мақсад қилиб қўйган бўлса керак. Кархемиш, Алеппо ва самаль ҳокимлари Оссур подшосига ўз ихтиёрлари билан бўйсуниб, уни катта бойликлар-хирож билан кутиб олганлар. Саламансар III ҳарбий юришни давом эттириб, Дамашқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Дамашқ подшолиги оссурларга қарши курашиш учун ҳарбий иттифоқ тузган. Бу ҳарбий иттифоққа Куэ, Ҳамой, Арвад, Исроил подшолиги, Аммон, Шимолий-Месопотамия араблари ҳам қўшилиб, жангларда мисрлик аскарлар ҳам фаол қатнашганлар. Ҳар икки катта кўшин Оронт дарёси бўйидаги Каркара яқинида учрашган. Бу дахшатли уруш м.ав..853 йилда бўлиб ўтган.

Саламансар III ўз ёзувларида иттифоқчилар устидан “ғалаба” қозониб Каркарани вайрон этдим, жангда душманларимнинг 14000 жангчиси қириб ташланиб, у ердан кўп бойлик ва асирлар кўлга киритилди деб ёзган. Лекин Каркара ёнидаги бу дахшатли жангда оссур кўшинлари жуда катта талофот кўрганларни туфайли орқага чекинишга мажбур бўлганлар. Орадани бирмунча вақт ўтиб, Фрот ортига ўн етти марта ҳарбий уюштирилгандан сўнг м.ав.840 йилда Саламансар III Дамашқ устига 120

минг кишилик қўшин билан бостириб кирган. Бўлиб ўтган жангларда Дамашқ подшоси қўшинлари тор-мор этилиб, душманлар шаҳарни камал этганлар. Оссурлар жуда кўп ўлжа ва асирларни қўлга киритганлар. Саламансар III шунча зўр бергани билан Дамашқни узил-кесил енга олмаган. Аммо Оссурия Дамашқни бир қадар кучсизлантириб, Сурия иттифоқи кучларини бўлиб ташлашга эришган. Исроил, Тир, Сидон Оссур подшосига бўйсуниб, унга хирож тўлаганлар. Хатто Миср фиръавни ҳам Оссурия салтанатини эътироф этиб, унга 2 та туя, бегемот ва бошқа ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар юборган. Саламансар III навбатдаги ҳарбий юришни жанубга-Бобил подшолигига қаратган. Саламансар III Бобилга катта қўшин билан даҳшатли юриш қилиб, Эрон қўлтиғи қирғоқларидаги Денгизбўйи ўлкаларига ҳам етиб борган. Оссур қўшинлари Бобилни ҳам босиб олиб, у ердан мислсиз бойлик ва саноксиз асирлар олиб қайтганлар.

Шимолда Саламансар III ёш Урарту давлати билан қаттиқ жанглар олиб борган. Дастлабки жангларда оссур қўшинлари Урарту устидан ғолиб чиқиб, унинг марказий шаҳрини босиб олганлар. Урарту подшолари Сардури ва Араму даврида Урарту кучайиб, Оссуриянинг рақибига айланган. Урарту подшолари ўзларининг ғолибона юришлари туфайли Оссурияни кавказортидан Кичик Осиё ва Шимолий Суриядан ажратиб қуйишга муваффақ бўлганлар. Бу ҳол Оссуриянинг кучсизланишига олиб келган. Кучлар навбати Урарту подшолари томонга ўтиб ўзгарган.

Шундай қилиб Оссурия ўзининг Олд Осиёнинг шимолий қисмидаги ҳукмронлик мавқеини йўқотиб, энди бу ўринни Урарту подшолиги эгаллаган.

М. ав. VIII аср охирида Оссурия подшолигининг тушкунликка юз тутиши. М. ав. IX асрнинг охири ва VIII асрнинг биринчи ярмиларига келиб Оссурия оғир иқтисодий ва сиёсий инқирозга учрайди. IX асрда Оссур подшолари олиб борган узлуксиз урушлар хўжаликнинг ҳамма тармоқларига салбий таъсир этган. Урушлар натижасида аҳолининг бир қисми жангларда ҳалок бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарувчи ишчи кучи

камайиб кетган ва майда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ҳам издан чиққан. Аҳолини бошқа томонларга кўчиб кетиши, ҳосилсизлик ҳар хил юқумли касаллик, ички сиёсий бухрон ва келишмовчиликлар мамлакатнинг турли бурчакларида катта-кичик қўзғолонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Оссурия босиб олган ўлкаларда эса мустақиллик учун кураш қизғин тус олди. Мамлакат ичидаги сиёсий, диний, ҳарбий ва савдо-сотик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро кураш ҳам кучайди. Аини пайтда мамлакатдаги маҳаллий ҳокимлар марказий ҳокимиятга итоат этмай қўйдилар. Подшоликка олинадиган оғир солиқлар меҳнаткаш халқнинг тинкақини қуритади. М.ав. XIII аср бошларига келиб шимолда вужудга келган ёш Урарту подшолиги Олд Осиёда сиёсий жиҳатдан устунликка эга бўлиб, Оссурия кучсизланиб инқирозга юз тутишида асосий омиллардан бири бўлди.

8-§. Янги оссур подшолиги даври (м.ав. X-VII асрлар)

М.ав.X-IX асрларда Оссуриянинг қтисодий ва ҳарбий жиҳатдан юксалиши. М. ав. I минг йиллик бошларида Яқин шарқдаги аҳвол. М.ав.I минг йилликда темирдан кенг фойдаланиши натижасида Қадимги Шарқ давлатларида иқтисодий юксалиш, куруқлик ва дарё савдо йўлларида жонланиш жараёни кузатилган. Яқин Шарқдаги давлатлар орасида яқин иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар кучайтирилган ва кенгайган.

Мазкур даврда Қадимги Шарқ давлатларида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиш жараёни нотекис бўлган. Бу даврга келиб Хетт, Митанни каби подшоликлар майда давлатларга бўлиниб, бошқа кучли давлатлар таркибига кириб ном-нишонсиз йўқолганлар. Бу даврда Миср, Бобил каби давлатлар ички ва ташқи жиҳатдан тушкунликка учраб, Оссурия каби кучли давлатлар таъсирига тушиб қолганлар. Бу даврда, яъни м.ав.I минг йилликда Яқин Шарқда Урарту, Куш, Лидия, Мидия ва Форс каби янги “ёш давлатлар” тарих сахнасида пайдо бўладилар.

М.ав. I минг йилликда фракийлар, фригийлар, карийлар, араблар айниқса киммерийлар ва скифлар Яқин шарқ дунёсининг анъанавий сиёсий ҳаётида фаол иштирок этадилар. М.ав. I минг йилликда Яқин шарқдаги давлатлар ўртасида буюк ҳарбий давлат мақомини толиш учун қизғин кураш авж олди.

Яқин Шарқда буюк ҳарбий давлати мақомига эришига интилган давлатларни бири Оссурия эди.

Босқинчилик сиёсати фаоллашининг сабаблари. М.ав. II минг йилликдаёқ Оссурия Яқин Шарқдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган эди. Яmmo ярим қўчманчи арамей қабилаларининг Оссурия устига бостириб киришлари унинг тақдирига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Арамейлар томонидан Оссурия шаҳарлари ва қишлоқларининг вайрон этилиши натижасида хонавайрон бўлган аҳоли тоғлик ҳудудларга қочиб бориб яширинишга мажбур бўлган. Арамей қабилаларининг кетишлари натижасида Оссуриянинг шаҳар ва қишлоқлари вайрон этилиб, хўжаликнинг ҳамма тармоқлари издан чиқиб бир вақтда қудратли бўлган Оссурия давлати оғир дамларни бошидан кечириб инқирозга юз тутди ва ҳарбий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолади. Бу жараён Оссурияда м.ав. X асрга келиб Оссурия аста-секин оёққа туриб, темир қурооллардан хўжаликнинг ҳамма тармоқлари ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиши оқибатида унинг хўжалиги қайта ривож топиб, ҳарбий салоҳияти ошди. Оссурия ўзининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини тиклаб, мамлакатда сиёсий марказлашиш жараёни барқарор бўлиб мустаҳкамлана борди.

М.ав. X-VII асрларда Оссурия ўз тарихининг янги босқичига-Янги Оссур подшолиги даврига қадам қўйди.

Оссурия ўз хўжалиги ва ҳарбий салоҳиятини қайта тиклаб олгач, қўшни мамлакатларга ҳарбий юришларни уюштириш имкониятига эга бўлди. Оссуриянинг ҳарбий юришлардан мақсади Олд Осиёдаги қуруқлик ва денгиз савдоси йўлларини қўлга киритиб, улар устидан кучли назорат ўрнатиш ва савдо-сотикдан тушадиган катта бойликка эга бўлиш эди. Олд

Осиёдаги серкатнов савдо йўлларига эга бўлиш Миср, Бобил, Урарту ва бошқа давлатлар сиёсатининг асосини ташкил этарди. Шу боис Оссурия бу борада ўзининг кучли рақиблари мавжудлигини билар ва улар билан ғолибона урушлар олиб бориши муқаррар эди. Шунингдек уруш Оссуриянинг ички сиёсатида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Ғолибона урушлар мамлакатга катта бойлик келтириш билан бирга афкор оммани мамлакат ички ишларидаги ижтимоий масалалардан чалғитарди холос.

М. ав. IX асрда Оссуриянинг босқинчилик сиёсати. IX аср бошларига келиб Оссурия давлати кучайиб шимолий Месопотамияда ўзининг мавқеини тиклаб олгач ташқи босқинчилик сиёсатини бошлаб юборади. Оссуриянинг ҳарбий босқинчилик сиёсати айниқса Ашшурназирпал II (м.ав.883-859) ва саламансар III (м.ав.859-824) фаоллашади.

Ашшурназирпал даврида оссур қўшинлари шимолдаги Наири қабилалари билан ғолибона урушлар олиб боради. Бу даврда Урарту давлатининг шиклланиш жараёни бошланган эди. Оссур қўшинлари Дажла дарёсидан шарқдаги тоғли Мидия қабилалари билан жанглар олиб бораганлар. Оссур қўшинлари бобил қўшинлари билан олиб борилган урушлар натижасида бобилликларнинг шимолий ҳудудларидаги ерларини эгаллайдилар. Шундан сўнг Оссур подшолари ўзларининг ҳарбий ҳаракатларини ғарбга-Шарқий Ўртаер денгизи қирғоқларига қаратадилар.

Тиглатпаласар III ислохотлари ва Оссуриянинг учинчи юксалиши. М.ав. 746-745 йилларда Оссурияда вазият кескинлашиб, Кальха шаҳрида кўзғолон бошланади. Мамлакатдаги норозилик ва кўзғолонлардан фойдаланган ҳарбийлар янги сулола вакили Тиглатпаласар III ни шоҳ этиб кўтарадилар. Тиглатпаласар III Оссурия тахтига ўтиргач, мамлакат куч-қудратини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ислохотлар ўтказишга киришади.

Оссурия давлати ўсиб, кучайиб бориши билан унинг қўл остидаги ўлкаларни ҳам истило қилинган мамлакатларни ҳам пухтароқ идора қилиш

зарурияти туғила борган. Атрофдаги субарай, оссур ва арамей қабилаларининг ягона оссур халқи бўлиб биргалашиб қоришиб кетиши қадимий қабилавий ва уруғчилик алоқаларининг бузилиб кетишига сабаб бўлган. Бу эса мамлакатни маъмурий жиҳатдан янгидан тақсимлаш заруриятини келтириб чиқарган. Оссур аскарлари истило қилган узок ўлкаларда тез-тез қўзғолонлар бўлиб турган. Шу сабабли Тиглатпаласар III подшолик қилган даврда катта-катта эски ўлкалар худуди кичикроқ янги округларга бўлиниб, уларга махсус амалдорлар (бел-пахатилар) бошлиқ қилиб қўйилган. Ислохотларга кўра махсус имтиёзларга эга бўлган савдо шаҳарларини алоҳида бошлиқ қилиб қўйилган. Давлатнинг бепоён худудини идора қилиш учун подшонинг “топшириқларини ижро қиладиган махсус амалдорлар” (бел-пикиттилари) бўлган. Бу амалдорлар ёрдами билан жуда катта давлатнинг ҳамма идора ишлари подшо саройида истиқомат қилувчи мустабид шоҳ қўлида тўпланган.

Янги Оссур подшолиги даврида давлатни бошқариш учун марказлашган идора талаб қилинган. Мазкур даврда Оссурияда подшо олий бош руҳоний ҳисобланиб, диний маросимларни унинг ўзи ўтказган. Подшо қабулига кирган амалдор-зодагонлар подшонинг оёғига йиқилиб, “ер ўпишлари” ёки унинг оёғини ўпишлари лозим бўлган. Шунини таъкидлаш жоизки, Оссур давлати жуда кучайган даврда ҳам оссур подшоси ҳар бир ишда руҳоний-коҳинлардан маслаҳат сўраб иш юритган.

Тиглатпаласар IIIнинг муҳим ислохотларидан бири ҳарбий ишларни қайта ташкил этишдан иборат бўлган. Илгариги оссур подшолари мамлакатнинг эркак кишиларидан тузилган халқ лашкарлари ёрдами билан жойларда урушлар олиб борар ва катта-кичик қўзғолонларни бостирар эдилар.

Тиглатпаласар III билан Саргон II подшолик қилган даврда ҳарбий ислохотлар ўтказилиб, натижада Оссурия давлатида ҳарбий ишлар қайтадан қурилган. оссур подшолари кўп сонли, яхши қуролланган ва кучли мунтазам қўшин тузиб, давлат ҳокимиятининг бутун аппаратини

харбий эҳтиёжларга хизмат қилдирганлар. Оссуриянинг кўп сонли кўшини босиб олинган ўлка ва мамлакатнинг эркин аҳолиси билан тўлдириб турилган. Ҳар бир вилоят бошлиғи ўз кўл остидаги юртдан аскар тўплаб, бу аскарларга вилоят бошлиғининг ўзи қўмондонлик қилган. Мазкур даврда Оссурияда махсус “мунатазам кўшин” тузилиб, бу кўшинга “подшо бўлинмаси” деб ном берилган. Бу кўшин исёнчиларни бостириш учун хизмат қилган. Шунингдек, Оссурияда подшонинг шахсий гвардияси ҳам бўлиб, бу гвардия подшонинг “муқаддас шахсини” қўриқлаши лозим бўлган. Ёзма манбаларда 50 кишидан иборат кичик-кичик аскарый бўлинмалар (кисру) бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Оссурия аскарый қисмларида пиёдалар, суворийлар ҳамда жанг арава минган аскарлар бўлган. Оссур кўшини тузилмасида 200 пиёда аскарга 10 та отлиқ суворий ва битта жанг арава минган жангчи тўғри келган. Шунини айтиб ўтиш жоизки оссур кўшинлари таркибида туя минган жангчилар ҳам бўлган.

М. ав. IX асрда подшолик қилган Ашшурбанипал замонида оссур кўшинларида жанг аравалар ва отлиқ кўшинларидан унумли фойдаланилган. Оссур аскарларининг асосий қисми пиёда аскарлардан иборат бўлиб, улар қурол-яроғ билан яхши таъминланган. Пиёда аскарлар камончилар, қалқончилар, найзабозлар ва найза отувчилардан ташкил топган эди. Кўшиннинг асосий қурол-аслаҳаси совут, қалқон, дубулға, камалак, калта қилич ва найзалардан иборат бўлган. Оссур подшолари ўз кўшинларини яхши қуроллантиришга жуда катта эътибор берганлар. Саргон II нинг Ашшурдаги саройи қавланганда археологлар у ердан жуда кўп қурол-яроғлар топишган. Оссур кўшинлари ўз даврида қалъа деворларини бузиш учун ишлатиладиган махсус мосламаларга ҳам эга бўлганлар. Оссур кўшинлари ўнлик, элликлик, юзлик ва минг кишидан иборат қисмларга бўлинган. Уларнинг ҳар бирини ўз белги ва байроқлари бўлган.

Байроқларга худо Ашшур ва уруш худоларининг тасвири туширилган. Баъзи манбаларда оссур кўшинларининг сони 120,000 киши

деб кўрсатилгано. Кўшинда интизом жуда қаттиқ бўлиб, жангчилар кўшин бошлиқлари ва саркардалар ўз вазифаларини сидқи дилдан бажариш учун қасамёд ҳам қилганлар.

Оссурия салтанатининг гуллаб-яшнаши. Оссурия салтанатининг қудратли давлатга, учинчи ва энг юқори поғонага кўтарилган даври м.ав.VIII асрнинг 40 йилларидан м.ав.VII аср 40 йилларининг охирига тўғри келади. Оссурия VIII аср ўрталарида янада кучаяди. Айниқса Тиглатпаласар III (м.ав.745-722) ўзидан олдин ўтган подшоларнинг истилочилик сиёсатини давом эттириб, Оссурияни Шарқдаги ягона мустабид давлатга айлантиришни мақсад қилиб қўйди. Тиглатпаласар III истилочилик юришларини бошлаб, 743-740 йилларда шимолий Сурия ва кичик осиёликлардан иборат Арпад иттифоқи кўшинларини тор-мор этади.

Тиглатпаласар III кўшинлари м.ав.738,735 йилларда Урарту устига юришлар қилиб, урартлар юртидан кўп ўлжалар ва асирлар олиб қайтади. М.ав.734-732 йилларда Оссурияга қарши Дамашқ ва Исроил подшолари, шунингдек соҳил бўйи араб князликлари ва Эдом ҳарбий иттифоқи тузилади.

Иттифоқчилар билан бўлган жангларда Оссуриянинг кўли баланд келиб, Оссурия шарқий Ўртаер денгизи соҳилида мустақкамланиб олади. М.ав.737 йили Тиглатпаласар III Мидияда мустақкамланиб олгач, Бобил устига кўшин тортиб уни ҳам эгаллайди.

Бу ғалабалар Оссурияни Олд Осиёдага энг катта қудратли давлатга айлантиради. Бу даврда Оссурия давлати таркибига Месопотамиянинг катта қисми, Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги жойлар, шунингдек Мидиянинг қатор ҳудудлари итоат этар эди.

Йилномачиларнинг келтирган маълумотларига кўра Оссур подшолари, саркардалари раҳбарлигидаги жангчиларнинг раҳмсизлиги ва қонхўрлиги, урушда ҳеч қачон инсонпарварлик кўрсатмаган бошқа Қадимги Шарқ кўшинларининг барча жабр-зулмларидан ошиб ўтиб кетган. Оссурлар мағлуб бўлган душманларни энг ваҳшиёна усуллар билан

жазолаганлар. Бу Оссурияда энг оддий ва қонуний иш ҳисобланган. Ўша давр йилномачилари ва рассомлари мағлубларга нисбатан ишлатилган жабр-зулм ва жазоларни бутун тафсилотлари билан тасвир қилганлар. Тирик кишиларнинг терисини шилиб олиш, кўзини ўйиш, лаб ва иягини тешиб арқон ўтказиш, дорга осиш, қозикқа ўтказиш ва шу каби бошқа разил ихтиролар бўйсундирилган халқларни жазолаш ва қўрқитишнинг табиий усули ҳисобланган. Бугина эмас, оссур жангчилари, саркардалари ва подшолари асирга тушган ўз душманларини шаҳар дарвозалари олдига тўплаб, уларни ёқиб юборганликлари ҳам маълум. Аммо бу жабр-зулмлар ва разилликлар оссур қўшинлари босиб олган ўлка халқларини тиз чўктира олмаган. Енгилган ва ҳонавайрон қилинган ўлка халқларининг оссур ҳукмронлигига қарши оммавий чиқишлари ва қўзғолонлари тўхтамаган. Қўшни мамлакатларни шафқатсиз таланиши қаттиқ қаршиликларига сабаб бўлган ва бир ўлканинг халқлари мустақиллик учун қайта-қайта бош кўтариб чиққанлар.

Кейинчалик мамлакат ичидаги низолар, қўзғолонлар ва қўшни мамлакатлардаги ғалаёнлар вақтинчалик гуллаб-яшнаган Оссурияни аста-секин заифлашувига олиб келган. Бу вазиятдан фойдаланган қўшни давлатлар, хусусан, Янги Бобил подшолиги Мидия подшолиги билан ҳарбий иттифоқ тузиб, VII аср охирларида Оссурия давлати ва подшолигини янчиб йўқ қилиб ташлаганлар. Бу воқеанинг тафсилоти шундай бўлган: Янги Бобил подшоси Набопаласар Мидия подшоси Киаксар билан иттифоқ тузиб, дастлаб м. ав. 614 йилда иттифоқчилар қўшни Ашшурга, 612 йили эса икки томондан шиддатли ҳужум бошлаб, ҳар икки шаҳарни вайрон қилганлар. Оссурларнинг қолган – қутган аскарлари ғарбга Харран ва Кархамишга чекинганлар. Оссурлар Миср фиръавни билан иттифоқ тузиб, мағлубиятдан сақланиб қолишга умид боғлаганлар. М. ав. 605 йилда Бобил – Мидия қўшинлари Оссурия – Миср қўшинларини Кархамеш ёнида бўлган даҳшатли жангда батамом тор – мор

келтирганлар. Шундай қилиб бир вақтлар Олд Осиё халқларини даҳшатга солган Оссурия давлати барҳам топган ва инқирозга учраган.

9-§. Қадимги Митанни давлати

Қадимги Митанни давлатининг географик ўрни, табиий шароитлари ва аҳолиси. Қадимги Митанни жануби – ғарбий Осиёдаги қулдорлик давлатлардан биридир. Бу қадимги давлат Месопотамиянинг шимолий ва шимоли – ғарбий қисмида жойлашган. Унинг ер усти тузилиши шимолда тоғлик ва қир – адирликлардан, ғарбий қисми ҳам тоғликлардан иборат. Жанубий қисми эса Месопотамия пасттекисликлари билан туташиб кетади. Мамлакат ғарбдан Фрот дарёсининг Хабур ва Белих дарёлари оқиб ўтади. Шарқ томонидан эса қуйи Заб, юқори Заб, дажла ва унинг ирмоқлари оқиб ўтади. Митаннининг оби ҳавоси қуйи Месопотамиягача нисбатан бироз бошқача, ёзи мўтадил, қиши хийла совуқроқ.

Унинг тоғлик жойлари оссурияликларники Цингари ўтлоқ – яёловларга анча бой бўлган. Митанни ерларининг қулай географик муҳити қадим замондан ўрта палеолитдан бошлаб ибтидоий одамлар диққатини жалб қилган. Юқори ва қуйи Заб дарёлари водийсида ўрта палеолит маконларининг топилиши фикримиз далилидир.

Митанни аҳолисининг асосий қисмини хурритлар ташкил этиб, кейинчалик улар оссурлар, аморийлар ва бошқа халқлар билан аралашиб кетганлар.

Митаннининг энг қадимги ибтидоий аҳолиси ҳудуднинг табиий шароитидан келиб чиқиб, дастлаб термачилик ва овчилик билан шуғилланганлар. Кейинчалик бу ердаги аҳоли деҳқончилик, чорвачилик хўжалигини ўрганиб сўнг бу жойларда ҳунармандчилик ҳам ривож топиб, ишлаб чиқариш хўжалиги ташкил топабошлаган.

Митанни ерларидан шимол билан жанубни, шарқ билан ғарбни бирлаштирувчи муҳим савдо йўллари кесиб ўтган. Мазкур савдо – сотиқ

йўллари Митанни аҳолисининг хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Дехқончиликни, чорвачиликни, хунармандчиликни ва ниҳоят савдо – сотикнинг ривожланиши натижасида Митанни аҳолиси орасида хусусий мулк, мулккий тенгсизлик, кишилар орасида табақаланиш жараёни юз бериб, илк давлатнинг барпо этилиши учун шарт – шароит вужудга келган.

Дастлаб бу жойларда уруғ – аймоқ жамоалари ташкил топиб, бир неча ўн уруғ жамоалари бирлашиб қабила жамоасини ташкил этганлар. Тарихий зарурият эса бирнеча қабилаларни бирлашиб қабилалар иттифоқини барпо бўлишига олиб келган. Ва ниҳоят қабилаларнинг ўзаро бирлашуви натижасида дастлабки давлат қарор топган.

Бу жараён Митанни худудида м.ав. XX – XVIII асрларда содир бўлган бўлиши мумкин. Тарихчи, археолог олимларнинг фаразларига кўра м. ав. XVII – XVI асрларда бу ҳудудда илк Митанни давлати ташкил топган. М. ав. XVI – XV асрларда Митанни Олд Осиёдаги кучли давлатлардан бирига айланади.

Митанни давлатининг кучайиши ва истилочилик юришлари. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек м.ав. XVI – XV асрлар Митанни давлатининг куч – қудрат жихатдан гуллаган даврига тўғри келади. Бу даврда Митанни подшолари фаол истилочилик урушларини олиб бориб, Ашшур, Нинивия шаҳарларини, шунингдек Оссуриянинг бир қисм ерларини ҳам босиб оладилар. Митанни қўшинлари шарқ ва жануби – шарқда Загрос тоғлари орасида яшовчи тоғлик кутей ва лулубей қабилалари ерларини ҳам босиб оладилар.

М.ав. XVI – XV асрларда Митанни хеттлар билан ғолибона урушлар олиб бориб, Кичик Осиёнинг шарқий ҳудудлари, Сурия, Финикия ва хатто Паластинга ҳам кириб бориб уларга ўз таъсирларини ўтказдилар. М. ав. XVI асрда Митанни давлати таъсир доирасининг Олд Осиёда оша бориши унинг атрофидаги давлатларнинг эътиборини ўзига тортмай қўймас эди.

Хусусан Ўртаер денгизи шарқий соҳилларини босиб олишга интилаётган Миср фиръавнлари билан Митанни подшолари ўртасида кучли тўқнашувларга олиб келди. Мазкур даврда ҳар икки давлат ўртасида Олд Осиёда устунликка эга бўлиш учун қизғин кураш бошланди. Миср қўшинлари Тутмос I бошчилигида Фрот дарёси бўйига етиб келиб, Митанни чегарасига ғалаба тошини ўрнатди. Тутмос III даврида Миср қўшинлари Фрот дарёсини кечиб ўтиб, Митанни қўшинлари билан ғолибона урушлар олиб бориб Митанни подшоси ва қўшинларини орқага чекинишга мажбур қиладилар. Тутмос III ҳам Митанни чегарасига ғалаба тошини ўрнатади. Аммо мисрликлар ўз ғалабаларини охирига етказмаганлар. Тутмос III яна бир неча бор ҳарбий юришлар уюштириб, у ерда бошланган қўзғалонларни бостиришга уринади. Аммо ўша даврдаги Олд Осиё ва Юқори Мисрдаги сиёсий воқеалар Миср қўшинларига Митаннини бутунлай босиб олишга имкон бермайди. Икки орада сулх тузилиб Митанни ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Хатто Миср билан Митанни ўртасида м.ав.XV асрларда миср Олд Осиёдаги бир қатор давлатлар билан жуда мустаҳкам савдо ва дипломатия муносабатида бўлган. Айрим давлатлар ўртасида бўладиган музокаралар элчилар ёрдами билан олиб борилган. Бу музокаралар натижасида кўпинча ҳарбий – сиёсий иттифоқ ва битимлар тузилган. Сиёсий иттифоқлар, чунончи Миср билан Митанни ўртасидаги иттифоқ каби кўпинча сулолавий никоҳлар қилиш йўли билан ҳам мустаҳкамланган.

Митанни подшоси бир хатида Миср фиръавнига чегара шаҳарларини алмаштиришни таклиф қилган. Мазкур даврда Кичик Осиёнинг шарқида кучли хетт подшолиги ташкил топган. Хетт подшолиги қўшни Митанни вилоятлари ва аввалда Миср қўл остида бўлган шимолий Сурия ерлари ҳисобига ўз давлатининг чегараларини кенгайтиришга интилган. Хетт давлатининг кучайиши биринчи навбатда Месопотамиянинг шимолидаги Митанни подшолиги учун ва Мисрнинг Суриядаги ерлари учун ҳам хатарли бўлган. Хеттларнинг истило қилиш

хавфи аниқ бўлиб қолгач, Митанни ва Миср подшолари бош кўтариб келаётган душманни биргаликда қайтариш мақсадида бирлашганлар.

Миср билан Митанни ўртасида иттифоқ тузилиб, бу иттифоқ бир неча сулолавий никоҳлар билан мустахкамланган. Митанни подшоси Тушраттининг Миср фиръавни Аменхотеб III га ёзган хатларида ахир пировардида Миср билан Митанни ўртасида жуда ҳам мустахкам муносабатлар ўрнатилишига олиб келган музокараларнинг айрим босқичлари равшан ва жонли қилиб тасвирланган. Миср Аменхотеп III нинг подшолик қилган замонида узоқ Суриядаги ўз ерларини хеттларнинг истилосидан химоя қилмоқ учун етарли ҳарбий кучга эга бўлмаганидан Митанни ёрдамига таянишга мажбур бўлган. Митанни подшолиги эса дўстлиги ва ёрдами учун олтин талаб қилган. Тутмос IV ва Аменхотеб III Митанни подшоси қизларига уйланад экан, улар ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари ўрнатилиб, улар бир – бирларига совға – саломлар юбориб турадилар. Аммо икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталари узоққа бормайди.

М. ав. XV аср охирида Миср кучсизланиб қолади. Бу вазиятдан фойдаланган Митанни кўшинлари шимолий Сурия ва Библга бостириб кириб, Фаластинни ҳам ишғол қиладилар. Бу даврда Миср билан Оссурия Митаннига қарши иттифоқ тузадилар. Ўз ўрнида Митанни ҳам Оссурия – Миср иттифоқига қарши Бобил билан иттифоқ тузади. Мазкур даврлар ичида Хетт давлати кучайиб, Хетт кўшинлари Митаннига бостириб кириб, Митанни кўшинларини тор – мор этадилар. Бу даврда Митанни подшоси саройида фитна – фужур кўпайиб, ниҳоят Митанни подшоси ўлдирилади.

Митаннининг шимолдаги кўшниси Альба билан Оссуриянинг бирлашган кўшинлари Митанни кўшинларига зарба бериб, унинг шимолдаги ерларини босиб оладилар. Бу вазиятдан фойдаланган Хетт подшоси кўшинлари Митаннини ишғол қиладилар. Хетт подшоси Тушраттининг ўғли Шаттивасни тахтга ўтқазиб, унга ўз қизларидан бирини никоҳлаб беради.

М. ав. XIV асрнинг иккинчи ярмида Митанни Хеттларга тобе бўлиб қолади. Хеттлар ёрдамига таянган Митанни подшоси кўшинлари Оссурияни босиб олиш учун уларга қарши кураш бошлайди. Аммо жангда Митанни кўшинлари мағлубиятга учраб, подшо оиласи билан оссурлар кўлига асир тушади. Мазкур жанглар натижасида Митанни пойтахти Вашшукан оссур кўшинлари томонидан ишғол қилинади. Кейинги жанглар натижасида Оссурия кўшинлари Митанни кўшинларини батамом мағлубиятга учратади. Урушлар натижасида Митанни мамлакати вайрон қилиниб, жангларда жуда кўп митанни аскарлар ва оддий аҳоли қирғинбарот қилинади. 15 мингдан ортиқ киши асир олиниб, Оссурияга ҳайдаб кетилади. Оссуриянинг кетма-кет берган зарбалари натижасида Митанни заифлашиб, майда давлатчаларга бўлиниб кетади.

Кейинчалик Митанни Оссуриянинг таъсирига тушиб, давлат сифатида тарих сахнасидан тушиб кетади.

Митанни давлатининг ижтимоий тузуми ва хўжалиги. М. ав. XVI асрдан XIII асргача яшаган Митанни Олд Осиёдаги давлатлар сингари қулдорликка асосланган давлат эди. Митанни подшолигининг ижтимоий муносабатлари ҳақида маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Улар ҳақида қадимги Нузу ва Аррапхи қалъалари қазилиши натижасида топилган ёзма архивлар ибодатхона ва сарой хўжаликлари ҳақида баъзи маълумотларни беради. Подшо хўжаликлари каттароқ бўлиб, ёзма архив маълумотларига кўра унинг отхоналарида кўплаб отлар, молхоналарида юздлаб йирик ва майда шоҳлик сигир, буқа, бузоқ, кўй-эчки чўчқалар боқилган. Шунингдек, мамлакатдаги катта-катта ҳайдалган ерлар, боғлар ва ўрмонлар подшо оиласи аъзоларига қарашли бўлган. Подшо хўжалигидаги ишларни сарой қуллари, эркин-озод чўпонлар, хунармандлар ва деҳқонлар навбат билан бажарганлар.

Митанни подшолигининг ижтимоий тузумида ҳудудий жамоалар, қишлоқ (салу), катта оилали уй жамоалари-”димтулар” катта ўрин тутганлар. Ер катта оилали жамоанинг мулки ҳисобланган. Жамоа

савдогарлар, тўқувчи, деҳқон ва бошқа касбдаги кишилардан иборат бўлган. Мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш жамоани бузилишига олиб келган. Қарздорлик ва судхўрлик хуррит жамиятидаги камбағалларнигина эмас, балки ўрта табақаларни хонавайрон бўлишига олиб келади. Митаннида қўлга тушган асирлар қулга айлантирилган. Қарздорлик ҳам қулга айлантиришнинг бир шакли бўлган. Мамлакатда қулларни маълум муддатга сотиш ҳам кенг тарқалган эди. Митаннидаги қулчилик патриархал хусусиятга эга бўлиб, улар баъзи ҳуқуқларга эга эдилар. Улар чўриларгагина эмас, озод аёлларга ҳам уйланишлари мумкин бўлган. Қуллар меҳнатидан ишлаб чиқариш хўжалигининг барча тармоқларида, яъни боғдорчиликда, мол боқишда, тўқувчиликда, кулолчилик, кир ювиш, юк кўтариш, нон ёпиш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлган. Саройда ишлайдиган қуллар подшо оиласига анча яқин бўлган ва улар подшо оиласидан катта-катта совғалар олиб турганлар. Улар подшо саройида котиблик лавозимини ҳам эгаллар эдилар. Шунингдек қуллар маълум муддатга ижарага берилган, сотилган ва сотиб олинган. Қочқин қуллар қаттиқ жазоланган.

Давлат тепасида подшо туриб, у вафот этган вақтда тахт отадан болага ёки ака-укадарга мерос бўлиб ўтган. Вилоятларни подшо томонидан тайинлаган “хазанну”-қишлоқ бошлиғи, амалдори бошқарган. Митанни подшолигининг асосий куч-қудрати оғир ва енгил аслаҳалар билан қуролланган халқ лашкари, от қўшилган жанг араваларидан иборат бўлиб, жанг араваларини “марьянни” деган аравачи-зодагонлар бошқарганлар. Миатнниликлар жанг араваларни бошқаришнинг моҳир усталари бўлишган. Хетлар ва оссурлар от қўшилган жанг араваларда жанг қилишни митанниликлардан ўрганганлар.

Митанни давлати эгаллаган ерлар тоғлик, қисман текисликлардан иборат бўлиб, чорвачилик ва лалми деҳқончилигини ривожланишига имокн берган. Митаннида йилқичилик ҳам юксак даражада ривож топиб, митаннилик Киккули йилқичиликка оид илмий асар ёзган. Митаннини бир

қисми тоғлик бўлганлиги учун у ерда мис, кўрғошин, тошлар ва ўрмонлар мавжуд бўлган. Бу бойликлар мамлакатда маъдансозлик ва қурилиш ишларини ривожлантириш учун имкон берган. Митанни деҳқонлари мамлакатдан оқиб ўтадиган Фрот дарёсининг Хабур ва Белих, Юқори ва Қуйи Заб, Дажла ва унинг ирмоқлари оқиб ўтадиган серунум ерларда суғорма деҳқончилик билан сувсиз қир-адирларда лалми-бахорикор деҳқончилик билан шуғулланганлар. Деҳқонлар асосан буғдой, арпа, нўхот, кунжут, сабзавот экканлар. Тоғ олди ҳудудларида эса олма, нок, хурмо ва бошқа мевали дарахтларни экиб, боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. У ерда сабзавотчилик ҳам яхши ривож топган. Митанни боғбонлари ток экиб узумчиликка ҳам катта эътибор берганлар. Митанни аҳолиси йирик шоҳли қорамол-сигир, буқа, хўкиз ва бузоқлар, шунингдек қўй-эчки каби майда шоҳлик чорва билан ҳам шуғулланганлар. Митанни тоғлари чорва учун ўт-ўланларга бой бўлган. Чорванинг ҳамма тури тоғ яйловларида боқилган.

Юқорида таъкидланганидек, Митаннида йилқичилик юксак даражада ривожланган бўлиб, митанни отлари бутун Олд Осиёда машҳур бўлган.

Митаннида кулолчилик, тўқимачилик, темирчилик, заргарлик, қуролсозлик, заргарлик, маъдансозлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа тармоқлари яхши ривожланган эди.

Митанни подшолиги Кавказорти ва Олд Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, бу ердан тўрт томонга ўтадиган йирик савдо йўли мамлакат учун жуда катта қитисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга эди. Митанни подшолари шу йўллар орқали Жанубий Месопотамия, Миср, Ўртаер денгизи соҳилидаги бой мамлакатлар, Оссурия, Урарту ва Хеттлар билан қизгин савдо ишлари олиб борар эдилар.

Митанни давлати аввало Жанубий Месопотамия халқлари, қолаверса Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар, шунингдек Миср маданиятидан баҳраманд бўлганлар.

10-§. М.ав. II минг йиллик охири I минг йилликнинг бошларида янги Бобил подшолиги

М. ав. XII – VII асрларда Месопотамиядаги сиёсий аҳвол. М. ав. XIII аср охирларида Бобилда иқтисодий ва сиёсий тушкунлик юз бера бошлади. Бу вазиятдан Бобилнинг душманлари Оссурия ва Элам фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар. Бобил учун жанубий – шарқдан бўладиган эламликларнинг ҳужум қилиш ҳавфи бор эди. Дарҳақиқат м. ав. XII асрда Бобил Элам қўшинлари томонидан бутунлай босиб олинди. Бобил шаҳарлари, қишлоқлари ва ибодатхоналари эламит қўшинлари томонидан таланиб, сўнгги кассит подшоси Энлиль – надин – аххе ўзининг аркони давлати билан эламликларга асир тушиб, Эламга олиб кетилади. Бу воқеа м. ав. 1117 йилда содир бўлган эди.

Бобилликларнинг бош худоси бўлган Мардук ҳайкали ҳам Эламга олиб кетилади. Шу тариқа касситларнинг Бобилдаги олти асрлик ҳукмронлиги барҳам топади. Эламликлар Бобилга ўз кишиларидан бирини ҳоким қилиб тайинлайдилар, ўзлари эса Дажла, Дияла ва Загрос тоғлари орқасидаги ерларни босиб оладилар. Эламликларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш учун ҳаракат бошлайдилар. Бу курашда Бобил ғарбидаги Иссин шаҳри ҳукмдори бошчилик қилиб, ташаббусни ўз қўлига олади. шундан бошлаб Бобил аста – секин кучая боради. Айниқса м. ав. 1126 – 1105 йилларда подшолик қилган Навухондоносор I (Набукудурриукур) даврида Бобил подшолиги гуллаб яшнади. Дер қаъласи яқинидаги қирғин – барот жангида бобилликлар эламликлар устидан порлоқ ғалаба қозониб, Эламга бостириб кирадилар. Бобил қўшинларининг зарбалари натижасида Элам қўшинлари тор – мор этилиб, мамлакат уч юз йилгача ўз мустақиллигини тиклай олмай, Бобилга қарам бўлиб қолади. М. ав. 821 йилгача бўлган давр орасида эламликлар тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

М. ав. XI аср ўрталарида Фрот дарёсдан ғарбда яшовчи ярим кўчманчи арамей қабилалари кучайиб, Бобил ва Оссурия устига бостириб

кирадилар. М. ав. VIII аср охирларида арамей кабилалари Бобилнинг шимолий ва ғарбий худудларини босиб олиб, у ерда ўрнашиб қоладилар.

М. ав. IX асрдан бошлаб бирнеча аср мобайнида арамей тилининг бир шевасида сўзлашувчи халдей (калду) Бобил тарихида муҳим ўрин тутадилар.

Халдейлар ҳақидаги дастлабки маълумот м. ав. 878 йилда Оссурия подшоси Ашшурнацирпал II нинг солномаларида учрайди. Халдейлар Форс қўлтиғи соҳилидаги батқоқлик ва қўллар соҳилида, Дажла ва Фрот дарёсининг қуйи қисмларида яшар эдилар. Халдейлар олти қабиладан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги Барсиппа шаҳридан жанубдаги Бит – Даккури, улардан жануброқда Бит – Амуккани худудларида яшар эдилар. Халдейларнинг яна бир кучли қабиласи Бит – Яқин Дажла дарёсининг этакларидаги Эламга чегарадош ерларда бўлган жойларда ўрнашган эдилар.

М. ав. IX асрда Халдейлар Бобилнинг жанубидаги ерларни эгаллайдилар. Улар аста – секин шимол томон силжиб, айти пайтда бобилликларнинг маданияти ва динини қабул қиладилар. Ҳамма халдей қабилалари ярим кўчманчи бўлиб, денгиз соҳилларида балиқчилик билан ҳаёт кечирганлар. Улар сардорлари раҳбарлигида уруғ – уруғ бўлиб, ўз мустақилликларини сақлаган ҳолда яшаганлар.

Бобил қўшинлари пиёда, отлик, жангчилар ва от қўшилган жанговар аравалардан ташкил топган эди. М. ав. XII – XI асрларда бобилликлар олиб борган урушларида от қўшилган жанг араваларининг ўрни жуда катта эди. Хусусан Новоходоносор I ўзининг қўшни мамлакатлар билан олиб борган урушларида жанг араваларидан кенг, моҳирона фойдаланиб порлоқ ғалабаларга эришган экан.

Бобил оссурлар ҳукми остида. (м.ав.VIII – VI асрлар). М. ав. IX аср охирларида оссур қўшинлари Бобилга бостириб кириб, унинг шимолий худудларини эгаллай бошлайдилар. М. ав. VIII аср ўрталарида Оссурия подшолари Бобил шаҳрига ҳам хавф сола бошлайдилар. М. ав. 744 йилда

Тиглатпаласар III Бобилга бостириб кириб, халдейларга қаттиқ зарба бериб, Сиппардан Форс қўлтиғигача бўлган жойларни эгаллаб, ўзини “Шумер ва Аккад подшоси”, - деб эълон қилади.

М. ав. 729 йилда Тиглатпаласар III Бобилни босиб олади. Шундан сўнг Бобил ўз мустақиллигини йўқотиб, Оссурга қарам бўлиб қолади. Аммо Саргон II даврида оссурлар Бобилни ўз қўларида саклаб қолаолмаганлар. Бит – Яқин қабиласининг сардори Мардук – апла – иддин II Бобилни эгаллаб, ўзини мамлакат шоҳи деб эълон қилади.

У эламликлар билан иттифоқ тузиб, оссурларга қарши қурашажағлигини эълон қилади. М. ав. 720 йилда Дер қалъаси ёнида эламликлар оссурлар билан уруш ҳаракатларини бошлаб юборадилар ва халдей қўшинлари етиб келмасданоқ оссур қўшинларини тор – мор қиладилар. Бу ғалаба халдей сардорига катта имконият очиб беради. У м. ав. 721 – 710 йилларда Бобил тахтини ўз қўлида тутиб туради.

Аммо м. ав. 710 йилда Саргон II Эламга яна ғолибона юриш қилади, сўнг Бобил томон қўшин тортади. Халдей сардори дастлаб Бобил жанубига чекиниб, сўнг Бит – Яқинга қочиб кетади.

М. ав. 709 йилда Саргон II Бобилни қўлга киритади. М. ав. 705 йили Цинаххреб Оссурия тахтига ўтиргач, Мардук – апла – иддин ўз атрофига Иудея, Тир, Арвад ва Аскалон қаби Финикия шаҳарларини тўплаб улар билан иттифоқ тузиб, оссурларга қарши кураш бошлайди. У м. ав. 703 йили Бобилни эгаллашга муваффақ бўлади. Аммо у Бобилни ўз қўлида узоқ тутиб тура олмай, оссурларо боролмайдиган Бит – Яқиннинг ботқоқлик ерларига чекинади.

М. ав. 692 йилда бобилликлар Элам, Загрос ва арамаей қабиалари билан иттифоқ тузиб оссурларга қарши кўзғалон кўтарадилар. Икки томон ўртасидаг ҳал қилувчи жанг Дажла (Тигр) дарёси бўйидаги Халула деган жойда бўлиб ўтиб, икки томондан ҳам кўп одам қирилади. Икки томон ҳам ҳал қилувчи ғалабага эришмайдилар.

М. ав. 690 йилда Элам подшосини шол бўлиб қолганини эшитган Циннахериб Бобилга яна қўшин тортиб, уни қамал қилади. Шаҳарда очлик бошланади, озиқ – овқатларнинг нархи 75 мартага қиматлашади, шаҳар кўчалари одамлар ўлигига тўлиб кетадики, хатто уларни кўмишга имкон ҳам бўлмайди. М. ав. 689 йил апрель ойида Бобил Цинаххребга таслим бўлади. Оссур шоҳи аҳолидан қаттиқ ўч олиб, шаҳар аҳолиси ва ибодатхоналарининг бойликлари талон – тарож қилинади. Шаҳар бутунлай вайрон қилиниб, Бобил Оссурия давлатига қарам бўлаб қолади.

Оссуриянинг янги подшоси Асархаддан Бобилни қайта тиклаб, ўлишидан олдин 669 йили Оссурияни ўз ўғилларига бўлиб беради. Оссурия унинг ўғли Ашшурбанипалга, Бобил эса қарам мамлакат сифатида Шамаш – Шум – Укинга тегади. М. ав. 652 йил шмаш – шум – укин акаси Ашшурбанипалга қарши Миср, Сурия, Элам, халдей, арамей ва араб қабилалари билан яширин иттифоқ тузиб Оссурияга қарши кўзғалон кўтаради. Шу йили иттифоқчилар қўшини билан Оссурия қўшинлари ўртасида Дер қалъаси яқинида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Жангда ҳар икки томон ҳам ҳал қилувчи ғалабага эришмайдилар.

Оссурлар сарой тўнтариши ва ички қарама – қаршиликларни ишга солиб, эламликларни курашдан четлатадилар. Энди бошқа иттифоқчилар ҳам кўзғалончи бобилликларга жиддий ёрдам берилмайдилар. Оссурлар Бобилни уч йил қамал қилиб, ниҳоят уни м.ав. 648 йилда ишғол қиладилар. Қирғин барот урушда шаҳарнинг сўнгги химоячилари қириб ташланиб, Шамаш – Шум – Укин ҳам ўлдирилади. Шаҳар ҳаробага айлантирилади. Ашшурбанипал ўзининг ғолибона урушидан сўнг Бобилда ўз мавқеини тиклаб, мустаҳкамлайди.

Янги Бобил подшолигининг ташкил топиши. Оссурларнинг зуми – зўрлиги бобилликларнинг мустақиллик учун курашини тўхтата олмади. М. ав. 626 йилда Бобилда оссурларга қарши кўзғалон кўтарилади. Бу кўзғалонга халдей сардорларидан Набопаласар (м. ав. 626 – 605) бошчилик қилади. Набопаласар Элам билан иттифоқ тузиб оссурларга қарши зафарли

харбий юришлар олиб боради. М. ав. 626 йили Бобил Набопаласар кўлига ўтади ва у 25 ноябрда ўзини Бобил шоҳи деб эълон қилиб, халдей ёки Янги Бобил сулоласига асос солади. Аммо м. ав. 616 йилда Оссурия кўшинлари Бобилга қарашли Урук ва Ниппур шаҳарларини ишғол қиладилар. М. ав. 616 йили бобилликлар Оссурия пойтахти Ашшурни қамал қиладилар, лекин ғалабага эриша олмайдилар. М. ав. 614 йили мидияликлар Оссуриянинг Аррапха вилоятини ишғол қилиб, Ниневияни ўраб оладилар. Мидияликлар Ашшур шаҳрини босиб олиб аҳолисини қирғин – барот қиладилар. Шаҳар ҳаробага айланиб бўлгандагина Набопаласар ўз кўшинлари билан Ашшурга етиб келади. Мидияликлар ва бобилликлар заро битим тузиб, Мидия шоҳи ўз қизи Амитидойни Набопаласарнинг ўғли Навухудиносорга узатиб қуда – анда бўладилар.

Оссурия яна куч тўплаб иттифоқчиларга қарши курашга отланади ва уруш ҳаркатларини Фрот дарёси водийсида олиб боради. Шу даврда мидияликлар, скифлар ва бобилликлар Ниневияни қамал қилиб, уч ойдан сўнг уни ишғол қиладилар, шаҳарни ер билан яксон қилиб аҳолисини қириб ташлайдилар. Бу воқеа мил . авв. 612 йилда бўлиб ўтди. Шундан сўнг Оссуриянинг қолган – кутган кўшини ғарбга Харрон шаҳрига чекиниб, у ерда курашни давом эттирадилар. М. ав. 609 йили Набопаласарнинг кўпсонли кўшини Оссур кўшинларини тор – мор этади.

М. ав. 607 – 605 йилларда Фрот дарёси бўйидаг Каркемиш ёнидаги жангларда иттифоқчиларнинг кўшини батамом яксон қилинади ва бир вақтда бутун Олд Осиёда қудратли бўлган Оссурия давлати ҳам шу тариқа барҳам топади. Оссуриянинг қулаши муносабати билан Оссурия давлатининг ҳамма ерлари, Харран шаҳри ва атрофлари Мидия давлати, бутун Месопотамия эса бобилликлар тасарруфига ўтади. Кархемиш ва у ердаги Миср горнизонлари йўқ қилиниб, шаҳар ҳаробага айлантирилди. шундан сўнг Бобил кўшинлари қаршиликсиз Сурия ва Паластинга кириб бориб, уларни ишғол қиладилар.

Навуходоносор II. М. ав. 605 йили Набопаласар вафот этгач, ўғли Навуходоносор Бобил подшоси этиб эълон қилинди. У тарихда Навуходоносор II номи билан машҳурдир. У тахтга ўтиргач ҳарбий ҳаракатларни бошлаб, м. ав. 605 йилда Финикиянинг Аскалон, 598 йилда Шимоли Арабистонни ва ундан ўтган карвон йўлларини қўлга киритади. М. ав. 597 йилда Бобил шаҳри Иудия ва унинг маркази Иерусалим шаҳарларини олиб, унинг 3000 аҳолиси асир қилиниб, Бобилга ҳайдаб кетилади.

Аммо ғарбда вазият кескинлигича қолмоқда эди. Мисрликлар Финикиянинг Газа, Тир-Сидон, Иудея ва бошқа шаҳарларни бобилликларга қарши қўзғалон кўтаришга ундамоқда эдилар. Бобил қўшилари мисрликларни орқага чекинишга мажбур қиладилар. Иерусалим икки йиллик қамалдан сўнг м. ав. 587 йил бобилликлар томонидан босиб олинади.

Новуходоносор II Иудея подшолигини йўқ қилиб, уни Бобилга қўшиб олади. Минглаб иерусалимликлар асир қилиб ҳайдаб олиб кетилади ва бутун Месопотамия шаҳарларига, шунингдек Бобил шаҳрига тарқатиб юборилади. Шундан сўнг бобилликлар Тирни қамал қилиб, уни 13 йилдан сўнг 574 йили ишғол қиладилар.

Новуходоносор II даврида Бобил подшолиги иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуллаб – яшнайти. Бобил Қадимги Шарқдаги аҳолиси кўп (200000) шаҳарлардан бирига айланади. Мазкур даврда Бобилда, Библияда тилга олинган “Бобил минораси”, “Осма боғ” ва бошқа иншоотлар қурилади. Шаҳар қалин муҳофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, девор ташқариси сув тўлдирилган Ханьдак билан ўралган эди. Шундай қилиб Набопаласар ва Навуходоносор II даврида Бобил Олд Осиёдаги энг кучли, қудратли давлатга айланади.

Набонид ва Бобил подшолигининг йиқилиши. Навуходоносор II ўлимидан сўнг (м. ав. 562) руҳонийлар ва амалдорлар давлат ишларига аралашиб, уни бўшашатиришга ҳаракат қилганлар. Узоқ давом этган ўзаро

курашлардан сўнг рухонийлар Навухудонсорнинг ўғли Набонидни тахтга ўтказадилар. У мамлакатни м. ав. 556 – 539 йилгача бошқаради.

Набонид даврида Бобил билан Мидия орасидаги муносабат бузилади. Хатто Мидия шоҳи Астиаг ўз қўшинларини Харрандан чақириб олади. М. ав. 553 йили Набонид қўшинлари Харранни босиб оладилар. Шу даврда Бобил қўшинлари Марказий Арабистоннинг шимолий қисмидаги Тейма шаҳрини босиб оладилар. Набонид ўз қароргоҳини Таймага кўчириб, ўғли Бел – шаруцуруни (Валтасар) Бобилни бошқаришга қолдиради. Набонид ғарбда ҳарбий ишлар билан банд бўлган бир вақтда Бобилнинг шарқий чегараларида Мидияни, Лидияни ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни босиб олган Эрон давлати кучайиб бомоқда эди. Шу даврда Бобил катта – кичик давлатлар қуршовида эди.

М. ав. 539 йили эронийлар шарқдан бобилга хужум бошлаб, Дияла дарёси этакларига яқинлашиб қолган эдилар. М. ав. 539 йили эронийларнинг қўшини Дажла бўйидаги Опис шаҳри ёнида шаҳзода Балшар – укур бошчилигидаги Бобил қўшинларини тор – мор келтирадилар. Шу йили Эрон қўшинлари Сиппар ва Бобил шаҳрини ҳам эгаллайдилар. Кир II қўшинлари ҳам унча қийинчиликсиз Бобилни босиб оладилар. Набонид асир олиниб, махбус сифатида Кирманияга жўнатилади. Унинг ўғли. Бел – шар – укур – Валтасар кўча жанглари вақтида хлок бўлади. Бобил ерлари Эрон подшолигига қўшиб олинади. Кейинчалик эса м. ав. 522 – 521, 484 ва 482 йилларда Бобилда эронийларга қарши бир неча бор қўзғолон кўтарилади. Аммо ҳамма қўзғолонлар Эрон қўшинлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилади. Бобил эса Эрон давлатининг сатраплигига айланиб қолади.

11-§. Қадимги Месопотамия халқлари маданияти

Қадимги Месопотамия халқлари маданияти. Месопотамия-қадимий ва бой маданиятга эга бўлган мамлакат. Бу ўлкада аккадликлар, шумерликлар, эламликлар, арамейлар, аморийлар ва бошқа элатлар

яшаганлар. Месопотамия маданиятининг шаклланиши узок ўтмушга бориб тақалади. Месопотамияда шаҳар-давлатлар ва йирик давлатлар вужудга келгач, унинг маданияти янада ривож топди.

Месопотамия халқлари маданияти кўшни халқлар маданиятига жуда катта таъсир кўрсатган.

Месопотамия ёзувлари ва мактаблари.

Месопотамия халқлари эришган ютуқлардан бири ёзувнинг ихтиро этилиши эди. Месопотамияда дастлабки ёзув мил. авв. Iв минг йилликда Шумерда кашф этилган. Шунинг учун у Шумер ёзуви ҳам дейилган. Бу ёзув суратли бўлиб, айтимокчи бўлган сўз ва иборалар расмлар, белгилар орқали ифода этилган. Бу иероглиф ёзувлари дейилган. Масалан, қуш сўзи қушнинг тасвири, сув сўзи уч қатор тўлқинсимон чизик, юлдуз эса юлдуз тасвирлари билан ифода этилган.

Аммо суратли ёзув билан кўп сўз ва тушунчаларни ифода этиб бўлмаган. Шу боис шумерликлар м. ав. III минг йилликда понасилсон шаклдаги миххат ёзувини кашф этганлар. Понасимон миххат ёзуви махсус тайёрланган, қотмаган лой лавҳалар сатхига уйиб ёзилган. У 600га яқин белгилардан иборат бўлиб, ёзувнинг бу ёзувнинг кашфиётчилари шумерийлар бўлишган. Кейинчалик бу ёзув Бобилга, Оссурияга, бутун Олд Осиёга, хатто Мисрга ҳам ёйилган. Ўша замонлардан бошлаб руҳоний ва мирзолар мамлакатда содир бўлган муҳим воқеа ва ҳодисаларни миххат ёзувида сопол, тери, қотмаган лой лавҳа ва бошқа буюмларга ёзганлар.

Месопотамиянинг Ур, Бобил, Ашшур, Лагаш, Киш, Ларса каби шаҳар-давлатларида понасимон миххат билан ёзилган китоблар сақланадиган кутубхоналар бўлган. Бу жиҳатдан Оссур подшоси Ашшурбанипалнинг Ниневиядаги кутубхонаси диққатга сазовордир.

XVII асрдан бошлаб Европа илимлари Пьетро делла Валля, Карстон Нибур, Гротефенд каби олимлар миххатларни ўқишга уриниб кўрганлар. Аммо улар шумерийлар миххатни ўқиб ўрганишда яхши натижаларга эриша олмаганлар. Инглиз сайёҳи Г.Роулинсон шумер миххатини ўқишга

муваффақ бўлган. Олимлардан Наррис, Э.Хипкс ва Оппертлар ҳам шумерийларнинг бу ёзувларини ўқишга эришганлар.

Миххатининг ўқиб чиқилиши натижасида Месопотамия тарихи ҳақида қимматли маълумотларига эга бўлинди.

Қадимги Месопотамияда мактаб ва маъориф.

Қадимги Месопотамияда мактаб ва маъориф ишларига алоҳида эътибор берганлар. Мамлакатдаги мактабларда подшо, рухоний, амалдор, бадавлат ва ўзига тўқ кишиларнинг болалари ўқиганлар. Шунингдек мактабда оддий жамоа орасидан чиққан ўқишга ҳавасманд болалар ҳам ўқиган бўлишлари керак.

Мактабларнинг аксарияти ибодатхона ва саройлар қошида бўлиб, уларни рухонийлар бошқарганлар. Бошланғич синфларда, ёзув, тил, адабиёт ва грамматик билимлар ўргатилган. Месопотамиянинг кўп шаҳар ва қишлоқларида мактаблар кўп бўлган.

Мари шаҳрининг кавлаш вақтида ер остидан ўриндиқлар ўрнатилган мактаб синф хонасининг қолдиғи топилган. Месопотамиядаги мактабларда давлат учун хўжалик, савдо, маъмурий идоралар ва ҳарбий ишларни бошқарувчи ходимлар тайёрланган. Мактабларда мирзолар тайёрлашга ҳам катта аҳамият берилган. Мактабларда интизом каттиқ бўлиб, дангаса болалар каттиқ жазоланган.

Ҳар бир мактабда “хивич билан саваловчи” махсус назоратчилар бўлган. Ўқитувчилар ўқувчиларни кунт ва сабоқ билан ўқишга ундаганлар.

Месопотамияда илмий билимларнинг ривожланиши.

Қадимги Месопотамияда математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, тарих ва бошқа фанларга қизиқиш анча эрта бошланган. Ер ўлчаш, канал қозиш, сув омборлари қуриш, масофани аниқлаш ҳосилни ҳисоблаш, меъморчилик ва ҳарбий ишда математика ва геометрия фанлари керак бўлган.

Бу фанлар чорвачилик, хунарманчилик, савдо-сотик ва бошқа хўжалик ишларида ҳам керак бўлган. Қадимги месопотамияликлар сон ва

санашни яхши билганлар. Улар бирлик, унлик, юзлик ва минглик сонларни билганлар. Бу сонларнинг ҳаммаси учун аоҳида белгилар бўлган.

Месопотамияда астрономия фанига ҳам катта аҳамият берилган бўлиб, у ерда олти – етти қаватли зиккуратлар – расадхоналар қурилган экан. Олимлар расадхоналарда қуёш, ер, ой ва бошқа осмон жисмларнинг ҳаракатларини кузатганлар. Месопотамиялик олимлар қуёш ва ой тутилиши ходисаларини олдиндан айтиб берганлар. Улар астрономия таквимлари тузиб, қуёш йили 365 кун, ой йили 354 кун эканини аниқлаганлар.

М.ав. III минг йилликдаёқ шумер тилида астрономиядан илмий асар ва қўлланмалар яратилган экан.

Месопотамияда тарих фанига ҳам катта аҳамият берганлар. Оссур подшоси Ашшурбанипалнинг хужжатхоналаридан Месопотамия ва қўшни ҳалқлар тарихига ва географиясига оид қимматли маълумотлар топилган.

Месопотамия олимлари Миср, Урарту, Ўртаер денгизи, ўз ўлкалари ва атрофдаги мамлакатларининг географик хариталарини тузганлар. Месопотамия олимлари зироатчилик, иқлимшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам катта-катта ютуқларга эришганлар.

Қадимги Месопотамия табоботи. Месопотамия иссиқ мамлакат бўлиб одамлар тез-тез касаликка чалиниб турганлар. Мамлакатда бўлиб турадиган қонли жанглар натижасида кўп одамлар ярадор бўлганлар. Касалликларни ва жароҳатларни даволаш табобат илмини эрта ривожланишини тақозо этган. Табиблар бемор ва жароҳатлаганларни алоҳида гуруҳларга бўлиб, сўнг даволашни бошлаганлар. Табиблар беморнинг касалини аниқлашда томир уриши, ҳаракат ва бошқа белгиларга алоҳида эътибор берганлар. Беморларни даволашда эса шифобахш гиёҳ, мева, илдиз ва ҳар турли жонворларнинг айрим қисмларидан тайёрланган содда ва мураккаб дори-дармонлар ишлатилган. Табобат ишлари билан асосан руҳонийлар шуғулланганлар.

Хаммурапи қонунларининг бирида жаррох беморнинг хастланган жойини нотўғри кесиб қўйса, ёки нотўғри даволаса жаррохнинг қўли кесиб ташланиши ёзилган экан.

12-§. Қадимги Месопотамия санъати, адабиёти ва диний эътиқоди
Меъморчилик ва наққошлик. Меъморчилик ва наққошлик месопотамияликлар маданиятининг ажралмас қисми бўлган. Меъморлар қадим замонлардан бошлаб мухташам саройлар, кўркам ибодатхоналар, боғлар, ажойиб расадхоналар ва бошқа маъмурий бинолар қуришда ҳам ғишт,пишик ғишт тош ва кўпроқ ёғоч ишлатганлар.

Мил.авв. IV – II минг йилликларда Урук, Эл-Убайд, Аккад, Ашшур,Ур, Бобил, Мари ва Эшнунна каби шаҳарларида ибодатхона ва жуда кўп маъмурий бинолар ва саройлар қурилгани маълум. Бу жихатдан маъбуда Иштарга бағишлаб Ашшурда қурилган ибодатхона Маридаги, Бобилдаги ва бошқа шаҳарлардаги саройлар ўша давр меъморчилигининг нодир намуналари ҳисобланади. Тавротда элатилишча “Бобил минораси “ номи билан машҳур бўлган3,6,7 қаатли зинопояли миноралар-зиккуратлар Миср эҳромларини эслатади. Бундай зиккуратлар Ур ва Месопотамиядаги бошқа шаҳарларда ҳам қурилган бўлиб, мактаб, ибодатхона ва расадхона вазифаларини бажарган.Бу биноларнинг девор ва шиплари турли шаклдаги ўйма, чизма нақшлар билан безатилган.

Хайкалторошлик ва рассомлик. Археолог олимлар Месопотамияда қазиш ишлари вақтда эҳром, ибодотхона, сарой ва бошқа ҳаробалар олдидан подшо, амалдор, оддий киши, ярми ҳайвон, ярми одам шаклдаги тош ҳайкалларни топганлар. Ўша қадим замонларда бу ҳайкаллар ибодат хона, сарой ва маъмурий биноларни безатиб турган.Бу жихатдан Гильга меш,Ику-Шамаган, Гудеа, Ашшурназирпал II, қанотли буқа, эчки, жангчи ва бошқаларнинг ҳайкаллари диққатга сазовордир.

Қадимчи Месопотамияда сарой ва ибодатхона деворларга буртма расмлар ишлашда ҳам шуҳрат қозонилган.Бу жихатдан “ Калхатлар

лавхаси”, худолар тасвири, Нарам Суэн, худо Шамаш билан Хаммурапиларнинг каbartма расмлар ҳам кизиқарлидир. Шунингдек Қадимги Ниевия саройи даворида оссур подшоси Ашшурбанипалнинг юзма-юз туриб шер билан олишаётгани, камон ўқи санчилиб ўлаётган шернинг, конотли буқа, шер ва афсонавий хайвонларнинг каbartма расмлари замонамизгача сақланиб қолган. Қадимги каbartма расмлар орасида Бобилдаги саройнинг маъбуда Иштар дарвозасининг икки томонидаги деворга ишланган афсонавий махлуқ ва шер тасвирлари ҳам Месопотамия тасвирий санъатнинг нодир намуналаридан ҳисобланади.

Қадимги месопотамияликлар заргарлик, тоштарашлик, хунарманчилик ва тасвирий санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонганлар.

Халқ оғзаки ижодиёти ва адабиёт. Месопотамияда халқ оғзаки ижодиёти – мақоллар, маталлар, кўшиқлар, достонлар, афсоналарнинг пайдо бўлиши узок ўтмушга бориб тақалади. Бу борада месопотамияликлар катта ютуқларга эришганлар. Аммо Месопотамияда илк ёзма адабиёт асарлар м.ав. IV минг йилликларга бориб тақалади. Шунинг таъкидлаш керакки Месопотамия адабиёти халқ оғзаки ижодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

“Дунёнинг яратилиши ҳақида миф”, “Адапа ҳақидаги достон”, “Этана ҳақидаги достон”, “Агушая ҳақидаги достон”лар месопотамияликлар адабиётининг энг нодир намуналари ҳисобланади.

“Агушея ҳақидаги достон” Иштар ва Салту ўртасидаги курашга бағишланган. “Гильгамеш ҳақидаги достон”ида эса Гильгамеш ва Энкидуларнинг саргузаштлари, қаҳрамонликлари ва дўстликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

“Жафокаш авлиё ҳақида достон”ида бечора бир авлиёнинг бошидан кечирган оғир кечмиши ҳақида сўз беради.

Месопотамия адабиётининг яна бир нодир асари бу “Хўжайиннинг қул билан суҳбати достони”дир. Достонда хўжаликнинг ўз қули билан

хаёт, меҳнат ва ўлим ҳақидаги мунозаралари тўғрисида фикр юритилади. Шундай қилиб қадимги Месопотамияликлар халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётда катта ютуқлага эришган эканлар.

Месопотамияликларнинг бой адабиёт мероси шарқ ва жаҳон халқлари адабиётига ижобий таъсир кўрсатган.

Қадимги Месопотамия дини.Маълумки, дин ижтимоий онг шакилларида бири бўлиб маънавий маданиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Месопотамия халқлари бошқа қадимий шарқ халқлари каби кўп худоликка эътиқод қилганлар. Месопотамия халқларининг ғоявий ҳаётида дин жуда муҳим ўрин тўтган. Мил.авв.IV –III минг йиллик чегарасида Шумерда диний эътиқод мажмуаси ишлаб чиқилган эди. Шумердаги ҳар бир шаҳар ўз хомий-худосига эга эди. Шу билан бирга шундай худолар бор эдики, ҳамма шумерликлар унга эътиқод қилар эдилар. Шундай худолардан бири осмон худоси Ану, ер худоси Энлиль эдики, аккадиклар уни Бел деб атаганлар.Сув худоси Энки ёки Эа шундай худолардан бири эди. Месопотамияликлар бу худоларга бутун вужуди билан эътиқод қилганлар. Месопотамияда ҳар бир худонинг ўз вазифаси бўлган. Энлиль Ниппур шаҳрининг бош худоларидан бири бўлган. Ниппур тақдир худоси бўлиб, у шаҳарлар бунёдкори кўл чопкиси ва омон ихтироғчиси бўлган.

Қуёш худоси Уту (аккад мифологиясида Шамаш деб аталган) Наннар эса ой худоси бўлган (аккад тилида Син номи билан машҳур бўлган).У ўзини Энлилни ўғли деб ҳисоблаган. Севги ва ҳосилдорлик худоси Ианна бўлиб, бобилликлар ва оссурликлар уни Иштар деб номлаганлар. Думузи ўлмас худо ҳисобланган. У ўсимликларни ўлдирувчи ва тирилтирувчи худо сифатида гавдаланади. Нергал уруш, касаллик ва ўлим худоси ҳисобланиб, Марс саёрасига қиёс қилинади. Олий худо Мардук бобилликларни хомийси бўлган, у Юпитерга қиёсланган. Мардукнинг ўғли Набу донишмандлик, ёзув, ҳисоб -китоб ўлчов худоси бўлиб, Меркурий

сайёрасига қиёс қилинган. Оссуриянинг олий худоси Ашшур бўлиб, у дастлаб қабила худоси ҳисобланган.

Бобил подшолигини кучайиш муносабати билан Мардук бобилликлар ҳомийсига айланади. Ибтидоий океан маъбудаси Тиамат Бобил ривоятида ёвуз ва йирткич баҳайбат рўдапо – маҳлуқдек қилиб тасвирланган.

Тиамат ўз заминида юзага келган барча худолар ва маъбудларни йўқ қилишга уринади. Худолар кенгашга йиғилиб уни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Худо Мардук айниқса жасур ва дов юрак бўлиб чиққан.

У худоларга мурожат қилиб Тиамат билан яккама-якка курашишга киришлигини таклиф этган. Мардук бунинг эвазига худолар унинг олий ҳокимлигини эътироф этишлари кераклигини талаб қилган.

Худолар зиёфат берганлар шароб ичиб, вақтилари чоғ бўлиб, Мардукнинг шартларини бажаришга сўз берганлар. Мардук қуролланиб, дахшатли душмани билан жангга кирган. Ривоятга кўра Тиамат рақибини кўриб, оғзини катта очган. Мардук эса унинг ичига етти шамолни киргизиб Тиаматнинг ичак – чавоғини ағдариб ташлаган. Шундан сўнг Мардук Тиаматни мағлубиятга учратиб унинг танасини чиғаноқнинг икки палласи каби ёриб ташлаган. Мардук чиғаноқнинг устки палласидан осмонни, пастки палласидан эса ерни яратган. Шундан кейин Мардук унинг танасидан ўсимликларни, ҳайвонларни ва балиқни яратган. Мардук жанг пайтида Тиамат томонини олган худолардан бирини ўлдириб, унинг қонини тупроққа қориб лой қилган ва ундан одамзотни яратган.

Қисқаси шумерликларнинг ривоятларида Энлиль, Энкин, Иштар, Таммуз ва бошқа кўп сонли худолар билан боғлиқ ажойиб ва ғаройиб воқеалар ривоят қилинади. Қадим замонда Месопотамиянинг шаҳар ва қишлоқларида худолар шарафига одамларни ҳам қурбонлик қилганлар.

М.ав. III минг йилликдан бошлаб эса байрам кунлари одамлар ўрнига қўй-қўзилар қурбон қилинган. Байрамлар пайтида бутлар ибодатхоналардан чиқарилиб, уларни тантанали маросим пайтида кўтариб юрилган хашамдор қилиб безатилган қайиқларда дарё ва каналлар бўйлаб

олиб юрилган. Байрам тантаналарида дуолар ўқилган, жоду – афсунлар қилинган гчилтор (арфа) ва бошқа мусиқа асбоблари чалинган.

Шунингдек, месопотамияликлар эътиқодида ибтидоий дин тақилларидан тотемизм, анимизм, фетишизм, осмон жисмларига, нарса буюмларга ва табиат ходисаларига сиғиниш ҳам сақланиб қолган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Месопотамия халқлари ўз даврида ҳамма соҳада юксак маданият яратиб, Осиё, қолаверса бутун жаҳон маданиятининг ривожига ўзининг буюк хиссасини қўшган.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Қадимги Месопотамиянинг табиий шароити, аҳолиси ва хўжалиги. Қадимги Месопотамия тарихининг манбашунослиги ва тарихнавислиги.
2. Энг қадимги Месопотамия давлати давлати ҳақида сўзлаб беринг.
3. Аккад подшолиги ҳақида нималарни биласиз?
4. Римуш, Маништушу даврида Аккад подшолигининг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий аҳволи.
5. Қадимги Бобил подшолиги (м.ав. XIX-XVI асрлар) ва .
6. Оссурининг илк шаҳар-давлатлари.
7. Улуғ Оссур ҳарбий салтанати (м.ав. X-VII асрлар)нинг ташкил топишининг шарт-шароитлари.
8. Янги оссур подшолиги даври (м.ав. X-VII асрлар)
9. Тиглатпаласар III ислохотлари ва Оссурининг учинчи юксалиши.
10. Қадимги Митанни давлати.
11. Янги Бобил подшолигининг юксалиши ва таназзулга учраши сабаблари.
12. Қадимги Месопотамия халқлари маданияти.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қадимги Месопотамия тарихининг асосий илмий манбалари: хўжалик, ҳуқуқий, дипломатик ҳужжатлар ва тарихий мазмундаги ёзувлар.

2. Михсимон хатлар.
3. Жанубий Месопотамиянинг шаҳар – давлатлари ва уларнинг хўжалиги.
4. Шумер шаҳар-давлатлари ўртасидаги кураш.
5. Хаммурапи қонунлари
6. Ўрта Оссур подшолиги (м.ав.XV-XI асрлар).
7. Митанни давлатининг ижтимоий тузуми ва хўжалиги.
8. Месопотамия ёзувлари ва мактаблари.
9. “Гильгамеш” ҳақидаги дoston Қадимги Месопотамия санъатининг нодир намунаси сифатида

III БЎЛИМ. ЎРТАЕР ДЕНГИЗИНИНГ ШАРҚИЙ ВА ҒАРБИЙ СОҲИЛИДАГИ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР

1-§. Ўртаер денгизининг шарқий ва ғарбий соҳилининг қадимги аҳолиси тарихи ва давлатлари тарихнавислиги

**Иерихань маданияти. м. ав. VIII – IV минг йилликдаги
деҳқонлар ва чорвадорлар.** Ўртаер денгизининг Шарқий соҳилидаги
худудлар қадим-қадимдан бошлаб палеолит овчилари ва термачилари
томонидан ўзлаштирилган эди. Овчилик натижасида кўпчилик ёввойи
ҳайвонлар кириб юборилгач, қабилалар орасида очарчилик бошланиб
маҳаллий қабилалар ўсимликларнинг мевалари билан овқатланишга
ўтадилар. М.ав. IX-VIII минг йилликларга келиб “натуфей” маданиятига
мансуб мезолит қабилалари ғорларда, дарё ва кўл бўйидаги
манзилгоҳларда яшаб, ёввойи ўсимликларнинг меваЦини, қушларнинг
тухумларини териб, уларни овқат сифатида истеъмол қилганлар.

Ёввойи турдаги буғдой ва арпаларнинг турли навлари тўқайзорларда
ўсиб ётарди. Бу ҳол термачилик билан шуғилланган ибтидоий кишиларга
илк деҳқончиликка ўтиш учун имкон яратиб берган.

М. ав. VIII-VII минг йилликларда Ўртаер денгизининг шарқидаги
худудлар энг қадимги ўтроқ деҳқончилик ва чорвадорлар маданияти
вужудга келган. Бу Иерихань маданияти номи билан машҳур бўлган
қишлоқ – манзилгоҳ эди. Мазкур маданиятга мансуб қабилалар арпа ва
буғдойнинг икки навини маданийлаштирганлар. Ғаллани кемирувчилардан
сақлаш мақсадида улар мушукни қўлга ўргатганлар. Улар қўй, эчки боқиб
кўпайтирганлар. М. ав. VI – V йилликларда улар кичик-кичик
қишлоқларда истиқомат қилиб, уй деворларини пахсадан кўтарганлар.
Уларнинг баъзилари, шу қаторда Иерихон атрофи ҳам харсанг тошлар
билан ўраб олинган эди. Қўшни қабилалар хужумидан мудофаа қилиш ва
бойликларини сақлаш мақсадида қишлоқ атрофи мудофа деворларига
заруратни талаб ётарди.

М. ав. IV-II минг йилликларда ўтроқ деҳқончилик маданияти бирмунча ривожланади. Археологлар томонидан Библ, Угаритнинг қуйи қатламларидан деҳқон ва чорвадорлар маданиятига мансуб қишлоқ харобалари топилган.

Иерихонлик ва унинг атрофида яшаган қабилалар буғдой ва арпадан ташқари, тарик экиб уй эчкилари, қўй, чўчқа ва йирик шоҳли қорамол ҳам сақлаб кўпайтирганлар. Ейиладиган таом тайёрлаш учун улар турли сопол буюмлардан фойдаланганлар. Бу сопол идишлар қизғиш бўёқ билан бўялган. Мазкур даврда Ўртаер денгизининг шарқидаги мамлакат аҳолисининг хўжалиги ва маданиятига Миср ва Иккидарё оралиғи маданиятининг таъсирини кўришимиз мумкин. М.ав.V минг йилликларда Шимолий Сурия идишларида халаф шаклидаги гулдор сопол буюмлар пайдо бўла бошлаган. М. ав. IV минг йилликда эса Иккидарё оралиғидаги убайд маданияти таъсирини кўриш мумкин. Мазкур даврда Иерихон ва атрофидаги қабилалар ҳаётида тош қуроллар билан бирга мис буюмлар кенг тарқала бошлайди.

Бундай ўзгаришлар Паластинда ҳам содир бўлиб, Иордан дарёси водийсида яшаган ўтроқ ўтроқ деҳқонлар томонидан ўзлаштирилади. Бу ўзгаришлар Паластиндаги Бершеба ва Гассул ёдгорликларида кўзга ташланади. Улар ертўла ва пахсадан қурилган бошпаналарда истиқомат қилганлар. Уларнинг уй деворлари турли бўёқлар билан чизилган одам, ҳайвон ва нақшлар билан безатилган. Улар мисдан болта, тўғноғич, игна ва бигиз каби уй-рўзғор буюмлари ясаганлар. Бершеба ва Гассул қабилалари илк деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғилланганлар.

Сурия, Финикия ва Паластин (манбалар ва тарихнавислик). Ўртаер денгизининг шарқий соҳилларида яшаган қадимги қабилалар, этник гуруҳлар ва халқлар тарихини ўрганишнинг асосий манбалари қаторига қўшни Мисрнинг Эл-Амарна архиви, хеттларнинг дипломатик ҳужжатлари, оссур подшолигининг маъмурий ёзишмалари, шунингдек маҳаллий манбалар ёзма ҳужжатлар адабий-диний ёдгорликлар, шу

жумладан Библия китоби кабилар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Денгиз бўйи халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишда Угарит архивидан топилган Рас-Шамра хужжатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Рас-Шамра матнларида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, диний эътиқоди билан боғлиқ, шунингдек маҳаллий угарит ёзув системаси ҳақида маълумот берилган. Ўртаер денгизининг Шарқий соҳилидаги кўп жойлардан жуда кўп қадимги ёзувлар топилган, ҳали улар ўқиб чиқилганича йўқ. Шимолий Суриянинг эпиграфик ёдгорликлари орасида м. ав. яшаган Ҳамат шоҳи, м. ав. IX асрда яшаган Меши шоҳининг Йорданиядаги ёзувлари ҳам мамлакат тарихини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Палластиндан м. ав. IX асргача мансуб деҳқон тақвими топилган. Унда Иерусалим ва унинг авлодларига сув тармоқлари – иншооти ҳақидаги хужжатлар бор.

1974-1975 йилларда италиялик археологлар Урнинг қадимги Эбла шаҳри архивини топишга муяссар бўлдилар. Бу архивда 16000 га яқин клинопис – понасимон лавҳалар бўлиб, уларнинг асосий қисми шумер тилида, бир қисми қадимги Ханьбаан ёзувида битилган бўлиб, уни олимлар эблаит ёзуви деб номлаганлар. Бу архив дипломатик, маъмурий, хўжалик, диний ва маъорифга оид матнлардан иборат бўлган.

Қадимги шоҳ архиви м. ав. III минг йилликнинг 2-ярмига мансубдир. Шарқий Ўртаер денгизи соҳилидаги мамлакатлардан моддий маданият ёдгорликлари ҳам кўплаб топилган. Бу жиҳатдан немис археологи Селлиннинг 1907- йилда Иерихондаги қазилар ишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди. 30-50 йиллар орасида Кенион бошлиқ америкалик археологлар Иерихонда қазилар ишларини олиб бордилар.

Селлин экспедицияси маданий ёдгорликдан қадимги Ханьбаан ва Исроил қатламларини очган бўлиб, археолог олимлар уларда Хетт меъморчилигининг таъсирини пайқаганлар. Кенионнинг янги қазиларини натижасида у ердан Иерихоннинг энг қадимги тарихига оид жуда бой археологик буюмлар топилганлар. Булар Иерихоннинг сополсиз неолит, сўнгги неолит ва энеолит даврига мансуб ашъвий буюмлар эди.

Қадимги Мегиддо, Гезер ва Лахишдаги қазилмалар вақтида мил. ав. II минг йилликка оид ашёлар топилган. Бу буюмларнинг аксарияти Мисрдан топилган буюмларга жуда-жуда ўхшайди. Кейинги йилларда археологлар Финикия, Дамашқ яқинидаги Телъ – Рамат, Библ, Тир ва Сидондаги янги қазилмалари натижасида жуда кўп археологик буюмларни қўлга киритдилар.

XX асрнинг 70 йилларида Акко шаҳри яқинидан м. ав. XIV-XIII асрларга мансуб “савдогар – жангчиларнинг” мазорлари топиб ўрганилди. Бу ёдгорликнинг маданий қатламларидан, Эгей дунёси, Миср, Кавказорти, Месопотамия ва Кипрдан келтирилган жуда бой буюмлар мажмуаси топилган.

Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар тарихи ва маданиятини ўрганишда Библия – Таврот, Забур китоблари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Унда бу ерда ҳукумронлик қилган шоҳлар Довуд, ўғли Сулаймонлар ҳақида ҳам кўп маълумот олиш мумкин.

Қадимги Библия, Товрот ҳақида XVII асрда яшаган философ Спиноза (1632-1677) ва Ю. Бельгоузен (1844-1918) кабилар танқидий мулоҳазаларни билдирганлар.

Қадимги Ўртаер денгизи соҳилидаги қадимги давлатлари ва Библия ҳақида Н. М. Никольский, А. Б. Ранович, чет эл олимларидан П. Монте, М. Дюнан, Л. Вулли ва бошқалар катта хисса қўшганлар. Бу ўлканинг қадимий ёзувларини ўқиб чиқиш билан Г. Бауэр, Ш. Виролло ва Э. Доромлар шуғилланишган.

Ўртаер денгизининг шарқидаги қадимги давлатлар тарихи ва маданияти билан У. Ф. Олбрайт, А. Оллистед, П. Хитти, С. Москати, Дж. Мелларт, Р. де Во ва бошқа олимлар шуғилланганлар.

Ўртаер денгизининг шарқидаги қадимги давлатларнинг қадимги тарихи ва маданияти билан Х. А. Кинк, В. В. Струве, Б. А. Тўраев, В.И. Авдиев ва бошқа машҳур рус олимлари ҳам шуғилланганлар. Кейинги

вақтда бу мамлакатлар тарихини ўрганишда В.И. Кузиўиннинг ҳам хизматлари катта эканлигини қайд этиш керак.

Ўртаер денгизининг шарқидаги қадимги давлатлар. Маълумки Ўртаер денгизининг шарқий соҳилига туташ жойларда ҳам ўрта палеолитдан бошлаб одамлар истиқлат қилганлар. Бу ҳудудда қадим замонлардан бошлаб, Паластин, Финикия, Сурия, Ямхад, Дамашқ шоҳлиги, Исроил-Яхудий шоҳлиги ва ўнлаб шаҳар давлатлар шаклланган, ривожланган ва неча марталаб инқирозга юз тутган.

Бу ҳудудда қадимги тош даврининг ўрта босқичидан бошлаб ибтидоий кишилар яшаганлиги археологик ашёлар ва ёзма манбалар тасдиқлайди.

Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги давлатлар ҳақида сўз очишдан олдин тарихий манбалар ва тарихнавислик масалаларига мурожат қилиш лозим. Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги қадимги давлатлар қаторига Сурия ва Финикияни киритиш мумкин. Сурия ва Финикиянинг баъзи жойларидаги қулай географик муҳит бу ерларда жуда қадим замондан бошлаб одамлар яшаб тирикчилик ўтказишлари учун имкон берган. Бу жиҳатдан Финикиядаги Ит дарёси (Нахр-ал Қалб) бурни яқинидан, дарёнинг бошига яқин ердаги Сут чашмаси билан Асал чашмаси олдидан шунингдек санин тоғлари этагидаги Харажеб ва Жатта яқинидан илк неолит даврига оид қуроллар топилган. Мазкур ёдгорликларнинг маданий қатламларидан тошдан ясалган белча, бигиз, пичоқ, искана, найза, арралар, уч қиррали камон ўқининг учи, учбурчак шаклдаги болталар топилган.

Шимолий Сурияда ҳам Фрот дарёсининг юқори оқимидаги Аман ва Тавр тоғ тизмаларига ёндошган жойларда, хусусан Соқчи – Гоз деган жойдан бир қишлоқнинг харобаси топилган. Бу ёдгорликдан чакмоқтош, обсидиан, фил суяги ва оддий суяқдан ясалган қуроллар, нақш берилган сопол буюмлар топилган. Шимолий Суриядаги Антиохия ва Аляппо ўртасидан муҳим археологик ёдгорликлар топилганлар. Ёдгорлик 14

қатламдан иборат бўлиб, булар тош даврдан бошлаб то милоднинг биринчи асригача бўлган катта тарихий даврни ўз ичига олади.

Археолог олимлар қадимги Финикиянинг Библ шаҳри яқинида археологик қазилмалар ўтказиб, у ердан архаик даврга мансуб қабрлардан чакмоқтошдан ясалган пичоқлар, болталар, кулолчилик қолипи топишган.

М. ав. IV минг йилликда Библ Миср билан савдо алоқалари олиб борган. Археолог Монте Библдаги ибодатхонага ётқизилган плиталарнинг тагидан топган архаик типдаги Миср иероглиф ёзувли цилиндрик муҳир алоҳида диққатга сазовордир. Мазкур жойдан Мисрнинг Ўрта подшолик даврига оид буюмлар топилган бўлиб, уларнинг баъзиларига Миср ёзувлари ёзилган. Бу ёзувлар Финикияни ўша даврларда Мисрга тобе бўлганлигини кўрсатади.

Шимолий Сурияда, Оронт дарёси соҳилидан 50 км чамаси жанубда, Рас – Шамра яқинида, денгиз соҳилидан катта бир шаҳар ҳаробаси ҳам топилган. Шаҳар қалин мудофаа девори билан ўралган бўлиб, муҳм савдо порти ва қалъдан иборат. Археологлар унинг маданий қатламлардан ибодатхона, сарой ва кутубхона қолдиғини ҳам кавлаб очишган.

Ёдгорликнинг 7-9 метр чуқурликдаги жойидан 3 – археологик қатлам ҳамда хом ғиштдан қурилган биноларнинг қолдиқлари ҳам топилган. Бу қадимги порт устидаги қоятош устидаги мазордан қабрлар топилган. Бу ердан топилган буюмлар ва ёзувлар бу жойда каттагина қулдорлик давлати бўлганини кўрсатади.

Археологларнинг тахминларига кўра бу қадимги Угарит – шаҳар давлати экан. Бу давлат Кичик Осиё, Сурия, Месопотамия ва Миср билан қизғин савдо алоқалари олиб борган.

Рас – Шамра яқинидаги қадимги савдо шаҳри харобаларидан топилган жуда кўп миқдордаги эгей, хетт ва мисрликларнинг буюмлари бунга далилдир. Бу ердан топилган понасимон хат ёдгорликлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу хат одатдаги Оссурия –Бобил миҳхатидан анча фарқ қилган.

Финикия ва Сурия ҳақидаги ёзма маналар. Финикия ва Суриянинг ўзидан топилган қадимги ёзувлар у қадар кўп эмас. Бу мамлакатда давом этган кўпдан кўп уруш – жанжаллар вақтида бу ердаги кутубхона ва архивлар шафқатсиз равишда вайрон қилинган бўлса керак. Амма Рас – Шамра яқинидаги шаҳар ҳаробаларидан топилган ва махсус алифбелли миҳхат (понасимон) билан битилган ёзувлар катта аҳамиятга эгадир. Бу ёзувларнинг кўпчилиги афсоналардан иборат матнлар бўлиб Шимолий Сурия қабилаларининг м. ав. II минг йиллик ўрталаридаги дини тўғрисида маълумот беради. Сурия ва Финикиянинг бу даврдаги сиёсий тарихини ўрганиш учун Амарна архивидан топилган дипломатияга доир хатлар ва хетт ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга. Финикия ёзувларидан энг муҳими Сидонни қазиб вақтида топилган бўлиб, у форс даврига мансубдир. Қадимги Киликия, Қоратепа ва Антитавр тоғларидан топилган Финикия ёзувлари м. ав. IX асрдаги шимолий Финикия давлатларининг тарихи тўғрисида янги маълумот беради.

Сурия ва Фаластин тарихини ўрганишда Бобил ва Оссурия ёзувлари ҳам, жумладан, м. ав. VIII-VII асрда ўтган Оссурия подшоларининг маъмурий ёзишмалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, қадимги даврнинг муаллифларидан қадимги Сурия ва Финикияга оид қимматли тарихий маълумотлар сақланиб қолган.

Финикия ва финикияликлар тўғрисидаги Гомернинг “Одессия ва Илиада” достонларида ҳам баъзи маълумотлар бор.

Иосиф Флавий асарларида Финикия шаҳри Тирнинг қадимги йилномаларидан келтирилган маълумотлар сақланиб қолган. Геродот асарларида эса Финикиянинг сиёсий тарихи ва маданиятига оид муҳим маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга. Қадимги финикияликларнинг дини ва афсоналарига оид жуда муҳим маълумотлар илк христиан даврининг ёзувчиси Евсевейнинг асарларида ҳам сақланиб қолган. Евсевей финикиялик Санхоннотнинг бобиллик Филон томонидан Юнон тилига

таржима қилинган ва ўзи (Евсейей) яшаган давргача сақланиб қолган ғоят қимматли асаридан фойдаланган.

Шундай қилиб қадимги Сурия ва Финикия тарихи ўрганишда қадимги моддий маданият ёдгорликлари, ёзувлар ва қадимги муаллифларнинг асарларидан олинган маълумотлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

2-§. Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги Қадимги давлатлар

Қадимги Паластин

Паластиннинг табиати ва аҳолиси. Паластин Ўртаер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган қадимги мамлакат. Унинг ҳудудлари текислик ва ясситоғликлардан иборат. У ердаги дарёлрдан бири *Иордан* бўлиб, у Ўлик денгизига қуйилади. Иерихон ва Сарон ерлари жуда ҳосилдор бўлиб, Саронни “*Жаннат боғига*” қиёс қилишади. Бу унумдор ерлар Кельт ва майда сой сувлари билан суғорилган. Бу жойлар мис ва темир рудаларига анча бой. Паластиннинг шарқий томони иссиқ ва қуруқ, денгизга қараган ғарб томони эса юмшоқ денгиз иқлимига яқин. Мамлакат ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига у қадар бой эмас.

Паластин қадим замонлардан бошлаб, серқатнов қарвон йўллари чоррахасида жойлашган эди. Кичик Осиё, Икки дарё оралиғи ва Мисрга борадиган катта савдо йўллари Паластин ерларидан кесиб ўтганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Археологлар Паластин ҳудидидан 80—90 минг йиллар илгари яшаган одамларнинг манзилгоҳларини топишган. Мезолит ва неолит даврларига келиб Паластинда аҳоли бирмунча кўпайиб, улар термачилик, овчиликдан билан шуғилланиб, айна пайтда улар илк деҳқончилик ва чорвачиликка ҳам асос солганлар.

М. ав. III минг йилликда бу жойда маҳаллий ҳисобланган Ханьяан яшаганлар. Паластиннинг Ўртаер денгизига туташ жойларида эгей қабилалари – Филистимлар жойлашган эди. Паластин номи қадимги

яхудийча пелешет сўзидан олинган экан. Мамлакатнинг Шарқий ва Сурияга туташ ерларида аморий қабилалари истиқомат қилишган экан. Мамлакатда яхудийлар ҳам кенг тарқалган эдилар.

Паластинда хўжаликнинг ривожланиши ва шаҳар давлатларнинг ташкил топиши. М. ав. IV минг йиллик охири ва III минг йиллик бошларидан бошлаб Паластинда ишлабчиқариш хўжалиги ривожлана бошлайди. Мамлакатнинг ғарбий қисмидаги унумдор тупроқли жойларда яшаган аҳоли асосан суғорма зироатчилик билан шуғулланганлар. Улар буғдой, арпа, тарик, сули экиб, сабзовотчилик билан машғул бўлганлар. Зироатчилар узум, анжир, анор, зайтун, олма ва бошқа мевали дарахтлар экиб бодорчиликка ҳам катта эътибор берганлар. Соҳибкорлар махсус эзувчи ускуналари ёрдами билан узумдан мусаллас, зайтундан эса зайтун мойи олганлар. Улар ерни дастлаб мотига-кетмонча билан юмшатиб, кейинчалик омов билан ҳайдаб сўнг экин экканлар. Зироатчилар сувли жойларда суғорма, сувсиз жойларда эса лалмикор деҳқончилик билан шуғилланганлар.

Аҳолининг бир қисми дашт ва тоғларда яшаб, қорамол, қўй – эчки, от-эшак боқиб чорвачилик билан ҳам шуғилланганлар. Ит ҳам чорвадор аҳолининг энг яқин доимий ёрдамчиси бўлган.

Паластинда қадим замонлардан бошлаб ҳунармандчилик, кулолчилик, қуролсозлик, тўқимачилик, заргарлик ривож топган эди. Паластинликлар бндан 5 минг йил муқаддам жезни ихтиро қилиб, ундан пичоқ, найза, камон ўқлари пайконлари, Ханьжар болта ва бошқа рўзғор буюумлари ясаганлар. Бундан 3-3,5 минг йил муқаддам эса у ерда темир кашф этилган. Ҳунармандлар темирда қишлоқ хўжалик қуроллари, яроғ-аслаҳа ва бошқа буюмлар ясаганлар. темир қуролларни қўллаш хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожланиши учун катта имконият берган.

Паластин усталари ишлаган тўқимачилик, заргарлик, кулолчилик буюмлари савдо-сотикни ривожланишини янада тезлаштирган.

М. ав. III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларига келиб Паластинда Гезер, Мегиддо, Лахиш, Иерусалим каби шаҳар-давлатлар қад кўтарган. Бу шаҳар-давлатларнинг ўз ҳокимлари, подшолари, рухонийлари, амалдорлари соқчи ва қўшини бўлган. Шаҳарлар қалин муҳофаа деворлари, миноралари билан ўраб олинган эди.

М. ав. XIX-XVIII асрларда паластин шаҳарлари гуллаб яшнаган. Шаҳар-давлатлар Миср, Юнонистон, Бобил, Хетт, Финикия, Карфаген каби мамлакатлар билан ҳам қизғин савдо – сотиқ ишлари олиб борганлар.

Паластинни қўшни мамлакатлар томонидан истило қилиниши ва Исроил-Яҳудий подшолигини ташкил топиши. Паластин шаҳарларининг бойликлари қўшни мамлакатлар, айниқса Миср фиръавнлари, оссурийлар, Эронийлар ва Саргоний подшолари диққатини ўзига тортиб келган. Улар айниқса, Паластин шаҳарларига бостириб кириб, унинг бойликларини талаб қайтганлар ва уни ўзларига тобе қилиб олганлар, аҳолисини кул қилиб олиб кетганлар.

М. ав. XIII асрда эса Фрот дарёси ортида яшаган кўчманчи яҳудий қабилалари Паластинга бостириб кирганлар. Узоқ давом этган қонли жанглардан сўнг Яҳудийлар Паластинни босиб оладилар ва Саул деган кишини подшо қилиб сайлайдилар. У Исроил подшолигини тузиб, *филистимлагар* қарши кураш бошлайди. Жангларнинг бирида Саул қўшинлари енгилиб, унинг уч ўғли ҳам жангда ҳалок бўлади. Бу нохуш ҳабарни эшитган Саул ўзини қилич тиғига ташлаб ҳалок бўлади. Саул вафотидан сўнг Паластинни бирлаштиришни унинг куёви **Довуд** (1000—965) давом эттиради. У Саулнинг ўғли **Ишвааъламга** қарши 7 йил курашиб уни енгади ва Исроил-Яҳудий подшолигига асос солади. Довуд қўшинлари Гат шаҳри яқинидаги жангда филистимларни енгади ва уларни Исроилдан ҳайдаб чиқаради. У Қуддусни эгаллаб, уни бирлашган подшоликнинг марказига айлантиради. Довуд мамлакатда осойишталик ўрнатиб, ободончилик ишларига ҳам катта эътибор қаратади. У филистимлар билан сулҳ тузиб, улардан ёлланма қўшин ҳам тузади.

Жанубда Акаб қўлтиғигача бўлган ерларни подшоликка қўшиб олади. Довуд даврида Исроил-Яҳудий подшолиги кучайиб равнақ топади ва мамлакат хўжалиги ривожланади.

Исроил – Яҳудий подшолигининг равнақ топиши ва емирилиши. Довуд вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Сулаймон (965-935/927) ўтиради. Сулаймон даврида Исроил-Яҳудий подшолиги гуллаб яшнади. Мамлакат хўжалиги ҳар томонлама ривож топади. У Тирдан темирчиларни, Бобилдан дурадгорларни чақириб, қурилиш ишларини авж олдириб юборади. У Киликиядан ажойиб отларни келтириб, соттиришга киришади. Офир мамлакатидан эса қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, фил суяги, маймун ва товуслар келтирилган. Мамлакатдаги қурилиш ишларига катта маблағ керак эди. У маблағ тўплаш учун янги солиқлар жорий қилади. Бу ҳол халқ оммасининг норозилигига сабаб бўлиб исроилликлар Сулаймонга қарши **Иеровоам** бошчилигида кўзғолон кўтарадилар. Кўзғолон Сулаймон аскарлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилиб, Иеровоам Мисрга қочиб кетади.

М. ав. 935 - 927- йилда Сулаймон вафот этгач, тахтга унинг ўғли Ровоам ўтиради. Бу даврда мамлакатдаги аҳвол ёмонлашиб, Иеровоам Мисрдан катта қўшин билан қайтиб келиб, Ровоам қўшинларини енгиб Исроил подшолигини қайта тиклайди.

М. ав. 930- йили Миср фиръавни Паластинга бостириб кириб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилади. Шу давр Оссурия қўшинлари ҳам Паластинга бостириб кириб Исроил подшолигини тор-мор этадилар. Саргон II М. ав. 722- йили Самария шаҳрини босиб олиб, Исроил подшоси Осияни ва 27290 исроилликни асир олиб, уларни Мидия ва Месопотамияга жойлаштиради. Шундан сўнг Исроил подшолиги барҳам топади. Кейинчалик Яҳудий подшолиги ўзни тиклаб олади. М. ав. VII аср охирларида Паластин Миср фиръавнлари таъсирига тушиб қоладилар.

М. ав. 597—586- йиллар орасида олиб борилган жанглар натижасида Паластин Бобил подшоси **Навоходоносор II** томонидан босиб олинди,

Қуддус шаҳри вайрон қилиниб, аҳолининг катта қисми Бобилга асир қилиб ҳайдаб кетилади. Кейинчалик паластинликлар дастлаб Эронийлар, сўнг Юнон-македонлар ва ниҳоят Рим салтанати таъсирига тушиб қолади.

3-§. Қадимги Сурия ва Финикия

Қадимги Сурия ва Финикиянинг табиати ва аҳолиси. Сурия ва Финикия Ўртаер денгизининг Шарқий соҳилидаги қадимги мамлакатлардан бири ҳисобланади. Денгиз соҳили бўйлаб **Финикия**, ундан шарқ ва жануби-шарқда **Сурия** жойлашган эди. Мамлакатларнинг ғарб томони денгизи сувлари билан, шарқ томондан Сурия-Месопотамия дашти билан ўралган бўлиб, Сурия ва Финикия ерларининг бир қисмини **Ливан** ва **Антиливан** тоғлари қоплаб ётади. Тоғлар орасидан *Иордан*, *Оронт* дарёлари, кўплаб сой ва жилғалар оқиб чиқади. Ўлка иқлими ўзига хос, ғарб томони илиқ, ёқимли шунингдек серёмғир. Шарқ томони даштлик, иссиқ, камёғин ва курғоқчил. Қишнинг ҳарорати ҳам хилма-хил. Қишда тоғларга кўп қор ёғиб, баҳорда эса тоғ ёнбағирларида ёғингарчилик кўпроқ бўлади. Бир араб мақолида „*Мамлакатнинг бошида қиш, кафтида куз, оёғида эса доим баҳордир*”,- дейилган экан.

Финикия ва Сурияда одамлар ўта қадим замонлардан бери яшаб келганлар. Бу ўлканинг энг қадимги аҳолиси *хуррийлар*, *аморийлар* ва „*Шарқ болалари*” деб аталган қабилалар бўлишган. Кейинчалик бу ерга хеттлар, сомийлар, Эронийлар, Юнонлар ва римликлар келиб жойлашганлар.

Сурия ва Финикияда шаҳар-давлатларининг ташкил топиши. М. ав. VIII-VII минг йилликларда бу ўлкада ўтроқ деҳқончиликка асосланган илк қишлоқлари пайдо бўлди. М. ав. VI-IV минг йилликларда эса бу қишлоқлар кенгайиб, хўжалик ривож топди. Аҳоли орасида хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланиш шакллана бошлайди. Кейинчалик эса ибтидоий қишлоқлар ўрнида **Угарит**, **Арвад**, **Библ**, **Сидон**, **Тир**, **Дамашк**, **Эбла** ва **Кадеш** каби шаҳар-давлатлари ташкил топади. Бу шаҳар-

давлатларнинг ҳар бирини ўз подшоси, қўшини, соқчилари, камоқхоналари, амалдорлари, қозилари ва маъмурий идоралари бўлган.

М. ав. XX асрдан XVI асргача Финикия ва Суриянинг айрим шаҳар-давлатлари, хусусан Библи Мисрга тобе бўлган. М. ав. XIV аср охирида хеттиар шимолий Сурияга бостириб кириб, уни ўзларига итоат эттирганлар. М. ав. XIV-XII асрларда эса Миср фиръавнлари ва Хетт подшолари Сурия ва Финикияни таллашиб қонли жанглар олиб борганлар. Бу жанг М. ав. 1280-йилдаги **Миср-Хетт** сулҳи билан тугаган. Сулҳга кўра Сурия ва Финикия Миср ва Хеттлар томонидан бўлиб олинган. Мамлакатнинг шимоли Хетт подшолигига, жануби эса Мисрга қарам бўлиб қолади.

XIII асрда Сурия ва Финикияга денгиз халқлари хужум қилиб, унинг шаҳар қишлоқларини талаб вайрон этадилар. Узоқ давом этган қонли жанглар ва ички низолар натижасида Миср ва Хеттлар давлати кучсизланади. Бундан фойдаланган Сурия ва Финикия шаҳарлари мустақиллик учун ҳаракат бошлайдилар. М.ав.XI-X асрларда **Библи**, **Сидан** ва **Тир** анча юксалади. **Хирам I** (965— 936) даврида **Тир-Сидан** подшолиги кучаяди. Шу даврда Финикия денгизчилари Миср фиръавни Нехо таклифига кўра Қизил денгиз бўйлаб сузиб, 3 йил деганда Африка қитъасини айланиб, Гибралтар бўғози, Ўртаер денгизи орқали ватанларига қайтганлар. Финикияликлар Ўртаер соҳилидаги баъзи жойларда ўз манзилгоҳларини барпо қилганлар. Улардан энг машҳури Карфаген эди.

Кейинчалик Финикия ва Сурия ўз мустақиллигини йўқотиб Оссурия, Бобил, Эрон, Юнон-Македон, Салавка ва Рим салтанати таъсирига тушиб қолади.

Яхмад ва Гексослар давлати. М. ав. XVIII асрда аморий қабилаларининг катта гуруҳи Шимолий Сурияга бостириб кирдилар. Уларнинг сардори **Сумуепах** Яхмад давлатини тузиб, ўзини ҳукумдор деб эълон қилади. У Кархемишдан Катнагача бўлган ерларни босиб олади. Сумуепахнинг вориси **Ярмилим** ўзини шоҳ деб эълон қилиб, Халапни

давлат марказига айлантиради. Ямхадликлар Мари ва Бобил билан қизгин савдо-сотик ишлари олиб бориб, уларга *буғдой, зайтун мойи, мусалласи, ҳунармандчилик ва кулолчилик буюмлари* етказиб берадилар. Улардан эса қурол, қўрғошин ва заргарлик буюмлари келтирадилар.

Аммо XVIII аср охирига келиб, Ямхад давлати кучдан кетиб, ўз мустақиллигини йўқотади. М. ав. XVIII аср охири XVII аср бошларида Ямхаддан жанубдаги бепоён даштларда гиксосларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топади. Улар Паластин ва Жанубий Суриядаги кўпгина шаҳар-давлатларни босиб оладилар. Улар ўзларининг отлик қўшини ва жанговар араваларида Шимолий Мисрга бостириб кирадилар. Нил дарёсининг қуйи қисмидаги Аворис шаҳрини мамлакат пойтахтига айлантирадилар. Улар Мисрда 120 йилдан ортиқ ҳукмронлик қиладилар. М. ав. 1580-йили гиксослар Мисрдан қувиб чиқариладилар. Мисрликлар Финикия, Паластин ва Сурияда ўз ҳукмронликларини ўрнатгач, XV асрга келиб гиксосларнинг ҳарбий иттифоқи тарқалиб кетади.

Аҳолининг ҳўжалиги. Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги ерлар дашт-саҳро ва кичик-кичик унумдор воҳалардан иборат бўлган. М. ав. VI-IV минг йилликларда аҳоли экин майдонларини кенгайтириб, *буғдой, арпада, тарик, зигир* экиб, сабзовотчилик ва боғдорчилик билан шуғилланган. Улар донни ёрматош ва қўл тегирмонларда майдалаб ун тайёрлаганлар. Боғбонлар мевали боғлар ва токзорлар яратиш учун тоғ ёнбағирларидаги ерлардан унумли фойдаланганлар. Миср ёзувларининг бирида ўлкадаги мўл-қўллик ҳақида шундай ҳикоя қилинади: ***“Боғлар мевалар билан тўлиб-тошиб ётибди. Вино эзгичдан сув каби оқади. Терассаларда тўкилиб ётган донлар шундай мўл-қўлки, ҳатто қумдан ҳам кўп”***.

Сурия ва Финикия яйловларида чорвачилик ҳам ривожланган бўлиб, улар, қўй, эчки, қорамол боқиб, ит ва мушук сақлаганлар. Чорва ва чорвадорлар аҳолини гўшт, ёғ, тери ва жун маҳсулотлари билан таъминлаганлар.

Сурия ва Финикияда ҳунармандчилик қадим замондан бошлаб ривож топган. Ливан ва Антиливан тоғларидан сифатли темир қазиб олганлар. Уларда тоғ – кон саноати ривожланган. Усталар темирдан қурол-аслаҳа, қишлоқ хўжалик асбоблари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа нарсалар ясаганлар. Мамлакатда тўқимачилик ҳам ривож топган бўлиб, тўқувчилар жундан ажойиб газламалар таёрлаганлар. Газламаларни денгиз моллюскаларидан олинган қирмизи (тўқ қизил) ва пушти ранг бёқларга бўяганлар. Мато ва кийим бўёғи, у ювилганда ҳам ўчиб, айниб кетмаган. Бу аҳсулотларни сифатли бўлганини кўрсатади. Финикиянинг **Угарит, Арвад, Библ, Сидон** ва **Тир** шаҳарларида денгиз чиғаноғи ичидаги моллюскалардан ҳар турли бўёқ тайёрлайдиган устахоналар бўлган. Бу бўёқлар қўшни мамлакатларда юқори баҳоланган. Митанни подшолари қизларини мисрлик шаҳзодаларга узатар эканлар, совғалари қаторида ҳар турли бўёқ, турли рангдаги кийим-кечак, газламалар ҳам ҳадя қилар эканлар. Шубҳасиз бу хил бўёқлар Митаннига Финикиядан келтирилган бўлса керак. Денгиз моллюскаларини финикиялик махсус ғовослар денгиз остидан олиб чиққанлар.

Сурия ва Финикияда шишасозлик, заргарлик, мискарлик, темирчилик, қуролсозлик, кулолчилик, меъморчилик ва айниқса кемасозлик юксак даражада ривож топган эди. Финикиянинг **Угарит, Арвад, Библ, Сидон** ва **Тир** шаҳарлари соҳилида кемасозлик устахоналари бўлган. Финикия кемалари ўзининг тез юрарлиги ва сифатлилиги билан шуҳрат қозонган. Юнон тарихчиси Геродот “Форс кемалари ичида финикияликлар ясаб берган кемалар жуда яхши юриши билан бошқаларникидан ажралиб туради” — деб ёзган эди.

Финикия ўша замондаёқ ўзларини жасур қўрқмас денгизчилар ва ишбилармон савдогарлари билан шуҳрат қозонган. Улар М. ав. XVI асрдаёқ Ўртаер денгизи соҳилидаги мамлакатлар билан қизгин савдосотиқ ишларини олиб борганлар. Улар Атлантика океанига чиқиб, унинг Ғарбий соҳиллари бўйлаб сузиб, Британиягача етиб борганлар. Улар

Шимолий Африкадаги Карфагенда ўз манзилгоҳларини курганлар. Улар Қора денгиз соҳилидаги мамлакатлари билан қизгин савдо ишлари олиб борганлар. Финикияликлар Бобил, Миср, Мидия билан қуриқлик йўли орқали савдо-сотик ишларини олиб борганлар.

Сурия ва Финикиядан хорижий ўлкаларга шиша, ойна, зайтун мойи, мусаллас, қимматбаҳо газлама, заргарлик буюмлари, сифатли қора ёғоч, ҳар турли бўёқ ва бошқа нарсалар чиқарилган. Хорижий мамлакатлардан эса мамлакатга зиравор, олтин, кумуш, фил суяги ва бошқа буюмлар келтирилган.

Қадимги Сурия ва Финикия маданияти. Сурия, айниқса Финикия Олд Осиёдаги маданият ривожланган мамлакат бўлган. Бу мамлакат халқи эришган ютуқлардан бири бу ёзув-алифбонинг ихтиро қилинишидир. Улар м. ав. II минг йиллик бошларидаёқ бобилликлар миҳхати асосидаги алифбо тузганлар. М. ав. IX-VIII асрларда эса Финикияда 24 белгидан иборат ёзув кашф этилган. Финикия ёзуви ўша замонлардаёқ атроф ўлкаларга ёйилади.

Финикия ва Сурияда рассомчилик, ҳайкалтарошлик, халқ оғзаки ижодиёти ва адабиёти анча эрта ривож топган. Улар тош, фил суяги, ёғоч ва ҳар турли маъданлардан ҳайвон, одам ва худоларнинг ҳайкаллари ва расмларини моҳирлик билан ишлаганлар.

Сурия ва Финикияда **математика, география, денгизчилик, астрономия, тарих, ер билими, кимё ва физика фанлари** ривож топган эди. Геродот маълумотларига кўра М. ав. VI асрда яшаган милетлик машҳур математик, физик, астроном ва файласуф **Фалес** асли финикиялик экан. Сидонлик файласуф **Мох** эса **Юнон** файласуф-математикларидан анча олдин атомлар ҳақидаги назарияни яратган экан.

Сурия ва Финикияда дастлабки ибтидоий дин шакллари – табиат ҳодисаларига, қоя тошларга, ҳайвон ва бошқа буюмларга эътиқод қилиш кенг тарқалган экан. Уларда ер ва деҳқончилик билан боғлиқ эътиқодлар ҳам кучли эди. Уларнинг диний эътиқодида ўлиш ва тирилиш каби табиат

худолари **Ваал** ва унинг ўғли **Аляап** алоҳида ҳурматга сазовор экан. **Мот** уларда ўлим худоси ҳисобланган. **Молох** ҳам уларда ҳурматли худоларидан бўлган. Финикияда байрам кунлари одамларни худолар шарафига қурбонлик қилганлар.

М. ав. III асрда Финикия манзилгоҳи ҳисобланган Карфагенда худо Молох ҳайкали олдидал болаларни гулХаньга тириклайин ташлаб, куйдириб қурбон қилганлар.

3-§. Қадимги Карфаген давлати

Қадимги Карфагеннинг географик ўрни , табиий шароитлари ва аҳолиси. Карфаген Ўртаерденгизининг ғарбида, Африканинг шимоли – ғарбий бурчагида жойлашган қадимги кулдорлик давлатларидан бири ҳисобланган. Карфаген таркибига Ўртаерденгизининг ғарбидаги Мальта, Сардиния, Корсика, Балеар ороллари ва Сицилиянинг ғарбий қисми кирган. Шунингдек, кейинчалик шимолий Африкадаги Утика ва Испаниядаги Гадес шаҳарлари ҳам Карфаген қўшинлари томонидан босиб олинган. Карфаген ҳозирги Тунис ўрнида бўлган.

Ҳозирги Тунис қадимги Карфагеннинг ер усти тузилиши ҳилма – хил бўлиб ҳудудининг 3/1 қисмини Атлас тоғлари ва мамлакат шимолидаги баландлиги 1520 метргача бўлган ясси тоғлик ташкил этади. Мамлакатнинг марказий қисмида айримлари денгиз сатдан паст жойлашган шўр кўллар ҳам мавжуд бўлган текистлик ва пасттекикликлар бор. Жануб ва шарқ томонларини Саҳрои Кабирнинг қумлари ўраб туради. Карфагенда дарёлар кам, асосий дарёси Мажарда дарёсидир.

Мамлакат иқлими субтропик, жанубий ва шарқий томони иссиқ – жазира. Карфаген шимолида агава, апунца, ёввойи зайтун, эман ва бошқа ўсимликлар ўсади. Жанубида эса тиканли буталар, лишайниклар, саҳро дарахтларидан талха ва эталлар ўсади. Ҳайвонот дунёси у қадар бой эмас. Йирик ҳайвонлари қора қоплон, тоғ қўйи, қорахал, силовсин, ёввойи

мушук, гепард, шокол ва тулкидан иборат. Ўртаер денгизда эса балиқлар ва сув ҳайвонлари сероб бўлган.

Бу ҳудудда ўта қадим замондан бошлаб одамлар истқомат қилишган. Атлас тоғларидан топилган қадимги қазилма оқамлар яшаган давр м. ав. 400-350 минг йилга бориб тақалади. Улар фанга “атлантроп” – атлантика одами номи билан машҳурдир. Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини барбарлар, тунисликларнинг аجدодлари ва финикияликлар ташкил қилади. Кейинчалик эса бу ерга римликлар ҳам келиб ўрнашганлар. V асрда мамлакат вандаллар томонидан эгалланиб талон – тарож қилинган.

Карфаген тарихининг илк даври ва Финикия манзилгоҳининг маркази. Ўртаер денгизининг ғарбий қисмида Финикия манзилгоҳларига м.ав.II минг йилликнинг охири ва I минг йиллик бошларида асос солинган. М. ав. I минг йиллик бошларида шимолий Африкадаги Утика ва Испаниядаги Гадес йирик шаҳар марказларига айланган. Аммо Финикия манзилгоҳлари орасида Карфаген иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ниҳоятда кучайган ва ривож топган.

Карфаген ва финикияликларнинг Тир шаҳридан чиққан кишилар м.ав.IX асрда – 825-814 йилларда асос солганлар. Карфаген катта ва ўзига хос шаҳар бўлиб Шимолий Африка соҳилидаги кичик ярим оролда жойлашган эди. Финикияликлар уни Кар Хадатий – “Янги шаҳар” дер эдилар. Шаҳар географик жиҳатдан жуда қулай ерда жойлашаган эди. Чунки Карфаген ҳам денгиз, ҳам қуруқликдан кесиб ўтадиган йирик савдо йўлининг чоррахасида ўрнашган эди. Шаҳарга дастлабки келиб ўрнашганлар маҳаллий аҳоли вакиллариغا солиқ тўлашлари лозим эди. Ҳудудда сув манбалари танқис бўлганлиги боис экин экиладиган янги ерлар кам эди. Дастлабки йилларда зироатчилик мамлакат хўжалиги учун аҳамиятсизроқ эди. Кейинчалик шаҳар атрофида экин экиладиган ерлар кенгайтира борилган. Ёки финикияликлар маҳаллий қабилалардан ерни ижарага олганлар ва зироатчилик билан шуғуллана бошлаганлар.

М. ав. VII аср ўрталаридан бошлаб Карфаген тарихида дастлабки юксалиш бошланадики, бу жараён икки юз йил давом этади. Бу даврда Карфаген Ғарбий Ўртаерденгизидаги Финикия манзилгоҳларининг марказига айланади.

М. ав. VII аср ўрталаридан бошлаб Карфаген Шимолий Африкада ҳунармандчилик ва савдо – сотиқ юксак даражада ривож топган йирик Финикия шаҳрига айланади. Карфаген шаҳар – давлати Ўртаерденгизидаги кўпгина вилоятлар ва мамлакатлар билан қизғин савдо – сотиқ ишларини олиб боради. Карфагеннинг кемалар келиб тўхтайдиган қўлтиғи қайта қурилиб, у ҳарбий кемаларнинг ҳам кириб чиқиши ва туриши учун мўлжалланган эди. Карфаген Шимолий Африкадаги кучли шаҳар давлати сифатида Ғарбий Ўртаер денгизи соҳилларидаги ерларни ўзига қаратиб олабошлайди.

Карфаген М. ав. VII асрда Испания яқинидаги Питиусск оролида жойлашган Эбес шаҳрини ҳам босиб олиб, ўз манзилгоҳига айлантиради. Карфагенликлар Эбесдан туриб, кучли Финикия шаҳри Гадесни тор – мор келтирадилар.

М. ав. VII – VI асрларда карфагенликлар Пиреней ярим оролининг жанубий ҳудудларига кириб бориб, у ерга ўрнашадилар. Аммо карфагенликларнинг ярим оролнинг Шарқий ҳудудларини босиб олиш учун қилган ҳаракатлари натижасиз тугайди. Чунки маҳаллий аҳоли Испаниянинг шарқий соҳилларини Карфаген қўшинлари томонидан босиб олишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар.

М. ав. VI аср ўрталарида карфагенликлар Сицилиянинг ғарбий қисмида ва Испаниянинг жанубий ҳудудларини ҳам ўз таъсирига ўтказиш сиёсатини олиб бордилар.

М. ав. VI аср охирларида Карфаген аҳамонийлар салтанати билан дипломатик муносабат ўрнатадилар. М. ав. VI аср ўрталарида карфагенликлар Италиянинг марказий қисмида яшаган этрусклар билан дўстона муносабат ўрнатадилар. Карфаген этрусклар билан иттифоқ бўлиб

Сицилия, Сардиния ва Корсика оролларига босим ўтказа бошлайди. М. ав. 525 йилда Карфаген – Этруск бирлашган денгиз харбий флоти Корсика ороли яқинидаги Алалия деган жойда Юнон денгиз флотини тор – мор этади. Иттифоқчиларнинг келишувига мувофиқ, Корсика этрусклар таъсирига ўтади. Карфагенликлар эса Сардиния оролига бостириб кириб, унинг жанубида мустаҳкам ўрнашиб оладилар.

М. ав. VI асрлар давомида Карфаген Пиреней ярим оролининг жанубий ҳудудларида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилади.

М. ав. V асрда Эронийларнинг Юнонистонга бостириб кириши муносабати билан (500-449) Карфаген Юнонларнинг Сицилиядаги шаҳарларига янгидан ҳужум бошлайди. Аммо Карфаген кўшинлари этрусклар ёрдамига таяниб м.ав.480 йилда Гимере ва 474 йилда Кушдаги дахшатли жангда Юнон кўшинларининг қаршилигига учрайди. Бу жангдан сўнг Карфаген Сицилия оролининг чекка ғарбидаги шаҳарларини қўлда сақлаб қолади холос.

Карфаген салтанатининг ташкил топиши ва унинг ижтимоий иқтисодий маносабатлари. М. ав. V-III асрларда Карфаген кулдорлик давлат ўз куч – қудратининг юқори поғонасига кўтарилади. Карфаген кўшинлари Сицилиядаги мағлубиятдан сўнг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳаракатларини Шимолий Африкага қаратадилар. Карфаген кўшинлари шаҳар атрофи ва кўшни қабилалар яшайдиган ерларни босиб олиб, Карфагенга қўшиб оладилар. Шунингдек Карфагенликлар ҳозирги Тунис, Жазоир, Ғарбий Африкада жойлашган Марокаш, Марвитания каби Атлантика океани соҳилларидаги давлатларнинг ерларини ҳам босиб оладилар.

Мазкур даврда Карфаген Ғарбий Ўртаерденгиздаги Корсика, Сардиния, Мальта, Испаниянинг жануби ва Африканинг Атлантика соҳилларини эгаллаб ўз даврининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатига айланади ва ўзининг истилочилик сиёсатини давом эттиради.

Маълумки м.ав.V-IV асрларда Карфаген Ўртаер денгизидаги энг йирик савдо – сотиқ марказларидан бирига айланди. Унинг худудига Шарқий Ўртаерденгизи соҳилларида жойлашган Финикия, Миср, Кичик Осиё, қатор Юнон шаҳарлари, Саҳрои Кабир ичкарасидан, шунингдек Атлантика соҳилларидаги мамлакатлардан турли – туман буюмлар келар эди. Ўз ўрнида Карфагендан номлари зикр қилинган мамлакатларга хилма – хил буюмлар чиқариб сотилар эди. Четдан келган буюмларни олди – сотти савдосида карфагенлик савдогарлар воситачилик вазифадини бажарар эдилар. Шунини айтиб ўтиш жоизки Карфаген кўрфазида денгиз кемалари кириб келиб турадиган ва чиқиб кетадиган жойлар ораста қилиб қўйилган эди. Узоқдан келган савдогарлар ва уларнинг буюмларини сақлаш учун омборлар ва одамлар учун турар жойлар меҳмонхоналар ҳам бор эди.

Карфагенликлар ташқарига металл буюмлар ва қулларни чиқариб сотар эдилар. Карфагенликлар пул зарб қилмас, олди – соттида Юнон ва Эрон тангаларидан, шунингдек қимматбаҳо металллардан фойдаланар эдилар.

М. ав. V-III асрларда Карфаген шаҳарларида заргарлик, кулолчилик, ҳайкалтарошлик, темирчилик, қуролсозлик, кемасозлик, дурадгорчилик, тўқимачилик, тилла, кумуш, мис ва кўрғошиндан ҳар турли буюмлар ишлайдиган усталар фаолият кўрсатар эдилар. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки м.ав.V-IV асрларда Карфагенга қарашли ерларда буғдой, арпа, дон экинлари, боғдорчилик, узумчилик ҳам ривож топган эди. Қишлоқ хўжалигида эркин деҳқонлар билан бирга ёлланган ишчилар ва қуллар ишлар эдилар. Катта ер эгаларининг мулкларида эса кўпроқ қуллар ишлатилган.

Карфаген жамияти асл маънода қулдорликка асосланган бўлиб, аҳоли Олий табақа, оддий фуқаро ва қуллар табақасидан иборат бўлган.

Карфаген қулдорлик давлатининг сиёсий тузуми. Карфаген қулдорлик давлатининг сиёсий тузуми Миср, Қадимги Бобил, Эрон каби

якка ҳокимликка асосланган тузумга ўхшамас эди. Карфагеннинг сиёсий тузumi Юнонистондаги каби ҳокимият бир тўда қудратли зодагон ҳарбий кишилар қўлида бўлган сиёсий тузум эди.

М. ав. V-IV асрларда давлат ҳокимиятининг олий вазифаларига маҳаллий аҳолининг бой, қудратли зодагонлари ва ҳарбийларидан бир йил муддатга сайланадиган кишилардан иборат эди. Бу сиёсий тузумни тарих тилида оллигархия дейилади. Аммо бутун давлат ишлари 30 кишилик олий кенгаш ва 300 кишидан иборат оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳал қилинган. Шунингдек 104 кишидан иборат Кенгаш суд ишларини бажарувчи олий назорат ташкилоти ҳам мамлакатда катта мавқега эга эди. Бу ташкилотга, кенгашга асосан мамлакат аҳолисининг энг бой ва машҳур кишилари, оилалари, камдан – кам ҳолларда оддий ижтимоий гуруҳлардан ҳам сайланар эди.

Карфагенда маҳаллий аҳолидан иборат халқ йиғини ҳам чақирилиб турарди. Аммо унинг мамлакат сиёсий тузумдаги (хаёти) ўрни аҳамиятсиз эди. Карфаген давлати ҳамма жабҳаларида олигархларнинг – зодагон, бой кишилар ва ҳарбийларнинг таъсири ниҳоятда кучли эди. Улар мамлакатда бўлаётган воқеаларни синчковлик билан кузатиб борар, қайсидир бой зодагон оилаларни давлат ҳокимиятини қўлга олиб бошқаришга йўл қўймас эдилар. Мамлакатда баъзан ҳокимиятни ўз қўлига олиб якка ҳокимлик қилишга интилишган шахслар ёлланган аскарларнинг саркардалари орасида учрарди. Масалан м.ав.VI асрнинг ўрталарида яшаган ёлланма қўшин саркардаси Малх Сицилиядаги урушни зафарли тарзда тугатиб ўзининг жангавор ҳарбий флоти билан Карфагенга сузиб келган. У Карфагенга келгач, карфаген олигархияси фаолиятини иккинчи ўринга суриб ўзининг ҳарбий зўравонлик диктатурасини ўрнатган. Аммо унинг зўравонлик диктатураси мустаҳкам бўлмаган. Сицилиядаги навбатдаги уруш муваффақиятсиз тугагач, Малх Карфагендан қувғин қилинган. Малх мамлакатдан ҳайдалиб, унинг ҳокимияти барҳам топгандан сўнг, карфагенлик энг бой хонадондан бўлган зодагон Магон

хокимиятни ўз қўлига олади. Ҳокимиятни қўлига олган Магон давлатни бошқарув ишини ўғли ва набираларига мерос қилиб қолдириш сиёсатини амалга оширади. Магонилар сулоласи Карфагенда 150 йилча ҳукмронлик қиладилар Магониларнинг Сицилия, Сардиния ва Корсика оролларида олиб борган зафарли урушлари туфайли улар ҳокимият тепасида узок туриб қолишига сабаб бўлган.

Карфаген қўшинлари м.ав. 480 ва м.ав. 474 йиллардаги юнонлар билан бўлган урушда қақшатгич зарбага учрагач, Магонидлар сулоласи ҳокимиятдан четлатилган. М. ав. V асрнинг ўрталарига келиб Карфагенда карфаген олигархия ҳукумати тўлалигича қайта тикланди.

М. ав. V асрнинг ва III аср ораларида Карфаген Ўртаер денгизининг ғарбидаги энг қудратли давлатга айланади. Аммо м. ав. III асрнинг 60 йилларига келиб Карфаген ғарбий Ўртаер денгизиде ўзига нисбатан кучли бўлган рақиби Рим салтанати билан аёвсиз жанглар олиб боришига тўғри келди. Биринчи, иккинчи ва учинчи Пуни уруши натижасида карфагенликлар баъзан ғалабага эришган бўлсалар. Учинчидаги мағлубият натижасида Карфаген давлати ва шаҳри вайрон этилиб, бу жойлар Рим салтанати мулкига айланди.

Карфаген маданияти. Финикияликлар давлати, шунингдек унинг мустамлакаси – метрополияси ҳисобланган. Карфаген – Тир маданияти ўзига хос хусусият касб этган. Унча катта бўлмаган Финикия катта шаҳар – давлатлари Миср, Хетт, Бобил, Оссурия ва бошқа шаҳар – давлатларнинг сиёсий ва маданий таъсири остида бўлган. Шу боис уларнинг маданияти мазкур Шарқ халқлари маданияти таъсири остида вужудга келган ва ривож топган. Ана шундай жараён яъни маҳаллий ва қўшни халқлар маданиятининг аралашуви, қоришуви натижасида карфагенликлар маданияти шаклланган ва ривож топган. Карфагенликлар ҳамиша маҳаллий аҳоли шунингдек Ўратаер денгизи ҳавзаси ва қирғоқларини босиб олиш ва мустамлакага айлантириш жараёнида ўзларининг рақиблари юнонлар ва римликлардан ҳавфсираган, ҳавотирланганлар. Шу

боис улар дастлабки вақтлардан жуда кўп маблағ, куч ва вақт талаб қиладиган урушларда банд бўлганлар. Шунинг учун ҳам карфагенликлар юқори даражадаги ўзига хос маданият яратишга эриша олмаганлар. Карфагенда халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, тасвирий санъат, шунингдек философия ҳам жуда суст ривожланган эди.

Карфагенликлар Қадимги Шарқ ва Юнон муаллифлари ва усталарининг асарларидан фойдаланишни маъқул кўрганлар. Улар Гомернинг “Одессия ва Илиада” достони, Геродотнинг “Тарих” китоби, Юнон трагедиясининг буюк намоёндалари бўлган Эсхил, Софокл, Еврипид, Юнон комедиясининг йирик вакили Аристофаннинг асарлари билан таниш бўлганлар ва уларни мароқ билан ўқиганлар.

Шунингдек карфагенликлар Юнонларнинг машхур файласуф, шоирлари ва уларнинг асарларини яхши билганлар. Аммо Карфагендан чиққан машхур файласуф, адиб, нотик ва шоирларнинг номлари қадимги манбаларда кам учрайди.

Лекин Карфагенда уларнинг турмуш тарзи билан, ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган амалий илмий билимлар хусуан, денгизчилик қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ агрономия, география, математика, астрономия ва шаҳарсозлик анча ривожланган эди.

Карфагенликлар ва уларнинг аجدодлари финикияликлар Ўртаер денгизи соҳилларида яшаганликлари учун кемасозлик ва денгизчилик юксак даражада ривожланган эди. Геродот Финикия денгиз кемаларига юксак баҳо берганлиги фикримиз далилидир. Айни пайтда карфагенликлар қишлоқ хўжалик, зироатчилик ишларининг зукко билимдонлари эдилар. Карфаген денгизчилари Гискон раҳбарлигида Британия ороллариғача етиб борганлар. Машхур денгиз сайёҳи Ганнон экспедицияси Экваторияль Атлантика соҳиллар бўйлаб сузишган. Карфаген меъморлари шаҳарсозликда ҳам катта ютуқларга эришишган. Карфаген меъморлари Карфаген шаҳри ва унинг қалъасини ўз замонаси даражасида жуда мустаҳкам қилиб барпо қилганлар.

Бу ҳол у ерда амалий меъморчилик илмининг ривожланганлигидан дарак беради. Меъморлар шаҳарни мустаҳкам тош деворлар ва мудофа миноралари ўраб қурганлар. Учинчи Пуни уруши даврида римликлар Карфагеннинг мудофа деворлари ва минорларини жуда қийинчилик билан бузиб шаҳар ичкарасига кирганлар. Маҳаллий аҳоли римликларга қаттиқ қаршилик кўрсатганлар.

Карфагенда ер билими анча ривожланган эди. У ерда Магон томонидан агрономик – қишлоқ хўжалиги зироатчиликка оид махсус қўлланма тузилган. Бу қўлланма латин тилига таржима ҳам қилинган. Ундан зироатчилар узоқ йиллар давомида фойдаланганлар.

Карфагенликларнинг географик билимлари ҳам юксак бўлган. Улар Африка, Ўртаерденгизи, Атлантика океанининг Африка соҳилларини, Канар ва Азор оролларини жуда аниқлик билан харитага туширганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш ўтиш жоизки, карфагенлик денгизчилар Атлантика океанини сузиб ўтиб Америка соҳилларига етиб борганлари эхтимолдан ҳоли эмас.

Ватандошимиз Абу Райҳон Беруний (973-1048) Ғарбда қандайдир қуруқлик бор деганда, XV асрда Колумб томонидан “кашф” этилган Американи кўзда тутган бўлса керак.

Карфагенликлар ўзларига хос маънавий маданият яратганлар. Маънавий маданиятнинг бир тури дин ва диний эътиқодлар туркумидир. Карфагенликларнинг дини қадимги финикияликларнинг анъаналарини ўзларида сақлаб қолганлар. Карфагенликлар финикияликлар Цингари кўп худоликка эътиқод қилганлар. Уларнинг энг машҳури Тиннит, Ваал – Мелькерт, Молох ва бошқа худоларидир.

Тиннит аёл худо бўлиб, у шаҳарлар ҳомийси бўлиб ой , донишмандлик, тўкин – сочинлик, ва табиат кучларини тирилтирувчи, жонлантирувчи тимсоли, мужассама сифатида гавдаланади.

Карфагенликларнинг иззатли ва ҳурматли худоларидан бири Ваал – Мелькерт ҳисобланади. У табиатни тирилтирувчи ва ўлдирувчи,

кишиларга бахт – саодат, умрбоқийлик ва душманларга дахшат, кўркинч солувчи сифатида гавдалантирилган. Карфагенликларнинг яна бир худоси Молох бўлиб, дахшатли уруш худоси ҳисобланган.

Карфагенликлар мазкур худоларга бағишлаб дабдабали ибодатхоналар куриб, уларда ибодатларни бажо келтирганлар. Тиннит худоЦининг ибодатхонаси биноси Бирсада – Карфаген акрополи – қалъа, қасрида жойлашган эди. Бирса ва Карфаген қалъаси шаҳарнинг энг мустаҳкам жойи ҳисобланган. Бирса ибодатхонасининг қулатилиша Карфагенни душманлар томонидан қўлга олиниши ҳисобланарди.

Карфагенликлар ўз худоларига бағишлаб қурбонликлар ўтказиб турардилар. Карфагенликлар ўз худоларини хурсанд қилиш учун хатто одамларни қурбонлик учун сўйганлар. Карфаген маданияти Ғарбий Ўртаер денгизи ва Шимолий Африка тарихигасезиларли из қолдирган.

4-§. Арабистон ярим оролидаги қадимги давлатлар.

Мамлакат ва унинг аҳолиси. Қадимги Арабистон манбалари ва ўрганилиш тарихи

Арабистон ярим оролининг географик ўрни ва табиий шароитлари Арабистон ярим ороли – Осиёдаги энг катта ярим ороллардан бири бўлиб, майдони 3 млн. кв. км ни ташкил этади. Ярим орол ғарбда Қизил денгиз, шарқда Эрон ва Омон кўрфазлари сувлари билан, жанубда эса Адан кўрфази ва Араб денгизи сувлари билан ювилиб туради. Аслида бу ярим орол Осиёнинг жануби-ғарбий қисмига жойлашган.

Арабистоннинг катта қисмини Катта Нефуд, Дяхна, Руб-аль-Хали каби жазирама дашти-сахролар эгаллаган. Худуднинг ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами бошқа жойларга нисбатан ниҳоятда қашшоқ. Ярим оролнинг шимол қисмини “Араб сахроси” деб аталиб, унинг ғарбий томони тошлоқ Синай ярим ороли билан туташиб кетади. Шимол томони эса Сурия-Месопатамия даштига уланади. Унинг ғарбий қисмини Қизил

денгиз бўйи даштлари ва шурҳаклари эгаллаб ётади. Арабистонда дарёлар кам бўлиб улар катта кичик кам сувли сой ва жилғалардан иборат. Селсовур пайтларидагина уларда сув оқади. Аммо уларнинг аксарияти ёз мавсумида “вади” деб аталган қуруқ ўзанга айланадилар. Оққан сойларнинг сувлари ҳам бориб-бориб сахро қумларига сингиб кетади. Ичимлик суви, умуман сув Арабистонда энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Шу боис араблар қадимдан бошлаб ёмғир сувларини тўплаш мақсадида сунъий ҳовузлар, сув омборлари, каналлар қуриб уларга сув ғамлаганлар, қудуқлар казиб уларнинг сувидан ўзлари фойдаланиб чорваларини суғорганлар. Ярим оролнинг жануби – ғарбий қисмида деҳқончилик қилиш учун бироз шарт-шароит мавжуд бўлган. Арабистоннинг ладан, мирра, кассия, бальзам, алоэ, корица, ситник, шафран каби доривор воситалари бутун шарқ дунёсида машҳур бўлган. Улардан табобатда кенг фойдаланилган.

Ўша даврда бу шифобахш ўсимлик воситаларни қадимги Шарқ дунёси ҳатто Рим ва Юнонистон ҳам сотиб олган.

Ярим оролни ўраган денгизлардан ғоввослар қизил маржон, қизил баъзан қора дур-инжу ва марваридлар териб чиққанлар. Ярим орол ҳудудида олтин, кумуш, қўрғошин, темир, қалай, сурма каби қимматбаҳо, нодир маъданлар ҳам бўлган. Жануби-ғарб ва жануби – шарқдаги тоғлар турли рангдаги мрамор, оникс ва алебастрга бой бўлган. У ерларда зумрад, бериллар, бир юза ва лаъл каби қимматбаҳо тошлар учрайди. Ярим оролнинг ҳар жой-ҳар жойида туз конлари ҳам бўлган. Ҳозирги кунда ярим оролнинг энг муҳим бойлиги нефтдир. Ярим оролнинг ҳар жой ҳар жойда қадимги ўчган вулқонлар кўзга ташланади.

Араб ярим оролидан кўп тармоқли карвон савдо йўллари кесиб ўтган эди. Бу йўллар Арабистоннинг жануби-ғарбидан бошланиб Қизил денгиз соҳили бўйлаб шимолга Ўртаерденгизи соҳили томон йўналган эди. Шимолий Акаба қўлтиғидан эса Газа, Ашдод, Тир, Дамашқ томон йўналган карвон йўли кесиб ўтарди.

Савдо йўлининг бошқа йирик тармоғи ярим орол жанубидан саҳро орқали Месопатимияга томон йўналган эди. Ярим оролнинг Шимолий қисми Сурия ва Бобилга ҳам йўл кесиб ўтиб Дамашқ, Сурия ва Бобилга ундан эса Миср чегарасига ўтиб кетар эди. Араб ярим оролида куруқлик йўлидан ташқари денгиз – сув йўли ҳам фаолият кўрсатар эди. Қизил ва Араб денгизлари ва Форс қўлтиғи орқали ўтадиган сув йўлидан Шарқий Африка ва Ҳиндистон билан қизғин савдо алоқалари олиб борилган.

Бу савдо йўллари орқали қизил, қора – сандал дарахтлари, фил суяги, қимматбаҳо тош ва бошқа буюмлар ташилар эди. Қизил денгиз соҳилларида денгизчилар учун қулай бўлган кемалар тўхтайдиган қўлтиқлар мавжуд эди.

Қадимги Арабистон тарихининг манбалари. Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатлари каби қадимги Арабистон халқлари тарихини ўрганидиган ўзига хос манбалари бўлиб, улар тўрт туркумга бўлинади.

- 1) Эпиграфик маълумотлар.
- 2) Моддий – буюм ёдгорликлари.
- 3) Қадимги араблар ҳақида қадимги шарқ мамлакатларидан топилган ёзма ҳужжатлар.
- 4) Қадимги араблар ҳақида қадимги муаллифларнинг маълумотлари.

Тошга, бронзага ва сопол буюмларга ёзилган 5000 дан ортиқ жанубий араб ёзувлари сақланиб қолган. Мазмун жиҳатидан улар икки қисмга бўлинади. Уларнинг бири фармонлар, қонунлар тўплами, подшоларнинг ҳарбий юришлари, ички сиёсат масалалари қурилиш, бағишлов, қабр усти тошларига битилган ёзувлар, қарздорлик ҳужжатлари ва суғориш иншоатларига ва бошқа нарсага битилган ёзувлардир. Уларнинг аксарияти сабейлар, минейлар, хадрамаут, катабан ва аусанларга мансуб бўлиб, улар Жанубий Арабистон ерларидан топилган. Уларнинг баъзилари эса Шимолий ва Марказий Арабистондан топилган. Унда савдогарлар, карвонбошилар, ҳукмдорларнинг бу ҳудудга уюштирилган ҳарбий юришлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Баъзи ёзувлар Миср, Месопатамия, Делос ороли Паластин ва Эфиопиядан ҳам топилган.

Бу ёзувларнинг баъзилари эса Шимолий ва Марказий Арабистон даштликларидан ҳам топилган. Жанубий Арабистон ёзувларининг санаси ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрича бу ёзувларнинг энг қадимгиси м. авв. II-I минг йилликларга мансуб десалар, бошқа гуруҳ олимлар уларни м. авв. VIII асрга мансуб дейдилар. Бошқа олимлар эса бу ёзувларнинг санаси м. авв. V асрга мансуб деб фараз қиладилар.

Эпиграфик битиклар, хусусан араб ёзувлари бу ҳудудда яшаган аҳолининг тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Қадимги Арабистоннинг моддий маданияти ёдгорликлари – бу шаҳарлар, ибодатхоналар, турар жойлар, қалъа ва суғориш иншоотлари дахмалар ва қоя қабрлари, дехқончилик ва ҳунармандчиликка оид меҳнат қуроллари тасвирий санъат асарлари сопол ва заргарлик буюмлари бўлиб, улар сайёҳлар ва олимлар томонидан археологик тадқиқотлар натижасида ўрганилган.

Жануби – Шарқий Сурия, Жанубий Паластин ва Иордания орти ҳудудларида кўплаб қоя тош суратлари ҳам сақланиб қолган. У ердан тоғ – кон саноатига мансуб бўлган, қайроқ тошлар, нусха олиш қолиплари, тешгичлар, рудадан олтинни ажратиш олинадиган, металга ишлов бериладиган асбоб ускуналар топилган.

Мазкур жойдан бир неча юз набатей қишлоқларининг харобалари, очиқ ҳолдаги зиёратгоҳлар – ибодатхона даргоҳларининг қолдиқлари дахмалар, шунингдек Петри, Хегри ва бошқа набатей шаҳарларининг харобалари ҳам топилган.

Бу жиҳатдан Жанубий Арабистондаги Сабей подшолигининг бош шаҳри Мариб харобаларининг қолдиқлари ажойибдир. Шаҳар харобоси қовланганда маданий қатламлардан шаҳарларнинг тархи – режаси, шох саройининг ҳаробалари мудоффа девори ва миноралар дафн этиш

қурилишларининг қолдиқлари ва кўплаб ҳайкаллар топилган. Бу жихатдан шаҳардан ғарбда жойлашган улкан Мариб тўғонининг қолдиғи диққатга сазовардир. У ердан ой худоси Алмакаха ибодатхонаси ҳам топилган.

Шунингдек, марказ Катабан – Тимний харобалари ҳам очиб ўрганилган. У ердан қадимги мудофаа девори, катта жамоа бинолари, ибодатхоналар, дахмалар ва тасвирий санъат асарларининг намуналари топилган. Шаҳар харобаЦининг куйи қатлаמידан ёғоч қолдиқи топилган. Ёғоч радиоуглерод ёрдамида текширилганида Тимни шаҳрининг пайдо бўлиши даври тахминан м. авв. X-VIII асрларга мансуб эканлиги аниқланган. Мазкур жойдан Ам – Адиа ва Кана денгиз порти – кемалар тўхтайдиган жойнинг қолдиғи ҳам очилган.

Араблар ва Арабистон ҳақида Қадимги Шарқ дунёси, Библия (Таврот) Юнон – Рим, оссур, бобил ва Эрон шоҳлари ёзувлари ва йилномаларида баъзи қисқа – қисқа маълумотлар сақланиб қолган.

Хусусан қадимги муаллифлар ҳам Қадимги Арабистон ҳақида маълумотлар ёзиб қолдиришган. Улар Геродотнинг (м. авв. V аср) “Тарих”, Феофрастининг (м. авв. IV аср) “Ўсимликлар тарихи”, Страбоннинг (м. авв. I милодий I) “География”, Диодорнинг (м. ав. I аср) “Тарихий кутубхона”, Аррианнинг (мил. I-II асрлар), “Анабасис Александра” асарларидир.

Шунингдек Эратосфен, Агафархид, Артемидора (м. ав. III – I аср), Катта Плиний (мил. I аср) Клавдий Птоломей (мил. I аср) ва бошқаларнинг асарларида қадимги араблар ва Арабистон ҳақида кўпгина маълумотлар учрайди.

Қадимги Арабистон тарихини ўрганилиши. Қадимги Арабистон тарихини ўрганиш сайёҳларнинг ишидан бошланган. Сайёҳлар Арабистоннинг турли жойларидан эпиграфик ва этнографик картаграфик маълумотлар тўплайдилар, археологик ёдгорликларнинг харобаларини чизмага ола бошлайдилар.

Арабистон тарихини ўрганиш ишига К. Нибур, И.Л. Буркхардта, француз Ж. Галеви, австриялик Э. Глазер, Г. А. Валлинанинг хизматлари

каттадир. Ж. Галяви жанубий арабдан 700, Э. Глазер 1800 дан ортиқ ёзув тўплашган. У.Г. Зеетцен, Г. Вассман, А. Фахри, Х. Нами, А. Жамм ва бошқалар ҳам эпиграфик ёзувларни топиш ўқиш ва нашр қилиш ва уларни санадини аниқлаш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Хорижий мамлакат олимларидан М. Лидзбарский, Н. Родоканакис, Ж. Пиренн, А. Жамм, М. Хёфнер, А. Бистон қадимги Арабистон тарихини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшганлар.

Арабистонда археологик тадқиқот ишлари яхши ривожланмаган. Аммо Иордания орти, Жанубий Паластин ва Шимоли-Ғарбдаги ёдгорликлар билан Н. Глюка бошлиқ экспедиция катта ишларни олиб бордилар. Шунингдек немис, француз ва австрия экспедицияларининг археологлари набатей қадимиятини ўрганганлар. XX асрнинг 50-60 йилларида Жанубий Арабистонда Ф.П. Олбрайт, А.Жамм каби машҳур археологлар раҳбарлигида америка экспедицияси самарали иш олиб борди. Улар Саби пойтахти Марибда ва Катабана пойтахти Тимна ва унинг атрофларидаги ёдгорликда археологик қазилар ишларини олиб бордилар.

Шуни таъкидлаш керакки, қадимги араб тарихига оид дастлабки асарлар XIX аср охирида яратилади. Бу ишларни амалга ошириш ишига С. Хюргронье, Э. Глазерлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Қадимги Арабистон тарихи билан Бельгия, Австрия, Қўшма штатлар ва бошқа мамлакатларнинг олимлари хусусан Г. Висман, Д. Нильсен, Г.Ж. Рикмансилар, Ж. Пиренн, М. Хёфнер ва А. Битаклар жиддий шуғилланганлар.

XIX ва XX асрларда рус сайёҳлари, дипломатлари ва олимлари ҳам Арабистон тарихи билан қизиққанлар. Бу жиҳатдан И.Ю. Крачковский, Н.В. Пигулявская ва бошқа олимлар арабшунослик ва сабеистика ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Сўнгги йилларда Г.М. Бауэр, А.Г. Лундин, И.Ш. Шифман, М.Б. Пиотровский каби машҳур олимлар Арабистоннинг қадимги тарихи ҳақида мақолалар, катта-катта асарлар ва монографиялар яратдилар.

Араб ярим ороли ва Сурия – Месопатамия даштининг қадимги аҳолиси. Арабистон ярим оролида одамлар қадим замондан бошлаб яшаб келадилар. Ярим оролнинг жануби-ғарбидаги Лахжа деган жойдан тош асрига мансуб қуроллар топилган. Ярим оролга аҳоли Шарқий Африкадан кириб келган бўлса керак. Археологик кидирув вақтида олимлар Орқапордания ҳудудидан қоя тошларга ишланган ов манзараси тасвир этилган қоя тош расмларини – петроглифларни топишган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра бу қоя тош расмлари м. авв. X-V минг йилликларга мансуб бўлиб, мезолит ва неолит даврларида ишланган экан.

М. ав. IV-III минг йилликларда Арабистон ярим оролида яшаган аҳоли ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ. Баъзи шумер ёзув – ҳужжатларида Маган ва Малухха мамлакатлари ҳақида эслатиб ўтиладики, у ерда яшаган аҳоли м. авв. III минг йилликларда Иккидарё оролиғи – Месопатамия билан алоқада бўлганлар. Олимлар бу икки мамлакат ярим оролнинг шарқий соҳилида жойлашган бўлсалар керак, - деб фараз қиладилар.

М. авв. II минг йилликда Арабистон ярим оролининг жануби – ғарбий қисмида сабейлар, минейлар, катабанцлар каби қабилалар иттифоқи юзага келади. Улар хамид-семит тил оиласининг жанубий араб шевасида сўзлашганлар. Арабистон ярим оролининг шимоли – ғарбида яшовчи аҳоли эса **мидианитян** қабилаларига мансуб бўлишган.

Жуда кўп кўчманчи қабилалар ярим оролнинг марказий ва шимолий ҳудудларида жойлашган эдилар.

М. авв. I минг йилликда ярим оролнинг марказий қисмида самуд, набатей қабилалари, шимоли-ғарбида эса кедрелар, Сурия – Месопатамия даштларининг Марказий қисмида ва шимолида ариблар яшаганлар. Шунингдек ярим оролда ибодид, дихран, адуму каби қабилалар яшаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Олимлар топонимик ва этнонимик маълумотларга асосланиб бу қабилалар хамид – семит тил оиласининг жанубий ва марказий тил шахобчасида сўзлашганлар. Шунини

таъкидлаш керакки, Арабистон ярим оролидаги қадимги аҳолининг этногенези – келиб чиқиши масаласи жуда мураккаб бўлиб ҳозиргача кам ўрганилган. Олимлар бу масалада яқин хулосага келганлари йўқ.

Шимолий араб қабилалари ва давлатни барпо этилиши. Месопатамия каби йирик давлатлар Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги кичик давлатчалар чегарасида Сурия-Месопатамия дашти ва Шимолий Арабистондаги кенг ҳудудда қадимда ариби, кидри (Кедрги), набайати (набатен) самуд ва бошқа кўп қабилалар кўчманчилик билан ҳаёт кечирар эдилар.

Аҳолининг асосий, бош машғулоти чорвачилик бўлиб, от, эшак, йирик ва майда шоҳли чорва, шу жумладан думбали қўй боқишар эди. Улар туя ҳам боқишарди. Туя кўчманчилар учун жуда зарур ҳайвон эди. Туя сути, гўшти овқат учун ишлатилар, жунидан эса тола тайёрлаб мато тўқир эдилар. Туя терисидан чарм тайёрланар, чиқиндисидан ўйин сифатида фойдаланганлар. Ҳозир ҳам Арабистон ярим оролининг ҳамма жойларида туя гўшти кенг қўламда истеъмол қилинади, сути – ҳумрон шифобахш неъмат сифатида ичилади.

Энг муҳими туя дашт шароитида муҳим ҳаракат воситаси эди. Шу боис туя “сахро кемаси” деб аталади. Европалик француз сайёҳи, “туя бўлмаганда араблар қирилиб кетар эди”, - деб ёзган экан. Араблар от билан бирга туялардан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланишганлар. Уларнинг кўчманчилик тартиби ва хўжалик ҳаёти жойнинг географик муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Қишда, йилнинг намгарчилик палласида, ёмғир мавсуми бошлангач, кўчманчилар ўз подалари билан чўлнинг сувга сероб серўт сой ўзанлари – “вади” ларга бориб ўрнашганлар. У ерда баҳор бошлангач, апрель – май ойларида ўт – ўланлар тугаб сой сувлари қуригач, чорвадорлар табиий сув омборлари бўлган баҳорги ўтлоқларга кўчиб ўтганлар. Археологлар Сурия дашти ва Шимолий Арабистон ҳудудидан қадимги кудук, ҳовуз ва сув омборларининг қолдиқларини топиб ўрганганлар. Июль – август ойларида келиб Шимолий араб чўл –

сахроларида жазирама иссиқ кунлари бошланиб, асосий сув манбалари қуригач, чорвадорлар дарё ва денгиз соҳилидаги ерларга кўчиб ўтишган. Шимолий араб қабилалари орасида уруғ – жамоа муносабатлари ҳукмрон эди. У ерда қабилалар иттифоқи ва кичик – кичик давлатлар ташкил топган эди. Ариби, Кидри (Кедер) Набайати каби давлатларни князлик деб аталган. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари оссур ҳужжатларида “подшо” деб тилга олинган. Лекин уларни “шайх” деб аташ тўғрироқ ҳисобланган. Шунини айтиб ўтиш керакки, қабилалар иттифоқи бошида подшо – малика ҳукмронлик қилган. Бу ҳол мазкур қабилалар иттифоқида она уруғи қолдиқларини сақлаганлигини билдиради.

Араб қабилалари ва князликларида ўзига хос ҳарбий ташкилот, тактика ва ҳарбий санъат шаклланган экан. Уларда мунтазам қўшин бўлмаган, қабилалар иттифоқининг вояга етган эркаклари жангчи ҳисобланиб, баъзан аёллар ҳам жангда фаол иштирок этганлар.

Жангчилар отлик ва пиёда бўлиб, қилич, найза ўқ – ёй билан қуроқланар эдилар. Жанг вақтида жангчилар туядан ҳам фойдаланганлар. Туяга икки жангчи миниб бири туяни бошқарган, иккинчиси эса душман билан жанг қилиб, унга қилич солган, найза санчган ва камондан ўқ узган. Араб кўчманчилари уруш олиб боришнинг алоҳида тактикасини ишлаб чиққанлар. Улар душманлари устига тўсатдан бостириб бориб, жанг қилиб, ўлжа олгач, тезлик билан чўл ичида ғойиб бўлишган.

Баъзан Шимолий араб қабилалари иттифоқи, кичик давлатлари устига Миср фиръавнлари, Оссурия ва Бобил қўшинларининг ҳужуми ҳам бўлиб турган.

Шимолий араб қабилаларининг Оссурия билан дастлабки тўқнашувлари м. ав. IX аср ўрталарига тўғри келади. М. ав. 953 йилда Оссур подшоси Саламансар III қўшинлари Суриянинг Каркар деган жойида Сурия, Паластин, финикияликларнинг бирлашган қўшинларини мағлубиятга учратади. Бу жангда шайх Гиндибу бошлиқ араб ва мисрликлар ҳам оссур қўшинларига қарши курашда иштирок этадилар.

Оссур подшолари Тиглатпаласар III Саргон II ва Синаххариб даврида Оссур қўшинлари ғарб томон бир неча бор хужумлар уюштирадидлар. Ғарбга ўтиш даврида оссуриялик қўшинлар бир неча бор араблар билан ҳам тўқнашадилар. Оссурлар араб қабилаларини олтин ва бошқа бойликларини талайдилар, уларни катта миқдорда солиқ тўлашга мажбур этадилар.

Улар араблар қўлидаги қорамол, қўй-эчки, от ва туяларни тортиб оладилар. Оссур подшоси Асархаддон даврида шимолий араб қабилалари ва давлатлари оссур қўшинларини Мисрга ўтиш йўлидаги тўсиқ эдилар. М. ав. 675 – 674 йилларда Асархаддан шимолий арабистон қабилалари ва давлатчаларининг айримларини ўзига итоат эттиради ва оссур қўшинларини даштдан ўтишлари ва Миср томон йўналишлари учун ўз туялари билан ёрдам беришга мажбур қилади. Ашшурбанипал оссурларнинг сўнгги қудратли подшоси сифатида араб қабилалари билан айниқса Ариби, Кидри, Набайати давлатчалари билан шаддатли жанглар олиб борадилар. Бунга қарши ўлароқ араб давлатлари ўзаро бирлашибгина қолмай балки Оссурияга қарши Миср, Бобил ва бошқа давлатлар билан иттифоқ ҳам тузадилар. М. ав. VII асрнинг 40 йилларида Ашшурбанипол Шимолий араб қабилалари устидан ўз ҳукмронлигини ўиказди. Оссуриянинг мазкур қабилалари ва давлатлари устидан ҳукмронлиги вақтинча, номигагина эди. Яқин Шарқдаги бошқа йирик давлатлар ҳам Арабистонга кириб бориб у ерда ўз ҳукмронликларини ўрнатишга интилганлар. Жумладан, янги подшолик даврида Бобил подшоси Набонид Шимолий Арабиистондаги Тейму шахрини босиб олиб, бир неча йил давомида бу шаҳарни ўз қароргоҳи қилиб олади.

М. авв. VI асрга келиб Эрон давлати кучайиб атрофдаги мамлакатларни босиб олишга киришади. Бунинг учун Эрон подшолари ярим оролнинг шимолидаги қабилалар ва давлатлар билан яқинлашишга ҳаракат қиладилар. Эрон шоҳи Камбиз Мисрга ҳарбий юришга тайёргарлик кўрар экан, м. авв. 526 йилда Эрон аскарларини араб –

набатейлар еридан ўтишларига рухсат олади. Шартнома кўра Эроний аскарлар чўлдан ўтаётган даврларида араблар уларни сув ва озиқ – овқат билан таъминлашлари керак эди.

Доро I нинг қоя ёзувларида Арабистон эронийларнинг тасарруфида бўлганлиги айтилади. Аммо Геродотга кўра “араблар ҳеч қачон эронийлар ҳукмронлиги остида бўлмаганлар”. Аммо шимолий араб қабилалари ҳар йили 1000 талантдан солиқ тўлаб турганлар ва Эрон шоҳи кўшинлари таркибида бўлганлар. Улар м.ав. IV асрда юнон подшоси **Македониялик Александрга** қарши курашда Эронийлар томонда туриб жанг қилишган. (м. ав. IV аср).

Араб қабилалари Македониялик Александрнинг Шарққа юриши даврида Газа шаҳри учун бўлган жангда юнон – македонларга қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар. Шарққа юриш тугагач Македониялик Александр араб қабилаларини ўзига итоат эттиришни режалаштирган эди. Аммо у бу ишни амалга ошира олмай захарланиш ва оғир касаллик туфайли 323 йили Бобилдаги ўз саройида вафот этади.

Жанубий Арабистонда илк давлатларнинг ташкил топиши. Арабистон ярим оролининг жануби, жануби – ғарбий ва жануби – шарқий ҳудудлари географик нуқтаи назардан одамлар яшаши учун бирмунча қулайликларга эга бўлган. Бу ҳудудда ярим оролнинг бошқа жойларига қараганда дастлаб овчилик, термачилик сўнгра суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо – сотиқ анча эрта пайдо бўлиб ривожланган. Бу ҳудудда ҳам ибтидоий жамоа бузила бориб одамлар орасида хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланиш вужудга келган. Оқибат натижада ярим оролнинг бу қисмида Маин, Саба, Катабан ва Хадрамаут каби илк давлатлар ташкил топган. Булар қадимги яман цивилизациясининг муҳим марказлари ҳисобланган. Бу давлатларнинг энг шимолдагиси Маин бўлиб, дастлабки пойтахти Насиль шаҳри, кейинчалик эса Карнаву бўлган. Маинадан жануброқда пойтахти Мариб бўлган Саба давлати жойлашган эди. Сабадан жануброқда эса пойтахти Тимия бўлган

Катабан давлати, ундан жануброқда эса пойтахти Мисвар бўлган Мусан давлати жойлашган эди. Бу давлатдан шарқроқда эса пойтахти Шабва бўлган Хадрамаут давлати бор эди.

Қадимги Яман давлатларининг пайдо бўлиш даври м. ав. IX – VIII асрларга мансубдир.

М. ав. VI – V асрларда Маин, Катабан, Аусан, Хадрамаут ва Саба давлатларининг ҳукмдорлари ҳудудда ҳукмронликни, устунликни қўлга киритиш учун шиддатли кураш олиб борганлир.

Саба, Катабан ва Хадрамаут давлатларининг бирлашган қўшинлари билан Аусан қўшинлари ўртасида ўта даҳшатли уруш бўлиб ўтади. Уруш майдонида аусанликлардан 16000 киши шафқатсизларча кириб ташланган. Аусаннинг энг муҳим шаҳарлари вайрон қилиниб ёндириб юборилади, тез орада Аусан давлати барҳам топиб Катабанга қўшиб олинади. маин эса машаққат билан Саба ва Катабаннинг ҳужумини қайтаради. М. ав. I асрда Хадрамаут ўз мустақиллигини сақлай олмай, Сабей подшолигига қўшиб юборилади.

М.ав.III – I асрларда Катабан Арабистон жанубидаги кучли давлатга айланади. Аммо м. ав. I асрга келиб Катабан қўшинлари Саба ва Хадрамаут қўшинлари томонидан тор – мор этилиб, унинг ерлари Саба ва Хадрамаут давлати ҳукмдорлари томонидан бўлиб олинади.

М. ав. I минг йилликда Сабей подшолиги Арабистон жанубидаги қудратли давлатга айланади. Саба давлати ўз қудратининг чўққисига чиққан вақтда унинг майдони Қизил денгиздан Хадрамаутгача, Марказий Арабистондан Ҳинд океани соҳилларигача бўлган ерларни эгаллаган эди

Жанубий Арабистон аҳолисининг хўжалиги. Ижтимоий тузуми ва маданияти. Жанубий Арабистон давлатларининг хўжалиги биринчи навбатда суғорма деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Дарё водийлардаги деҳқончилик воҳаларида арпа, буғдой ва буғдойнинг алоҳида бир нави экиб парвариш қилинган. Тоғлик туманларнинг ёнбағридаги террассаларда узумчилик ривожланган эди.

Воҳалардаги асосий ерлар хурмозорлар билан банд эди. Дехқонлар боғдорчиликка ҳам катта эътибор берганлар. Сунъий суғоришга асосланган хўжаликларда суғориш иншоатлари қуришга катта эътибор берилган. Мариб тўғони, сув омбори Адендаги Тавил ва бошқа сув омборлари жанубий араб деҳқончилигини сув билан таъминлаб турган. Мариб сув иншооти жуда катта бўлиб, тўғоннинг узунлиги 100 метр, баландлиги эса 15 метр бўлган. Бу тўғон м. ав. VII асрда барпо қилинган бўлиб, анча катта деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини суғорган.

Жанубий Араб давлатлари хўжалигида чорвачилик юксак даражада ривожланган бўлиб, чорвадорлар йирик шоҳли қорамол, калта жунли думбали қўй ва туячилик билан шуғилланганлар. У ерда йилқичилик ҳам ривожланган бўлса керак. Туя отлардан хўжаликда ва ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланганлар. Жундан ип йигириб, мато тўқиганлар тўқилган матолардан энгил – бош, уй – рўзғор буюмлари тикилган. Бу давлатларда ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Тошга ишлов бериш, бинокорлик ишлари ер ости маъданларини қазиб олиш, уларга ишлов бериш, темирчилик, заргарлик, кулолчилик, денгиз бўйларидаги шаҳарларда кемасозлик, тўқимачилик анча ривожланган эди. Арабистон ярим оролида кўчманчи чорвадор қабилалари билан жанубдаги ўтроқ шаҳар ва қишлоқ ўртасида, шунингдек, шаҳар ва қишлоқлар ўртасида қизгин савдо муносабатлари ўрнатилган эди.

Бутун араб дунёси, хусусан жанубдаги давлатлар Шарқий Африка, Миср, Иккидарё оралиғи, Ҳиндистон ҳатто Ўртаерденгизи ва Эгей денгизи ҳавзасидаги халқлар билан ҳам савдо – сотиқ ишларини олиб борганлар. Араб савдогарлари хорижий мамлакатларга қатнашда денгиз – сув ва қуруқлик йўлидан фойдаланганлар.

М. ав. II минг йиллик ўрталарида жанубий араб тил ва қабилавий жамоалари миней, катабан ва сабей каби йирик қабилавий иттифоқларга бўлинади. М. ав. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларига келиб ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш

муносабатлари ўзгаради. Яман худудида илк қулчиликка асосланган табақавий жамият вужудга келади. Жамиятда мулккий тенгсизлик, хусусий мулкчилик ўсиб, одамлар орасида табақаланиш пайдо бўлади. Ҳокимият бой – бадавлат кишилар ихтиёрига ўтади.

Семинар машғулотига учун саволлар:

1. Ўртаер денгизининг шарқий ва ғарбий соҳилининг қадимги аҳолиси ҳақида умумий маълумот беринг.
2. Ўртаер денгизининг шарқидаги қадимги давлатлар: Паластин, Финикия, Сурия, Ямхад, Дамашқ шоҳлиги, Исроил-Яхудий шоҳлиги.
3. Сурия ва Финикия шаҳар-давлатлари: Угарит, Арвад, Библ, Сидон, Тир, Дамашқ, Эбла ва Кадеш ҳақида маълумот беринг?
4. Қадимги Сурия ва Финикия маданияти.
5. Қадимги Карфаген давлатининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти.
6. Жанубий Арабистонда илк давлатларнинг ташкил топиши: Маин, Саба, Катабан ва Хадрамаут илк давлатлари.
7. Жанубий Арабистон аҳолисининг хўжалиги, ижтимоий тузуми ва маданияти.

Билимларни мустақамлаш учун саволлар:

1. Иерихань маданияти ҳақида сўзлаб беринг?
2. Сурия, Финикия ва Паластин (манбалар ва тарихнавислик).
3. Финикия ва Сурия ҳақидаги ёзма маналар.
4. Паластинда хўжаликнинг ривожланиши ва шаҳар давлатларнинг ташкил топиши.
5. Исроил-Яхудий подшолигини ташкил топиши
6. Қадимги Сурия ва Финикия
7. Сурия ва Финикияда дастлабки ибтидоий дин шакллари
8. Яхмад ва Гексослар давлати
9. Карфаген – Тир маданияти ўзига хос хусусияти.

- 10.Араб ярим ороли ва Сурия – Месопатамия даштининг қадимги аҳолиси.
- 11.Қадимги Арабистон тарихининг манбалари.
- 12.Қадимги Арабистон тарихини ўрганилиши.

IV БЎЛИМ. КИЧИК ОСИЁ ВА КАВКАЗОРТИ

МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИ

1-§. Қадимги Хетт подшолигининг манбалари ва тарихнавислиги

1829 йилда Ф. Ж.Ф.Шампальон томонидан Рамзес II ёзувларининг топилиши ва Р.Лепсиус томонидан нашр этилиши XIX асрнинг 40 йилларида “Кадеш ёнидаги жанг” Миср-Хетт тинчлик шартномасининг тузилиши қудратли Хетт давлатининг мавжуд бўлганлигини айтишга имкон берди.

1876 йилда эса хетт иероглиф ёзуви топилган. 1906-1907 йилларда (ҳозирги Бўғозқоя яқинидаги жой, Анқара яқинида) хеттлар пойтахти Хаттуса ҳаробалари немис оссурологи Т. Винклер ва турк археологи Макирдибей томонидан қазиб очилган. Бу ёдгорликнинг маданий қатламларидан топилган буюмлар Хетт давлати тарихи ва маданияти ҳақида бирмунча кенг маълумот тўплашга имкон берди. Топилган буюмлар орасида миҳхат (понасимон) билан аққад ва хетт тилида ёзилган катта бир архив топилган. Қадимги хетт ёзувлари ўрганишда атоқли чех олими Б. Грознийнинг хизматлари катта. У 1915-1917 йилларда хетт ёзувини ўқишга муяссар бўлган.

Хетт ёзувлари асосан м. ав. XIV асрга мансуб бўлиб, мазмунан хетт йилномалари, подшоларнинг ёзишмалари ва Хетт қонунлар мажмуасидан иборат бўлган. Унда Хетт дипломатияси адабиёти, Миср фиръавнлари, Оссур ва Бобил подшолари билан ёзишмалари, шунингдек халқаро ва ҳар хил шартномалар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Хетт ёзувларида хўжалик ва адабий-диний тесстлар ҳам сақланиб қолган.

Б. Грозний ёзувлари ва тилини ўрганар экан, Хеттлар тилини ҳиндевропа тил оиласига мансуб деб ҳисоблайди. Аммо Туркия олимлари хеттларни турк тили оиласига мансуб деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ёзишича хеттларгача бўлган ёдгорликлар “Туркий хусусиятга” эга деб ҳисоблайдилар.

Қадимги Хетт тарихи ва маданияти Б. Ландсбергер, Ю.Леви каби немис олимларини П.Гареллидек франсуз, Н.Б.Янковский, Б.А.Тураев ва В.В.Струве каби рус олимларининг диққат эътиборини ўзига тортган.

Э.А. Менабде, Г.Г.Гиоргадзе, В.В.Иванов, И.М.Дунаевский, Г.И.Довгяло, В.Г.Ардзинба каби олимлар Қадимги Хетт давлат тарихи, хўжалиги ҳақида, шунингдек тузуми, унинг ўзига хос хусусиятлари, тили маданияти билан шуғулланиб, тадқиқот ишлари олиб борганлар. Хетт далати ва кўшнилариининг географияси билан Г.Капанцан ва В.Н.Хачатрянлар шуғулланишган. Хеттологлардан чех олими В. Замаровскийнинг ишлари ҳам таҳқинга сазовордир. Шунингдек хеттлар тарихи, тарихнавислиги билан хорижий олимлардан Э.Вайднер, Э.Форрера, А.Гетце, Х.Оттен, О.Герни, С.Хайнхольд – Крамер, рус олимларидан В.И.Авдиев, А.А.Вигасин, М.А.Дандамаев, В.М.Массон, В.И.Кузишин ва бошқа олимлар жиддий шуғулланганлар.

Троя, Фригия ва Лидия подшоликлари тарихини ўрганилишининг манбалари. Кичик Осиёнинг ғарбидаги Троя, Фригия ва Лидиянинг қадимги тарихини ўрганишнинг асосий манбалари моддий маданият ёдгорликлари, эпитафик ҳужжатлар ва қадимги муаллифларнинг асарларидир.

Бу жиҳатдан ҳаваскор немис археологи Г. Шлиманнинг 1870-1890 йилларда Гиссарлик тепалигидаги Троя ҳаробаларида олиб борган археологик қазув ишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Троя қазилари натижасида топилган ашёвий далаларга асосланиб Г. Шлиман бу шаҳар тарихи ҳақида жуда қизиқарли ажойиб китоб ёзган.

1932-1938 йиллар орасида эса К. Блеген раҳбарлигидаги америка экспедицияси қазиларини олиб бориб, жуда кўп моддий маданият ёдгорликларини қўлга киритган.

Америкалик тадқиқотчи археологлар қазилмалар ўтказар эканлар тепаликдаги маданий қатламларнинг ўзаро кетма-кетлигини ва уларнинг санаси, даври – хронологиясини аниқлашга муваффақ бўлганлар.

Сўнгги йилларда М.Корфмани бошлиқ экспедиция Трояда археологик қазишлар олиб бориб янги кашфиётларни қўлга киритди.

Хорижий мамлакатларнинг археологлари фригияликларнинг пойтахти Гордионда, лидияликлар пойтахти Сардада, шунингдек ғарбий Осиёнинг бошқа марказларида ҳам қазишмалар олиб борганлар. Археологик қазишлар даврида археолог олимлар мазкур жойлардан қадимий саройларнинг, ибодатхона, қалъа, қабр-қўрғонларнинг қолдиқларини, шунингдек сопол ва таъсвирий санъат буюмларининг намуналарини топиб ўрганганлар.

XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ карий ёзувлари маълум эди, кейинчалик карий ёзувлари Кичик Осиё, Миср ва Шимолий Африкадан ҳам кўплаб топилган.

Лидия ёзувларини мунтазам равишда тўплаш, ўқиб чиқиш ва нашр этиш XX аср бошларида бошланади. Бу жиҳатдан лидия – арамей ёзувларининг топилиши лидия эпиграфик матнларини ўқилишини енгиллаштирди. XX асрнинг 60 йилидан бошлаб лингвистлар (қадимги тилшунослар) энг қадимги лидей ва карий давригача бўлган ёзувларни ўқиш устида қизгин тажрибалар ва баҳслар олиб борилмоқдалар. Замонамизгача Кичик Осиё ғарби даврида қадимги фигурий ёзувлари, шунингдек қабр тошларига ёзилган ёдгорликлар сақланиб қолганлиги аниқланди. Лингвистик маълумотларни ва эпиграфик ёдгорликни ўқиб чиқаришда А.Сейс, И.Фридрих, П.Мериджи, Р.Гусман, О.Карруба, А.Хойбек ва Э.Ларошларнинг ҳизматлари каттадир.

Троя, Фригия ва Лидия шоҳликлари тарихи ва маданиятини ўрганишда Юнон ва кичикосиёликларнинг ривоятлари, достонлари, афсоналари ва ҳикоялари жуда кўп маълумотлар беради. Бу жиҳатдан кўр – сўқир шоир Гомернинг “Илиада ва Одиссея” достони Троя шоҳлиги тарихини ўрганишнинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Бу достон м. ав. XII – XI аср Троя-Юнон урушлари ҳақида аниқ маълумот беради.

М. ав. II асрда яшаб ижод этган Аполлодрнинг “Мифологик кутубхонаси” асари ҳам трояликлар тарихини ва маданиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Лидия тарихи ҳақида келиб чиқиши Кариждан бўлган Геродотнинг “Тарихи”да ҳам қимматли маълумотлар бор. Мил. авв. IV асрда яшаган лидиялик тарихчи Ксанфа асарларида ҳам кўп маълумотлар учрайди.

М.ав.I асрда яшаган Николай Дамасский, м. ав. I аср ва милодий I асрда яшаган Страбоннинг “География” асарида ҳам Кичик Осиё ва кичикосиёликлар ҳақида кўп маълумот тўплаш мумкин. К. Белеген “Троя шоҳлиги”, Э. Акругаля “Фригия тарихи, санъати”, Г. Каллтча, К. Мазетти Лидиянинг хронологияси ҳақида кўп маълумот қилдиришган.

Рус археолог тарихчилардан В.В.Струве, И.М.Дъяконов, В.В.Иванов, В.И.Авдиев, П.Н.Утаков, В.И.Кузишин, В.П.Нерознакнинг хиссалари ҳам каттадир. Улар ўзларининг асарларида кичик Осиё халқларининг тарихи, этно-лингвистик масалаларига, Кичик Осиёнинг ғарбдаги давлатлари, халқлар тарихининг хронологияси, шунингдек Юнонистон ва шарқ дунёси билан ўзаро иқтисодий ва савдо алоқаларига қаратганлар.

2-§. Кичик Осиёдаги қадимги деҳқончилик ва ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши. Илк давлатларнинг ташкил топиши. (м. ав. 8-7 минг йиллик)

Археологик ашёвий далилларга кўра м.ав.VIII-VII минг йилликларда Кичик Осиёда қатор қишлоқлар пайдо бўлиб, одамлари девори пахсадан кўтарилган уйларда истиқомат қилганлар. Улар термачилик, овчилик ва илк деҳқончилик билан шуғулланиб тирикчилик ўтказганлар. Деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш хўжалик ва маданиятнинг ривожланишига асос солган. Бу жараён м. ав. VII-VI минг йилликка мансуб бўлган Чатал – Хююк маданияти мисолида яққол кўзга ташланади. Бу ерда яшаган қабилалар Конъи серҳосил водийсини ўзлаштириб, бу ерда ўнлаб қишлоқлар барпо қилганлар. Бу қишлоқлардан бири Чатал-Хююк эди.

Чатал-Хююкнинг майдони 12 гектарни эгаллаб, қишлоқ аҳолиси 14 хилга яқин экин турларини экиб парвариш қилганлар. Улар орасида буғдой, арпа ва нўхотнинг бирнеча нави бўлган бўлиб, улар хонаки қўй ва эчкиларни боқиб кўпайтирганлар. Аҳолининг энг муҳим технологик ютуқлардан бири мис ва кўрғошинни эритиб, жез ҳосил қилиб, улардан мунчоқ, ҳар хил рўзғор буюмлари, игна ва тешгич-бигизлар ясаганлар. Аммо деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қуролининг аксарияти тошдан ва ёғочдан бўлган. Уларнинг деворлари мустаҳкам пахса девордан кўтарилган бўлиб, ҳар турли безаклар, шу жумладан мунчоқлар кенг тарқалган эди. Аёлларнинг қабрларида ёғ билан тайёрланган ангоб-оҳра, обсидиандан тайёрланган ойна ва бошқа безак буюмлар топилган. Турар жойлар яқинида унча катта бўлмаган ибодатхона бўлиб, унинг деворлари лойдан ясалган хайкалчалар ва расмлар билан безатилган. У ерда буқа эътиқоди, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик ҳомийси, илк деҳқончилик худоси образи кенг тарқалган эди.

Деҳқон-чорвадорлар жамоаси м. ав. V-IV минг йилликларда ривожлана борган. Аммо уларнинг маданияти Чатал-Хююкга нисбатан ёрқинроқ ва мукамалроқ эди. Улар 0.5-5 гектарни эгаллаган қишлоқларда яшаганлар. Бу жануби-ғарбий Анталия ва МарЦиндаги Ходжилар деган жой мисолида кўзга ташланади. Мазкур даврда металдан ясалган буюмлар кўпая бориб, тош қуролининг сони камайган. Марсинда мисдан қилинган тешага ва болталар топилган. Бошқа қишлоқдан эса мисдан ясалган буюмлар омборлари орасида кумушдан ясалган халқа топилган. Сопол идишлар чиройли расмлар билан безатилган. Бу ҳол мазкур жойда ҳунармандчиликнинг яхши ривожланганлигидан дарак беради.

Ярим оролни табиий муҳити бу жойларда алоҳида маданиятлар ва этник хилма-хилликни вужудга келиши учун шароит яратган. Археологлар Кичик Осиёда 10 дан зиёд маданиятнинг турларини аниқлаганлар. Археолог олимларнинг таъкидлашларича Кичик Осиё қабилалари Месопотамия, Олд Осиёдаги қабилалар билан яқидан алоқада

бўлганлар. Кичик Осиёдаги суғорма деҳқончилик Миср ва Месопотамияга нисбатан суст ривожланган. Чунки бу ҳудудда Мисрдаги каби Нил, Месопотамиядаги Фрот ва Дажла каби доимо оқиб турувчи серсув дарёлар йўқ эди.

М. ав. III минг йилликка келиб этник гуруҳларнинг кўчиши натижасида Кичик Осиёда хал қилувчи ўзгаришлар содир бўлган. Бу ҳудудда хўжаликнинг ривожлана бориши натижасида атрофи мустаҳкам девор билан ўраб олинган шаҳар тапидаги марказлар қад кўтаради. Булар қаторига энг қадимги Троя подшолиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу шаҳар типидagi қалъалар майдони 1-2 гектар бўлиб, улар ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бойлик тўпланадиган жой ҳисобланган. Қазилар вақтида бу марказлардан олтиндан ясалган идишлар ва безаклар омбори-ҳазинаси ҳам топилган.

Трояни қазилар вақтида Болтиқ бўйи янтари ва шимолий Афғонистондан келтирилган лаъл каби қимматбаҳо тошлар ҳам топилган. Доракдаги қабирдан эса Мисрда ишлаган ёғоч қутича топилган. Шунини айтиш лозимки, Сурия, Месопотамия, Оссурия ва бошқа мамлакатларга Кичик Осиёдан мутассил металл рудаси чиқарилиб турилган. Қадимда Кичик Осиёнинг ўзида ҳам металл эритиш, унга ишлов бериш гуллаб яшнаган.

Маҳаллий уста-темирчилар ва заргарлар ажойиб тақинчоқлар ва хилма-хил қурол – аслаҳалар ишлаб чиқарганлар. Қуролсозликнинг ривожланиши ва мудофа иншоотларининг мустаҳкамланиши ўша даврдаги ҳаётнинг қизгин эканлигини кўрсатади. Мазкур давр ибтидоий жамоанинг ҳарбий демократия босқичига тўғри келади. Қабила бошлиқлари, савдогарлар ва ҳунамандлар ташқи ҳужумлар вақтида тўплаган бойликларини қалъа деворлари орқасига яширинганлар. Шу даврга келиб ишлабчиқаришнинг ривожланиши натижасида мулкий тенгсизлик, хусусий мулк ва табақаланиш шакллана бошлайди.

Бу ҳақида Дорак ва Аладжа-Хююкда м. ав. III минг йилликда бой зодагонларнинг қабрини очилиши мисол бўлаолмади.

М. ав. III минг йиллик охирларида Кичик Осиёда яъни Анатолияда илк давлатларнинг пайдо бўлиши учун шарт-шароит вужудга келади.

Кейинги даврдаги манбаларга асосланиб Хатти, Каниш, БусурХаньда, Хахха каби марказлар вужудга келади. Булар Мисрдаги илк номларга ўхшар эди. Бу м. ав. XXIV-XXIII асрларга тўғри келади. Шундай қилиб ёзма битиклар, архологик ашёлар ва Юнон муаллифларининг асарларидаги маълумотлар Кичик Осиё халқлари тарихини ва маданиятини ўганиш учун энг зарурий манбалари ҳисобланадилар.

3-§. Қадимги Хетт подшолиги

М. ав. III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларида Кичик Осиёда жуда кўп қабилалар яшаганлар. Улар бирлашиб **Неса, Каниш, БурусХаньд, Куссар** ва **Хаттуса** каби алоҳида шаҳар-давлатларини тузганлар. М. ав. XVIII аср бошларида Куссар ҳукмдори **ПитХань** яриморолнинг шарқий қисмини бирлаштириб, ўзини подшо деб эълон қилган. ПитХаньнинг ўғли **Анигта** узоқ давом этган қаттиқ жанглардан сўнг Неса Хаттуса, Залпува каби шаҳар-давлатларини босиб олиб, **Хетт** подшолигига асос солади. **Неса** Хетт подшолигининг пойтахтига айлантирилади.

М. ав. 1680—1650-йилларда ҳукмронлик қилган Лаборна (Табарна) мамлакатни бирлаштиришни охирига етказди. У мамлакатнинг кўп жойлари ва Қора денгизнинг жанубий соҳилларигача бўлган ерларни истиёло қилади. Уларни Хетт давлати таркибига қўшиб олади. У пойтахтни Несодан **Хаттусага** кўчиради. Подшо **Хаттусили I** (м.ав. 1650-1620) ва **Мурсили I** (1619-1590) даврларида Хетт подшолиги кучайиб, хетт қўшинлари шимолий Суриядаги Халап ва Библ шаҳарларини босиб оладилар. Шу даврда мамлакат ичкарасида куллар ва камбағаллар кўзғолон кўтарганлар. Хетт подшолари саройида фитна кучайиб

Хаттусили I га нисбатан суиқасд уюштирилиб у ўз куёви томонидан ўлдирилади. Подшо Телепен даврида (1520-1490) Хетт подшолиги бир оз кучайган. Лекин Телепен вафотидан сўнг подшолик кучсизланиб инкирозга учраган.

Ўрта Хетт подшолиги. Телепен вафотидан кейин, унинг ўғиллари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланади. Бу давр м. ав. XVI аср охири ва м.ав. XV асрни ўз ичига олади. Ўрта Хетт подшоҳи даврида подшолик кучсизланади. Шу даврда подшоликнинг жануби-шарқида Митанни давлати кучайиб, Митанни қўшинлари Киликиянинг бир қисмини босиб оладилар. Шимолдан эса Қора денгиз соҳилларида яшаган кашк қабилалари хеттлар юртига хужум қилиб, Хаттуса шаҳрини босиб олиб, уни вайрон қиладилар. Ўрта Хетт подшолиги давомида камбағаллар ва қуллар кўзғолони кучайиб кетган. Саройда тож-тахт учун кураш ҳам қизғин тус олган. Ташқи душманларнинг хужуми, ички ғалаёнлар ва зодагонлар орасидаги ўзаро тожу-тахт учун курашлар подшоликни ҳалокат остонасига олиб келиб қўяди. Шу билан Ўрта Хетт подшолиги ҳам ўз ниҳоясига етади.

Янги Хетт подшолиги даврида улуғ Хетт салтанати м.ав.XIV – XIII асрлар. М. ав. XIV аср бошларида Суппилулиум Хетт давлати тахтига ўтиради. У серғайрат лашкарбоши, моҳир дипломат ва узоқни кўрувчи доно сиёсатдон одам эди. Суппилулиум даврида Хетт подшолиги қайта тикланиб равақ топади. У Хетт қўшинларининг жанговарлик жиҳатларига катта эътибор беради. Хетт қўшини от қўшилган тезкор жанг аравалари билан таъминланади. Жанг араваларнинг ҳар бирида ҳайдовчи, комондоз ва қалқонбардорлардан иборат уч жангчи бўлар эди. Хеттлар урушда жанг араваларидан фойдаланишни гиксослар ёки митанниликлардан қабул қилган бўлсалар керак. Уруш вақтида жанговар аравали қисмлар шиддат ва тезкорлик билан хужумга ўтганлар ва душман сафларини саросимага солганлар. Подшо Хетт шаҳарларини, хусусан мамлакат пойтахти Хаттусанинг мудофаа иншоотларини мустаҳкамлашга

хам катта эътибор берган. Суппилулиум кўшни мамлакатлар устига лашкар юбориш, ўз қизларини уларнинг шоҳ ва шаҳзодаларига никоҳлаб бериш ва турли дипломатия усулларини қўллаб, уларни ўзига қаратиб хатто иттифоқдош қилиб олади. Жанговар хетт қўшинлари жануби-ғарбда Арқава подшолигини, жанубда Киликия ва Суриянинг катта қисмини босиб оладилар. Хетт қўшинлари Митаннига хужум қилиб, ғолиб чиқадилар. Митанни подшоси сарой фитначилари томонидан ўлдирилади. Шу даврда Оссурия билан Алшиннинг бирлашган қўшинлари Митаннига бостириб кирадилар. Вазиятдан фойдаланган Хетт подшоси ўз қизини Тушратининг ўғли шаҳзода **Шаттивасга** никоҳлаб, шаҳзодани Митанни тахтига ўтқизади.

Суппилулиум даврида Митанни хеттларга қарам бўлиб қолади. Суппилулиум подшолиги даврида Хетт подшолиги Қора денгиз бўйларидан Паластин, Бобил ва Оссурия чегараларигача бўлган ерларни ўз ичига олган эди.

Суппилулиум вафотидан сўнг тахтга Мурсили II (1340—1305) ўтиради. Мурсили II даврида асосий ҳарбий ҳаракатлар Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида олиб борилади. Чунки Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида Арқава подшолиги раҳбарлигидаги Мира ва Лукка давлатлари иттифоқи бор эди. Улар жануби-ғарбдан Хетт подшолигига хавф солиб турар эдилар. Мурсили II Мира, Лукка ва Милетларни ўз томонига оғдириб, иттифоқчиларни кучсизлантиришга эришади. Лекин улар ҳамон кучли рақиб бўлиб турар эдилар. Валма шаҳри яқинида хеттлар билан Арқава иттифоқчи қўшинлари ўртасида даҳшатли жанг бўлиб ўтади. Жангда иттифоқчилар қўшини енгилиб, Арқава шоҳи ва унинг ўғли қочиб кетадилар. Хетт қўшинлари Апасу (Эфес) шаҳрини эгаллаб, Эгей денгизи соҳилларига чиқадилар Шундан кейин Арқава давлати эндиликда Хетт подшолигига қарам бўлиб қолади. Шунингдек Кичик Осиё яриморалининг катта қисми ҳам хеттлар ихтиёрига ўтади. Бу даврда Хетт подшолигининг ҳарбий куч-қудрати энг юқори даражага кўтарил эди.

Хетт подшолигининг кучсизланиши ва парчаланиши. Мурсили II подшолигининг охирларида Олд Осиёдаги сиёсий аҳвол ўзгаради. Сети I ва Рамзес II (м.ав. 1290-1224) фиръавнлик қилган даврда – м.ав. 1337-1224 йилларда Миср подшолиги кучаяди. Миср фиръавнлари Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларни қайтадан қўлга киритиш учун хеттлар билан қаттиқ кураш олиб борадилар. Бу уруш М. ав. 1270-йили **Миср-Хетт** сулҳи билан якунланади. Сулҳга биноан Суриянинг катта қисми ва шимолий Финикия хеттлар, Паластин ва Жанубий Финикия эса мисрликлар ихтиёрига ўтади. Шу даврда Оссур подшолари Митаннини олиб, хеттларга таҳдид соладилар. Хетт қўшинлари уларнинг хужумларини аранг қайтардилар. Хеттлар ғарбда Трояни истило қилиб, Лидия шоҳлигининг пойтахти Сарди шаҳрини вайрон қиладилар.

М. ав. XIII аср охирида ғарбдан Кичик Осиё, Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар ва Мисрга “Денгиз халқлари” номи билан машхур бўлган қабилалар хужум бошлайдилар. “Денгиз халқлари” — ахейлар, сардлик шердонлар, турша-этруск ва бошқа қабилаларнинг иттифоқидан ташкил топган эдилар. Миср фиръавнлари жуда қийинчилик билан уларнинг хужумларини қайтаришга муваффақ бўлганлар. Кичик Осиёдаги катта-кичик давлатлар, хусусан Хетт подшолиги ҳам “денгиз халқлари” хужумига бардош бера олмаганлар. Хеттларнинг жанговар аравали қисмлари ҳам босқинчиларнинг қаршилигини синдира олмаган.

М. ав. 1190-йили “Денгиз халқлари”нинг лашкарлари Хетт подшолиги маркази Хаттусани ишғол қилиб, уни вайронага айлантирадилар. “Денгиз халқлари”нинг берган зарбалари натижасида яқингинада қудратли ҳисобланган Хетт подшолиги барҳам топади. М. ав. XII—VIII асрларда бу қудратли подшолик майда-майда давлатларга бўлиниб кетади.

Хеттларнинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти.
Хеттларнинг ижтимоий тузуми. Маълумки Кичик Осиёда дастлаб бир неча шаҳар-давлатлари ташкил топган эди. Бу давлатларнинг ўзига хос

бошқарув тизими ҳам бўлган. Шаҳар-давлатларнинг ҳокимлари халқ йиғини томонидан сайлаб қўйиларди. Ҳоким давлатни амалдорлари, ҳарбий бошлиқлари ва руҳонийларига таяниб бошқарган экан. М.ав.ХVIII аср бошларида Куссар ПитХань ҳукмдори бир неча шаҳар-давлатларни бирлаштириб ўзини подшо деб эълон қилади. Анитта даврида эса Хетт подшолигига асос солинади. Шу даврдан бошлаб подшолик тахти отадан болага мерос тариқасида ўтадиган бўлди. Табарна даврида Хетт подшолиги бирмунча кучаяди. У ўзини “Улуғ подшо” деб эълон қилган. Табарна номи подшолик унвонига айланган. Шундан бошлаб Хетт подшолари ўзларини „табарна” деб атаганлар.

Ўша вақтдаги ёзувларнинг бирида: *„Улуғ подшо Табарна ўз шаҳри Кассирда касал бўлиб қолади. Ўғли Мурсилни подшоликка чақириб, амалдорларига энди мен ўғлимни сизларнинг устингиздан “табарна”-подшо қилдим*”, деб ёзилган экан. Подшо Телепин даврида тахт ворислиги тартибга келтирилиб, мустахкамланади. Ўша даврдаги қоидага кўра подшолик тахти подшо ўғилларига, ўғиллари бўлмаса ака-укаларига, улар ҳам бўлмаса куёвларига мерос қилиб қолдирилган. Хетт давлатида подшо жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган. Давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишда оқсоқоллар кенгаши – тулия ва ҳарбийлар йиғини – панкусни чақирган. Подшо тулия ва панкуснинг розилигини олмай туриб жиноятчиларни ўлимга буюрмаган. Подшо қошида қариндош уруғларидан иборат аслзодлар кенгаши ҳам фаолият кўрсатган.

Ер подшо, амалдор, руҳоний, эркин кишилар ўртасида тақсимланган. Мамлакатда қуллар ҳам кўп бўлган. Ҳарбий асирлар қулга айлантирилган. Озод кишилар жиноят қилсалар жарима тўлаб қутилиб кетганлар. Ўғирлик қилиб қўлга тушган қулларнинг бурни, қулоғи ва бошқа аъзолари кесиб ташланган. Жиддийроқ жиноятчи қуллар ўлимга ҳукм қилинганлар.

Хетт подшолигининг хўжалиги. Хетт мамлакатининг табиий шароити у ерда хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожланишига имкон берган. Хетт деҳқонлари Қизилормоқ, Яшилормоқ, Сайхун, Жайхун каби

катта-кичик дарё ва сой водийларини ўзлаштирганлар. Бу жойларда каналлар қазилиб, тўғонлар қурилиб, деҳқонлар суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар сабзавот ва полиз экинлари экиб улардан мўл ҳосил олганлар. Сувсиз, суғорилмайдиган ерларга нўхат, арпа тарик, мош, буғдой экиб лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғилланганлар. У ерда суғорма деҳқончиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Қадимги Хетт қонунларида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш таъкидланган. Аҳоли олма, нок, ўрик, олхўри, анжир, узум экиб боғдорчилик билан ҳам шуғулланган. Маълумотларга қараганда мамлакатда қадимдан бошлаб паррандачилик ва асаричилик ҳам ривож топган экан.

Кичик Осиёнинг катта қисми серўт яйловлардан иборат бўлгани учун у ерда чорвачилик яхши ривожланган эди. Чорвадорлар сергўшт, дағал жунли, қўй, эчки ва қорамол боққанлар.

М. ав. II минг йилликдан бошлаб Кичик Осиёда, шунингдек Хеттлар мамлакатада йилқичиликка алоҳида эътибор берганлар. Даштларда отларнинг турли зотлари парвариш қилинган. Чорва аҳолини сут, гўшт, ёғ, жун, тери ва ишчи кучи билан таъминлаган. От, эшак ва хўкизлардан хўжалик мақсадларида кенг фойдаланилган. Отлардан эса кўпроқ ҳарбий мақсадларда фойдаланилган.

Анатолия тоғларида олтин, кумуш, мис, қўрғошин, темир, туз, тош ва бошқа маъдан конлари кўп бўлган. Шунинг учун мамлакатда *тоғ-кон саноати, темирчилик, мискарлик, қуролсозлик заргарлик, асбоб-ускунасозлик ва ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, кулолчилик, дурадгорлик* ва бошқа тармоқлари ҳам ривож топган эди.

Мамлакатда ички ва ташқи савдо яхшигина ривожланган бўлиб. Хеттлар Кавказ, Юнонистон, Миср, Оссурия, Месопотамия ва бошқа қўшни мамлакатлар билан қуриқлик ва сув йўллари орқали қизгин савдо-сотик ишларини олиб боганлар.

Қадимги Хетт маданияти: ёзуви, илмий билимлари, санъати ва адабиёти. Қадимги Хеттлар ўзларига хос маданият яратганлар. Улар

Месопотамия, Кавказ ва Ўртаер дэнгизи соҳилидаги мамлакатлар маданиятларидан кўп нарсаларни қабул қилганлар. Улар шумер-аккад алифбоси асосида Хетт иероглифи ва миххатсимон ёзувларини яратганлар. М.ав. 1270 йилда Хетт подшоси Хаттусили III билан Рамзес II ўртасида тузилган дўстлик битими шумер-аккад, Хетт ва Миср тилларида шу иероглифлар билан ёзилган экан.

Хеттларда *астрономия, математика, геометрия, тарих, агрономия, ветеринария, табобат* ва бошқа фанлар ўз даврида анча ривож топган эди. Қадимги Хеттларда ҳайкалтарошлик, тоштарашлик, қабартма рассомчилик ва қоя тошларга расм ишлаш ҳам ривож топган эди. Улар асосан худолар, подшолар, жангчилар, ҳар хил ҳайвон, от, жанговар арава ва бошқа нарсаларнинг ҳайкалларини расмларини моҳирлик билан ишлаганлар.

“Улликумин ҳақида қўшиқ” ва “Телепин ҳақидаги афсона” лар Хетт адабиётининг энг ажойиб намуналари ҳисобланади. Ўша замонлардада “Суппилулиум I солномаси”, “Мурсили II солномаси” ва “Хаттусили III таржимаи ҳоли” каби тарихий асарлар ҳам яратилган.

Янги подшолик даврида эса Месопотамияликларнинг “Гелгамеш ҳақида достони”, Гесиоднинг “Теогония” каби асарлари хетт тилига таржима қилинган.

Ўша даврда яратилган адабий ва тарихий асарлар хеттлар ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Қадимги Хетт дини ва эътиқоди. Қадимги Хеттлар ҳаёти ва эътиқодида ибтидоий эътиқод шакллари кенг тарқалган эди. Улар ер, сув, тоғ, момақалдиروق, чакмоқ худоларига эътиқод қилганлар. Уларда ҳосилдорлик худоси аёл қиёфасида тасвирланган. Айни пайтда хеттлар тоғ чўққилари, момақалдиروق, яшин, ёғингарчилик ва ҳосилдорлик худоси **Тешубни** улуғлаганлар ва унга эътиқод қилганлар. У **“Осмон подшоси, Хетт мамлакати ҳомийси”** ҳисобланган. Унинг хотини Қуёш худоси

бўлиб, у ҳам мамлакат ҳомийси ва Хетт подшолари маликаларининг ҳомийси бўлган.

Тешубни белига қилич такқан ва чап қўлида бир тутам яшин, ўнг қўлида жанг болтаси ушлаган ҳолда тасвирлаган. Бошқа Хетт худолари ҳам турли қиёфада тасвир этилганлар. Тешуб Хетт подшолигини ташкил топган даврида давлат ва подшо ҳокимиятига ҳомийлик қилувчи худога айланади. Хетт подшолари мамлакатнинг бош руҳонийлари ҳисобланган. Хеттларда подшолар худо даражасига кўтариб улуғланган. Мамлакат аҳли подшони “Қуёш”и деб атаган ва улукўлаган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатда бош худолардан ташқари ҳар бир қишлоқ ва шаҳарни ўз худоси бўлган. Қадимги манбаларда “*мамлакатининг 1000 худоси*” тилга олингади. М. ав. 1270 йилда тузилган Миср – Хетт дўстлик битимдаги текстда хеттларнинг 1000 худосининг номи қайд этилган. Хеттлар ўз худоларига ва муқаддас ҳайвонларга атаб ҳайкаллар, расмлар ва ҳар турли асарлар яратганлар. Хеттлар ўз худоларига бағишлаб байрам кунларида қўй, эчки ва қорамол сўйиб қурбонликлар қилганлар.

Шундай қилиб қадимги хеттликлар ўзларига хос маданият яратиб, жаҳон хазинасига ўзларининг муносиб хисаларини қўшганлар.

4-§. Қадимги Троя ва Фригия подшоликлари

Троя подшолиги. Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий бурчагида **Гиссарлик** тепалиги қад кўтариб туради. Археолог олимлар бу тепаликни қазиб очганларида, у қадимги **Троя** шаҳрининг ўрни эканлигини аниқлаганлар. Бундан 4 минг йил муқаддам бу шаҳар Трояда подшолигининг маркази бўлган экан. М. ав. XXII асрда шаҳар душманлар томонидан таланиб, ёқиб, вайрон қилинган. М. ав. XVIII — XIII асрлар орасида Троя гуллаб-яшнаган. У ерда Хеттларга қариндош қабилалар яшаганлар. Троя шаҳри тош ва пишиқ ғиштлар билан терилган мудофаа деворлари билан ўралган эди. Шаҳар ичида подшо саройи, маъмурий бинолар, ибодатхона, бадавлат кишилар, амир-амалдорлар ва

саркардаларнинг мухташам бинолари қад кўтариб турарди. Троя подшолиги тепасида подшо ўтириб, у давлатни оқсоқоллар кенгаши ва халқ йиғини билан маслаҳатлашиб бошқарган. Подшолик тахти отадан болага мерос бўлиб ўтган. Трояликлар оғир аслаҳа билан қуролланган найзадорлар, ўқ-ёй билан қуролланган пиёда, отлик ва от қўшилган жанг аравалардан иборат кучли қўшинга ҳам эга бўлганлар.

М. ав. XVIII—XIII асрда подшоликда деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо-сотик ривожланган. Трояликлар йилқичиликка алоҳида эътибор берганлар. Улар отлардан хўжалик ва ҳарбий мақсадларда кенг фойдаланганлар. Тарихчи Геродот трояликларни *“от ўргатувчилар”*, - деб, уларнинг жанг араваларини ҳам тилга олган эди.

М. ав. 1300- йилда Трояда қаттиқ зилзила бўлиб, шаҳар катта талафот кўрган. Зилзила натижасида аҳолининг бир қисми ҳалок бўлган.

Юнон – Троя урушлари оқибатлари. М. ав. 1260- йилда Микен шоҳи Агаменнон бошлиқ Юнон шаҳар-давлатларининг флоти Троя устига бостириб келади. Троя шоҳи **Приам** фригиялик, ликиялик ва фракияликларни ёрдамга чақириб, улар келгунларига қадар курашни бошлаб юборади. Уруш 10 йил давом этади. Юнон – троя урушлари, Троя фожиаси ва юнонлар хийласи машҳур юнон баҳшиси Гомернинг машҳур “Одиссея ва Илиада” достонида ажойиб тарзда таъриф ва тавсиф этилган.

Юнонлар Трояни ишғол қилиш учун узлуксиз жанглар олиб борганлар. Чунки шаҳар қалин, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган эди. Улар ҳар қанча уринмасинлар шаҳар ичкарасига кира олмаганлар. Чунки трояликлар ўзларининг жонажон шаҳарларини мардонавор ҳамоя қилганлар.

Шаҳарни жанг билан олишга кўзи етмаган юнонлар ҳарбий хийла ишлатишга жазм қиладилар. Улар Юнонистоннинг Итака ороли шоҳи Одиссеянинг маслаҳати билан ёғочдан катта от ясайдилар. Ёғоч от ичига жасур жангчиларни жойлаб, уни Троя шаҳри девори тагига олиб бориб қўядилар. Трояликлар шубҳаланмасликлари учун юнонлар шаҳар девори

атрофларидан чекиниб денгиздаги кемаларига бориб ўрнашадилар. Трояликлар юнонларнинг машъум хийласидан беҳабар шаҳар девори остидаги улкан ёғоч отни хотиржамлик билан шаҳарга олиб кириб, уни томоша қиладилар. Томошадан кейин трояликлар хотиржам бўлиб уйқуга кетадилар. Фурсатдан фойдаланиб ёғоч от ичидаги юнон жангчилари от ичидан чиқиб уйқуга ётган дарвоза посбонларини ўлдириб шаҳар дарвозасини очадилар. Бу вақтда юнон аскарлари кемалардан қайтиб келиб шаҳарга бостириб киришга тайёр турган эдилар. Шундан сўнг юнон жангчилар селдек шаҳарга бостириб кирадилар. Гафлатда қолган трояликлар уйғониб, юнонлар билан аёвсиз жанг бошлайдилар. Юнонлар қалъадаги аҳолини шафқатсиз равишда қирғин – барот қиладилар. Шаҳарни талон – тарож қилиб, унга ўт қўядилар. Юнонлар кўп ўлжалар ва асирлар билан Юнонистонга қайтадилар. Юнонлар қайтишда денгизда ҳалокатга учраб, кўпчилик ҳалок бўлади. Юнонлар кетгач Троя 400 йилча ташландиқ ҳолда хароб бўлиб ётади. М. ав. 700 йилда Юнонлар Троя ўрнида янги **Илион** шаҳрини бино қиладилар. Гарчи шаҳар қайта тикланган бўлса ҳам, ўзининг авв. даражасига кўтарила олмайди. Троя дастлаб Фригия ва Лидияга кейинчалик эса бирин кетин Эрон, Македония, Пергам, Рим ва Византия ҳукумдорларининг таъсирига тушиб қолади.

Фригия подшолиги. Фригия Кичик Осиёнинг марказий ва ғарбий қисмидаги қадимги давлатлардан бири бўлган. Мамлакатдан кўп ирмоқли *Сангарий* дарёси оқиб ўтиб, Қора денгизга қуйилади. Унинг иқлими мўътадил бўлиб, ёғингарчилик баҳор ва қиш ойларида кўпроқ бўлади, қиши мўтадил. Қадимги Фригияда хеттларга қариндош қабилалар яшаганлар.

М. ав. II минг йиллик ўрталарида бу ерга Македония ва Фракиядан жуда кўп қабилалар кўчиб келиб жойлашганлар. Улар ўзларини фригийлар деб атаганлар ва маҳаллий аҳолига қўшилиб кетганлар.

М. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида улар **Фригия подшолигига** асос соладилар. Фригияликлар Троя-Юнон уруши даврида

трояликлар билан елкама-елка туриб Юнонларга қарши курашганлар. Троя енгилгач, Фригия уни ўз таъсирига олган. М. ав. XII асрда Фригия қўшинлари шарқ томонга бир неча бор хужумлар уюштирадilar. Бирок уларнинг ҳарбий юришлари Оссур қўшинлари томонидан тўхтатилган.

М. ав. X—VIII асрларда Фригия подшолиги бирмунча кучаяди. Сангарий дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Гордион шаҳри подшоликнинг маркази эди. Фригияликлар оддий деҳқондан чиққан подшолари **Гордия** билан ғурурланганлар. Гордиянинг ўғли Мидас даврида Фригия подшолиги ўз куч-қудратини сақлаб, подшолик ерларини кенгайтириш учун Шарқ томон қўшин тортган. Аммо Оссур шоҳи Саргон II фригияликларни енгиб, 3000 қалъа, 10 шаҳар, 2400 асир ва беҳисоб бойликларни қўлга киритган. Мидас Оссурия ҳукмронлигини тан олиб, Оссур шоҳига ўлпон тўлашга мажбуриятини олган.

М. ав. VIII аср охирига келиб Фригия қўшни қабилаларнинг шиддатли хужуми гирдобида қолган. Фригия қўшинлари кетма-кет мағлубиятга учрагач, Мидас ўзини ўзи ўлдирган.

М. ав. VII аср бошларида Фригия кучсизланиб, дастлаб Лидия, Эрон, кейинчалик Юнон-македонлар, римликлар ва византияликлар таъсирига тушиб қолган.

Фригиянинг хўжалиги ва маданияти. Фригиянинг қулай табиий шароити ва меҳнаткаш аҳолиси хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожланишига имкон берган. Гомер ва Геродотларнинг маълумотларига кўра фригияликлар боғдорчилик ва йилқичиликда шуҳрат қозонганлар. Мамлакат деҳқонлари ва боғбонлари арпа, буғдой, тарик, кунжут, анжир, олма, нок, узум экиб, улардан юқори ҳосил олганлар. Улар қўй, эчки, ҳачир, эшак ва от боқиб, чорвачиликка ҳам катта эътибор берганлар. Хўкиз, эшак, ҳачир ва отлардан хўжалик мақсадларида эса, отлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланилган. Фригия тоғлари олтин, кумуш, мис, темир, кўрғошин ва бошқа маъданларга бой бўлган. Шу боис у ерда тоғ-кон саноати, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, меъморчилик,

кулолчилик, тўқимачилик ва хўжаликнинг бошқа соҳалари юксак даражада ривож топган эди.

Фригия узоқ-яқин қўшни мамлакатлар ва халқлар — Юнонлар, мисрликлар, лидияликлар, оссурлар, урартлар билан қизгин савдо-сотик ишларини олиб борганлар.

Фригияликлар қўшни халқлар маданиятидан баҳраманд бўлиб, ўзларига хос маданият яратганлар. Уларнинг Гордия ва Мидас каби шоҳлари илм-фан, санъат ва маданият ҳомлари бўлганлар. Фригияликлар Кичик Осиё Юнонларининг алифбоси асосида ўз ёзувларини ҳам яратганлар.

Фригияликлар илм-фаннинг турли соҳаларида, шунингдек адабиёт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришганлар.

Фригияликларнинг Дарете номи билан машҳур бўлган шоири Гомергача Фригия “Илиада” сани ёзганлиги маълум. Уларда куй, рақс, қўшиқчилик санъати ҳам анча ривож топган экан. Фригияликлар хилма-хил мусиқа асбоблари яшаш ва уларни ижро этишда шуҳрат қозонганлар.

Фригияликлар дастлаб табиат кучларига, буюмларга ва баъзи ҳайвонларга эътиқод қилганлар. Уларда кўпхудолик тотемизм, анимизм, фетишизм ва бошқа диний эътиқодлар сақланиб қолган эди.

5-§. Қадимги Лидия подшолиги

Қадимги Лидия подшолигининг жойлашуви ва табиати. Қадимги Лидия Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган кулдорлик давлатларидан биридир. Унинг ғарбий қисмини Эгей денгизининг сувлари ўраб туради. Мамлакат ҳудуди тоғлик ва текисликлардан иборат. Тоғлар орасидан катта-кичик сойлар оқиб чиқиб, уларнинг баъзиларигина Эгей денгизига бориб қуйилади. Мамлакат ғарбида иқлим мўътадил, денгиз иқлимига яқин. Шарқий қисмида иқлим континенталь – киши совуқ, ёзи иссиқ. Ёғин-сочин кўпроқ куз, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Ҳайвонот ва ўсимликлар олами у қадар бой эмас. Унинг тоғлик жойларидан олтин, кумуш, мис, темир ва бошқа конлар бор. Аҳолининг асосий қисми

лидиялик ва Юнонлардан иборат. Бу мамлакатда қадим замонлардан бошлаб аҳоли яшаб келади.

Лидия подшолигининг ташкил топиши ва ривож. М. ав. XIII асрда Сарди шаҳри Ассува (Осие) мамлакатининг пойтахти бўлган экан. М. ав. XIII асрда Ассува хетт қўшинлари томонидан босиб олинади, унинг пойтахти Сарди таланиб, сўнг унга ўт қўйилади. Хеттлар катта ўлжа ва кўпдан-кўп ҳарбий асирлар билан ватанларига қайтадилар. Хеттлардан кейин мамлакатни Юнонлар осонлик билан босиб оладилар.

М.ав. I минг йиллик бошларида Лидия Фригия подшолиги томонидан босиб олинади. М.ав. VII аср бошларига келиб Фригия подшолиги парчаланиб кетади, Лидия унинг таркибидан чиқиб кетади.

Мермнадлар сулоласи даврида Лидия. М.ав. VII аср бошларида Лидия ўзини тиклаб олади. Лидия подшолиги Мермнад сулоласининг асосчиси Гигес (м.ав. 692-654) подшолик қилган даврда кучаяди. Гигес даврида Фригиянинг бир қисми, Карн, Трояда ва Мисия Лидия таркибига қўшиб олинади. Гигес Лидияни Эгей денгизи соҳилларига чиқиши учун Милет ва Смирна шаҳарлари устига қўшин тортади. Гигеснинг бу юриши яхши натижа бермайди. Гигес оссур подшоси билан иттифоқ тузиб, Каппадокияда киммерийлар устидан ғалаба қозонади. Шу йўл билан Оссурия Лидияни ўзига тобе қилиб олмоқчи эди. Лидия Оссурия асоратига тушиб қолмаслик учун Миср ва Бобил билан битим тузади. Шу вақтда киммерийлар Лидияга бостириб кириб, Гигас қўшинларини енгади. Жангда Гигас ҳалок бўлади. Гигаснинг ўғли Ардис (м.ав. 654-605) даврида Лидия нозик сиёсат қўллаб, оссурлар ва киммерийлар асоратидан қутилади. Ардис киммерийларнинг янгидан бошлаган хужумини қайтариб, Эгей денгизига йўл очиш учун кураш бошлайди.

Сўнгги Мермнадлар даврида Лидия подшолиги. Лидия шоҳлари Садиатт ва Алиатт даврларида ғарбда Милет билан кураш олиб боради. Мидия билан уруш м.ав. 585 йил 28 майдаги сулҳ билан тугайди. Чунки шу кун куёш тугилиб, жанг майдони қоп-қоронғи тунга айланади. Бу

ходисадан кўркиб даҳшатга тушиб ҳар икки томоннинг қўшини жанг майдонини ташлаб қочади.

Сулҳга биноан Галис дарёси икки мамлакатнинг чегараси бўлиб қолади. Сулҳга кўра Алитта ўз қизини Мидия шахзодаси Асттиага узатади. Подшо Краз даврида Лидия қўшинлари Кичик Осиё соҳилидаги Юнон шаҳарларини босиб оладилар. Шу даврда Эрон Лидияга таҳдид сола бошлайди. М.ав.546 йили Крез қўшинлари Каппадокиядаги Птерия шаҳри яқинида Эрон қўшинлари билан тўқнашади. Уруш ҳар икки томон учун натижасиз тугайди. Шу йили Эрон шоҳи Куруш II қўшинлари Сарди шаҳри яқинида Лидия қўшинларини тор-мор этади. Крез асир олинб ўлдирилади. Шу билан лидия подшолиги барҳам топиб, Аҳмонийлар давлати таркибига қўшиб олинади.

Лидиянинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти.

Лидия Кичик Осиёдаги кулдорлик давлатларидан бири эди. Лидия якка ҳокимликка асосланган давлат бўлиб, давлат тепасида шоҳ турарди. Шоҳ саройида қариндошлари ва олий даражадаги аслзодаларнинг мавқеи ҳам баланд эди. Давлатнинг асосий таянчи пиёда, отлик ва жанговар аравалардан тузилган қўшин эди. Шоҳ ҳузурида аслзода ва ҳарбийлардан тузилган кенгаш фаолият олиб борар эди. Давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этиш учун халқ йиғини ҳам чақирилиб турилар эди. Лидияда тахт албатта отадан болага мерос қилиб қолдирилган.

Лидия хўжалигининг асосини деҳқончилик ташкил этган. Герм, Пектол ва Меандр дарёлари водийсининг тупроғи жуда унумдор бўлиб, деҳқонлар бу ерларга дуккакли ўсимликлар, ғалла ва сабзавот экишган. Тоғ ёнбағриларига узум, олма, анор, нок экиб боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Лидия яйловларида қўй-эчки, чўчқа, қорамол подалари ва йилқи уюрлари боқилган. Лидия тоғларидан тилла, кумуш, мис, темир ва қалай қазиб олинган.

Лидияда ҳунармандчилик анча ривож топган бўлиб, усталар ажойиб заргарлик, кулолчилик буюмлари, хушбичим кийимлар тайёрлашга моҳир бўлишган. Ҳунармандлар пишиқ ғишт, турли бўёқ ва сард охрасини яратганлар. Лидияда савдо-сотик ривожланган эди. Савдогарлар Юнонистон ва Олд Осиё мамлакатлари билан қизгин савдо – сотик ишларини олиб борганлар. Шуни таъкидлаш керакки, Лидия шаҳарларида узоқ-яқин мамлакатлардан келган савдогарлар ва меҳмонлар учун махсус меҳмонхоналар бўлган. М.ав.VII асрда, яъни Гигес ва Крез даврларида кумуш, олтин, олтин ва кумушнинг табиий қотишмаси электрумдан танга пуллар зарб этилган. Лидияликлар ўзларига хос маданият яратганлар. Улар Юнон алифбоси асосида ўз ёзувларини яратганлар. Лидияда турли амалий билимлар, хусусан табобат анча ривож тоган эди. Табиблар беморларни даволашда шифобахш мева ва гиёҳлардан, дори-дармон сифатида кенг фойдаланганлар. Лидиялик усталар меъморчиликда шуҳрат қозониб, ажойиб саройлар, ибодатхоналар ва меҳмонхоналар қурганлар. Қадимги Лидияда наққошлик, рассомлик ва тасвирий санъатнинг бошқа тармоқлари ҳам ривож топган эди.

Заргарлар олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлардан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаб шуҳрат қозонганлар. Лидияликлар мусиқа, ўйин ва кўшиқчиликда ҳам катта ютуқларга эришганлар.

Лидияликлар Сандон, Атгис, сабазий ва бошқа худоларга эътиқод қилишган. Улар Улуғ Она, Она Худо, Кибели каби худоларга алоҳида эҳтиром билдирилганлар. Лидияликлар кўшни халқлар маданиятидан кенг фойдаланиб, кўшни халқлар маданиятига ижобий таъсир кўрсатганлар.

6-§. Қадимги Ван-Урарту подшолиги

Урартунинг табиати ва аҳолиси. Ван – Урарту Қавқазортидаги қадимги давлатларидан бири ҳисобланган. Унинг катта қисмини Кавказ ва Арман тоғлари эгаллаб ётади. Урартудан **Кура, Аракс, Фрот** ва **Дияла** дарёлари оқиб ўтади. Тоғлар орасида Ван, Урмия ва Севан кўллари жойлашган. Ўлканинг ёзи у қадар иссиқ эмас. Қиш бироз совуқ бўлиб,

ёгин сочин асосан баҳор, киш ва куз ойларида ёғади. Тоғ ёнбағрлари ва дараларда ҳар хил ўт-ўланлар, буталар ва дарахтлар ўсиб ётади. Ўлкада тоғ эчкилари, бўри, ёввойи чўчка, коплон, судралиб юрувчилар ва қушлар яшайди. Тоғларда темир, кўрғошин, мис ва бошқа маъданлар сероб.

Археолог олимларнинг берган маълумотларига кўра Кавказорти ва Урарту худудида бир неча минг йиллардан бери аҳоли яшаб келадилар. Улар ҳозирги арман ва грузин халқларининг ота-боболари бўлиб, кейинчалик улар урартлар деб ном олганлар. Қадимги Урарту худудида *хетт, хуррит, оссур ва бошқа* қабилалар ҳам яшаганлар.

Урарту ва Кавказорти мамлакатлари. Манбалар ва тарихнавислик. Урарту ва Кавказорти мамлакатларининг қадимги тарихини ва маданиятини ўрганишда урарту ёзувлари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар 1828-1829 йилларга келиб маълум бўлди. XIX асрнинг охирига келиб қадимги шарқ лингвистикасида айрим силжишлар рўй берди. Топилган ёзувларни ўқиб чиқиш жонланди. Кавказортидаги Урарту ёзувлари илк бор М.В.Никольский томонидан ўқилган ва нашр этилган.

XX асрнинг бошларида И.А.Орбели раҳбарлигидаги экспедиция Ван кўли соҳилидаги ёзувларни кашф этди. Бу шоҳ Сардур II ёзувлари эди. Урарту ёзувлари ўзининг мазмунига кўра урарту подшоларининг фаолиятини йилма-йил баён этувчи йилномани эслатади.

Қадимги Урарту ҳақидаги маълумотлар оссур ва бобилликларнинг айрим манбаларида ҳам келтирилган. Уларда Урарту давлати, унинг қўшин мамлакатлар билан муносабатлари, ҳарбий юришлари ва бошқалар ҳақида баён этилади. Қадимги Урарту тарихини ўрганишда Кармир-блур (Тейшабанини), Аргиштихинили ва Еребунида олиб борилган археологик қазилма ишлари ва у ердан топилган жуда кўп моддий ва маданий буюмлар мажмуаси катта аҳамиятга эга бўлди. Урарту тарихини ўрганишда И.М.Дьяконовнинг ҳам хизматлари каттадир. У киши қадимги Урарту тарихига оид оссур-бобил ёзув манбаларини таржима қилиб шарҳлаб берган. Шунингдек, И.М.Дьяконов урарту тарихига оид урарту

хужжатларини ҳам ўқиб чиқиб уларни шархлаб берган. Г.А.Меликишвили ҳам урурту ёзувларини нашр эттириб, таржима қилиб шархлаб берган. Бу жиҳатдан Б.Б.Пиотровскийнинг Урарту бўйича тўплаган катта илмий иши 1944 йилда босилиб чиқади. Унинг қайта ишланган нашри эса 1959 йилда босилиб чиқади. Б.Б. Пиотровскийнинг бу илмий ишида Қадимги Урарту тарихи ва маданияти ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Қадимги Урарту тарихи ва маданияти ҳақида Г.В.Церетели, И.И.Мещанинов, Н.В.Арутюнян, А.А.Мартirosян ва бошқа олимларнинг хизматлари каттадир.

Кейинги йилларда Туркия ва Эронда урарту ёдгорликларини қозиш ишлари олиб борилди. Қадимги Урарту маданияти билан А.Сэйс, К.Ф.Леманн-Хаунт, Р.Ббарнет, Ф.Кенинг ва И.Фридрих каби олимлар қизғин равишда ўргандилар.

Урарту подшолиги.

Урартуда илк давлатларнинг ташкил топиши ва кучайиши. М. ав. XV-XIV асрларда **Севан, Ван** ва **Урмия** кўллари атрофида Урарту ва уларга қариндош қабилалар яшар эдилар. Улар алоҳида-алоҳида қабилалар иттифоқига бирлашиб яшаганлар. Бу қабилалар иттифоқи орасида Урарту иттифоқи кучлироқ эди.

М. ав. XIII асрда Оссур қўшинлари бир нечл бор бу қабилалар устига бостириб кириб, улар билан жанг қилганлар. М. ав. XII асрда Оссур подшоси **Тиглатпаласар I** Ван кўли атрофига бостириб кириб, у ердаги 23 подшо устидан ғалаба қозонганини қоя тошга ёздирган экан.

М. ав. XI-X асрларда Ван кўли атрофидаги қабилалар Урарту атрофида бирлашиб, Урарту подшолигини ташкил этадилар. Урарту давлатининг ҳукмдори **Араму** М. ав. 864—845- йилларда подшолик қилган. У Оссурия подшоси **Саламансар III** нинг Урартуга бостириб кирган қўшинларига қаттиқ зарба берган.

Урарту подшолигининг кучайиши. М. ав. (835—825) йиллар Сардури I Урарту подшолигини бошқарган. Сардури I қўшинлари оссур

қўшинлари устидан бир неча бор ғалабага эришганлар. У ўзини „*Ҳамма подшолардан совға олувчи улуг қудратл подшо - шаҳоншоҳ*“, - деб эълон қилган. Сардури I қўшинлари қўшни қабилалар устига юриш қилиб, Урарту ерларини кенгайтирган. Сардури I босиб олинган қабилалардан бож-хирож олган. У Ван кўли соҳилида мустахкам **Тушпа** шаҳрини барпо қилиб, уни Урарту подшолигининг пойтахтига айлантиради.

Сардури I вафот этгач тахтга унинг ўғли Ишпуини ўтиради. Ишпуини (М. ав. 825—810-йиллар) даврида Урарту подшолиги янада кучаяди. Ишпуини даврида Ван кўли шимолдаги ерлар Урартуга қўшиб олинади. Ишпуини қўшинлари Урмия кўлининг жануби-ғарбидаги Манна подшолигининг ерларини босиб олиб, Оссурияга ҳавф соладилар. Урарту қўшинлари Маннадан катта ўлжалар - қўй, эчки, қорамол, от ва кўп сонли асирлар билан Урартуга қайтганлар. Ишпуини вафотидан сўнг Урарту тахтига унинг ўғли Менуа ўтиради. Менуа (М. ав. 810—786-йиллар) даврида Урарту даврида Урарту подшолиги кучаяди. Менуа шимолда Аракс дарёси, жануби-ғарбда Фрот дарёсининг юқорисидаги мамлакатлар устига зафарли юришлар қилади. Ўша вақтдаги тошга битилган ёзувларнинг бирида *“Менуа минган от — Арсибинни 22 тирсак — 11 метр-у 20 см кенгликдаги жарлик устидан сакраб ўтган”*, дейилади. Шу туфайли подшо минган отнинг исми “Арсибин” – “Бургут” бўлган экан. Манбаларда Менуа кўркмас жангчи, машҳур шоҳ ва узоқни кўрувчи доно сиёсатчи киши бўлганлиги ҳикоя қилинади. У мамлакат мудофаси ва ободончилигига катта эътибор бериб, Ван кўлидан сув олувчи 70 км лик “Менеуа канали” ни қаздирган.

Менуа даврида Урарту подшолиги ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган давлатга айланган.

Аргишти I ва Сардури II лар даврларида Урарту. Менуанинг ўғли Аргишти I М. ав. 786—764- йилларда Урарту подшолиги янада кучайди. Аргишти I қўшинлари шимолда Калхидага кириб бориб, Аракс дарёси бўйида Аргиштихинили шаҳрини қурдиради. Аргишти I қўшинлари

Маннага, Оссуряга хужум қилиб, Дияла дарёси соҳили ва Бобил чегараларигача кириб борадилар. Жануби-ғарб томонда Урарту қўшинлари Фрот дарёсининг юқорисидаги мамлакатлар, шунингдек Суриягача кириб борадилар.

Аргишти I ҳарбий юришлари даврида жуда кўп бойлик, чорва ва 280000 эркак, аёл ва болалардан иборат асирларни мамлакатга олиб келади.

Аргишти I вафотидан сўнг Урарту тахтига **Сардури II** ўтиради. Сардури II даврида (М. ав. 764—735- йиллар) Урарту подшолиги янада мустақамлаланади. У ҳарбий ислоҳот ўтказиб, ихтисослашган қўшинни кучайтиради. Сардури II даврида Урарту қўшинлари шимолда **Эриах** мамлакатини босиб олиб, ғарбда Шимолий Сурияга кириб борадилар. Урарту қўшини жанубда Оссуря қўшинларига қақшатгич зарбалар беради. Сардури II даврининг биринчи ярмида Урарту Олд Осиёдаги энг қудратли давлат бўлиб қолади.

Урарту подшолигининг кучсизланиши ва парчаланиши. М. ав. VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оссуря подшолиги кучаяди. Урарту ўзини Оссурядан ҳимоя қилиш учун Шимолий Сурия ва Кичик Осиёнинг шарқидаги катта –кичик давлатлар билан иттифоқ тузади. М.ав.743 йили Оссур подшоси Тиглатпаласар III Суриянинг Арпада шаҳри яқинидаги мудхиш жангда Сардури II ва унинг иттифоқчилари устидан ғалаба қозонади. Сардури II Урартуга чекинишга мажбур бўлади.

М.ав.735 йили Оссуря қўшинлари Урартуга бостириб кириб, Сардури II қўшинларини яна енгади. Шу йили Сардури II вафот этиб, тахтга ўғли Руса I ўтиради. Руса I м.ав.735-712 йилларда Урарту подшолигини бошқаради. Руса I подшолигининг дастлабки даврида мамлакатда ички ғалаёнлар бошланади. У Кавказорти ва Севан атрофида қўзғолон кўтарган 23 та подшоликлар устидан ғалаба қозонади.

М.ав.714 йили Оссур подшоси Саргон II Урарту устига яна қўшин тортади. Урмия кўли яқинидаги жангда Саргон II қўшинлари Урарту

қўшинлари устидан ғалаба қилади. Улар шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, катта бойлик билан Урартуга бостириб кириб уни ҳам вайрон қиладилар. Бу хабарни эшитган Руса I ўзини ўзи ўлдиради. Руса I вафотидан кейин тахтга Руса II ўтиради. Бу даврда Урарту ўз мустақиллигини сақлаб қолган бўлса ҳам, авв. шон-шухратини бой берган эди. Шу даврда Урарту подшолари Оссурия билан яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилганлар.

Шу даврда Урартуга шимолдан киммерийлар ва скифлар бостириб кириб, мамлакатни ҳонавайрон қилганлар. Шарқдан Мидия қўшинлари хужум бошлаб, Урартуни босиб олганлар. Шундай қилиб ички ғалаёнлар, қўшни давлатлар ва қабилаларнинг хужумлари натижасида Урарту давлати кучсизланиб, барҳам топиб, сўнгра майда бўлақларга бўлиниб кетиб барҳам топади.

Урарту подшолигининг ижтимоий тузуми хўжалиги ва маданияти. Урартуда ишлаб чиқариш, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва ниҳоят талончилик урушлари хусусий мулкнинг орта бориши ҳамда мулкий тенгсизликни кучайишига олиб келади. Бу ҳол аҳоли орасида табақаланишни келтириб чиқарди. Урарту аҳолиси бой-бадавлат, ўртаҳол, камбағал ва қуллар табадқасига бўлиниб кетди. Айниқса халқ йиғини томонидан сайланган оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқлар бойиб кета бошладилар. Улар ўзларини аслзода, яъни зодагонлар деб ҳисоблай бошлайдилар. Улар айрим-айрим вилоятларнинг ҳукмдорлари бўлиб оладилар. Бу ҳукмдорлар ўз ўринларини ўз ўғиллар ёки ака-укаларига мерос қилиб қолдирадиган бўлганлар. Қабилалар иттифоқи бирлашиб, Урарту подшолиги тузилар экан, тахт отадан болага ёки ака-укаларга мерос қилиб қолдирилган.

Урарту подшолари ҳузурида унинг ака-укалари, қабила оқсоқолллари ва ҳарбий бошлиқлардан иборат аслзодалар кенгаши фаолият кўрсатган. Подшо мамлакатни амалдорлар, ҳарбийлар, руҳонийлар ва аслзодалар кенгашига таяниб бошқарган.

Кавказорти қабилаларининг хўжалиги. М.ав.V-IV минг йилликларда Кура ва Аракс дарёларининг водийлари ва бу икки дарёга келиб қўшиладиган сой ва жилғалар бўйида қадимги ўтроқ деҳқончилик ва чорвадор қабилалари яшар эдилар. Мазкур воҳада қадимги ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорларнинг қишлоқлари харобалари сақланиб қолган. Озорбайжондаги Шому-тепа, Грузиядаги Шулавери ва Арманистондаги Техут каби қадимги қишлоқлар археологлар томонидан яхши ўрганилган. Улар доирасимон уйлардан иборат бўлиб, деворлари пахсадан кўтарилган. Турар жойлар яқинида хўжалик бинолари ҳам бўлган. Бундай хўжалик бинолари ва турар жойлар Кавказорти, шунингдек Урарту қабилаларига хос Яқин Шарқнинг бошқа жойларида учрамайди. Қадимги Шарқнинг бошқа жойларида эса турар жойлар ва хўжалик бинолари квадрат ёки тўртбурчак шаклида қурилган. Бу қабилалар хўжалигида тош, чақмоқтош ва суякдан ясалган қуроллар катта ўрин тутган. Мазкур даврда тош ва суякдан ясалган қуроллар билан бир қаторда мисдан ясалган буюмлар пайдо бўла бошлайди. Хўжаликнинг асосини мотиға деҳқончилиги ташкил этиб, деҳқонлар, арпа, буғдой, кунжут, тарик ва бошқа ҳар турли экинлар экиб, майда ва йирик шоҳли мол боқиб кўпайтирганлар. 0,5-1 гектар жойдаги қишлоқда 100-300 киши бир жамоа бўлиб яшаганлар.

М.ав.Ш минг йилликда Арман тоғлари ва Кавказортида кура-аракс даври деб аталган илк бронза маданияти тарқалади. Бу даврда деҳқончилик анча ривожланиб, ерни оддий сўқа, омочда ҳайдаб, ҳосилни мис билан қалайни қўшиб эритиб тайёрланган жез ўроқларда ўриб олганлар.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик, заргарлик, қуролсозлик ривожланиб, ҳар бир қишлоқда ҳунарманднинг уй-устахонаси бўлган. Усталар болта, ханжар, найза, ўқ-ёй, тўқимачилик маҳсулотлари ва кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарганлар. М.ав.Ш минг йилликда тоғ, тоғ олди ва текисликлар ўзлаштирилиб, Кавказорти қабилалари ўз подалари билан баланд тоғлик яйлов ҳудудларга кўтарилганлар.

Бу ерда хўжаликнинг алоҳида шакли-яйлов чорвачилиги шаклланади. Чорвадор-деҳқон қабилалари учун тоғ яйлов чорвачилиги кўшимча бойлик, даромад келтирувчи манба ҳисобланган. Шу даврдан бошлаб Кавказорти қабилаларида хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланишнинг илк кўринишлари пайдо бўла бошлайди. Хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик тармоқлари олдингига нисбатан бирмунча ривожланади.

М.ав..II минг йиллик охирларига келиб бу ерда темир ва темирдан ясалган ҳар турли қуроллар пайдо бўлади. Жойларда мустаҳкам деворли қалъалар қурилади. Бу жараёнларнинг барчаси Кавказорти ўлкаларида қабилалар иттифоқига асосланган илк давлатларнинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратади.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши. Тарихчи ва археологларнинг берган маълумотларига кўра Урарту худудида яшаган ибтидоий қабилалар дастлаб термачилик ва овчилик билан кун кечирганлар. Кейинчалик термачиликдан деҳқончилик, овчиликдан эса чорвачилик келиб чиққан экан. Илк деҳқонлар ерни мотиға билан юмшатиб ҳар турли экинлар экишган. Кейинчалик эса омов кашф этилиб, омов деҳқончилиги келиб чиққан. Урарту худудидан Аракс, Кура, Фрот, Дажла ва катта-кичик сойлар оқиб ўтади. Бу дарё ва сой водийларининг тупроғи ниҳоят даражада унумдор бўлган. Қадимги Урарту деҳқонлари ерни омов билан ҳайдаб, ерга буғдой, арпа, тарик, кунжут ва бошқа экинлар экканлар. Тоғ ёнбағирларида узум ва ҳар турли мевали боғларини барпо қилганлар. Боғбонлар узумдан ажойиб мусаллас тайёрлашни яхши билишган. Қадимги Урарту шаҳар ва қишлоқларининг харобалари қавланганда улардан махсус мусалласхоналар, катта-катта хумлар топилган. Мусалласлар ана шу хумларда сақланган.

Хунармандчилик ва савдо. Урарту тоғларида олтин, кумуш, мис, қўрғошин ва ҳар турли тош конлари кўп бўлган. Хунармандлар турли тош, темир ва бошқа маъданлардан омов тиши, ўроқ, пичоқ, Ханьжар, найза,

камон ўқ учлари, паншаха, дубулға, қалқон зирх, тегирмон тош, жанг аравалари ва от афзаллари яшашга уста бўлишган.

Урарту усталари ажойиб ҳарбий кийимлар, зийнат ва заргарлик буюмлари ҳам ясаганлар. У ерда тўқимачилик, кулолчилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари яхши ривож топган эди. Шунингдек, Урарту подшолари меъморчиликка-бинокорликка ҳам катта эътибор берганлар. Қалъа ва шаҳарлар қалин мудофаа деворлари ва буржлар билан ўралган эди.

Урарту савдогарлари Кичик Осиё, Кавказ, Месопотамия ва Олд Осиёнинг кўп мамлакатлари билан қизғин савдо – сотқ ишларини олиб борганлар.

Қадимги Урарту маданияти. Қадимги Урарту Олд Осиёдаги юксак маданиятли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Урарту халқлари Месопотамиянинг сурат-белгили ва миҳ-понасимон ёзувларидан фойдаланиб ўз ёзувларини яратганлар. Археолог олимлар Қадимги Урарту ҳудудидан шу ёзувда битилган ёзув намуналарини топишган. Бу жиҳатдан Аргишти I нинг хор-хор ёзуви ва Сардури II нинг катта ёзуви диққатга сазовордир. Шунингдек, Ван кўли яқинидаги қоя токчаси-”Меҳр эшиги”, Кармир-Блурдан топилган дубулға, сопол ва жез идиш сиртига битилган Урарту ёзувлари диққатга сазовордир. Урарту ҳудудидаги Тупроқ қалъадан ҳам сопол буюм парчасига битилган урарту ёзувлари топилган. Қадимги Урарту ёзувларини ўқиш ва ўрганишда М.В.Никольский, М.Сибатян, И.А.Орбели ва бошқа олимларнинг хизматлари каттадир.

Қадимги Урарту ёзувларини ўлка тарихи ва маданиятини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Қадимги Урартуда тарих, математика, астрономия, табобат, ветеринария, география билимлари анча ривож топган эди. Урартуликларнинг халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиёти анча бой бўлган. Бу жиҳатдан М.Хореннинг асарлари, Нард эпоси, Довуд Сосуний каби дostonлар урартлар адабиётининг ажойиб намуналари ҳисобланади.

Қадимги Урартуда меъморчилик, ҳайкалтарошлик, ўйма, чизма, қабартма рассомлик ва санъатнинг бошқа турлари юксак даражада ривож топган эди. Усталар қалъа деворлари, ибодатхона, шоҳ саройларини ҳар хил расм ва ҳайкаллар билан беаганлар. Рассомлар қалқон сирти, дубулға ва бошқа буюмларни эчки,буқа, шер, қоплон ва одам, муқаддас ҳаёт дарахти тасвирлари билан беаганлар.

Ҳайкалтарошларнинг жездан ишлаган ярим одам, ярим ҳайвон қиёфасидаги ҳайкали, маъбуда Тейшебунинг ҳайкалчаси, ҳосилдорлик маъбудасининг олтиндан ишланган медалионлари Урарту тасвирий санъатининг нодир намуналари ҳисобланади.

Урартуларнинг диний эътиқоди. Урарту кўп худолик мамлакат бўлиб, уларнинг ота-боболари дастлаб табиат ҳодисалари, турли буюм ва ҳайвонларга эътиқод қилишган. Қадимги манбаларнинг бирида кўп худоларнинг номи санаб ўтилади. Урартларда муқаддас дарахтларга сиғиниш ҳам кенг тарқалган. Уларда Халд тоғ худоси ҳисобланиб, кейинчалик у уруш худосига, подшо ва давлатнинг ҳомийсига айлантирилган.

Урартуда Тейшуб момақалдироқ ва бўрон, Ард эса қуёш худоси ҳисобланган. Турли буюмларда “муқаддас дарахт”, Халд, Ард ва бошқа худоларнинг расм-тасвирлари сақланиб қолган.

Урарту подшолари диннинг олий руҳонийлари ҳисобланишган ва худоларга бағишлаб турли маросимлар ўтказишган. Шунингдек, улар ўз худоларига атаб ҳайвонлар сўйиб қурбонлик қилганлар. Шундай қилиб урартлар кўшни халқлар маданиятидан баҳраманд бўлиб, ўзларига хос маданият яратганлар. Улар ҳам кўшни халқлар маданиятининг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Қадимги Хетт подшолиги тарихини ёритувчи манбалар ҳақида маълумот беринг?
2. Троя, Фригия ва Лидия подшоликлари тарихига хос манбалар.

3. Кичик Осиёда илк давлатларнинг ташкил топишининг шарт-шароитлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Қадимги, Ўрта ва Янги Хетт подшоликлари ташкил топиши омиллари.
5. Хетт подшолигининг кучсизланиши ва парчаланиши сабабларини кўрасатинг?
6. Қадимги Троя ва Фригия подшоликлари.
7. Юнон – Троя урушлари оқибатлари ҳақида сўзлаб беринг?
8. Лидия подшолигининг ташкил топиши ва ривож сабаблари.
9. Қадимги Ван-Урарту подшолиги даврининг асосий жиҳатлари.
10. Урарту ва Кавказorti мамлакатларининг қадимги тарихини ва маданиятини ўрганишда урарту ёзувларининг аҳамияти.
11. Урартуда илк давлатларнинг ташкил топиши ва кучайиши.
12. Аргишти I ва Сардури II лар даврларида Урарту.
13. Урарту подшолигининг кучсизланиши ва парчаланиши сабаблари.
14. Қадимги Урарту маданияти

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Хеттларнинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти.
2. Қадимги Хетт дини ва эътиқоди.
3. Фригия подшолиги.
4. Гомер ва Геродот асарларида Фригиянинг хўжалиги ва маданияти.
5. Мермнадлар сулоласи даврида Лидия
6. Лидиянинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти
7. Урартуларнинг диний эътиқоди
8. Урарту подшолигининг ижтимоий тузуми **хўжалиги** ва маданияти.

V БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ЭРОН ПОДШОЛИГИ ВА ЎРТА ОСИЁ

1-§. Қадимги Эронда дастлабки давлатларнинг ташкил топиши

Эроннинг табиати ва қадимги аҳолиси. Эрон жануби-ғарбий Осиёдаги қадимги кулчиликка асосланган мустабид давлатлардан бири бўлган. Эрон қудратли давлатга айланган даврда унинг ғарбий чегараси Ўртаер денгизи соҳилларига бориб етган. Шимолда эса уни Понт, Элбрус, Туркман-Хуросон, Ҳиндикуш тоғлари ўраб турар эди. Шарқда эса Сулаймон тоғи ва Ҳинд дарёси уни Ҳиндистондан ажратиб турарди. Жануб ва жануби-ғарбда эса мамлакат Эритрей денгизи ва Форс қўлтиғининг сувлари билан ўралган эди. Эроннинг марказий қисми ясситоғлик, шўрхок ерлар, жануби эса Гардесия саҳросига туташиб кетади. Эронда Карун, Керха, Хилманд каби кичик дарё ва суви ёзда куриб қоладиган сойлар кўп бўлган. Тоғларида темир, кумуш, мис, олтин каби маъданлар сероб. Мамлакат иқлими ҳар хил — шимолда куз совуқ, ёз эса иссиқ, жанубда эса қиш илиқроқ, ёзи анча иссиқ бўлади. Археологлар берган маълумотларига кўра Эронда ибтидоий жамоа тузумининг мустъе давридан — 70—50 минг йиллардан бери аҳоли яшаб келади. Қадимда бу мамлакатда эламликлар, лулубейлар, аморийлар, касситлар, гутейлар, ҳабаш, форс, мидия ва арамей каби қабилалар яшаганлар.

Эрон ҳудудида энг дастлабки давлат бирлашмаларини мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган эламликлар тузганлар.

Қадимги Эрон манбалари ва тарихнавислиги. Қадимги Эрон хилма – хил ёзма манбаларга бой ҳужжатлари билан ажралиб туради. Айниқса Эрон салтанати тарихи билан боғлиқ ёзма манбалар кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида хўжалик ҳужжатлари, тарихий ёзувлари, подшоларнингвилоят ҳукмдорларга юборган фармонлари, буйруқлари кўрсатмалари, амалдорларнинг бир – бирларига ёзган мактублари, айрим шахсларнинг хатлари, диний, илмий ва адабий текстлар шулар жумласидандир. Уларнинг энг қадимгилари м. ав. III – I минг йилликка

оид элам тарихи ҳақидаги турли мазмундаги матнларки, улар элам ва аккад тилларида ёзилган.

Ҳозирги кунгача 200 га яқин шоҳ понасимон (михсимон) ёзувлари орасида Кирмон шаҳрининг шарқидаги Бехистун қоясига ўйиб ёзилган катта хат жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ёзувда Эрон шоҳи Дори I Кўмбиз (Камбиз) ўлгандан кейин мамлакатда кўтарилган кўзғалонни қандай қилиб бостирганини, барча исёнчиларни қандай тор – мор қилганини, сакларга қарши қўшин тортиб бориб, Эрон давлатининг бутунлигини қандай қилиб тикланганини ва бошқа сиёсий воқеаларни муфассал таърифланади. Сувайш канали худудида сақланган ва Миср тилига таржима қилинган қадимги Эроннинг понасимон миҳхати ҳам шу шоҳга мансубдир.

Доро I нинг муҳим ёзувларидан бири Персеполь шаҳридан бир неча км. шимолдаги Нақши – Рустам қоясига ёзилган ёзувлардир. Бу ёзувда Эрон шоҳлиги таркибида бўлган мамлакатлар ва вилоятларнинг рўйхати берилган. Шунингдек Суза шаҳридан ҳам ғишт ва мрамор лавҳаларга битилган кўп ёзувлар борки, унда Доро I нинг Суза саройи қурилиши билан боғлиқ фаолияти ҳақида маълумот берилади.

1972 йилда француз археологлари Сузадан Доро I нинг уч метр баландликдаги ҳайкалини топганлар. Ҳайкалда шоҳнинг боши сақланмаган қадимги эроний, элам ва аккад иероглифлари матнида миср тилида ёзилган. Персеполь ва Пасаргададан эса Ксеркс ёзувлари топилган. Бу ёзув қадимги эронликларнинг динини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Унда қадимги қабила худолари – ман этилиб, давлатга сиғиниш расм қилингани айтилган.

Эронийларнинг диний эътиқоди ва қарашларини ўрганишда зардуштийлик динининг 21 китобдан иборат, Авесто ҳам қимматли манба ҳисобланади. Беруний хабарига кўра “Авесто” 12 минг қорамол терисидан тайёрланаган варроққа тилло суви билан ёзилган экан.

Персополдан м. ав. VI-V асрларда элам тилида ёзилган бир неча минг понасимон ҳужжатлар топилган. Бу матнлар шоҳ архивининг бир бир қисми бўлиб, унда озиқ – овқат махсулотларини ташиш, солиқлар масаласи, давлат амалдорларини маош билан таъминлаш кабилар ҳақида маълумот берилади.

Қадимги эроний кабилалари ҳақида м. ав. IX – VII асрга мансуб оссур ёзувлари ҳам қимматли маълумот беради. Бобилнинг тарихий ҳужжатларида Эрон қўшинларининг Месопотамияни босиб олиниши баён этилган. Бу воқеалар ҳақида аккад тилида тузилган Цилиндр Кир II да ҳам баён этилади. Ўша даврда Эрон худудида арамей тили ҳам кенг тарқалган эди. Арамей тилида ёзилган папирусларда, тошларда, териларда, муҳр ва тангаларда арамейча ёзув кўп тарқалган эди. Бу ёзувлар Мисрдаги Элефантин орасидаги, Ҳинд дарёсигача бўлган жойларда, шунингдек Эронда ҳам кенг тарқалган эди. Бу ҳужжатларда эрон тарихи ва маданияти, аҳолининг ҳўжалик ҳаёти ҳақида кўпгина маълумотлар келтирилган.

Эронликларнинг Мисрни истило қилган ва Эрон шоҳларининг мисрда ҳукмронлик қилган замондаги Миср ёзувлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан Сайсдаги маъбуда Нейтнинг бош руҳонийси коҳин Ужагоррясентнинг ёзуви ҳам Мисрнинг олий коҳини билан Эрон шоҳи ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашга имкон беради. Демак, Эрондан ва унга туташ ерларда топилган хилма – хил ёзувлар қадимги Эрон тарихи ва маданиятини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Қадимги Эрон тарихи моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда археологик қазилар натижасида топилган буюмлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Эронда дастлабки археологик қазилар ишлари XIX аср ўрталарида бошланган. Археолог Фланден ва Коста Персеполдаги саройда дастлабки археология қазилар ишларини олиб борадилар. Улар бу ерда хҳайкалтарошликка оид ёдгорликларни топишга муяссар бўладилар ва Эрон шоҳларининг тахт залини тикламоқчи бўладилар. XIX асрнинг охирида эса де – Морган Сузада улкан археологик қазилар ишлари

ўтказиб, тош қуроллар ишлатилган энг қадимги (архаик) замонлардан то Эрон давлатининг равнақ топган давригача, яъни Суза Эроннинг муҳим маъмурий ва маданий марказлардан бири бўлган давригача етиб келган бир қанча рахеологик қатламларни топди. Ниҳоя XX асрда Қадимги Эроннинг пойтахти Персеполда археологик қазилар ишлари ўтказилди. Қазилар натижасида бу ердан катта бир саройнинг ҳаробалари топиб ўрганилди. Сарой деворларига бўртма – қабарик расмлар солиб безатилган кенг зинапоядан чиқилган. Катта – катта дарвозалар олдида эса шоҳ саройларини кўриқловчи баҳайбат қанотли буқаларнинг ҳайкаллар ишланган.

Персеполдан топилган ажойиб санъат ёдгорликлари орасида шоҳнинг сурати шунингдек илоҳга турли хил совға – саломлар олиб келаётган хирож тўловчи қабилаларнинг сурати айниқса қизиқарлидир. Кейинги вақтларда Эрон археологиясига қизиқиш кучайди. Археологлар – қадимшунослар Танжедар, Тепа – Аелаб деган жойларда археологик қазилар ўтказиб, мезолит ва неолит даврига мансуб қишлоқ ва қабристонларни топганлар. Бу ёдгорликларнинг маданий қатламларидан қадимий сопол буюмлар Суза, Персеполь, Дур – Унташ ва бошқа жойлардан ажойиб шоҳ саройи, ибодатхона, қалин мудофаа деворлар топилган. Улар маҳобатли ҳайкаллар, деворий расмлар, қимматбаҳо маъданлардан ясалган ритонлар, қурол – аслаҳалар ва зийнат буюмлари билан безатилган.

Қадимги Эрон тарихини ўрганишда рус ва хорижий мамалакатларнинг олимлари катта ютуқларга эришганлар. Булар қаторига М.М.Дьяконов, Р.Фрая, Дж.КамЭрон, В.Хини, Ю.Б.Юсифов, И.М.Дьяконов, Б.А.Тураев, В.В.Струве, Э.А.Грантовский, М.А.Дандамаев, В.И.Абаев, В.И.Авдиев, Г.Масперо, Эд.Мейер, Ж.Дюшен – Гильмен, Г.Виденгрэн ва бошқаларнинг хизмати каттадир.

Шуни таъкидлаш керакки қадимги Эрон тарихи, маданият ва хўжалигини ўрганишда м. ав. V – IV асрда яшаган юноно тарихчиси

Геродотнинг “Тарих” китоби, Фукидийнинг “Тарих” асари, “Анабасиси” м. ав. V асрда яшаган Диадорнинг “Тарихий кутибхона” асарлари нодир манбалар ҳисобланади.

Шундай қилиб олимлар қадимги Эрон тарихини ўрганишда қадимги понасимон, иероглифда ёзилган матнлар, архив ҳужжатлари, археологик ёдгорликларнинг маданий қатламларидан топилган ашъвий буюмлар ҳамда қадимги муаллифларнинг қадимги Эрон хақида ёзиб қолдирган асарларидан кенг фойдаланганлар. Шунингдек қадимги Элам, Мидия ва Эрон тарихини ўрганишда М.Дъелафуа, Ж. де Морган, Р.де Мекенем, Р.Грушман, Э.Негахбан, Л.Ванден – Берг ва бошқа тарихчиларнинг хизматлари каттадир. Эрон тарихининг Г.Кардашин, Г.Петгов, Э.Зейдя, И.П.Вейнберг, М.Дъелафус, Ж. де Морган, Р.де Мекенем, Р.Гришман, Э.Нечахбан, В.М.Массон ва бошқа олимларнинг хизматлари бениҳоя каттадир.

Зардуштийлик – Эрон ва Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида. Маълумки “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби Зардушт мил.авв. 660 йилда Хоразмда дунёга келган тарихий шахс. Унинг отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлаб яқка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшларидан халқ орасида шуҳрат қозонган, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмаган. Уни осишга ҳукм қилганлар. Зардушт ўзи билан 300 яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистонга келиб жойлашади. У бу ерда ўз ғояларини тарғиб қилиб, 77 ёшида вафот этади.

Тарихий маълумотларга кўра зардуштийликнинг пайдо бўлиши м. ав. X асрга қадар тўғри келади. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” бирдан вужудга келган эмас. У бир неча асрлар давомида яратилган. Зардушт “Авесто” нинг қадимий нусхаларини ўрганиб, тўплаб бир китоб ҳолига келтирилган. У 30 та коҳин – зардуштий руҳонийлари билан уч йил давомида “Авесто”нинг билимларини йиғиб, бир тизимга солган ва Абу

Райҳон Беруний таъкидлаганидек 12 минг ҳўкиз терисидан тайёрланган саҳифага зарҳал ҳарфлар билан ёздирган. Зардуштнинг яшаган даври, ватани, “Авесто” нинг ёзилиши тарихи ҳақида бир – бирига зид фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Тарихий маълумотларга қараганда зардуштийликнинг муқаддас илоҳий китоби “Авесто” беш қисмдан иборат бўлган. Унинг биринчи қисми “Вендудод” бўлиб, у 22 бобдан ташкил топган. Унда бошхудо Ахуро Мазда Ердаги барча мавжудотларнинг яратувчиси эканлиги баён этилган. Иккинчи китоб “Виспарад” – 24 бобдан иборат бўлиб, у ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Унда зулмат кучларига қарши кучлар қуйланади. Учинчи китоб Ясна деб номланиб, у 72 бобдан иборат, у қурбонлик вақтидаги маросимда айтиладиган қўшиқлардан иборат. Тўртинчи китоб Яшт – 22 қўшиқдан иборат бўлиб, унда зардуштийлик маъбудалари мадҳи қуйланади. Бешинчи китоб Хўрга Авесто – Кичик Авесто – Қуёш, ой ва бошқа худо ва маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат. “Авесто” нинг кўп қисми Македониялик Александр Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозир Капенгагендаги кутубхонада сақланиб келинмоқда.

Жуда кўп тадқиқотчиларнинг фикрича Заратуштра афсонавий бўлмасдан тарихий шахс ҳисобланади. У юнон манбаларида Зороаст номи билан эслайдилар. Заратуштира номи қадимги Эрон “Зара – уштра” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “Зар” – олтин, “уштра” – туя деган маъноларни билдиради. У уч хил маънода “Олтин туяли”, “Олтин туя эгаси”, “Олтин туя етаклаган одам” деб таржима қилинади. У Спитама авлодидан бўлиб, отасини Порушасп, онасини Дугдава деб аташган.

Авесто таълимотига кўра оламда иккита куч яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик каби қарама – қарши кучлар мавжуд бўлиб улар абадий муросасиси курашиб келадилар. Яхшилик ва ёруғлик кучларига Ахурамазда (Жаноби донишманд) бошчилик қилади.

Ёмонлик, зулмат, совуқлик ва ёвузлик кучларига Анхро – Манё – Ахриман раҳбарлик қилади. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишоч билдирилади.

Авестода меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий неъматла манбаи деб билади. Инсон саҳоватли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз – неъматлар яратиши уқтирилади. Авестода “дон эккан киши тақводорлик уруғини экади. У маздага ихлосмадлик эътиқодини олға суради, иймонини озиқлантириб туради...”, дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш, ердаги ёвузликни йўқотишда деб қаралади. “Ғалла ердан униб чиққанда, - дейилади “Авестода”, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола – фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади...” деб меҳнат улуғланади.

“Авесто” да инсон ахлоқ – одоби, маданияти қуйидаги учлик: Гумата – яхши фикр, Гучта – яхши сўз, Гваршта – яхши ишда ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз ва яхши ишга шон – шавкат бахш этаман”, - деб таъкидлайди Ахура – Мазда.

Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, мухтожлик ва хавф – хавотир остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт ва саодат учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади. Яхши сўзлар деганда эса ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо – сотиқ ишларида ҳалол бўлишга, қарзни ўз вақтида тўлаш, ўғирлик ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан ўзини тайиш ва ҳаказолар тушунилади. Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз хатти – ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл – йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Зардуштийлик ахлоқ – одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешафқат бўлишни қатъиян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш – гуноҳ

деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади. Шунингдек, “Авесто” да озодлик, поклик ва тозаликка алоҳида эътибор қаратилади. Ҳовуздан ювилмаган ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган.

“Авесто” да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, унга қаттиқ назорат қилинган, қариндош – уруғ, ака – уканинг қуда – анда бўлиши қораланган. Ҳозирги тиббиёт фани ака – ука, яқин қариндошлар ўртасида қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла – тўкис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аждодалримиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради.

Кўриб турганимиздек, Ўрта Осиёда кенг тарқалган зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига муҳим аҳамият берилган. Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш таъқиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик яъни бузуқчилик гуноҳи содир этса ундай кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотига кўра оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишга йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт ўтказиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахт ўстириш кераклиги такидланади. Авестода аҳолининг кўпайишига ҳам катта аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмаган қизга ва уйланмаган йигит қопга солиниб 50 дарра урилган. Йигитга темир камар боғлаб юриш буюрилган.

“Авесто” да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи Илон ва Жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас,

биздан бошланган экан, қариб 250 – 300 йил муқаддам. Бу ҳам бизнинг маданиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. “Авесто” да аждодлари-мизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон иллатлар қораланади. Соф кўнгилли бўлиш, бир – бирига ҳиёнат қилмаслик, савдода бир – бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий хислатлар тарғиб этилади.

Қадимги Элам давлатининг ташкил топиши. М. ав. VI – V минг йилликда Эроннинг жануби – ғарбий бурчагида хўжалик ривожланиб, хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақаланиш жараёни содир бўлади. М. ав. III минг йиллик бошларида эса у ерда пойтахти Суза бўлган Элам давлати ташкил топади. Ҳозирги Эроннинг Карун ва Керхи дарёлари ҳавзаси м. ав. VI – V минг йилликлардаёқ ибтидоий одамлар гавжум бўлиб яшаган ўлкалардан бири эди. Бу ҳудуд аҳолиси Карун ва Керхи дарёлари, сойлари ва жилғалари ҳавзасида дастлаб дайдиб юриб, термачилик, овчилик, балиқчилик ва сув ҳайвонларини тутиб еб тирикчилик қилганлар. Сўнгра эса бу ерда аҳоли дастлабки қайр ва лиман деҳқончилиги билан шуғулланиб, ерни мотиға – чопқи билан юмшатиб буғдой, арпа, кунжут, тарик ва бошқа зироатчилик экинлари экиб ҳаёт кечирганлар. Улар аста секин қайр ва лиман деҳқончилигидан Карун ва Керхи дарё бўйларида дастлабки суғорма деҳқончиликка ўтабошлаганлар. Текисликдаги ва тоғ яйловларидаги ўтлоқларда қўй, эчки, қорамол, йилқи боққанлар. Худудда ҳунармандчилик ва алмашувга асосланган савдо – сотиқ ривож топган. Худадда хусусий мулк, мулкый тенгсизлик, табақаланиш жараёни содир бўлиб, қабилалар иттифоқи шаклланган. М. ав. XXI асргача Шумер ва Аккад давлатларига қарам бўлиб қолади.

М. ав. 2230- йилда Элам ҳукмдори **Хита** Аккад подшоси **Нарам-Суен** билан шартнома тузади. Хита *“Нарам-Суеннинг душмани менинг душманим, Нарам-Суеннинг дўсти эса менинг дўстим”* деб эълон қилади.

М. ав. XXII аср бошларида **Кутик — Иншушинак** Эламни бирлаштириб, уни ягона давлатга айлантиради. Шу вақтда Эламга шимолдан гутейлар бостириб кириб, уни ўзларига тобе қилиб оладилар. Ур III сулоласи даврида Элам Месопотамия ҳукмдорларига тобе этилади. М. ав. XXI аср охирида Элам яна кучайиб, мустақилликка эришиб, Урни ўзига қаратади ва Жанубий Шумерни босиб олади. Бобил подшоси Ҳаммурапи эса эламликларни Шумердан ҳайдаб чиқаради.

М. ав. 1730—1700-йилларда Элам қўшинлари Месопотамияга бостириб кириб, Аккадгача бўлган ерларни босиб оладилар. XIV аср ўрталаригача Элам ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Кейинчалик Элам бобилликларга тобе бўлиб қолади.

М. ав. 1180- йилда Элам шоҳи Шутрук — Нахунта I Бобил қўшинларини мамлакатдан қувиб чиқаради. У Бобилга бостириб кириб бир қанча шаҳарларни босиб олади. У катта ўлжалар қатори ҳаммурапи қонунлари ёзилган тошни ҳам Сузага олиб келади.

М. ав. 1155—1115- йиллар Элам подшолигининг гуллаган даври ҳисобланади. М. ав. 1115- йили эламликлар бобилликлардан енгилиб, М. ав. VIII асргача ўз мустақиллигини йўқотадилар.

М. ав. VIII асрда Элам мустақиллигини қайтадан тиклайди ва Бобил билан иттифоқ тузиб оссурларга қарши кураш бошлайди. М. ав. 720- йили элам қўшинлари бобил қўшинлари етиб келмасдан олдин Дер яқинидаги даҳшатли жангда оссур қўшинларини тор-мор этадилар. Эламликлар бобилликлар билан иттифоқ тузиб оссурларга қарши узоқ курашадилар. М. ав. 639- йили Элам оссурлар, 596-йили бобилликлар таъсирида бўлади. Ниҳоят м. ав. 549-йили эронийлар уни босиб оладилар. Шу билан мустақил Элам давлати ҳам барҳам топади. Эламда илк давлатлар ташкил топгандан бошлаб аҳоли Керхи, Карун дарёлари, катта – кичик сой ва жилғалар бўйини ўзлаштириб сунъий суғоришга асосланган дехқончилик билан шуғулланганлар. Дарё, сой ва жилғалар бўйидаги, тоғлик ўлкалардаги ўлкаларда эса чорвачилик билан шуғулланганлар.

Чорвачиликда йирик шоҳлик қорамол, қўй – эчки, от ва эшак боқилган. Дехқончиликда буғдой, арпа, кунжут, тарик экили, узум, олма, нок, хурмо ва бошқа сабзавотлар экалган. Эламда темирчилик, заргарлик, кулолчилик, тўқимачилик, тоштарашлик, меъморчилик, мискарлик, ва ҳунармандчиликнинг бошқа тармоқлари ривож топган эди. Элам шоҳлари ва савдогарлари узок – яқин мамлакатлар билан савдо – сотиқ олиб борганлар. Эламда суратли хат мустақил равишда пайдо бўлиб, кейинчалик бу хат қадиги такомиллашган миҳхат билан алмаштирилган. Миҳхат эса Месопотомянинг қадимги халқларидан олинган.

Мидия подшолиги. Мидия Эроннинг шимоли-ғарбида жойлашган қадимий ўлкалардан биридир. Бу ўлкада қадим замонлардан бошлаб мидия қабилалари яшаганлар. М. ав. IX асрда Мидия ҳудудида қабилалар иттифоқига асосланган майда давлатчалар мавжуд бўлиб, қўшни оссурлар бу ерга тез-тез ҳужумлар уюштириб турганлар. Оссурлар мидияликларни талаб, улардан хирож ундирганлар, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиб, аҳолини қирғин барот қилиб бир қисмини эса асир қилиб ҳайдаб кетганлар.

М. ав. VIII аср охирида Мидияга киммерийлар, м.ав. VII аср бошларида эса скиф қабилалари бостириб кирганлар. Улар Урмия кўли атрофидаги Сакасана вилоятига келиб ўрнашадилар. Скифлар шу ердан туриб Оссурия ва Урарту устига босқинлар уюштириб турганлар. Скифлар ва киммерийлар моҳир чавандоз, уста мерганлар бўлиб, отлари катта тезликда кетаётган вақтда ҳам душманлари устига ўқ ёғдириб борар эдилар.

М. ав. 672- йили мидияликлар **Каштарити** раҳбарлигида оссурларга қарши кураш бошлаб, уларни Мидиядан ҳайдаб чиқарадилар. Каштарити Мидиядаги майда давлатчаларни бирлаштириб ягона давлат тузишга бел боғлайди ва илк Мидия давлатини тузишга эришади.

М. ав. VII аср ўрталарига келиб Мидия Қадимги Шарқдаги қудратли давлатга айланади. М. ав. 653- йили Мидия шоҳи Каштарити оссурлар

устига қўшин тортади. Оссурлар скифларни мидияликларга қарши курашга кўндирадилар. Мидия қўшинлари оссур ва скифларнинг икки томондан берган зарбаларига бардош бера олмай енгиледи. Бу жангда Каштарити ҳалок бўлиб, Мидия М. ав. 653—625- йиллар орасида скифлар таъсирига тушиб қолади.

Киаксар ва Астиаг даврида Мидия. М. ав. 625-йили Каштаритининг ўғли **Киаксар** Мидия подшоси бўлгач, скифларни мамлакатдан қувиб чиқаради. Киаксар Мидиядаги майда давлатларни катта бирлаштириб, уни кучли салтанатга айлантиради.

М. ав. 614-йили Киаксар қўшинлари Оссурияга бостириб кириб унинг пойтахти Ашшурни вайрон қиладилар ва талайдилар. Мидияликлар Оссуриядан беҳисоб бойлик ва асирлар олиб қайтадилар. Киаксар Бобил подшоси Набопаласар билан ҳарбий иттифоқ тузиб оссурларга қарши жанг бошлайди. М. ав. 612, 609- йилларда Бобил ва Мидия қўшинлари оссур қўшинларини енгиб Оссуриянинг Ниневия ва Ашшур шаҳарларини яна вайрон қиладилар. Бу мағлубиятдан сўнг оссур қўшинлари ғарбга чекинадилар. Оссурлар Миср билан иттифоқ тузиб, Бобил-Мидия бирлашган қўшинига қарши курашга отланадилар.

М. ав. 605- йилда Миср-Оссур қўшинлари билан Мидия-Бобил қўшинлари ўртасида Кархемиш ёнида жанг дахшатли бўлади. Жангда оссур-миср қўшинлари тор-мор этилиб, шу билан Оссурия давлати ҳам барҳам топади.

Бу жанглардан сўнг шимолий Месопотамиядаги Оссурия ерлари Мидия ихтиёрига ўтади. Киаксар Бобил билан дўстликни мустаҳкам-лаш учун қизини Бобил подшоси Набопаласарнинг ўғли **Навухо-доносор II** га никоҳлаб беради. Икки давлат ўртасида яқин дўстлик ҳукм суради.

Киаксар жанубда Парсуани, шарқда Парфияни, ғарбда эса Кичик Осиёнинг Галис дарёсигача бўлган ерларни Мидияга қўшиб олади. М. ав. 590—585- йиллар орасида Лидия — Мидия уруши содир бўлади. Ривоятга кўра М. ав. 585-йил 28 май куни қуёш тугилади. Бу ҳодисадан икки томон

лашкарлари ваҳимага тушиб қуролларини ташлаб жанг майдонидан қочадилар. Шундан кейин уруш тўхтаб, тинчликка асосланган сулҳ шартномаси тузилади. Ўртадаги гина-кудуратга чек қўйиш мақсадида Мидия шахзодаси **Астиаг** Лидия шоҳи **Алиттанинг** қизига уйланади.

М. ав. 585- йили **Киаксар** вафот этиб, Мидия тахтини унинг ўғли **Астиаг** эгаллайди. Астиаг даврида Бобил билан Мидия ўртасидаги муносабат бузилиб, қонли жанглар бошланади. Бу урушлар ҳар икки томонни заифлаштиради. Форслар **Кайхусрав** бошчилигида кўзғолон кўтариб, М. ав. 550- йили Астиаг қўшинларини тор-мор этадилар. Мидия давлати Эронга қўшиб олинади ва барҳам топади.

2- §. Аҳамонийлар давлати

Аҳамонийлар давлатининг ташкил топиши. Қадим замондан бошлаб Урмия кўлининг жанубий томонларида *парсуа* қабилалари яшар эдилар. М. ав. VIII—VII асрларда улар Эламга кўчиб **аҳамон** уруғидан чиққан сардор атрофида бирлашганлар. Улар дастлабки подшолари Кайхусрав I даврида Оссурияга, Камбиз даврида (600—559) Мидияга итоат этганлар. Камбиз билан Мидия шоҳи Астиагнинг қизи ўртасидаги никоҳдан **Кайхусрав II** дунёга келади. Камбиз вафот этгач, Парсуа тахтига Кайхусрав II ўтириб, М. ав. 559- йилда Пасаргада шахрини қуриб, уни давлат пойтахтига айлантиради. М. ав. 553—549- йиллар мобайнида олиб борилган урушларда Кайхусрав бобоси Астиаг қўшинларини енгиб, Мидия ва Эламини Парсуага қўшиб олади. Шу тариқа аҳамонийлар уруғи асос солган **Парсуа** — яъни **Эрон давлати** ташкил топади. Кайхусрав II ғарбда Лидия шоҳи **Краз** қўшинларини, шимолда арманларни енгиб, бутун Кичик Осиёни босиб олади. Лидия пойтахти **Сарди** таланиб, шоҳ Краз асир олинади ва ўлдирилади. М. ав. 545—530- йиллар орасида Эрон шоҳи Бобилни ҳам босиб олиб, Ҳинд дарёсигача бўлган ерларни истило қилади. Кайхусрав II нинг М. ав. 530—529- йилда Туронга қилган юриши

Эронийларнинг массагетлардан энгилиши ва „Кайхусрав“нинг ўлдирилиши билан тугайди.

Кайхусрав II ўлдирилгач, Эрон тахтига унинг ўғли Камбиз II ўтиради. Камбиз II М. ав. 529—522- йиллардаги фаолияти даврида итоат эттирилган мамлакатлар ва Эрондаги исёнларни шафқатсизлик билан бостиради. М. ав. 525- йили у Мисрни босиб олади. Унинг Эфиопияга уюштирган ҳарбий юриши муваффақиятсизлик билан тугайди. У Мисрда эканида **Гаумата** бошлиқ Эронийлар исён кўтардилар. Исённи бостириш учун Эронга қайтаётган Камбиз II М. ав. 522 – йили йўлда сирли равишда ўлдирилади. Тахминларга кўра илоҳ Камбизга нисбатан душманлари томонидан махфий суйи қасд уюштирилган бўлса керак.

Доро I даврида Эрон. Камбиз II ўлдирилгач, Гаумата Эрон тахтига ўтириб, етти ой подшолик қилади. Лекин кўп ўтмай М. ав. 522- йил 29-сентябрда у ҳам суйиқасдчи фитначилар томонидан ўлдирилади. Гаумата ўлдирилгач, Эрон тахтига аҳамонийлар сулоласидан бўлган **Доро I** ўтиради. Доро I Эрон салтанатини м. ав. 522 йилдан 486 йилгача – 36 йил мобайнида бошқаради.

Доро I подшолигининг дастлабки йилларида Бобил, Миср, Элам, Турон ва бошқа мамлакатларда бошланган кўзғолонларни шафқатсизлик билан бостиради. Доро I итоат эттирилган мамлакатларда бироз осойишталик ўрнатгач, бир қатор ислохотлар ўтказишга киришади. У мамлакатни 20 та сатрапликка — вилоятга бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида **ноиб** тайинлайди. Вилоятлардаги кўшинга ҳарбий саркардалар бошчилик қилиб, давлат амалдорлари улар устидан кучли назорат ўрнатганлар. Бутун мамлакат сатрапликларида „подшонинг кўзи ва қулоғи“ деб ном олган. назоратчилар фаолият кўрсатганлар. Ҳар бир шубҳали киши қаттиқ назорат қилиниб, жиноятига яраша жазоланган, ҳатто ўлдирилган ҳам.

Мамлакат вилоятлари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш учун тош ётқизилган “шоҳ йўли” қурилган. Бу йўллар Пасаргададан мамлакатнинг

турли бурчакларига тармоқланиб кетган эди, йўлларда, бекатлар, карвонсаройлар, коризлар қурилиб, уларни отлиқ соқчилар қўриқлаб турган. Эрондан ташқаридаги тобе мамлакатлардан хирож солиғи ундирилган. Доро I Миср, Милет, Бобил, Элам, Турон ва бошқа жойларда кўтарилган исёнларни шафқатсизлик билан бостирган ва исёнчиларни жазолаган.

Доро I подшолигининг сўнгги йилларида Эронийлар Фракия ва Македонияни босиб олганлар, Юнонистондаги Афина ва Спарта давлатлари Эронийларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Шарқда Эронийлар Ҳинд дарёсининг ўрта ва қуйи оқимидаги ерларни босиб олганлар.

Доро I нинг Турон ва Қора денгиз шимолидаги скифлар юртига ва Юнонистонга уюштирган истилочилик юришлари Эронийларнинг мағлубияти билан тугаган.

М. ав. 486- йили Мисрда Эронийларга қарши кўзғолон бошланади. Доро I кўзғолонни бостиришга улгурмай М. ав. 486- йили 64 ёшида вафот этади.

Сўнгги ахамонийлар даврида Эрон. Доро I вафот этгач, тахтга унинг ўғли **Ксеркс** ўтиради. У Эронда М. ав. 486-йилдан М. ав. 465-йилгача подшолик қилган. М. ав. 484—481-йилларда Миср ва Месопотамияда жуда катта исёнлар кўтарилиб, Ксеркс уларни жуда қийинчилик билан бостиради.

М. ав. 480- йилда Ксеркс жуда катта қўшин билан Юнонистонга бостириб киради. Эрон қўшинлари яна Фракия билан Македонияни жангсиз босиб оладилар. Шимолий Юнонистонни ишғол қилган Эронийлар Фермопиль довони остонасига кириб келадилар. Фермопиль мудофаасига Спарта подшоси Леонид бошчилик қилиб, унинг қўшинлари душманни Ўрта Юнонистонга ўтадиган йўлни тўсиб турар эдилар.

Леонид ўз қўшинлари билан икки кун давомида эронликларнинг ҳужумини қайтариб туради. Аммо фессалиялик бир хоин катта бойлик эвазига Эрон қўшинларини тоғ сўқмоқлари орқали Юнон қўшинининг

орка томонига олиб ўтади. Леонид 300 кишидан иборат спарта жангчилари билан жангга киради. Жанг икки кеча-ю икки кундуз давом этади. Аёвсиз жангда Леонид ва унинг жангчилари қахрамонларча ҳалок бўладилар. Эронийлар Ўрта Юнонистонга бостириб кирадилар ва Афинага яқинлашадилар. Афина аҳолиси Саламин ороли ва Пелопоннесга кўчирилади. Афина Эронийлар томонидан ишғол қилиниб, ёндирилади.

Аммо жанг Саламин бўғозидида давом этиб, Эронийларнинг мағлубияти, Юнонларнинг ғалабаси билан тугайди. Бу мағлубиятдан сўнг Эронийлар Юнонистондан кетишга мажбур бўладилар. Юнон-Эрон уруши тўхтаб-тўхтаб, М. ав. 449- йилгача давом этиб, Эронийларнинг мағлубияти билан якунланади. М. ав. 449- йил Сузада бўлган “**Каллий сулҳи**” га биноан Эрон Кичик Осиёдаги кўп жойларидан ажралиб, унинг ҳарбий-денгиз флоти Эгей денгизидида сузишдан маҳрум этилади.

М. ав. 465- йили Ксеркс ўлдирилгач, Эрон тахтига бирин-кетин **Артаксеркс I** (460-424), **Доро II** (423-404), **Артаксеркс II** (404-358), **Артаксеркс III** (358-336) ва **Доро III** (336-330) келиб кетадилар.

Бу даврда Эрон кучсизланиб кўп ўлкаларда кўзғолонлар авж олиб кетади. Бу кўзғолонларнинг баъзилари шафқатсизлик билан бостирилади. Айни пайтда Кария, Лидия, Киликия, Ҳиндистон, Хоразм ва бошқа мамлакатлар Эрон тобелигидан чиқиб кетадилар.

Юнон-македонларнинг шарққа юриши ва Эрон салтанатининг қулаши. М. ав. 336- йили Филипп II ўлдирилгач, Македония тахтига унинг ўғли **Македониялик Александр** ўтиради. М. ав. 334- йили Македониялик Александр **30 000** пиёда, **5000** отлиқ аскар ва **160** ҳарбий кемадан иборат куч билан Кичик Осиёга ўтиб, Эронга уруш эълон қилади.

М. ав. 334—332- йиллардаги даҳшатли жанглар натижасида Македониялик Александр Кичик Осиё, Киликия, Сурия, Финикия ва Паластин каби давлатларни босиб олади. Исс ёнидаги жангдан сўнг Эрон шоҳи хотин, бола-чақа Қини ташлаб, Марказий Эронга қочиб кетади.

Унинг бутун оиласи Македониялик Александрга асир тушади. Миср Македониялик Александрга урушсиз таслим бўлади.

М. ав. 331- йил 1- октябрда Гавгамел ёнидаги даҳшатли жангда Эрон қўшинлари яна тор-мор этилади. Шундан сўнг икки дарё оралиғи ва унга туташ бўлган Бобил, Суза, Персепол, Эрон пойтахти Пасаргад Юнон-македон қўшинлари томонидан босиб олинади. Доро III қолган қўшинлари билан Экбатанга чекинади. Македониялик Александр эса Эронийларни таъқиб қилиб бораверади. Экбатанга Македониялик Александрни келаётганини эшитган Доро III Бактрияга қочиб кетади. Бактрия сатрапи Бесс ўз қариндоши Доро III ни ўлдириб, ўзини **Артаксеркс IV** номи билан Эрон шоҳи деб эълон қилади. Кўп ўтмай **Бесс** Македониялик Александр томонидан ушланиб қаттиқ қийноққа солиб ўлдирилади.

М. ав. 329—327- йилларда Македониялик Александр Туроннинг бир қисмини, м.ав. 327-325- йилларда эса Ҳиндистоннинг ғарбий вилоятларини босиб олади. У 325- йили Икки дарё оралиғига қайтиб, Бобилни буюк салтанатининг марказига айлантиради. Македониялик Александр буюк салтанатни икки йилдан ошиқроқ бошқаради. Қадимги дунёнинг бу буюк саркардаси ва шоҳи тез орада бетоб бўлиб, еҳтимол захарланиб М. ав. 323- йилда вафот этади. Македониялик Александр тузган бу улкан давлат мустаҳкам эмас эди. Айна пайтда бу давлатни бошқара оладиган Македониялик Александрзодалар ҳам йўқ эди. Шу туфайли бу улкан давлат тез орада парчаланиб, унинг ўрнида бир қанча майда давлатчалар ташкил топди. Уларни Македониялик Александрнинг лашкарбошилари бўлиб оладилар. Эронда эса Салавқалар давлати ташкил топади. Мисрда Пталомейлар, Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида Пергам подшолиги қарор топади. Бу давлатлар эллик давлатлари номи билан тарихга кирган.

3-§. Қадимги Эроннинг хўжалиги ва маданияти

Дехқончилик ва чорвачилик. М. ав. VIII—VI минг йилликлар орасида Эроннинг ибтидоий қабилалари термачиликдан деҳқончиликка,

овчиликдан эса чорвачиликка ўта бошлаганлар. М. ав. IV минг йилликдан бошлаб эса **Карун, Керха** ва бошқа дарёларнинг унумдор водийларида яшовчи аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар. Деҳқонлар омоч билан ер ҳайдаб, мотиға — кетмончалар билан экинларга ишлов берганлар Деҳқон ва боғбонлар **арпа, буғдой, тарик, хурмо, сабзавот, олма, нок олхўри, узум** каби мевалар экиб, улардан мўл ҳосил олганлар.

М. ав. III—II минг йилликларда Эрон, хусусан Элам ва Мидияда деҳқончилик ва чорвачилик янада ривож топган. Деҳқонлар тоғ ва сой дараларига тўғон, сув омборлари, коризлар куриб, каналлар қазиб, уларнинг сувидан тежаб-тергаб фойдаланганлар.

Қадимги Эронда чорвачилик ҳам яхши ривож топган эди. Чорвадорлар от ва туя сутидан шифобахш ичимлик **қимиз ва қумрон** тайёрлаганлар. Эрон қўшинларининг асосий қисмини от ва туя минган суворийлар ташкил этган. Эрон қўшинлари таркибида от қўшилган жанг аравалари алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Шуни таъкидламоқ керакки, Эрон қўшинлари қисмларида ўргатилган жанговар фил миниб урушга кирадиган жангчилар ҳам бўлган. Шундай қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик Қадимги Эрон халқлари хўжалик ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Хунармандчилик ва савдо-сотиқ. Қадимги Эронда деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда хунармандчилик ва савдо – сотиқ ривож топган эди. Чунки деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Эронийлар йилқичиликка алоҳида этибор берганлар. Македониялик Александр Эрондан Ўрта Осиёга ўтаётганда яйловларда ўтлаб юрган минглаб йилқи уюрлари ва қулунларини кўрганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Эрон хунармандчилигининг энг қадимги тармоқларидан бири кулолчиликдир. Қадимги кулоллар лойни пишитиб ундан ҳар хил сопол буюмлар — кўза, хум, хумча, қозон, товоқ, хурмача, пиёла ва тоғора

ясаганлар. Уларни устини жимжимадор нақшлар билан безаганлар. Ичи ва сиртини ҳар турли бўёқларга бўяганлар. Идишларнинг сиртига одам, ҳайвон, парранда ва ўсимлик барглари тасвирларини ишлаганлар. Тўқимачилик ҳам Қадимги Эрон ҳунармандчилигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган. Тўқувчилар зиғир пояси, жун ва ипак қурти пилласидан ип йиғириб маҳсус дастгоҳларда ҳар хил матолар тўқиганлар. Бу матолардан эса энгил-бош, уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари тикканлар.

Эрон тоғларидан мис, қалай, қўрғошин, темир ва олтин қазиб олиш ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Темирчи усталар темирдан омоч тиши, ўроқ, пичоқ, Ханьжар, кетмон, қалқон, найза, найза учлари, камон ўқи пайконлари, қалқон каби уруш қуролла ясаган.

Қадимги Эронда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожлана бориши натижасида ортиқча маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бу ортиқча маҳсулотлар мамлакатнинг ички бозорида ва ташқи бозорларида сотилган ёки буюмларга алмаштирилган.

М. ав. VII—IV асрларда Эронда ташқи савдо ҳам ривож топиб савдогарлар Икки дарё оралиғи, Кичик Осиё, Миср, Ўрта Осиё, Арабистон, Кавказ, Ҳиндистон ва Ўртаер денгизи атрофидаги давлатлари билан қизғин савдо ишларини олиб борганлар. Ички ва ташқи савдо ишларида эшак, ҳачир, от ва туя қарвонларидан кенг фойдаланганлар.

Ташқи савдо ҳам сув, ҳам қуруқлик йўли орқали олиб борилган. Эроннинг Суза шаҳридан Лидиянинг Сарди шаҳригача „Шоҳ йўли“ ўтказилган эди. Ундан Эрон шаҳарларидан атроф мамлакатларга савдо-қарвон йўллари таралган эди. Қарвон йўлининг ҳар ер, ҳар ерида бекатлар, меҳмонхоналар, сардоба — сув сақлагичлар, коризлар, қарвонсаройлар ва рабоблар бунёд этилган эди. Йўллар серкатнов бўлиб, уни шоҳнинг отлиқ наварлари — посбонлари доимо назорат қилиб юрардилар.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ давлатга жуда катта бойлик олиб келар эди.

Қадимги Эрон маданияти. Ёзув. Қадимги Эронда хилма-хил қабилалар яшаганлар. Шу туфайли Эрон маданияти хилма-хил ва кўп қиррали бўлган. М. ав. III минг йилликлардаёқ эламликлар 150 белги-расмдан иборат мустақил ёзувга эга бўлганлар. М. ав. XXIII—XXII асрлар давомида эламликлар **шумер-аккаднинг михсимон ёзувидан** фойдаланганлар. Кейинчалик эса 80 белгидан иборат ёзув кашф этилган.

Улар М. ав. VI асрда шумер-аккад миххатини ўзлаштириб ва такомиллаштириб 42 белгидан иборат ўз алифболарини яратганлар. Айни пайтда улар **арамей** ёзувларидан ҳам фойдаланганлар.

Доро I ва унинг ўғли Ксеркс ва бошқалар Эрон михсимон хатидан кенг фойдаланганлар. Бу жиҳатдан Доро I нинг Бехистун ва Нақши — Рустам қояларига михсимон алифбода ўйиб ёзилган катта хатлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиёт. Қадимги Эронликлар ўзларининг бой халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётига эга бўлганлар. Улар кўплаб халқ мақоллари, эртаклари, ҳикоялари, кўшиқлари ва ёзма адабиётнинг ажойиб намуналарини яратганлар. Бу жиҳатдан халқ оғзаки ижодиёти билан суғорилган **“Авесто”** ва Фирдавсийнинг **“Шоҳнома”** достони алоҳида аҳамиятга эгадир. “Авесто” ва “Шоҳнома” да Эрон ва Турон халқларининг қадимги тарихи, хўжалиги, диний эътиқоди ва маданиятининг кўп томонлари баён этилган. “Шоҳнома” нинг кўп дostonлари шошлик катта деҳқон ҳикоялари асосида яратилган. Эронийлар мавсумий, хусусан Наврўз байрамига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Аҳамоний шоҳлари даврида Наврўз умумдавлат, умумхалқ байрамига айланган. Наврўз байрами вақтида Эрон шоҳлари байрамда қатнашиш учун полвонларни, чавондоз ва ўйинчиларни таклиф этганлар.

Тасвирий санъат. Тасвирий санъат қадимги Эрон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Элам, Мидия ва Аҳамоний Эронийлари даврида ҳайкалтарошлик, рассомлик, тошга қабартма расмлар ишлаш ва наққошлик ҳам анча тараққий этган эди. Ҳайкалтарошлар тош, олтин ва

кумушдан худолар, маъбудалар, шоҳлар, саркардалар, руҳонийлар ва баъзан ҳайбатли ҳайвонларнинг ҳайкаллари ишлаганлар.

Меъморчилик ҳам Эронда эрта шаклланиб аҳамонийлар даврида ривож топди. Меъмор усталар, шоҳ саройлари, мактаблар, ибодатхоналар, ҳарбий қалъалар қуриб, уларнинг ичи ва сиртини хилма-хил нақшлар билан безаганлар. Бу жиҳатдан Эламнинг Дур-Унташ шаҳрида қурилган 4 қаватли бино — зиккурат, Мидиядаги Хархар қалъаси, Пасаргадда қурилган Кайхусрав II мақбараси, Персеполдаги шоҳ Доро I саройи, Персеполдаги Ксеркс саройи қадимги Эрон меъморчилигининг ажойиб намуналаридир.

Сузанинг Дур-Унташ шаҳридаги М. ав. XIII асрга оид зиккуратга кираверишда шер, буқа, грифон, худо ва подшоҳларнинг олтин ва кумушдан ишланган ҳайкаллари ҳам кишини ҳайратга солади.

Бу жиҳатдан Персеполдаги қабартма суратлар диққатга сазовордир. Сарой дарвозасига шоҳ саройини қўриқловчи қанотли, муқаддас буқаларнинг ҳайкаллари ишланган. Сарой деворлари шоҳга турли хил совғалар олиб келаётган хирож тўловчи қабилаларнинг қабартма суратлари билан безатилган.

Эрондаги Беҳистун қоясидан Шоҳ Доро I ва турли ўлкалардан боғлаб олиб келинаётган қабила сардорларининг қабартма тасвирлари замонимизгача сақланиб келади. Буларнинг барчаси Эронда тасвирий санъатнинг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Қадимги Эронда математика, астрономия, тарих, география, табобат, ветеринария ва бошқа билимлар ривож топган эди. Аммо Эрон шоҳлари мисрлик ва Юнон табибларини саройларга тез-тез чорлаб турганлар. Табиблар беморларни даволашда шифобахш ўсимлик ва мевалардан кенг фойдаланганлар. Беморларни даволашда илон захари қўлланилган. “Авесто”да жом ва илон тасвири табобат рамзи ҳисобланган.

Диний эътиқод. Эронликларнинг қадимги аجدодлари дастлаб тоғ-у тош, сув, дарахт ва ҳар хил ҳайвонларни улуғлаганлар. Табақавий жамият

давлатлар ташкил топиши муносабати, хўжаликнинг ривожлана бориши натижасида эътиқодда ҳам ўзгаришлар содир бўла бошлаган. Хусусан эламликлар **Пинкер** деган худолар онасини улуғлаб, унга эътиқод қилганлар. Уларда Иншушинак Суза шахри хомийси ер ости худоси бўлган. Нахунт эса қуёш ва адолат худоси ҳисобланган. Эроннинг кўп жойларида тотемизм, фетишизм каби ибтидоий дин шакллари узок вақтгача сақланиб қолган. Мидия подшоси Астиаг даврида зардуштийлик кенг тарқала бошлайди.

Бу диннинг асосчиси Зардушт бўлиб, дин шу кишининг номи билан зардуштийлик деб аталган. Зардуштийлик дини китоби “Авесто” бўлиб, унда Эрон ва Туронда яшаган халқларнинг тарихи, хўжалиги, диний эътиқоди ва маданияти ҳақида кўп маълумотлар бор.

Эрон халқлари Миср, Бобил, Элам халқлари маданиятидан баҳраманд бўлиб, ўзларига хос маданият яратганлар. Бу динда **Ахурамазда** яхшилик, ҳақиқат ва одиллик худоси ҳисобланган. **Ахри-Маню** эса зулмат, ўлим ва ёмонлик келтирувчи худо бўлган экан. Эронийлар эътиқодига кўра бу икки худо ўртасида кураш давом этган.

Эронийлар Митра деган қуёш, Анахита деган сув ва ҳосилдорлик шнунингдек, ёруғлик, ой ва шамол худоларига эътиқод қилганлар. Эрон шоҳи Ксеркс диний ислоҳот ў⁺казиб майда худолар, маъбудалар ва дев-париларга эътиқод қилишни тақиқлаган. Ахурамазда эронликларнинг бирдан-бир самовий тангриси деб эълон қилинган.

4-§. Қадимги Парфия подшолиги

Қадимги Парфиянинг географик ўрни, табиати ва аҳолиси.

Парфия ҳам жануби-ғарбий Осиёдаги қадимги қулдорлик давлатлардан бири бўлиб, Шарқнинг энг катта ва кучли давлатига айланган пайтда Месопотамиядан Ҳиндистон чегараларигача бўлган ерларни ўз ичига олар эди.

Парфиянинг ер усти тузилиши асосан тоғлик, ясситоғлик ва қисман шўрхок текисликлардан иборат бўлган. Унинг худудидан Фрот, Дажла,

Атрок, Тажан, Мурғоб каби катта-кичик дарёлар оқиб ўтган. Парфия худудида бир неча юз минг йиллардан бери аҳоли яшаб келади. Унинг туб аҳолиси парнлар, дахлар, саклар, гирканлар ва бошқа қабилалар бўлган. Парфия кучайиб атрофдаги ўлкаларни истило қилгач, аҳолиси таркибига Юнон-македонлар, Эронийлар, мидияликлар, Месопотамиялик ва бошқа халқлар ҳам кирган. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари бевосита Қадимги Шарқ тарихининг таркибий қисмини ташкил этган. Унинг худудига Қорақум этаклари Копетдоғнинг Шимолий ёнбағри ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё ва Тожикистон республикасининг жанубий тоғлик ўлкалари киради. Қадмги Шарқ дунёси таркибига кирган бу маскан ўзининг қулай географик ўрни, табиий шароитларининг хилма – хиллиги билан ажралиб туради. Ўз даврида серсув бўлган Амударё, Сурхондарё, Қашқадарё, Тажан, Мурғоб ва бошқа тоғ дарёларива улардан сув оладиган каналлар бу ерда илк суғорма деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эди.

Парфия давлатининг ташкил топиши ва юксалиши. М. ав. VII - VI асрларда Каспий денгиздан жануби-шарқий ҳудудларда парн-парфия қабилалари яшар эдилар. М. ав. VII—VI асрларда Парфия гоҳ Мидия, гоҳ Эрон, гоҳ Юнон-Македон, гоҳ Салавклар давлати таркибида бўлган.

М. ав. III аср ўрталарида Салавклар давлати кучсизланиб қолган эди. Шу даврда Туркман-Хуросон тоғлари ва унинг шимолий ҳамда жанубий этакларида Парфия сатраплиги бўлиб, унга Стагнор деган киши ноиблик қиларди. М. ав. 250- йили, салавкиларнинг Парфиядаги ноиб **Андрагор** ўзини Парфия подшоси деб эълон қилди. Лекин Андрагорнинг подшолиги узоққа бормади.

М. ав. 247- йили кўчманчи сак қавмларининг парн-дах қабилалари Парфияни босиб оладилар. Уларнинг сардори **Аршак** Парфия давлатининг подшоси деб эълон қилинади. Рим тарихчиси Помпей Трог маълумотларига кўра Аршакнинг келиб чиқиши саклардан бўлиб, ўта жасур ва мард одам бўлган экан. Аршак исми шак ботири, паҳлавони,

деган маънони билдирган. Аршак Каспийнинг жанубидаги Гирканияни босиб олиб, подшолик ерларини кенгайтиради. У **аршакийлар** сулоласига асос солади. Аршак Юнон-Бақтрия подшоси Деодот I билан харбий иттифоқ тузиб, салавкийлар қўшинини тор-мор этади. Машхур археолог – тарихчи олим В.М.Массон “Жанубий Туркменистон Парфия давлатининг бешиги бўлган” деб ёзган.

Салавка подшоларидан Антиох III М. ав. 209- йили Парфия устига қўшин тортади. Бу жангда Парфия қўшинлари енгиледи аммо Парфия ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Антиох III вафотидан сўнг Салавкалар давлати кучсизланиб қолади. Бу вазиятдан фойдаланган Парфия шоҳи **Митридат I** М. ав. (171—138) Мидия билан Бобилни босиб олиб М. ав. 141-йилда ўзини „**Бобил подшоси**” деб эълон қилади.

М. ав. 140—120- йилларда шимолдан сакларнинг хужуми бошланиб, Юнон-Бақтрия давлати ағдариб ташланади. Сакларнинг жанговар қисмлари Парфия қўшинлари билан ҳам тўқнашадилар. Бу жангларда икки Парфия шоҳи ҳалок бўлади. Саклар Эримандер ва Херируд дарёлари оралиғидаги вилоятга бориб жойлашадилар. Шундан бошлаб бу вилоятни Сакистон деб атайдиган бўлдилар. Бу саклар ватани, юрти демакдир.

Митридат II (М. ав. 123—87) даврида Парфия қўшинлари салавкий қўшинларини енгиб, Эрон ва Месопотамияни ишғол қиладилар. Митридат II “**улуғ шаҳаншоҳ**” деган унвонга эга бўлади. Парфия қўшинлари Кичик Осиё ва Ўртаер денгизининг шарқий соҳили чегараларида римликлар билан тўқнашадилар. М. ав. 53- йилда машхур саркарда **Красс** бошлиқ Рим қўшинлари билан Парфия подшоси **Ород** (М. ав. 55—37) қўшинлари ўртасида жанглар бошланиб кетади. Шу йили Карри шаҳри яқинидаги даҳшатли жангда римликлар енгилди, саркарда Красс ҳалок бўлади. Бу ғалабадан сўнг парфиёнлар катта ўлжага эга бўлиб, жуда кўп рим аскарлари асирга тушади. Асирлар Марғиёнага ҳайдаб кетилиб ўша ерга жойлаштирилади.

Бу ғалабадан кейин Парфия пойтахти **Гекатомпилдан** Месопотамиядаги **Ктезифонга** кўчирилади. Бу даврда Парфия ўз кучкудратининг энг баланд чўққисига кўтарилади. Парфия кўшинлара Шарқда Ҳинд дарёсигача, ғарбда эса Ўртаер денгизи ва Кичик Осиё чегарасигача бўлган ерларни эгаллайдилар.

Парфия подшолигининг тушкунликка юз тутиши. М. ав. 40-йиллардан бошлаб римликлар Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларда ва Кичик Осиёда ўз мавқеини қайта тиклаб оладилар. Рим кўшинлари Парфия кўшинларини Фрот дарёсининг чап соҳилига суриб чиқаришга муваффақ бўладилар. Аммо римликларнинг М. ав. 38-йилда Мидияга қилган юришлари мағлубият билан тугайди. М. ав. I ва милоднинг I—II асриаридаги ички низолар ва тўхтовсиз урушлар Парфияни бироз кучсизлантириб кўяди. Бу даврларда Парфияга шимолдан аланлар бостириб кирадилар. Милоднинг II асрининг биринчи ярмида римликлар Месопотамияга икки бор бостириб кириб пойтахт Ктезифодни талаб вайрон қиладилар.

Шундан кейин Рим билан Парфия ўртасидаги кураш 200 йилча давом этади. Бу давр ичида Рим ва Парфия давлатлари кучсизланиб парчаланишга юз тутди. Парфия эса майда давлатга бўлиниб кетади.

Милодий III асрдан бошлаб подшоликнинг жануби-ғарбидаги парсуа вилояти юксалиб Сосоний сулоласи асос солган сосонийлар давлати ташкил топади.

Милодий 224 йилда сосоний хукмдорлари Парфия пойтахти Ктезифонни эгаллаб, кучсизланиб қолган Парфия подшоларидан тахтни тортиб оладилар.

Шундай қилиб, 500 йилча умр кўрган Парфия подшолиги ағдарилиб, унинг ўрнида Сосонийлар давлати ташкил топади. Унинг шарқий вилоятлари майда давлатларга бўлиниб кетади.

Парфиянинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти. Парфия жануби-ғарбий Осиёдаги йирик кулдорлик давлатларидан бири бўлган.

Давлат тепасида аршакийлар сулоласидан бўлган шоҳ ўтирган. Шоҳ хузурида қабила аслзодалари ва руҳонийлардан иборат икки алоҳида кенгаш бўлган. Ўлган шоҳнинг ўрнига ака-ука ва ўғилларидан бири тахтга ўтқизилган. Шоҳ давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни аслзода ва руҳонийлар кенгаши билан маслаҳатлашиб ҳал этган. Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини озод деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлар ва зиёлилар ташкил этган. Парфияда қулчилик анча сустривож топган эди. Солномаларда қулнинг боласи ҳам қул бўлиб қолиши таъкидланган. Қуллар меҳнатидан хўжаликнинг ҳамма тармоқларида фойдаланилган. Парфия аҳолиси тўрт табақадан иборат бўлган. Улар: 1. Зодагон жангчилар. 2. Енгил қуролланган суворийлар. 3. Эркин жамоачи деҳқонлар. 4. Қуллар. Парфия шоҳларининг асосий кучи қўшин бўлган. Парфия қўшинининг асосий қисмини қуллар ташкил этган.

Рим тарихчиси Помпей Трог: “Уларнинг қўшинлари қуллардан ташкил топган, қуллар оломони кўпайиб бормоқда, чунки ҳеч ким уларни озод этолмайди, ҳаммаси қуллар бўлиб туғилади. Улар шу қулларни ўз фарзандларидек кўриб тарбиялайдилар, от минишга ва ўқ-ёй отишга ўргатадилар”,— деб ёзган экан.

Парфиёнлар Рим саркардаси Антонийга қарши 50.000 суворий тайёрлаганлар, шулардан 400 суворий эркин кишилардан, қолгани эса қуллардан иборат бўлган.

Парфия хўжалигининг асосини деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ташкил этган. Парфия аҳолиси, яъни деҳқонлари Мурғоб, Тажан (Ох), Атрок, Қорун, Керха каби дарё ва сой бўйларидаги унумдор ерларга шоли, сабзи, турп, шолғом, қовун, тарвуз, қовоқ экиб парвариш қилганлар. Улар олма, анор, анжир ўрик, узум ва бошқа мевали дарахтлар экиб, боғдорчилик билан шуғулланганлар. Суғорилмайдиган лалмикор кам сувли ерларга буғдой, арпа, тарик, ловия, нўхат ва мош каби дуккакли экинлар экканлар Қишлоқ хўжалик ишларида қуллар меҳнатидан кенг фойдаланганлар. Озод деҳқонлар олинган ҳосилдан давлатга солиқ

тўлаганлар. Дехқонлар ерни хайдаш ва унга ишлов беришда омов, белкурак, кетмон теша, ўрок, сўка, мола каби меҳнат қуролларидан фойдаланганлар. Қишлоқ хўжалик ишларида от, эшак, хачир, хўкиз ва туялардан фойдаланилган. Дехқонлар ҳам кам миқдорда қорамол, қўй, эчки, эшак, от ва туя асраганлар. Парфиянинг тоғ, тоғ олди, ясситоғлик ва даштларида серўт яйловлар кўп бўлган. Бу яйловларда қўй, эчки, қорамол, эшак, туя ва хачирлар боқилган.

Парфияликлар йилқичиликка катта эътибор берганлар. Парфиянинг қуруқ иқлимли яйловлари ва тоғ ёнбағирларида асл зотли арғумоқ отлар парвариш қилинган.

Ҳикоя қилишларича Македониялик Александр Зулқарнайн Парфия бўйлаб ўтаётганда, мамлакатнинг дашт ва тоғ яйловларида юз минглаб айғир, бия ва қулунларни ўтлаб юрганини кўрган экан.

Қадимги солномачиларнинг ҳикоя қилишларича, парфиёнлар отга қаттиқ меҳр қўйганлар. Улар бир умр от устидан тушмай урушганлар, базм қурганлар, барча жамоат ва сиёсий ишларни от устидан тушмай бажарганлар, савдо қилганлар ва хатто дам олганлар Қадимги тарихчи Тацит **“Парфияликларнинг бирдан-бир кучи уларнинг суворийларидир”** деб, ёзган эди. Парфияликлар туячиликка ҳам катта эътибор берганлар. Мамлакатнинг қурғоқчил, қуруқ иқлимли даштларида кўплаб туялар боқилган. Улар от билан бир қаторда туяларни миниб юрганлар, уларда юк ташиганлар. Улар ички ва ташқи савдода жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Туялардан ҳарбий мақсадларда фойдаланилган. Парфия жангчилари туя миниб урушга кирганлар.

Хитойликлар Парфияни Анъси деб атаганлар. Хитой сайёҳларининг ёзишларича “Анъсида юзга яқин катта-кичик шаҳарлар бор. Уларнинг энг машҳурлари Задракарта, Гекотомпиль, Экбатан, Нисо ва бошқалардир. Бу шаҳарларда **тўқимачилик, қуролсозлик, қулочилик, заргарлик, кўнчилик, меъморчилик ва хунармандчиликнинг бошқа тармоқлари ҳам бирмунча ривож топган эди.**

Парфияда савдо-сотик анча ривож топган бўлиб, савдогарлар Турон, Хитой, Ҳиндистон, Кавказ, Миср, Кичик Осиёдаги мамлакатлар билан қизгин савдо-сотик ишларини олиб борганлар. Парфия савдогарлари ғарб мамлакатлари билан Хитой ўртасидаги савдо ишларида воситачилик қилишган. Парфия ҳам ўзининг қадимий маданиятига эга бўлган. Улар арамей ёзувидан фойдаланиб, халқ оғзаки ижодиёти асосида кўплаб асарлар яратганлар. Адабиётда Қадимги Эрон анъаналарининг таъсири кучли бўлган.

У ерда меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, бўртма расмлар ишлаш анча ривож топган бўлган. Парфия меъморчилиги ва ҳайкалтарошлигида Юнонларнинг таъсири кучли бўлган. Шоҳ саройларининг деворлари хилма-хил мазмундаги расмлар билан безатилган. Суякдан ясалган ҳайкаллар, шохдан ясалган қадахлар – ритонлар ва бошқа идишлар кишини ҳайратга солади. Қадах – ритонларда маст қилувчи ичкилик ичилган Ўша даврда чиққан олтин пулларнинг сатҳи подшо, малика ва жангчиларнинг тасвирлари билан безатилган.

Парфияда ибтидоий дин шакллари, ҳайвонларга тоғ-тошлар, дарахтлар ва сувга сиғиниш билан боғлиқ эътиқодлар сақланган. Лекин улар зардуштийликка кўпроқ эътиқод қилиб, сув, ҳаво, ер ва оловни улуғлаганлар. Ахурамаздани улуғлаб, Ахримонга нафрат билан қараганлар. Чунки Ахримон ёвузлик ва ёмонлик тимсоли эди.

Парфияликлар қўшни халқлар маданиятидан баҳра олиб ўзларига хос маданият яратганлар.

5-§. Юнон-Бақтрия подшолиги

Юнон-Бақтрия подшолигининг географик ўрни, табиий шароитлари ва аҳолиси. Юнон-Бақтрия Қадимги Шарқда қисқагина умр кўрган давлатлардан бири бўлган. У кучайган даврда унга Ўрта Осиёнинг жанубий, жануби-шарқий қисми, ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий худудлари кирган.

Ер юзаси тоғлик ва текисликлардан иборат бўлиб катта қисмини Олой, Помир ва Ҳиндикуш тоғлари эгаллаб ётади. Юнон-Бақтрия сув манбаларига бой, мамлакат худудидан Окс-Амударё ва унинг ҳамма ирмоқлари оқиб ўтади. У ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам бой бўлган. Юнон-Бақтрия олтин, кумуш, мис, темир ва қимматбаҳо тошлари билан қадимдан машҳур.

Юнон-Бақтрия инсоният маданиятининг бешиklarидан бири ҳисобланади. Бу ўлкада саккиз юз — бир миллион йилдан бери одамлар яшаб келадилар. Кейинчалик бу ерда бақтрияликлар, сўғдийлар, Эронийлар, Юнон-македонлар, хиндилар, сак ва тоҳар қабилалари яшаганлар. Бу ўлканинг қулай табиий шароити атрофда яшаган қабилалар эътиборини ҳамиша ўзига тортиб келган.

Юнон-Бақтрия подшолигининг ташкил топиши ва кучайиши. Македониялик Александр вафотидан сўнг у тузган салтанат бир неча катта-кичик давлатларга бўлиниб кетган. Уларнинг бири Салавкийлар давлати эди. Бу давлатнинг ҳукмдори Салавка I Никатор ғолиб бўлган. Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидан Ўрта Осиё ва Ҳиндистон чегараларигача бўлган ерлар Салавка давлати таркибида эди.

Салавка вафот этгач (м.ав. 280), унинг ворислари даврида шарқий вилоятларда кўзғолонлар бошланади. Бундан салавкийларнинг Бақтриядаги ноиби Диодот ҳам фойдаланади. У маҳаллий зодагонларнинг хайрихоҳлигига таяниб М. ав. 250 йилда ўзини Бақтрия подшоси деб эълон қилади.

Давлат ишларига Юнонлар ва маҳаллий бақтриялик зодагонлар жалб қилинганлиги учун бу давлат **Юнон-Бақтрия подшолиги** деб аталди. Бу давлатнинг асоси дастлабки Бақтрия бўлган, унинг пойтахти Шимолий Афғонистондаги Зариасп эди. Кейинчалик бу шаҳар Бақтр номи билан машҳур бўлиб кетди. Яна кейинчалик уни Балх деб номланди.

Диодот I ва Диодот II лар даврида Юнон-Бақтрия ерлари Сўғдиёна, Марғиёна, Чоч, Давон, Шарқий Эрон ҳисобига кенгайди. М. ав. 230- йили

Сўғдиёна ноиби Евтидем I қўшинлари Диодот II қўшинларини енгиб Бактрия тахтини эгаллайди.

М. ав. 208—206- йилларда Салавка подшоси Антиох III билан Евтидем I ўртасидаги икки йилга чўзилган уруш, сулҳ билан тугайди. Антиох III Евтидемнинг шохлигини тан олишга мажбур бўлади. Чунки шу даврда шимолдан кўчманчи қабилалар хавф солиб турган эдилар. Евтидем I ва унинг ўғли Деметрий даврида Юнон-Бактрия кучайиб Сейстондан Ҳинд дарёсигача бўлган ерлар Юнон-Бактрия подшолигига қўшиб олинади.

Юнон-Бактрия подшолигининг парчаланиши ва қулаши. М. ав. 175-йилда подшо Деметрий Ҳиндистонда жанг билиб бораётган эди. Шу даврда унинг саркардаси Евкратит қўзғолон кўтариб Юнон-Бактрия тахтини эгаллайди. Деметрий эса жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Шундан кейин подшолик иккига бўлиниб кетади. Биринчиси Евкратит ва унинг ворислари бошқарган **Юнон-Бактрия**, иккинчиси эса Деметрий ва ворислари бошқарган **Юнон-Ҳинд** давлатларидир.

М. ав. 162- йили Евкратит Панжобга қўшин тортиб уни босиб олади. Лекин кўп ўтмай Юнон-Ҳинд шоҳи Менандр қўшинлари Евкратит қўшинларини Панжобдан улоқтириб ташлайди.

Шу даврда Парфия подшоси Митридат I Юнон-Бактриянинг ғарбий вилоятларини босиб олади. М. ав. 160- йили Евкратит билан ўғли Гелеокл ўртасида жанжал чиқади. Евкратит ўз ўғли Гелеокл томонидан ўлдирилади. Гелеокл даврида Юнон-Бактрия давлати кучсизланиб, унинг ихтиёрида Бактриягина қолади. М. ав. 140—130- йиллар орасида шимоли-шарқ ва шимол томондан **сак ва юечжи** қабилаларининг шиддатли ҳужумлари бошланади. Бу ҳужумлар натижасида Юнон-Бактрия давлати ағдариб ташланади. Шу билан 120 йил давр сурган Юнон-Бактрия давлати ҳам барҳам топади.

Юнон-Бактрия подшолигининг ижтимоий тузуми, хўжалиги маданияти. Юнон-Бактрия ўша замоннинг кулдорлик давлатларидан бири

бўлган. Юнон-Бақтрия давлати тепасида подшо турган. Подшолик тахти бошқа шарқ давлатлари каби отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. Подшолик мулклари вилоятларга бўлиниб, уни вилоят ҳокимлари — гиппархлар бошқарганлар. Гиппархлар эса тўғридан-тўғри подшоларга итоат этганлар.

Подшоликнинг Юнон-Бақтрия қисмида уруғи Ҳиндистондан келтирилган пахта ҳам экилган. Эҳтимол ипак қурти ҳам боқилгандир.

Подшоликда қўй, эчки, қорамол, от, туя, кўтос, ўргатилган фил, ит ва парранда боққанлар. Юнон-Бақтрия отлари ва туялари жуда машҳур бўлган.

Бошқа жойларга қараганда Юнон-Бақтрияда шаҳарлар кўп бўлган. Шунинг учун қадимги тарихчилар Помпей ва Аполлодерлар Юнон-Бақтрияни “минг шаҳарлар мамлакати”, деб бежиз айтишмаган. Энг йирик шаҳарлар Бақтра, Термиз, Евкратидея, Деметрия, Александрия ва бошқалар бўлган. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривож топган.

Юнон-Бақтрияда савдо-сотик ҳам жуда ривожланган эди. Юнон-Бақтрия шимолдан жанубга, шарқдан ғарбга ўтадиган карвон йўлининг қоқ ўртасида жойлашгани савдо-сотикнинг ривожланишига имкон берган. Юнон-Бақтрия савдогарлари ва подшолари Ҳиндистон, Хитой, Парфия давлатлари, Окс ва Яксарт бўйи халқлари билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борганлар. Юнон-Бақтрия савдогарлари Буюк Ипак йўли тармоқларидан савдо-сотик ишларида унумли фойдаланганлар. Юнон-Бақтрия подшолари савдода қўлланиладиган олтин ва кумуш тангалар чиқарганлар. Юнон-Бақтрия маданиятининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буни биз м. ав. X—V минг йилликларга мансуб Зараутсой Помирдаги Куртакасойнинг Шахта ғори деворлари, шипларига оҳра бўёғи билан чизилган қоятош расмлари ва қадимий ёдгорликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Юнон-Бақтрияда Юнон ва маҳаллий бақтр маданиятининг аралашуви натижасида эллин маданияти вужудга келган. Ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва наққошлик каби тасвирий санъат ҳам ривож топган. Юнон-Бақтрияда хиндларнинг буддизим, зардуштийлик ва Юнонларнинг кўп худолик динлари аралашиб кетган эди.

Юнон-Бақтрия давлати 130—140 йил яшади. Лекин у ерда яшаган халқлар юксак маданият яратиб қўшни халқлар маданиятига баракали таъсир кўрсатган. Бу маданиятнинг ривожиди Ўрта Осиё, хусусан ўзбек халқи бобокалонларининг ҳам катта хизматлари бор.

6-§. Кушон подшолиги

Кушон подшолигининг географик ўрни, табиати ва аҳолиси. Кушон подшолиги Осиёдаги энг йирик кулдорлик давлатларидан бири бўлган. У равнақ топган вақтда Туроннинг шарқий, жануби-шарқий вилоятлари, ғарбий Хитой, Бақтрия ва Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллаган эди. Подшолик ерларининг катта-катта майдонлари тоғлардан иборат. Ҳинд, Окс, Ганг, Брахмапутра ва Жамна дарёларининг бўйлари текисликлардан иборат бўлган. Бу ўлка ҳайвонот, ўсимликлар, ер ости ва усти қазилма ашёларига жуда бой бўлган.

Ўлканинг бой табиий шароити бу ерда қадимдан одамларнинг яшашлари учун имкон берган. Бу ўлкада илк тош асридан бери аҳоли яшаб келади. Подшолик катта майдонни эгаллагани учун унда — **хинд, тоҳар, суғд, бақтра, юнон, усун** ва бошқа қадимги ўрта осиелик қабила ва элатлар ҳам яшаганлар.

Кушон подшолигининг ташкил топиши. М. ав. IV— III асрларда шак қавмларига мансуб **юечжи** қабилалари Марказий Осиёнинг ғарбий қисмида яшар эдилар. Юечжилардан шарқдаги бепоён даштларда эса **хунн** қабилалари яшаганлар. Узоқ йиллар мобайнида юечжилар ўтлоқ, ер талашиб хуннлар билан кураш олиб борганлар. Бу жангларда гоҳ хуннлар, гоҳ юечжилар ғолиб чиқар эдилар. Кейинчалик хуннлар кучайиб, юечжиларни Марказий Осиёдан ғарбга чекинишга мажбур қилганлар.

Улар дастлаб Олой ва Довонга (Фарғона водийси) кўчиб, сўнг Сўғдиёна, шимолий Бактрияга, ундан эса Жанубий Бактрия бўйлаб тарқалганлар. Юечжилар **хюми, шуанми, гуйшан, хисе** ва **думи** каби бир-бирига қариндош – уруғ қабилалардан иборат этник гуруҳлардан ташкил топган эдилар.

Бир томондан юечжи, иккинчи томондан кўчманчи сакларнинг шиддатли хужумлари натижасида Юнон-Бактрия давлати ағдариб ташланади. Гуйшан қабиласининг сардори Кудзула Кадфиз I (милодий 1-50 йиллар) қолган 4 қабилани бирлаштириб, Кушон давлатига асос солган ва ўзини **“Шоҳлар шоҳи”** деб эълон қилган. Кудзула Кадфиз I жанубий Бактрия ва Кашмир вилоятини босиб олади. У Кушон давлатини анча мустаҳкамлаб 80 ёшларида дунёдан кўз юмади.

Кушон подшолигининг кучайиши ва емирилиши. Кудзула Кадфиз I вафотидан сўнг подшолик тахтига ўғли Вима Кадфиз II ўтиради. У 30 йил подшолик қилиб, Ҳиндистоннинг Панжоб ва Ганг воҳаларини босиб олади. Кадфиз II ўз номидан олтин ва кумуш тангачалар чиқаради. Кушон подшолиги Канишка (78—123) даврида Осиёдаги энг кучли қулдорлик давлатлардан бирига айланади. Канишка Ҳиндистоннинг катта қисмини Кушон давлати таркибига кўшиб олади. У Парфия билан зафарли урушлар олиб боради. Канишка даврида Қашқар, Ёркент ва Хутан ҳам Кушон салтанати таркибига киради. Шу даврда Кушон салтанатининг ерлари Ҳиндистондан Орол денгизигача Парфиядан Хутонгача ёйилган эди. Бу даврда Кушонлар салтанатининг пойтахти Бақтрдан Пешаварга кўчирилган.

Канишканинг ворислари Хувишка ва Васудевалар даврида ҳам Кушон давлати ўз куч-қудратини сақлаб қолган.

Хитой тарихчиларидан бири “Кушон подшолиги 100 минг оила ва 100 минг кишилик кўшиндан иборат бўлганлар”, деб таъкидлайди. Аммо подшо Хувишка вафотидан сўнг Кушон давлати иккига бўлиниб, бирида Весудева, иккинчисида эса Канишка III подшолик қилганлар. Кушон

подшолигининг иккига бўлиниб кетиши унинг куч-қудратига путур етказди ва заифлаштиради.

Худди шу даврда Эрон сосонийлари кучайиб, Кушон подшолигининг ғарбий вилоятларига бостириб кирадилар. 242—243- йилларда бўлган шиддатли жангларда сосоний шоҳи Шопур I (309—379) қўшинлари кушон қўшинлари устидан ғалаба қозонади. Кейинги жангларда ҳам кушонлар сосонийлардан енгилиб ғарбий вилоятларидан ажрадилар.

Узоқ давом этган ички низолар, ғарбдан сосонийлар ва шимолдан кўчманчи қабилаларнинг шиддатли хужумлари туфайли IV аср охирига келиб кушон подшолиги емирилиб батамом барҳам топади.

Кушон подшолиги даврида хўжалик ва маданият. Кушон подшолиги даврида хўжаликнинг ҳамма тармоқлари ривож топди. Ганг, Ҳинд, Окс, Жамна каби катта-кичик дарёларнинг бўйларидаги унумдор ерлар деҳқончиликнинг марказлари эди. Кушонлар даврида сув омборлари, каналлар, ариқлар ва сув иншоотлари қурилишига катта эътибор берилган. Зироаткорлар буғдой, арпа, шоли, ғўза, тарик, кунжут, мош, нўхат каби экинлар экиб, улардан мўл ҳосил олганлар. Деҳқонлар подшоликнинг Ўрта Осиё қисмида қовоқ, бодринг, қовун ва тарвуз экиб полизчилик билан ҳам шуғулланганлар. Подшоликнинг кўп жойларида, айниқса тоғ ва тоғ олди ерларида, боғбонлар олма, нок, ўрик, гилос, шафтоли, анор, анжир каби мевали дарахтларни экиб парвариш қилганлар. Кушонлар подшолиги даврида чорвачилик ҳам анча ривож топади.

Кушонлар даврида ҳунармандчилик ҳам равнақ топади ва юксалади. Подшоликда темирчилик, тўқимачилик, кулолчилик, қуролсозлик, меъморчилик, заргарлик ва кемасозлик анча ривож топган эди. Ҳунармандчиликнинг йирик марказлари — шаҳарлар ва йирик қишлоқлар бўлган.

Кушонлар даврида савдо-сотик ҳам ривож топган эди. Ҳинд савдогарлари “Буюк Хитой йўли” ва бошқа савдо йўлларининг тармоқлари орқали Хитой, Ўрта Осиё, Олд Осиё мамлакатлари билан савдо қилганлар.

Кушонлар подшолиги даврида ўарқнинг машхур “Буюк ипак йўли” нинг тармоқлари узайтирилиб, савдо – сотиқ ҳамма даврларга нисбатан гавжумлашади.

Кушон подшолигида жуда кўп халқлар ва элатлар яшаганлар. Шунинг учун уларнинг маданияти ранг-баранг бўлган. Бу нарса тасвирий санъатда, диний эътиқодда ҳам ўз аксини топган. Кушон подшолигидаги қабила ва элатлари буддизм, зардуштийлик ва ибтидоий дин шаклларига эътиқод қилганлар.

Кушон даврида илмий-амалий билимлар —фалсафа, тарих, география, табобат, математика каби фанлар ҳам ривож топган эди. Кушон маданияти Қадимги Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқларининг машаққатли меҳнати билан яратилган ва равнақ топган.

Кушон маданияти жаҳон ва Осиё халқлари маданиятига ўзининг самарали таъсирини қўшган.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Қадимги Эронда дастлабки давлатларнинг ташкил топиши
2. Авесто ва Зардуштийлик дини.
3. Қадимги Элам давлатининг ташкил топиши.
4. Мидия подшолиги.
5. Аҳамонийлар давлати: ташкил топиши ва инқирозга учраш сабаблари?
6. Қадимги Эрон аҳолисининг хўжалиги ва маданияти.
7. Қадимги Парфия подшолиги ташкил топиши ва юксалиши
8. Парфиянинг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва маданияти
9. Юнон-Бақтрия подшолигининг ташкил топиши ва кучайиши.
10. Юнон-Бақтрия подшолигининг парчаланиши ва қулаши.
11. Кушон подшолигининг ташкил топиши.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Эрон салтанати тарихи билан боғлиқ ёзма манбалар

2. Бехистун ва Нақши – Рустам қоятош ёзувлари ҳақида маълумот беринг?
3. “Авесто” Эрон ва Ўрта Осиё халқлари диний эътиқодлари тўғрисида маълумот берувчи қимматли манба сифатида.
4. Мидия Киаксар ва Астиаг даврида.
5. Эрон Доро I даврида.
6. Эрон Сўнгги аҳамонийлар даврида.
7. Юнон-македонларнинг шарққа юриши ва Эрон салтанатининг қулаши.
8. Қадимги Эрон маданияти. Ёзув.
9. “Авесто” ва “Шохнома” да Эрон ва Турон халқларининг қадимги тарихи, хўжалиги, диний эътиқоди ва маданияти ҳақида маълумотлар.
10. Кушон подшолиги даврида хўжалик ва маданият.

VI БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТАРИХИ

1-§. Қадимги Жанубий Осиёнинг географик ўрни, табиий шароитлари, аҳолиси, даврлаштирилиши, асосий манбалари ва тарихнавислиги.

Жанубий Осиёнинг географик ўрни, табиий шароитлари ва қадимги аҳолиси. Жанубий Осиё улкан Осиёнинг жанубидаги Ҳиндистон ярим ороли, Цейлон, Шри – Ланка, Андамон, Никабур ороллари ўз ичига олган қадимги ўлка. 1955 йилги маълумотларга кўра майдони 4, 5 млн км², аҳолиси бир миллиарддан ошди. Жанубий Осиёда бир неча катта – кичик давлатлар фаолият кўрсатган.

Ҳиндистон ярим ороли табиий – географик жиҳатидан хилма – хилдир. Ярим орол шимолда Ҳиндикуш, Ҳималой тоғ тизмалари билан ўралган, жанубда Ҳинд океани, ғарбда Араб ва шарқда Бенгал кўрфази сувлари билан ўралган. Ярим оролда жойлашган Декан ясси тоғлари Конкана водийси бўйлаб жўзилган, серсув Ҳинд ва Ганг дарёларидан пайдо бўлган серҳосилд водийдан иборат ўзига хос табиий иқлимни ташкил этади. Катхиявар оролидан шимоли – шарқ томон чўзилган Аравалли тоғ тизмаларининг ғарбида жойлашган бепоён Тор ёки Буюк Ҳинд саҳроси Ражастон дашт ва Синд текисликлари ҳам ўзига хос табиий манзарасини яратган. Жануби Осиёда Брахмапутра, Ҳинд, Ганг, Жамна, Маҳанади, Кисна, Годовари каби катта – кичик дарёлар оқиб ўтади. Жанубий Осиёдан бу каби дарёнинг суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шароит туғдирган. Ҳиндистон ярим оролининг энг қурғоқ Ҳинд текисликларида ўсимлик дунёси анча қашшоқ ва сийрак, намли тропик иқлими худудларда эса ҳар хил дарахтлар, ўрмонлар, чакалакзорлар ва ўсимликлар кўп.

Жанубий Осиёнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қадимий даврлардан жуда бой бўлган кенг худудни субтропик ва тропик ўрмонлар, чангалзорлар эгаллаган. Аммо кейинги даврдаги инсон фаолияти туфайли

дарахтзорлар камайиб кетган. Оқибат натижада турли – туман ўрмон хайвонлари сони ва тури қисқариб кетган.

Ярим орол жанубидаги Шри – Ланканинг ҳам табиий, ўсимлик ва хайвонот дунёси ўзига хос. Ярим орол билан бу орол ораси 35 км. Оролнинг бешдан тўрт қисмида унга баланд бўлмаган тоғлар мавжуд, иклими эса экваторик муссонли.

Шуни айтиш жоизки, Ҳиндистон ярим оролининг асосий катта қисми табиий – географик шароити жиҳатидан одамлар яшаши учун қулайдир. Шу боис ярим оролда қадим замонлардан бошлаб одамлар яшаб келадилар. Олимларнинг таъкидлашича ярим оролда ҳозирги кунимиздан 600 – 500 минг йиллардан бери одамлар яшаб келадилар ва бу ҳудуд одамзоднинг илк ватанларидан бири ҳисобланади.

Антропологик жиҳатдан Жанубий Осиёликлар асосан европеоид ирқина мансуб бўлиб, ўзига хос жанубий тармоқни ташкил қилади. Улар учун қора қўнғироқ сочлар, қўй кўзлар, қирра бурун, анча чўзинчоқ юз ҳарактерли белгиларидир. Ярим оролла негроид ва манголоид ирқлари билан аралаш типларни, шимол ва шимоли – шарқда монголоид, Жанубий Ҳиндистон ва Шри – Ланкада веддоид, дравид ва хатто австролоид – негроитос типларини ҳам учратиш мумкин. Паст бўйли пигмей типдаги андаманликлар жисмоний тузилиши билан ажралиб турадилар.

Жанубий Осиёнинг лингвистик тузилиши хилма хил, у ерда 180 дан ортиқ тил туркуми Ҳиндистоннинг ўзидагина 1652 тил ва шевалар мавжуд. Ўлканинг шимолий ва шимоли – ғарбий ҳудудларида ҳинду, бенгал тилида гаплашувчи ҳинд – европа тиллари, жанубда эса дравед тилларида гаплашувчи этник гуруҳлар истиқомат қилишади. Жануби – Шарқий Осиё, Тибет ва Хитой чегараларида тибет – бирма ва мунда тил оиласига мансуб этник гуруҳлар яшаб келадилар. Шри – Ланка аҳолисининг аксарият қисми ҳинд – европа тил оиласига мансуб шеваларда, озгинча, қисман эса дравид тил оиласига мансуб шеваларда сўзлашадилар.

Ҳиндевропа тил оиласи мансуб орийлар Ҳиндистонга м. ав. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб кириб келганлар. Шунини айтиш жоизки дровид тил оиласига мансуб қабилалар ўлка бўйлаб кенг тарқалганлар. Улар асосан ярим оролнинг марказий ва шимолий – ғарбий қисмини эгаллаган. Сингаллар эса материкдан Шри – Ланкага м. ав. I минг йиллик ўрталарида кўчиб ўтган эканлар. Оролга таминлар ҳам материкдан кўчиб ўтганлар. Ҳиндистон ярим оролининг ибтидоий аҳолиси дастлаб термачилик, овчилик, денгиз, дарё ва кўл ҳайвонларини овлаш билан тирикчилик ўтказганлар. Дарё, денгиз соҳиллари ва саёз кўлларда балиқчилик билан шуғулланганлар.

Ҳиндистон тарихининг тарихий даврлари. Маълумки, бошқа шарқ мамлакатларининг тарихи муайян даврларга бўлиб ўрганилгани каби қадимги Ҳиндистон халқлари тарихини ҳам даврларга бўлиб ўрганилади. Тарихчи, археолог олимлар Жанубий Осиё хусусан Ҳиндистон тарихини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилиши тавсия этилади.

1. Энг қадимги Ҳинд цивилизацияси даври бўлиб, бу давр м. ав. XXIII – XVIII асрлар орасидаги даврни ўз ичига олади. Бу давр орасида Ҳиндистон илк давлатлар ва дастлабки давлатлар ташкил топади.

2. Бу давр м. ав. II минг йилликни ўз ичига олиб, худудда ҳиндевропа қабилаларининг – орийларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келади. М. ав. II минг йилликнинг охири ва м. ав. I минг йилликнинг оралиғидаги Ҳиндистон “ведалар” яъни муқаддас диний китоблар – “ведалар” нинг пайдо бўлиши давридаги тарихий даврдир.

Шунини айтиш керакки тарихчи олимлар икки босқичга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар. Унинг биринчи илк босқичи м. ав. XIII – IX асрларни ўз ичига олади. Бу илк босқичга орий қабилалари шимолий Ҳиндистон бўйлаб тарқалдилар. Унинг сўнги босқичи м. ав. VIII – VI асрлар орасидаги давр бўлиб, шимолий Ҳиндистон, хусусан, Ганг воҳасида ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ва шунингдек худудда бир қанча катта – кичик давлатларнинг ташкил топиши билан белгиланади.

3. Жанубий Осиё тарихидаги “Будда даври” номи билан машҳур бўлган бу давр м. ав. V – III асрлар орасидаги даврни шз ичига олади. «Будда даври» мамлакатда будда динининг келиб чиқиши ва тарқалиши билан белгиланади. Ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тарих нуқтаи назаридан қаралса бу давр йирик даврлаштиришнинг ва шаҳарлаштиришнинг ва хатто Маурьев каби умумҳинд давлатининг барпо бўлиши билан белгиланади.

4. Бу давр м. ав. II – милодий V аср оралиғидаги даврни ўз ичига олади. Бу давр Ҳиндистон тарихидаги “Классик давр” ҳисобланади. Бу давр мамлакатдаги турли ижтимоий, иқтисодий тузумдаги ва Жанубий Осиёдаги маданий юксалиш билан ҳарактерланади.

Қадимги Ҳиндистон тарихига оид манбалар ва тарихнавислик.
Қадимги Ҳиндистон ҳақидаги ёзма манбалар. Моддий маданият ёдгорликларни, айниқса йилнома тарзидаги тарихий асарларнинг камлиги Ҳиндистон тарихининг қадимги даврини ўрганишни бирмунча қийинлаштирди. Аммо қадимги Ҳиндистонда ҳам ўтмишни ўрганишга қизиқиш бўлган.

Масалан, хитойлик буддизм тарғиботчиси Сюанг Цзяннинг ёзишича, Ҳиндистоннинг ҳар бир вилоятида муҳим воқеаларни ёзувчи махсус мансабдорлар бўлган. XII асрда Колхан томонидан яратилган тарихий асарида қадимги подшолар хроникалари-йилномачилари ҳақида гапирилган. Буларнинг ҳаммаси албатта ҳиндиларнинг ўтмишга қизиққанлигидан дарак беради.

М.ав. I минг йилликнинг ўрталаригача Европада Ҳиндистон ҳақида ҳеч нима маълум бўлмаган. Аҳмонийлар Эрон салтанатининг вужудга келиши билан вазият ўзгарган. Чунки ўша даврда Ҳиндистоннинг Шимоли-Ғарб қисми ва Элладанинг шарқий қисми ҳам Эрон таркибига кирган. Шундан бошлаб Ҳиндистон тарихига қизиқиш кучайган. Юнон тарихчиси Геродот ўзининг “Тарих” китобида Ҳиндистонга оид баъзи

манбаларни ёзиб қолдирган. Лекин унинг ўзи Ҳиндистонда бўлмаганлиги сабабли фактларни солиштира олмаган.

Александр Македонскийнинг Ҳиндистонга бостириб кириши, ташқи дунё билан Ҳиндистоннинг алоқасини кенгайтирган. Александр Македонскийнинг сафдошлари-Неарх, Птолемей, Аристокбул бу юриш ҳақида ёзиб қолдирганлар. Антик дунё муаллифларидан Страбон ўзининг “География” асарида, Арриан ўзининг “Александр Анабасиси” ва “Ҳиндистон” деган асарларида мамлакат тарихига оид манбаларни ёзиб қолдирганлар. Улар бу асарларни ёзишда Мегасфеннинг “Индика” асаридан фойдаланганлар. Мегасфен Салавка Никатарнинг Чандрагупта ҳузуридаги элчиси бўлган.

Ҳиндистоннинг асосий ва ижтимоий тузуми, маданияти. айниқса дини ҳақидаги манбалар хитойлик Фа Сяня асарларида ҳам сақланиб қолган. У Ҳиндистонда милодий 399-411 йилларда бўлиб, ўзи кўрган нарсаларни ёзган. Кейинги даврга тааллуқли бўлган манбаларнинг ичида энг қизиқарлиси Ўрта Осиёнинг буюк олими Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридир. Бу асарда Ҳиндистон маданиятига оид, халқимиз турмушига оид қимматли манбалар бор.

XIX асрда Ҳиндистонни Европа мустамлакачилари босиб оладилар. Шу вақтдан бошлаб бошлаб унинг ёдгорликлари ўрганила бошланган. Инглиз тадқиқотчиси У.Хонс санскрит тилидаги қадимги ҳинд ёзув ёдгорликларини, жумладан “Ману қонунлари”ни инглиз тилига таржима қилган. У биринчи бўлиб санскрит тили юнон ва лотин тиллари билан яқинлигини айтган.

XIX асрнинг биринчи ярмида бу фикрни немис олими Ф.Бонн илмий асосда тасдиқлаб берган. Ҳиндистон тарихини ўрганишда 1874 йилдан бошлаб чиқарила бошлаган “Бенгал-Осиё” жамиятининг тўпламлари, айниқса 1875 йилдан бошлаб нашр қилинган “Осиёнинг муқаддас китоби” ката аҳамиятга эгадир. Бу асар 50 жилддан иборат бўлиб, қадимий диний тўпламларнинг таржимасидир. Эпиграфика соҳасидаги катта ютуқлардан

бири, 1887 йилда инглиз олими Д.Перинсол томонидан шоҳ Ашока ёзувларини ўқиб чиқилиши бўлди. Қадимги ҳинд адабиётининг илмий текшириш ишига рус филологлари И.П.Минаев, Ю.А.Косович ва бошқалар ҳам кўп ҳисса қўшдилар.

Санскрит тилидаги ёдгорликларнинг ўрганилиши, таржима қилиниши, нашр этилиши Ҳиндистоннинг узок ўтмишини ўрганишда ва билиб олиш учун асос бўлди. Ҳиндистон тарихини ўрганишга Европа мамлакатларининг кўпгина университетлари ва олимлари қизиқадилар. 1853 йилда К.маркснинг Ҳиндистонга оид бир қанча мақолалари босилиб чиқади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳиндистонга бир қанча йирик тарихчилар етишиб чиқди. Буларга ражендралала Митрини киритиш мумкин. У бир қанча махсус асар ёзиш билан бир қаторда ўзининг фаол иштироки билан “Осиё жамияти”да ҳиндшуносликни ривожланишига катта ҳисса қўшди. У 1885 йилда жамиятнинг биринчи ҳиндистонлик президенти бўлди.

Ҳинд тарих фанининг асосчиларидан бири Р.Г.Бахандаркар (1837-1925) ҳисобланади. Унинг Ҳиндистон тарихига оид кўплаб асарлари ўз аҳамиятини ҳали ҳам йўқотган эмас.

Йирик ҳинд тарихчиларидан Р.Ч.Даттнинг “Қадимги Ҳиндистон цивилизациясининг тарихи”(1893) асари ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин турли фанларнинг, шу жумладан тарих фанининг ривожланиши учун кенг йўл очилди. Бир қанча илғор фикрли тарихчи олимлар етишиб чиқиб, Ҳиндистон тарихини халқон тарзда ўрганила бошланди. Бунга С.А.Данганинг “Ҳиндистон ибтидоий жамоадан то уруғчилик тузумининг бузилишигача” асари мисол бўла олади.

Рус олимларидан Г.М.Бонгард-Левин, Г.Ф.Ильиннинг “Қадимги Ҳиндистон асари”, А.М.Осиповнинг “Ҳиндистон тарихининг X асргача бўлган қисқача очерки” асари ва Д.А.Слейкиннинг “Ҳиндистон

тарихининг даврларга бўлиш масаласи” каби ишлари шулар жумласидандир.

Ҳиндистонда археологик изланишлар тарихидан. Археология Ҳиндистонда тарих фанининг бошқа соҳаларига қараганда анча кейин ривожланган. Археология билан дастлаб ҳаваскор қизиқувчилар шуғулланганлар. Фақат 1871 йилда А.Каннингхэм томонидан “Шимолий ҳиндистон археология жамияти”нинг ташкил этилиши илмий археологиянинг энг катта ютуқларидан бири бўлди. 1920-1930 йилларда археологлар Р.Сахни ва Р.Банержи томонидан Ҳинд дарёси водийсида энг қадимги цивилизация марказининг топилиши бўлди. Бу топилмаларга қараганда Ҳиндистонда одамлар қадимги тош давридаёқ яшаган эканлар. Кўп йиллар давомида Маршал такселизада ҳозирги ғарбий Покистон археологик қазишлар олиб борди. Топилган манбалар Қадимги Ҳиндистоннинг энг муҳим савдо марказининг ижтимоий-иқтисодий тузумини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Археологик қазиш ишлари Каушамбуда, Реджагрихта ва Паталипутрада олиб борилган. Булар натижасида мазкур ёдгорликларнинг маданий қатламларидан Ҳиндистон тарихига оид жуда кўп ашёвий буюмлар, шунингдек, танга пуллар ҳам топилган. Танга пуллар фанда нумизматика дейилади. Қадимий танга пуллар Ҳиндистоннинг сиёсий, иқтисодий ва қўшни халқлар билан савдо-сотик алоқалари тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бизгача Қадимги Ҳиндистон тарихига оид кўп ёзма манбалар ҳам етиб келган. Булар ичида ведалар катта аҳамиятга эга. Булар “Регведа”(диний мадҳиялар тўплами), “Самаведа” (қўшиқлар тўплами”, ва “Атхарведа” (афсунгарлик формуласи тўплами).

Ведалар шимоли-ғарбий Ҳиндистонга бостириб кирган орийларнинг хўжалиги ва ижтимоий тузуми, Ганг дарёси водийсининг ўзлаштирилиши ва давлатларнинг вужудга келишини ўрганишда асосий манба

ҳисобланади. Бу топилмаларнинг энг қадимгиси “Ригведа” бўлиб, бизгача тўлиқ етиб келган. У м.ав. II ва I минг йилликларда ёзилган.

“Атхарведа” мадҳиялари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий, сиёсий тузумини, оила муносабатларини, турмушини ва хўжалигининг турли соҳаларини ёритишда қимматли манба ҳисобланади. Ҳиндистонда кенг тарқалган “Ману қонунлари” ҳам манба сифатида катта аҳамиятга эга. Бу қонунлар тўплами м.ав. II аср ва милоднинг II асри орасидаги тарихий даврларни ўз ичига олади. Бу қонунда одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги турли афсоналара тўпланган. Ҳиндистон тарихи ва маданиятига оид бўлган манбалар орасида асосий ўринни “Артхашастра Каутилли” номли сиёсий-иқтисодий трактат эгаллайди. Бу трактат XX аср бошида ҳинд олими Р.Шамашастра томонидан топилган. Асарнинг яратилиш даврини олимлар м.ав. IV асрдан, милодий I асргача бўлган даврда тўпланган дейдилар. “Архошастри”да давлат идорасининг тузилиши, идора услуби, подшо сиёсати ва хўжаликнинг турли соҳалари ёритилган. Айниқса, Маурья даврини ўрганишда “Архошастри”нинг аҳамияти катта. Чунки уни шоҳ Чандрагуптанинг маслаҳатчиси Каушилье ва унинг шогирдлари тўплаган.

Халқ оғзаки ижодиётининг намуналаридан бизгача иккита дoston етиб келган. Уларнинг бири “Махабхарата” ва иккинчиси “Рамаяна”дир. Бу асарлар м.ав. I минг йилликнинг ўрталарида таркиб топа бошлаган ва милоднинг дастлабки асрларида қатъий шакл олган.

“Махабхарата”да Бхарата подшо уруғининг икки авлоди Кауравлар ва пендавларнинг тожу-тахт учун олиб борган жангу-жадаллари ҳикоя қилинади.

“Рамаяна”да эса ўғай онасининг таъқибларига чидай олмай, туғилиб ўсган Аёдхая шахрини ташлаб кетган шахзода Раманинг ғурбатда кезиб юргани баён қилинади. Раманинг хотини Ситахи Ланка оролидаги дев ўғирлаб кетади. Бу дostonлар ҳозирги кунда ҳам халқнинг энг севимли

асарлари ҳисобланади. Хатто бу дostonлар асосида кўп серияли кинофильм ҳам ишланган.

Қадимги Ҳиндистон тарихига оид бўлган манбаларнинг энг асосийларидан бири эпиграфик манбалардир. Эпиграфик манбалар айрим тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади. масалан, шоҳ Ашока ёзувлари, Рўзрад мана ёзувидир. Булардан подшоларнинг ҳукмронлик қилган йилларини, Чандрагупта давридаги суғориш иншоотларининг қурилишини билиб олиш мумкин.

Лекин эпиграфик ёзувларни ўқиб чиқиш анча қийинчилик туғдиради. Эпиграфик ёзувлар иккига бўлинади. Биринчиси, давлат ёзувлари, иккинчиси шахсий ёзувлар. масалан, давлат ёзувларига шоҳ Калинга Кхаравел ёзуви киради. Бунда подшонинг ёшлиги, унинг ўқишдаги ва ҳукмронлик йиллари ва ишлари акс эттирилган. Бу ёзувлар олдин пальма баргларига ёзилган, кейинчалик уларни сақлаб қолиш мақсадида муҳимлари тошларга кўчирилган.

М.ав. I асрда эпиграфик ёзувларда санскрит тили айниқса кенг тарқалган. Ҳинд-Эрон ва Кушон давридаги ёзувлар ҳам ҳиндистон тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Булардан Доро I нинг миҳсимон-понасимон ёзувлари муҳимдир.

Уларда Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон тўғрисида анчагина маълумот бор. Қадимги Ҳиндистон тарихига оид қимматли манбалар буюк Ҳиндистон грамматиги-тилшуноси Панинининг “Аштадхьяхи” (саккиз китоб асарида сақланиб қолган. Панини м.ав.500-400 йилларда яшаган. Унинг асарлари қадимги географик номларни, топонимларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Панини ҳинд грамматикаси мактабининг асосчиларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам ҳинд тарихчилари, тилчилари ўз ватанларининг тарихига оид кўплаб янги манбаларни топмоқдалар. Бу изланишлар қадимги Ҳиндистон тарихини янада чуқурроқ, мукамалроқ ўрганишга имкон беради.

2-§. Илк Ҳинд цивилизацияси (м. ав. XXIII – XVIII асрлар)

Илк Ҳинд цивилизацияси вужудга келишининг шарт – шароитлари. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек Жанубий Осиёнинг қулай табиий географик муҳити у ерда ибтидоий жамоат тузумининг ҳамма босқичларида одамлар яшаши учун имкон берган. Кейинги 100 йил мобайнида олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижасида худуддан жуда кўп ибтидоий одамлар яшаган, илк, ўрта, сўнги тош асри, шунингдек мезолит, неолит, энеолит ва жез даврига мансуб ёдгорликлар мажмуаси топиб ўрганилди. Мезолит даври ёдгорликлари м. ав. XII – VII минг йилликларни қамраб олади.

Мезолит даврига келиб Ҳиндистонда тошдан микролит қуроллар яшаш анча такомиллашиб тошнинг ҳар хил навларидан сигмент, трапеция, кесгич, санчгич қуроллар яшаш бошланади. Шунингдек ёғочдан, суякдан найза учлари бигизлар ясалади. Тошдан ясалган парракчалар ёғоч дасталарга битум – қатрон билан ёпиштирилиб мустаҳкамланган ёки ҳайвонларнинг аччик учаклари ва териларидан тайёрланган қайиш билан боғланган. Бу қуроллардан мезолит даври кишилари буюмларни кесиш, гўшти нимталарга ажратиш, бошоқли ўсимликларнинг бошоқларини ўриш мақсадларида пичоқ ва ўроқ сифатида кенг фойдаланганлар. Ундан ташқари Ҳиндистонда яшаган мезолит даври кишилари бигиз, игна, сўзан, тош сандонлар, ушатгич, найза, найза учлари ва бошқа қуроллар ҳам ясаганлар. Ҳиндистонда тарқалган мезолит даври маконларининг маданий қатламларидан тошдан ясалган камон ўқларининг учлари ҳам топилган. Маданий қатламлардан топилган камон ўқининг учларига қараб хулоса қилинса, у давр кишилари ўзларининг ов ва хўжалик ҳаётларида ўқ- ёйдан кенг фойдаланганликларини билдиради.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра мезолит даврининг энг катта кашфиёт ва ютуқларидан бири – камалак ва ўқнинг кашф этилиши эди. Камалак ва ўқ – инсон кашф этган энг дастлабки мураккаб мослама бўлиб,

у инсониятнинг узоқ давом этган меҳнат тажрибаси ва заковатининг натижаси эди. Машҳур этнограф Л.Г.Морган ўз вақтида камалак ва унинг ўқига юксак баҳо берган эди. Чунки бу қурол узоққа отилиши жиҳатидан ўша даврдаги бошқа қуроллардан устун турар эди.

Ёй, таноб ва ўқ жуда ҳам мураккаб қуролдирки, бу асбобнинг ихтиро қилиниши учун узоқ вақт тажриба тўпланган бўлиши, ақлий лаёқат кўроқ ривожланган бўлиши ва бинобарин айна замонда бошқа бир кўп ихтиролар билан ҳам танишилган бўлиши керак. Ўқ – ёйнинг кашф этилиши муносабати билан дарахт шоҳида ўтирган, учиб кетаётган қуш ва юриб кетаётган ёки бир зойда турган ҳайвонга ўқ узиш ва ўлжа қилиб олиш мумкин ва осон бўлган.

Мезолит давридан кейин келган неолит даври илк чорвачилик, зироатчилик, тўқимачилик, кулолчилик, қайиқсозлик каби қатор кашфиётлари билан, шунингдек оддий меъморчилик билан илк ҳинд цивилизациясига пойдевор тошини қўйиб берган. Шу боис машҳур инглиз археологи Гордан Чайлд тош асрининг сўнгги босқичига баҳо бериб уни “неолит инқилоби” деб бекорга атамаганлар.

Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, неолит давридан кейин келган бронза даври кашфиётларини “Илк Ҳинд цивилизацияси”нинг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки бу даврда суғорма зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо – сотиқ билан алмашуви ҳамма ўтган даврларга нисбатан ўзининг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, бу давр ишлаб чиқаришнинг ривожланиши муносабати билан ортиқча маҳсулот етиштириб, одамлар орасида хусусий мулк, мулкӣ тенгсизлик, табақаланиш ва илк давлатларнинг пайдо бўлиши учун замин ҳозирлади.

Энг Қадимги Ҳиндистон жамияти ва маданияти. Ҳиндистон ярим оролининг шимоли-ғарбидан Ҳинд дарёси оқиб ўтади. Бу дарё санскрит тилида Циндху, пушту тилида эса Аббасин — “дарёлар отаси” дейилади.

Бу дарёнинг беш ирмоғи оқиб ўтадиган жой Панжоб — Бешсув дейилади. Ҳинд дарёси, айниқса унинг юқори қисми Панжобда ибтидоий даврдан бошлаб одамлар яшаб келишган.

1920 – 1922 йилларда археологлар Панжоб ҳудудидан Хараппа ва Ҳинд дарёси бўйидан Махенжо – Доро ёдгорлигини топганлар ва у ерда археологик қазилар ўтказдилар. Текширишлардан бу ёдгорлик қадимги Ҳинд шаҳарларининг харобаси бўлиб чиқди. Мохенжо-Доро Ҳинд дарёсининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, ҳар бири икки ярим кв. км жойни эгаллаб ётар эди Хараппа ва Мохенжо-Доро м. авв. III минг йиллик ва II минг йилликнинг ўрталарида мавжуд бўлган давлатларнинг марказий шаҳарлари бўлган экан. Бу шаҳарларда аҳоли зич яшаган. Ҳар икки шаҳар харобасини қазиган археологлар пишиқ ва хом ғишдан қурилган 1,2,3 қаватли уй-жой, ибодатхона, ҳукмдорлар саройи, омборхона ҳамда подшо қароргоҳларининг қолдиқларини топганлар. Бу жойлардан ғишт ётқизилган кўчалар, пишиқ ғишдан қурилган кудуқ ва ҳовузлар ҳам топилган. Шаҳар тоғдан сопол қувурлар орқали келадиган сув билан таъминланган. Шаҳарда ифлос сувларни ташқарига чиқариб юборадиган ер ости қурилма иншоотлари ҳам бўлган. Ҳар икки шаҳарда заргарлик, меъморчилик, тўқимачилик, кулолчилик, қурулсозлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари ҳам ривожланган экан. Хараппа ва Мохенжо – Дороликлар сопол, қайиқ ва кемалар ясаб, дарё ва денгизларда бемалол сузганлар. Ҳар икки шаҳар ҳам қалъалар, қалин, баланд минорали муҳофаа деворлари билан муҳофаза қилинган. Хараппа ва Мохенжо-Дородан иероглиф ёзувлари ва тош тарозлари ҳам топилган.

М. ав. XVI-XIII асрлар орасида Хараппа ва Мохенжо-Доро шаҳарлари харобазорга айланиб инқирозга юз тутган. Олимларнинг фикрларига кўра Хараппа ва Мохенжо-Доро шаҳарлари шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги қадимги давлатларнинг пойтахти бўлган бўлса керак. Бу икки шаҳар м. ав. II минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё ва Эрондан келган

орий кўчманчиларнинг талон – тарож урушлари натижасида вайрон этилган, деган фикр бор.

Энг Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми ва хўжалиги. Энг Қадимги Ҳиндистон табақавий жамиятга асосланган қулдорлик давлати эди. Энг Қадимги Ҳиндистондаги давлатлар подшолар томонидар бошқарилган. Подшолар оқсоқоллар кенгаши ва қўшинга таяниб иш олиб борганлар. Қадимги аҳоли бой-бадавлат, хунарманд, майда савдогар, ўртаҳол деҳқон ва зиёлилардан иборат ўрта табақага ҳамда камбағаллар, қашшоқлар ва қулларга бўлинган.

Ҳиндистонда яшаган аҳоли тирикчилигининг асосини сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ташкил этган. Деҳқонлар дарё воҳаларидаги унумдор ерларни ўзлаштирганлар. Деҳқонлар бўйвол, зубр ва қўтос хўкизларини қўш омочга қўшиб ер ҳайдаганлар. Ўзлаштирилган текис ерларга сув канал ва ариқлар орқали келган. Баландроқ ерларга эса чархпаррақлар орқали сув чиқарилган. Сувни юқорига чиқаришнинг энг қадимги қўл усули Миср типи – шодуфлар бўлиб, улар қадимий Миср, Месопотамияда ва Ҳиндистонда кенг тарқалган эди. Шодуф мосламаси Ҳиндистонда “денсли” номи билан машҳур бўлган. У ерда “рати” деб юритиладиган юқорига сув чиқариш мосламаси кенг тарқалган бўлиб, булар Мирс “атуэ” сига ўхшаш экан Деҳқонлар далаларга буғдой, арпа, нўхат, шоли, шакарқамиш ва ғўза экканлар. Ҳиндистон ғўза — пахтанинг илк ватанидир. Улар банан, анжир, анор, қовун, ўрик, олма экиб полизчилик ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. Далаларда ҳар турли сабзавотлар ҳам этиштирилган. Деҳқончиликда тош, мис ва жездан қилинган қуроллардан фойдаланганлар. Ҳинд воҳасида, айниқса Панжобда серўт яйловлар кўп бўлган. Шу боис аҳоли қорамол, қўтос, зубр, қўй, эчки, чўчка ва эшак боқиб, чорвачилик билан шуғулланган. Қадимги ҳиндлар ёввойи филларни қўлга ўргатиб, улардан хўжалик ва ҳарбий мақсадларда фойдаланганлар. Деҳқончилик ва чорва маҳсулотлари аҳолини озиқ-овқат, жун, тери каби хомашё билан таъминлаган.

Энг Қадимги Ҳиндистонда хунармандчилик ҳам ривож топган эди. Ҳинд усталари тош, мис, жез, кумуш, олтин ва қимматбаҳо тошлардан меҳнат ва жанговар қуроллар, муҳрлар, уй-рўзғор, заргарлик буюмлари ва турли жиҳозлар тайёрлаганлар. У ерда тўқимачилик, кулолчилик, қайиқсозлик, ҳатто кемасозлик ҳам анча ривож топган эди.

Археологлар Ҳинд воҳаси ва Панжобнинг кўп жойларидан савдо омборхоналари ва дўконларининг қолдиқларини топганлар. У ерлардан қадоқ тошлар ҳам топилган. Бу, Ҳиндистонда ички ва ташқи савдонинг ривожланганлигидан далолат беради. Савдогарлар Эрон, Турон, Хитой, Месопотамия, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан сув ва қуруқлик йўллари орқали савдо-сотик ишларини олиб борганлар.

Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотик ривожланиши, шунингдек талончилик урушлари натижасида айрим кишилар ихтиёрида ортиқча бойлик йиғилган. Бу ҳол мулкӣ тенгсизлик ва табақаланишни янада тезлаштирган, бўлғуси йирик давлатларнинг вужудга келиши учун замин тайёрлаган.

Энг Қадимги Ҳиндистон маданияти. Энг Қадимги Ҳиндистон маданиятининг вужудга келиши ибтидоий жамоа тузуми ва у ерда ҳарбий демократия даврига бориб талақалади. Қадимги Ҳинд маданияти уларнинг хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ҳинд ва Панжоб вилояти энг қадимги ҳинд маданиятининг бешиги ҳисобланади. Ёзув энг қадимги ҳинд маданиятининг ажралмас қисми бўлган. Археологлар Хараппа, Мохенжо-Доро ва бошқа жойлардаги ёдгорликлардан сопол парчалари, муҳрлар сатҳи ва тошларга битилган ғалати ёзувлар топишган. Бу ёзувлар баъзи жиҳатлари билан миср ва шумерийларнинг иероглифларига ўхшаб кетади. Қадимги ҳинд алифбосининг 700 га яқин расм-белгилардан иборат эканлиги олимлар томонидан аниқланган. Текширувчилар бу ёзувни ўқишга уриниб кўрганлар. Лекин бу уриниш ҳозирча яхши натижа бергани йўқ. Қадимги Ҳиндистонда ҳайкалтарошлик ҳам ривож топган. Бу жиҳатдан Хараппа ва

Мохенжо-Дородан топилган эркак киши, раққоса аёл ва бошқа ҳайкаллар диққатга лойиқдир. Энг қадимги Ҳиндистонда рассомчилик ҳам ривож топган экан. Ҳинд воҳаси ва Панжобдаги энг қадимги ёдгорликлардан, ҳатто узоқ Месопотамиядан одам, одам қиёфасидаги худолар, зубр, каркидон, бука, фил, кўтос, шунингдек энг қадимги расм-белгили ёзув туширилган тош муҳрлар топилган. Сопол ва тош муҳрдаги қабартма расм тасвирлар ўша қадимий, кўҳна даврдаги рассомчиликнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатади.

М. ав. III—II минг йилликларда Ҳинд воҳасида ҳисоб-сананинг ўнлик тизими мавжуд экан. Бир, икки, уч, беш, тўққиз |ва бошқа катта-кичик сонларга ёнма-ён қўйиладиган нол (0)ни, шунингдек бирдан тўққизгача бўлган сонлар ва уларнинг белгисини ҳиндлар кашф этишган. Бу рақамлар кейинчалик ватандошимиз улуғ ал-Хоразмий томонидан бироз ислоҳ қилинган, араблар дунёсига ўтган. Бу икки халқ маданияти мевасининг ёрқин намунасидир.

Энг Қадимги Ҳиндистонда меъморчилик ҳам ривож топган эди Қадимги ҳинд усталари заргарлик наққошлик ва тасвирий санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришганлар. Энг қадимги Ҳиндистонда алифбо, ҳисобнинг ўнлик тизими мавжуд бўлган. Демак у ерда математика, геометрия, астрономия, табобат ва бошқа илмий-амалий билимлар ривож топган. Ҳинд табиблари беморларни даволашда шифобахш ўсимликлар, меваларва айрим ҳайвонларнинг айрим қисмларидан дори – дармон тайёрлаганлар ва беморларни маҳорат билан даволаганлар.

Энг қадимги ҳиндлар ўзларига хос маданият яратиб, бу билан жаҳон маданияти цивилизациясига хазинасига ўзларининг баракали, улкан ҳиссаларини қўшганлар.

3-§. М. ав. XV-IV асрларда Қадимги Ҳиндистон

Орийлар ва уларнинг Ҳиндистонга кириб келиши. Уларнинг бир қисми Ўрта Осиё ва Эрондаги дарё бўйларидаги унумдор ерларда яшаб деҳқончилик билан шуғулланганлар. Орийларнинг бошқа қисми эса шу худуднинг дашт ва тоғ яйловларида яшаб қорамол, қўй, эчки, от ва туя боқиб чорвачилик билан шуғулланганлар. Улар Шарқда ва Жануби – шарқда Қадимги Ҳиндистон билан чегарадош бўлишган, улар билан қўшничилик қилишган. Қадимги ҳиндлар уларни “орий”, “ория”, Эронийлар эса “айрия” “эйраж” деб номлаганлар. Орий атамасининг ўзбекча таржимаси олижаноб, улуғвор, яхши оиладан ва аслзода каби маъноларни англатади.

М. ав. 2 минг йилликнинг ўрталарида орийларнинг бир қисми Сулаймон, Ҳиндикуш ва Жанубий Бадахшондан ошиб ўтиб, Панжоб вилоятини босиб олганлар. Орийлар билан Ҳиндистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида аёвсиз шиддатли жанглар бўлган. Бу жанглар ҳақида “Махабхарата” ва “Рамаяна” дostonларида мукаммал маълумот берилган. Панжобга ўрнашиб олган орийлар қорамол — сигир, буқа, ҳўкиз, бузоқ, қўй, эчки, от ва туялар боқиб, асосан чорвачилик билан шуғуълланганлар. Кейинчалик эса улар Ганг ва Жамна дарёси бўйидаги унумдор ерлар, ҳамда тоғ яйловларини босиб олганлар. Орийлар келгунича Ҳиндистонда от бўлмаган. Улар Ҳиндистонга ўзлари билан от, туя ва қорамолларнинг алоҳида янги зотларини олиб келганлар.

Орийлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий ва шимолий вилоятларини босиб олиб, аста-сэкинлик билан маҳаллий ҳинд қабилалари билан аралашиб кетганлар. Маҳаллий аҳоли орийлардан темирчилик ва темир қуроллардан фойдаланишни ўрганганлар. Темирдан болта, белкурак, омоч тишлари, қурол-яроғ, аслаҳа ва ҳар турли буюмлар ясаганлар. Темир тишли омоч ва бошқа темир қуроллардан фойдаланиш деҳқончилик ва

хунармандчиликнинг янада ривожланишига, хўжаликдаги бошқа тармоқларнинг равнақ топишига жуда катта туртки берган.

Ҳиндистонда табақаланишнинг кучайиши. Дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик ва чорвачиликнинг ривожланиши, натижасида Ҳиндистон вилоятларида табақаланиш янада кучайган. Аҳоли орасидаги меҳнаткашларнинг меҳнати эвазига бойиб кетган жамоа оқсоқоллари — рожалар, руҳонийлар ва саркардалар ажралиб чиққанлар. Дехқонлар, хунармандлар, оддий чорвадор ва савдогарлар аҳолининг ўрта табақадини ташкил этганлар. Аҳоли орасида камбағаллар ҳам кўп бўлган. Урушда асир тушган бегоналар ва бойлардан қарздор бўлиб қолган ҳиндлар қулларга айлантирилган. Улар қулларни “бегона”, „душман”, деб аташар эди. Рожалар, лашкарбошилар ва руҳонийлар оддий кишилар ва қулларни уйлари, далалари, устахоналарида ишлатиб, чорваларини боқтирганлар. Оддий кишилар ва қуллар меҳнати эвазига бойиб олган оқсоқоллар, лашкарбошилар ва руҳонийлар аста-сэкин қулдорларга айлана борганлар. Қуллар ва оддий кишиларни итоатда сақлаш учун рожа, лашкарбоши ва руҳонийлар ихтиёрида қуроланган жангчилар, назоратчилар, солиқ йиғувчилар, соқчилар ва бошқа хизматчилари бўлган. Аслзодалар томонидан гуноҳкор деб ҳисобланган оддий кишилар ва қуллар шафқатсиз судя — қозилар томонидан қаттиқ жазоланган.

Рожалар, лашкарбошилар ва руҳонийларга хизмат қилувчи соқчи, назоратчи қуролли жангчи, солиқ йиғувчи, қамоқхона, судя — қозилар жамиятни бошқарувчи ташкилот — давлат тизимига айлана борган.

Рожалар сайлаб қўйилган қабила оқсоқоллари, раҳбарларидан аста-секинлик билан ҳокимлар ва подшоларга айлана борганлар. Эндиликда улар фақат ўз мол-мулкларинигина эмас, балки ҳокимиятни, подшоликни ҳам болалари ва ака-укаларига мерос қилиб қолдирадиган бўлганлар.

Шундай қилиб, м. ав. I минг йиллик бошларида Ҳиндистонда подшо бошқарадиган давлатлар қайтадан ташкил топган.

Шимолий Ҳиндистондаги дастлабки давлатларнинг ташкил топиши. М. ав. IX-VI асрларда Ганг воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда хўжалик аста-сэкинлик билан ривожлана борган. Хўжаликни бошқариш, аҳоли орасида тартиб-қоидаларни сақлаш ва у ёки бу вилоятни ташқи душманлар хужумларидан сақлаш учун давлат зарур эди. Бугина эмас бой бадавлат кишилар учун ҳам подшолик, ҳам давлат зарур эди. Улар: **“Агар подшо, давлат ҳимоя қилмаса, бадавлат кишилар ўлим ва қувғинликка маҳкум бўладилар”**,— дер эдилар.

М. ав. VI асрга келиб Ганг — Жамна воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда 20 дан ортиқ катта-кичик давлатлар бўлиб, уларнинг йириклари Камбоджа, Кошала, Каши, Магадха, Анга, Шакия, Гандхар, Малла ва бошқалар эди. Улар подшо бошқарадиган яқка ҳокимликка асосланган – деспотик давлат эди. Вриджи ва Малла каби давлатлар ҳам бор эдики, улар республика мақомига эга эдилар.

М. ав. VI—V асрларда Шимолий Ҳиндистонда ҳукм-ронликни қўлга олиш учун юқоридаги давлатлар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтган. Подшо Бимбасара (543—491) даврида Магадха кучайиб, унинг қўшинлари Ганг воҳасидан Бэнгал қўлтиғигача бўлган ерларни босиб олганлар. Бимбасара ворисларидан Ажаташтру даврида бутун Ганг воҳаси ва Марказий Ҳиндистонда йирик давлат ташкил топади.

М. ав. 345- йили аҳолининг қуйи табақасига мансуб бўлган Уграсен **Нанд** Магадха подшо Цинни енгиб тахтни эгаллайди. У қудратли Нанд подшолигига асос солади. Уграсен даврида Шимолий, Марказий ва ҳатто Жанубий Ҳиндистоннинг катта қисми Нандлар давлати таркибига қўшиб олинади. Нанд Ҳиндистондаги қудратли давлатга айланиб бу даврда хўжалик ва маданият ҳар томонлама ривож топади. Нанд давлати м. ав. 345 йилдан 317 йилгача Ҳиндистонда фаолият кўрсатади.

М. ав. VI—IV асрларда Ҳинд водийси ва Панжоб вилоятида ҳам кўпгина майда давлатлар бўлган. Бу давлатларнинг аксарияти Доро I даврида Эронга тобе бўлиб, кўп миқдорда хирож тўлаб турганлар.

Македониялик Александрнинг Ҳиндистондаги истилолари. М. ав. 329-327-йилларда Македония подшоси Македониялик Александр Зулқарнайн Турондаги истилолардан сўнг, 120 минг кишилик қўшин билан Ҳиндикуш ва Сулаймон тоғларидан ошиб ўтиб, Панжоб вилоятига бостириб киради. Панжобдаги майда давлатларнинг кўпчилиги Македониялик Александрга итоат этадилар. Аммо Панжобдаги энг кучли подшолардан бири Пор Македониялик Александрга қарши курашга отланади. Пор ихтиёрида 30 минг пиеда, 4 лминг отлик аскар, 3000 жанг арава ва 200 жанговар фил минган жангчилар бор эди. Икки шоҳ аскарлари ўртасида шиддатли жанг бошланади. Порнинг ўзи жанговар фили устида душманлар билан қаҳрамонларча курашиб 9 жойидан оғир ярадор бўлади. Жангларнинг бирида унинг икки ўғли ҳалок бўлади. Аммо у шунга қарамай уруш майдонини, аскарларини тарк этмай, жангни давом эттиради. Уруш Македониялик Александр қўшинларининг ғалабаси билан тугайди. Пор билан бўлган урушларда Македониялик Александр кўп аскарларидан айрилади. Македониялик Александрнинг севимли жанговар оти **Бутцефал** ҳам жангларнинг бирида тиғ тегиб ҳалок бўлган. Македониялик Александр ҳалок бўлган оти шарафига Ҳинд дарёси бўйида Бутцефалия шаҳрини қурдирган. Македониялик Александр Порнинг жангдаги қаҳрамонлиги ва иродасига тан бериб, уни ўз салтанати подшоси қилиб қолдиради. Македониялик Александрнинг Ганг воҳасига бостириб кириш нияти ҳам бор эди. Худди шу даврда Македониялик Александр қўшинлари ўртасида касаллик тарқалиб, унинг саркардалари Ганг томон юришдан бош тортадилар.

Иккинчидан Ганг дарёсининг чап соҳилида қудратли Нанд давлатининг 200 минг пиеда, 80 минг отлик, 8 минг жанг аравали ва 6 минг жанговар фил минган суворийдан иборат катта қўшини турарди. Македониялик Александр Нандларнинг қудратли қўшинини енгишга кўзи этмай Ганг томон юришни қолдиришга мажбур бўлади. Македониялик Александр Ҳинд ва Панжобда озроқ қўшин қолдириб, М. ав. 325-йили

Ҳиндистонни тарк этиб, Бобилга қайтади. У Бобилни ўз салтанатининг марказига айлантиради. Аммо у 12 йил курашиб, жанг қилиб қўлга киритган улкан салтанатини 2—2,5 йилгина бошқаради-ю, М. ав. 323-йилда оғир бетоблик ва захарланишдан вафот этади. Бу вақтда у эндигина 34 ёшга қадам қўйган эди.

4-§. Македониялик Александр давлатининг парчаланиши

Македониялик Александр давлати ва унинг парчаланиб кетишининг сабаблари. Юнонларнинг истилолари натижасида Болқон ярим оролидан Ҳинд дарёсигача, Сирдарё бўйларидан Ҳинд океани соҳилларигача чўзилган ғоят катта майдонда Македониялик Александр бошлиқ юнон-македон салтанати вужудга келади. Шарқ юриши тугагач, Македониялик Александр Бобилда қолиб, буюк салтанати пойтахтини шу ерда барпо қилади. Бу давлатнинг майдони Эрон давлатига қараганда ҳам катта эди. Шарқ юришидан кейин Македониялик Александр Сузада катта байрам тантанасини ўтказиб, унда 1000 аскар маҳаллий аёлларга уйлантирилади. Байрамдан кейин Македониялик Александр давлатнинг ички ишлари билан шуғулланиб, ўзи орзу қилган ғарбий юришга ҳам тайёргарлик кўради. Шу вақтда Месопотамиядаги Опис шаҳрида македониялик аскарларнинг кўзғолони бўлиб ўтади. Македониялик Александр бу кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, Македониялик Александр Шарқ урушига кетиш олдида ўз қариндоши Антипатрни Македония ҳокими этиб тайинлаган эди. Антипатр Македонияда ўз билганича иш тутар, Македониялик Александрга итоат этишни хоҳламас эди. Македониялик Александр уни Бобилга чақиради. У Бобилга келишни хоҳламай, ўғли Иоллани юборади. Иолла Бобилга келиб катта зиёфатберади. Зиёфатдан кейин Македониялик Александр оғир касал бўлиб қолади. Зиёфатнинг ўн иккинчи куни у вафо этади. Бу воқеа м. аввалги 323 йилда бўлган. Бу вақтда Македониялик Александр энди 34 ёшга кирган эди. Уни Антипатрнинг ўғли Иолла захарлаган бўлса керак деган тахминлар бор. Баъзи маълумотларга

қараганда, у безгак касалидан вафот этган. Македониялик Александр Мисрдаги Искандария шахрига олиб бориб кўмадилар. Македониялик Александр дафн этилмасидан илгарироқ унинг лашкарбошилари ва ёрдамчилари ўртасида тож-тахт учун жанжал бошланиб кетади. Македониялик Александр салтанати ўрнида бир канча подшоликлар вужудга келади. Македониялик Александрнинг энг нуфузли дўстлари ва саркардалари бу мамлакатларнинг подшолари бўлиб оладилар. Кўп ўтмай бу подшоликлар ўртасида қонли жанглар бошланиб кетади. Бу қонли жангларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халқ елкасига тушган эди.

Шу тариқа босқинчилар истилоси натижасида Миср, Кичик Осиё, Эрон, шунингдек Турон ва Ҳиндистоннинг бир қисми юнон ва македониялик қулдорлар асоратига тушиб қолади.

Эллин давлатлари ва маданияти. Македониялик Александр бошлиқ юнон – македонияликлар истилосидан кейинги 300 йиллик давр Шаоқ мамлакатлари тарихи Эллин давлатлари тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Эллин давлатлари таркибига Юнонистон, Македония, Миср, Эрон, Туроннинг жанубий вилоятлари ва Ўрта ер денгизининг шарқидаги мамлакатлар кирган. Бу давлатлар Македониялик Александр вафотидан бошлаб м. аввалги 30-йилларга қадар умр кўрган.

Эллин даври қадимги юнон ва Шарқ дунёсининг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан қўшилиб, бир-бирига таъсир этиши жараёни давридир. Бу даврда Шарқ мамлакатлари билан Ғарб давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар ва савдо-сотик ишлари анча ривож топган.

Турон ўлкасидаги жанубий вилоятларга ҳам эллин маданияти кучли таъсир этган. Айти пайтда ўлкамизнинг қадимги маданияти ҳам эллин маданиятига баракали таъсир кўрсатган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Македониялик Александр вафотидан кейин у истило этган ўлкаларда Птоломейлар, Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, Пергам подшоликлари, Македония ва Юнонистон каби давлатлар қарор топади.

Птоломейлар подшолиги. Македониялик Александр вафотидан сўнг Мисрда Птоломей ва птоломейлар бошқарган кучли эллин давлати қарор топади. Птоломей Македониялик Александрнинг машҳур лашкарбошиларидан бири эди. Шунинг учун давлатнинг номи ҳам Птоломейлар подшолиги дейилган. Бу подшоликка Африка шимолидаги Киренаика, Кипр ороли, Жанубий сурия, Финикия, Кичик Осиёнинг жанубий ва ғарбий соҳилидаги жойлар, юнон шаҳарлари ва Эгей денгизидаги айрим ороллар ҳам кирган. Бу ўлкалар ўз маҳаллий бошқарувини сақлаб қолган бўлсалар ҳам птоломейлар тайин этган ноибларнинг назорат остида иш олиб борганлар. Птоломейлар қуруқликда ҳамда денгизда кучли қўшинга эга бўлиб, қуруқлик ва денгиздаги йўлларни назорат қилиб турганлар.

Бу ўлкада ернинг катта қисми подшо ва унинг амалдорлари қўлида бўлиб, унда корондалар-ёлланиб ишловчилар ишлар эди. Ернинг бир қисми майда деҳқонлар ихтиёрида бўлиб, улар подшоликка муайян миқдорда солиқ тўлаб турганлар. Бу даврда қулларни, корондаларни эзиш жуда кучайган. Деҳқонлар асосан ғалла, полиз, зиғир ва боғдорчилик экинларини экканлар.

Птоломейлар даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ анча ривож топган бўлиб, савдогарлар узоқ ва яқиндаги мамлакатлар билан қизғин савдо ишларини олиб борганлар.

Птоломейлар подшолиги салавкийлар билан олиб борилган тинимсиз урушлар натжасида кучсизланиб қолган. М. аввалги 30 йилда птоломейлар мулки ҳисобланган Миср Римга қўшиб олингач, подшолик ўз мустақиллигини йўқотган.

Салавкийлар давлати. Салавкийлар давлати Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг йирик эллин давлати эди. Унга Македониялик Александр тузган давлат инқирозга учрагач, Бобил сатраплигининг ҳукмдори Салавка I Никатор (м.ав. 350-280) томонидан асос солинган. У ҳам Македониялик Александрнинг дўсти ваа саркардаларидан бири эди. салавка ва

Салавкийлар давлати кучайган вақтда Персида, Мидия, Сурия ва кичик осиёнинг катта қисми подшолик таркибига кирган. Салтанат бошида подшо туриб, жойлардаги сатрапликларни стратеглар бошқарганлар. Салавкийлар подшолиги ўша даврдаги энг кучли кулдорлик давлати эди.

Сўнгги салавкийлар даврида бу давлат кучсизланиб, м. аввалги 190 йилда римликлар билан бўлган урушда енгилиб, кўп вилоятлардан ажралади. рим империяси кучайган, м. аввалги 64 йилда Салавкийлар подшолигининг ғарбий қисмини ўз вилоятига айлантиради.

Салавкийлар подшолиги кучайган вақтда унинг хўжалиги анча ривожланади. дарё ва сўв бўйларидаги ерларда деҳқончилик, боғдорчилик, дашт ва тоғ яйловларида эса чорвачилик анча тараққий этган эди. Салавкийлар подшолигининг кучайган даврида шарқдан ғарбга ва шимолдаг жанубга ўтадиган савдо-тижорат йўллари подшоликка қарар эди. Шунинг учун бу ерда савдо ривож топиб, шаҳар ва қишлоқларда хунармандчилик равнақ топади.

Пергам подшолиги. Эллин давлатларидан яна бири Пергам подшолиги эди. У Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Пергам м. аввалги III асрда равнақ топиб, Эллин дунёсининг энг йирик савдо-хунармандчилик ва маданий марказларидан бири бўлган. Пергамнинг серҳосил ерлари ва яйловлари, чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланишига имкон берган.

Подшоликнинг марказий шаҳри Пергам номигагина юнон полиси шаҳри ҳисобланган. Мамлакатдаги бошқа шаҳар ва қишлоқлардаги ерларнинг кўп қисми подшоликка қарашли эди. У ерларда хунармандлар ва қарам қўшчи деҳқонлар ишлаганлар. Пергамда хунармандчилик устахоналари кўп бўлиб, уларда кўплаб куллар меҳнатидан фойдаланилган.

М. аввалги III асрнинг биринчи ярмида пергамда Атталийларнинг юнон сулоласи ташкил топади ва давлатни бошқаради. Кейинчалик Прегам подшолиги кучсизланиб, Рим салтанатининг таъсирига тушиб қолади.

5-§. М. авлагги IV – I ва милодий I – IV асрларда Қадимги

Ҳиндистон

Магадха давлатининг ташкил топиши ва кучайиши. М. ав. 325-йилда Македониялик Александр Ҳинд воҳасида унча катта бўлмаган қўшин қолдириб, Ҳиндистонни тарк этди. Македониялик Александр кетгач, кўп ўтмай, хинд қабилалари юнон-македон асоратига қарши озодлик урушини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракатга машҳур хинд саркардаси Чандрагупта бошчилик қилади. М. ав. 317- йили Юнон-македон қўшинлари Ҳинд воҳасидан бутунлай қувиб чиқарилади

Ривоятларга қараганда Чандрагупта аслзодалардан бўлмай, энг паст шудра ёки кшатриялардан келиб чиққан экан. У ёшлигида Нанд сулоласи подшоларига хизмат қилган. У подшо билан чиқиша олмай Панжобга, Македониялик Александр ҳузурига келиб унга хизмат қилган. Чандрагупта Македониялик Александрни Нандлар шоҳи устига қўшин тортишга ундаган.

Юнон-македонлар Панжобдан қувилгач, Чандрагупта катта қўшин билан Магадхага қайтиб, Нанд шоҳи қўшинларини енгиб тахтни эгаллайди. У Маурья подшолигига асос солиб, М. ав. 317—298-йилларда ҳокимиятни бошқаради. Чандрагупта Паталапутра шаҳрини давлат пойтахтига айлантиради. У бутун Шимолий Ҳиндистонни бирлаштириб Маурья салтанатини кучайтиради. М. ав. 305- йили Чандрагупта билан Салавка қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, салавкийлар қўшини мағлубиятга учрайди. Чандрагупта билан Салавка ўртасида сулҳ тузилиб, Шарқий Эрон ва Белужистон Маурья давлати таркибига қўшиб олинади. Чандрагупта Салавкага 500 жанговар фил инъом қилади ва унинг қизига уйланади. Чандрагуптанинг ворислари Биндусара (м. ав. 293-268- йиллар) ва Ашока (М. ав. 268-231-йиллаи даврларида Маурья давлатининг чегаралари кенгайиб, қудратли давлатга айланади. Ашока давлатни

бошқариш, дин, маданият ва хўжалик соҳаларида ислохотлар ўтказди. Ашока даврида Маурья давлати куч-қудратининг чўққисига кўтарилади.

Маурья давлатининг қулаши ва Ҳиндистоннинг майда давлатларга бўлиниб кетиши. Ашока вафотидан сўнг мамлакатда тож-тахт учун сулолавий жанглар авж олади. Шимоли-ғарбдан Панжобга Юнон-Бактрия қўшинлари бостириб кирадилар. М. ав. 180- йилда Маурья сулоласининг сўнгги подшоси тахтдан ағдариб ташланади ва ўлдирилади. Шу йили тахтни шунглар сулоласига мансуб кишилар эгаллайдилар. Бу даврда Маурья давлатининг чегаралари Ганг воҳаси билан кифояланган эди. Шунглар давлати узоқ йиллар давомида Юнон-Бактрия ва майда Ҳинд давлатчалари билан урушлар олиб борганлар. Шу даврда Панжобда Юнон-Ҳинд подшолиги ташкил топади.

Шу даврларда ғарб ва шимолий – ғарб томондан Панжобга Юнон, сак ва Парфия қўшинлари тез-тез хужумлар қилиб туришган. Шунглар сулоласи мамлакатни М. ав. 180-йил билан 68-йиллар орасида бошқарганлар. М. ав. 68-йили Магадхада навбатдаги давлат тўнтариши содир бўлиб, давлат тахтини Канҳа сулоласига мансуб кишилар эгаллайдилар. Улар Магадха қўл остидаги мамлакатни 45 йил бошқарадилар. Ўзаро уруш-жанжаллар туфайли бу давлат ҳам кўп ўтмай емирилади, Ҳиндистон яна майда давлатларга бўлиниб кетади.

Ҳиндистоннинг Кушонлар давлатига қўшиб олиниши. Ҳиндистонда ўзаро урушлар авжига чиқиб, майда давлатларга бўлиниб кетаётган бир даврда, шимоли-ғарбдан кушон подшоларининг истилолари бошланади.

М. ав. II аср ўрталарилда Бактрияга ўтиб жойлашган Юечжилар шу ерда Кушон давлатига асос соладилар. Кушонлар давлатининг асосчиларидан бири Кудзула Кадфиз I Кашмир ва Жанубий Бактрияни босиб олади. Унинг ўғли Вима Кадфиз II эса Ҳиндистондаги ўзаро уруш-жанжаллардан фойдаланиб Панжоб вилояти, Қуйи Ҳинд бўйлари, Бенгалия ва Ҳиндистон ярим оролининг марказий қисмларини ҳам босиб

олади. Кадфиз II вафотидан кейин Кушонлар тахтига унинг ўғли Канишка I ўтиради. Канишка I (78—123-йил) даврида Ҳиндистоннинг жанубий вилоятлари ҳам Кушонлар салтанати таркибига қўшиб олинади. Канишка даврида Кушонлар салтанатининг пойтахти Бактрдан Пешоварга кўчирилади. Канишка подшолик қилган даврда Кушон подшолиги қудратли салтанатга айланади. Хувишка подшолик қилган даврларидан кейин Кушон давлати кучсизланади. Аммо III аср охирларида ички курашлар ва ғарбдан сосоний қўшинларининг берган қақшатқич зарбалари остида Кушон салтанати емирилиб, унинг ўрнида катта-кичик давлатлар ташкил топади.

Гупталар даврида Ҳиндистон. Кушонлар салтанати барҳам топгач, Ҳиндистонда бир қанча давлатлар ташкил топади. Милоднинг IV асридан бошлаб Ганг воҳасидаги Магадха давлати яна кучаяди. Бу давлатнинг асосчиси Гупта бўлиб, сулола ҳам шу ном билан аталган. Магадха давлати Гуптанинг набираси Чандрагупта I (милодий 320-335) ўғли Самудрагупта (милодий 335-380) даврида анча кучайиб, улар Ҳимолай тоғларидан Мадрас шаҳри оралиғидаги ерларни босиб олдилар. Гупталар сулоласи салтанатининг гуллаб-яшнаган даври Чандрагупта II подшолик қилган 380-415 йилларга тўғри келади. Чандрагупта II даврида Ҳиндистоннинг ерлари Панжоб, Ҳинд воҳаси ҳисобига кенгаяди. Бу даврда Ҳиндистонда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, айниқса савдо-сотик ниҳоят даражада ривож топади.

Чандрагупта подшолик қилган йиллар Ҳиндистон тарихида **“Гупталарнинг олтин асри”** деб мадҳ этилган.

Чандрагупта II вафотидан кейин Ҳиндистонга Ўрта Осиё томондан кидарийлар, эфталийлар ва бошқа қабилаларнинг ҳужуми бошланиб, улар Панжоб ва Ҳинд водийсида ўрнашиб қоладилар.

Кидарийлар ва эфталийлар билан олиб борилган урушлар натижасида жуда кўп кишилар ҳалок бўлади, хўжаликнинг ҳамма тармоқлари издан чиқади.

Гупталар мамлакатда марказлашган давлатлар тузишга кўп ҳаракат қиладилар. Лекин бу ҳаракатлар яхши натижа бермайди. Шу билан Ҳиндистоннинг қадимги тарихи ҳам ўз ниҳоясига етади.

М. ав. VI ва милодий V асрларда Ҳиндистоннинг хўжалиги. М. ав. I минг йиллик ўрталарига келиб, деҳқончилик Ганг водийси хўжалигининг асосий тармоғига айланган. Деҳқонлар экинларни суғоришда сунъий канал, ариқ ва чархпаррақлардан фойдаланганлар. Бу даврда ҳам Ҳинд, Ганга, Жамна, Панжобдаги дарё бўйларидаги баланд ерларга сув чиқаришда шодуф қурилмасидаги “денели”, “рати” ва ҳинд хурустидан кенг фойдаланилган. Шунингдек ирригация техника тараққиёти тарихида Мисрда Аримед винти ва Ҳиндистонда сув чиқарадиган маятникдан кенг фойдаланилган.

Шарқ мамлакатларининг ирригация хўжалигида сувни юк ҳайвонлари кучи билан чиқариш кенг расм бўлган. Бу юқорида таъкидланган ҳинд хурусидир. Чуқурроқ канал, қудуқ қирғоғида икки устун ўрнатилиб, уларнинг устки учи ғалтак билан бирлаштирилади. Бу ғалтакка арқон ташланади ва бир учига теридан қилинган катта пақир ёки қовға (идиш) боғланади, иккинчи учини уй ҳайвонларидан хўкиз, от, туя, эшак ёки хачир тортган.

З.М.Бобур Ҳиндистон Хуруси ҳақида шундай ёзади: “Хурусга боғланган хўкиз қовға қудуқдан сувга тўлиб чиққунга қадар устунлардан узоқлашиб, арқоннинг бир учини тортади, бунда одам сувни тарновга қуяди, хўкиз эса аввалги жойига қайтиб келади”. Демак, ҳинд зироаткорлари баландликка сув чиқариб деҳқончилик қилишда сунъий суғоришнинг турли усулларидан фойдаланган эканлар.

Ер ҳайдашда хўкиз қўшилган омоч ва сўқалардан фойдаланилган. Сўқа ва омочларга қўтос, эшак, хачир ва отларни ҳам қўшган бўлишлари мумкин. Ҳинд деҳқонлари заранг ерларни 6-12 хўкиз қўшилган қўшалок қўш – омоч билан ҳайдаганлар.

Куллар сонининг орта бориши муносабати билан ерга ишлов беришда омон, сўка, тирма ва молаларни куллар ҳам тортганлар. Деҳқонлар буғдой, агра, тарик, зиғир, шоли, сули, дуккакли ўсимликлар, пахта, шакарқамиш ва чой экканлар.

Қадимги ҳинд аҳолиси хўжалигининг асосий тармоқларидан бири чорвачилик бўлган. Ҳиндистонда йирик шоҳли қорамол — сигир, бука, хўкиз, ҳинд бўйволи, қўтос ва бузоқлар боқишга катта эътибор берганлар.

Отлар Ҳиндистонда юқори баҳоланган. От асосан Панжоб вилояти ва Ҳинд дарёсининг Тар чўлига туташ бўлган жойларда боқиб парвариш қилинган. Отлардан асосан миниб юриш, жанг араваларига қўшиш ва отлик қўшин учун фойдаланилган.

Ҳиндистонда Нанд, Маурья, Кушон ва Гупталар салтанатининг қарор топиши муносабати билан суғорма деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик янада ривожланади.

М. ав. VI асрдан милодий V асргача бўлган даврда ички ва ташқи савдо ҳам муттасил ривожланиб борган. Мазкур подшоликлар, айниқса, Кушон салтанати даврида давлатлараро Буюк Ипак йўлидан унумли фойдаланилган.

М. ав. VI асрнинг охири — V аср бошларидан бошлаб Ҳиндистонда кумуш тангалар ҳам зарб этилган. Қадимги Ҳиндистон тарихининг ҳамма даврларида ҳам йирик савдогарлар ва ҳунармандлар бадавлат бўлишган.

М. ав. VI—IV асрларда Ҳиндистондаги давлатлар ва савдогарлар сув ва қуруқлик йўли орқали Жануби-Шарқий Осиё, Цейлон, Арабистон, Африка, Эрон ва Турон ўлкалари билан қизғин савдо ишларини олиб борганлар. Кушонлар даврида эса Ҳиндистон юқорида номлари айтилган мамлакатлардан ташқари Рим, Месопотамия ва Хитой билан ҳам савдо-сотик ишларини йўлга қўйганлар.

Бу жиҳатдан М. ав. II асрда “Буюк ипак йўли” нинг очилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, “Буюк ипак йўли” кўп тармоқли бўлиб, у Хитойга Воҳандарё, Вахш – Қизилсув, Фарғонадан

Қорағулжа, Или дарёлари Етгисув – Зайсон орқали йўналган. Хитойдан ғарбий ўлкаларга ҳам шу йўл орқали борилган. Бу йўлларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёдан кесиб ўтган. Демак қадимги ҳинд савдогарлари Ипак йўлининг мазкур тармоқлари орқали узоқ – яқин мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва савдо – сотиқ алоқаларини олиб борганлар. Ҳикоя қилишларича Ҳиндистон жанубидаги Керала, Чола ва Пандя каби давлатларга Рим савдо кемалари келишган экан. Милодий I—IV асрларда Кушон подшолари турли маъданлардан танга пул чиқарганлар. Олтин тангалар зарб қилиш ҳам кушонлар даврига тўғри келади. Савдо-сотиқ Ҳиндистонда ҳукм сурган ҳамма давлатлар даврида ривожланган. Чунки савдогарлар ҳунармандлар Цингари давлатга жуда катта фойда келтирганлар.

Шундай қилиб, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда, ҳунармандчилик учун турли хомашё етказиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Узоқни кўзлаган, сиёсатдон подшо ва амалдорлар халқаро савдони ривожига ҳомийлик қилганлар.

6-§. Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми ва маданияти

Ҳиндистондаги давлатларнинг ижтимоий тузуми. Маълумки, м. ав. III минг йилликнинг иккинчи ярмида Қадимги Панжоб ва Ҳинд дарёси водийсида тепасида подшо турган давлатлар вужудга келган.

Ўша вақтдаёқ аҳоли орасидан подшо бошлиқ олий мансабдаги бой-бадавлат аслзодалар ажралиб чиққанлар. Ҳунармандлар, майда савдогарлар, кичик ерли деҳқонлар аҳолининг ўрта табақасини ташкил этган. Ендигина пайдо бўлаётган қуллар ва қашшоқ кишилар аҳолининг қуйи табақаси ҳисобланган. Подшо мамлакатнинг мутлақ ҳокими бўлиб, у қариган ва ўлган тақдирда унинг тахти, мамлакат ва унинг мол-мулки ўғиллари ва ака-укаларига мерос бўлиб қолган.

М. ав. I минг йиллик ўрталарига келиб Шимолий Ҳиндистонда 20 дан ортиқ катта-кичик давлатлар ташкил топади. Шимолий Ҳиндистондаги

Магадха, Кашала, Нанд, Маурья, каби йирик давлатлар подшо бошқарадиган давлатлар бўлган. Бундай давлатни **монархия** дейилган.

Қадимги Шимолий Ҳиндистонда **Вриджи** ва **Малла** каби давлатлар ҳам бор эдики, бу давлатларни оқсуяк-зодагонлар кенгаши ва халқ йиғини томонидан сайлаб қўйиладиган ҳокимлар бошқарганлар. Бундай давлатлар **республика** мақомидаги давлат ҳисобланган.

Қадимги Ҳиндистонда тоифачилик тузуми. Ҳиндистоннинг қадимги солномалари Веда каби диний тўпламларида аҳоли бир-бирдан фарқ қиладиган турли тоифа — варна-касталарга бўлинганлиги таъкидланади. Шулардан биринчиси олий варна-кастага мансуб бўлган брахманлар бўлган. Брахманлар тоифасига йирик ер эгалари, рухоний-коҳинлар, амалдорлар ва аслзодалар аъзо бўлишган. Улар олий худо Брахманинг оғзидан яратилган экан. Иккинчи варна-каста кшатриялар бўлиб, улар худо Брахманинг елкасидан вужудга келган эканлар. Кшатриялар тоифасига ҳарбий саркардалар ва жангчилар кирганлар.

Аҳолининг энг кўп қисмини ташкил этган ҳунармандлар, майда савдогарлар, деҳқон ва деҳқон жамоалари учинчи тоифа — варни-вайшиларни ташкил этган. Улар худо Брахманинг қовурғасидан пайдо бўлган эканлар.

Ҳиндистон аҳолисининг энг қуйи табақаси шудралар бўлган. Улар Брахманинг товонидан пайдо бўлган экан. Шудралар ажнабий ўлканинг одамлари, ўз уруғ-қабилаларидан ажралиб кўчиб келганлар ҳисобига тўлдириб турилган. Улар зоти паст кишилар ҳисобланиб, чанг-тупроққа беланиб яшашга маҳкум этилган эканлар. Улар жамоаларга аралаштирилмаган, бирон-бир хизмат ва вазифага тайин этилмаган.

Ҳиндистонда тўрт варна-тоифанинг бирортасига кирмаган кишилар ҳам бўлишган. Улар „**чандаллар**“ — тоза сувни ҳаром қилувчилар эдилар. Улардан ҳазар қилиниб, улар жамоат биноларига, ибодатхоналарга ҳатто қудуқлар ёнига ҳам яқинлаштирилмаганлар. Чандаллар, яъни ҳазар қилинганлар энг оғир ва ифлос ишларни — ахлатларни олиш, ифлос

жойларни тозалаш, ўлган ҳайвонлар терисини шилиш каби ишларни бажарганлар.

Ведада айтилишича, одам қайси тоифадан туғилган бўлса, умр бўйи ўша тоифада қолар экан. Ҳиндистонда қадим замонлардаёқ адолатпарвар кишилар ҳам етишиб чиққанлар. Улар ўша вақтда ижтимоий тузумга, диний эътиқодларга ва одамларни тоифаларга бўлинишига қарши чиққанлар.

Ёзув ва адабиёт. Ҳинд воҳаси ва Панжобда яшаган ҳинд халқларининг энг қадимги аجدодлари ўз ёзувларига эга бўлганлар. Археологлар Хараппа ва Мохенджо-Дородан ҳайвон ва қандайдир расм-белгилар туширилган муҳрлар ва сопол идишларнинг парчаларини топганлар. Тилшунос олимлар Ҳинд воҳасидаги ёзувларни текшириб кўрганлар. Баъзи тилшунослар ҳинд ёзуви 400 белги-расмдан иборат десалар, бошқалари 250 ва яна ўзгалари 300 белги-расмдан иборат деб, - ўйлайдилар. Аммо ханузгача қадимги ҳинд ёзувлари тўла ўрганилмаган. Баъзи олимлар ҳинд ёзувини шумерларникига, бошқа олимлар эса ҳетт ёзувига ўхшаш дейдилар.

Лекин М. ав. V асрдан бошлаб Ҳиндистонда брахми, кхароштхи, арамей, гупта ва бошқа ёзувлардан фойдаланганлар. Қадимги Ҳиндистонда халқ оғзаки ижоди ва унинг давоми ҳисобланган ёзма адабиёт ҳам эрта ривож топган. Улар мақол, матал, эртак, ҳикоя, достон, диний кўшиқлар ва ажойиб афсоналар яратганлар.

Ведалар — жинлар, кўшиқлар, афсунгарлик ва диний дуолардан иборат катта тўпламдир.

Қадимги Ҳинд адабиётининг энг нодир асарлари қаторига “Махабхарата”, “Рамаёна”, “Панча татра”, “Калила ва Димна” каби асарларни киритиш мумкин.

“Рамаёна” достонида ўғай онасининг берган азобларига чидай олмаган шаҳзода Раманинг ўз шаҳри Аёдхияни ташлаб кетиб ўзга юртларда бошидан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикоя

қилинишича Цейлонда девлар Раманинг хотини Ситани ўғирлаб кетадилар. Рама айиқ ва маймунлардан қўшин тузиб, девларни тор-мор этиб, хотинини озод қилади. Ниҳоят Рама ўз ватанига қайтиб, отаси тахтини эгаллайди ва узоқ давр давлатни адолат билан бошқаради.

“Махабхарат” достонида Бхарата подшо уруғининг икки авлоди — Кауравлар ва Пандавларнинг тож-тахт ва бойлик таллашиб олиб борган курашлари ҳикоя қилинади.

V асрда яшаган Калидаса ажойиб драма асарлари ёзган машҳур адиб. У ёзган драма асарларидан энг машҳури “Шакунтала” дир

Ҳиндистонда илмий билимларнинг ривожланиши. Ҳиндистонда аниқ фанларга ҳам катта эътибор берганлар. Ҳиндистонда география, тарих, астраномия, математика фанлари ҳам ривож топган эди. Ҳинд файласуфлари Чарвак деган таълимот яратганлар. Бу таълимотга кўра илмнинг бош манбаи — тажрибадир дейилади.

Ҳиндистон шахмат ўйинининг ҳам ватанидир. Ҳинд астрономлари ва математиклари бир йилни 365 кунга, 12 ойга бўлиб, шундан 5 кунини байрам ҳисоблаганлар. Уларнинг ҳисобида бир йил 365 кунга тенг бўлган. Улар қуёш ва сув соатларини кашф этиб, улардан фойдаланганлар.

Астроном Арябхата V асрдаёқ Ерни шарсимон эканлигини ва ернинг ўзига тортиш қонунини, айти пайтда у ўз ўқи атрофида айланиш фаразини айтган.

Ҳиндистонда табобат илми ҳам анча ривож топган эди. Табиблар томир ҳаракатига қараб касалликларни аниқлаганлар. Беморларни шифобахш ўсимлик, ҳўл мева, ҳайвон аъзолари ва бошқа нарсалардан тайёрланган содда ва мураккаб дорилар билан даволаганлар.

Меъморчилик ва тасвирий санъат. Ҳиндистонда меъморчилик эрта ривож топган. Усталар меъморчиликда лой, хом, пиширилган ғишт, тош, махсус қоришма ва ёғочлардан фойдаланганлар. Улар шоҳ саройлари, ибодатхоналар ва маъмурий бинолар қуришда катта ютуқларга эришганлар. Ҳиндистонда ҳайкалтарошлик ҳам ривож топган.

Ҳайкалтарошлар подшо, будда, арслон, фил, каркидон ва бошқа нарсаларнинг ҳайкал ва расмларини ишлаганлар.

Бу жиҳатдан муҳр ва тангалар сиртига туширилган Тош дарвоза расмлари Ашока даврида тош устун устига ўрнатилган 4 шер ҳайкали кишини ҳайратга солади. Гумбазли бинолар ва тоғ қояларини ўйиб ишланган бинолар ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туради. Ҳиндистонда мустақиллик ўрнатилиши ва эълон қилиниши муносабати билан тош, устун устига ўрнатилган қадимги тўрт қўшалоқ арслон ҳайкали, бугунги кунда биздаги **Хумо қуши** каби Ҳиндистоннинг давлат рамзига айлантирилган.

Диний эътиқод. Қадимги Ҳиндистонда жуда кўп уруғ, қабила ва элатлар яшаганлар. Уларнинг ҳўжалиги, турмуш тарзи ҳар хил бўлганлиги учун диний эътиқодлари ҳам турлича бўлган. Ҳиндистонда яшаган аҳоли ҳаётида кўп замонлар табиат ҳодисаларига, аждодлари руҳига, тоғ-тошларга, ҳайвонларга, сув ва дарахтларга сиғиниш узоқ давом этган. Уларда ой, қуёш ва оловга сиғиниш кенг тарқалган эди. Ҳиндларда **Агни** олов, **Индра** момақалдироқ, **Адитинани** эса ҳосилдорлик худоси деб билганлар.

Ҳиндистонда диний эътиқодларнинг келиб чиқиши ҳам бошқа халқлар каби уларнинг турмуш тарзи ва ҳўжалиги билан боғлиқ бўлган.

Давлатлар вужудга келиши муносабати билан Ҳиндистоннинг кўп жойларида Брахман дини кенг ёйилган. Бу дин М. ав. IX—VIII асрда вужудга келиб, унинг худоси Брахман бўлган. Бу диннинг руҳонийлари **брахманлар** дейилган. Уларнинг таълимоти бўйича Брахма олам ва одамни яратувчиси ҳисобланган. Адитинани “ҳамманинг онаси”, “ҳамма нарсанинг моҳияти”, “абадият”, “яратилган ва яратувчи” каби номлар билан улуғлаганлар. Дастлаб момақалдироқ, ҳосилдорлик худоси ҳисобланган **Индра** кейинчали ҳоким, ҳукмдор ва подшолар ҳомийсига айланган. Кейинчалик Индра сўзининг ўзи ҳам подшо, ҳоким, ҳукмдор каби маънони англата бошлаган.

Ҳиндистондаги диний эътиқодлардан яна бири **буддизм** бўлган. Бу дин М. ав. VIII—VI асрларда вужудга келган. Диннинг асосчиси шаҳзода **Сиддхартха Гаутама** бўлган. У *Будда*— „**Маърифатпарвар**“ лақаби билан ўз таълимотини мамлакат бўйлаб 40 йил давомида тарғиб қилган. У брахман-хикадаги каста-табақаларга бўлинишни қоралаб, жамиятдаги барча кишилар худо олдида тенг ҳуқуққа эгадирлар, деб таълим берган. Кейинчалик буддийлик давлат дини даражасига кўтарилиб, аввал Туроннинг жанубий ҳудудлари, кейин Хитой ва Марказий Осиёга ёйилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, Қадимги Ҳиндистонда зардуштлик динининг анъаналари ҳам сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам улар худуднинг ғарбида фаолият кўрсатар эканлар.

Шундай қилиб, Қадимги Ҳиндистон ихалқлари ўзларига хос бой маданият яратганлар. Кейинчалик ҳинд маданиятидан жанон халқлари баҳра олганлар. Ҳиндистонда кейинги вақтда олиб борилган археологик ва илмий тадқиқотлар баъзи ғарб олимларининг ҳиндлар ҳечқандай маданият яратмаганлар деган фикрларини чиппақка чиқарди. Таъбир жоиз бўлса ҳинд халқлари илм – фаннинг баъзи соҳалари бўлган европаликлардан ўтиб кетишган.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Ҳиндистонда археологик изланишлар: “Шимолий Ҳиндистон археология жамияти” ҳақида.
2. Илк Ҳинд цивилизацияси вужудга келишининг шарт – шароитлари.
3. Энг Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми ва хўжалиги.
4. М. ав. XV-IV асрларда Қадимги Ҳиндистон.
5. Шимолий Ҳиндистондаги дастлабки давлатларнинг ташкил топиши.
6. Македониялик Александрнинг Ҳиндистондаги истилолари.
7. Македониялик Александр давлати ва унинг парчаланиб кетишининг сабаблари.

8. Магадха давлатининг ташкил топиши ва кучайиши.
9. Маурья давлатининг кулаши ва Ҳиндистоннинг майда давлатларга бўлиниб кетиши.
10. Ҳиндистон Кушонлар давлати таркибида.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жанубий Осиёнинг қадимги аҳолиси.
2. Ҳиндистон тарихининг тарихий даврлари.
3. Энг Қадимги Ҳиндистон маданиятининг вужудга келиши.
4. Орийлар ва уларнинг Ҳиндистонга кириб келиши.
5. Салавкийлар давлати: Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг йирик эллин давлати.
6. Эллин давлатлари ва маданияти.
7. Пергам подшолиги.
8. Энг Қадимги Ҳиндистон жамияти ва маданияти.
9. Хараппа ва Мохенжо-Доро ёдгорликлари.
10. Қадимги Ҳиндистон ҳақидаги ёзма манбалар.
11. Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари.

VII БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ВА ХУННЛАР ДАВЛАТИ

1-§. Энг Қадимги Хитой

Қадимги Хитойнинг географик ўрни ва табиий шароитлари.

Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг қадимги мамлакатлардан бири бўлган. Ҳозирги Хитойнинг ғарбий чегаралари бизнинг Турон замин чегараларига келиб туташади. Шимолда Мўғулистон, Россия, жанубда эса Ҳимолай тоғлари орқали Ҳиндистон билан чегарадош. мамлакат шарқи Тинч океаннинг Сарик, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгизларининг сувлари билан ўралган. Мамлакатнинг катта қисми тоғлардан, ғарбий томони дашти – биёбон ва шарқий қолган озроқ қисми текисликлардан иборат. Хитойнинг кун чиқиш томонини Буюк Хитой пасттекислиги қоплаб ётади. Хитойнинг иқлими ўзига хос, ёзи ўртача иссиқ, киши шимолда совуқроқ, жанубда у қадар совуқ эмас. Ёғин-сочин мамлакат шарқида кўпроқ, марказий ва ғарбий қисмида камроқ ёғади. Хитойнинг энг йирик дарёси Хуанхэ бўлиб, хитойликлар уни “Тентак дарё” “Хитойнинг шўри”, “Минг хил кулфат келтирувчи дарё” деб ҳам атайдилар. Чунки у баҳор ойларида тошиб одамларга кўп ташвиш ва кулфат келтирган. Бу дарё лойқалиги боис Сарик дарё ҳам дейилади. Шарқий Хитойдан Янцизи, Сицзян каби катта дарёлар Хитойнинг ғарбий қисмидан эса Тарим дарёси оқиб ўтиб, Ғарбий Хитойдаги кумликларга сингиб кетади. Бу дарёлар баҳор ойларида қаттиқ тошиб халқ хўжаҳгига катта зарар келтиради. Хитой ўсимликлар, ҳайвонот ва қазилма маъданларига анча бой мамлакат ҳисобланади.

Хитойнинг энг қадимги аҳолиси ва уларнинг машғулооти.

Хитойнинг қулай географик муҳити бу ерларда жуда қадим замонлардан бошлаб ибтидоий ва қадимги одамларнинг яшашлари учун имкон берган. Археолог ва антропологларнинг берган маълумотларига кўра Хитой худудидан ибтидоий ва қадимги даврга мансуб ёдгорликлар топилган. Булар орасидан бундан 600 – 400 минг йил илгари яшаган синантроп – хитой одами ва Лантянь каби қазилма одамларнинг манзил – маконлари

диққатга сазовордир. Ибтидоий даврга мансуб ёдгорликлар Хитойнинг жуда кўп жойларидан топиб, уларнинг маданий қатлами ўрганилган. Айни пайтда Хитойнинг ҳамма жойидан қадимги, сўнгги полеолит, мезолит, неолит, энеолит, жез ва қадимги даврига оид кўплаб археологик ёдгорликлар топилган. Бу ёдгорликларни текширган археолог, антрополог олимлар Хитойда жуда қадим замондан бошлаб ибтидоий ва қадимги одамлар яшаганлигини исботлаб бердилар. Кекйинчалик аҳоли кўпая бориб Хитойнинг кўп жойларига бориб жойлашганлар. Шунингдек Хитойга шимол, жануби – шарқдан хилма – хил уруғ ва қабилалар кириб келиб жойлашганлар.

М. ав. IV – V минг йилликларда Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида бир неча неолитик маданий марказлар вайдо бўлган. Хитойнинг шарқий соҳиллари – Цзянсу ва Чжэцзян провинцияларида кашф этилган Циньянган маданияти кейинчалик “Шарқий” номли этносларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Ўша даврда Хуанхэ дарёсининг бош ирмоғи Вэйхе водийсида машҳур Яншао неолитик деҳқончилик маданияти пайдо бўлиб хитой халқининг энг қадимги аجدодлари асосини, бир қисми эса тибет – бирма этносларининг шаклланишига сабаб бўлган. Яншаоликлар дарё соҳилларида ярим ертўлаларда ва устунларга ўрнатилган синч уйларда яшаб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Уларнинг бир қисми термачилик, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганлар.

М. ав. III минг йилликда шарқий яньшаоликлар ўрта Хитой текисликларида яшовчи жанубий қабилалар билан аралашиб илк Хитой тилига аосо солганлар. Кейинги минг йилликда қадимги Хитой қабилалари – ся ва шан (инь) лар йирик қабилавий иттифоқлар тузиб – дастлабки табақавий жамиятлар негизидаги илк давлатлар (энг кучлиги Шан, кейин Чжоу) ни яратганлар. Ундан кейинги даврларда эса Хитойга шимолдан турли қабилалар кириб келиб маҳаллий аҳолига қўшилиб, аралашиб кетганлар. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Жанубий Хитойда қадимдан

бошлаб ҳар турли қабилалар яшаганлар. М. ав. Даврнинг сўнгги асрларида хитойликлар жанубга ҳаракат қилиб, маҳаллий қабилаларни аста – секин хитойлаштира бошлайдилар. Шундай қилиб, Хитой аҳолиси худудда яшаган турли уруғ, қabila ва этик гуруҳлардан ташкил топган экан.

Қадимги Хитой тарихининг даврларга бўлиниши ва уларнинг босқичлари. Қадимги Шарқнинг бошқа давлатлари каби Хитой тарихини бир неча тарихий даврларга бўлиб ўрганилади. Улар қуйидагилар:

1. Хитойда ибтидоий жамоа тузумининг бузулиши ва илк қулдорлик давлатининг ташкил топиши. Шан – Инь даври.

2. Чжоу даври. Анъанага мувофиқ Чжоу даври яна икки босқичга: Ғарбий Чжоу ва Шарқий Чжоуга бўлинади.

Олимлар Қадимги Хитой тарихини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар:

1. Хитойда ибтидоий жамоанинг бузулиши ва энг қадимги давлатларнинг барпо этилиши – м. ав. II минг йиллик.

2. М. ав. VIII – III асрларда Қадимги Хитой.

3. Хитойда дастлабки марказлашган давлатнинг қарор топиши – Цинь империяси даври – м. ав. 221 – 207 йиллар.

4. Хань империяси даври м. ав. III – I асрлар.

5. Қадимги Хитой милодий I – III асрларда.

Баъзи олимлар илк Хитой тарихини сулолалар бўйича тарихий даврларга бўлишни тавсия этганлар. Аксарият олимлар Қадимги Хитой тарихини бешта даврга бўлиб ўрганиш мақсадига мувофиқ эканлигини маъқуллуайдилар. Қадимги Хитой тарихини мазкур тарда даврларга бўлиб ўрганиш талабаларга анча енгиллик туғдиради.

Қадимги Хитой тарихининг асосий манбалари. Бошқа қадимги Шарқ мамлакатлари каби қадимги хитой тарихини ўрганишнинг ўзига хос илмий манбалари бор. Булар қадимги ҳужжатлар, жумладан м. ав. II минг йилликка доир суяк қурраларидаги ҳамда тошбақа косалари устидаги ёзувлар бўлиб, улар Шан-Инь давлати давридаги (м.ав. XVIII-XII асрлар)

қадимги Хитойнинг хўжалик, ижтимоий ва давлат тузумини бирмунча тасвирлашга имкон беради. Диний маросимларда ишлатиладиган жез даври идишларидаги ёзувлар бу даврнинг охири, шунингдек, м.ав. XII-VIII асрларга оид манбалардир. Бу ёзувлар орасида ҳади ёрлиқлари ҳам учрайди. Цинь сулоласи яъни м.ав. III асрга оид тош барабанлардаги ёзувлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. М.ав. III ва милодий III асрга оид Хань сулоласи даврига мансуб бўртма суратлар ҳам қадимги Хитой тарихи ва маданиятини ўрганишда жуда муҳим манба ҳисобланади.

Даври аниқланмаган ёзма манбалар орасида Лу подшолиги даврида, яъни м.ав. VIII-V асрда тўпланган “Чунь-цю” ва “Баҳор ва Куз” китоби алоҳида ўрини эгаллайди. Бу китобнинг муаллифи ҳақида турли фикрлар бор. Баъзи ривоятларга кўра, “Чунь-цю” китобининг муаллифи Конфуций дейилади. Ўша даврда яратилган йилномалардан бири “Цзочжуань” ҳисобланади. “Шаншу” (“Шуцзин”)-“Тарих китоби”, “Хужжатлар китоби” қадимги Хитойнинг мумтоз адабиёти орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Маълумотларга кўра, бу китобга қадимги подшолар ёки уларнинг маслаҳатчиларига қарашли нутқлар, насихатлар ва амр-фармонлар киритилган. Бу китобда мамлакат топографияси ва бошқариш тизимига доир қимматли маълумотлар ҳам бор. Ривоятларга кўра китоб Конфуций томонидан таҳрир қилиниб қайта ишланган экан.

Хитойнинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишда “Ши-цзин”-“Қўшиқлар китоби”нинг аҳамияти ҳам каттадир. Китоб халқ қўшиқлари асосида тузилиб, унда жуда қадим замонларга оид қўшиқлардан парчалар бор. Китобда хитойликларнинг энг қадимги даврдаги унинг чинакам ҳаёти бу халқ қўшиқларида акс эттирилган. Шунингдек, китобда м.ав. I минг йиллик биринчи ярмидаги хитой халқининг турли урф-одатлари, расм-русумлари, тўйлари ва турмуш тарзи тўлароқ ифода этилган. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, “Қўшиқлар китоби”нинг энг қадимги қисми м.ав. XII-VII асрларга мансубдир.

Номи юқорида тилга олинган “Цзо-чжуань” асарида ҳам мамлакат тарихига оид анча маълумотлар бор. “Цзо-чжуань”ни Хитой адабиётида Қадимги Хитой тарихининг биринчи тўла мухтасар асари дейиш мумкин. Қадимги Хитой манбалари орасида м.ав.ХII-VIII асрларда тузилган. “Бамбук йилномалари” ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур йилнома ўша давр подшо, ҳоким ва князлари учун тузган йилномалари бўлса керак. Бу йилномада м.ав.776 йилда қуёш тутилиши кўрсатилган сана, сўнгги Шан-Инь сулоласига мансуб подшоларнинг рўйхати ва бошқа бир қанча қимматли тарихий маълумотлар сақланган.

Шан-Инь даврига мансуб фол кўрадиган суяклардаги энг қадимги иеилоглиф ёзувлари ҳам хитойликларнинг ўтмиш тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиши мумкин.

М.ав.II-I асрларда Хитойда дастлабки тарихий асарлар вужудга келади. Бу жиҳатдан м.ав.145-90 йилларда яшаб ўтган тарихчи Сима Цяннинг “Тарихий хотиралар”и катта аҳамиятга эга. Сима Цяннинг бу асари Хитойнинг энг қадимги даврдан м.ав.II аср охиригача бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Бу китоб беш бўлимдан иборат бўлиб, унда қадимги Хитойнинг сиёсий ва маданий тарихига оид, шунингдек хронологияЦини тиклаш учун зарур бўлган маълумотлар берилади. Тарихчи “Тарихий хотиралар”да қадимги Хитой тарихининг умумий манзараЦини биринчи марта кенг кўламда баён этади. Сима Цяннинг бу асари Хитой тарихнавислигининг ўзидан кейинги ривожланишига кучли таъсир этади. Милодий 32-92 йилларда яшаб ижод этган тарихчилар оилавий Бань Бяо, ўғли Бань Гу ва қизи Бань Чжаолар “Хань тарихи” (“Хань Шу”) тарихий китобларини ёзадилар. Бу тарихий асарларни ёзишларида улар Сима Цяннинг тарихнавислик услубидан кенг фойдаланганлар.

Бань Гунинг “Хань тарихи китоби” Хань, аниқроғи Фарбий Хань сулоласи тарихига (м.ав.206-милодий VIII аср) бағишланган. Бань Гу

бошлиқ оилавий тарихчилар янги хитой тарихнавислигига, яъни янги “сулола тарихчилиги”га асос соладилар.

Милодий 398-445 йилларда яшаб ижод этган тарихчи Фань.Е (398 – 445) “Сўнги Хань сулоласи тарихи” китобини ёзган. Бу китобда Хитойнинг I-III асрлардаги тарихи ёритилган. Хитой ҳудудидаги археологик ёдгорликлар ўлка халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишда жуда муҳим манба ҳисобланади.

Қазишмалар шуни кўрсатадики, Хитой ҳудудида 500-600 минг йиллардан бери кишилар яшаб келадилар.

1921 йилда швед олими И.Г.Андерсон Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимидан неолит маданиятига мансуб ёдгорликни топиб ўрганган. У Яншо неолит маданияти номи билан машҳурдир. 1928 йилда эса Шан-Инь пойтахти Аньян шаҳри яқинида археологик қазишмалар ўтказилиб, Қадимги Хитой тарихининг м. ав. XIV-XI асрга мансуб моддий маданият буюмларини топиб ўрганилди. Топилган буюмлар бизга ўша даврдлаги Хитойнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий тузуми ҳақида тушунча беради.

Хитойда археологик тадқиқотлар олиб бориш ва ўрганиш ишлари у ерда хитой революциясидан сўнг ривожлана бошлади. Бу XX асрнинг 50-70 йилларига тўғри келади. Қазишмалар натижасида неолитдан Хань давригача бўлган хитойликлар тарихи ҳақида янги ашёвий далиллар тўпланди. Кейинги йилларда археологлар Хитой ҳудудидан Шан-Инь, Чжоу ва ундан кейинги Хань даврига оид ёдгорликларни ўргандилар. Чжоу даврига оид бронза идишлар Чанша яқинидан топилган. У ерда фол хатлари ёзилган сопол буюм, кийим-кечак, заргарлик ва зийнат буюмлари, ёғоч лавҳа ва ипак матога битилган қадимги ёзувлар ҳам топиб ўрганилди. Бу буюмлар м.ав.III асрга мансуб Чаншадаги қабристондан топиб ҳам ўрганилган.

Хитойнинг Шан-Инь давридаги қадимги тарихини ўрганишда эпиграфик манбалар, биринчи навбатда “фол хатлари” ёзилган

буюмларнинг топилиши катта аҳамиятга эгадир. Мазкур “фол хатлари” м.ав.XIV-XI асрларга мансуб экан.

Бу ёдгорликлар биринчи бор 1899 йилда хитойлик олимлар Лю Те-юнем ва Ван И-жунлар томонидан очилган ва ўрганилган. Қазишма вақтида Аньян шаҳри яқинидан жуда кўп эпиграфик ёзувлар ҳам топилган.

Ван Го-вэй, Ху Хоу-сбань ва бошқалар мазкур ёдгорликлардан жуда кўп эпиграфик ёзувларни топганлар. М.ав.X-VII асрларга мансуб бронза идишга ёзилган Чжоу даври ёзувлари ҳам Қадимги Хитойнинг Чжоу даври тарихи ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. М.ав.III ва III асрга мансуб хилма-хил буюмлар ва ёзувлар ҳам хитойликлар тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба сифатида қимматлидир.

Историография-тарихнавислик. Қадимги Хитойда тарихнавислик ёки йилномачиликка илк бор амалдор зодагонлардан чиққан Сима Цянь (м.ав.II-I аср), ундан кейин “Биринчи (Катта) Хань сулоласи тарихи”ни ёзган йилномачилар оиласи Бан Бяо, унинг ўғли Бянь Гу ва қизи Бянь Чжаолар асос солганлар. Македониялик Александр Македониядан юриши давридан яшаб ижод этган муаллифлар Эллин давлатлари ва Рим ипак маҳсулотлари олиб турадиган мамлакат-Хитой тўғрисида ноаниқ ва узук-юлуқ маълумотларнигина берганлар. Европаликлар унча Хитой ҳақида ҳеч нарса билмаганлар.

Ўрта асрлардан бошлаб Хитой тўғрисидаги баъзи маълумотлар венециялик Марко Полонинг “Саёҳат” китобида берилган.

XVI асрдан эътиборан европалик сайёҳлар, миссионерлар ва савдогарлар Шарқий Осиё билан қизиқа бошлаганлар. 1585 йилда португалиялик Мендоза ёзган “Улуғ Хитой халқининг тарихи” босилиб чиққан. Кейинчалик Европада қадимги Хитой тарихини ўрганиш ишига француз сипологик (хитойшуносик) мактаби катта ҳисса қўшган. XIX асрда француз хитойшуноси Э.Шаванни Сима Цяннинг “Тарихий хотиралар” номли тарихий китобини француз тилига таржима қилишга

киришган. У Хитойда бўлган вақтда Хань даврига мансуб бўлган ёдгорликларни тўплаб нашр этган.

М.Гранье Қадимги Хитой тарихига бағишлаб кўплаб асарлар ёзган. Хитойнинг қадимги тарихи бўйича хитойшунос тарихчи А.Масперо йирик асарлар ёзган. XX асрнинг 50 йилларида Г.Билленстен “Хань жамиятининг сиёсий ва ижтимоий тарихи ҳақида” тарихий асарлар ёзган тарихчидир.

XX асрнинг 30-50 йилларида Го-Мо-жо, Ху Хоу-сюанч, Ян Куаня, Цзянь Бо-цзяня, Хэ Чан-цюня каби хитойлик тарихчилар Шан-Инь, Чжаньго ва Хань сулоласи тарихига бағишланган кўплаб асарлар яратдилар.

Японияда ҳам қадимги Хитой тарихига қизиқиш анча илгари бошланган эди. XX аср бошларидаги япон тарихчиси Хаяси Тайсуке биринчилардан бўлиб тош, ёғоч, суяк ва бошқа нарсаларга ёзилган фол ёзувларига тарихий манба сифатида қизиққан. Қадимги Хитой тарихи бўйича машҳур япон тарихчилари Кайдзука Сигекининг тарихий асарлари эса Хитойда илк давлатнинг вужудга келиши ва юксалишига бағишланган. Японларнинг бир қанча йирик тарихчилари, шу жумладан Мория Мицуо Хань даври тарихининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари устида тадқиқот олиб борганлар.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида Америка Қўшма Штатларида ҳам қадимги Хитой тарихига қизиқиш кучайган. Америка Қўшма Штатларида қадимги Хитой тарихи билан кўпроқ шу ерда яшаган хитойлик олимлар асосий ўринни эгаллаган эдилар.

XX асрнинг 60 йилларида АҚШда “Қадимги Хитой тарихини ўрганиш жамияти” тузилади. 1975 йилдан бошлаб эса “Early China” журнали чиқа бошлайди.

Собиқ совет иттифоқи тарихшунослигида Қадимги Хитой тарихи уч тарихий даврга бўлинади.

Улардан биринчиси XX асрнинг 20 йиллари охири 30 йилларнинг бошларига мансуб давр. Мазкур даврда қадимги Хитой тарихи ҳақида М.П.Жаков, Е.С.Иолк, М.Д.Кокин, Г.К.Папаян кабилар томонидан катта мақолалар ва монографик тадқиқотлар ёзилиб, чоп этилди.

Иккинчи давр 40-50 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Л.В.Симоновская, Л.И.Думан, В.В.Струве, В.И. Авдиев ва бошқаларнинг Қадимги Хитой тарихига оид қатор мақолалари ва университет талабалари учун ёзилган дарсликлари нашр этилди.

Учинчи давр эса 60 йиллардан бошланиб, бу даврда қадимги Хитой тарихини ўрганишнинг янги босқичи бошланди.

Бу даврда собиқ иттифоқда Л.С.Васильев, С.П.Синицин, М.В.Крюков, М.В.Сафронов, Н.Н.Чебоксаров, Л.С.Переломов, В.И.Кузицин, В.М.Штейн, Р.В.Вяткин, В.С.Таскин, Ю.Л.Кроля каби йирик тарихчилар, таржимонлар қадимги Хитой тарихи ҳақида кўплаб мақола ва монографиялар яратдилар.

Хитой Осиёдагина эмас, бутун жаҳон маданияти тараққийсига катта ҳисса қўшган мамлакат ҳисобланади. Хилма-хил табиий шароитига ва хилма-хил манбаларга бой Хитой тарихчиларга улуғ, кўп миллионли хитой халқининг кўп асрлик тарихини атрофлича ўрганишга имкон беради. Шунини таъкидлаш керакки, қадимги Хитой тарихининг уруғ-аймоқчилик тузуми ҳаробалари устида энг қадимги қулдорлик жамияти ва мустабид давлат пайдо бўлаётган пайтдан бошлаб илк Хитой маданиятига асос солинди. Бу жиҳатдан аҳамиятлиси шуки қадимги Хитой давлати ташкил топган даврда вужудга келган хитой иероглиф ёзуви тарихий анъанага кўра узлуксиз эканлигини сақлаб қолган.

Манбалар. Осиёда ташкил топган қатор қадимги давлатлар сингари Хитой ҳудудидан ҳам кўплаб археологик ёдгорликлар, ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари, эпиграфика ёзувлари сақланиб қолган.

Мазкур манбалар ва ёдгорликлар орасида м.ав.II минг йилликда пайдо бўлиб, ўзининг асосий хусусиятини сақлаб қолаётган қадимги хитой

иероглиф ёзувидир. Шунинг айтиб ўитш жоизки, асрлар ва минг йиллар давомида кўпгина хитой иероглифларининг шакл ва маънолари ўзгартирилган, аммо хитойларнинг ҳозирги ёзуви билан қадимги ёзуви ўртасидаги маълум генетик боғланиш сақланган. Шунингдек, ҳозирги хитой тилининг лексика ва грамматикаси қадимги тилдан чиқиб ривожланиб келган.

Қадимги хитой матнларининг баъзи асл нусхалари замонамизгача етиб келган. Бу матнлар суяк парчаларига, тошбақа косасига ёзилган бўлиб, мазмуни оракулга берилган савол ва қўйилган талаблардан иборат. Улар хенан фил суяклари деб аталади. Оракул бу антик даврда: гўё худонинг иродаҚини биладиган, ҳар қандай саволга тангри номидан жавоб берадиган коҳинлар ва уларнинг ибодатхонаси, каромат қилувчи (башорат берувчи) одам, шунингдек фолнома, фол китобидир. Улар м.ав. II минг йилликка-Шан Инъ даврига мансубдир. Жез даврига мансуб идишлардаги қисқа-қисқа ҳадяномалар м.ав. II минг йиллик охири ва I минг йилликнинг биринчи ярмидаги Чжоу подшолиги даврига мансубдир. Каттароқ ҳажмдаги ёзувлар аксарият ҳолларда ёғоч тахталарга, бамбук пўстлоғи, барглари ёки ипакка ёзилган. Бамбукка ёзилганлари бамбук воқеаномалари деб аталади.

М.ав. I асрда Хитойда қоғоз ихтиро қилинган ва хилма-хил буюмларга ёзилган ёзувлар кейинчалик кенгайтирилиб, қайтадан таҳрир қилиниб, қоғозга кўчирилган.

Ҳозир тарихчилар ихтиёрида қадимги Хитой тарихига оид йилномалар мавжуд. Уларнинг хронологияҚини аниқлаш учун таянч нуқта бор. Бамбук воқеаномаларида м.ав. 776 йилда қуёш тутилиши кўрсатилган сана м.ав. XVIII-XIII асрда яшаган Шан-Инъ сулоласига мансуб подшоларнинг рўйхати ва бошқа бир қанча қимматли тарихий маълумотлар сақланган.

Хитой ўлкаларидан бири Лу подшолигининг йилномаҚини ифодаловчи “Чун-Цю”-”Кўклам ва куз” асари анча яратилган бўлиб,

нақлларга кўра унинг муаллифи машҳур хитой файласуфи Конфуций бўлиб, у м.ав. VI асрда яшаб ижод этган.

Қадимги Хитой тарихини ўрганишда м.ав. II-I асрда яшаган сима Цянь “Ши-цзин”-”Қўшиқлар китоби”, “Шу-цзин”-”Тарих китоби” (“Хужжатлар китоби”) муҳим аҳамиятга эгадир.

2-§. Қадимги Шан – Инь давлати

Қадимги Хитойда илк давлатлар вужудга келишининг шарт – шароитлари. Маълумки Хитойнинг шарқий қисмидаги қулай табиий географик муҳит мазкур ҳудудда анча эрта термачиликдан деҳқончиликка, овчиликдан чорвачиликка ўтишга ниҳоят хунармандчилик вужудга келиб ривож топишига шарт – шароит яратди. Хўжаликнинг бу уч тармоғи м. ав. IV – II минг йилликларда аста – секин ривож топган.

Хуанхэ, Янцзи ва бошқа дарё ҳамда сой бўйларида яшаган зироатчи қабилалар дастлаб зироатчилигининг мотиға деҳқончилиги билан шуғулланиб, буғдой, арпа, шоли, тарик, кунжут ва бошқа дуккакли ўсимликлар экиб парвариш қилганлар. Чорвада қўй, эчки, чўчка ва йирик шоҳли қорамол асраганлар. Улар тош ва жездан ҳар турли меҳнат қуроллари ясаб ишлатганлар. Кейинчалик эса хунарманд – деҳқонлар ёғочдан омонч ясаб мотиға деҳқончилигидан омонч деҳқончилигига ўтганлар. Омончга улов қўшиб ер ҳайдаб, экин экиш меҳнат унумдорлигини бир неча хисса оширган.

Бу даврда чорвачилик ва хунармандчилик ривож топган. Ҳудудда биринчи буюк ижтимоий бўлиниш содир бўлган. Чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан, савдо – сотиқ ҳам ривож топган. Мазкур даврга келиб одамлар орасида хусусий мулк, мулкий тенгсизлик, табақаланиш шакилланиб, Қадимги Хитойда илк давлатнинг вужудга келиши учун шарт – шароит пайдо бўлган.

Шан-Инь давлати. Шан-Инь Хитойдаги энг қадимги давлатлардан биридир. М. ав. III минг йилликда Хитойдаги қабилалари тарқоқ яшар

эдилар. Хўжаликнинг аста-сэкинлик билан ривожланиши натижасида қабилалар бирлаша бошлаганлар. М. ав. II минг йиллик бошларига келиб Ся хонадонига мансуб кишилар қабилаларни бирлаштириб, Шарқий Хитойда давлат барпо этганлар. Ся хонадонига мансуб подшолар кучайиб, бошқа қўшни қабилаларни ўзларига итоат эттирганлар. Ся сулоласининг сўнгги подшоси бошқа қабилалар устидан зулмни кучайтирган. Шу даврда Хуанхэ соҳилларига кўчиб келган Шан қабиласи кучайиб, қаттиқ жанглардан сўнг сяларни енгиб уларни ўзларига итоат эттирадилар. Улар Хуанхэ дарёси ҳавзаЦининг катта қисмини эгаллайдилар.

М. ав. XVIII асрда Чен Тан деган киши давлат тузиб, уни ўз қабиласи **Шан** номи билан атайди. У янги сулоланинг асосчиси бўлган.

М. ав. XVIII асрдан бошлаб сулола Шан-Инь деб атала бошлаган. Бу давлатнинг пойтахти **Шан** шаҳри бўлган. У-Дин деган подшо даврида Шан-Инь давлати кучайиб, атрофдаги жойларни босиб олади. Аммо XIII аср охири ва XII аср бошларидан бошлаб Шан-Инь давлати кучсизланиб қолади. Бундан фойдаланган қўшни қабилалар бирин-кетин Шан-Иньга ҳужум бошлайдилар ва унинг ерларини босиб оладилар.

Шан-Инь давлатининг хўжалиги. Шан-Инь подшолиги даврида хўжалик илгаригига қараганда анча ривож топган эди. Хитойда илк деҳқончилик жилға, сой этаклари ва дарё бўйларида **лиман** ва қайр асосида шаклланган. Мазкур давр мабойнида меҳнат қуроллари такомиллашган. Шу боис меҳнат унумдорлиги ошган. Кейинчалик меҳнат қуролларининг такомиллашуви туфайли суғорма деҳқончилик анча ривож топган. Одамлар дарёларга тўғон, дамбалар қуриб, сув омборлари барпо этишган. Каналлар қазиб экинзорларни суғоришганлар. Хитой деҳқонлари тарик, шоли, арпа, буғдой, чой ва бошқа донли экинлар экканлар. Улар сабзаётчилик ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. Улар тут экиб, ипак қурти боққанлар. Ипак қурти пилласидан ипак толалар олганлар. Хитойликлар ипак қурти боқиш ва ипакчиликнинг асосчиси ҳисобланишадилар. Хитойда яйловлар сероб бўлгани учун у ерларда

қорамол, қўй, эчки ва чўчка ҳам боққанлар. Хўкизлардан иш кучи сифатида фойдаланилган. Қўш хўкизга темир тишли омоч қўшиб ер ҳайдаганлар, далаларга ишлаб берганлар.

Шан – Инь даврида Хитойда мискарлик, кулолчилик, тўқимачилик анча ривож топган. Кулолчиликда кўл чархи, тўқимачиликда эса тўқимачилик дастгоҳи ишлатилган. Улар ипак, жун ва зиғир толаларидан ип йигириб ажойиб мато ва газлама газламалар тўқиганлар, ажойиб либослар тикиб кийганлар.

Хитой усталари тош, ёғоч, лой ва хом ғишдан саройлар, ибодатхоналар, уйлар ва деворлар қуришган. Ўша даврда хитойликлар савдога ҳам катта аҳамият берганлар. Хитойдан ташқарига ипак, жун маҳсулотлари, қурол-яроғ ва бошқа буюмлар чиқарилган. Чет мамлакатларидан эса жун, тери, қимматбаҳо тошлар келтирилган. Жанубдан, яъни Янцизи ҳавзасидан эса мис ва қалай келтирилган.

Хитойда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқнинг ривожланиши табақаланишни янада кучайтирган. Одамлар аста-секин бой-бадавлат, ўртаҳол ва камбағал кишиларга ажрала бошлаганлар. Урушда асир тушганлар ва қарздорлар қулларга айланттирилган.

Шундай қилиб, М. ав. XVIII—XIII асрларда Хитойда дастлабки қулдорлик давлати ташкил топган. Бу давлат м. ав. XIII асргача яшаб, кейинчалик ўз ўрнини Чжоу подшолигига бўшатиб берганлар.

3-§. Чжоу подшолиги

Чжоу ва уларнинг машғулоти. Подшо У-Дин вафотидан кейин Шан-Инь давлати кучсизлана бошлайди. Шан-Иньга қарам бўлган қабилалар мустақил бўлиб оладилар. Шундай қабилалардан бири Хуанхэ дарёсининг ирмоғи Вей дарёси бўйларида яшаган жанговар Чжоу қабилалари эдилар. Улар асосан чорвачилик, қисман деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб ҳаёт кечирганлар. Шан-Инь давлати кучайган вақтларида чжоулар унга тобе бўлиб, бож-хирож тўлар эдилар. Шан-Инь давлатини кучсизланганлигидан фойдаланган

чжоу қабила сардорлари Шан-Иньга тез-тез хужумлар уюштириб, унинг шаҳар ва қишлоқларини талаб қайтганлар. Чжоу қабилалари хўжалик ва маданият жиҳатидан Шан-Иньлардан анча орқада эдилар.

Чжоу подшолигининг ташкил топиши. М. ав. XIII аср охири XII аср бошларида чжоу қабилалари ҳукмдор Чан — “**Маърифатпарвар ҳукмдор**” қўл остида бирлашиб кучайганлар.

М. ав. 1027 йили Чаннинг ўғли **У-Ван** — “**маърифатпарвар ҳукмдор**” бошчилигидаги катта қўшин Шан-Иньга бостириб кирган. Шиддатли жанглардан сўнг У-Ван қўшинлари подшо Шоу Цин бошлиқ Шан-Инь қўшинларини тор-мор келтирганлар. Бу мағлубиятдан сўнг подшо Шоу Цин ўзини ўзи ўлдирган. Шундан кейин Шан-Инь давлати қулаган ва Хитойда Чжоу подшолиги ташкил топган. Хитой тарихида бу подшолик Ғарби ва Шарқий Чжоу подшоликлари даврига бўлинади.

Ғарбий Чжоу подшолиги даври М. ав. XII-VIII асрларни ўз ичига олади. Ғарбий Чжоу давлатининг чегараси ғарбий Вей дарёсидан шарқда Сарик денгиз соҳилигача бўлган ерларни эгаллаган эди. Унинг пойтахти Вей дарёси бўйидаги Хао шаҳри эди. Ғарбий Чжоу подшолари қўшни қабилалар, хусусан жунлар билан жанглар олиб борганлар. Чжоу подшолари мамлакатни вилоятларга бўлиб, уларни қариндошлари, лашкарбошилари ва амалдорларига бўлиб берганлар. Вилоят ҳокимлари бойиб кетгач подшога итоат этмай қўйганлар. Бу ҳол подшо ҳокимиятини кучсизланишга олиб келган.

Шарқий Чжоу подшолиги. М. ав. VIII аср бошларидан бошлаб Хуанхэ дарёсининг юқори оқимида яшаган кўчманчи жун қабилалари Чжоу подшолиги ерларига бостириб кира бошлайдилар. Ю-Ван подшолиги даврида (м.ав. 718-771) чжоулар ярим кўчманчи жунлар билан шиддатли жанглар олиб борганлар. |

М. ав. 770- йили подшо Пин-Ван жунлар хужумидан безор бўлиб подшолик пойтахтини Хаодан Лоянга, яъни Шарққа кўчиради. Шу

туфайли подшолик Шарқий Чжоу номи билан аталган. Шарқий Чжоу подшолиги М. ав. VIII—III асрлар орасидаги даврни ўз ичига олади.

Шарқий Чжоу подшолари ғарб томонда жун, шимолда ди, хунн қабилалари ва бошқа қабилалар билан узоқ вақт урушлар олиб борганлар.

М. ав. 636- йили Чжоу ҳукмдорларидан Сян-Ван ди қабилалари билан бўлган жангда мағлубиятга учраган.

Сян-Ван подшолик пойтахти Лоянни ташлаб чиқишга мажбур бўлган.

М. ав. VII—IV асрларда Шарқий Хитой майда подшоликларга бўлиниб кета бошлаган. Бу подшоликларнинг йириклари **У, Чу, Ци, Цзянь** ва **Юз** каби давлатлар эди. Бу Хитой тарихида “Чжанчо” — “Адоватлашувчи подшоликлар” даври деб аталган. Бу вақтда улар Шарқий Хитойда ҳукмронлик қилиш учун узоқ йиллар давомида ўзаро кураш олиб борганлар. Узлуксиз жанг-у жадаллар, қонли урушлар натижасида гоҳ Цзин, Юз, гоҳ Чу, У, Ци ва Цинлар ғолиб чиққан ёки мағлубиятга учраганлар. Узоқ давои этган урушлар ва халқ ғалаёнлари туфайли М. ав. I аср охирлари — III аср бошларига келиб Чжоу подшолиги ҳам кучсизланиб барҳам топган.

Чжоу подшолиги даврида хўжалик. Чжоу подшолиги даврида хўжалик илгаригига нисбатан анча ривожланган. Жез, айниқса темирдан омоч тиши, белкурак ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларининг кашф этилиши суғорма деҳқончилиқни янада ривожланишига олиб келган. Дарё бўйларидаги серунум ерларга каналлар орқали сув чиқарилган, сув омборлари қурилган. Ҳосилдорликни ошириш учун алмашлаб экиш жорий қилинган. Ҳар бир томорқа уч бўлакка бўлинган. Томорқанинг икки бўлагига экин экилиб, учинчиси ҳайдаб, шудгор қилиб қўйилган. Ҳар учала ер бўлагининг ўз номи бўлиб, уларнинг биринчиси “**янги**”, иккинчиси “**янги ер**”, учинчиси “**уч ёшли дала**” деб аталган. Ерлар ўғитланиб, деҳқонлар кузги ва баҳорги экинлар экканлар. Деҳқонлар боғдорчилик, шоликорлик, сабзовотчилик ва ғаллачилик билан шуғулланганлар. Мамлакатнинг катта майдонларида тутзорлар ташкил

этиб, ипак курти боқилиб, ипакчиликка катта эътибор берилган. Давлат ҳам деҳқончиликни ривожлантиришга катта аҳамият берган. Мамлакатнинг тоғли ва даштли вилоятларидаги яйловларда чорвачилик ривожланган. Махсус амалдорлар чорвачиликни ривожлантириш билан шуғулланганлар, яйловларда ва шахсий хўжаликларда қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва от боқилган. Тибет каби баланд тоғлик худудларда қорамолнинг алоҳида зоти – насли қўтос боқилган.

Подшоликда маҳаллий йилқичиликка алоҳида эътибор берилган. Чунки подшоликнинг қўшини учун кўп миқдорда салт отлари керак бўлган.

Подшонинг йилқиларни боқиш учун алоҳида ўтлоқлари бўлган. Чорва аҳолини озиқ-овқат ва ишчи кучи билан таъминлаган.

Чжоу подшолиги даврида ҳунармандчиликка катта эътибор берилган. У ерда тўқимачилик, кулолчилик, қуролсозлик, заргарлик, кўнчилик, уйсозлик, тунукасозлик, темирчилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари ривож топган эди.

Деҳқончилик, чорвачилик, айниқса ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдо-сотиқнинг равнақиға йўл очган. Савдонинг ривожланиши муносабати билан савдогарлар ва савдогарчилик келиб чиққан ва ривож топган. Бозорлар бино қилиниб, улар алоҳида расталарга ажратилган. Масалан, ғалла сотувчилар, қурол сотувчилар, тунукасозлар, кулолчилик ва газлама сотувчилар растаси алоҳида – алоҳида бўлган. Бозорда сотиладиган молларнинг сифати ва нархи давлат томонидан чиқарилган фармон асосида қаттиқ наорат қилинган. Хиёнатчи, қаллоб ва кўзбўямачилар қаттиқ жзоланган.

Бозорлардаги тартибни бозор бошлиқлари ўз хизматчилари билан ҳамиша кузатиб турганлар. Бозорда мол мол ўлчаб бериладиган тарозилар ҳам текшириб турилган. Бозор бошлиқларининг идораси бозор майдонининг ўртасида бўлган. Чжоу подшолиги даврида савдогарлар узок – яқин мамлакатлар билан сув ва қуруқлик йўллари орқали қизгин савдо –

сотик ишларини олиб борганлар. Мамлакат ичкарасидаги вилоятлар, қишлоқлар ўртасида ички бозор ишлари яхши йўлга қўйилган.

4-§. Цинь подшолиги

Хитойда Цинь подшолигининг ташкил топиши. “Адоватлашувчи подшоликлар” даврида олиб борилган урушлар хўжаликнинг ҳамма соҳаларига катта зарар, мамлакат аҳолиси, хусусан меҳнаткашлар бошига оғир кулфатлар келтирган. Мамлакатдаги ўзаро урушлар ва тушкунликдан Хитой атрофида яшаган кўчманчи қабилалар фойдаланганлар. Бу даврда Хитой шимолида яшовчи қабилаларининг талончилик урушлари кучайган. М. ав. IV асрнинг биринчи ярмида Хитойни ягона бир давлатга бирлаштириш ғояси туғилган. Хитойдаги Чу ва Цинь подшоликлари ягона давлат тузиш учун кураш бошлаганлар. Бу курашда Цинь подшолиги ғолиб чиққан.

Цинь подшолиги Хуанхэ дарёсининг ирмоқларидан бири Вей дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, подшоликнинг пойтахти Санъян шаҳри Вей дарёсининг чап соҳилига жойлашган эди. М. ав. IV аср ўрталарига келиб, подшо Сао-чун даврида (М. ав. 361—338-йиллар) Цинь подшолиги бирмунча кучаяди

Шан-Ян ислоҳоти ва унинг оқибатлари. Подшо Сао-чун ўз амалдори Шан-Янга хўжалик ва мамлакатни бошқариш соҳасида ислоҳотлар лойиҳасини ишлаб чиқишини топширади. Шан-Ян бу ислоҳот лойиҳасини ишлаб чиқади. Ислоҳотга кўра ерни истаганча хусусий мулк қилиб олиш мумкин. Ерни эркин сотиш ва сотиб олишга руҳсат берилган. Илгари ҳосилдан олинадиган солиқ ер солиғи билан алмаштирилган.

Давлатни бошқаришда ҳам қатор ишлар қилинган. Бутун подшолик 36 вилоятга бўлиниб, уни подшо тайин этган янги амалдорлар идора қилганлар. Эски амалдорлар ишларидан четлаштирилган ва мамлакатда кучли назорат ўрнатилган. Подшолик мактаб ва маориф ишларига ҳам катта эътибор бериб бу соҳада ҳам ислоҳотлар ўтказилган. Цинь қўшинлари қайта тузилиб мустаҳкамланган. Ислоҳот натижалари подшо

хокимиятини анча кучайтирган. Аммо Шан – Ян ислоҳоти эски зодагон, халқ оммаси, конфутсийчи оқим намояндалари ва кулларнинг қаршилигига учраган. Подшо Сао – чун вафотидан кейин ислоҳотчи Шан-Ян қатл этилган.

Цинь подшолигининг кучайиши. М. ав. 246 – йили Цинь подшолиги тахтига 13 ёшли Ин Чжен (м. ав. 246-210) ўтиради. У қўшни подшоликларни ўз давлатига қўшиб олиш учун катта тайёргарлик кўради. У қўшин сафларини мустаҳкамлагач, М. ав. 230- йили Хань подшолиги қўшинларига қатъий зарба бериб уни босиб олади. М. ав. 228—221- йиллар орасида олиб борилган шиддатли, ғолибона урушлар натижасида Шарқий Хитойдаги Чжао, Вей, Чу, Ци, Ян подшоликларининг қўшинлари тор-мор этилади М. ав. 221-йили юқорида номлари келтирилган давлатлар Цинь подшолигига қўшиб олингач, Шарқий Хитойни бирлаштириш жараёни ҳам ниҳоясига этади. Шу тариқа Хитойда Цинь салтанати қарор топади. Ин Чжен салтанат тахтига ўтирар экан, ўзини “**Цинь Ши Хуанди**” — Цинь салтанатининг биринчи подшоси деб эълон қилади. Ин Чжен шимолда хуннлар билан зафарли урушлар олиб бориб уларни Хитой чегараларидан нарига чэкинтирган. Цинь қўшинлари Янцзи дарёси қуйи қисмининг жанубидаги Юэ подшолиги билан ғолибона урушлар олиб бориб, уни ҳам Цинь га итоат эттирганлар. Цинь Ши Хуанди мамлакатни бирлаштиргач, подшоликни ислоҳотчи Шан-Ян тузган қонун-қоидаларга амал қилиб идора қилган. У мамлакатни 36 вилоятга бўлиб, уни идора қилишни ўз амалдорлари зиммасига юклаган. Эски зодагон-аслзодалар эса давлат ишидан четлатилган. Чунки улар эскиликнинг жонкуяр тарафдорлари, янгиликнинг ашаддий душмани эдилар.

Цинь Ши Хуанди буйруғи билан янгиликнинг душмани ҳисобланган 460 конфуцийчи олим тириклайин ерга кўмдирилган. Бошқа тартиблар ҳукм сурган замонни еслатадиган ёки мақтаб ёзилган асарлар, солномалар қуйдирилган. Буларнинг барчаси кенг халқ оммаси орасида Цинь Ши Хуандига нисбатан нафрат уйғотган.

Буюк Хитой девори “Садди Чиний”нинг қурилиши. Қадимги тарихчиларнинг, хусусан м. ав. II асрда яшаган Хитой тарихчиси Сим – Цяннинг берган маълумотларига кўра м. ав. VII – VI асрларда Марказий Осиё ва унга туташ бўлган улкан ҳудудда жун, дунху, хунн (сюнну), юэ – чжи ва бошқа жангари кўчманчи қабилалар яшаганлар. Айниқса жунлар ва хуннлар хитойликларнинг ашаддий душманлари эди.

Асрлар давомида жунлар ҳам, хуннлар ҳам баъзан улар бирлашиб Хитой подшоликлари устига бир эмас, бир неча марта бостириб кириб, Хитойнинг шаҳар ва қишлоқларини вайрон этиб, экинзор ва боғларни пайхон қилганлар. Улар аҳолини қирғин барот қилиб, кўпларини асир қилиб олиб кетар эдилар. Хитой подшолари мамлакатни кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида “Буюк Хитой деворини” қурдирганлар. Маълумки, Буюк Хитой деворининг қурилиши М. ав. IV асрларда бошланган эди. Хунн, дунхи ва бошқа кўчманчилар ҳужумидан Цинь салтанати чегарасини кўриқлаш ва мудофаа қилиш мақсадида “Садди Чиний”ни қайта қуришга киришилган. Цинь Ши Хуанди Буюк Хитой девори қурилишига жуда катта эътибор берган. Солномачиларнинг берган маълумотларига қараганда девор қурилиши ишига саркарда Мин Тянь қўшинидан уч юз минг аскар жалб қилинган экан. Девор қурилишида икки миллионга яқин ҳарбий аскар, қул ва жинойтчи ҳисобланган маҳбуслар, шунингдек оддий деҳқон ва ҳунармандлар жами 2300000 киши ишлатилган. “Садди Чиний” девори Ляодун қўлтиғи қирғоғидаги Шанхайгуан шаҳридан бошланган. Девор Шарқий Хитойнинг шимол томонидаги тоғ, тоғ ёнбағри, текисликларни оралаб икки жойда Хуанхэ соҳилларига келиб тақалган. Девор Хуанхэнинг чап соҳилидан ғарб томон йўналиб Алашон даштининг жануби, Кичик Юечжилар яшайдиган тоғларнинг шимолий ёнбағри билан давом эттирилиб, Хитойнинг машҳур Дуньхуан ҳарбий қалъа-истехкомига бориб туташади. Деворнинг умумий узунлиги 4000 км бўлиб, дунёда қурилган ҳамма деворлардан узун ва каттадир. Баъзи адабиётларда унинг узунлиги 5000 – 6000 км деб ёзилган.

Унинг баландлиги 10 метрдан зиёд бўлиб, қалинлиги 5,5—7 метр бўлган экан. Девор тош, ғишт, лой, пахса ва махсус қотишмалардан қурилган. Девор бўйлаб ҳар 60—100 метрда мустаҳкам мудофаа миноралари бино қилинган. Девор ва истехкомларнинг юқори қисми кунгурадор безаклар билан жиҳозланган. Айни пайтда деворларнинг юқори қисмида камондан душманларга ўқ отиш учун махсус тешиклар — шинаклар қолдирилган.

Девор усти шунчалар қалин бўлганки, унда беш қатор отлиқ аскар ёнма-ён юра олган. “Буюк Хитой девори” аслида ҳарбий мудофаа мақсадларида қурилган. Лекин ундан савдо-сотик мақсадларини амалга ошириш учун ҳам фойдаланилган. “Садди Чиний” дунёдаги энг улкан, энг катта девор бўлгани учун уни “Буюк Хитой девори” деб аталади. Девор бундан 2400—2200 йиллар илгари қуриб битказилганлигига қарамай унинг кўп қисми ҳозиргача ҳам яхши сақланиб қолган. Девор ҳозир ҳам уни илгари кўрмаган хитойликларни ва хорижий сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда.

Цинь подшолигининг емирилиши ва тугатилиши. Цинь подшолиги давридаги урушлар, “Буюк Хитой девори” қурилишига, подшо саройи ва амалдорларининг маишатида беҳисоб бойликлар сарфланган. Бу ҳаражатларнинг бутун оғирлиги деҳқонлар ва меҳнаткашлар оммаси зиммасига тушган. Бунинг устига меҳнаткашлардан ҳар ҳил баҳоналар билан кўплаб солиқ йиғиш ва мажбуриятлар бажариш талаб этилган.

Бу ҳол оддий халқ орасида Цинь Ши Хуандига қарши кучли норозилик уйғотган. Эски зодагон, ўзига тўқ хунарманд, майда савдогар ва зиёлилар ҳам подшо сиёсатидан норози эдилар. Подш сиёсатида қарши гуруҳлар Цинь Ши Хуандига бир неча бор суиқасд уюштирганлар. Мамлакат миқёсида яширин равишда катта қўзғолонга тайёргарлик бошланади. М. ав. 210-йили Цинь Ши Хуанди оғир толиқишдан сўнг 48 ёшида вафот этади. Подшо вафотидан бироз кейин М. ав. 209- йили подшоликнинг турли жойларида қўзғолонлар бошланиб кетади.

5-§. Хань подшолиги

Хань подшолигининг ташкил топиши. Цинь Ши Хуанди вафотида кейин салтанатда норозилик ҳаракатлари кучайди. Шундай ҳаракатлардан энг кучлиси Чу подшолигида ҳам бошланган. Улар “Улуғ Чу қайта тикланмоғи керак” — шиори остида кураш бошлаганлар. Қўзғолончилар бирин-кетин Чу шаҳарларини босиб олиб, Цинь амалдорларидан қаттиқ ўч ола бошлайдилар. Чен шаҳри босиб олингач, жамоа оқсоқоллари қўзғолон раҳбарларидан бири Чен Шенни ўзларига подшо қилиб кўтардилар. Жангларнинг бирида Чен Шен ҳалок бўлади. Эски аслзодалардан бўлган Сян Юй Чу қўзғолончилар қўшинининг қўмондони бўлиб олади. Сян Юй ўзини “**Чу ҳокими**” — “**Чу вани**” деб эълон қилади. Бундай қўзғолон Цин подшолигида ҳам бошланган. Бу ердаги қўзғолонга қишлоқ оқсоқоли **Лю Бан** бошчилик қилади. М. ав. 207 йилда Санъан шаҳрини ишғол қилган қўзғолончилар, м. авв. 206 йили қўзғолон раҳбари Лю Банни “**Хань ҳокими**” – “**Хань вани**” деб эълон қиладилар. Қаттиқ жанглар натижасида ҳар икки томондан ҳам кўп одам ўлиб ярадор бўлади. Цин Ши Хуандининг ўғли қўзғолончилар қўлига асир тушиб, ўлдирилган. Шу давр ичида Хань салтанатини эгаллаш учун Лю Бан билан Сян Юй ўртасида қонли жанглар бошланади. Ниҳоят, М. ав. 202-йил январда Гайся ёнидаги жангда Лю Бан қўшинлари Сян Юй қўшинлари устидан ғалаба қозонади. Шу билан Хитойда Цин подшолиги тугатилиб, Хань салтанати ўрнатилади.

Хань подшолигининг кучайиши. Лю Бан Хань тахтига ўтиргач, ўзини Гао-Сзу деб аташларини буюради. У ўз бошқарувининг дастлабки йилларида халққа кўп енгилликлар беради. Кейинчалик эса у Цинларнинг бошқарув тизимидан фойдаланади. У Ханьга итоат этмаган подшоликлар билан қаттиқ кураш олиб боради. Шунини таъкидлаш керакки, Хань подшолиги ўз бошидан Катта Хань сулоласи (м. ав. 206, милодий 25 йиллар) ва Кичик Хань сулоласи даврини кечирган.

Хань подшоси Сзин-ди даврида етти ҳокимликнинг бирлашган 200 минглик қўшини салтанат пойтахти Санянга ҳужум бошлайди. Аммо

„Етти ҳоким қўзғолони” пойтахт остоналарида тор-мор этилади. “Етти ҳоким”лар амалдорларини ишдан олиб, мустақил қўшин тутишдан маҳрум этади. “Буюк ипак йўли”нинг Марказий қисми Ўрта Осиёдан ўтган эди. Бу йўл Ўрта Осиё халқларининг жаҳон халқлари билан маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида алоҳида аҳамият касб этган.

Хань подшолигининг истилочилик юришлари. Хань подшолиги ташкил топиб, ўзини тиклаб олгач, подшолар қўшни мамлакатларни истило қилишга киришганлар. М. ав. 200- йилда Лю Бан-Гао-Сзу ўз қўшинлари билан хуннлар устига бостириб борган. Унинг қўшинлари хуннлардан мағлубиятга учраган. Гао-Цзунинг ўзи асирга тушиб, асирликдан мўжиза туфайли қочиб қутулган. Хань салтанатининг энг кучайган даври У-Ди подшолик қилган М. ав. 140—87- йиллардир. Бу давр Хитой тарихида “Олтин аср” номи билан машҳурдир. У-Ди даврида маҳаллий аслзодаларнинг ҳуқуқлари бироз чекланиб, салтанат амалдорларининг назорати кучайтирилган. Хуннларга қарши курашда ўзига иттифоқчилар топиш учун Хань подшоси У-Ди М. ав. 138-йили Чжань Цянь бошлиқ ўз элчиларини Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга юборган. Чжань Цянь м. ав. 138—125- йилларда Қанғ, Юечжи, Кушон, Довон ва Бактрия ҳукмдорлари ҳузурида бўлган. У бу давлат раҳбарларини Хитой билан иттифоқ бўлиб хуннларга қарши курашга кўндира олмаган. Аммо у Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ҳақида жуда кўп маълумот тўплаб келган. Шу даврдан бошлаб Хитойнинг Ўрта Осиё билан алоқаси кучайиб, “Буюк ипак йўли” га асос солинган. М. ав. 115- йилда Чжань Цянь ўзи кашф этган бу йўлдан Ўрта Осиёга яна бир бор келган. У Иссиқкўл соҳилида қароргоҳ қуриб Ўрта Осиё, Парфия, Кушонлар мамлакати ва Ҳиндистонга ўз айғоқчиларини юборган. Айғоқчилар эса Чжань Цянга у мамлакатлар ҳақида маълумотлар юбориб турганлар.

У-Ди кўп сонли отлик қўшинга таяниб М. ав. 127— 119-йиллардаги бўлган урушларда хуннларни енгиб, дастлабки ғалабага эришган. У-Ди

даврида Хань кўшинлари жануби-шарқи Хитойдаги кўп вилоятларни босиб олганлар.

М. ав. 130—111- йиллар орасида У-Ди жануби-ғарбдаги **варварлар** устига икки марта кўшин юборган. Хань кўшинлари Ҳиндистонга йўл тополмасалар ҳам Янцзи дарёсининг юқори оқимидаги жойлар подшоликка кўшиб олинган.

М. ав. 109- йили Хань кўшинлари Корея яриморолига ҳам бостириб кириб, Чосон мамлакатини салтанат ҳудудига кўшиб олганлар. М. ав. 104—101- йили У-Ди кўшинлари Довон мамлакатига ўтиб, унинг шаҳарларидан бири Эршини қамал қилганлар. Хитойликлар Довондан *“қон билан терлайдиган осмон отларини”* олиб қайтганлар.

М. ав. II аср ўрталаридан I аср бошларигача бўлган давр ичида Хань кўшинлари зафарли юришлар уюштириб салтанат чегараларини анча кенгайтирганлар.

Бу даврда, айниқса У-Ди даврида Хань подшолиги Шарқий Осиёдаги энг кучли давлатлардан бири бўлиб қолган. Бу даврда Хитойда деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо – сотиқ анча ривож топган. Бу даврда Хитой савдогарлари Турон, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва бошқа мамлакатлар билан қизгин савдо – сотиқ ишларини олиб борганлар.

Буюк ипак йўли ва унинг Қадимги Шарқ халқларининг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳаётидаги ўрни. Маълумки “Буюк ипак йўли” Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги энг қадимги, энг узун қарвон савдо йўлларида биридир.

Бу йўл орқали Хитойдан Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Кавказ ва Кавказорти мамлакатларига асосан ипак ва ипак маҳсулотлари чиқарилганлиги саббали тарихда у “Буюк ипак йўли” номи билан шуҳрат топган. “Буюк ипак йўли” м. ав. I минг йилликнинг охиридан то милодий XV асргача – сув йўллари қарор топгунча Шарқни Ғарб билан боғлаган асосий савдо йўли бўлиб, у Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин

Шарқ ҳамда Ўрта денгиз мамлактлари Судан савдо – сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

“Буюк ипак йўли” м. ав. 138 йил Хитой императори У – Ди топшириғи билан Ўрта Осиёга юборилган. Хитой элчиси ва сайёҳи Чжань Цянь томонидан ўрганилади ва унинг саёхатномасида тасвирланади. Буюк ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дуньхуанга келган. Бу ерда у иккига ажралиб бири шимоли – ғарбга, иккинчиси жануби – ғарбга йўналган. Шимолий йўл Турфан орқали Тарим воҳасига ва бу ердан Қашғар, Қизилсув, Қорағулжа орқали Довон – Фарғона водийсига борган. У ердан Хўжанд, Зомин, Жиззах орқали Суғднинг маркази Самарқанд ва Марғиёна (Марв) га йўналган.

Дуньхуандан ажралган шимолий тармоқ Етгисув – Или дарёси водийси билан Тароз орқали Исфижоб (Сайрам)га йўналган. Йўл шу ерда иккига бўлиниб, бир тармоғи Ўтрор орқали Сайхун (Сирдарё) билан Дашти Қипчоқнинг ичкарасига қараб кетган. Исфижобдан жанубга йўналган тармоқ эса, Бинкет (Шош) га томон йўналган. Бинкентда йўл яна иккига ажралиб, ибири Хўжанд томон йўналган, Фарғона – Зомин йўлига келиб қўшилган. Бинкентдан чиққан иккинчи тармоқ жануби – ғарбга йўналиб, Баркет деган жойда Зоми – Самарқанд йўлига бориб қўшилган. Жанубий йўл Хўжанд, Ёркент ва Помир тизма тоғлари орасидаги Воҳандарё воҳаси орқали ўтиб, Бақтриянинг пойтахти Зарияспа (Балх)га борган. Жанубий йўл Балхга Ишкошим, Таликон, Хулм орқали келган. Хулумда эса йўл иккига ажралиб, жануби – ғарб тармоқ Ҳиндистон томон йўналган.

Балхдан йўлнинг бир тармоғи Термизга чиқиб бориб, Чағониёнга бориб туташган. Балхдан Термизга йўналган йўл у ердан Насафга, ундан Бухоро томон кетган. Балхдан чиққан йўл ғарбга йўналиб, Андхойга келиб туташган. Андхойдан иккига ажралган йўлнинг шимолий тармоғи Насафга бориб тақалган. Жанубий тармоқ эса Маймана, Марв – Ар – Руд Марвга

йўналган ва у ерда шимолий йўл билан туташган. Марвдан “Буюк ипак йўли” Парфиянинг пойтахти Нисо, Эроннинг Гекатампил, Апалия ва Экбатана (Экбадан) шаҳарлари орқали Месопотамияга борган. У ерда Ктесифон ва Бағдод шаҳарларидан ўтиб Дажла дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб шимолга йўналган ва Нисибин ҳамда Антиохия (Антиокия) шаҳарлари орқали Дамашкка борган. Дамашқдан Тура шаҳри билан Қуддусга ва Мисрга йўналган “Буюк ипак йўли” Бухоро – Фаро – Амур йўналиши бўйлаб Амударё – Жайхўннинг чап соҳили бўйлаб Хоразмга, ундан эса Идиль дарёсининг Каспий денгизига қуйилиши жойига қараб кетган.

“Буюк ипак йўли” орқали Хитойдан ташқи савдо учун ипак, ипак шойи ва бошқа буюмлар чиқарилган. Хитойга эса ҳар хил газлама, гилам ва паласлар, ойна, рангли маданлар, зеб – зийнат буюмлари, қимматбаҳо тошлар, дориворлар, доривор ўсимликлар олиб борилган. Шунингдек Хитойга Довон ва Бактрия от ва туя, беда, ғўзанинг чигити ва бошқа нарсалар ҳам олиб борилган. “Буюк ипак йўли” туфайли Хитойнинг Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ ва шунингдек Ҳиндистон билан савдо ва элчилик алоқалари I – II асрдаёқ кенгайиб борган.

Хитойдан ҳар йили катта савдо қарвонлари элчилар билан Ғарб мамлакатларига жўнатилад ва Ғарбдан турли – туман моллар ортилган қарвонлар билан элчилар келар эди. Гарчи Хитой сайёҳи Ган Ин 97 йил Форс қўлтиғига етиб борган ва македониялик Май Тицион 100 йили Лангмодга етиб келган бўлсада, аммо “Буюк ипак йўли” узоклиги ва сермашаққатлилиги сабабли Хитой Ғарб мамлакатлари билан бевосита алоқа олиб бориши мумкин бўлмаган. Шунинг учун ҳам “Буюк ипак йўли” орқали олиб борилган савдо – элчилик алоқаларида осиеликлар, айниқса сўғдлар, бактрияликлар ва эронийлар воситачилик вазифасини бажарганлар.

III – VI асрларда “Буюк ипак йўли” Хитойдан Ҳиндистонга бориб зиёрат қилувчи монархлари учун X асрда Хитой билан Араб ҳалифалиги ва

Византия ўртасидаги савдо ва элчилик муносабатларининг кенгайиши натижасида “Буюк ипак йўли”нинг халқаро аҳамияти янада кучайди. XIII – XIV асрларда “Буюк ипак йўли” Мўғуллар империясининг чекка ўлкаларини Мўғулистон билан боғлашда муҳим аҳамият касб этади. XV асрда Буюк географик кашфиёлар натижасида денгиз савдо йўллари очилиши муносабати билан “Буюк Ипак йўли” ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Ўрта Осиё, Хитой ва Кичик Осиё халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишида бекиёс аҳамиятга эга бўлган.

6-§. Хань салтанатининг заифлашуви ва оммавий ҳаракатлар

Хань салтанатининг заифлашуви. У-Ди подшолигининг охири ва вафотидан сўнг салтанат аста-секин заифлаша бошлаган. Беҳисоб, урушлар, қўшимча солиқ ва мажбуриятларнинг барча оғирлиги деҳқонлар, қуллар ва меҳнатк омманинг елкасига тушган эди. Айниқса жон боши солиғи оддий халқ орасида даҳшатли воқеаларни келтириб чиқарган. Қашшоқлар жон солиғи миқдорини камайтириш учун ёш болалари, кекса ота, она, буви ва буваларини ўлдирга бошлайдилар. Бу даврда қуллар ҳам қаттиқ асоратга солинган. Оғир аҳволдан мамлакат ларзага келиб қўзғолонлар бошланиш хавфи туғилган.

М. ав. I асрнинг иккинчи ярмида подшоликда аҳвол шундай ёмонлашганки, бундан подшо ва ҳукмдор табақа вакиллари даҳшатга тушганлар. Улар аҳволни яхшилаш учун меҳнаткаш аҳолига ва қулларга ён бериб турли ислохотлар ўтказишга мажбур бўлганлар. Бу жиҳатдан Дун Чжун-шу ва Ван Ман ислохотлари диққатга сазовордир. Ислохотчи Дун Чжун-шу катта ер эгаларини қоралаган. Туз ва темирга нисбатан давлатнинг якка ҳокимлигини бекор қилишни таклиф этган. Яна у қулликни бекор қилишни, солиқларни, ҳарбий ва ортиқча меҳнат мажбуриятларини камайтиришни талаб этган. Милодий 8- йилдаги қўзғолон натижасида ҳокимият тепасига келган Ван Ман ҳам бир қанча ислохотлар билан майдонга чиққан.

Унинг таклифига кўра йирик ер эгаларига қарашли ерлар мусодара қилиниб “подшо ери” деб эълон қилинган. Ерлар қайта тақсим қилинган Ер ва қулларни сотиш ва сотиб олиш тўхтатилган. У қулларни “шахсий қарам кишилар” деб аташни буюрган. Бу Хитойда қулчиликни бекор қилиш ҳақидаги биринчи қадам эди. Ван Ман нарх-наво, савдони тартибга солиш ва солиқларни камайтириш ҳақида ҳам яхши фикрлар билдирган. Аммо Дун Чжун-шу ва Ван Ман ислохотлари аслзодаларнинг қаршилигига учраб амалга ошмаган.

“Қизил қошлилар” кўзғолони. Милодий биринчи аср бошларида Хитойда қурғоқчилик ва чигиртка босиши натижасида ҳосилсизлик содир бўлган. Мамлакатда қимматчилик, очлик бошланган, ислохотларни амалга ошириш эса тўхтаб қолган. Бу ҳол Хитойда оммавий норозилик ҳаракатлари бошланишига сабаб бўлган. Бундай кўзғолонларнинг бири 18-йили Шандунда бошланиб, унга Фан Чун деган киши раҳбарлик қилган. Кўзғолонга Ван Ман ислохотидан норози бўлган аслзодалар ва катта ер эгалари ҳам қўшилганлар. Кўзғолон раҳбарлари ўз одамларини подшо аскарларидан ажратиш учуни қошларини қизил рангга бўятганлар. Шу туфайли бу кўзғолони **“Қизил қошлилар”** кўзғолони номини олган эди. 22-йили Ван Ман кўзғолончилар устига юз минг кишилик қўшин юборган. Ҳал қилувчи жангда кўзғолончилар подшо қўшинларини тор-мор этиб, Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимидаги ерларни ишғол қилганлар.

Шу вақтда мамлакат жанубида ҳам кўзғолон бошланган. Улар ўзларини **“Яшил ўрмон қўшинлари”** деб атаганлар. 23-йили Ван Ман қўшинлари билан кўзғолончилар ўртасида даҳшатли жанг бўлиб, подшо қўшинлари яна тор-мор этилган. Кўзғолончилар Чаньан шаҳрини ишғол қилганлар. Ван Ман ўлдирилган. 24-йили кўзғолон раҳбарларидан бири Лю Сюан ўзини подшо деб эълон қилиб, Чаньан шаҳрини эгаллаган. 25-йили “қизил қошлилар” Чаньанга юриб, Лю Сюан қўшинларини тор-мор этганлар, Лю Сюан ўзини-ўзи ўлдирган. Шу йили “яшил ўрмон қўшини” Лю Сю бошчилигида Чаньанга қараб йўл олганлар. “Қизил қошлилар” эса

Чаньанни бўшатиб Шандунга чекинганлар. Йўлда икки кўшин тўқнашиб, “Қизил қошлилар” енгилганлар. Уларнинг йўлбошчиси Фан Чун жангда ҳалок бўлган. 25- йили Лю Сю ўзини подшо деб эълон қилган ва пойтахтни **Чаньандан Лоянга** кўчиртирган. Лю Сю Хань сулоласига мансуб киши эди. Лю Сюдан бошлаб кичик Хань сулоласи даври бошланган. Бу сулола 25—220- йиллар орасида Хитойда ҳукмронлик қилган. Лю Сю Гуан У-Ди номи билан подшоликни 25—57- йилларда бошқарган. У аҳолига кўп енгилликлар бериб, солиқларни камайтирган ва кўплаб қулларни озод этган. Шу даврдан бошлаб қулларни ҳуда-беҳуда ўлдириш ва тамға босиш бекор қилинган. Гуан У-Ди ва унинг ворислари мамлакатда осойишталик ўрнатиб, хуннларга қарши ғолибона юришлар қилганлар.

“Сарик рўмоллилар” кўзғолони. Милодий II асрнинг иккинчи ярмида Хань салтанатида жабр-зулм кучайиб, вазият анча кескинлашган. Хань подшолигининг турли жойларида яна кўзғолонлар бошланган. Шундай кўзғолонлардан бири ва энг каттаси 184- йилда бошланиб, унга ўз замонининг **“оқил ва сахий муаллим “** деб ном олган, машҳур табиб Чжан Цзяо ва унинг икки укаси раҳбарлик қилганлар. Улар халққа мурожаат қилиб, подшоликни ағдариб ташлашга ва фаровон ҳаёт қуришга даъват этганлар.

184 йилда бошланган кўзғолон 20 йил давом этган. Кўзғолончилар ўз рақибларидан ажралиб туриш учун сарик рўмол ўраб жангга кирганлар. Сарик ранг хитойликларда фаровон ҳаёт рамзи ҳам бўлган. Шу туфайли бу ҳаракат **“Сарик рўмоллилар”** кўзғолони номи билан машҳур бўлган. Кўзғолончилар кўшини 300 минг кишидан иборат бўлиб, 36 қисмга бўлинган эди. Кўзғолонни бостириш учун 40 мингдан ортиқ ҳукумат кўшинлари юборилади. 184—185- йиллардаги жанглар натижасида кўзғолон раҳбари Чжан Цзяо ҳалок бўлиб, кўзғолончилар енгилдилар. Жангларда ҳар икки томондан 80 минг киши ҳалок бўлади. 188—207- йиллар орасида ҳам Хань подшолигининг кўп жойларида катта-катта кўзғолонлар бўлиб ўтади. Улар ҳам ҳукумат кўшинлари томонидан

шафқатсизлик билан бостирилади. Лекин бу кўзғолонлар Хань салтанатини заифлаштириб юборади.

Кўп ўтмай сўнгги Хань подшоси **Дун Чжо** ўлдирилади ва мамлакатда ўзаро урушлар бошланиб кетади.

Милодий III аср бошларига келиб Хань подшолигидан Вей, Шу, У каби давлатлар ажралиб чиқадилар. Хитойда уч подшолик даври бошланади. Шу билан кичик Хань подшолиги тугаб, Қадимги Хитой тарихи ҳам ўз ниҳоясига этади.

Хань подшолиги даврида хўжалик ва иқтисодий-маданий алоқалар. Кичик Хань подшолиги даврида хўжаликнинг асосини деҳқончилик ташкил етар эди. Деҳқонлар омов, сўқа, мола, белкураклардан фойдаланиб, ерга ишлов берганлар. Ер ҳайдашда омов, қўш хўкиз ва эшаклардан, шунингдек қуллар кучидан ҳам фойдаланганлар.

Хуанхэ, Янцзи, Цицзян ва уларнинг ирмоқларига тўфонлар куриб, бўз ерларга каналлар орқали сув чиқарилган. Баландроқ жойларга сув чиқариш учун чархпарраклардан фойдаланганлар. Деҳқонлар арпа, шоли, буғдой, тарик, чой экканлар. Серсув жойларда шоли экилган. Хитойда боғдорчилик ва сабзавотчиликка ҳам катта ўрин берилган. Ипакчиликни ривожлантириш учун тутзорлар кўпайтирилган.

Деҳқончилик аҳолини озиқ – овқат билан таъминловчи соҳа бўлиб қолаверган. Шу даврда Хитойга Ўрта Осиёдан узум, қовун, беда каби экинларни олиб келиб экканлар.

Чорвачилик ҳам хитойликлар хўжалигининг асосини ташкил этган. Табиий шароити қулай бўлган жойларда қўй, эчки, қорамол, чўчка боқиш ривож топган эди. Хитой подшолари ҳамма даврда ҳам йилқичиликка катта эътибор билан қараганлар. Ўша даврда Хитойда Марказий Осиёнинг пакана отлари парвариш қилинган. Хитойликлар олий зотли „Осмон отларини“ Парикан-Довондан олиб келишган. Отлардан кўпроқ ҳарбий мақсадларда, баъзи ҳолларда эса иш кучи сифатида фойдаланилган. Хўкиз

ва эшаклардан қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланилган. Уларни арава омоч – қўшга қўшганлар.

Хань салтанати даврида Хитойда кулолчилик, мискарлик, темирчилик, дурадгорлик, заргарлик, қуролсозлик, кемасозлик ва хунармандчиликнинг бошқа соҳалари ривож топган эди. Қоғоз ишлаб чиқариш ҳам Хитой хунармандчилигининг энг муҳим соҳаларидан бири эди. Бу даврда Хитойда пахта экилмас эди. Пахта Хитойга Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали олиб келинган. Тўқувчи усталар зиғир ва табиий ўсимлик толаларидан ип йигириб тўқимачиликка ҳам катта эътибор берганлар. Ипак қурти боқиш, ундан ипак толасини ажратиш ва ипак матолар тўқиш Хитойда азалдан кенг тарқалган эди. Шунинг учун мамлакат далаларига тут кўчатлари экиб парвариш қилинган. Чунки тут барги ипак куртининг асосий озукиси бўлган.

Хитой савдогарлари Ҳиндистон, Арабистон, Африка ҳатто Ўртаер денгизи соҳилидаги мамлакатлар билан қизғин савдо олиб борганлар. У-ди даврида „Буюк ипак йўли“га асос солиниб, шу йўл орқали Хитой савдогарлари Ўрта Осиё, Парфия, Ҳиндистон ва Византия каби мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. „Буюк ипак йўли“ ва денгиз йўллари Хитойнинг ташқи дунё билан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий алоқасида муҳим ўрин тутган.

7-§. Қадимги Хитой маданияти

Қадимги Хитой ёзуви. Қадимги хитойликлар бошқа Шарқ мамлакатлари каби ўзининг қадимий, кўп қиррали маданиятига эга бўлган. Қадимги Хитой кўҳна Миср ва Месо-потамия Цингари ўз ёзуви ва адабиётига эга бўлган мамлакатдир. Қадимги хитойликлар ҳозирги кунимиздан 3,5—4 минг йил илгари ўзларининг ёзувларини яратганлар. Уларнинг ёзуви ҳам мисрликларники Цингари расм-белгилардан — иероглифлардан иборат бўлган. Ҳар бир иеролиф — белги бутун бир сўзни ифода этган. Бир кичик шоҳча белгиси “*дарахт*”, иккитаси “*ўрмон*”,

учтаси эса “чакалакзор” каби маъноларни билдирган. Хитойда дастлабки ёзув М. ав. II минг йилликда кашф этилган. Бу Шан-Инь давлати даврига тўғри келган. Ўшанда ёзувлар сони 2000 га яқин бўлган. Хань даврида эса иероглифларнинг сони ўн саккиз мингга етган. Хитой ёзувлари асрлар мобайнида айрим ўзгаришларга дуч келган. Аммо у ўзининг асосий белгиларини замонамизгача сақлаб қолган. Хитойликлар хатни дастлаб суяк, ёғоч, чўп, тери ва бамбук танасидан тайёрланган махсус тахтачаларга ёзганлар. М. ав. IV – III асрдан бошлаб эса ипакдан тайёрланган шойи парчасига ёзганлар. М. ав. I асрда ва милодий I чегарасида хитойлар қоғозни кашф этишгач, ёзувлар ана шу қоғозларга ёзилган. Хитойликлар дунёда биринчи бўлиб қоғозни кашф этишган экан. Матнлар ўнгдан чапга томон устунлар тариқасида юқоридан пастга қараб ёзилган. Ёзувда бўёк чўп, қуш патлари ва чўткачалардан фойдаланилган. Хитойликлар қоғозни бамбук, латта ва пўстлоқ аралашмасидан тайёрлаганлар. Тарихий манбаларга кўра Хитойда қоғозни кашф этган киши милодий II асрда яшаган Цай Лунго деган фикрлар ҳам бор. Эҳтимол бу шахс қоғоз тайёрлаш усулини шакллантирган бўлса керак. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, янги милодий йилнинг биринчи асридаёқ қоғоз барча ёзув воситаларини сиқиб чиқарган ва кундалик ҳаётда кенг қўлланилган.

Қадимги Хитой адабиёти. Қадимги хитойликлар ўзларининг ажойиб адабиётига эга бўлганлар. Қадимги Хитой адабиётининг шаклланиши халқ оғзаки ижодиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзув келиб чиққач, ёзма адабиёт шакллانган ва ривож топган.

Хитойда “Ши-Цзин”, “Чун-Цю” – (Баҳор ва куз) каби асарлар яратилган. Хитойлар ажойиб афсона, эртак, ривоят, кўшиқ, топишмоқ ва кўплаб мақоллар яратганлар. Достонлар Хитойнинг қадимги адабиётидан катта ўрин олган. Хитой адабиётида диний, тарихий ва фалсафий мавзулар кенг ўрин олган.

Хитойда М. ав. IV милонинг IV асрларидан Сой Юан, Сима Сян каби машҳур ёзувчи ва шоирлар ижод этишган. Қадимги Хитойлик

истеъдотли шоирлардан бири Цюй Юань бўлиб, у м.ав. IV асрда Чу подшолигида яшаб ижод қилган. Бу даврда яшаган яна бир хитойлик машхур адиб, тарихчи Сима-Цян бўлиб, м.ав. 145-90 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг “Тарихий хотиралар” асари мавжуд. Қадимги Хитойда мусиқа, ракс, кўшиқ санъатига кизиқиш эрта бошланган. Уларда мусиқа асбобларининг торли, уриб, пуфлаб чалинадиган турлари кенг тарқалган. Хитойга кўшни Ўрта Осиё халқларининг арфа каби мусиқа асбоблари милодий I—II асрларда кириб борган.

Қадимги Хитойда меъморчилик, рассомчилик ва ҳайкалтарошлик. Меъморчилик Қадимги Хитой санъатининг бир туридир. Унинг келиб чиқиши Хитой тарихининг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Меъморлар ажойиб саройлар, ибодатхоналар, маъмурий бинолар ва ҳарбий истехкомлар қурганлар. Хитойнинг қадимги Хао Санян, Далян, Инь, Шоучун, Чаньан каби йирик шаҳарларида кўпдан – кўп саройлар, ибодатхоналар ва маъмурий бинолар бўлганки, уни хитойлик кўли гул усталар ишлаганлар. Хитой усталари меъморчиликда ўзига хос жимжимадор қурилиш услубини яратганларки, бу услуб бошқа Шарқ халқлари меъморчилигида учрамайди.

Меъморчилик ишларида лой, ғишт, пахса ва кўпроқ ёғч ишлатилган. Бу жиҳатдан М. ав. II-I асрларда уч қаватли қилиб, ойнаванд, пешайвонлари ва тўрт чеккасида қоровулхонаси бўлган Чаньандаги Хань подшоларининг саройи диққатга сазовордир. Хитойда рассомлик ҳам анча ривож топган эди. Рассомлар шоҳ саройлари, ибодатхона деворлари ва амалдорларнинг уй деворларини ўсимлик, дарахт, от, отлиқ аскар, жанг аравалари, ит, фил ва қандайдир махлуқларнинг тасвирлари билан беаганлар. Хитойда ҳайкалтарошлик камроқ ривожланган. Усталар мис, жез кумуш, олтин ва тошлардан хилма — хил идишлар ясаб, уларнинг сиртини қуш, аждаҳо ва турли афсонавий махлуқлар билан беаганлар.

Ҳайкалтарош усталар подшоҳ, саркарда, бой ва оддий кишиларнинг ҳайкалларини ўта нозик дид билан ишлаганлар. Қадимги Хитойнинг кўли

гул усталари ажойиб заргарлик, кулолчилик, мискарлик ва бошқа бадий буюмлар ишлашда шуҳрат қозонганлар. Шундай қили, қадимги хитойликлар адабиёт, меъморчилик ва тасвирий санъат соҳасида ўзларига хос асарлар яратиб, шуҳрат қозонганлар.

Қадимги Хитойда илмий билимларнинг ривожланиши. Қадимги Хитойда ишлаб чиқариш хўжалигининг ривожлана бориши билан илмий-амалий билимлар ҳам раванқ топган. Улар математика, геометрия фанлари соҳасида жиддий ютуқларга эришганлар. Бу жиҳатдан М. ав. II асрда тузилган “Математиканинг тўққиз китоби” деган асар диққатга сазовордир. Китобда математиканинг асослари тушунтириб берилган. Бу китоб деҳқон, олим, ҳунарманд, тарихчи, астроном, чорвадор ва меъморлар учун узоқ вақтгача асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Хитой олимлари астрономия соҳасида ҳам жиддий ютуқларга эришганлар. Давлат, хўжалик ишларини юритиш, савдо ишлари, вақтни ҳисоблаш ва тақвим тузиш зарурияти астрономия билимларини тўплашни ва билишни тақозо этган. Хитой астрономлари М. ав. II минг йилликдаёқ астрономик кузатишларни бошлаганлар.

М. ав. 145—90- йилларда яшаган хитой тарихчиси Сим Цяннинг “**Тарихий хотиралар**” китобининг бир бўлими осмон жисмлари масаласига бағишланган.

Тарихчи Бан Гунинг “**Хань тарихи**” китобида 783 юлдузнинг номи келтирилган.

Милоднинг II асрида яшаган Чжан Хеннинг астрономия ва математикага оид асарида эса 124 юлдуз туркуми, 2500 юлдузларнинг номи эслатиб ўтилган. Бу даврда планеталар ҳаракатини кузатишга ҳам катта аҳамият берилган. Хитой астрономлари бир йилни 365 кун эканлигини мустақил аниқлаганлар. Улар бир йилни 12 ойга бўлганлар ва қуёш-ой тақвимини тузганлар.

Хитой астрономлари қуёш ва ойнинг қачон тутилишини олдиндан айтиб беришган. Улар физика соҳасида ҳам жиддий ютуқларга эришиб,

дунёда биринчи бўлиб **компасни** кашф этганлар. Улар компасни темирдан тўртбурчак қилиб ишлаганлар. Унинг ҳаракатланувчи кўрсаткичи доимо жанубни кўрсатиб турган.

Қадимги Хитойда табобат илмининг ривожланиши. Қадимги Хитойда табобат ҳам анча яхши ривожланган. Табиблар бемор тормирларини ушлаб кўриб, уларнинг касалликларини аниқлаб, текшириб, ташхис қўйиб, сўнг даволашга киришганлар. Қадимги Хитойда Ван Шу Хе, Бан Цио ва Хуа Ту каби машҳур табиблар яшаганлар ва фаолият кўрсатганлар. Ван Шу Хе табобатга оид “Ней-Цзи”,— „Одам табиати ва ҳаёти”, Бан Цио эса “Қийинчилик ҳақида китоб “ каби асарлар ёзишган. Улар беморларни даволашда мева, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим қисмларидан тайёрланган содда ва мураккаб дориладан фойдаланганлар. Хитой табиблари дунёда биринчи бўлиб, томирдан шифобахш суюқлик дори юбориб даволаш усулини қўллаганлар. Ўша вақтда Хитойда доридармонларнинг 1000 дан ортиқ тури маълум бўлган. Қадимги Хитойнинг таркибий қисми ҳисобланган Тиббетда табобат илми юксак даражада ривожланган. Хитойликлар ҳарбий қурол ҳисобланган порхни ҳам кашф этганлар.

Хитойда географик ва тарихий билимларнинг ривожланиши. Хитойда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ва мамлакатни маъмурий вилоятларга бўлиш географик билимларга эга бўлишни талаб этган. М. ав. VIII асрларда Чжоу давлатининг ерлари 9 вилоятга бўлинган эди. Цинь ва Хань подшоликлари даврида мамлакат 6 вилоятга бўлинган эди. Подшо ва вилоят ҳокимлари ўзлари яшаб турган вилоятни пухта билишлари керак эди. Буни география фани ўргатар эди. Қадимги Хитой тарихчилар ватанидир. М. ав. 145— 90- йилларда яшаган машҳур Сим Цян „Тарихий хотиралар” деган асар ёзган. Бу китобда Хитойнинг энг қадимги давридан М. ав. II аср охиригача бўлган тарихи баён этилган. Милоднинг 32—92- йилларида яшаган тарихчи **Бан Гу эса “Хань подшолари тарихи”** асарини ёзган. Унда Катта Хань подшолиги тарихи баён этилган.

Қадимги Хитойнинг диний эътиқодлари. Қадимги Хитойда диний эътиқоднинг шаклланиши ибтидоий даврларга бориб тақалади. Шан-Инь давридаги диний эътиқодлар ибтидоий дин шаклларида келиб чиққан экан. Қадимги хитойликлар Қуёш, Ой, осмон, осмон жисмлари, сайёра ва юлдузларга топинганлар. Шу билан бирга улар табиат ва табиат ҳодисалари, дарахтларга сиғиниб тоғ ва дарёларни улуғлаганлар. Одамлар ана шу улуғланган нарсаларга эътиқод қилганлар. Хитойликлар эътиқодига кўра ҳар бир нарса ва ҳодисанинг алоҳида худолари бўлган. Бу худолар алоҳида номлар билан аталган. Уларда Олий худо Ди бўлиб, у одамларга қурғоқчилик, сув тошқинлари юборган ёки бахт улашган.

Афсоналарнинг бирида айтилишича Нюй Ва деган худо одамни лойдан яратган экан. Хитойларнинг диний афсоналарида табиий офатлар, одамларни бу офатлардан қутқарувчи қахрамонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Қадимги хитойликлар ўлган аждодлари руҳларига ҳам эътиқод қилганлар. Бу фанда **анимизм** дейилади. Тоғ-тошлар, ўсимлик дарахтлар, осмон жисмлари ва ҳар хил буюмларга сиғиниш эса **фетишизм** дейилади. Айни пайтда улар ҳайвон ва турли жониворларга ҳам сиғинганлар. Бу эса **тотемизм** деб аталади. М. ав. III—II асрларда Хитойга Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали будда дини кириб келган ва ёйилган. Шундай қилиб, Хитойда диний эътиқод хилма-хил шаклда бўлиб, узоқ вақтгача сақланиб қолган. Қадимги хитойликлар жуда қадим замондан бошлаб ўзларига хос юксак маданият яратиб, жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшганлар.

8-§. Хуннлар давлати

Хуннлар давлатининг географик ўрни, табиати ва аҳолиси. Қадим замонларда Марказий Осиёнинг катта қисми ва унга туташ бўлган жойларда кўчманчи хунн қабилалари яшар эдилар. Хуннлар мамлакати тоғлар, ясси тоғлар, текисликлар ва бепоён чўллардан иборат эди. Бу жойларнинг иқлими хилма-хил бўлиб ёзи жазирама иссиқ, қиши эса қаҳратон совуқ бўлган. Марказий Осиёнинг бу қисмида қишда тез-тез қор

бўронлари, ёзда эса қум бўронлари бўлиб турар эди. Хуннлар мамлакатадаги тоғ ораларидан кам сувли сойлар оқиб чиқиб, чўллар ичида йўқолиб кетади. Бу ўлканинг шимолий қисми тайга ўрмонларига яқин бўлгани учун ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бой эди. Жанубий ва жанубий – ғарбий қисми саҳро, чўл ва даштлардан иборат бўлганлиги учун ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси камбағалроқ бўлган. Хуннлар мамлакати темир, мис, қумуш, қўрғошин ва олтин конларига бой бўлган. Аммо бу ўлкада бепоён яйловлар мўл эди.

Хуннлар яшаган Марказий Осиё Хитойга чегарадош бўлиб, қадимдан бошлаб, бу ерда жуда кўп кўчманчи қабилалар яшаганлар. Бу кўчманчи қабилаларнинг катта қисмини хунн қабилалари ташкил этган. Хуннлар Марказий Осиёнинг туб жой аҳолиси бўлиб, уларнинг аجدодлари тош асридан бери шу ерларда истиқомат қилганлар. М. ав. III—II минг йилликларда хуннларнинг аجدодлари овчилик, илк деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб тирикчилик ўтказганлар. М. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб аҳолининг асосий қисми кўчманчи чорвадор бўлган. Машҳур хитой тарихчиси Сим-Сяннинг маълумотларига қараганда хуннлар Марказий Осиёнинг катта қисмини эгаллаганлар. Улар ерга ва араваларга ўрнатилган ўтовларда яшаганлар. Ҳар ер – ҳар ерда уларнинг қишлоқ учун қишлоқлари бўлган. Хуннлар асосан йилқиччиликка алоҳида эътибор берганлар. Қаерда ўт, сув ва яйлов кўп бўлса, ўша жойларда қорамол подалари, қўй-эчки сурувлари ва от-туя уюрлари билан яйловдан-йайловга кўчиб юрганлар. Тинчлик ва осойишталик пайтларида эса улар юечжи, дунхи, усун, айниқса хитойликлар билан қизгин савдосотиқ ишларини олиб борганлар. Улар Хитой маданиятидан баҳраманд бўлганлар. Хуннлар жанжун, дунхи, юечжи каби қабилалар билан мутассил урушлар олиб бориб, уларни ўзларига итоат эттирганлар. Хуннлар хитойликлар билан ҳам тез – тез уруш қилиб, уларнинг шаҳар ва қишлоқларини талаб, ёндириб кўп ўлжа ва асирлар олиб ватанларига қайтганлар.

Хуннлар давлатининг ташкил топиши. М. ав. IV асрларда Марказий Осиёнинг шимолида хунн қабилаларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топади. Хунн қабилаларининг бу ҳарбий иттифоқи аста-секин кучаяди. М. ав. III аср охирларига келиб хунн қабилаларининг ҳарбий бирлашмаси асосида Хунн кўчманчилари давлати ташкил топади. Хитой тарихчиси Сим-Сяннинг ёзишича, хуннларнинг ҳарбий сардори Шаню деб аталар эди. Хунн сардорлари — шанюлари қаттиқ интизомли, қилич, камон, найза, дубулға билан қуролланган, тез ҳаракат қилувчи отлик қўшинга эга бўлганлар. Улар қуюн қаби ўз душманлари устига бостириб бориб, уларни ваҳимага солиб қўйганлар.

Хунн сардорларидан бири Маодун ички душманларини енггач, дунху қабилалари устига катта қўшин билан бостириб боради. Шиддатли ва аёвсиз жанг оқибатида дунхулар тор-мор этилади. Маодун дун-хулар ҳукмдорини ўлдириб, кўп одамларни асир олиб, подаларини ҳайдаттириб кетади. М. ав. 203-202- йилларда Маодун қўшинлари Саян, Олтой ва Енисей (Энасой) дарёсининг юқори оқимидаги жойларни босиб олади.

М. ав. 200- йилда Хань подшоси Лю Бан хуннларни устига қўшин тортади. Маодун ҳарбий хийла ишлатиб, қўшинлари билан Байдан тоғларига чекинади. Лю Бан эса бир гуруҳ тезкор жангчилари билан хуннларни таъқиб қилиб бориб, асосий қўшинларидан узоқлашиб кетади. Хуннлар Лю Бан қўшинларини қуршаб олиб, уларни қириб ташлайдилар. Лю Бан асир тушади. У жуда кўп мол – мулк ва қизини Маодунга никоҳлаб бериш шарти билан асирликдан озод бўлади. Лю Бан ваъдақини бажармай, қизини Маодунга юборишни пайсалга солади. Маодун катта қўшин билан Хань чегараларидан ўта бошлайди. Бу хабарни эшитган Лю Бан катта мол-мулк билан қизини хуннлар ҳукмдорига узатишга мажбур бўлади. Шундан кейин икки ўртада тинчлик сулҳи тузилади. Сулҳдан сўнг икки давлат ўртасидаги дўстлик 40 йил давом этади.

Хуннлар давлатининг кучайиши. Хуннлар Маодун ва унинг вориси Маошин (М. ав. 174—161-йиллар) даврида юечжилар билан 25 йил

давомида уруш олиб борадилар. Урушда юечжилар енгилиб, уларнинг сардори ҳалок бўлади. Хуннларнинг шанюси Лаошин юечжи сардорининг бош чаноғини кесдириб олиб, ундан шароб коса-қадах ясаттирган экан. Уруш хуннларнинг ғалабаси билан якунланади. Юечжилар Помир ва Фарғона орқали дастлаб Сўғд сўнг Бактрияга кўчиб кетишга мажбур бўладилар.

Шундан кейин хуннлар Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг кучли давлатга айланади. Хань подшолари хуннлардан кўркиб, уларга кўп миқдорда ўлпон ва совғалар юбориб турганлар. Хитой бозорлари хунн савдогарлари учун очиқ деб эълон қилинган. М. ав. II асрнинг биринчи ярми хуннлар давлатининг энг кучайган даври бўлган.

Хитой-Хунн урушлари ва хуннлар давлатининг заифлашуви. М. ав. IV асрдан бошлаб аввал Цинь подшолиги, кейин Хань подшоликлари кучайиб, У-Ди даврида Хань подшолиги ниҳоятда кучаяди. М. ав. 123-йили хитой кўшинлари хуннларни Хань салтанатининг шимолий чегараларидан суриб чиқарадилар. М. ав. 121—119-йилларда Хань кўшинлари Дунхуангача бўлган ерларни босиб оладилар. Хуннлар эса хитойларнинг ғарб томон юришларига қаршилик кўрсатадилар.

М. ав. 119-йилдаги бўлган жангдан кейин хитой кўшинлари хунн сардорининг қароргоҳини босиб олади. Жангда 90 минг хунн аскарлари ва кўп хитой аскарлари ҳалок бўладилар.

М. ав. 99—90-йиллар орасида хуннлар билан хитойлар ўртасида яна қаттиқ урушлар бўлиб ўтиб, кўпинча бу урушларда хуннлар ғолиб чиқадилар.

Хитойлар эса ғарбда усунлар, шарқда ухуанлар ва Шимолда Енисей бўйи қабилалари билан ҳарбий иттифоқ тузиб, М. ав. 71-йили хуннларга уч томондан ҳужум бошлайдилар. Бу жанг иттифоқчиларнинг ғалабаси ва хуннларнинг аянчли мағлубияти билан тугаган. М. ав. 71-йилги мағлубиятдан сўнг Хунн давлати кучсизланиб, М. ав. 56-йили Шимолий ва Жанубий қисмларга бўлиниб кетади.

Хуннларнинг ғарбга кўчишлари. Шаню Хуханье бошлиқ жанубий хуннлар Хитойга тобе бўлиб, улар билан эллик йилча тинч-тотув яшаганлар. Чжи-чжи бошлиқ шимолий хуннлар эса хитойлар билан чиқиша олмай ғарб томон силжиганлар. Лекин хитой кўшинлари уларни таъкиб қилиб бориб тор-мор этганлар. Милоднинг I асрида хуннлар ўзларини бироз тиклаб олганлар. Аммо милодий 87—93- йилларда хитойлар сяньби ва динликлар билан иттифоқ бўлиб хуннларни яна тор-мор келтирганлар. Хуннлар эса Сирдарёнинг қуйи қисми ва Орол денгизининг шимолига бориб жойлашганлар. Кейинги асрлар давомида хуннлар Шимолий Қозоғистон орқали юриб, Идил ва Дон дарёларидан ўтиб Шимолий Кавказдаги аланларни ўзларига итоат эттирганлар. Хуннлар сардори Баламбер 375- йил ўз кўшинлари билан Шимолий Қора денгиз бўйларини эгаллаган. Шу ерда яшовчи готтларнинг бир қисми хуннларга тобе бўлганлар ва ўзларини *осготлар*, яъни *шарқий готлар* деб атаганлар. Хуннларга тобе бўлмаган готлар Фракияга бориб жойлашиб, ўзларини весготтлар – ғарбий готлар деб атаганлар. 394—395- йилларда хуннларнинг бир қисми Кичик Осиё, Сурия ва Кападокияга бостириб кирганлар.

Улар ғарбга юришни давом эттириб, Дунай дарёсининг юқори қисмидаги ерларни босиб олганлар. Шу ердан туриб улар Шарқий ва Ғарбий Рим салтанатига ҳам таҳдид солиб турганлар. Хуннларнинг сардори **Аттила** даврида (434—453) Марказий Европанинг жуда кўп қабилалари хуннларга тобе бўлган. 451-йилда хуннлар Галлияга бостириб кирганлар. Аммо римликлар, весготтлар ва франкларнинг бирлашган кўшинлари Каталаун ёнидаги машҳур жангда хуннларни енгиб, уларни орқага чэкинтирганлар. 453- йилда Аттила вафот етгач, хуннлар давлати кучсизланган. Уларнинг 455-йили Паннонияга, 469-йили Болқонга қилган юришлари ҳам мағлубият билан тугаган.

Шундан кейин хуннлар иттифоқи тарқалиб, давлат мутлақо кучсизланган. Хуннлар маҳаллий аҳолига кўшилиб кетганлар. Шу тариқа 7—

8- аср ҳукм сурган Хуннлар давлати 5- аср охирларига келиб барҳам топган.

Хуннлар ҳам ўзларига хос оддий, кўчманчиларга хос соддагина маданият яратганлар. Аммо улар Қадимги Хитой маданиятидан кенг фойда-ланганлар. Ғарбга кўчган хуннлар маданиятига Ўрта Осиё халқлари ва Рим маданияти ҳам кучли таъсир кўрсатган.

Семинар машғулоти учун саволлар:

1. Қадимги Хитойнинг географик ўрни ва табиий шароитлари.
2. Хитойнинг энг қадимги аҳолиси ва уларнинг машғулоти.
3. Қадимги Хитой тарихининг даврларга бўлиниши ва уларнинг босқичлари.
4. Қадимги Хитой тарихининг асосий манбалари.
5. Қадимги Шан – Инь давлати.
6. Хитойда Чжоу ва Цинь подшолигининг ташкил топиши.
7. Хань подшолигининг ташкил топиши ва кучайиши.
8. “Буюк ипак йўли” ва унинг халқлар ҳаётидаги ўрни.
9. Хань салтанатининг заифлашуви ва оммавий ҳаракатлар.
10. Хитойда “Қизил қошлилар” қўзғолони.
11. Хитойда “Сариқ рўмоллилар” қўзғолони.
12. Хуннлар давлати ва кучайиши.
13. Хитой-Хунн урушлари туфайли хуннлар давлатининг заифлашуви ҳақида.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қадимги Хитойда тарихнавислик ёки йилномачилик.
2. Шан-Инь давлатининг хўжалиги.
3. Чжоу подшолиги даврида хўжалик.
4. Шан-Ян ислоҳоти ва унинг оқибатлари.
5. Буюк Хитой девори “Садди Чиний”нинг қурилиши.
6. Цинь подшолигининг емирилиши ва тугатилиши.

7. Хань подшолигининг истилочилик юришлари.
8. Хань подшолиги даврида хўжалик ва иқтисодий-маданий алоқалар.
9. Қадимги Хитой ёзуви ва адабиёти.
10. Қадимги Хитойда меъморчилик, рассомчилик ва хайкалтарошлик.
11. Қадимги Хитойда таъбабат илми.

VIII БЎЛИМ. ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР

1-§. Корея ярим оролидаги қадимги давлатларининг ташкил топиши

М.ав. I минг йилликнинг иккинчи ярмида яшаган корейликлар яшайдиган ҳудудга ҳозирги Корея ярим ороли, Жанубий Манчжурия ва Ляодун ярм ороли кирар эди. Мазкур жойдаги ўрмонларда ва воҳаларда деҳқон қабилалари, ўрмон, тоғларда эса овчилар истиқомат қилишар эди. М.ав. VII асрларда қадимги корейликлар бронзадан ҳар турли буюмлар, меҳнат қуроллари ясай бошлаганлар. Ярим оролнинг шимолидаги дарё бўйларида яшаган қабилалар эса тариқ ва арпа, жанубдаги қабилалар шоли экиб парваришлаганлар. Улар зироатчиликнинг турли тармоқлари билан шуғулланганлар.

М.ав. I минг йиллик охирларига келиб корейликларда темирдан ясалган меҳнат ва жанговар қуроллар тез тарқалади. Бу жараён мамлакатда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш хўжалигининг тараққий этиши, хусусий мулк, мулкый тенгсизлик ва табақавий жамият пайдо бўлишига олиб келган. Шу муносабат билан Кореяда м.ав. III асрда илк бор Чосон давлати ташкил топади. Чосон давлатининг ерлари Ляодун ярим ороли ва ҳозирги шимолий Кореяни ўз ичига олар эди. М.ав. I асрга келиб Шимолий Корея ҳудудида қабилалар иттифоқидаги кичик давлатлар: чунончи шимолий-ғарбда кочур қабиласи, жанубда эса Хань қабиласи атрофида бирлашадилар. Когуре қабилаларининг иттифоқи натижасида Когура давлати ташкил топиб, унга Корея ярим оролининг шимоли ва Жанубий Манчжурия кирар эди. Икки Хань қабиласи ўрнида эса Силла давлати, учинчиси ўрнида Пэкче давлати вужудга келган.

Булар орасида Когуре давлати бирмунча кучли бўлиб, ҳукмдорларини ван деб улуғлашар эди. Бу давлат узоқ йиллар давомида Хитойнинг Хань

давлати билан кураш олиб бориб, мамлакатни мустақил бўлиб олишига эришди.

Қадимги Корея жамияти ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши оқибатида табақаларга бўлинган бўлиб, монархлар бошчилигидаги зодагонлар аҳолининг юқори табақасини ташкил этар эди. Аҳолининг катта қисми ва қуллар эса қуйи табақани ташкил қилар эди. Қуллар сони ҳарбий асирлар, жинойтчилар ва сотиб олинган кишилар ҳисобига кўпайтирилар эди. Қулларни Хитойга олиб бориб сотиш ҳақида маълумотлар бор. Кореядаги давлатларда қул меҳнатидан кенг фойдаланмаганлар, балки улар кўпроқ уй хўжалигида ишлатилган. Кореяда ҳуқуқий жиҳатдан озод, лекин иқтисодий жиҳатдан давлатга қарам аҳоли мамлакатда кўпчиликни ташкил этган. Улар юқори табақа вакиллари манфаатлари ва дабдабали ҳаётлари учун хизмат қилганлар.

Дастлаб Кореяда ҳарбий демократия тизими бошқарувда ҳукм сурган. Милодий I-II асрларда эса Кореяда ҳарбий демократия асослари бартараф қилиниб, жамиятни монархлар бошқарганлар. Улар ўн икки рангдан иборат ҳарбий хизматчиларга таяниб иш кўрганлар. Когура давлати ҳарбий хусусиятга эга бўлган.

Мазкур даврда Корея ярим оролидаги учта давлат ўртасида ҳукмронлиқни қўлга киритиш ва сақлаб қолиш учун қонли жанглар ҳам бўлиб турган. Бу даврда юқори Цинф-табақа вакиллари манфаатларини ҳимоя ва муҳофаза қилувчи қонунлар жорий этилади. I-III асрларда Когура Корея ярим оролидаги энг кучли давлатга айланган. IV асрга келиб эса узоқ давом этган ўзаро урушлардан сўнг мамлакат жанубий-ғарбида бирлашиш жараёни якунига етиб, у ерда Пэкче давлати ташкил топди. V асрга келиб эса ярим оролнинг жанубий-шарқида Силла давлати кучаяди.

Ташқи сиёсат масаласида яриморолдаги давлатлар олдидаги муҳим вазифа уларнинг ашаддий душмани Хитойнинг Хань подшолиги қаршилигини синдириш эди. Хитой хонлари билан олиб борилган курашишнинг энг оғир кулфати Когура давлати елкасига тушади.

Шундай қилиб, м.ав. III асрларда Корея ярим ороли ва унга туташ жойларда табақавий ҳокимиятга асос солган илк кулдорлик давлатлари вужудга келди.

Мазкур даврда корейликлар хитойликлар маданиятидан баҳраманд бўлиб, ўзларига хос маданият яратганлар.

Қадимги япон давлати. Қадимги Япониянинг географик ўрни ва табиий шароитлари. Маълумки, Шарқий Осиёда Тинч океанининг ғарбидаги Хонсю, Кюсю, Хоккайдо, Сукуку ва қатор 3900 оролларни эгаллаган Япония давлати ҳам ўзининг узоқ тарихига эга. Бу мамлакатнинг ҳозирги кундаги майдони 377535 км.кв, аҳолисининг сони 2001 йилдаги рўйхатга биноан 127100000 кишини ташкил этади. Мамлакатнинг ер усти тузилиши тоғлар ва текисликлардан иборат. Баланд тоғларнинг аксариятида ҳаракатдаги вулқонлар бор. Япониянинг энг катта текислиги Хонсю оролидаги Кантодир, энг узун дарёси Цинано. Энг йирик кўли Бива. Асосий табиий бойликлари тошкўмир, мис, кўрғошин, рух рудаларидир. Денгизларида балиқ кўп. Ҳайдаладиган ерлари ҳудуднинг 13% ташкил этади, ўрмон ва тўқайлар 67% жойни эгаллайди.

Иқлими муссонли, шимолда мўтадил, жанубда супротрик хусусиятга эга. Япония ҳудудининг 2/3 қисми ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонларида эман, қарағай, бир неча тур пальма, банан, фукус, бамбук ва бошқа ўсимликлар бор.

Японияда бир неча тур маймунлар, кўршапалаклар, қорақуён, “нуро-ўсаш”, кўк қушлар “рури-касегу”, “хабу” заҳарли илонлар учрайди. Шунингдек оролларда бурсук, кийик, қуён, бўри, тулки, ёқутсимон итлар, олмахон, япон малаккаси, япон қора айиғи, улкан саламандрлар яшайдилар.

Шунингдек, Хоккайдода кўнғир айиқ, ларик сичқони, оқсувсар, сибирь соболи, тюдень, денгиз мушуклари яшайдилар. Япония атрофидаги денгиз ва океанда кўплаб денгиз ҳайвонлари ва балиқлар яшайди.

Японларнинг этногенези ва этник тарихи. Аҳолининг асосий машғулооти. Японлар ўзларини нихондзий-куёшли ўлка одамлари деб атайдилар. Мамлакатнинг Хоккайдо оролида унинг энг қадимги аҳолиси-айнлар сиқилиб қолган. Япония халқининг этногенези ҳалигача тўлиқ аниқланмаган. Япон тили юқори таъкидланганидек мустақил тил туркумларига кирмайди. Японларнинг энг қадимги маданияти неолит даврига оид умумий “дзёмон” номи билан маълум бўлиб, келгинди аҳолиси-айнлар-индонезиялик ва китъадан келган корейслар билан аралашиб мураккаб этник гуруҳни юзага келтирган. Милоднинг I асрларида Японияда уруғ-жамоа тузуми емирила бориб, табақалар пайдо бўлади ва VII асрда илк давлат ташкил топади. Ўша вақтда Японияга Хитойнинг таъсири кучли бўлган, ёзуви ва маданий белгилари кўчиб ўтган. Асли Япон ва Корейс халқларининг мустақил миллат сифатида шаклланиши милодий VII-XII асрларга тўғри келади.

Япония илк давлатларининг ташкил топиши. Олимларнинг фаразларига кўра м. ав. 7500-300 йилларда Японияда неолит даври маданияти-дзёмон мавжуд бўлган. М. ав. V-милодий IV асрларда Японияда деҳқончилик, чорвачилик ривожланган, металл қуроллар қўлланилган. Милоднинг бошларида ижтимоий табақаланиш кучаяди; қуллар ва қул эгалари зодагонлар пайдо бўлади. III асрда ташкил топган қабилалар иттифоқи-Ямато асосида Цинфий табақаланиш жараёнида илк япон давлати таркиб топади. Японияда VI асрда буддизм тарқала бошлайди. Ямато ҳукмдорлари ташқи алоқаларга тэнно унвонини қўллай бошлаган. Бу титул ҳозиргача ҳам сақланган ва Европа тилларига “император” сўзи билан таржима қилинади. Японияда VII аср ўрталаридан илк феодализм муносабатлари таркиб топа бошлайди. 645 йилда ер давлат мулки деб эълон қилинади.

Япониянинг оролларда жойлашуви Осиёнинг шарқида яшаган қадимги аҳолининг “куёшли ўлкага” ўтиб жойлашувларига тўсиқ бўла олмаган. Япон ороллари атрофи денгиз ва Тинч океан сувлари билан

Ўралганлиги муайян вақтгача бу ерга Шарқий Осиёдан одамларнинг кириб келиб жойлашувларига имкон бермаган. Палеоантропологик маълумотларга кўра ва бошқа ашёвий далилларга асосланиб, археолог ва тарихчи олимлар Японияга дастлабки одамларнинг кириб келиб жойлашувлари м. ав. VIII минг йилликка мансуб эканлигини аниқлаганлар. Японияда энг қадимги неолит даври маданияти “дзёмон”-(шнуровой узор) номи билан машҳурдир. Маълумки, Осиё материгининг шарқидаги неолит даври кишилари қайиқ кашф этганларидан сўнг материклардан япон ороллариغا сузиб ўтишлари мумкин бўлган. Шарқий Осиё, хусусан Корея ярим ороли ва Хитойда қайиқсозлик м. ав. VIII – VI минг йилликларга кашф этилган бўлса керак.

Археологик ашёларнинг гувоҳлик беришича м.ав.I минг йиллик иккинчи ярмида Шарқий Осиё қабилалари Корея ярим ороли орқали Япониянинг Кюсю ва Хонсю ороллариغا кўчиб ўтганлар. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Хонсю оролининг ғарби Кюсю оролининг штимолидаги қабирлардан бронза қуроллари ва буюмлари топилган. Бу бронза қурол ва буюмларнинг бир қисми Жануби-Шарқий Осиё билан боғланиб кетади. Мазкур далилларга таяниб шунини айтиш жоизки, Япония ороллариغا одамлар фақат Корея ярим ороли Шарқий Осиёдан эмас, балки Жануби-Шарқий ўлкаларидан ҳам кириб келиб жойлашган эканлар.

Шундай қилиб Япон оролларида яшаган қабилаларнинг келиб чиқиши бир томондан Шарқий Осиё, иккинчи томондан Жануби-Шарқий Осиёга бориб тақалади. Япон ороллариغا кўчиб келганлар зироатчиликнинг суғорма шоликорлик техникасини эгаллаган кишилар бўлган. Бу жараён дастлаб Шарқий Хитой ва ҳозирги Корея ярим оролида содир бўлган бўлса керак.

Японияда шоликорлик илк бор сўнгги “дземон” давридан маълум.

Илк япон қабилалари шоли, тарик, гречка каби донли экинларни экиб, парвариш қилишганлар. Аҳолисининг атрофи денгизт ва океан сувлари билан ўралганлиги учун хўжалик ҳаётида балиқчилик, денгиз

хайвонларини овлаш, курукликда эса термачилик ва овчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Япония худудда суғорма шоликорликнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши худудда хўжалик-маданий шаклларини ривожланишига олиб келди.

М. ав. I асрда Япония оролларида жез-бронза қуруллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик асбоблари тош ва ёғочдан тайёрланган. Ерни юмшатишда ва экинларга ишлов беришда мотиғачопқилардан, ҳосилни ўриб олишда эса ярим ой шаклидаги ўроқлар ёрдами билан ўриб олганлар. Кейинчалик япон оролларида Шарқий Осиёдан кўчиб келганлар ўзлари билан йирик шоҳли қорамол, от каби уй ҳайвонларини ҳам олиб келганлар.

Япон қабилаларининг моддий ва маънавий маданиятини, шунингдек хўжалик фаолиятларини ўрганишда археологик ашёлар билан бир қаторда хитой йилномалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан милодий III аср охирида ёзилган “Вэй чжи” муҳим манба ҳисобланади. Бу манба келтирган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Японияда шоликорликка ўтиш худуднинг ҳар хил жойларида жадал суръат билан олиб борилган. “Вэй чжи” муаллифи Японияда дон, шоли, жут ва тут дарахти экиб парвасриш қилинишини таъкидлар экан, Кусима, Ики ва бошқа ороллардаги аҳоли хўжалиги алоҳида хусусиятлари ҳақида тўхтаб, “Улар шоли экиладиган далаларга эга эмаслар, улар денгиз маҳсулотлари ҳисобига яшайдилар. Улар кемаларга ўтириб шимол ва жануб учун ғалла сотиб оладилар” деб ёзади. Шу манбада келтирилишича у ердаги кишилар Японияда кенг тарқалган удумга мувофиқ териларига татировка қилишган экан.

2-§. Жануби-Шарқий Осиёнинг қадимги давлатлари

Жануби – Шарқий Осиёнинг географик ўрни ва табиий шароитлари. Жануби – Шарқий Осиё географик нуқтаи назардан Осиёнинг жануби-шарқидаги кўпдан кўп ороллар ва Хиндихитой ярим оролига жойлашган. Ер юзаси тоғлик, қисман текисликлардан иборат

бўлиб, майдони қалин ўрмонлар билан қопланган. Хиндихитойдан кўпгина катта-кичик тез оқар дарёлар оқиб ўтади. Худуднинг материк қисмида Меконга, Менама, Ировди, Солуэн каби дарёлар оқиб ўтиб, оролларда жуда майда дарёлар, кўллар ва ботқоқоликлар мавжуд. Улар орасида Меконга дарёси бир неча мамалакатлардан оқиб ўтиб, жуда кўп ирмоқлари узунлиги 4500 км. Бу дарё қадимдан бошлаб аҳоли зироатчилигида ҳаёт манбаси бўлибгина қолмай, муҳим ўзаро алоқа йўли ва кейинги вақтда катта гидроэнергетика захирасига ҳам эга бўлган. Иқлими тропик, серёғин, ўсимлик ва ҳайвонот оламига анча бой. Жануби – Шарқий Осиё антропогенез жараёни содир бўлган минтақаларнинг биридир.

Хиндихитойда одамлар илк палеолитдан бошлаб яшаб келадилар. Олимлар худуддаги Ява оролининг Триниль, Можокерто деган жойларидан бугунги кунумиздан 1,5-2 миллион йил илгари яшаган энг қадимги одамларнинг маконларини топганлар. Дастлаб улар термачилик, овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Шунингдек Жануби – Шарқий Осиёдан сўнгги, ўрта тош (мезолит) м.ав. VIII минг йилликка ва ундан кейинги даврларга мансуб бўлган маконларнинг ўрни ҳам топиб ўрганилган. Бу жиҳатдан хрижий. маҳаллий, хусусан Россия олимларининг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Неолит даврида эса бу ерда шоликорлик хўжалиги шаклланади. Жнауби-Шарқий Осиёдаги аҳоли асосан австроосиё тил оилаларига мансуб мон-кхмер ва бошқа этник гуруҳлар, худуднинг материк қисмида, оролларда эса австронезия тил оиласига мансуб малаяликлар, яванликлар ва бошқа этник гуруҳлар яшаган.

Хиндихитой жанубидаги текисликларда яшовчи австроосиё тил оиласига мансуб этник гуруҳлар бирмунча ривожланган хўжаликка эга эдилар. М.ав.V минг йилликда бу ердаги аҳоли мустақил равишда мисдан ҳар хил меҳнат қуроллари, аслаҳалар ва зийнат буюмлари ясаганлар. М.ав.IV минг йилликдан бошлаб эса жез-бронзадан ҳар хил ашёвий буюмлар ясаганлар. Қадимги мадансозликнинг бу маркази кўшни ўлкалар

хўжалигига чуқур таъсир этган. Аммо м. ав. II минг йилликда Жануби-Шарқий Осиёнинг хўжалиги атрофдаги кўшни қабилалар хўжалигидан орқада қола бошлаган.

Бу жойдан оқиб ўтучи катта дарёларнинг мураккаб тоғлик жойлардан оқиб ўтиши у ерларда йирик суғориш иншоотларини барпо этишга ва шоликорликни юксак даражада ривожланишига имкон бермаган. Фақат дарё соҳилларида кейинчалик тикланган илк қишлоқ аҳолиси шоликорлик билан шуғулланган.

Сўнгги жез-бронза даврига, яъни I минг йилликка мансуб машҳур Донгшон цивилизацияси даврида Жануби-Шарқий Осиёнинг катта-кичик дарёлари водийларида деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли кенг тарқалиб, улар бу жойда илк давлатларнинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратди. Дастлаб бу ерларда мотига деҳқончилиги, кейин аста-секин сўқа, омочга асосланган йирик ва мураккаб суғорма деҳқончилик қарор топди.

Сўқа ва омочга асосланган зироатчиликнинг ривожланиш меҳнат унумдорлигини оширади. Бу жамиятда табақаланишни кучайишига олиб келди. Жойларда атрофи муҳофаа девори билан мустаҳкамланган қишлоқлар пайдо бўлиб, улар аста-секин шаҳарларга айлана борганлар. Жамиятдаги бу ўзгаришлар Жануби-Шарқий Осиёда дастлабки давлатларнинг вужудга келишига олиб келади.

Бу жойда Ғарбий Осиёдаги каби расмий иероглиф ёзувлари мустақил тарзда пайдо бўлади. Қадимги эпиграфик ва санскрит, ҳамда илк ўрта асрларга мансуб ёзувлар Жануби-Шарқий Осиё халқлари ҳақидаги илк манбалар ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг ўтмиш тарихини ўрганишда, вьет, мон, қадимги хитойлик, қадимги ҳинд ва антик муаллифларнинг солномалари ҳам муҳим аҳамиятга эга манбалардан ҳисобланади.

Дастлабки табақавий жамиятлар қадимги австроосиё ва уларга тил жиҳатдан яқин бўлган вьетларда илк бор вужудга келган. Илк давлатлар Ғарбий Хиндихитойдан ҳозирги Шимолий Вьетнам орқали Янцзи дарёсининг қуйи оқимигача бўлган жойларда тарқалади.

Булар тўртта гуруҳ давлатлар бўлиб, улар Шимоли-Шарқий Хиндихитой ва Жанубий денгизнинг шимоли (Жанубий Хитой денгизи) соҳилидаги давлат, Малакка ярим оролидаги қадимги Индонезия ва архипелагдаги давлат. Шимолий Хиндихитойнинг марказий қисми ва унга туташ жойларда истиқомат қилган тан ва бирмано тил оиласига мансуб халқлар давлатидир.

Қадимги Вьет давлати ва уларнинг қўшнилари. Шимолий Вьетнам ва Жанубий денгизнинг шимолий соҳилларида жойлашган давлатлардан бири Юэ (Вьет) подшолигидир. Вьет подшолиги ҳақида ва унинг шимолий қўшни давлатлари ҳақида ёзма манбалар сақланмаган. Археологик далиллар Хонгха дарёси (Қизил дарё) қуйи қисмидаги Шимолий Вьетнам ҳудудидаги энг қадимги ва ўзига хос давлат мавжудлиги ҳақида маълумот беради.

Юэ (Вьет) подшолиги милодий VII асрда Янцзи дарёсининг қуйи қисмида ташкил топади. Бу давлатдаги ижтимоий табақалари ҳақида қадимги муаллифлар томонидан қолдирилган манбаларда баъзи маълумотлар учрайди. Улардаги ижтимоий табақалар ўзининг соддалиги билан хитойликларнинг ижтимоий табақасидан тубдан фарқ қилади. Бу подшоликдаги аҳолининг машғулоти хитойликлардан фарқ қилиб, асосан суғорма шоликорликдан иборат бўлган.

М.ав. IV-III асрларда Янцзи дарёсининг қуйи қисмидан Хонгха дарёсининг қуйи қисмигача бўлган жойларда бешта қадимги давлат ташкил топган. Улар Ванланг (кейинчалик Аулак) давлати бўлиб, унга Хонгха дарёсининг қуйи қисмидаги ерлар қарар эди. Улардан шарқроқда эса Тайау, Намвьет каби бошқа давлатлар жойлашган эди. Улар ижтимоий жиҳатдан биров ривожланган эдилар.

М.ав. III асрдаги анча ривожланган давлатлардан бири Хонгха дарёсининг қуйи қисмида жойлашган Аулак эди. Унинг аҳолиси лаквьетнамлар вьетномларнинг аждодлари эдилар. Шунингдек, Сицзян дарёсининг қуйи қисмида жойлашган Намвьет давлати бўлган.

Аулак аҳолисининг асосий қисмини майда ишлаб чиқарувчилар ташкил этар эди. Катта ер эгаларидан иборат зодагонлар ва юқори даражадаги амалдорлар юқори табақа ҳисобланар эдилар. Бу давлат тепасида вьонг-монарх деб аталувчи якка ҳоким ўтирар эди.

Қадимги вьетлар ўзларига хос маданият яратиб аждодларга, ер руҳига сиғиниб, тимсоҳ-аждаҳо ва сув паррандаларини улуғлашган.

М.ав. 221-214 йилларда Аулак, Тэйау ва Намвьетлар хитойликларнинг Цинь салтанати билан кураш олиб борганлар. Узоқ давом этган жанглар натижасида Аулак ўз мустақиллигини сақлаб қолиб, Тэйаунинг бир қисмини ўз ерларига қўшиб олган. Намвьет эса бир неча йил цинь қўшинлари томонидан босиб олинган. М.ав. 207 йили Цинь салтанати қулагач, Намвьет давлати ўз мустақиллигини тиклаб ҳар ики томон бирлашиб, Намвьет-Аулак давлати барпо этилган.

М.ав. II асрда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда вьонг бошлиқ Намвьет давлати кучаяди. Намвьет давлатида шоли ишлаб чиқариш анча ривожланади. Улар ривожланган ҳунармандчилик тармоқларига эга бўлиб, ички ва ташқи савдо ривож топган эди. Аҳоли юқори ва қуйи табақаларга бўлинган бўлиб, қулчилик анча ривож топган эди. Қулларни “но-ле” деб аташар, давлат анча мураккаб қурилишга эга эди.

М.ав. II аср бошларидан бошлаб монах-вьонглар бошлиқ Намвьет-Аулак давлати уруш ҳаракатлари ва фаол дипломатик усулларни қўллаб, қўшни давлатларни ўз давлатлари қўл остида бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Намвьет-Аулак давлати қўшинлари Хань салтанати ва унинг иттифоқчилари билан ғолибона урушлар олиб бордилар. Шу даврда вьетлар хуннлар билан бир қаторда Хань салтанатининг рақиби бўлиб майдонга чиқдилар. Аммо м. ав. II асрда бўлиб ўтган оғир жанглардан сўнг

мамлакат қирол У-Ди қўшинлари томонидан босиб олинади. Аммо У - Дининг ҳукмронлиги вьетларда м.ав. I асргача давом этган.

М.ав. III-II асрларда Жануби-Шарқий Осиёнинг тоғлик ўлкаларида жойларнинг, қадимги Диен ва Елан давлати ташкил топди. Бу давлатларда деҳқончилик анча сустривожланган бўлиб, улар хўжалигида чорвачилик етакчи ўринни эгаллар эди. Бу давлатларда ҳам қулчилик мавжуд эди. Аҳоли орасида чорвадорлардан иборат юқори табақа вакиллари мавжуд бўлиб, улардан қуллар сони маҳаллий этник гуруҳлар ҳисобига тўлдирилар эди.

Бу давлатларда хитой иероглифларидан фарқ қиладиган иероглиф ёзуви бор эди. Мамлакатда хўжалик ишлари ҳужжатлари ана шу ёзувлар орқали бажарилган.

Милодий I аср бошларида Хань босқинчилари Шимолий Вьетнамда лаквьетларга нисбатан оммавий ассимиляция сиёсатини олиб боришга уриниб кўрдилар. Бу сиёсат омма орасида кучли норозилик келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мамлакатда олий табақа вакиллари раҳбарлик қилган кўзғолонлар бошланди. Милодий 40-44 йилларда Икки опа-Сингил бошчилигидаги лаквьетлар кўзғолони мамлакатдаги Ханьлар зулмини улоқтириб ташлади ва қадимги Аулак атрофила мустақилликни қўлга киритди. Кўзғолонга опа-сингил Чинглар раҳбарлик қилганлар.

Янги, узоқ давом этган урушлардан сўнг Хань салтанати бу мамлакатда ўзининг кучли назоратини ўрнатди. I-II асрларда Хань салтанати зулмига қарши оммавий кўзғолонлар бўлиб ўтди. Хитойликлар зўрлик билан мамлакат аҳолисини итоат эттириш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин фаол ассимиляция сиёсатидан воз кечиб, аста-секинлик билан хитойлаштириш сиёсатини қўллашга ўтдилар.

Милодий III-V асрдаги хитой давлати ҳукмдорлари лаквьетларнинг ички мустақиллик ҳуқуқларини тан оладилар. Аммо хитой ҳукмдорлари вьетлар устидан умумий назорат олиб борадилар. Аммо улар бу борада

узоқ муддатли яхши натижаларга эриша олмаганлар. Вьет жамияти ўзларининг алоҳида этник хусусиятларини сақлаб қолганлар.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан хитойликлар вьет жамиятига жуда кам таъсир қила олганлар. Милодий III-V асрларда вьетлар жамиятига Ҳиндистондан кириб келган буддизм кенг тарқалади. Буддизм XII-XIII асрларгача вьетларнинг асосий дини бўлиб қолди. Бу даврларда хитой маданияти бу мамлакатда кенг кўламда тарқалади.

Мон-кхмер ва индонезияликларда давлатларнинг ташкил топиши. Илк табақавий жамиятнинг шаклланиши ва аҳолининг хўжалиги. Янги милодий йил арафасида Хиндихитой ва Индонезиянинг катта-кичик дарё водийларида илк табақавий жамиятлар ва давлатлар ташкил топа бошлади. Сўтти жез даврида кўлга киритилган ютуқлар ва темир куруллардан фойдаланишга бу ҳудудда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни юқори даражага кўтарди. Бу шарт-шароитлар мазкур ҳудудда илк давлат марказларини барпо бўлишига олиб келди. Жанубий Хиндихитойдаги дравид қабилалари билан олиб борилган алоқалар, улар орқали Шимолий Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва ҳатто Ўрта Ер денгизи халқлари билан яқин муносабат боғлашга сабаб бўлди. Бу ерда вьетлардаги каби кичик қишлоқ жамоалари воҳа деҳқончилигининг асоси ҳисобланган. Бу мон-кхмер ва индонезияликлар яшаган жой географик нуқтаи назардан хилма-хил ва ўзига хос бўлгани учун бу ерларда хўжаликнинг овчилик, термачилик, чопқи термачилиги, сув ҳайвонларини овлаш шунингдек, суғорма деҳқончилик хўжаликлари ҳам мавжуд эди. Жануби-Шарқий Осиёнинг илк деҳқончилик шаклланиб ривожланган жойларда Аулак, Бапком (Фунань), Шриктетра (Тарекиттра) каби давлатлар, Суваннабхуми (Жанубий Бирма) каби кичик мон давлатлари ва Тяо-Прае (Менам) давлатлари, Малай давлати, Яван ва бошқа давлатлар ташкил топади. Бу давлат ҳудудида яшаган халқларнинг баъзилари деҳқончилик билан бошқалари эса денгиз ҳайвонларини овлаш билан, айримлари эса денгиз савдоси билан шуғулланганлар. Мазкур давлатларда

монах бошлиқ катта ер эгалари, зодагонлар амалдорлар давлатни бошқарганлар. Майда ишлаб чиқарувчилар монах ва катта ер эгаларига қарам эдилар.

Хукмрон табақа ва эркин жамоа аҳолининг асосий қисмини ташкил қилар эди.

Дехқончилик ва хўжалиқни бошқа тармоқарида қуллар ҳал қилувчи мавқени эгалламаган эдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, давлат руҳонийлар билан яқин алоқада бўлим, руҳонийлар эса давлат назорати остида эди. Бу ҳудудда аграр культларга, аждодлар сиғинишга ва индуизм дини кенг тарқалган эди. Аҳолидан олинадиган асосий солиқ давлат ва юқори табақа зодагонлари манфаатларини кўзлашга қаратилган эди.

Қадимги мон-кхмер давлати ва аҳолининг хўжалиғи. Мон ва кхмердаги илк давлатларнинг аксарияти милодий йилнинг I асрларида вужудга келади. Уларнинг ҳар бири ўзаро боғланган эди. Улар Бапном (Фунань) бу давлат Жанубий Хиндихитойдаги мон ва кхмер қабилаларининг бирлашуви натижасида ташкил топган. Бапном давлатининг ташкил топиши милодий I асрга тўғри келади.

Мамлакатда бирлашув жараёни милодий II-III асрларда тугалланади. Шундан кейин қадимги кхмер хукмдорлари босқинчилик урушини бошлаб юборадилар. Бу жойдаги энг кучли давлатлардан бири Фаншиман давлати бўлиб, кучли ҳарбий денгиз флотига эга бўлган. Фаншимон ўзининг кучли флоти ва қўшинига таяниб, қўшни давлатлар ва қабилалар ерини тортиб оладилар.

Бапном кучли ҳарбий қўшинга эга бўлиб, ҳарбий денгиз ва савдо-сотиқ милодий IV асрда ҳам кучайиб борган. Мамлакатда ирригация ва ибодатхоналар қуришга катта эътибор берганлар. Мамлакатда индуизм ва буддизм мустаҳкамланиб борган ва хукмдорларнинг ҳокимияти кучайган.

V-VI аср бошлари қадимги кхмер жамиятининг шимолий гуруҳи кучаяди. Уларнинг қўшини денгиз соҳили бўйларини ва Бапномни босиб оладилар. Бапном эса шу билан ўз фаолиятини тўхтатади.

Мон-кхмер халқлари Жанубий Ҳиндистон маданиятини қабул қиладилар, жумладан, ҳинд ёзувини, санскрит тилини, диннинг баъзи хусусиятларини қабул қиладилар. Хусусан, монлар буддизмни, кхмерлар индуизм динини қабул қиладилар.

Индонезия халқларининг қадимги давлатлари. Маълумки, Индонезия худудий жиҳатдан икки бўлақдан иборат, бири кўпдан кўп ороллардаги, иккинчиси эса материкдаги ерлар.

Милодий I-VI асрларда Индонезиянинг ороллар қисмида икки гуруҳ давлатлар вужудга келади. Уларнинг бири ғарбий ёки малая ва иккинчиси шарқий ёки Яван гуруҳи. Ғарбий гуруҳга Суматра давлатлари кириб, уларда марказлашиш жараёни тезроқ содир бўлган. Улар Малакка ярим оролидаги кичикроқ давлат бирлашмалари эди. Ижтимоий тузилиши жиҳатдан улар бир-бирига ўхшаш эди.

Уларнинг турмушида ташқи савдо катта ўрин тутарди. Чунки бу давлатлар серқатнов савдо йўли устида жойлашган эдилар. Жануби-Шарқий Осиёдаги денгизчилар бу даврда мон-кхмерлар ва индонезияликлардан эдилар.

Шалмаладвипидаги давлатлар орасида Ланкасука (милодий II аср), Катаха ва Тамбарлинга давлатлари машҳурроқ эди. Хорижий сайёҳларнинг маълумотларига кўра уларнинг саройлари бой кўшини кучли экан. Шаҳар аҳолиси орасида буддага ва иудага эътиқод, санскрит адабиёти, ёзув ва тил кенг тарқалган. Ғарбий Индонезиядаги қадимги давлатлар ғарб ва шарқ билан савдо ва дипломатик алоқалар олиб борганлар.

Ява ва Калимантандаги Малая ва Яван давлатлари ҳийла бошқачароқ бўлганлар. Ғарбий Явадаги Тарума ва Мулавар мана давлатлари машҳурдир. Калимантандан шарқда жойлашган Мулавармана уларнинг бир номи ҳукмдорлари билан аталган. Бу давлатлар IV-V асрларда ташкил топган. Ижтимоий тузилиши жиҳатдан бу давлатлар Бапном давлати тузилишига ўхшашдир. Давлат ирригация қурилиши билан шуғулланган. Бу ерда ҳам деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари бўлган.

Ернинг бир қисми давлатларга қарашли бўлиб, у ерда хусусий ерлар ҳам бўлган. Жануби – Шарқий Осиёдаги давлатлардан бири Чампа бўлиб, аҳолиси индонезия тил оиласига мансуб бўлган. Бу давлат Хиндихитой ярим оролининг Шарқий соҳилига жойлашган Чампа ҳудуддаги кучли денгиз савдоси давлатлардан бири бўлиб, кучли денгиз флотига эга бўлган. Бу давлат савдогарлари денгиз орти мамлакатлари билан қизғин савдосотиқ ишларини олиб борганлар. Чампа ҳукмдорлар денгиз қароқчилиги билан ҳам шуғулланиб, денгизда ўз ҳукмронликларни ўрнатишга ҳаракат қилган. Айти пайтда уларга қўшни соҳилдаги қишлоқларни талаб босқинчилик қилиб, қишлоқ аҳлининг молларини, бойликларини талаганлар. Чампилар маданий жиҳатидан индонезия дунёсига яқин бўлиб, шунингдек улар кхмерлар маданиятидан ҳам баҳраманд бўлганлар.

Қадимда улар ханьликлар билан урушлар олиб бориб, улар билан дипломатик ва савдо-сотик муносабатини ҳам ўрнатганлар.

М.ав. I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Қадимги Жануби-Шарқий Осиё халқларида илк давлатлар шаклланади. Улар ўзларига хос хўжалик шаклларига эга бўлишган. Суғорма шоликорлар қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган. Ижтимоий жиҳатдан кичик-кичик қишлоқ жамоаларига эга бўлганлар; маънавий жиҳатдан аждодлар руҳига сиғинганлар ва ўзларига хос тасвирий санъатга эга бўлганлар.

Кўп сонли қадимги халқлар, этник гуруҳларнинг аждодлари бўлган вьетлар, кхмерлар, монлар, малаяликлар, яванликларнинг аксарияти катта-кичик дарёларнинг унумдор ерларини эгаллаган эдилар. Улардан баъзилари тоғ олди ҳудудларида яшовучи этник гуруҳларга ўз таъсирларини ўтказганлар. Мазкур ҳудуднинг шимолдаги давлатлари хусусан вьетлар қадимги хитойликлар билан муттасил мудофаа урушлари олиб борганлар. Ш умуносабат билан Қадимги Жануби-Шарқий Осиёнинг ерлари бирмунча қисқариб кетган. Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатлар мазкур даврларда йирик уруш ҳаракатлари олиб бормаганлар.

Улар қўшни халқлар ва давлатлар билан, хусусан ҳиндистон халқлари билан қизғин савдо ва маданий алоқада бўлганлар.

Семинар машғулотига учун саволлар:

1. Корея ярим оролидаги қадимги давлатлар: Чосон, Когуре, Силла, Пэкче.
2. Қадимги япон давлати.
3. Японларнинг этногенези ва этник тарихи.
4. Жануби-Шарқий Осиёнинг қадимги давлатлари.
5. Қадимги Вьет давлати ва уларнинг қўшнилари.
6. Мон-кхмер ва индонезияликларда давлатларнинг ташкил топиши.
7. Қадимги мон-кхмер давлати ва аҳолининг хўжалиги.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жанубий – Шарқий Осиё халқлари этник тарихи.
2. Индонезия аҳолиси маънавий маданияти.

3. Хулоса

Қадимги Шарқ тарихи шимолий Африка ерларидан то шарқий Осиё оралиғидаги ҳудудларни ўз ичига камраб олади. Қадимги Шарқ дунёсининг табиий географик ҳудуди нихоятда хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Қадимги шарқ антропогенез жараёни содир бўлган ва ибтидоий жамоанинг ҳамма босқичларини бошидан кечирган ўлкадир. Бу ҳудудда турли хил этник гуруҳлар-уруғлар, қабилалар, қабилалар иттифоқига мансуб кишилар истиқомат қилганлар. Антропологик жиҳатдан улар европеоид, монголоид, хабашоид, австраловедоид ва бошқа ирқлар шаклланган жуда катта ҳудуд ҳисобланади.

Этнолингвистик жиҳатдан ҳам қадимги Шарқ халқлари, элатлари ва этник гуруҳлари ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб турадилар. Қадимги Шарқда ўнлаб тил оиласига мансуб, юзлаб лаҳжа ва шеваларда гаплашувчи турли элатлар тарқалиб яшаганлар. Қадимги Шарқ халқлари учун умумий бўлган нарса шундан иборатки, уларнинг аجدодлари ибтидоий жамоа тузумининг ҳамма босқичларини бирин кетин ўз бошларидан кечирганлар. Қадимги шарқ тарихи - бу жаҳон миқёсида биринчилардан бўлиб илк цивилизация шаклланган ва ривожланган мамлакатлардир. Демак кишиликнинг ибтидоий тузуми дастлаб шу ҳудудлардаги катта кичик дарёлари бўйида бузила бориб, ишлаб чиқаришнинг аста-секинлик ривожланиши натижасида илк давлатларнинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Мил авв 4-минг йилликнинг 2 чи ярмида Шумер ва Мисрда дастлабки цивилизациянинг қарор топиши қадимги дунёнинг бутун манзарасини ўзгартириб юборган. Қадимги Шарқ цивилизациясининг асосий марказлари Нил, Фрот, Дажла, Хинд, Ганга, Хуанхе ва Амударё каби улуғ дарёларнинг серхосил воҳаларида вужудга келган. Шарқ цивилизациясининг шаклланиб ривожланишида ишлаб чиқарувчилар ва табиий –географик муҳитнинг ўрни катта аҳамиятга эга

бўлган. Қадимги шарқ тарихини олимлар учта катта тарихий даврга бўлиб, ўрганишни тавсия қиладилар. Мил авв 4-минг йилликнинг охири ва 3 минг йилликлар Қадимги Шарқ дунёсининг дастлабки цивилизацияси мавжуд бўлган. Дунё миқёсидаги бу дастлабки цивилизация, кейинги даврдаги бошқа жойлар цивилизациясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Бу даврда Шумер, Миср ва Ҳинд водийсига энг дастлабки ёзув тизими шаклланиб, монументал меъморчилик ва тасвирий санъат ривож топди. Миср эҳромлари, қадимги Шумернинг зинопоясини зиккуратлари, Хараппа ва Мохенжадоро каби мажмуалари кишилик маданиятининг олий даражадаги ютуқлари қаторига киради.

Мазкур даврда Миср ва Шумерда кичикроқ худудни эгаллаган “Ном” деб аталган дастлабки янги табақавий жамият шаҳар ва вилоят мақомидаги илк давлатлар вужудга келган. Улар у ёки бу худудда хукмрон бўлиш учун ўзаро кураш олиб борганлар.

Мил авв XXXIII асрларда Юқори Мисрда 22, Қуйи Мисрда эса 20 та майда давлатчалар –“номлар” фаолият кўрсатар эдилар. Кейинчалик эса Мисрда марказлашган давлат тузиш учун қизғин кураш олиб борилган. Ниҳоят мил авв XXXI –XXIX асрда олиб борилган курашар натижасида бирлашган илк подшолик қарор топади.

Шумер шаҳар-давлатлари ўртасидаги ўзаро кураш мил авв 24 асрга келиб ўз ниҳоясига етиб, якунланади. Оқибат натижада Миср ва Месопотамияда чексиз хукукга эга бўлган диспотик подшоликлар шаклланади.

Мил авв 28-22 асрларда Мисрда мил авв 24-21 асрларда Месопотамиядаги саргон ва саргонийлар ошлиқ Аккад, Урнинг уч сулоласи бошқарган диспотик монархия- якка хокимликнинг ёрқин тимсоли бўлади. Бу ўз даврининг йирик қулдорлик давлатлари эдилар.

Мил авв бетун III минг йиллик давомида қадимги Шарқнинг Шимолий Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиё, Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта ер денгизи соҳилидаги мамлакатларда ибтидий жамоат тузуми емирилиб,

табакаларга ажралган кулдорлик давлатлари ташки топиб улар ҳам цивилизация марказлари ҳисобланган, қадимги Шарқ дунёсининг таркибий қисмига айланадилар.

Биринчи давр охирларига келиб Шарқий ўрта ер денгизи соҳилларидан Хиндистон ярим оригача бўлган жойларда ибтидоий жамоа емирилиб, табақавий жамиятга асосланган давлатлар ташкил топиб, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, илф-фаннинг тараққий этиши натижасида у ерларда ҳам цивилизация марказлари шаклланиб равнақ топади.

Қадимги Шарқнинг иккинчи босқичи.

Мил авв 2- ва 1 минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихий даврни ўз ичига олади. Бу даврда бир-биридан узоқ бўлган қадимги Шарқ мамлакатларида хусусан Хуанхе дарёси водийсида, Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги Угарит, Эбла, Библ, Алалах, Кичик Осиё, Шимолий Месопотамияда, шунингдек, Хетт ва Оссурия давлатлари ташкил топади. Мазкур даврда қадимги шарқ дунёсига яқин бўлган кўчманчи чорвадор қабилалари орасида социал ўзгаришлар содир бўлиб, улар ўз сардорларини бошчилигида деҳқончилик воҳаларига тез-тез босқинлар уюштириб турадилар. Бу жараёнлар Хинд Европа аҳолиси билан уларнинг аралашиб кетишида катта аҳамият касб этди.

Мил авв 3 минг йилликда Қадимги шарқ жамияти хўжалигида катта ўзгаришлар содир бўлади. Мазкур даврда Қадимги шарқнинг дарёлар оқиб ўтган водийларида суғорма деҳқончилик, ирригация иншоатлари, катта кичик хоналар барпо этилади. Ҳар хил маъданларни қазиб чиқариш, эритиш, бир-бирига қўшиш кашф этилади. Мис билан қалайни бирга қўшиб эритиш натижасида бронза мадани ҳосил қилинади. Меҳнат қуроллариининг сони ошибсифати яхшиланади.

Маъданлардан харбий қурол ва аслаҳалар тайёрланади. Қадимги шарқ мамлакатлари орасидаги алоқа йўллари яхшиланиб савдо-сотик ривожланади. Мил авв 18 асрда Шимолий Ғарбий арабистон чўлларида Гексослар иттифоқи барпо бўлиб улар мисрни ўзларига итоат эттирадилар.

Ўрта Сурия ва Шимолий Месопотамияда мил авв 16-15 асрларда Митанни давлати кучаяди. Ғарбий Эронда яшаган кассит қабилалари бирлашмаси мил авв 16-12 асрларда Месопотамияда ўз хукмронликларини ўрнатадилар. Кўчманчилар месопотамияда хукмронлик қилишар экан цивилизация марказларидаги Месопотамиялик халқларнинг маданиятини қабул қилиб, улардан баҳраманд бўладилар.

Аммо Ҳиндистонда мазкур даврларда бошқача манзара-ходиса юз берган. Ҳиндистонга бостириб кирган кўчманчиларнинг хужумлари натижасида, у ердаги қадимги цивилизация инқирозга юз тутди. Мил.авв. I минг йиллик бошдан бошлаб Ганг дарёси водийсида табақавий жамият янгидан шаклланиб, бирнега янги давлатлар ташкил топади.

Мазкур даврда Қадимги Шарқнинг кўпгина мамлакатларида кучаяди. Юқори табақа зодагон ва хукмдорларга қарши маҳаллий аҳоли ва босиб олинган ўлкаларда эса катта-кичик кўзғолонлар бошланади.

Аммо бу кўзғолонлар, подшо, фиръавн кўшинлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилади.

Мил.авв. II минг йиллик уршларида Олд Осиёдаги давлатлар ўртасида, худудда хукмронликни қўлга киритиш учун кирғиз-барот урушлари бўлиб ўтади. Давлатлар босқинчилик урушларини либ бориш ва ўз давлатларининг мудофа қудратини ошириш учун кўшин сонини ошириш, уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш учун ҳаракат қилганлар. Хукмдорлар уруш ҳаракатларида ўз кўшинларида от қўшилган жанговар аравалардан кенг фойдаланганлар. Мил.авв. XV-XIV асрларда Миср, Митанни ва хеттлар ўртасида Шарқий Ўрта аср денгизи соҳилидаги мамлакатларни қўлга киритиш учун қизғин курашлар бўлиб ўтган. Бу жиҳатдан Миср билан Хетт давлати ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, бу уруш мил.авв 1270 йил Миср-Хетт тинчлик сулҳи билан якун топган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Янги подшолик даврида Миср гуллаб яшнаган ҳарбий давлатга айланади. Худди шу даврда Мисрда маҳобатли

меъморий обидалар барпо этилади. Тўхтовсиз давом этган урушлар, ички солиқлар халқ бошига катта мусибатлар келтиради.

Босиб олинган ўлкаларда олинадиган солиқ-ўлпонлар, ғолиблар томонидан қўшни мамлакат халқларини таланиши ички ташқи зиддиятларни кучайишига олиб келади. Бундан оддий ва жабирдийда халқ кўпроқ азият чеккан. Бу эса ўз ўрнида подшоликларга қарши қўзғалонларни келиб чиқишига сабаб бўлган.

Мазкур даврда Олд Осиёда ҳукмронликни қўлга киритиш учун худуддаги давлатлар ўртасида кураш қизғин тус олади. Бу жихатдан мил.авв. IX-VII ларда шакилланиб вужудга келган Улуғ Оссурия подшолиги мисол бўла олади. Мазкур даврда Оссурия ўзининг қудратли қўшинига таяниб Олд Осиёда босқинчилик ва таланчилик урушларини олиб боради ва қўшни мамлакатларнинг ерларини босиб олади. Оссур қошинлари ўз истилолари даврида қишлоқ ва шаҳарларни ёндириб, мазлум халқлардан жуда кўп ўлпон ундирганлар. Қадимги Шарқ халқлари Оссурияни “ арслон уяси” унинг пойтахти эса “ қонли шаҳар “ деб бекорга айтмаганлар. Оссур қўшинлари асирларга нисбатан ниҳоят даражада шафқатсиз бўлишганлиги манбаларда қайд этилади.

Ҳарбий – маъмурий йўл билан барпо этилган давлатлар охиригача қудратли бўла олмаганлар. Бундай давлатлар тезда ташкил топиб, ички ва ташқи зиддиятлар, инқирозлар натижасида халокатга учраб барҳам топганлар. Шундай дипотик давлатлардан бири Улуғ Оссурия мил.авв. 612-605 йилларда Мидия ва Янги Бобилнинг бирлашган қўшинлари томонидан тор-мор этилди ва давлат сифатида барҳал топди. Мазкур даврда темир қурулларидан фойдаланиш хўжаликни тарикқий этишига олиб келди.

Қадимги Шарқ тарихининг учинчи босқичи.

Бу давр мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан янги милодий йилнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади ва қадимги Шарқ жамиятининг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Бу даврда яқингинада

қудратли бўлган ҳарбий Оссурия мустабид – монархияси Олд Осиёдаги ўз ҳукмронлигини Янги Бобил ва Мидияга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Мил.авв. VI-IV асрларда Аҳмонийлар давлати кучайиб, Ўрта ва Олд Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Кичик Осиё ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлар Эрон Аҳмонийлари давлати ҳудудига киришилиши халқаро муносабатларни кучайишига олиб келди. Мил.авв. II асрдан бошлаб Ўрта Осиё ва Олд Осиёнинг Хитой билан алоқалари кучайди. Бу алоқанинг ривожига “Буюк ипак йўли” нинг аҳамияти катта бўлди. Катта савдо қарвонлари марказий Осиё саҳролари, даштлари ва чўлларини кесиб Ҳиндистон ва Хитой билан савдо алоқаларни кучайтирган. Ҳиндистон ва Хитойда дунёдаги энг қадимги динлардан бири- буддизм кенг тарқалади. Бу даврда Олд Осиёдаги кўпгина давлатлари Европа, хусусан Юнонистон ва Рим билан қизғин маданий алоқа боғлайдилар. Бунинг натижасида Тинч океанидан Атлантик океани орасида ўзаро боғланиш шакилланади.

Мил. авв. III-IV асрларда Эрон аҳмонийлари салтанати даврида унинг ҳудуди бўйлаб “шоҳ йўли” таркиб топган эди. Лекин унга қадар Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига бўлган эҳтиёж ҳудудда “лазурит йўли”нинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Бадахшонинг ляпис-лазурити Месопотамия ва Миср подшоларининг саройларини, ибодотхоналарини безашда ва аёлларнинг турли безакларини ишлашда кенг қўлланган. Ана шундай йўлардан бири Ғарб билан Шарқни бирига минг йиллар давомида бир-бирига боғлаб келган “ Буюк ипак йўли” эди. Бу йўлдан орқали Шарқдан-Хитойдан Ғарбга Византияга, Ўрта Осиёга, Яқин ва Ўрта Шарққа шунингдек Мисрга олиб бориладиган савдо моллари, асосан, Хитой ипак маҳсулотлари бўлсада, бу йўл фанга XIX асрнинг 70 йилларида немис олими К.Рехтгофен томонидан “ ипак йўли “ номи билан киритилди. Унга қадар “ипак йўли” “Ғарбий меридиан йўли” деб аталиб келинарди. Шунинг таъкидлаш кераки “ Буюк ипак йўли “ Хитойнинг қадимги маркази Сиандан бошланиб, Марказий, Ўрта Осиё

орқали ўтиб, унинг тармоқлари Ғарбда Миср ва Жанубий Европага кириб борган.

“Буюк ипак йўли” Ўрта Осиё, Олд Осиё, шимолий Африка ва ниҳоят Европа халқлари, умуман бутун шарқ халқларининг иқтисодий, маданий, ҳарбий ва сиёсий ҳаётида жуда катта ўрин тутган.

Маълумки, қадимги шарқ дунёсининг чегараларига яқин ҳудудларда кўчманчи қабилалар кўчиб юрар эдилар. Улар тез-тез Хитой, Ўрта Осиё ва Олд Осиё ҳудудига ҳужумлар, босқинлар уюштириб турганлар. Улар деҳқончилик воҳаларини истило этиб, мил.авв. III ва милодий III асрларда Парфия, милодий I-IV асрларда Қушан салтанатини барпо этганлар.

Бу даврда Қадимги Шарқда суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқхўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривож топади, товар ва пул муносабатлари кенгаяди. Товар-пул муносабатлари ва савдо-сотикнинг ривожланиши муносабати билан йўл ва бекатлар яхшиланиб, уларни мудофаасига алоҳида эътибор берилади. Мазкур даврда Қадимги Шарқнинг ҳамма давлатларида қул ва қулчилик ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Аммо қулчилик Қадимги Шарқнинг ҳамма давлатларида бир хилда, бир даврда кечмаган. Хусусан сўнги Оссурлар подшолиги, Хань подшолиги даврида қулчилик ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.

Аммо Парфия салтанатида қул ва қулчилик унча ривожланмай – патериархал – оддий кўринишига эга бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, Парфияда қуллар бўлган, албатта, чунки қадимги замонда биронта жамият қул меҳнатидан фойдаланмай қолган эмас. Парфияда қуллар хатто қушинда хизмат қилганлар.

Рим тарихчиси Помпей Траг буни кўрсатган ҳолда қуйдагиларни ёзган эди: “Уларнинг қушинлари бошқа қабилаларда бўлганидек, эркин кишилардан эмас, балки кўпчилиги қуллардан ташкил топган. Улар шу қулларни ўз фарзандларидек кўриб тарбиялайдилар, от минишга ва ўқ-ёй отишга ўргатадилар.”

Шуни таъкидлаш жоизки, Искандар бошлиқ юнон-македон кушинлари Аҳмонийлар салтанатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудлари ва Олд Осиёни босиб олгач, Искандарнинг катта майдонни эгаллаган муваққат давлати ташкил топади. Шундан бошлаб мазкур ҳудудларда маҳаллий халқ билан юнон-маданиятининг аралашуви натижасида элдин давлатлари ва маданияти ташкил топади.

Қадимги Шарқнинг таркибий қисми ҳисобланган Ҳиндистонда мил.авв. I минг йиллик ўрталарига қадар йирик, марказлашган давлатлар топиши учун шарт-шароит тўғилмаган.

Худди шу даврда ҳам Ҳитойда марказлашган йирик давлатлар ташкил топдики, улар ҳам подшоларнинг яққа ҳокимлигига асосланган давлатлар эди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу даврда Ҳинд жамиятида аҳоли қатламини каста- табақаларга ажратиш жорий этилган эди.

Мил. I- III асрларга келиб Қадимги Шарқ дунёсидаги Кушон, Парфия, Хитойдаги Хань подшоликлари, шунингдек Рим империяси ҳам инқирозга учраб, қадимги дунё тарихи даври ўз ниҳоясига етган эди, унинг ҳаробалари ўрнида бирин – кетин феодализм – катта ер эгалиги тузуми шаккилана бошлайди.

Маълумки, Қадимги Шарқ халқлари жуда бой моддий ва маънавий маданият яратиб, жаҳон маданиятига ўзларининг буюк хиссаларини қўшганлар, Қадимги Шарқда ёзувнинг ҳамма турлари шунингдек алфавит ёзувлар қўшни мамлакатлар ва халқларига тарқалган.

Қадимги Шарқ дунёсида “Гильгамеш ҳақидаги дoston”, “Синухета ҳикочлари”, пайғамбарлар китоби “Таврот”, “Забур”, “Инжил”, “Ўрта Осиё” ва Эронда “ Авеста”, Ҳиндистонда “ Махабхарата” ва “ Рамаёна” ва бошқа асарлар яратилди.

Қадимги Шарқ ўзининг улкам эҳромлари, қадимги бобилнинг зинапоясимон зиккуратлари – ибодатхоналари, обсерваториялари , урартларнинг қоч устидаги қалъалари, оссур подшоларининг ажойиб

саройлари ва бошқа қадимги шарқ меъморий обидаларининг юксак даражада эканлигини кўрсатади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Қадимги Шарқ халқлари илм-фаннинг табобот, астрономия, тақвим, тарих, география, ер билими зироатчилик, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон маданияти хазинасига ўзларининг улкан, муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Шу боис Қадимги Шарқдан чиққан олимларни жаҳон илм-фаннинг устози аввали дейилса муболаға бўлмаса керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Қадимги Шарқ давлатларидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа жараёнлар ва бошқа содир бўлган ўзгаришлар худуднинг табиий шароити, ишлаб чиқариш усули ва муносабатларидан келиб чиқиб бир муйян даврда эмас биринкетин содир бўлган ва ниҳоясига етган.

Қадимги Шарқ тарихи ва маданиятини синчиклаб ўрганиш ҳар бир талаба ва тарихий ўтмишни ўрганувчи учун катта аҳамиятга эгадир.

Қадимги Миср тарихининг энг муҳим тарихий саналари

1	Мисрнинг Фаюм, Таса ва Бадарийдаги неолит маданияти	М.ав.V минг йиллик.
2	Илк сулолагача бўлган амрат даври, уруғ жамоаси бузилишининг бошланиши	М.ав.IV минг йиликнинг биринчи ярми
3	Иккинчи сулоласи (герзей) даври. Хусусий мулкчилик, табақавий жамият ва мулкий тенгсизликнинг ривожланиши. Мисрда майда давлатлар-номларнинг ташкил топиши.	М.ав.IV минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми
4	Юқори ва Қуйи Мисрни бирлаштирилиши. I-II сулола давридаги илк подшолик даври.	М.ав.XXXI -XXIX асрлар
5	III-VI сулола давридаги Қадимги подшолик	М.ав.XXVI I-XXIII асрлар
6	III сулола. Жосер пирамидаЦининг қурилиши.	М.ав.XXVI II аср
7	IV сулола. Хуфу (Хеопс) ва Хафра пирамидаларининг қурилиши.	М.ав.XXVI I аср
8	Биринчи ўтиш даври. Қадимги Миср подшолигининг инқирози, номларга бўлиниш. Гераклеополь ва Фиванинг ҳукмронлик учун олиб борган курашлари.	М.ав.XXIII аср ўртаси билан XXI аср ораси
9	XI-XIII сулола даврида ўрта подшолик	М.ав.XXI аср ўртаси – XVIII аср
10	XII сулола. Аменепхотем I. Сенусерт III ва	М.ав.XX-

	Аменепхет III давриларида Миср подшолигининг гуллаб-яшнаши.	XVIII асрнинг бошлари
11	Иккинчи ўтиш даври. Халқ қўзғолонлари ва гиксосларнинг Мисрга бостириб киришлари. XV-XVI сулола. Гиксослар ҳукмронлиги.	М.ав.XVIII аср охири- XVII аср.
12	XVIII- XX сулола. Янги подшолик даври.	М.ав.XVI-XI асрлар
13	XVIII сулола. Буюк салтанат даври.	М.ав.XVI-XIV аср ўртаси
14	Тутумос III ва унинг истилочилик ҳарбий юришлари.	М.ав.1490-1436 йиллар
15	Эхнотоннинг бошқарув даври, унинг диний-сиёсий ислохотлари.	М.ав.1365-1348 йиллар
16	XIX сулола. Рамзес II даврида Хетт подшолиги билан кураш. Мисрда ибодатхоналар қурилишининг жадаллашуви.	М.ав.1290-1224 йиллар
17	Миср-Хетт шартномаси.	М.ав.1270 йил
18	XX сулола. Рамзес III даврида “денгиз халқлари” ҳужумининг кучайиши.	М.ав.XII асрнинг биринчи ярми
19	Учинчи ўтиш даври	М.ав.XI-X аср ўрталари
20	Сўнгги подшолик даври	М.ав.X аср ўрталари-VI аср
21	XXI-XII сулола. Ливияликлар бошқарув даври.	М.ав.945-722 йиллар
22	Бекхорис ислохотлари	М.ав.718-712 йиллар

23	XXV Эфиопия сулоласи Миср кушитлар хукмронлиги остида	М.ав.712- 664 йиллар
24		М.ав.671- 655 йиллар
25	Мисрда катта уйғониш даври. XXVI Саус сулоласи даври	М.ав.664- 525 йиллар
26	Финикия денгизчиларининг Африка соҳиллари бўйлаб сузишлари	М.ав.600 йиллар
27	Миср Эрон Аҳмонийлар давлати таркибида. XXVIII-XXX сулола подшоларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари	М.ав.525- 332 йиллар
28	Макадониялик Македониялик Александрнинг томонидан Мисрни истило қилиниши ва мамлакат тарихида эллин даврининг бошланиши.	М.ав.332 йил

Қадимги Месопотамиянинг энг муҳим тарихий саналари

Хаммурапигача бўлган давр воқеалари М. ав. минг йилликлар билан Хаммурапидан бошлаб эса саналар билан белгиланган.

М.ав.VII-V минг йилликлар. Шимолий Месопотамиядаги Жармо, Хассуна ва Халаф неолит даври маданияти даври.

М.ав.V минг йиллик ўрталари IV минг йилликнинг бошлари-”Убейд минг йиллиги” уруғ-жамоа муносабатларининг бузилиши.

М.ав.IV минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми. Урук маданияти. Шумер маданияти-тараққиёти ривожининг шаклланиши. Ижтимоий ўзгаришлар ва илк шаҳар-давлатларининг вужудга келиши. Пиктографик ёзувларнинг пайдо бўлиши.

М.ав.IV минг йиллик охири III минг йиллик бошлари-Жемдей-Наср маданияти.

М.ав. XVIII-XXIV асрлар. Илк сулолалар даври. Шумер шаҳар-давлатларининг ташкил топиши. Миххат ёзувининг пайдо бўлиши.

М.ав. XXIV-XXII асрлар. Месопотамия Аккад ҳукмронлиги остида. Саргон ва саргонийлар сулоласининг бошқарув даври.

М.ав. XXII-XXI асрлар. Шумер ва Аккадни III Ур сулоласи даврида бирлаштирилиши.

М.ав. 1894-1595 йиллар. Қадимгибобил подшолиги даврида Бобилнинг юксалиши.

М.ав. 1792-1750 йиллар. Хаммурапининг подшолик қилган йиллари. Хаммурапи қонунларининг яратилиши.

М.ав. XVI-XIV асрлар. Митанни давлатининг равнақи ва инқироzi.

М.ав. XX-XVI асрлар. Ўрта подшолик даврида Оссурия. Оссур қонунлар тўпламини тузиш.

М.ав. X-VII асрлар. Янгиоссур подшолиги даври. Улуғ Оссур салтанатининг ташкил топиши.

М.ав. 745-727 йиллар. Тиглатпаласар III ҳукмронлиги даври. Қўшинни қайта куриш.

М.ав. 681-669 йиллар. Асархадон бошқаруви даври. Мсирни истило қилиниши. Оссур салтанатининг гуллаган даври.

М.ав. 669-627 йиллар. Ашшурбанипал бошқаруви даври. Ниневия кутубхонасининг барпо этилиши.

М.ав. 612,605 йиллар. ниневияни босиб олиниши ва Оссур давлатининг барҳам топиши.

М.ав. 626-539 йиллар. Бобилнинг кучайиши. Янги Бобил салтанати.

М.ав. 605-562 йиллар. Навуходоносор II бошқаруви даври.

М.ав. 539 йил. Эрон шоҳи Куруш II томонидан Бобилни босиб олиниши. Янги Бобил подшолигининг кулаши.

Қадимги Месопотамия тарихининг энг муҳим тарихий саналари

1	Шимолий Месопотамиядаги Жармо, хассуна ва Халаф неолит маданияти	М.ав.VII-V минг йилликлар
2	“Убейд минг йиллиги” уруғ жамоаларининг емирилишининг бошланиши	М.ав.V минг йиллик ўрталари ва IV минг йилликнинг бошлари.
3	Урук маданияти. Шумер цивилизацияси асосларининг шаклланиши. Хусусий мулк, мулкый тенгсизлик, табақаланишнинг бошланиши ва Месопотамияда илк давлатларнинг ташкил топиши. Пиктографик ёзувнинг пайдо бўлиши.	М.ав.IV минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмлари
4	Жемдет-Наср маданияти.	М.ав.IV минг йилликнинг охири III минг йилликнинг бошлари
5	Илк сулолавий давр. Шумер-шаҳар давлатларининг ташкил топиши. Мих-понасимон хатларнинг кашф этилиши.	М.ав.XXVIII асрнинг бошлари ва XXIV аср.
6	Месопотамия Аккад ҳукмронлиги остида. Саргонийлар сулоласининг бошқаруви.	М.ав.XXIV-XXII асрлар.
7	Шумер ва Аккаднинг Урнинг III сулолалари томонидан бирлаштирилиши.	М.ав.XXI аср охири ва XXI аср
8	Қадимги бобил подшолиги даврида Бобилнинг юксалиши.	М.ав.1894-1595 йиллар

9	Хаммурапи подшолик қилган давр. Қонунлар тўпламининг тузилиши.	М.ав.1792- 1750 йиллар
10	Бобилнинг кассит сулолалари томонидан бошқарилиши.	М.ав.1595- 1150 йиллар
11	Митанни давлатининг юксалиши	М.ав.XVI-XIV асрлар
12	Оссурия. Қадимги оссур даври	М.ав.XX-XVI асрлар
13	Ўрта Оссур подшолиги даври	М.ав.XV-XI асрлар
14	Оссур қонунлар тўпламининг тузилиши	М.ав.XV-XIV асрлар.
15	Янги Оссур подшолиги даври. Оссурияда буюк салтанатнинг ташкил топиши.	М.ав.X-VII асрлар
16	Тиглатпаласар III нинг подшолик даври. Оссур қўшинларини қайта тузиш.	М.ав.745-727 йиллар.
17	Асарадоннинг подшолик йиллари. Мисрни истило қилиниши. Оссурия салтанатининг юксалиши.	М.ав.681-669 йиллар.
18	Ашшурбанипалнинг подшолик даври. Ниневия кутубхонасининг барпо этилиши.	М.ав.669-627 йиллар.
19	Оссурия пойтахти Ниневиянинг кулаши.	М.ав.612 йил
21 0	Бобилнинг юксалиши. Янги Бобил салтанати.	М.ав.626-539 йил.
21 1	Навуходоносор II подшолик қилган даври.	М.ав.605-569 йиллар
21 2	Бобилни Эрон шоҳи Кир II қўшинлари томонидан босиб олиниши ва Янги Бобил салтанатининг кулаши.	М.ав.539-йил.

Кичик Осиё тарихи мамлакатлари тарихининг энг муҳим саналари

1	Чатал-Хююк неолит маданияти	М.ав.VII минг йилликнинг иккинчи ярми VI минг йилликнинг биринчи яримлари
2	Кичик Осиёнинг шарқидаги савдо колониялари-манзиллари	М.ав.XX XVIII асрлар
3	Қадимги Хетт подшолигининг ташкил топиши.	М.ав.XVIII- XVI асрлар
4	Телепеннинг бошқарув даври ва унинг тахт ворислиги ҳақидаги фармони	М.ав.1500 йил
5	Қадимги Хетт подшолигининг заифлашуви	М.ав.XV аср
6	Янги Хетт подшолигининг ташкил топиши. Буюк Хетт салтанатининг барпо бўлиши.	М.ав.XIV- XIII асрлар
7	Миср-Хетт танчлик шартномаси	М.ав.1270 йил
8	“Денгиз халқлари”нинг истилоси ва қудратли Хетт салтанатининг қулаши, барҳам топиши.	М.ав.XII аср
9	Фригия подшолигининг равнақ топиши	М.ав.X-VIII асрлар
10	Лидия подшолигининг юксалиши	М.ав.VII-VI асрлар

11	Крезнинг Эрон шоҳи Кир билан кураши ва Эронийлар томонидан лидияни босиб олиниши.	М.ав.547 йил
----	---	--------------

Қадимги Урарту подшолигининг энг муҳим тарихий саналари

1	Урарту қабилалари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар оссур манбалари	М.ав.VIII аср
2	Пойтахти Тушпа бўлган Урарту давлатининг ташкил топиши.	М.ав.IX аср
3	Аргишти I подшолиги даврида Урарту давлатининг сиёсий жиҳатдан равақ топиши	М.ав.786-764 йиллар
4	Урарту давлатининг заифлашуви ва қулаши.	

Шарқий ва Ғарбий Ўрта аср денгизидаги қадимги давлатларнинг энг муҳим тарихий саналари

1.	Дехқон-чорвадор қабилаларнинг Иерихон маданияти	М. ав. VIII-VII минг йилликлар
2.	Эбла давлати	М. ав. III минг йилликларнинг иккинчи ярми
3.	Угарит шаҳар-давлати	М. ав. II минг йилликларнинг иккинчи ярми
4.	Тир-Сидон давлатининг равақ топиши	М. ав. X – IX асрлар
5.	Дамашқ подшолигининг юксалиши	М. ав. X – IX асрлар
6.	Қадимги яҳудий қабилаларининг Паластин ерларига кириб келиши	М. ав. XIV асрлар
7.	Ягона Исроил-Яҳудий подшолигининг ташкил топиши	М. ав. X аср

8.	Исроил ва Иудиядаги қадимги яҳудий подшолигининг қулаши	М. ав. IX аср
9.	Исроил подшолигининг Осур кўшинлари томонидан тор – мор этилиши	М. ав. 722 йил
10.	Иудея подшоси ИоЦининг диний ислохотлари – монотеизмга (якка худоликка) ўтиш учун қўйилган қадам	М. ав. 622 йил
11.	Иерусалимни бобилликлар томонидан истило қилиниши	М. ав. 587 йил
12.	Қадимги Яҳудий адабиётининг таҳрир қилиниши ва Библия (Инжил) қонунларини тузилиши	М. ав. I минг йилликларнинг иккинчи ярми
13.	Карфаген манзилгоҳининг барпо этилиши	М. ав. IX аср
14.	Карфаген қулдорлик давлатининг юксалиши	М. ав. V аср ўрталари ва III аср
15.	Римликлар томонидан Карфагеннинг тор – мор этилиши ва йўқ қилиниши	М. ав. 146 йил
Арабистон		
16.	Арабистон жанубида илк давлатларнинг ташкил топиши	М. ав. X – VIII асрлар
17.	Сабей подшолиги	М. ав. VI – IV асрлар
18.	Химьярим подшолигининг равақ топиши	М. ав. II аср

Қадимги Хитой тарихининг энг муҳим саналари

1.	Мил авв. V – III минг йилликлар	Янша неолит маданияти
2.	М. ав. XVII – XI асрлар	Шан – Инь даври, илк табақавий

		жамият ва давлатнинг келиб чиқиши
3.	М. ав. XIV аср	Шан тарихининг барпо бўлиши – давлат маркази, “Фол очадиган ёзувларнинг” пайдо бўлиши
4.	М. ав. XI – VIII асрлар	Ғарбий Чжоу даври
5.	М. ав. VIII – III асрлар	Пойтахти Лоян бўлган Шарқий Чжоу сулоласи бошқаруви даври
6.	М. ав. VIII – V асрлар	Чоньцю (Баҳор ва куз) йилномасида давр тахлили
7.	М. ав. VI – V асрлар	Темир қуролларнинг тарқалиши ва ижтимоий – иқтисодий соҳадаги силжишлар, Конфуциянинг ҳаёти ва фаолияти
8.	М. ав. IV – III асрлар	Биринчи “Урушувчи подшоликлар” даври (Чжанго). Пул муносабатларининг тарқалиши
9.	М. ав. 359-350 йиллар	Цинь подшолиги даврида ва Шан Ян ислохоти. Ер ва қулчиликда хусусий мулкчиликнинг ривожланиши
10	М. ав. 221-207 йиллар	Марказлашган умумхитой Цинь сулоласи ташкил топиши. Цинь Шихуана ислохотлари. Улуғ Хитой деворининг қурилиши
11	М. ав. 206 йил милодий 8 йил	Ғарбий Хань сулоласи бошқаруви
12	М. ав. 140-87 йиллар	У – Ди императорининг бошқарув даври. Хань салтанатининг “Олтин даври”. Хунлар билан олиб борилган ғолибона урушлар. Сима Цяннинг “Тарихи

		хотиралари” асари
13	Милодий 9-23 йиллар	Ван Ман император ислохоти
14	Милодий 18-25 йиллар	Қизилқошлар қўзғолони
15	Милодий 25-220 йиллар	Сўнгги (Шарқий) Хань сулоласи бошқаруви. Парфия ва Рим билан дипломатик алоқалар даври. Хитойда буддизимнинг тарқалабошлаши
16	Милодий 184-207 йиллар	“Сариқ рўмоллилар” қўзғалони Хитой салтанатининг тушқинликка учраши, уч подшоликка бўлиниши, Хитой тарихида феодал муносабатларнинг бошланиши
17	М. ав. IV – III асрлар	Хуннлар давлатининг ташкил топиши
18	М. ав. 203-202 йиллар	Саян, Олтой ва Енисейнинг юқори қисмини хуннлар томонидан босиб олиниши
19	М. ав. 200 йилда	Хань императори Лю Баннинг хуннлар устига юриши. Хунн – Хитой сулҳи
20	М. ав. 174-161 йиллар	Хунн – Юэчжи урушлари. Юэчжиларнинг Ўрта Осиёга кириб келишлари
21	М. ав. 133-119 йиллар	Хитой – Хунн урушлари
22	М. ав. 101 йил	Хитой қўшинларининг Давонга (Фарғонага) бостириб киришлари. Эрши қамали
23	М. ав. 99-90 йиллар	Хитой – Хунн урушлари

.		
24	М. ав. 71 йил	Хитой – Хунн урушлари
.		
25	М. ав. 56 йил	Хуннлар давлатининг ғарбий ва шимолий қисимларга бўлиниб кетиши
.		
26	Милодий 87-93 йиллар	Хитойлик ва динликлар иттифоқи қўшинлари томонидан хуннларни тор – мор этилиши
.		
27	Милодий II – IV асрлар	Хуннларнинг ғарбга кўчиши
.		
28	Милодий 434-453 йиллар	Атшилланнинг ҳукмронлик қилган йиллари
.		
29	451 йил	Каталауы жанги бўлиб ўтган уил
.		
30	453 йил	Атшилланнинг вафоти
.		
Қадимги Шарқий ва Жанубий – Шарқий мамлакатларнинг энг муҳим тарихий саналари		
31	М. ав. III аср	Кореядаги биринчи Чосон давлатининг ташкил топиши
.		
32	М. ав. IV – III асрлар	Қадимги Выт давлатлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар
.		
33	М. ав. II аср	Намвьет – Аулак давлатининг равнақи
.		
34	М. ав. I аср	Дастлабки Мон ва Кхмер давлатларининг ташкил топиши
.		
35	Милодий I – IV асрлар	Индонезия ва Малакка ярим оролида илк давлатларнинг вужудга келиши
.		

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998.
2. Геродот. История в девяти книгах / Пер. Г. А. Стратановского. М.; Л., 1972. («Памятники исторической мысли»; репр. 1993).
3. Авдиев В.И. История Древнего Востока. Москва 1948 .
4. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент 1964.
5. Бухарин М. Д., Ладынин И. А., Ляпустин Б. С., Немировский А. А. История Древнего Востока. — М.: Дрофа, 2009.
6. Всемирная история. Государственное Издательства политической литературы Москва. 1955.
7. Гафуров Б.Г, Цибукидис Д.И Александр Македонский и Восток Изд. «Наука». Главная редакция. Восточной литературы Москва. 1980.
8. История Древнего Востока. Под редакцией В.И. Кузищина Москва “Высшая школа” 1979.
9. История Древнего Востока. /Под ред. В.И. Кузищина. М., 2009.
10. История Древней Греции / Под ред. В.И. Кузищина. М., 2008.
11. История Древнего Рима / Под ред. В.И. Кузищина. М., 2008.
12. История Древнего Востока. Москва 1988
13. История Древнего Мира. том I . Москва 1983.
14. История Древнего Мира. том II . Москва 1983.
15. История Древнего Мира. том III . Москва 1983.
16. История древнего Востока. От ранних государственных образований до древних империй. Под ред. А. В. Седова. М., 2004.
17. Қадимги дунё тарихи. II қисм. Ю.С. Крушкол тахрири остида “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент – 1975.
18. Матье М. Э. Избранные труды по мифологии и идеологии Древнего Египта. М, 1996.
19. Матье М. Э. Искусство Древнего Египта. СПб., 2001.
20. Мелларт Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. М., 1982

21. Майоров Н.И. Введение в историю Древнего Востока. Учебное пособие. — Томск: Изд-во Томского университета, 2003.
22. Флиттнер Н.Д. Культура и искусство Двуречья и соседних стран. М-Л., 1958 год
23. Перепелкин Ю. Я. История Древнего Египта. СПб., 2000.
24. Тураев Б. А. Египетская литература. СПб., 2000.
25. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. “Фан ва техника нашриёти “. Тошкент, 2009.
26. Чеккосова Е.А, Редер Д.Г. Қадимги дунё тарихи. “Ўқитувчи “ нашриёти. Тошкент 1974.
27. Этнография. Под редаксии Ю.В. Бромлея и Г.Е. Маркова. Москва «Высшая школа» 1982.

Глоссарий

Ахурамазда – яхшилик, ҳақиқат ва одиллик худоси.

Ахри-Маню – зулмат, ўлим ва ёмонлик келтирувчи худо.

Атон – янги подшолик давридаги ягона куёш худоси.

Амон – Ра – янги қуёш худоси.

Ашшур худоси – овчилик ва чорвачиликнинг ҳомий-маъбудиди.

Атхарведа – афсунгарлик формуласи тўплами.

Бел-пикиттилар – топшириқларини ижро қиладиган махсус амалдорлар.

Гиксос – сўзи аслида мисрча бўлиб, “хека хасут” деган сўздан келиб чиққан бўлиб, бу сўз “чўпонларнинг ҳокимлари”, “чўл мамлакатининг ҳукмронлари” деган маънони билдирар экан.

Димтулар – катта оилали уй жамоалари.

Иншушинак – Суза шаҳри ҳомийси ер ости худоси.

Марьянни – аравачи-зодагонлар.

Месопотамия – икки дарё оралиғи деган маънони англатади.

Мушкенумлар – доимо подшо хўжаликларида ишловчилар.

Петроглиф – қоя тош расмлари.

Панкус – ҳарбийлар йиғини.

Регведа – диний мадҳиялар тўплами.

Самаведа – қўшиқлар тўплами.

Тамқарлар – савдо иши билан шуғулланадиганлар.

Тулия – оқсоқоллар кенгаши.

Уту – Қуёш худоси (аккад мифологиясида Шамаш деб аталган).

Наннар – ой худоси бўлган (аккад тилида Син номи билан машхур бўлган)

Нахунт – қуёш ва адолат худоси.

Хазанну – қишлоқ бошлиғи, амалдор.

Хронология – бу юнонча “chronos” (вақт), “logos” (билим, тушунча) деган маънони билдиради.

Шодуф - сувни юқорига узатишнинг энг қадимги қўл усули Миср типи.

Шумер ёзуви – ёзув суратли бўлиб, айтилмоқчи бўлган сўз ва иборалар расмлар, белгилар орқали ифода этилган. Бу иероглиф ёзувлари дейилган.

“Фаллоҳлар” – озод Миср деҳқонлари.

Фетишизм– ибтидоий қабилалар худо деб билган нарсалар, одамлар сўзсиз ва кўр-кўрона топинадиган, худо даражасига кўтарилган нарса, буюм, масалан, пул фетишига сиғинишдир.

Эхнатон – “Қуёш шуъласи” демакдир.

Эн – шаҳар-давлат.